



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

2

1988

57 -йил чиқиши.

Бош редактор

**Ўткир ҲОШИМОВ**

Редколлегия:

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ**

**Самд АҲМАД**

**Мурод МУҲАММАД ДУСТ**  
(бош редактор ўринбосари)

**Омон МУХТОРОВ**

(проза бўлими мудири)

**Умарали НОРМАТОВ**

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА**

**Хайриддин СУЛТОНОВ**

**Зоя ТУМАНОВА**

**Туроб ТУЛА**

**УЙҒУН**

**Ўлмас УМАРБЕКОВ**

**Носир ФОЗИЛОВ**

(масъул секретарь)

**Тўлапберган ҚАЙПБЕРГЕНОВ**

**Азиз ҚАЮМОВ**

**Ҳамид ҒУЛОМ**

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

# УШБУ СОНДА



*Бир дарахт  
новдалари*



**Ибройим ЮСУПОВ**

**БУЛБУЛ УЯСИ**

**Достон**

Нозик гул ифори тутган кунларда,  
Елғиз кезар эдим боғларга чиқиб,  
Усмир кўнглим тусаб аллакимларди,  
Тинглардим булбуллар куйин интикиб...



*Наср*

**ЧУЛПОН  
КЕЧА ВА КУНДУЗ**

**Роман**

...наsr тилини тарашлашни мен бошлаб  
Горькийдан ўргандим. У, менинча, ўзи  
ишлатадиган тилни жуда яхши кўради, уни  
ҳар қандай камчиликдан озода ҳолда  
кўрмак истади. Узимнинг «Кеча ва кун-  
дуз» номли романимда мен ҳам шу буюк  
услубнинг унумли таъсирини доим сезиб  
турдим.



*Шеърлар*




**Қамбар УТАЕВ**

**УЗГАЛАРНИНГ БАХТИ  
ЖОНИНГДА ТУРСИН**

**Шеърлар**

Тинчлик деб, курашгин,  
Дўстлик деб, кураш.  
Курашгин халқ бағри бўлсин деб бутун.  
Жаҳонга тенг хизмат қилсин деб қуёш,  
Курашгин жамики эзгулик учун!..



Э. Воробьев,

генерал-лейтенант, Қизил байроқли  
Туркистон ҳарбий округи қўшинлари  
қўмондонининг биринчи уринбосари

## СОЦИАЛИЗМ ВА ТИНЧЛИК ПОСБОНИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли дунёга келган Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки кунлариданоқ КПСС XXVII съездида таъкидланганидай «душман бўлган капиталистик қуршовнинг шиддатли ҳужумларига, кўпдан-кўп ҳарбий ва сиёсий ифвогарликларга дуч келди». Ички контрреволюция ва халқаро империалистик реакция ишчилар ва деҳқонлар давлатини зўравонлик билан йўқ қилишга интилди. В. И. Лениннинг «ҳар қандай революция ўзини ўзи ҳимоя қила олган тақдирдагина бирор нарсага арзийдиган революция бўла олади» деган фикри тасдиқланди. Революция ютуқларини сақлаб қолиш учун қуролли кураш объектив зарурат бўлиб қолди. Социалистик давлатнинг қуролли кучларини яратиш амалий вазифага айланди. 1918 йилнинг таҳликали февраль кунларида Совет Армияси ва Флоти дунёга келди. Ишчи-деҳқон Қизил Армиясини ташкил этиш тўғрисида 1918 йил 15(28) январда ва Қизил Флотни ташкил этиш тўғрисида 29 январда (11 февралда) эълон қилинган ленинча декретлар асосида дастлабки революцион полклар ва отрядлар тузилди.

Коммунистик партия В. И. Ленин раҳбарлигида тарихда биринчи марта янги социалистик типдаги армияни яратди. Пролетар давлати қуролли кучларини тузиш бўйича ленинча ғоялар ва принциплар унинг ташкилий ва жанговар фаолияти асосига қўйилди. Бу армия халқ вакиллари-дан ташкил топди, у билан мустаҳкам боғлиқ эди, меҳнаткашларнинг туб манфаатларини, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга даъват этилганди. Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 15 (28) январдаги декретига «Қизил Армияга ўз куч-қувватини, ҳаётини Октябрь революцияси ютуқларини, Совет ҳокимиятини ва социализмни ҳимоя қилишга бахш этишга тайёр турган ҳар бир киши кирди», деб ёзилган эди.

Қизил Армия уч йиллик қонли жангларда ички контрреволюция ва империалист босқинчиларнинг кўп сонли армиясини тор-мор қилди, Улуғ Октябрь ютуқларини сақлаб қолди. 1920 йилнинг охирида Советлар Республикаси беш миллиондан кўпроқ Қуролли Кучларга эга эди.

Улуғ Октябрь ғалабаси Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари тақдирда ҳам туб ўзгаришлар ясади: Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатилди ва ривожлантириш туб аҳолининг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тартиби шакллари қолақлиги сабаблигина эмас, балки барча аксилинқилбобий кучлар билан иттифоқ тузиб турмушда социалистик ўзгаришлар қилинишига қарши ошкора кураш олиб борган феодалларнинг чексиз ҳукмронлиги сабабли ҳам мураккаблашди.

Бу вазият Совет Туркистонининг қуролли кучларини яратиш заруратини тақозо этди. 1917 йилнинг декабрида Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Ашхобод шаҳарларида ва Туркистоннинг бошқа районларида дастлабки Қизил Армия отрядлари тузилди. Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 4 майда В. И. Ленин имзо чеккан декретига биноан Туркистон ҳарбий округи тузилиб, у ўлкадаги ҳарбий кучларни ташкилий жиҳатдан бирлаштирди.

Туркистонлик жангчилар душман кучларнинг кўплаб ҳужумларини қайтардилар. Уларнинг бойлар ва руҳонийлар, маҳаллий буржуазия ва чет эл босқинчиларининг ҳукмронлигини тиклаш бўйича режаларини йўққа чиқардилар.

Туркистон республикаси қўшинлари бошида донг таратган пролетар лашкарбошиси М. В. Фрунзе ва партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби В. В. Куйбишев турди. М. В. Фрунзе Туркистон fronti қўшинлари қўмондони сифатида Урта Осиёда Совет ҳокимиятини қарор топтириш, меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатини муваффақиятли равишда ҳаётга тадбиқ этиш, Туркистон ўлкасида социалистик ўзгаришларни амалга ошириш учун кўп иш қилди.

Туркистон республикасининг Қизил Армиясини мустаҳкамлашда, Урта Осиёда контрреволюция ўчоқларини ва босмачиликни тугатишда М. В. Фрунзенинг жанговар сафдошлари: Туркистондаги Совет ҳокимияти учун жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун уч марта Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган бригада комиссари Я. А. Мелькумов, Туркистон fronti штабига бошчилик қилган генерал Ф. Ф. Новицкийнинг хизматлари буюқдир.

СССРда социализм қурилиши мураккаб шароитларда амалга оширилди. Империализм Совет Иттифоқига янги ҳужум режаларини тузаётганди. Шу боисдан Коммунистик партия, совет халқи сезгирликни бўшаштирмадилар, мамлакат мудофааси масалаларига эътиборни кучайтирдилар. Армия ва Флот ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ҳарбий ислоҳот амалга оширилди. Советлар мамлакатининг Қуролли Кучлари янада мустаҳкам ва жанговар бўлиб қолди. 1927 йилда унинг сафларида 90,5 мингга яқин коммунист бор эди.

Мамлакат индустриалаштирилганлиги натижасида Совет давлати қудратли саноат давлатига айланди. Қишлоқда коллективлаштириш амалга оширилганлиги қишлоқ меҳнаткашининг ҳаёт тартибида туб бурилиш ясади. Маданий революция саводсизликни тугатди, Совет зиёлиси шаклланди.

Миллий масала ҳал этилганлиги — социализмнинг муҳим ютуғидир. ССР Иттифоқининг юзага келиши, озода, тенг ҳуқуқли Совет Социалистик Республикаларининг ихтиёрий равишда ягона давлатга бирлаштирилганлиги Ватанимизнинг социал-иқтисодий ривожланиши учун кенг майдон очди, унинг империалистлар агрессиясидан ҳимояланиш имкониятларини кўп мартаба оширди.

Агрессия хавфи 30-йиллар охирида, Гитлер Германияси бошчилигидаги фашист давлатлари очқиқчасига ҳарбий босқинчилик йўлига ўтиб, социализмни йўқ қилишни мақсад қилиб олганида айниқса ўсди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фашистлар агрессия қилиши мумкинлиги ва муқаррарлигини олдиндан билдилар, халқаро воқеалар ривожланиши мумкин бўлган йўналишларни тўғри белгиладилар. Шунга мувофиқ равишда мамлакат ва халқни мудофаага, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга плани ва ҳар тарафлама тайёрлаб борилди. Буни социализмга синфий нафрат туфайли кўзи кўр бўлиб қолган реакцион буржуазия коммунизмга қарши салб юришида фашизмга асосий зарбдор отряд бўлиш вазифасини топширган ўша йилларнинг ачиқ ҳақиқати тақозо этганди. «СССР коллектив хавфсизлик системасини барпо этиш ва бутун жаҳон қирғинининг олдини олиш учун кўп иш қилди. Аммо Ғарб сиёсатчилари ва сиёсатдонлари Совет ташаббусларини маъқул топишмади, улар совуққонлик билан социализмни уруш алангасига устамонлик билан тортиш, уни тўғридан-тўғри фашизм билан тўқнаштириб қўйиш ниятида бўлдилар», — деди М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда.

Социалистик экономика асосида Ватанимизнинг мудофаа индустриyasi яратилди ва ривожланиб борди. Фақат иккинчи беш йиллик мобайнида унинг ялпи маҳсулоти қарийб уч боробар ўсди. Авиация саноати, танксоzлик ва кемасозлик жадал суръатлар билан ривожланди. Бу армия ва флотни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш имкониятини берди. 1939 йилнинг ўрталаридан Совет Қуролли Кучларини кучайтириш ва қайта ташкил этиш бошланди. Уларнинг миқдори 1941 йилнинг июнида қарийб икки баробар ўсиб, 5 миллион кишидан ортиб кетди.

Армия ва флотда партиявий-сиёсий ишлар такомиллаштирилди. Шахсий составнинг жанговар ва сиёсий ўқуви, совет жангчиларининг бутун ҳаёт тартиби «жангчилар урушда зарур бўладиган нарсаларга ўргатилсин», шiori остида қайта қурила бошланди. Булар ҳаммаси Ишчи-деҳқон Қизил Армияси ва Қизил Флоти қувватини анча ўстириш имконини берди.

Бироқ вақт етишмаганлиги сабабли планлаштирилган мудофаа тадбирларини тўла ҳажмда амалга ошириш мумкин бўлмади, лекин қисқа муддатларда социалистик ютуқларимизни ҳимоя қилиш учун ҳал қилувчи омилларни яратишга улгурдик.

Улуғ Ватан уруши совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари учун оғир синов йиллари бўлди. «Бизга қарши қилинган агрессия социалистик тузумнинг ҳаётийлигига, кўп миллатли Совет давлатининг мустаҳкамлигига, совет кишиларининг ватанпарварлик руҳининг қудратига қаттиқ имтиҳон бўлди, — деди ўртоқ М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда. — Бу имтиҳондан биз ўт ва қилич билан ўтдик, ўртоқлар». Бутун совет халқи бир ёқадан бош чиқариб Ватан ҳимоясига отланди. Умумхалқ, Ватан уруши авж олиб кетди. Мамлакат ичкарасида фронт учун қизгин меҳнат давом этди, жанговар резервлар тайёрланди, меҳнаткашлар ўртасида ҳарбий тайёргарлик кенг қулоқ ёйди.

Душманга қарши кураш натижаси эса жанг майдонида ҳал бўлди. Шу сабабли Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосий фаолияти Совет Қуролли Кучларининг ҳарбий қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳарбий-ташкilotчилик вазифаларини амалга оширишга қаратилди.

Партия Марказий Қомитети маҳаллий партия, совет ташкilotлари ва ҳарбий комиссариатлар билан ҳамкорликда кенг миқёсдаги ҳарбий сафарбарлик ишларини қулоқ ёйдирдилар. 1941 йилнинг июль ойи бошида Қуролли Кучлар сафига 5,3 миллион совет граждaнлари чиқарилди. Минглаб кишилар Қизил Армия сафига кўнгли равишда қўшилдилар. 1941 йилнинг охирида мамлакатда кўплаб ўқчи дивизия, ўқчи ва танк бригадаси тузилди. Бу армия ва флотни тез кучайтириш, уларнинг ҳарбий имкониятларини анча ошириш ва пировард натижада душманнинг планларини барбод қилиш имконини берди.

Москва остонасидаги катта жанг урушининг биринчи йилидаги асосий воқеа бўлди. Бу ерда 1941 йилнинг қишида Қизил Армия немис-фашист қўшинларининг миллион нафардан ортиқроқ бўлган группировкасини тор-мор этди. Иккинчи жаҳон уруши давомида биринчи марта гитлерчи қўшинларнинг энгилмаслиги ҳақидаги афсона чиппакка чиқарилди. Фашистлар ҳарбий-сиёсий раҳбарлигининг «яшин тезлигидаги уруш» доктринаси тўла барбод бўлди. Москва остонасидаги ғалаба Улуғ Ватан уруши давомидаги туб бурилишни бошлаб берди. Бутун дунё Совет давлатининг мустаҳкамлигига, армиясининг юксак жанговарлик қобилиятига, совет кишиларининг маънавий-сиёсий жипслигига ишонч ҳосил қилди. Москва яқинидаги Дубовское разъездида айtilган: «Россия бeпoeн, лекин чекинадиган ер йўқ — ортимизда Москва!» сўзлари қасамддай жанглангди. Москвага чексиз муҳаббат туфайли шаҳар мудофааси — умумхалқ ҳаракати тусини олди.

Бутун совет халқи Москванинг мардона ҳимоячиси бўлди. Тошкентда бўлиб ўтган 300 минг кишилик митингда ўзбек халқи номидан шундай дейилди: «Фашистлар галаси, қутурган йиртқичлар сингари гўзал Ватанимиз юрагига ҳамла қилмоқда. Талончилик ва қонхўрлик истаги билан маст бўлган одамхўрлар Совет Иттифоқи пойтахтини топтамоқчилар. Бу ҳеч қачон амалга ошмайди. Биз улуғ рус халқи билан биргаликда жонажон шаҳарни сўнгги томчи қонимиз қолгунича, охири нафасимиз чиққунича ҳимоя қилишга тайёрмиз». Москва остонасида Ўзбекистондан борган 21-ва 44-кавалерия дивизиялари жанг қилди. 8-гардиячи панфиловчи дивизия жангчилари сафида кўплаб ўзбекистонликлар бор эди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўнвонига сазовор бўлган, наманганлик А. Раҳимов, офицерлар К. Каримов ва А. Мирзаев, журналист А. Абдуллаев, ўзбек



халқининг қизи Зебо Ғаниева ва бошқа кўплаб кишилар катта мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар.

Сталинград жангида фашист қўшинларининг тор-мор этилиши фақат совет-герман фронтда эмас, балки бутун иккинчи жаҳон урушидаги жанговар ҳаракатнинг боришини ўзгартириб юборди. Бу жангда вермахт 1,5 миллионга яқин солдат ва офицеридан, яъни фронтдаги қўшинларининг тўртдан бир қисмидан айрилди. Сталинград жанги Гитлернинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш режасини таг-томири билан йўққа чиқарди.

Совет қўшинларининг 1943 йилнинг ёзида Курск ёнидаги ғалабаси фашистлар қўмондонлигининг стратегик вазиятни ўз фойдасига ўзгартириш учун сўнгги уринишини барбод қилди. Фашистлар армияси фалокат жари ёқасига олиб бориб қўйилди. Курск жанги ва Днепрдаги жанг Улуғ Ватан уруши ва бутун иккинчи жаҳон урушининг боришидаги туб бурилишни ниҳоясига етказди.

Агрессорни тўла тор-мор этиш учун Қизил Армиянинг умумий ҳужуми кенг қулоч ёйди. Фашистлар Германияси 1945 йилнинг 8 майда сўзсиз таслим бўлди. Квантун армияси тор-мор этилганидан сўнг 1945 йилнинг 2 сентябрида милитаристик Япония қуролини ташлади ва енгилганлигини тан олди.

Совет Қуроли Кучлари ўзининг социалистик Ватани мустақиллигини ҳимоя қилиб, Европа ва Осиё халқларини қулқатдан сақлади. Совет халқи ва унинг қўшинлари ватанпарварлик ва интернационал жасорат кўрсатдилар.

Коммунистик партия ғалабамазининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди. КПСС ўзининг асосий кучларини фронтга ташлади. Уруш йиллари Қуроли Кучларга бир миллион 640 минг коммунист сафарбар этилди. 1945 йилнинг бошида армия ва флотда 3 миллион 325 мингга яқин коммунист ёки жами партия аъзоларининг қарийб 60 проценти бор эди.

СССР халқлари дўстлиги, қардош халқларнинг жанговар жипслиги Гитлер Германияси устидан қозонган ғалабамазининг манбаларидан бири бўлди. Тарихда биринчи марта мамлакатнинг кўп миллатдан иборатлиги унинг ожизлиги манбаидан кучи ва равнақи манбаига айланди.

Совет Иттифоқ маршали И. Х. Баграмян шундай деб ёзган: «Ғалабамазининг манбалари ҳақида фикр юритганда, Улуғ Ватан уруши тарихида совет ватанпарварлиги ва СССР халқларининг жанговар қардошлиги намоён бўлмаган биронта ҳам жанг йўқлиги ҳақида ўйлайсан... Заполярёдан Новороссийскача чўзилган улкан фронтда Ватанимизнинг барча халқлари жангчилари елкамаелка турдилар. Улар фашизмнинг қора кучларига қарши қаҳрамонона кураш йўлини мустаҳкам жипслашган ҳолда босиб ўтдилар».

Реакцион буржуазия тарихчилари тарихий фактларга зид равишда партиянинг миллий сиёсатига, СССР халқларининг жанговар ҳамкорлиги ва матонатига тўхмат қиладилар. Гўёки Совет ҳокимияти миллий чекка ўлкаларда найза ёрдамида ўрнатилган, деган фикр бўхтондир. Бу ҳокимиятни мамлакатимизнинг барча халқлари қон тўкиб қўлга киритганлар. 1919 йил бошида Қизил Армия сафларида 50 минг нафардан ортқ мусулмон жанг қилган. Улуғ Ватан уруши йиллари Ватанимиз ҳимоячилари сафида Урта Осиё ва Қозоғистондан борган 3 миллионга яқин йигит қатнашди. Чинакам тарихий ҳақиқат шундан иборатки, СССРнинг барча халқлари жипслашиб Улуғ Октябр ютуқларини ҳимоя қилдилар.

Сўх кишлоғидан Халил Ҳошимов мана 45 йилдирки, ўзбеклар учун одатдагидек бўлмаган русча фамилияга (Мельников) эга... 1941 йилнинг ноябрида Буг дарёсининг ўнг соҳилида капитан Мельниковнинг ротаси душманнинг устун кучлари билан жанг олиб борарди. Рота командир оғир ярадор бўлди. Қизил армиячи Ҳошимов уни 8 километрга кўтариб борди. Лекин яраси оғир эди. Халил командирининг «Мельниковлар сулоласи тугади», деб айтган сўнгги сўзларига жавобан шундай деди: «Мен сизнинг фамилиянгизни оламан». Сержант Халил Мельников Смоленск, Бобровици, Старая Русса учун бўлган жангларда қатнашди. 1945 йилда партия аъзоси бўлди. Урушда яраланиб, узоқ вақт даволанди. Урушдан кейин капитан Мельников ички ишлар органларида 27 йил хизмат қилди.

Ленинград остоналарида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўзбек жангчиси Қайом Раҳимовнинг мактуби оташин ватанпарварлик, Советлар мамлакатига чексиз садоқат туйғуларига тўладир: «Ҳаёт — бу Ватан демократ — дейди у — Ватан эса — бу менинг оилам, менинг шон-шавкатим, менинг мамлакатим. Фашистлар Совет мамлакатига бостириб кирганида соф виждонли ҳар бир ўзбек ўзига-ўзи шундай деди: «Олга бориб душманни яқсон қил, ўз ишларингни, оилангни ҳимоя қил. Шундай қилиб мён Ленинградга келдим. Москвадасиз, Ленинграддасиз, Совет Россиядасиз, Ўзбекистонни тасаввур этолмайман!...»

СССР Қуроли Кучларининг асосий ўзагини ташкил этган рус миллатига мансуб жангчилар билан бир сафда мамлакатимизнинг барча халқлари вакиллари жанг қилдилар. Улар қаторида Урта Осиё ва қозоғистонлик жангчилар ҳам социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида мислсиз қаҳрамонлик, Ленин партияси ишига чексиз садоқат намуналарини кўрсатдилар.

Брест қалъаси мудофаачилари сафида 131-артиллерия полкининг оддий солдати, қозоқ Иван Кузнецов ҳам бор эди. Урушнинг дастлабки соатларида у белига гранаталарни боғлаб, ўзини душман танки остига ташлади ва фашистларнинг олға ҳаракат қилишини тўхтатиб қўйди. Рус фамилиясидаги бу қозоқ йигит ким эди? Таҳликали 1920 йилда Семиречёеда советларга қарши исёнлар давом этаётганди. Жанглардан бирида қизил аскар, Нуриддин исмли қозоқ қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Орадан кўп ўтмай унинг оғир бетоб ётган хотини ҳам вафот этади. Рус аёли Ирина ва унинг эри Григорий Кузнецовлар улардан қолган болани асраб оладилар. Бола уларнинг фамилиясига ўтади.

Октябрь социалистик революцияси халқларнинг буюк қардошлигига пойдевор қўйди. Бу қардошлик революцион жангларда тўғилиб, Ватанимизнинг кўпмиллатли ўғил ва қизларининг қони билан мустаҳкамланиб, душманларимиз йўлида ўтиб бўлмас овға айланди.

Лейтенант М. Қабрибов командирлик қилган интернационал взводнинг жанговар ишлари ҳақида матбуотда кўп ёзилган. Волга бўйидаги жанглар пайтида бу бўлимага 115/2 тепаликни эгаллаш топширилганди. Жангчилар бу тепаликка тўрт кун ҳужум қилдилар. Уни эгаллашларида эса фақатгина 11 киши тирик қолганди. Булар ўзбеклар А. Эрдонов, Д. Аҳмедов, С. Файзиёв, А. Ҳайтов, С. Мардонов, Б. Алибеков, С. Тлепов, Т. Хузин, қозоқ Б. Гайаров ва командир, озарбой-

жон М. Кабрибов эди. Фашистлар қўлдан кетган тепаликни ишғол қилиш учун кетма-кет ҳужум қилдилар. Лекин взвод жангчилари бу ҳужумларни муваффақиятли қайтариб турдилар. Ниҳоят, фашистлар бир сиқим мардларга қарши 300 нафарга яқин солдат ва офицерни ташладилар. Тепалик ҳимоячилари ўринларидан жилмадилар. Улар «Уламыз, лекин таслим бўлмаймиз!» деб қасам-ёд қилдилар. Энг сўнгги ўқлари қолгунча душманга қарши мардона кураш олиб бордилар. Ўзбек, қозоқ, озарбойжон халқлари вакилларининг қони тўкилган ер «Шарқлик ўн бир қаҳрамон тепалиги» деган ном олди.

Совет Иттифоқи урушдан сиёсий жиҳатдан янада кучли бўлиб чиқди, унинг халқаро обрўси беқиёс ўсди. Урушдан кейинги йилларда Совет Қуроли Кучлари ташкилий жиҳатдан қайта қурилди ва унинг жанговар қудрати ўсди. Қисқа муддатларда армия ва флот ядро қуролига эга бўлди. АҚШнинг атом монополияси тугатилди.


Совет экономикасининг, фани ва техникасининг муваффақиятлари ракета қўшинларини, атом сув ости флотини ва стратегик авиацияни яратиш имконини берди. Армиянинг ташкилий структураси, жангчиларни ўқитиш ва тарбиялаш тажрибаси такомиллаштирилди.

СССР Қуроли Кучлари бугунги кунда қардош социалистик мамлакатлар армиялари билан биргаликда совет халқлари, унинг дўстлари ва иттифоқдошларининг тинч яратувчилик меҳнатини ҳимоя қилиб турибди.

Совет қўшинлари ўзларининг 70 йиллигини социалистик жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олган қайта қуриш вазиятида кутиб оляпти. Армия ва флотда ҳарбий маҳоратни ошириш жадал давом этяпти. Ҳарбий таълим қайта қуриш талаблари, даврнинг юксак вазифалари руҳида ташкил этиляпти.

Коммунистик партия тинчликсевар яратувчилик сиёсатини амалга ошириб, халқаро муносабатларнинг мураккаблиги ва кескинлигини ҳисобга оляпти.

Партия социализм ютуқларини ҳимоя қилишнинг қаттиқ заруратини ҳисобга олиб янги таҳрирдаги ўз Программасига шундай деб ёзиб қўйди: «Ҳар бир коммунист, ҳар бир совет киши мамлакат мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлаб туриш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилиши шарт. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, Қуроли Кучлар сафларида хизмат қилиш — СССР гражданининг фахрли вазифаси ва муқаддас бурчидир».



Муҳаммад Али

## РАМАЯНА ОҲАНГЛАРИДА

(Туркумдан)

### Ажал ҳақида афсона

Ер юзида билмасдилар  
Улимни бир замонлар,  
Гуноҳкор йўқ, ҳамма бахтли,  
Дориламон давронлар...  
«Олтин аср» оғушида  
Яшар фараҳда жаҳон,  
Ажал номин эшитмаган  
Биронта ҳам тирик жон.  
Туғилиш бор, кўпайиш бор,  
Улмоқ эса йўқ эди,  
Бора-бора Замин юзи  
Одамга тўлиб кетди.  
Чидай олмай Замин охир  
Елворди: «Тингла оҳим,  
Шунча юкни кўтармакка  
Қурбим етмас, Бароҳим!  
Бир-бировин алдаюрлар,  
Елкамда иллат юки,  
Бир-бировга зулм этурлар —  
Залолат, зиллат юки...  
Ҳасад гули ғунча очиб,  
Таратадур бўйи бад,  
Ғийбат-ғараз маломатин  
Кўтаролмам оқибат.  
Қабоҳатдан нафас олиб  
Бўлмас, ҳаллоқи олам,  
Елғиз ўзи учунгина  
Яшамаган одам — кам...  
Елғончи: «Рост сўзим!» дейди,  
Оқиллари таъзимда,

Кулиб туриб бир-бировин  
     Пайин қирқади зимдан.  
 Бекорчилар уя курди,  
     Урчиб кетди айёрлар,  
 Текин томоқ, майпарастлар,  
     Мунофиқу бадкорлар...»  
 Чўнг хаёлга чўмди шунда  
     Бу оламнинг ҳаллоқи,  
 Ғужғон урган фикру ўйдан  
     Тебранди фалак тоқи.  
 Замин юкин енгил қилмоқ  
     Чорасин топмай, ажаб,  
 Вужудидан самовотга  
     Пусқурди қаҳру ғазаб.  
 Ғазаб ўтга айланди-ю,  
     Ошиб ўтди сарҳадлар,  
 Еру само ёнди, ёнди  
     Жаҳоний мамлакатлар.  
 Гандҳарвлару асурлару  
     Нағлару жониворлар,  
 Охир замон келди дея  
     Оҳ-фиғон айлаюрлар,  
 Шунда Шива, вайрон руҳин  
     Дилда тутгувчи ошкор,  
 Бароҳимга яқин келди:  
     «Қаҳр этма, парвардигор!  
 Тил-забонли махлуқларинг  
     Йўқотмагин бус-бутун,  
 Ҳаёт шаъми сўнар эса,  
     Хароб бўлғуси очун!  
 Сен одамга ҳуқуқ бер, ул —  
     Туғилсин, яшаб, ўлсин...  
 Аммо авлод-аждоди-ю  
     Насли тугамас бўлсин!»  
 Шива — вайрон худосининг  
     Сўзи янграган ҳамон,  
 Бароҳим ҳам қаҳрин тийди —  
     Утлар ўчди ҳар томон...  
 Сўнг... Бароҳим вужудидан  
     Чиқиб келди бир аёл,  
 Кўзлари тим қорадир, нақ —  
     Тун олар ундан мисол.  
 Нилуфардан баргак бошда,  
     Эгнида қизғиш кийим,  
 Улим каби борар ҳорғин,  
     Аёлга дер Бароҳим:  
 «Ажал! Боргил, қирон солгин,  
     Тирик жон, махлуқ аро,  
 Сен — оламни йўқ айласам,  
     Деган ўйдан бўлдинг жо!  
 Телба дема, доно дема —  
     Нобуд эт барчасини!»  
 Алам ила тебратаркан  
     Нилуфар баргагини,  
 Бароҳимнинг сўзларидан  
     Зор-зор йиғлади Ажал,  
 Унинг аччиқ кўзёшларин  
     Кафтига йиғиб тугал,  
 Томчисин ҳам ерга ҳатто  
     Туширмади Бароҳим.

Ажал эса зорилларди  
 Бош эгганча: «Паноҳим!  
 Караминг-ку улуг, мени  
 Адойи тамом этма,  
 Хароб этма, пешонамга  
 Бундайин қисмат битма!  
 Қандоқ қилиб олай, ахир,  
 Бегуноҳлар жонини?  
 Қандоқ пайхон айлай  
 Кекса, ёш умр бўстониини?  
 Уғлин олиб, оталарнинг  
 Қанотини қайирай,  
 Не юз билан ошиқларни  
 Маъшуқидан айирай?  
 Қандай қилиб фарзандларни  
 Қолдирай тирик етим?  
 Ахир, мен ҳам эзгу ўйга,  
 Орзуларга ғарқ эдим.  
 Гар одамлар жонин олсам,  
 Қолганлар қарғар мени,  
 Наҳот яна тоширарман  
 Кўзёшлар уммонини?!  
 Бу кўзёшлар кўзёш эмас,  
 Чак-чак томган бир олов,  
 Ҳар томчиси бағрим тешар...  
 Тафтига дил бермас дов!»  
 Бароҳим дер: «Сўзларингга  
 Олам ҳайрон қолмоқда,  
 Ажал, билгил: бир умрга —  
 Толеинг — «жон олмоқ»да!»  
 Кўзларини ерга қадаб,  
 Лом-мим демади Ажал  
 Ва тириклик оламига  
 Юз бурди абад-азал.  
 Бароҳимнинг кафтидаги  
 Ажалнинг кўзёшлари  
 Турфа дарду касалликка  
 Айланди бари-бари...  
 Улим фаслин келтирурлар  
 Улар инсонга фақат,  
 Инсон завку иллатларга  
 Қул бўлибди, оқибат, —  
 Мангуликка ёндош умрин  
 Улим айлайди барбод!..  
 Нафрат, меҳр туйғулари  
 Шу важдан Ажалга ёт,  
 Ерда ўлим бўлмас эди, —  
 Бузилган имон сабаб,  
 Эҳтиросин тиёлмаган  
 Тийиқсиз инсон сабаб!

## Хиёнат қиссаси

Эзгулик, ёвузлик — дўст бўлганми ҳеч?  
 Утга сув жонажон, ўз бўлганми ҳеч?

Худолар подшоси Индра раъдвор,  
 Асурлар яктоси Намучи ғаддор,

Иккиси дўст бўлди бир тану бир жон,  
Ўртада Мерудай<sup>1</sup> қойм аҳд-паймон.

Икки дўст қасамёд қилдилар қаттиқ:  
«Зинҳор бир-бирова тиф солмаймиз, тиф.

На сув, на қуруқда, на тун, на кундуз,  
Дўстга найза отсак қаро бўлсин юз!

На қуруқ қуролу ва на ҳўл яроғ —  
Дўстга ўқталгандан синса яхшироқ!

Уч олам ҳайратда лол қолсин биздан,  
Садоқат бобида қароримиздан!»

## II

Аммо илон доим илон экан-да!  
Заҳар солмоқни ҳеч этолмас канда.

Ҳайҳот, яхшилиқни сира олмас тан,  
Асли ёмонлиқни кўнглига туккан!

Намучи танлади эскича усул,  
Ахир, «сура» деган шароб пири ул.

Сурага тўйдирди Индрани бир кун,  
Шароб билан кесди ботирнинг кучин!

Девларнинг улуғи ғаддор Намучи,  
Ёвузлик руҳинга сингмиш намуноча?

Қаролик қилмасанг тура олмасан,  
Бировнинг иқболини кўра олмасан!

Яралдинг бировга отмоқ учун тош,  
Қачон тошинг тугар, тошинг, эй бебош?

## III

Ашвинларга<sup>2</sup> келди Индра беҳол:  
«Водариф, дўстлик ҳам поймолдир, поймол!

Сура ичирди-ю иблис Намучи,  
Кесди шиддатиму жаҳоний кучим!»

Ашвинлар Индра найзасин шу он  
Уммон кўпигига ўрашди пинҳон.

Уммон соҳилида — на тун, на кундуз...  
Тонгги ғира-шира... сўнмасдан юлдуз...

На сув, на қуруқлик — мавжлар олдида,  
Кўпикка ўралган найза олди-да,

На қуруқ ва на ҳўл яроғ-да ахир! —  
Намучи кўксига санчди ул ботир!..

Эзгулик, ёвузлик — дўст бўлганми ҳеч?  
Ўтга сув жонажон, ўз бўлганми ҳеч?..

<sup>1</sup> Меру — афсонавий тоғ номи.

<sup>2</sup> Ашвинлар — ака-ука эгизаклар, завол ва тонг шафағи худолари.

# Индра ва ахта кўчқорлар қиссаси

I

Одамлар орасида Индра ногоҳ  
Турфа қиёфада бўларди пайдо:  
Гоҳ зар либосли шон-шавкатли шоҳ,  
Гоҳ эса ҳассага суянган гадо.

Гоҳ гўзал паридай кўзни олади,  
Гоҳ семиз, гоҳ ориқ, гоҳ чивин, гоҳ шер.  
Гоҳ қарға янглиғ қағ-қағ қилади,  
Гоҳ бўлиб кўринар марди майдон эр.

Тарки дунё қилган зоҳидга ўхшаб,  
Аянчли бир тусда муниқиллар баъзан.  
Гоҳ ерни титратган фил каби ўкраб,  
Тилла кўнғиз янглиғ ғўнғиллар баъзан.

Заминда яздонлар подшоси Индра  
Фақат саховатнинг юрмас йўлидан.  
Не қора кўнгилда кезиб, тентираб,  
Хиёнат ишларнинг тутар қўлидан.

Макру ҳийлаларга сиғинган худо  
Овларди кўнгли бўш хотинларни гоҳ.  
Эрлари йўқ пайтда бўларкан пайдо  
Хушомад, мақтовдан ясарди тузоқ.

Азал хиёнатга кўнгилчак, мойил  
Сарсари аёллар лаққа тушарди.  
Худога сидқидил берар экан дил,  
Билмай гуноҳига гуноҳ қўшарди.

II

Девашарман бир кун айлади сафар,  
Ҳақгўй, тошни тешар ақлининг кучи.  
Уйда ёлғиз қолди сарву санобар,  
Ҳусну малоҳатда ягона Ручи.

Шогирди Випулга деди донишманд:  
«Огоҳ бўл, Ручидан ҳаргиз узма кўз!  
Ишқилиб Индра бермасин-да панд,  
Ёрим номусига айлаб тажовуз!»

Узоқ хаёлларга ғарқ бўлди Випул:  
«Ручини асрашнинг бир чораси бор —  
Йога деб аталган усул билан ул  
Ручи вужудига сингмоғи даркор».

Ручининг ёнида шогирд тиз чўкди,  
Аёл кўзларига кўзин тикиб, баъд —  
Хўп ҳақдан сўзлади... Випулнинг кўнгли  
Ручи вужудига кўчди оқибат.

Кулбада лол қолди Индра: нечун  
Шогирд тошдай қотмиш аёл ёнида?  
Нилуфар кўзларин тикканди Ручи,  
Худо ҳам айрилди нақ имонидан!

Чикка бел пари ҳам кўриб шу асно  
Худоларнинг машхур ҳукмдорини,  
Урнидан турмоққа уринди, аммо  
Випул банд қилганди ихтиёрини...

«О, гўзал! — Сўз қотди осмон подшоси, —  
Кел, ахир ишқингда бўлдим-ку адо!»  
Жим боқар Ручининг чашму шаҳлоси,  
Сўз айтмоқ бўлару чиқмайди садо.

Бирдан Ручи деди: «Не учун келдинг?  
Гуноҳга ботмасдан даф бўл, дилозор!  
Наҳотки шу йўлни саховат билдинг,  
Чеҳранг сал номусдан этгин лолазор!»

Шундоқ деди, бироқ аёл бадани  
Талпиниб турарди Индра томон.  
Шундоқ сақланди-да Ручининг шаъни,  
Шундоқ хиёнатдан ўтолди омон.

### III

Яздонлар султони назар этган дам,  
Ҳар аёл майсадай эгиб қолар бош...  
Ручи!.. Оҳ, худога қилди кўп алам!  
Энди қўлтиғига жойлади у тош!

Энди у ўрмонда айлади шиддат,  
Ҳақгўй Гаутама кулбаси ёққа,  
Ахалйа аталган бир моҳи талъат,  
Гулгунча ёрини йўлдан урмоққа.

Зоҳид тимсолида бўлиб намоён,  
Бундоқ сўз бошлар у: «Гўзал Ахалйа!  
Қадди ниҳолингга мен ўзим қурбон,  
Меҳрингга муштоқман азал, Ахалйа!..»

Қани, нима қилар бу зоҳид дебон,  
Восвосга бўй берди беақл хотин.  
Худо оғушига кирганча шодмон,  
Сезмади тутганин хиёнат отин...

Сўнг деди: «О, ўлмас руҳлар подшоси!  
Бас энди, кет, бошга келтирма бало!»  
Ва лекин Индра кетар асноси,  
Ҳақгўй Гаутама бўлди-ку пайдо!

Зоҳид бўлиб олган худони таниб  
Ғазбдан бағрига туташди ўтлар!  
«Лаънат! Лаънат! Лаънат!» — деди ўртаниб!  
Ўртанди осмонлар, ўрмонлар, юртлар!

Ҳақгўй Гаутама пурғазаб эди,  
Лаънатнинг кучига тан берди худо:  
Ер-кўкни титратган Индрани энди  
Эрлик қудратидан айлади жудо!

Индра қалтироқ босганча, рангпар,  
Бориб яздонларга ёлворди зор-зор:  
«На эр, на аёлман, раҳм айланг магар,  
Э воҳ, уч оламда бўлдим шармисор!



Подшоман, дедим мен, этмадим ҳисоб,  
Кўнгил кўчасида ҳар нега бордим.  
Бировнинг ёридан бўлдим шавқиб,  
Бировнинг ҳақини ерларга қордим.

Турфа қиёфага киравериба баъд  
Асил қиёфамни буткул йўқотдим.  
Саховат, эзгулик, инсоф, адолат...  
Шуҳрат деб барини бир пулга сотдим.

Шараф келтирганми нафс балоси?  
Айтинг-чи, қайда ҳақ, қайдадир хато?  
Оламни қорайтар юзнинг қароси,  
Хиёнат худони кечирмас ҳатто!..»

Агни<sup>1</sup> эшитди-ю унинг сасини,  
Қадим усулларда битирди ишни:  
Индранинг ўша йўқ нарсасини  
Қўчқордан олишиб улаб қўйишди...

Шундан боболарни айласалар ёд,  
Эслашса Индра — ул ҳукмдорни,  
Мийиғда кулишар, айлаб илтифот  
Қурбонлик қилишар ахта қўчқорни...

## Донишманд Чиёвана каромати

Буюк Чиёвана, оқилу замон,  
Зоҳидлик йўригин қўйди ўрнига.  
Кўп йиллар риёзат чекди, оқибат  
Ҳар айтган каломи касб этди сеҳр,  
Ўзига жо қилиб ҳаёт мағзини...  
Ҳатто ўлмас руҳлар, худолар сўзи  
Бу сўзлар олдида рангин йўқотди.  
Музаффар Индра, яздонлар шоҳин  
Кўнглида бурқсийди ғараз тутуни;  
Донишманд попугин пасайтирмоққа  
Чора излаб қолди. Бу не ҳол ахир,  
Илми ғайб сиридан огоҳ ҳар банда  
Фалакка узатиб қисқа қўлини  
Худолик даъвосин қилмоқдан сира  
Ўзин тиёлмаса, тўхтатолмаса?

### И н д р а

Не сабаб, шаънимни кўкка кўтариб  
Муқаддас сомадан<sup>2</sup> айламайсан нўш?  
Ҳурматимга майдан назр қил, бахш эт,  
Худолар олдида улар подшосин  
Юксақ мартабага миндирсанг, девдим...

### Ч и ё в а н а

Меҳру оқибатни, буюк ҳурматни  
Наҳот зуғум билан тилаб олурлар?

<sup>1</sup> Агни — олов худоси.

<sup>2</sup> Сома — илоҳий шароб.

## И н д р а

Тингла, Чиёвана! Она қорнидан  
Пайдо бўлган махлуқ, яъни инсонсан.  
Инсонлигинг қилғил, фалакни тинч қўй,  
Худолик даъвосин айлаб беҳуда  
Мосуво бўлмагин шаън-шуқуҳингдан!

## Ч и ё в а н а

Эй ўлмас руҳларнинг подшоси, кўркма!  
Тотгансан мангулик ҳаёт шаробин.  
Ажабки, ўлмас руҳ бўлсанг-да ўзинг,  
Ўткинчи ишларга умринг берурсан:  
Бировни бировга гиж-гижлашми, ё  
Бузишми бировнинг ҳалол рўзгорин,  
Хусумат, адоват, ғараз тухмини  
Йўқ қилмоқ ўрнига, буларнинг бари  
Ер юзига бир хил таралсин деган  
Машъум ниятларнинг ташвишидасан.



Индра кўзида олам айланди,  
Кетди илигидан ғазаб шунқори!  
Беадад асрлар подшолик қилиб,  
Бундоқ шаккокликни кўрмовди хануз.  
Одамдай койинди, кейин найзасин,  
Тиғи паррон ўтиб қаттол душманни  
Тилка-пора қилар ўша найзасин  
Олди-ю... Жазолар бергувчи қўлин,  
Жазоларга сахий кўлини ёзди,  
Ёзди Чиёвана узра даҳшатли!..  
Ўшал аснодаёқ донишманд аммо  
Илм кучи билан тўхтатиб қолди  
Ноғаҳон ёприлган бу ҳўл балони,  
Кўтарилган жойда шилқ этиб тушди  
Худонинг жазолар бергувчи қўли...

Энди Чиёвана титрай бошлади,  
Нафрат алангаси ёқди бағрини,  
Бир бор ишга солди ақл кучини:  
Улкан, маҳобатли махлуқ яратди  
(Индра тилаб олди шундай балони!)  
Махлуққа Сармастлик дея қўйди от,  
Ўпқондай, десангиз, каттакон оғзи,  
Бир лаби самони ялаб туради,  
Бир лаби заминни сийлаб туради...

Мана махлуқ келар оғзин очганча,  
Ютиб юборай деб Индрани-ю,  
Худолар, худолар салтанатини!  
Кўркув гирдобида ғарқ бўлди Индра,  
Худо кўрқишидан хунук нарса йўқ,  
Қочди қарамайин орқа-олдига,  
Жон ҳоврида фалак четиға қочди!..

Буюк Чиёвана, оқилу замон,  
Раҳм-шафқат этди худоларга ул:  
Агарчи барчасин ютса Сармастлик,  
Фалак бўм-бўш қолар, бўм-бўш, кимсасиз...

Худосиз ҳаётнинг ҳаётлиги йўқ...  
«Қайт!» — деди махлуққа. Идрок кучин кўр:  
Сўнгра Сармастликни бўлди тўрттага.—  
Бир қисмин шаробга иноят қилди,  
Аёлларга инъом этди бир қисмин.  
Бир қисми қиморга бахшида бўлди,  
Сўнгни қисмин овга этди ҳадя.  
Шундоқ пайдо бўлди оламда боқий  
Йўлдан оздиргувчи тўртта васваса.  
Кимники домига тортса беаёв  
Йўлдан оздиргувчи тўртта васваса,  
Шаробу аёлу қимор ила ов,  
Бас, уни Сармастлик ютиб юборгай,  
Гирдобидан омон чиққанмас биров.  
Одам-ку одамдир, унинг чоҳида  
Ғарқу хароб бўлди не-не худолар...



Зоҳир Аълам

# Яфандиши Кӯрӯк бир нашишаси

Қисса



Лайлак қишлоғининг энг катта бойи Муҳсин гуппи ётса ҳам, турса ҳам ерига ер қўшишни ўйларди. Яна бир орзуси — доно ва ҳозиржавоб одам сифатида доврўф таратиш эди.

Шу сабабли олдига Насриддин Афанди келиб, сизда маслаҳатим бор, деганда, сакраб тушгудек севиниб кетди. Бу пайтда Муҳсинбой кўча эшиги олдидаги супада; садақайрағочнинг остида ариқдаги сувнинг ҳовузга қуйилишини томоша қилиб ёнбошлаб ётарди.

— Хўш, хўш, — деди у дик этиб туриб, салом-аликдан сўнг Насриддин Афандини ўтиришга таклиф этаркан.

— Биласизми, мулла ака, — деб гап бошлади Насриддин, «мулла ака»нинг Муҳсин гуппига мойдек ёқишини билиб. — Мен бугун туш кўрдим.

— Хўш, хўш? — деди яна Муҳсин гуппи бир пиёла чой қуйиб узатиб.

— Тушимга отам раҳматлик кирибдилар. Насриддинбой, дедилар менга қараб. Лаббай, ота, дедим мен. «Боғингда, уч-тўрт қадам юқориқода одамдек келадиган эски хум бор. У чорак бўйи ерга кўмилган. Қишлоғингдан уч-тўрт бечорани топгин, уни сувга тўлдиришин. Хумга энг охириги челакни қуйган одамга боғингнинг ярмини хатлаб берасан», дедилар.

— Ия, худоё тавба қилдим! — деди Муҳсин гуппи севинчдан гупиллаб кетган юрагини базўр тинчитиб.

— Тақдир экан, қандай қилай? — деди Насриддин Афанди бечораҳол қиёфада.

— Ҳа, энди тушга ҳар бало кираверади-да, — деди Муҳсин гуппи юпатгандек бўлиб. — Бўлмағур нарса учун ҳайҳотдек боғнинг ярмидан ажралиб ўтирасизми?

— Йўқ, — деди Насриддин қатъийлик билан. — Отам раҳматликнинг тирикликларида сўзларини икки қилмасдим, энди руҳларини ҳам хафа қилмайман.

— Офарин! Офарин! — дея Муҳсин гуппи севинчдан ва қуруқ қолишдан кўрқиб, ҳовлиққанидан бир туриб яна ўтирди. — Балли! Яшанг! — Муҳсин гуппи бу олқишини боягидан анча хотиржам айтди. Чунки дарров режа тузишга шўнғиб, кўзлари совуқ йилтирай бошлаганди.

— Хўш, — деди Насриддин гапнинг каштасини янада гажакдорроқ қилиб. — Қошингизга келишимнинг боиси шуки, мулла Муҳсин ака, сиз қишлоқни ипидан игнасиғача биладиган, обрўли одамсиз. Мен яса янгиман. Хўш, шу хумни тўлдирадиган одамни қаттан топаман? Менга биров ишонармикан, деган гумонлар остидаман. Иккинчи томондан, жуда шов-шув қилишнинг ҳам тарафдори эмасман. Отамнинг айтганларини бажариб, кўнглимни хотиржам қилсам, бас.

— Жуда яхши келибсиз!.. — шу гапидан кейин Муҳсин гуппини қаттиқ йўтал тутди. Аслида бу йўтал бас, севинчдан отилиб чиқиб кетаётган кулгисини яшириш учун қилинган сохталик эди. Чунки Насриддиннинг ўзи унга боққа эгалик қилишнинг йўлини кўрсатиб берганди. — Жуда тўғри ва оқилона йўл, — дея Муҳсин гуппи кўз ёшларини артди. — Овоза қилиш шарт эмас. Шунинг учун бу савоб ишингизни ўзим уддалаб бераман. Гаҳ десам

## МУАЛЛИФДАН

Насриддин Афандининг саргузаштлари ҳақидаги ҳикоятлар жаҳон бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, мазмуни турличадир. Уларнинг кўпчилигида Насриддин Афанди ўзининг ақли, зукколиги ва топқирлиги билан замона зўрларининг, фирибгарларнинг ҳақиқий башарасини очади, енгади, яқсон қилади. Аммо баъзи бир латифаларда Насриддин ўта лақма, ҳаттоки фирибгар сиеқида акс этади.

Хўш, аслида Насриддинимиз қандай одам бўлган! Ҳеч шубҳа йўқки, у ўқимишли, ақлли, тадбиркор, топқир, тегирмонга тушса бутун чиқадиган эди. Ҳақиқатпарвар, камбағалпарвар эди. Ҳақиқатпарварлиги важдан-да замона зўрлари билан тўқнашувларга учраган ва барисида ютиб чиққан, ғолиб келган. Ҳа, у ҳеч қачон енгилмаган. Унинг саргузаштлари, ҳикоятлари ҳудди мана шу сабабдан ҳам асрларни енгиб келмоқда. Ҳаёт ҳам, халқ ҳам ғолибларни хуш кўради.

қўлимга ўтирадиган иккита одамим бор. Бечоралар жуда камбағал. Ана шуларга айтиб, ўзим бошида туриб, бажариб бераман. А?

— Бўпти, мен рози! Раҳмат сизга! — Насриддин ўрнидан турди. — Бўлмаса ишни бугундан қолдирмайлик, мулла ака. Яна отамнинг арвоқлари уриб юрмасин мени, кечаси тушимга кириб...

— Майли! Жуда яхши! — деди Мухсин севинчдан сакраб чиқаман деяётган юрагини қўли билан босиб.

Насриддин кетиш тараддудиди эшаги томон бир-иккита қадам ташлаб, тўхтади:

— Ҳа, айтмоқчи, — деди у бир нарсани ҳозиргина эслагандек. — Бояги отам айтган хумлари ҳеч қачон у ерда турмасди. Худонинг қудратини қаранг, эрталаб уйғонсам, худди айтганларидек, чорак бўйи кўмилиб типпа-тик турибди!

— Ё тавба! — деди Мухсин гуппи ёқа ушлаб.

Насриддин Афанди эшагига минди-да, илтижо қилди:

— Кутаман, мулла ака, худо хайрингизни берсин, шу ишимни тезроқ битиришга ёрдам беринг!

Насриддин кетди. Мухсин гуппи уни сал узоқлатиб қараб турди-да, севинчини бақариқ билан ташқарига чиқарди:

— Турсунали! Алимшо!

Ичкаридан узун-қисқа бўлиб икки киши югуриб чиқишди.

— Тез! Учта обкаш билан саккизта пақир олиб чиқларинг! — буюрди уларга гуппи.

Биз ҳикоя қилаётган бу даврлар тахминан 1210 йиллар эди. Бу пайтларда биз ҳозир Ўрта Осиё деб атайдиган Турон ерларининг бир ёғи Ҳиндистон, иккинчи ёғи Тароз,<sup>1</sup> бир ёғи Кавказ ва Кичик Осиёю иккинчи ёғи Арабистонгача бўлган каттакон Хоразм шаҳаншоҳлигига кирарди.

Насриддин Афанди ўзининг ҳозиржавоблиги ва донолиги билан ўттиз ёшларидаёқ ана шу катта шоҳлик мулкининг бошидан охиригача донғи кетганди. Уни шоҳдан бошлаб, то гадогача ҳамма танирди. Ичак узди аскиялари, ақл ва сўз бобида зўравонларга берган даққилари унинг шон-шуҳратини замона шоҳлари ва саркардалари қаторига олиб чиқиб қўйганди. Мажбурлашгани туфайли, Насриддин Афанди Муҳаммад Хоразмшоҳ саройида бир неча муддат ўралашиб юриб, ҳақ сўзлари билан у ерда душманлар орттирди. Натижада, бир баҳона топиб саройдан узоқлашмаса холи танглашагагини сезди. Иттифоқо, худди шу кезларда олис Чоч<sup>2</sup> вилоятидан, бобосининг синглисидан мактуб келди ва Насриддин ҳеч кимга билдирмай кўч-кўлонини кўтариб, Чочга жўнаб қолди.

Буви холаси эса ана шу Лайлак қишлоғида истиқомат қиларди. Хатида кампиршо иккала ўғлининг Ойбоққа<sup>3</sup> навкар ёлланганини, Ойбоқ Ҳиндистонга ноиб тайинлангач, оналарини унутиб, амирнинг кетидан кетганларини, охиригача хатларидан кейин бир мучал вақт ўтганини ёзганди. Севимли акасининг набираси бўлмиш Насриддин билан ўз фарзандларидан кўра кўпроқ фахрланишини, бир кўришга орзуманд эканлигини эслатганди. Шунингдек, ўзининг олти таноблик боғи билан кўрғонини Насриддинга мерос қилиб хатлаб қўйганини, хушига келса, шу ерга келиб яшаши мумкинлигини, акс ҳолда, ўзи ўлгандан кейин кўрғонни сотадиган ва пулини Насриддинга юборадиган одам тайинлаб қўйганлигини таъкидлаганди.

Хуллас, Насриддин ана шу буви холасининг уйига кўчиб яшаётганига бир ярим йилдан ошган эди. Тўқсон уч ёшга борган буви хола, гўёки Насриддинни кутиб юргандек, уч-тўрт ой бирга яшаб, ўриқлар қийғос гуллаган, офтоб чарақлаб турган баҳор кунларининг бирида, айвондаги кўрпача ва болишлар устида боғига жилмайиб қараб ўтириб, оламдан ўтди.

Насриддин Афанди Мухсин гуппига тушини айтиб келганда кампирнинг йили ўтганига уч-тўрт ой тўлганди.

<sup>1</sup> Тароз — ҳозирги Жамбул шаҳри.

<sup>2</sup> Чоч — Тошкент.

<sup>3</sup> Қутбиддин Ойбоқ — Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Ҳиндистондаги ноиб.

Муҳсин гуппи ўзининг Турсунали деган девқомат корандаси ва Алимшо деган югурдаги билан учта обқаш, саккизта челақ кўтариб тезда етиб келишди. Ёз бошининг кучга тўлган қуёши анча тиккалашиб, деҳқон ва корандаларни соя-салқинга ҳайдай бошлаганди. Шунга қарамай, боққа бошқа эга чиқиб қолишидан қўрққан Муҳсин гуппи ишни кечиктирмасликка қарор қилди.

Бу йил қурғоқчил эди. Икки юз қадамларча наридаги тўлиб оқадиган катта ариқдаги сув жилдираб қолган эди.

Муҳсин гуппи билан малайлари бир-икки марта бориб келишдаёқ қора терга ботишди. Лекин биринчи саккизта челақни ағдаришгандаёқ хумнинг ярмидан пастроғигача тўлдириб қўйишди. Икки карра бўлмаса-да, уч каррада хумнинг тўлиши аниқ эди. Муҳсин гуппининг кайфи шунчалик чоғ эдики, яқин орада бунақа хурсандчиликни кўрмаганди.

Муҳсин гуппи бўш челақ-ла олдинда кетар, тўлдириб қайтишганда хизматкорларининг орқасидан келиб сув ағдаришларини кутиб турарди. Худо кўрсатмасин, уларнинг челаги охириги бўлиб қолиши мумкин эди-да!

Икки марта қатнашгандан сўнг хумнинг тўлишига уч-тўрт челақ кифоя эканлиги сезилди. Шундай бўлса-да, Муҳсин гуппи бошчилигида шоғирдлари саккиз челақнинг барини кўтариб кетишди.

Насриддин Афанди бу ишларнинг ҳаммасини эшагига ярим чордона қуриб ўтирганча кузатарди. Боққа умидвор бўлганлар терга ботиб учинчи карра қайтиб келишганда, у эшагидан тушди.

— Э, яшанглар! — деди у хумга яқинлашиб. Унинг бу хитоби ва бетоқатлик билан эшакдан тушиб келганидан отасининг тушда тайинлаганини тезроқ бажариб, тезроқ боғнинг ярмидан қутулмоқчилиги кўриниб турарди.

Биринчи етиб келган Турсунали бир челагини ағдариб, иккинчисига чоғланганда, орқада қолган гуппи унга бақирди.

— Тўхта!

Муҳсин гуппи ҳаллослаб келди-да, гапини қайтарди.

— Тўхта. Бир кўрай, қанча қолдийкин.

У шундай деб хумнинг ичига мўралади-ю, ҳайрон бўлиб Насриддинга кўз тикди:

— Сал камайиб қолибдими! Ё менга шундай кўриняптими?

— Қанақасига камайди? — деди Турсунали шанғиллаб. — Э, мулла ака, ағдараверайлик. Жуда зўр келса, бир марта бориб келамиз-да!

— Қаёққа камайди?!

Насриддин ҳам Турсуналининг гапини тасдиқларкан, хумга мўралади:

— Ҳа, бу ўзи катта хум-да! Ҳайбатини қаранг!

• — Ҳа, шундайми?!

Муҳсин гуппи хумнинг катталигига ҳам, боягина тўлиб қолди, деб алданганига ҳам ишонди.

Шу кайфиятда сув ташувчилар яна икки карра қатнашди. Хум эса ўша аҳволдан нарига ўтмади. Яъни тўлишига уч-тўрт пақир етарлидек туюларди-ю, ўзидан-ўзи яримланиб қолаверарди.

— Бу нима деган гап?! — деди Муҳсин гуппи андак шубҳага бориб. Лекин бу шубҳаси хумга тааллуқли эди. Насриддин Афандини ҳали ҳам хумнинг тезроқ тўлишидан манфаатдор деб биларди.

Насриддин Афанди ҳайрон эди. Кўзларини бақрайтириб, нима дейишни билмай турди-да, келиб хумни ушлаб қимирлатмоқчи бўлди. Хум қимир этмади. Насриддин хумнинг тагига, ичига қаради. Лекин ҳеч нарса тушунмади.

— Бу палакат нима қиляпти ўзи? — деди жиғибийрони чиқиб, хумни тепиб кўяркан. — Ҳали отамларнинг руҳини тикка турғизмаса гўрга эди!

Орага жимлик чўкди. Учала қаро терга тушган «сувчи»лар ва Насриддин Афанди бир-бирларига қараб ҳеч нарса тушунмай анқайишди. Жазирама иссиқ кун ҳам шабадаси, олислардан келаётган қушлар сайроғи, хуллас, жаммики ҳаракат ва овозлари билан бирга ҳайронликка қўшилгандай эди. Ниманидир қурт-қурт чайнаётган эшаккина бузаётган жимликда гуппи билан малайлари оқадиган тер жилдираётганга ўхшарди.

— Топдим! — деди Насриддин Афанди. — Бунинг тагида дарз кетган жойи бўлса, сув ўшандан сизиб, остига шимилаётгандир?

Боғнинг ярми машъаладек чарақлаб турган жойда бу гапга ишонишди.

— Худо хайрингларни берсин! Ишни ўлда-жўлда қолдирманглар! Ҳа, бу хумпар яна эса, беш-ўн челақ сув ер. Отамнинг гапларини ўрнига қўйма-сам, тамом ҳузур-ҳаловатимдан айриламан.

Муҳсин гуппи бу гапларни маъқул деб топди.

— Қани, кўтарларинг! — деди челақларга ишора қилиб.

— Ҳа, шундай қилинглари! — деди Насриддин. — Ўзи менга олти таноб боғнинг нима кераги бор? Ярми ҳам етади. Отамнинг руҳлари шуни тушунган-да!

Сув ташувчилар шундай қилиб яна уч-тўрт карра бориб келишди. Лекин хумдаги сув ўша ўрнидан ошмасди. Тўлишига уч-тўрт челақ қоларди-ю ва яна пасайиб кетарди.

Насриддин тагин бир карра ялиниб-ёлбориб отасининг руҳини чирқил-латмасликка гуппини кўндирди. Кейинги сафар эса гуппининг ўзи қандайдир найранг борлигини сезгач, шарманда бўлганини хаспўшлаш учун ҳам жаҳл устида яна беш мартача шотирлари бошчилигида қатнади. Шундай қилиб хумга тахминан икки юз челақлар сув ағдарилди.

Нихоят гуппи портлади. Бўш челақни даранглатиб ерга урди-да, йиғла-гудек бақира бошлади:

— Мен сизга нима ёмонлик қилган эдим, а? Нима ёмонлик қилдим?!

Насриддин ҳам ачинганидан йиғлагудек бўлиб ўзини оқлади:

— Менда айб йўқ! Менда айб йўқ!

— Э, қочинг-э! — Муҳсин гуппи қўл силтаб нари кетди-да, орқасига ўгирилди. — Сизнинг номингизни эшитибоқ ҳурмат қилгандим. Энди билдим! Сизни мана шунақа фисқ-фасодлигингиз учун Урганчдан ҳайдашган. Тўғри қилишган! Нима, сув сўрасангиз бермасмидим?

Муҳсин гуппи кета бошлади. Насриддин гуноҳкорона гап қотди:

— Бу падар лаънат хумни бунчалик сув ейишини мен қаттан билибман?

Муҳсин гуппи нарироқ бориб тўхтади:

— Суф-э, сизга! — деди.

Яна нарироқ бориб, шотирларига бақирди:

— Пақирларни олиб юрларинг!

Гуппи ва одамлари кетишди. Насриддиннинг юзидаги айбдорлик ўрнини жилмайиш эгаллади. Шу жилмайиш билан аста бориб, хумдан тўрт қадам наридаги девордан боғига мўралади. Ундаги полизнинг ва дарахтларнинг анчагина қисми суғорилганди.

Насриддин Афандининг ана шунақа — туриб-туриб кимнидир мазах қилиш истаги тутиб қоларди. Хумга сув тўлдириш ҳамда отасининг тушига киргани билан боғлиқ воқеанинг илдизи эса тубандагича эди.

Қишлоқдаги катта ариқ қадимдан қолган овоза бўйича Муҳсин гуппининг ота-боболарига тегишли бўлиб, ундан оққан сув қизиқ бир тарзда тақсимланарди.

Яъни, ён ариқларга ўзидан-ўзи, ҳеч қандай боғловсиз чиққан сув — ҳам-маники, борди-ю, ён ариқларга сув боғлаб чиқарилса, гуппига ҳақ тўланиши керак эди.

Бу йил эса қурғоқ келгани сабабли жуда кўп хонадонлар анчагина қийналди. Шусиз ҳам қарам қилган одамларни Муҳсин гуппи янада кўпроқ қарзга ботирди.

Албатта, бекорга ҳеч кимнинг ҳақ бергиси келмайди. Шунинг учун одамлар гуппининг кўзини шамғалат қилиб, экинларини яширинча суғориб олишлари, ўқариққа ким ташлагани номаълум каттакон харсангларнинг «ўзидан-ўзи» тушиб қолишлари тез-тез такрорланиб турарди. Шунда ҳамша бохабар юрадиган гуппининг бақириб сўкинганлари бутун қишлоққа баралла янгарди.

Насриддин Афандининг бу сафарги қилиқ чиқаришига ана шу кунда бўл-маса кунора эшитиладиган вағиллаб сўкишлар сабабчи эди.

Муҳсин гуппининг пақирлаб сув ташиганини аста-секин барча қишлоқ эшитди.

Йўқ, Насриддин Афанди гуппини гел қилгани ҳақида жар солмади. Аксин-



ча, сўраган кўни-кўшниларга, хумни неча челақ сув билан тўлишидан баҳс боғлашгандик, деб жавоб берди.

Одамлар гуппининг сув ташиганини эшитишганди-ю, бунинг асл сабабини билишмасди. Лекин шундай гаплар тўқилдики, гуппи учун бу аслидан ҳам шармандалироқ эди. Айниқса, донишмандликдан дарс олаётганмиш, эвазига энди ҳар ойда Насриддин Афандининг боғини челақлаб суғориб берармиш, дегани ёмон эди. Зероки, гуппи ўзини зукко ва донишманд деб ҳисоблар ва шундай шуҳрат қозонишни жуда-жуда истарди.

## Қасоснинг йўли топилди

Мухсин гуппи бир ойларча вақтини қасос олиш хаёли билан ўтказди. Узи-га яраша ақли, аччиқ тили бўлган гуппи қасоси ҳам мазах қиладиган, захарни захар билан кесадиған бўлиши кераклигини яхши тушунарди. Уйлаб-уйлаб, ниҳоят йўлини топди.

Насриддин Афанди болари боқарди. Гуппи сўраб-суриштириб, унинг яқин кунларда асални икки хум қилиб бозорга олиб тушмоқчилигини билди. Худди ана шу икки хум асал устида Насриддинни қўлга туширишни ният қилди. Жуда пухталаб режа тузди. Очиғини айтиш керакки, агар амалга ошса, ҳақиқатан ҳам Насриддин Афанди эл орасида кулги бўларди.

Бугун гуппи ўйлаган қасоснинг амалга ошадиган кунни эди.

Уша Насриддин Афанди тушини айтиб келган кундагидек супада ўтираркан, у режасининг зўрлигидан бир дақиқа тинч туролмасди. Гоҳ чиройли елпиғичи билан елпинарди, гоҳ чойнақдан бир пиёлага чой қуйиб, аввалроқ қуйиб совутилган иккинчисини хўр-хўр ичарди. Гоҳ ёнбошлар, гоҳ дик этиб ўтириб оларкан, тоқатсизлик билан пойлоқчиликка кетган Турсунали билан Алимшони кутарди.

Навбатдаги туриб яна ёнбошлашида ғудраниб қўйди:

— Сенга бир кўрсатиб қўяй ким доно-ю, ким зукколигини!

Гуппи шундай дейиши билан ариқдаги сувнинг жилдираши, кучсиз шабада, чор-атрофда эшитилаётган қушларнинг сайроғи бирдан зўрайди. Ҳаммаси бирлашиб аламини юмшатмоқчи бўлишди.

— Яратганнинг ишларига қойилман, — деди гуппи беихтиёр атрофдаги гўзалликка мароқланиб аланглаб, сўнг бирдан овозига яна маломат ара-лашди.

— Йўқ, қайтиб олдим, — деди у, ариқдаги сувга қўлини пахса қилиб. — Қойил эмасман!.. Менинг мингта қўйим бор, минг таноб ерим бор, хўпми?! — Гуппи атрофга бир қараб, бир томоқ қирди-да, яна ариққа гап сўқди. — Хў-ўш, ҳа, энди мингта бўлмаса ҳам шунга яқин. Хўш?! Нега энди мени атрофимдаги тўртта қишлоқдан нарида ҳеч ким танимайди-ю, тўққизта тангаси бўлмаган Насриддин Афандини бутун олам танийди? А?

Гуппи бепарво оқаётган сувга бир зум ўқрайди-да, қўл силтади.

— Э, бор-э, бу — фирт фирромлик!

Гуппи чойдан хўр-хўр ичди-да, қоматини ғоз тутди.

— Мана бугун, — деди у яна бармоғини сувга нуқиб, — мен бу фирромликни тузатаман! Насриддин Афандига бир фириб бераманки, ким ақлли ва доно эканлигини кўриб қўясан! Ҳа. Уша оламга танилган Насриддинни мот қилсам, мени ҳамма гапирадими? Гапиреди. Қарабсанки, аканг қарағай бутун оламга машхур-да!

Мухсин гуппи кўкрагининг борича нафас олиб яйради. Кайфи чоғ бўлди.

— Тўғри-да! — деди у яна гапини мустаҳкамлаб. — Менимча, ким бой бўлса — ўша ақлли. Ким ақлли бўлса — ўша бой! Билдингми? — Гуппи яна бармоғини нуқиб, сувга ўқтирди. — Билмасанг билиб қўй! Ҳа! Ақлинг бўл-маса, бойлик топиб бўпсан!

Шу пайт узоқ муюлишда кўча чангитган икки отлиқ елиб кела бошлади. Мухсин гапидан таққа тўхтади. Оғзини очганча кута бошлади.

Отлиқлар йигирма қадамча нарида пиёдаландилар. Узун-қисқа бўлиб, қўл қовуштирганча унга яқинлашдилар.

— Хўш?

— Йўлга тушдилар! — деб жавоб беришди Турсунали билан Алимшо чўчиб тушгандек.

— Э, падарингга лаънатлар, нега уни сизлайсанлар?! Йўлга тушди, демайсанларми? Отни олиб чиқ!

Мухсин гуппининг аввалги гапи иккала шотирига, от ҳақидагиси — Турсуналига қаратилганди.

Суяги бузук, найнов бу йигит жуда бақувват, лекин кўрқоқ эди. Бундан ташқари кўп овқат ейиши билан қишлоққа танилганди. Бир парча ҳовлисидан бўлак ери бўлмаганлиги учун бойга хизматкорликка ўтганди. Ёлғиз онасини-ку, бир амалларди, аммо ўзининг қорни ҳамиша оч юрарди.

— Хўш? — деди Гуппи Алимшо билан бирга қолгач.

— Асални икки хумга жойлади. Икки хумни хуржуннинг икки кўзига солди. Хотинига янги тўнни олиб чиқ, деган пайтда биз бу ёққа ҳайдадик, — деди Алимшо минғиллаган юмшоқ овозда.

— Отни олиб чиқ, ов, Турсунали, қаёққа йўқолдинг? — бақирди бесаранжомлашган Мухсин гуппи уйга қараб.

Алимшо кўрқибгина дастурхондаги узумга қўл узатди.

— Ниҳоят орзуимга етадиган бўлдим, — деди Мухсин гуппи у ёқдан бу ёққа бориб келиб.

— Бизнинг ҳожатга ҳам бир қиё боқсангиз тузук эди, бой ака! Шу тушингизда котиблар билан гаплашиб, ақчасини қарз қилсангиз...

— Бўлади, бўлади! — деди Мухсин Алимшонинг гапини бўлиб. — Лекин бу гал қўл тегадими-йўқми, билмайман, аммо сенинг шеърларингни ўн нусха кўчиртириб бериш менинг зиммада.

— Ҳа, ҳам донишманд, ҳам шоир чиқса, қишлоғимизнинг номи бутун оламда машҳур бўларди... — деди Алимшо сўниқ орзу билан.

— Бўлади, бўлади, — деди Мухсин гуппи, ҳозирча ўзингни суқмай тур, дегандек қўл силкиб.

Алимшо аслида ўрта бўйли эди. Бироқ ҳамиша гуппининг юмушида барзанги Турсунали билан бирга юргани учун паст бўйли кўринарди. Икки таноб ери, иккита боласи бўлган бу киши жиндак шеър машқ қилар, ҳамқишлоқларига ўқиб берганда, турган гап, мақтовлар эшитар ва шу хусусдан ўзининг беқиёс иқтидорли эканлигига ишониб кетганди. Яна шу хусусдан дангасаликка берилиб, деҳқончилигини ташлаб қўйганди. Яккаю ягона орзуси бир амаллаб тўлдирилган девонини беш-ўн нусхада шаҳарлик котибларга кўчиртириб кўпайтириш ва саройдагиларга ўқитиш эди. Саройда обрў топиб биронта амалга эга бўлиш эди. Узини беку боёнлар даврасида гап-гаштакларда ўтирган, шеърлари учун зарбоф чопонлар, лиқ тўла ҳамёнлар тортиқ олаётган ҳолларда тасаввур қилиб юрарди ҳамиша. Лекин умуман шаҳарни билмас, ўзи кириб борса, йўқ бўлиб кетишидан кўрқарди. Шу боис, шаҳар кўрган Мухсин гуппига, айниқса, котибларни танийман деган гапларига ва кўчиртириш учун пул бериши мумкинлигига учиб, югурдакка айланиб қолганди.

— Мен машҳур бўлиб олай, — деди Мухсин гуппи отни бетоқатлик билан кутиб. — Сени ҳам судраб олиб чиқаман. Қарабсанки, Лайлак фақат келгинди Насриддин Афандининг қишлоғи эмас, Мухсин бой билан шоир Алимшонинг ҳам қишлоғи деб ном қозонади.

— Офарин, афандим, офарин, — деди минғирлаб Алимшо. — Менга мурувватингиз обрўйингизга обрў қўшади.

— Тўғри айтдинг! — деди Мухсинбой, кейин худди гапининг давомидек қилиб ичкарига бақирди. — Хўв, Турсунали!

— Лаббай, афандим! — Турсунали отни етаклаганича бир нарса чайнаб чиқди.

— Мен тухумим оғзимга келиб шошиб турай-да, сан у ёқда нарса тиқиштиргин, а? Очофат!

— Ерга ўрик тўкилган экан, исроф бўлмасин дедим. — Турсунали отни минигга тўғриларкан, гуппининг дашноми таъсир қилмагани яққол сезиларди.

— Ҳе, тиқилиб ўл!

Мухсин гуппи уни беозор лаънатлаб отга чаққон минди.

— Ўтирларинг, чой ичиб олларинг! Ҳозир шўрва опчиқишади.

Муҳсин гуппи шундай деб отга қамчи босди-да, чанг кўтариб олислади. Алимшо қўл қовуштириб унинг узоқлашини кутди. Турсунали эса дарров дастурхондаги нонга ёпишди.

## Абди оппоқ ва Аҳмад тараша

Қадимгиларнинг «отанг ҳам бозор, онанг ҳам бозор» деган мақоли нарх-навога нисбатан ҳамма замонларга мос. Бироқ мақол яратилган пайтларда мазмуни янада янгроқ бўлган. Чунки у замонларда бозор фақат олиш-беришда эмас, турмушнинг барча жабҳаларида жонга оро кирган. Тирикчилик, кўнгил очиш, қариндош-уруғ, ошна-оғайниларни учратиш, янги таниш орттириш, можаро билан эскиларидан ажралиш — бари аксарият бозорда рўй берган. Масхарабозлар, дор ўйинлари сингари томошалар ҳам шунда жамланган.

Сулҳлар, фисқ-фасод келишувлар шу ерда битилган, фитнаю найранг ҳам шу ерда илдиз отган. Кўз-кўзга тушишидан бошланувчи ишқий саргузаштларни айтмайсизми?.. Хуллас, гадоё ҳам шу ерда кун кўрган, шоҳ ҳам саёҳат савдосида бозордан фойдаланган.

Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Тўпланадиган ягона жой бўлгани учун одамга хос жамики борди-келди ва можаронинг энг кўп туғилиши ҳам табиий. Кумушкент<sup>1</sup> да бугун катта бозор эди.

Икки хум асали билан Насриддин Афанди ҳам, йўл-йўлакай фитнасини битиришини мўлжаллаган Муҳсин гуппи ҳам шу жойга келишни мўлжаллаганди. Лекин иккови ҳам ҳали уч тош<sup>2</sup> йўл босиши керак, унгача бошқа икки киши билан танишиб турамиз.

Тепадан туриб қарасанг, вижир-вижир одамдан бўлак нарсани кўрмайсану, лекин пастга тушиб, ҳар биттасининг гапига қулоқ солсанг, эҳ-ҳе, не-не сирларнинг шоҳиди бўлмайсан.

Аҳмад тараша билан Абди оппоқ бозорга кирадиган олти кўчадан биттасининг бошида тасодифан учрашишди. Уларнинг икковини чапани дейишарди. Чапани деган тушунча ўша пайтларда касб маъносига ҳам ўтиб кетарди. Антика тоифадаги бу одамлар деярли ҳамма шаҳарда бўларди, қишлоқларда ҳам уларга тақлид қилувчилар топиларди.

Чапаниларни ҳурмат қилишар ва бир оз ҳурқардилар. Бунга сабаб: ишладан кўра ўлимни афзал кўрадиган бу одамларнинг фитнаю найрангларнинг тиғи ёки уларга қарши қалқони бўлишларида эди. Йўқ, улар бу фитналарни уюштирмасдилар, уюштиришни бошқа пулдор ёки ғазабноклар қилардилар-у, бажаришга қолганда чапаниларга мурожаат этиларди. Бировнинг бировдан қасдини олиш, бировнинг қизини опқочиш, бировнинг уюридан асл отни ўғирлаш сингари ишлар ёки шундай вазиятларда ҳимояланиш чапаниларнинг жасоратисиз, мардлигисиз битмасди.

Чапаниларни ҳурмат қилишларига сабаб улар ҳеч қачон ўзлари учун ўғрилиқ қилмасдилар юқорида санаб ўтганимиздек, «нозик» ишларни маҳорат билан, из қолдирмайдиган қилиб бажарардилар ва мабодо қўлга тушсалар, ҳеч қачон «бурютмачи»ни сотмасдилар. Энг асосийси эса, қиламан деб сўз олсалар, ўзларини ўт келса ўтга, сув келса сувга уриб, жон тиксалар-да, бажарардилар ёки ҳалок бўлардилар.

Чапаниларнинг яна бир одати бор эдики, бир-биридан ҳол-аҳвол ҳам, нима иш қиляпсан, деб ҳам сўрамасдилар. Мантиқан ҳам, чапанилигимча қоламан деган чапани ишларидан гапирмаслиги лозим эди. Лақилладими — тамом, чиқаман дегани эди.

Абди оппоқ билан Аҳмад тараша учрашишганда-да камгаплик удуми бузилмади.

— Ҳа, тузукмисан? — сўради Абди оппоқ совуққина қўл ташлаган.

— Юрибман дунёи дастурхоннинг бир чеккасида.

Бозор ичкарасига йўл олишди.

<sup>1</sup> Ҳозир йўқ бўлиб кетган шаҳар.

<sup>2</sup> Тош — тўрт километрга тўғри келади.

— Бугун бозорга бек қадам ранжида қилади, деган гап эшитдим? — сўради Абди оппоқ йигирма қадамларча юришгач.

— Келса келар, менга тўрт танга берармиди! — деб жавоб берди Тараша.

Яна индамай ёймачилар қаторига етиб келишди. Бу ерда улар ҳолу ҳамёнларига қараб, ажралишлари мумкин эди. Кимда ким чапга бурилса, камида беш-олти тилла танга — қизилчаси борлиги маълум бўларди. Тўғрига юрса, сал қўри камроқлиги, бироқ уч-тўрт кун чойхоначига ош буюриб яшаши мумкинлиги билинарди. Унга бурилганида эса, чўнтагидан сариқ чақанинг жарангидан бошқа товуш чиқмаслиги англаниларди.

Чапда Тошхўжа калнинг бойлар ва савдогарлар қўнадиган карвонсаройи салобат билан қад кўтариб турарди. Каттакон бу иморатнинг бир томонини йигирма-ўттиз ҳужрали мусофирхона, бир томонини уловхона эгаллаганди. Бозор томонда баланд, юз чоғли одам сиғадиган кенг пешайвонли, ички-ташқарили чойхонаси бор эди. Чойхонага туташ алоҳида шийпон остида қурилган ўнтача ўчоқда кечаю кундуз қозон биқирлаб турарди.

Тўғрида эса, бозорнинг нариги чеккасида, бир-биридан эллик қадам масофада Мулла Қовоқ билан Пирмат пирсиённинг ўртаҳол одамлар кирадиган икки чойхонаси бўлгувчи эди.

Ўнг тарафда эса, қизил соқолига монанд лақаб олган Шокир қизилнинг харобгина чойхонаси бўлиб, энг бехит жой шу эди.

Вақти-вақтида учала тарафнинг тузини тотган бу икки чапани бир сонияли тараддудданок бир-бирининг аҳволини тушунишди. Мийиқлари билинар-билинимас қисилиб, индамай Шокир қизилнинг чойхонасига бурилишди.

Аҳмад тараша қотма, қоп-қора, жуда дароз одам эди. Лақабига мос равишда бирдан «пов» этиб ёниб кетадиган феъли бўлиб, худди шундай бирданига жаҳлидан ҳам тушиб қўя қоларди.

Абди оппоқ ўрта бўйли киши эди. Ҳамиша кигиз қалпоқ кийиб юрар, қоп-қора соқоли юзининг оқлигидан кўм-кўк кўринарди. Иккала чапани ҳам кучли, эпчил, ёшлари қирқнинг нари-берисида эди.

Чойхонага киришганда ёнма-ён, лекин худди нотанишлардек хиёл бир-бирларига тескари қараб ўтирдилар. Қизилнинг боласи икковига алоҳида чой, алоҳида сопол лаганда нон келтирди. Иккови унсиз, гап-сўзсиз белбоғларидан тугунча олиб, бир сиқимдан майиз, беш-олтидан туршак чиқариб лаганларга солдилар-да, тугунларини тугиб, белбоғларига тишлатиб қўйдилар.

Тарашанинг лаганида иккита ёнғоқдек катталиктаги новвот ҳам бор эди.

Абди оппоқ шу заҳотиёқ нон ушатиб, очиққанча чайнаб, чой хўриллата бошлади. Тараша эса чойни қуйишга шошилмади. Белбоғининг ичкари-сини кавлаб, кўкнор тугилган кичкина тугунчак олди. Ундан кичкина, кир дока рўмолчага озгина тўкди-да, докани думалоқ қилиб боғлаб, уни сопол пиёлага солди. Устига бир бўлак новвотни ҳам ташлади. Қолган бойлигини шошилмай белига туккачгина худди ўшандай бамайлихотирлик билан пиёлага чой қўйди. Сўнг бошини ҳам қилганча, то назарида кўкнор етилгунча, қимир этмай ўтирди. Кўкнор чойга чиққач, докани бураб сиқди-да, лаганнинг бир чеккасига, иккинчи новвот бўлагининг ёнига қўйди. Лаганни эса жиндаккина Абди оппоқ томон сурди. Боятдан бериги иштаҳаси анча қонган Абди оппоқ буни дарров илғади. Бир-икки сония тараддудланди. Тарашага бир-икки қараб олди. Кейин нима бўлса бўлар қабилида бош ирғади-да, новвот билан туганчакни олиб ўзининг пиёласига солди.

Кўкнори ичиб олишгач, чапаниларнинг чеҳраси ёришиб, қадлари кўтарилиб, одамларга очилиброқ қарай бошладилар. Лекин иккови ҳам бир-бири билан гаплашмас, худди бегонадек ўтирдилар. Тарашанинг бироз туриб, тишининг орасидан ташлаган луқмаси ҳам, ташқаридан қараганда, ўзига ўзи гапираётганга ўхшарди:

— Энг чакана-чукана иш бўлса-да, томдан ташагудекман.

Абди оппоқ Тарашага қарамай ҳамдардлик аломатида бош ирғади.

— Уғлимнинг домласига тўлов вақтим ўтиб кетяпти, — деди у, ўзининг чўнтаги бўшлигини изоҳлаб.

Шу пайт, нарироқда ўтириб, бир тугун зардолини нонга қўшиб еб бўлган ота-боланинг гапи чапаниларнинг эътиборини тортди.

— Йўқ, кетмаймиз! Насриддин Афандини кўрмадик-ку! — деди ўн икки ёшлардаги болакай деҳқон отасига хархаша қилиб.

— Ахир у кишини танимасам, у киши ўзларини манман деб танитмасалар, қандай илож қилай?! — ота бу гапларни ўрик данакларини тўплаб айтди.

— Алдабсиз-да, а? Бозорга тушсанг ҳамиша бўлади, девдингиз-ку!

— Ма, мана бу данакларни йиғиб кўй, яхши экан, бориб экамиз.

— Керакмас! Энди ҳеч ишингизни қилмайман. Кўйни ҳам боқмайман! — дея бола тескари қараб олди.

— Ия, ия, ўғлим! Ахир улар меники эмас, сизнинг кўйларингиз. Ундан кейин, ҳозир бормасак, сувоқни битиролмаймиз.

Бола индамади. Ота яна ялинишга ўтди.

— Кейинги сафар кўрарсан. Ўзинг эшитдинг-ку, «бу ёққа кирмадилар», деб чойхоначи амакинг ҳам айтди. Балким у киши бугун бутунлай келмаслар. Юрақол, ўғлим!

— Ойда-йилда бир оптушасизде, ҳеч нарсани кўрсатмай, қайтамик-қайтамик дейвурасиз, — деди бола ўпқаланиб, лекин рози бўла бошлаб.

Шу пайт гапга Аҳмад тараша аралашди.

— Тўғри қиласан, йигитча! Бир тушганда Насриддин Афандини бўлмаса, бекни кўриб кетгин.

— Э, мулла ака, нима қиласиз болани эрка қилиб? — деди деҳқон майин жилмайиб.

— Бола ўйнаб қолсин-да, — Тараша болага қараб кўз қисди. — Бир шаҳарга тушибди. Қишлоқда зерикиб кетгандир, а? Зерикдингми?

Бола уялиб бош ирғади. Абди оппоқ ҳам гап қўшди:

— Кетма, болакай. Бек ҳам бугун бозорга бир қадам ранжида қиларкан.

Деҳқон майин жилмайиб боланинг раўйига кўнди.

— Қани, юр бўлмаса, мол бозорини айланиб, яна қайтамик.

Ота-бола ўринларидан туришди.

— Ҳа, қайтиб келгин, — деди Оппоқ болани яна қиздириб. — Насриддин Афанди ҳам келадилар. Сени таништириб, қўлларини олиб бераман. Ўзинг бир сиқиб кўясан!

Бу гапдан нафақат боланинг, балки отасининг ҳам кўзлари порлаб кетди.

— Сизлар шу ерда бўласизларми? — сўради у уятчанлик билан.

— Ҳа, шу жойни ижарага олганмиз! — деди Абди оппоқ.

Унинг сермаъно гапига тушунган Тараша қиҳиллаб кулди.

Ота-бола чиқиб кетишди. Икки чапани «иш кутиб» жойларида қолдилар.

## Абдукарим деҳқон

Кумушкент бозорига Лайлак қишлоғидан отланиб йўлга тушган учинчи одам Абдукарим деҳқон эди.

Абдукарим аслида Лайлак қишлоғида яшайди, дейилса, ҳақиқатга мутлақо мос тушмасди. Сабаби, бундан икки йил муқаддам бир бўз ерга иморат қура бошлаганди ва бир оёғи Лайлакда, бир оёғи ана шу янги кўрғонида эди.

Деҳқон сифатида ҳам, йигит сифатида ҳам бақувват бўлган Абдукаримнинг танлаган янги ери ҳар жиҳатдан яхши эди. Шаҳардан чиққан анҳорнинг бўйидаги юз таноб<sup>1</sup> кенгликдаги сайҳонлик бемалол каттагина қишлоққа макон бўла оларди. Анҳорнинг анчагина чуқурдан оқиши аввал деҳқонни ўйлантириб қўйди, бу тўсиқни катта чархпалаклар қуриш билан энгиш мумкинлиги ҳақидаги фикр хаёлига келгач эса, хурсанд бўлди.

Абдукарим аввалига ўзига ўхшаган уч-тўрт кишини эргаштирмоқчи бўлганди. Аммо ҳеч кимнинг юраги бетламади. Шунинг учун чархпалакни ҳам бир ўзи бошлаб, деярли битириб қўйганди. Аммо ақча деганнинг хомчўтини сал нотўғри олган экан, чархпалак сув бера бошлаб, бир уй-бир даҳлизи чала

<sup>1</sup> Таноб — 8 сўтик.

битган худди шу паллаларда йиққан уч-тўрт тангаси соб бўлиб, Абдукарим роса ерга ўтириб қолганди. Ўзининг, уй ичларининг усти-боши минг ямоқ бўлиб, бир жойда кўрингулик ҳоли йўқ эди.

Абдукарим қишлоқдаги ҳовлисини сотганди-ю, экинзорини сақлаб турарди. Бир оёғи Лайлакда, бир оёғи янги кўрғонида деганимизнинг боиси ҳам шу: гоҳ экинзориди, гоҳ эса янги кўрғонида уй тиклайди, дарахт экади, ариқ тортади, чала битган чархпалакни қўлда айлантриб сув чиқаради.

Бугун ҳам қишлоқдаги экинзориди янги пишган ҳандалакдан эллик-олтмиштасини аравага ортиб, шаҳарга йўл олганди.

Лайлак қишлоғидан Кумушкентга бораётган одамнинг йўлида фақат икки-тагина иморат учрарди. Булардан бири — бир ярим чақирим масофадаги сардоба, иккинчиси — яна шунчадан кейин келадиган, йўлдан сал чеккароқдаги Абдукаримнинг чала битган кўрғони.

Абдукаримнинг кўрғонидан шаҳаргача бўлган масофа ҳам тахминан бир тош келарди.

Лайлак қишлоғи адирлар устида жойлашганди. Адирлар этаги сардобанинг атрофида тугар ва шундан кейин кафтдек текислик бошланарди.

## Сардоба

Тарихий манбаларда, энг қадимий даврларда бизнинг ўлкамиз сер-ўрмон, серсув бўлган, деган маълумотлар бор. Аммо кейинги уч-тўрт минг йилликка доир маълумотларга қарайдиган бўлсак, Урта Осиёмиз ўзининг гўзал водийларидан ташқарида ҳамиша сувга танқислик сезган ўлкадир. Ана шу кейинги уч минг йил ичида бизнинг ота-боболаримиз сувдан фойдаланиш, тежаб ишлатиш, йўқ жойдан топишнинг мукамал билимларга асосланган кўп ва таройиб усуларини топганларки, бу нарса ҳозирги олимларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Сардоба ана шу билим ва тежамкорликнинг, яшаш учун курашнинг олий санъатларидан биридир.

Сардоба одам яшайдиган нуқталардан ва турган гапки, дарёлардан узоқда, асосан карвонлар, саёҳатчилар учун катта, текис чўл жойларда қурилади. Текис чўл дейилгани нисбий. Аслида унда жиндак нишоб бўлади. Оддий кўзга кўринмайдиган бу нишоб бир томонга бўлиши ҳам, сардоба қуриладиган жойга тўрт тарафдан келиши ҳам мумкин. Ҳарҳолда, от чопса чарчайдиган ва чегараси кўринмайдиган шу нишоб текисликдан одам бўйи кавланса сув чиқадиган жойни аниқ топиш керак. Аждодларимиз томонидан бундан минг-минг йиллар муқаддам қурилган сардобаларда ана шундай нуқталар ажиб маҳорат билан топилган.

Хуллас, чуқурлиги одам бўйидек, эни-бўйи беш-олти қадамлик ҳовуз кавланса, у беш-олти кун ичида сувга тўлган. Ҳовуз атрофига гир айлантриб пишиқ ғиштдан гумбазсимон иморат қурилади. Натижада йиғилган сув иссиқда буғланмай, совуқда музламай сақланади. Езда, одамни қовуришга тайёр турган иссиқ пайтда сардобанинг тўрт томонига ишланган пастак эшиклардан энгашиб кириб, уч-тўрт поғоналик зинадан тушсангиз, ўзингизни шундай салқин бир гўшада кўрасизки, ташқарида эллик даража жазирама эканлигига ишонмай қоласиз.

Ҳозирги кунда Урта Осиёда, айрим узоқ чўлларни ҳисобга олмаганда, сардобалар ўзининг қадимги аҳамиятини йўқотган. Афсуски, уларнинг кўпчилиги бузиб юборилмоқда. Сақланган сардобалардан биттасини кўрмоқчи бўлган одам Тошкентдан Жиззахга қараб йўлга тушса, Чиноздан йигирма-ўттиз километрларча ўтгандан кейин йўлнинг чап тарафига диққат билан қараб борса, эҳтимол, сардобага кўзи тушар. Бу сардобанинг ҳам атрофи обод, оқар сув етарли, шунинг учун ҳам унга одамларнинг эҳтиёжи, эътибор йўқ.

Бизнинг қиссамиздаги етти юз олтмиш йил илгариги воқеалар тасвирида тилга олинадиган сардоба ҳам ўша вақтлардаёқ ўз вазифасини бажариб бўлган эди. Сабаби: ўша пайтдаёқ минг ёшга кирган сардоба бир кун қараса, ўзидан икки чақирим нарида Кумушкент шаҳри қад кўтариб қопти. Шаҳарга олис дарёдан канал ҳам қазиб келишипти. Шу-шу карвонлар ҳам унинг ёнида тўхтаб ўтирмай ўтиб кетаверадиган бўлишди.

Сардобанинг олдидаги тўртта уч юз ёшдан ошган чинорлар, хийла жой-гача атрофини ўраган чангалзор-у, узук-юлуқ тўқайзор унга содиқ қолишди. Йўллар содиқ қолишди.

Теварак-атрофдан келадиган йўллар сардобанинг олдидаги катта йўлга қўшилар, уч-тўрт қишлоқнинг, хусусан Лайлакнинг одамлари шаҳарга тушадиган бўлсалар, албатта, сардобанинг олдидан ўтардилар.

## Икки миршаб

Нодир миршаб билан Содир миршабнинг аслида хизмат жойлари шаҳарда. Аммо катта бозор кунлари далага чиқиб, ўзларининг тилида айтганда, ҳаво ўзгартиришарди. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай, бозор йўлида туриб олиб, ўтган-кетган деҳқон ва чўпонни алдаб-сулдаб ёки дўқ-пўписа қилиб жиндак-жиндак шилишар эди. Сардобанинг олдидаги серқатнов йўл бу икки разил учун энг қулай нуқталардан бири эди.

Нодир миршаб билан Содир миршаб мўлжалларидаги вақтдан хийла кечикиб келишди. Бунга Содир миршаб айбдор эди. Азонда у Нодир миршабни уйдан чақириб ўтиши керак эди, аммо қуёш бир терак бўйи кўтарилгунча келмаса бўладими. Хотини аллақайси гўрдаги тўйга кетиб, уйғотади-ган одам йўқ, ухлаб қолган экан. Нодир миршабнинг тоза хуноби чиқди, кутиб-кутиб, энди бугун «тирикчилик» бўлмас экан-да, деб турган пайтида Содир миршаб от чоптириб етиб келди.

Шундай қилиб, икки миршаб Сардобанинг олдида одатдагидан уч соат кейин етиб келишди.

Ҳаммага маълумки, бозорга одамлар шаҳарда ўтади. Мана, келганларига бир соатдан ошганига, кун уч терак кўтарилганлигига қарамай, улар ҳали ҳам қуп-қуруқ эдилар. Сардобанинг олдидан одам тугул саёқ ит ҳам ўтмади.

Боядан бери бир неча марта койиган бўлишига қарамай, туриб-туриб Нодир миршабнинг аччиғи яна тутиб келарди.

— Ҳей, ҳа шунча ҳам ухлайсанми, галварс! Нас босиб юрасан-де! — деди у тош супада елкасини чиқариб, қўлларига суюниб ўтираркан.

Содир миршаб, отининг олдинги оёқларини кўтариб, тақанинг бўшаб кетаёзган мишини тош билан чақиллатиб қоқарди. Шеригининг бу гапини кўп эшитгани учун жавоб бермай ишини давом эттирди.

— Бугун энди ҳемириям йўқ, икки қўлни бурунга тиқиб қайтамыз!

Содир миршаб индамай миҳ қоққан туёқни тушириб, отини сардобанинг орқасига етаклаб кетаркан, пўнғиллади:

— Бўлди-де энди! Ҳадеб битта гапни айтиб, молга ўхшаб кавш қайтара-вераркан-да!

— Ҳў, нас! — деди унинг орқасидан хўмрайганча Нодир миршаб.

Содир миршаб отини қолдириб, сардобанинг човгунида сув олиб чиқди. Супага келди-да, дубулғасини ечди. Човгунни Нодирнинг олдида қўйди:

— Шуни бошимдан тўквор! — деди энгашганича.

— Ҳў, нас! Этдим-ку, бу ҳали ювинмаган ҳам!

— Кеча қайним келувди. Бўзахўрлик қилганмиз. Аъзойи баданим ўт бўлиб ёняпти! — деди пўнғиллаб Содир миршаб.

— Ҳали миршаббошининг ҳақини беролмай, болохонадор сўкиш эшитганинга кўраман сени!

— Кўп саннайверма, хумпар! Бугунга ҳам худойимнинг атагани чиқиб қолар!

— Худони тилга олади-я! Ювуқсиз!

Нодир миршаб шундай деб сувни жўмракдан қуя бошлаганди, совуқ сувдан сесканган Содир бақирди:

— Оғзидан! Тўквор дедим-ку сенга!

Нодир сувни шариллатиб қўйди. Содир миршаб «ўҳ-ўҳ»лаб бошини ишқадди. Сўнг энгашганча белидан белбоғини ечди-да, уни бошига ёпиб тикланди. Артини бўлиб, рўмолни бошидан олган заҳоти «Ана!» деб бақириб юборди. Бақирғига монанд қўли ҳам Лайлак томонни кўрсата бошлаганди.

— Ана! — деди Содир миршаб хитобини қайтариб. — Айтмадимми, худойим бугунги ризқимиз учун бирон нарса сочиб қўйгандир!  
Лайлак томондан бир арава келарди.

## Биринчи ўлжа

Бу Абдукарим эди. Миршаблар ўлжани кўргач, худди ҳеч нарса билан ишлари йўқ одамлардек тошсупага ёнма-ён ўтирдилар. Абдукарим узоқда-ноқ уларни кўриб, миршаблар эканини таниди. Кўнглига хижиллик чўкиб, ҳурматларини жойига қўйсам, зора тирғалишмаса, деган умидда анча нариданоқ аравасидан тушиб пиёдаланди. Беш-ўн қадам қолгандаёқ қироатини келтириб салом берди.

— Ҳорманг, катта ака! Йўл бўлсин? — деди Нодир миршаб. Қуш ўтиришда ўтирган кўйи алиқ олиб, шу сонияда у ўзини фил, Абдукаримни эса чумолидек кўрарди.

— Бор бўлинг! Бозорга кетятувдим...

Абдукаримнинг нафаси ичига тушиб жавоб берди. Миршабларнинг албатта тирғалишларини, режалари барбод бўлиши мумкинлигини сезди. Кўзлари мўлтиради.

Миршаблар унинг мўлтирашини кўриб, салобатимиз босиб кўрқяпти, деб ўйладилар. Аслида эса, Абдукарим тезроқ шаҳарга тушиб чиқиш, бўз, чит олиб, янги кўрғонда кутиб ўтирган хотини ва бола-чақасини севинтириш, сўнг рўзғордаги бошқа ишларга уннаш сингари бугунга мўлжалланган режаларининг бузилишидан кўрқарди.

Мансабдорлар ана шундай янглишдилар. Уларнинг турқларидаги кибр ва ғўдайганлик ана шундай янглиш устида илдиз отади.

— Бола-чақанинг оғзига босармиз, деб уч-тўртта уруғ ташлаб қўйгандим. Насиб қилмаган экан, сотгани олиб кетяпман.

Абдукарим бу гапларни ўша режаларнинг амалга ошмай қолиши кўрқувидан эзилиб айтди.

— Ҳа, яхши, яхши. Омадингизни берсин.

Нодир миршаб шундай деб, четани йўнилмаган таёқ ва қамишлардан ясалган аравага яқинлашди. Кўз қирини ташлаб, ичидаги ҳандалакларни кўрди.

— Қани, аравангиз бутми? Йўл-пўлда тўкилиб тушмайдимми?

Нодир миршаб араванинг саҳнини, филдиракларини силтаб-силтаб тортиб кўра бошлади.

— Эски бўлса ҳам пишиқ, — деди Абдукарим ялтоқланиб кулиб. — Чатоқ арава билан шаҳарга тушиб бўларканми?

— Ия!

Араванинг салкам ўзининг бўйидек келадиган филдирагини силтаб туриб айтган Нодир миршабнинг бу хитоби Абдукаримнинг жилмайишини сўндирди.

— Ҳа, буни шалоғи чиқиб ётибди-ку! — деди миршаб кўзларининг пахтасини чиқариб, дўқ билан.

— Йўғ-э! Йўғ-э! — Абдукарим шундай деб норғул гавдасига ярашмаган чаққонлик билан лип этиб миршабнинг олдига ўтиб, филдиракни силтади. — Ж-жойида-ку?

— Менга ишонмайсизми?! — Нодир миршаб дўқини кучайтирди. — Содир! Бу ёққа қара!

Содир миршаб ҳеч хоҳиши йўқдек кўзғалди. Бошига салласини, афтига эса энса қотиш ифодасини кўндирди-да, шошилмай яқинлашди. Филдиракни ҳазар қилгандек ушлаб силтади.

— Шалоғи чиқиб ётибди, — деди у кўлларини қоққанча узоқларга тикилиб. — Чиқиб кетади.

— Нега чиқиб кетаркан?! Мустаҳкам арава! Уста Маннон ишлаган. Мен тугул, ўғлимнинг кунига ҳам ярайди ҳали!

Абдукаримнинг бу узун нидосидан кейин супа томон қайтаётган Содир миршаб тўхтади. Истамай ўгирилди. Остида зўр дағдаға сезилиб турган бепарволик билан деди:

— Нима, сизга подшоликнинг одами ёлғон гапирадими?



— Ҳа, — деди Нодир миршаб. — Бунингиз шаҳарга борганда чиқиб кетиб, биронта бандаи мўминни шикастлайди. Товонига қоласиз!

— Э, нима бўлса пешонамдан кўрдим! Жон акалар, буни сотиб, пулига майда-чуйда олиб қайтишим керак. Олис йўл, қоронғига қолиб кетмай! Қўй-воринглар!

— Ия! Бизни бу ерга нимага қўйиб қўйибди?! Қийшиқ, бузуқ араваларни ўтказмагин деб қўйибди! Тузатинг аравангизни!

Бу буйруқни эшитган Абдукарим бошига мушт тушгандек гарангсиб, анча вақтгача нима дейишни, нима қилишни билмай қолди. Нодир миршаб эса гап тамом дегандек, Содирнинг ёнига, супага бориб ўтирди. Иккови ёлғондн қизғин суҳбатга берилишди.

Абдукарим анчадан кейин ўзига келди. Ночор қиёфада супага яқинлашди.

— Майли, акалар. Шаҳарга ўтмайман, — деди. — Ҳув анави қорайиб турган менинг кўрғоним, ўшатда қоламан!

Нодир миршаб билан Содир миршаб, ялинишни бошлади шекилли, деб унинг гапига яхши эътибор беришмади ҳам.

— Майли, бугун тузатиб, эртага тушарман шаҳарга, — деди ғудраниб Абдукарим.

Миршаблар яна эътибор беришмади. Яна ялиняпти деб ўйлашди.

Абдукарим эса уларни эшитди деб ўйлаб, аравасига ўтирди-да, «чу» деб қамчи силкитди.

Оти энди икки одим қўйгандики, унинг жўнаётганини тушуниб қолган миршаблар «ҳой-ҳой»лаб югуриб келиб, Абдукаримни силтаб туширишди.

— Ҳе, сени қара-ю! Кимга ҳазил-мазах қиялсан?! Ҳозир ҳибсхонага обориб тиқиб қўяман!

Абдукарим кўрқиб, ёш болага ўхшаб доврираб қолди.

— М-мен мазах қилганим йўқ. Шаҳарга тушмайман деб айтдим-ку! Ҳув анави кўрғонимда қоламан.

— Кимни алдамоқчисан? Бу ерда бормайман деб жуфтакни ростлайсанда, нарироқ бориб секин шаҳарга қийшайиб қоласан? — деди Содир миршаб важоҳат билан.

— Нима қил дейсизлар?! — Абдукарим баттар довриради.

— Ҳеч қаёққа бормайсан! Аравангни шетта, кўзимизнинг олдида тузатасан.

Сал зийракроқ бўлган Нодир миршаб Содир миршабнинг бунақа дўқлари билан ўзларининг асл ниятларини Абдукаримга барибир тушунтириб бўлмаслигини сизди.

«Қўйиб берсанг, бу галварс аравасини ҳозироқ созлашга киришади», деб ўйлади.

— Сен нари тур! — деб ёлғон пўписа билан Содир миршабни ҳайдади-да, одамга ўхшаб Абдукаримга гап қотди. — Энди, ука, сизни шундай ўтказиб юборсак, сиз, худо кўрсатмасин-у, мабодо бировни жароҳатласангиз, бизни миршаббоши қаттиқ сўқади. Биз нима деймиз?.. Ҳа, энди иши зарил экан, жуда илтимос қилди, деймиз... Ҳандалак обкетаётган эканлар. Мана, янгилик, сизнинг ҳам оғзингиз тегсин, деб уч-тўртта ҳандалак берсак, жавобимиз анча чиройлик чиқади, а? Тўғрими?

Абдукарим севиниб, дарров кўнди.

— Майли, олинглар, беш-ўнта ҳандалак гапиришга арзимайди.

— Йўқ, сиз ўзингиз айтинг-да! — Нодир миршаб дўстона кулиб Абдукаримнинг елкасига қоқди. — Илтимос денг, сизга ўнта, ошнангизга ўнта денг, миршаббошига йигирмата ҳандалак олинг денг, аравамнинг чатоқлигига қарамай ўтказиб юборинглар, денг. Қани, ўз оғзингиз билан қайтаринг-чи?

Абдукаримнинг яна нафаси ичига тушиб, миршабни инсофга чақирмоқчи бўлди.

— Ҳа, олтимиш-етмишта ҳандалак опкетаяпман, акажон! Ярмидан кўпини олсанглар! Аравани шаҳарга овора қилганимга арзимайди-ку!

— Э, гапга тушунмасакансиз! Бўпти, аравангизни шетта тузатинг-да, кетаверинг! Ҳеч нәрсангиз керакмас! — Нодир миршабнинг башараси одам сиёқидан чиқиб, муомаласи яна совуқлашди, ўзининг миршаблик сиёқига ўтди. Гапларини ҳам тўрс-тўрс гапирди-да, кета бошлади.

Ноилож қолган Абдукарим унинг енгидан ушлаб ялинди.

— Жон оға, ўттизта ҳандалак олиб, мени кўрмагандек бўлинг!

— Бу бошқа гап! — Нодир миршаб афти яна одамга ўхшаб жилмайди. — Қани, ўзингиз қирқта йирик-йиригидан танлаб, сардоба орқасига олиб кўйинг-да, жўнайверинг.

Ҳаммасидан ҳам Абдукаримга мана шу ҳандалакларни ташиш алам қилди. Боз устига режалари барбод бўлганди. Юзидаги ялинчоқлик йўқолиб, ўрнини ақлли қаҳр эгаллади. Индамай уч-тўрт қатнаб, қирқта ҳандалакни туширди-да, яна индамай жўнади.

— Хайр, ўв, деҳқонбой ака! Нега бу қовоғингиздан қор ёғилиб қолди? — деб Нодир миршаб.

— Одамларга яхшилик қилиб балога қоласан! — пўнғиллади Содир миршаб.

Абдукарим аравада ўтирганча ўгирилди.

— Билиб кўиларинг, ўв оғалар. Ҳандалак эмас, қизчамнинг бўз кўйлагини олиб қолдиларинг! Ҳайитлик қилмоқчи эдим. Қизимга айтаман: ўлгунича қарғаб юрсин!

Абдукарим отига қамчи урди.

— Ўв, подшонинг миршабларини ҳақорат қилди, деб қамаб кўяйми? — деди Содир миршаб.

— Осмон кўлингда бўлса, ташлаб юбор-а!

Абдукарим кўл силтади.

Содир миршаб ўрнидан турмоқчи эди, Нодир миршаб тўхтатди.

— Кўй! Оладиганимизни олдик! Саситиб мақасан? Кетаверсин!

Дунё айланиб, ўзичалик аламга қолган одамни кам кўрган бўлса-да, миршабларга айтганидек, у воқеани қизчасига айтмасди. Боланинг кўнгли тоза бўлсагина кўзлари порлашини биларди. Қизчасининг кўзлари эса дунёдаги энг қимматли нарсаси эди.

## Иккинчи «ўлжа»

Абдукарим нари кетгач, миршаблар гарчи арзимас бўлса-да, биринчи ўлжа қувончидан хохолаб юборишди.

— Ўзи бериб, яна гина қилади, — деди Содир.

— Ўзи олинг дейди-да, кетидан тўнғиллайди, — деди Нодир миршаб.

Икки ошнонинг бу гаплари хохолаш орасида айтилди. Сўнг улар кўшиқ бошлаб юборишди.

Мен ўзим полвон йигит, ҳо!  
Қоғозни жар-жар йиртаман.  
Юрагим тоғдай йигит, ҳо!  
Ўлган бузоқдан кўрқаман.

Кўшиқ тугагач, дўстининг кайфи чоғланганини кўрган Содир миршаб уни яна севинтирмоқчи бўлди.

— Ҳарна-де! — деди у ҳандалак келтиргани сардоба томон йўналиб. — Бекор ҳам ўтирардик. Янгилик, омонлик-эсонлик деб бунинг битта-иккитасини сўяйлик!

Лекин Лайлак тарафга кўзи тушган Нодир миршаб, у томондан келатган отликни кўрди.

— Ҳандалакни кўй, бу ёққа қара! — деди у дўстини тўхтатиб. — Яна битта ўлжа келяпти.

Содир миршаб севиниб орқага қайтди-да, узоқдаги отликқа тикилди. Шунда унинг севинчи сув сепилган гулхандек ўчди.

— Э, бу Муҳсин бой-ку! Ундан ундириб бўпсан! — деди энсаси қотиб Содир миршаб.

— Ростдан бой бўлса, гапинг тўғри! Қози калоннинг олдига кириб-чиқаётганини ҳам кўрганим бор бунинг, — деди Нодир миршаб кўзи олакула бўлиб.

<sup>1</sup> Нима қиласан маъносида (шева).

Иккала дўст қўй оғзидан чўп олмаган қиёфада, мўмингина бўлиб супага ёнма-ён ўтиришди. Афтларининг тундлиги узоқдан билинмасди. Мухсин гуппи яқинлашиши билан афтларидаги тундликни бирданига ширингина жилмайишга айлантириб, қироат билан салом бердилар.

Миршаблар шу жилмайган қиёфада Мухсин гуппини тезгина ўтказиб юборишни мўлжаллагандилар. Лекин гуппи ўтиб кетмади. «Ваалейкум» дега-нича отдан туша бошлади.

Икки миршаб ким ўзар ўйнагандек югуриб бориб, унинг қўлини олиб сўрашдилар. Уларнинг боя Абдукарим олдидаги важоҳатларини кўрган ва ҳозирги сиёқлари билан солиштиргудек кимса топилса эди, одамнинг гавдаси бирданига кичрайиб қолиши мумкинлигига гувоҳ бўларди.

Мухсин гуппи боши билан отига ишора қилиб супанинг четига ўтирди. Иккала миршаб отни чинорнинг тагига, сояга боғлаб қайтишди. Содир миршаб тилёғламаликка ўтди:

— Қаранг, аҳли донишдан бир вакил келиб суҳбатига баҳраманд қилар-микин, деб ҳозиргина сизни гаплашиб ўтирган эдик. Худонинг ўзи етказди!

— Фаришталар омин деган экан! — қўшимча қилди Нодир миршаб.

— Э, — деди Мухсин гуппи яйраб кулиб. — Сенларнинг нима қилиб ўтирганларингни биламан. Локигин мени сенларга худонинг ўзи етказ-гани рост!

— Рост, рост, ўзи кўзим ҳам учиб турувди, — деди Нодир миршаб. Бу гапнинг таг-тагида пичинг ётганини билган Содир миршаб хавотирла-ниб, гуппига қараб қўйди. Мухсин гуппи ҳеч балони сезмаганди.

— Ажабмас, бугунги ризқларингни мен туфайли топсанглар! — деди у қамчи билан этигининг чангини аста қоқаркан, виқор билан.

— Иншоолло, иншоолло, бой ака! — деди Нодир миршаб.

Мухсин гуппи иккала миршабга галма-галдан кўз югуртирди. Кейин боши билан ёнига ишора қилди:

— Қани, бундай ўтирларинг-чи!

Миршаблар кўзларини унга тикканча ёнига ўтиришди.

Мухсин гуппи яна, худди улар газламаю, кир кўтарадими йўқми, деб чамалаётгандек синчков тикилди, сўнг чўзиб туриб деди:

— Бир иш бор. Агар басалласаларинг, икковинг бир хумдан асалга эга бўласанлар. Бунинг устига, мендан ҳар бирингга ярим тилладан танга тегади.

Нодир миршабга жон кирди:

— Айтинг тезроқ, бой ака!

— Хў-ўш, — деди гуппи ниҳоятда жиддийлик билан. — Ҳозир изимдан бир одам келади. Эшагининг хуржунида икки хум асали бор. Шуни олиш керак.

Унинг бу гапидан сўнг миршаблар индамай қолишди. Бироз ўтгач, Содир миршаб сўради:

— Ўзи икки хум асали бор?

— Ҳа!

— Биз икковини олишимиз керак?!

— Ҳа!

Миршаблар яна ўйланиб қолишди. Одатда улар ўн-ўн беш қопли деҳ-қондан ярим қоп-бир қопини олишарди. Эллик-олтмиш қўйли чўпондан эса битта, жуда нари борса иккитасини. Шунда ҳам гоҳида жанжаллар бўлиб зўрға қутулардилар. Баъзан эса кўнгли кенг заҳматкаш бечора-лар, бош-кўзимдан садақа деб индамай кетаверардилар. Лекин одамнинг бор буд-шудини тортиб олиш! Бу тоифа ишни улар қилмасдилар ва қилишни хоҳламасдилар.

— Ўша айтган одамингизнинг бошқа ҳеч нарсаси йўқми? — энди бу саволни Нодир миршаб берди.

— Йўқ! — деди тажанглашиб гуппи.

— Жуда қийин иш, бой ака, — дея гапга Содир миршаб аралашди. — Бунақасини бизга устозимиз ўргатмаганлар!

— Устозингиздан ўргилдим. Мен ўргатяпман! Боз устига тилла беряп-ман!..

Нодир миршаб гуппининг гапини бўлди:

— Чорак хумини, борингки, ярим хумини ол денг, об берайлик. Молидан ажраган одам болтадан қайтмайдиган ҳўкизга айланади. Биласизми, қассобга калла кўйиб қолиши мумкин.

— Ҳой, ҳой, ҳой! — ўз навбатида гуппи ҳам унинг гапини кесди-да, бармоқларини бир-бирига ишқаб деди: — Мен танга беряпман! Мулла жиринг беряпман! Ҳа, чорак хум, ярим хум, эмиш! Чорак хум, ярим хумни мен айтмасам ҳам олишларингни биламан.

Миршабларнинг кўнмаётгани кўриниб турарди. Муҳсин гуппи, ярим тиллани эшитиб дарров кўнишади, деб ўйлаб хато қилганини тушунди. Энди аврашга ўтди.

— Ярим тилла-я! Боз устига, олишнинг хамирдан қил суғургандек осон йўлини ўргатаман. У одам билмай қолади. Хумлари бўшлигини бозорга борганда билади. — Муҳсин гуппи жиндак тин олиб, нархни кўшди. — Ҳа, борларинг, ана икковингга бир тангадан бераман!

Миршаблардан яна садо чиқмади. Аммо бир тангадан дейилгани жиндак таъсир этди.

— Бир хумдан асал, битта муллажиринг — асл тилладан, эгаси билмай қоладиган йўли! Яна нима керак?! Мен ўша одамни хумлари бўш ҳолда бозорга борганини кўрсам бўлди!

— Ким ўзи ўша айтаётган одамингиз? — сўради шошиб Содир миршаб. Шошганига сабаб, Нодир миршабнинг «Бўпти, биз рози!» деворай деяётгани эди. Ўлжасиз қайтишидан жуда хафа бўлаётган Нодир миршабни ярим маошига тенг бўлган бир танга — бутун эс-ҳушини олганди. Боз устига бир хум асал!

Муҳсин гуппи ҳам ошналарнинг яқдиллигига дарз кетганини сезди. Шунинг учун Нодир миршабга хушрўй боқиб, гўёки ўпқаланди:

— Дўстингизни қаранг! Ҳа, буни нима аҳамияти бор?!

— Хўп деяверайлик, — деди Нодир миршаб. — Тўғри-да, нима аҳамияти бор?!

Содир миршаб қувроқ эди. Бунинг устига яна нархни ошириш мумкинлигини тушунди.

— Жуда бор-да! — деди у ўжарлик билан.

Орага чўккан жимликда Содир миршаб диққат марказига айланди. Нодир миршаб дўстига боқди, унинг тихирлик қилишига ҳайрон эди. Гуппи ниҳоятда тажанг эди. Содир миршаб эса, уларнинг биттасига ҳам қарамас, гоҳ ерга, гоҳ осмонга тикиларкан, фўнғиллаб хиргойи қиларди.

Гуппи ана шу вазиятда «Насриддин Афанди!» деворганди, «Қани? Қани?» деб сакраб туриб кетган миршаблар атрофга аланглашди.

Жаҳли чиққан гуппи бармоғини нуқиб ҳижжалади:

— Уша, мен айтган асалли одам — Насриддин Афанди бўлади!

Бў гапни эшитиб миршаблар аввал бир зум оғизларини очиб ағрайишди-да, кейин, «Йўқ, йўқ, йўқ», деганча худди моховдан қочгандек икки ёққа қочишди. Гуппи бир амаллаб Нодир миршабнинг этагидан ушлаб қолди. Содир миршабни эса такрор-такрор қақиравериби, аранг ёнига ўтқазди.

— Тавба! — деди у хуноб бўлиб. — Намунча номини эшитибок бу одамлар ўзини томдан ташлаб қочгудек қочади-я?! У ҳам ҳаммага ўхшаган одам! Менга қараларинг: икковингга икки тилладан бераман. Ана, мenden кетса кетсин! Фойдани тагида қоладиган бўлдиларинг!

— Э, Насриддин Афандига тегмаган одам фойда қилади, бой ака! — пўнғиллади Содир миршаб.

— Уч тилладан бераман, — деди гуппи.

— Уч тилладан!!! — Нодир миршаб шундай деб хуши бошидан учди. У батамом гуппининг қулига айланганди. Содир миршаб эса баттар шубҳага тушди.

— Менга қаранг, бой ака, шу одамга тегиш намунча зарил бўп қолди? Насриддин Афандини бутун подшоҳликда отлиқ ҳам, пиёда ҳам таниса. Бир ишқал чиқса, мен бу миршабларни танимайман деб, тониб кетаверасиз!..

— Беш тилладан! — деди гуппи унинг оғзига ургандек.

Бу пулни эшитиб, иккала миршаб ҳам лол қолишди. Айниқса Нодир миршаб ўрнидан туриб кетиб, «Ланж! Нас босган! Айбингни юв!» деган

таъналарни айтиб унга ташландики, «беш тилладан» карахт бўлиб турган Содир миршаб ҳам таслим бўлди. Гуппи эса ғалабани янада мустаҳкамлади.

— Беш тиллодан олларинг-да, ишни бажарларинг! Асалини олиб қуруқ жўнатсаларинг бас! Насриддин Афандини гел қилган миршаблар, деб шон-шавкатинг бутун подшоҳликка кетади. Бекнинг, шоҳнинг назарига тушасанлар. Сенларни чақириб мансаб беради. Ҳаммаси икки хум асални олиш эвазига-я! Аз карнайчи як пуф, сенлар учун! Боз устига, осон йўлини ўргатаман.

— Бўпти, ўргатинг йўлини! — деди Содир миршаб.

Гуппи бир нафас ростлаб, сўнг у ёқ-бу ёққа аланглаб олди-да, икки оғайнини бўйнидан ушлаб ўзига энгаштирди. Шу аҳволда уч-тўрт жумла айтганди, миршаблар бирдан ўзларини орқага ташлаб, қаҳқаҳа уришди. Гуппи яна уларни боягидек энгаштирди. Уч-тўрт оғиз гапидан кейин миршаблар яна гавдаларини орқага ташлаб, осмонга қараб қаҳқаҳа урдилар.

— Оббо, оббо, бой ака! Устамонликда барчадан ўтиб кетибсиз-ку! — дерди кулги аралаш Нодир миршаб.

— Насриддин Афанди ҳам ип эшолмайди! — дерди Содир миршаб.

Энг оғрийдиган жойига малҳамдек сурган бу мақтовдан Муҳсин гуппи талтайиб кетди.

— Зўрми? — сўради у гердайиб.

— Зўр! Қойил!

Муҳсин гуппи жиддийлашиб, миршабларга режани пухталади.

— Агар асални ўмарганларингни сезмасдан кетаверса — индамайсанлар! Сезиб қолса — биз билмаймиз деб, ҳалиги мен ўргатгандек жавоб берасанлар! Бўптими?

— Бўпти, бой ака! Аммо-лекин қойилман! — деди Нодир миршаб.

Шундан кейин Муҳсин гуппи уларга иккита оғзи бойлоқ оқ халтача берди. Миршаблар уни авайлаб олиб, сардобага яшириб чиқишди.

— Қани, рав! Иккита кашкулми, хумми топиб келларинг! — деди гуппи.

Миршаблар югуриб бориб отланишди-да, хув узоқда қорайиб кўринаётган Абдукаримнинг янги кўрғони томон шамолдек учишди. Сал ўтмай Муҳсин гуппи ҳам улар кетидан жўнади. Сардобанинг олди кимсасизликдан хувиллаб қолди.

Аравасида имиллаб кетаётган Абдукаримни аввал от елдирган миршаблар, сўнгроқ Муҳсин гуппи қувиб ўтди. Яна бироз йўл юргач эса миршаблар қайтиб ўтишди. Эгарларининг унга кўринмайдиган тарафида иккови иккита нарса қўлтиқлаб олишганди. Абдукарим алланимадир сезиб, аравасини тезлатди.

## Икки хум асал

Сардобанинг олди узоқ хувиллаб турмади. Сал ўтмай Содир ва Нодир миршаблар бири хумни, иккинчиси мис кашкулни эгарга босганча қайтиб келишди. Тезликда бир-бирларига ёрдамлашиб, идишларни артишди, сўнг уларни сардобанинг орқа томонидаги буталар ичига яшириб қўйишди. Кайфлари чоғ ҳолда супага ўтириб қўшиқ бошлашди. Бу қўшиқ қатор юриб кўриқдан ўтаётган пайтда айтадиган қўшиқлари эди. Жуда қиёмига етказиб завқ билан айтардилар.

Салтанатнинг биз суяган тоғларимиз,  
Воҳ-ҳаҳ-ҳей! Воҳ-ҳаҳ-ҳей!  
Бегимизнинг олмос тешар ўқларимиз,  
Воҳ-ҳаҳ-ҳей! Воҳ-ҳаҳ-ҳей!  
Олмос кесар тигларимиз,  
Воҳ-ҳаҳ-ҳей! Воҳ-ҳаҳ-ҳей!

Қўшиқнинг охири чўзиқ қийқириқ билан тугарди. Ана шу завқли қийқириқдан сўнг завқли кулги ҳам янгради.

— Менга қара! Агар шу ишимиз туфайли ростданам бекнинг назарига тушсак, қайси мансабни сўрасам экан, а? — деди Нодир миршаб оғзи қулоғига етиб.

Содир миршаб шеригининг ўнг ва тушидаги бўлмиш орзусини билгани учун дарров жавоб қилди:

— Миршаббошилиқни!

— Берармикин, а? — деди Нодир миршаб орзули оҳ тортиб.

— Беради! Қўшиб бериши ҳам мумкин.

— Нимани? — Нодир миршаб ҳамон яшириқ кинояни тушунмасди.

— Катта боғли кўрғон қўшиб беради.

— Йўғ-э!

— Менга қара! — деди Содир миршаб. — Бек Насриддин Афандига шаҳардан кўрғон кўрсатиб, шу ерга кўчиб келинг, деганми?

— Ҳа, шундай деб эшитгандим, — деди Нодир миршаб оғзини очиб.

— Энди, Насриддин Афандига кўрғон бермоқчи бўлган бўлса, уни мот ва гел қилган, яъни Насриддиндан зўрроқ одамга бермайдими? Қўшибла берар!

Нодир миршаб яна бир чуқур оҳ тортиб, «Сен нима сўрайсан, Содир?» демоқчи эди, Лайлак томондан кимнингдир хиргойиси эшитилди.

— Тошқин дарёман дебон, савлатингга ишонма, ҳо, ишонма...

Бу Насриддин Афанди эди. Миршаблар гап билан бўлиб, унинг яқинлашганини сезмай қолгандилар. Улар дарров салла-почаларини тўғриладилар. Бир оёқларини супадан пастга осилтирганча ярим чордона қуриб, «сухбат»га берилишди.

Насриддин Афанди хиргойисини бир дақиқага узиб, «ассалому алейкум» деди-да, ўтиб кета бошлади.

— Йўл бўлсин, Насриддин Афандим? — деди Нодир миршаб алик олгач.

— Бозорга, салтанат тоғлари, бозорга, — жавоб берди Насриддин заррача қиё боқмай, лашкар қўшиғига ишора қилиб.

— Бозор тарқаб кетмайдими? Кеч қопсиз? — Содирнинг бу гапидан кейин иккала миршаб хавотирланиб ўринларидан туришди. Чунки Насриддин ўтиб кета бошлаганди.

— Яхши молнинг бозори тарқамайди, биродарлар!

Миршаблар ҳаяжонланиб йўл устига чиқишди.

— Нима олиб кетяпсиз?

— Асал, асал.

— Ҳой, тўхтанг, — деди Нодир миршаб ваҳима билан қаттиқ бақириб юбориб. — Ҳужжатингиз борми?

— Ия! Қанақа ҳужжат?

Саволдан Нодир миршаб каловланиб қолганди, Содир миршаб топқирлик қилди:

— Асал ўзингизникилиги ҳақидаги ҳужжат!

Насриддин эшагининг жиловини тортиди. Бир оёғини эгар устига олиб ярим чордона қуракан, жилмайиб миршабларга ўгирилди. Шу қиёфасининг ўзи каттақон савол эди.

— Биз сизни ўғри демоқчимасмиз-у, аммо-лекин миршаббоши ҳамма молни текшириб ўтказгин деб буйруқ берган. Шунинг учун ё ҳужжат, ё гувоҳ топиб келинг, — деди Нодир миршаб.

Насриддин хохолаб кулди:

— Ўтганни ўроғини, кетганни машоғини олиб ўтирасизлар, деб эшитгандим. Қаранг, нотўғри экан! Гувоҳ ёки ҳужжат текшириб ўтираркансизлар-да! Миршаблар Насриддиннинг киноясини тушунмасликка олдилар.

— Биз бировдан бекорга ҳеч нарса олмаймиз. Бировнинг ҳақиқа хиёнат қилган одам шариат олдида жавоб беради. Аввал ўнг қўли, сўнгра сўл қўли кесилади. Сизни ҳурмат қиламиз. Шунинг учун ҳар хил маънога бурадиған гапларни гапираверманг.

— Ҳа, сизни ҳурмат қиламиз! — деб илиб кетди Содирнинг гапини Нодир. — Шунинг учун қишлоқ оқсоқолидан бориб ҳужжат олиб келасиз!

— Ҳурматларинг учун раҳмат. Лекин худди шу ҳурмат ҳаққи ҳозир йўлдан қўйманглар! Мабодо миршаббоши текшириб қолса, бор эди, йўқотиб қўйибман, дейман.

— Йўқ, бизни ёлғонга шерик қилманг! — миршабларнинг қатъий жавоби шу бўлди.

Уни деса, буни, буни деса уни рўқач қилишди. Насриддин Афанди бир сир борлигига тушунди ва қайтиб ҳужжат олиб келишга кўнди. Лекин миршабларни бир синовдан ўтказмоқчи бўлди.

— Хумларимни шу ерда қолдираверайми, ё олиб кетайми?

— Ия, ҳа нима қиласиз эшак жониворни қийнаб. Ташлаб кетаверинг! — деди дарров Нодир миршаб, асалнинг олиб кетилиши мумкинлигидан хавфсираб.

— Туради шу ерда! Мен умуман асални хуш кўрмайман! — жўр бўлди Содир миршаб, сўнг шеригидан сўради. — Сен-чи?

— Бэ-э! — деди Нодир миршаб. — Мен асални жиндак ҳидлаб қўйсам, шу йўтал тутади, шу йўтал, тутади! Ҳеч тўхтатиб ололмайман! Ташлаб кетаверинг! Қандоқ қўйиб кетсангиз, шундоқ туради.

— Мана, супанинг ёнбошига қўйинг. Салқинда тура туради, — яна қатъийлади Содир миршаб.

— Қани, ёрдамлашиб юборинглар, бўлмаса! — илтимос қилди Насриддин эшакдан тушиб.

Бировнинг ишига саратонда қўл урмайдиган миршаблар бу илтимосга югургилаб келишди. Ўззадан сал баландроқ келадиган хумларни уч кишилашиб супанинг ёнбошига олиб қўйишди.

Насриддин худди ҳеч нарса бўлмагандек, хиргойи қилганча Лайлакка қайтди. У узоқлашиб, нуқтадан сал каттароқ ҳолда кўрингунга қадар: «сабр қил, сал нарироқ кетсин, ўгирилиб кўриб қолади» деган гаплар билан миршаблар бирини бири босиб туришди. Кейин бирданига шошиб ишга киришиб кетишди. Бояги сардоба орқасига яшириб қўйган хум ва кашкулни келтириб, Афандининг хумларини уларга ағдариб, асал яхшилаб оқиб тушгунча ўшлаб туришди. Шундай қилиб ўзлари олиб келган идишларини тўлдиришди-да, уларни яна чакалакзор ичига яширишди.

Афанди хумларининг ҳар биттасига эса ҳалиги гуппидан олган оқ халталарни қоқиб бўшатишди. Сўнг дарров-дарров оғзини боғлаб, жой-жойига, супанинг ёнига қўйиб қўйишди.

## Насриддиннинг қуроли

Насриддин Афандининг миршаблар тирғалганда Абдукаримга ўхшаб қўйиб-ёнмагани тушунарли бўлса керак. Сабаби: Насриддиннинг тирикчилик ташвишлари бу асалга, ундан келадиган даромадга боғлиқ эмасди. У деҳқондан бойроқ эди. Боғида шунчаки меҳнат қиларди. Меҳнати маҳсулидан ўчоқ-қозони обод эди. Рўзғор ташвишидан эркинлиги, гуппига ўхшаб бойлик орттириш истагига қўл эмаслиги эса дунёдаги кўп можароларга томоша сифатида қарашга имкон берарди. У ҳатто Лайлакка ғимирлаб бориб келишдан ҳам завқ оларди. Ҳа, ана шу иккита балои-азим ҳирсга қўллик кўп одамларнинг инсон сифатида рўшнолик кўрмай ўтиб кетишига сабаб бўлади.

Насриддинга ўхшаб ана шу икки нафсдан озод ва инсоний можароларга томоша сифатида қараш имконига эга бошқа кишилар ҳам бор эди. Бироқ Насриддин Афанди улардан фарқли ўлароқ фақат томошабин бўлиб турмасди. У томошаларга аралашарди. Керак пайтда воқеаларни ўз истаги бўйича ҳақиқат томонга, камбағал, бева-бечоралар фойдасига баҳоли қудрат бурарди. Қуроли — сўзамоллиги эди.

Ҳозиржавоблик, аския, сўзга усталик каби хислатларни баъзилар сирли ва ноёб, баъзилар эса, бачкана ва бир тийинга арзимас нарса деб баҳолаганлар, улар минг йиллардан бери одамлар кўзига сирли, кўпчилик учун ҳеч тушунарсиз нарса бўлиб келади. Модомики, тушунарсиз, сирли экан, ана шу кўпчилик томонидан у менсимай ҳам келинади. Дарҳақиқат, ҳозиржавоб қизиқчи, оддий гапда ҳам кулдира оладиган одамнинг сеҳрини, меҳри гиёси борлигини фақат уни эшитгангина, кўргангина билади. Билмаган, кўрмаганга у жуда жўн, оддий, ҳамма ҳам эплайдиган иш бўлиб туюлади. Натижада қизиқчи ва сўзамол деб донг чиқарган киши билан бел боғлашгиси келаверади.

Мисол учун, бир одамнинг полвон деган шуҳрати бўлса, полвонликнинг асоси гавдасида, муштида яққол кўзга ташланади. Мабодо бирон кимса куч

синашмоқни ният қилса, полвоннинг елкасию, гарданию, муштларига бир қарайди-ю, дарров писиб, шаштидан қайтмаса ҳам, ўзининг келбатини солиштиради. Аммо сўзамолликни қандай солиштирасан? Зукколикда мақталган одамнинг хусусиятлари полвоннинг муштларига ўхшаб яхлит-яхлит кўз олдинга келмаса?!

Ана шунинг учун ҳам аскиябозлар ўртасида «жанг»лар тез-тез қайтарилиб туради. Бундай «жанг»ларга бутунлай ноқобил одам ҳам тушиши мумкин. Унинг ноқобиллиги на бошқаларга, на, айниқса, ўзига кўринади.

Насриддин Афандининг машҳур бўлиб кетишига ана шу зукколик жангларининг ўзига хослиги, зукколик «муштларининг» кўзга кўринмаслиги ҳам сабаб бўлган. Не-не машҳур муллалар, бойлар, беклар, ҳаттоки подшоҳлар ҳам Насриддин билан куч синашганлар.

Кўриниши оддий, қўйқўз, соқоли тўқ жигарранг, ўртадан хийла баланд, қотма бир йигитга зукколик шоҳсупасини ҳеч-ҳеч бергилари келмаган. Қанчалик ўқимишли, бой, қанчалик салтанатли бўлмасинлар, улар юқорида айтганимиз икки балси азимдан бирининг қули бўлганлар. Қулнинг эса ақли ҳам кишанда туради. Бойликка ҳирс қўйишдан, рўзғор ташвишидан озод Насриддин Афандиникидек эркин фикр ва хаёл билан баҳслашишга йўл бўлсин?! Натижада, ўша ғўдайганлар чил-парчин аҳволда мағлуб бўладилар. Мағлуб бўлган сари тушунмасликлари, ғазаблари ортиб боради.

Мағлубнинг шуҳрати эса у енгилган заҳоти ғолибга кўчади. Ана шундай қилиб, Насриддиннинг шуҳрати мамлакатга тарқалиб, ҳатто ундан ҳам ҳатлаб кетганди. Муҳсин гуппи ана шуни тушунмаган галварсларнинг энг кичикларидан бири эди.

Насриддин Афанди жонини сақлаш учун ўзини-ўзи буюк салтанатнинг энг чекка жойига, яъни Лайлакка сургун қилгач, бир нарсани сезди. Уни ҳамма жойда билишаркан, севишаркан. Тўғри, ҳайиқадиғанлар, ҳасад қиладиганлар ҳам бор, аммо эт-суяк бўлишга тайёрлар жуда кўп экан. Ҳамма жойда ўзини мусофир билмасдан яшаши мумкин экан. Буларни ўйлаганда, Насриддин қалбиди буюк мағрурлик сезарди. Мағрурлиги бировга нописандлик талаб қиладиган эмасди. Бутун ер юзи унинг учун ватан эканлигини туйиш эди, холос.

## Кутилмаган...

Нодир миршаб билан Содир миршаб асални гумдон қилишгач, аста пинакка кетишни ҳам мўлжаллашмоқда эди. Чунки эшаги минг йўртмасин, Насриддиннинг қайтиб келишига камида бир-бир ярим соат вақт керак.

Гуппининг «беш тилла», «назарга тушасанлар, шуҳратинг ошади» деган гаплари таъсирида аввал миршабларнинг руҳлари кўтарилди, кетма-кет қўшиқ айтиб, бироз аскиябозлик ҳам қилдилар. Кейин эса, аллақайдандир ўрмалаб келган хижиллик юракларига аста кириб, иккови ҳам хомушланиб қолишди.

Илгари улар оладиган ярим қоп дон ёки мева-чеванинг сархили, ёки битта-яримта қўй деҳқону саҳройи чўпонга ўғри чумчуқнинг чўқиб қолишидек бир гап эканини яхши билишарди. Бугунги қилган ишлари эса бошқача эди. Авваламбор, бутунлай ўлжасиз қолишдан хавфсираб Абдукаримни ранжитдилар. Ҳай, Абдукарим — бир қишлоқи деҳқон. Арзи-додини кимга айтади-ю, ким унга қулоқ тутади? Лекин Насриддин Афанди арз-додини ҳеч кимга етказолмайдиган деҳқон ёки чўпон эмас. Уни оддий фуқародан тортиб беку амалдорларгача ҳамма билади.

Хижилликнинг илдизи шунда эди. Бу хижиллик икки миршабни ўйга солган бўлса-да, Нодир билан Содир мард кишилар эди, сўз бердиларми — бас, ўша ишни дўндиришлари керак.

Яна бир томони, Муҳсин гуппининг бойлиги, қози калон билан таниш-билишлиги, унадиган беш тилла — уларга ҳамдard эди. Боз устига найрангнинг силлиқ чиқишига, Насриддиннинг ҳеч нарса сезмай қолишига ишонч уларнинг батамом таҳликага тушиб, оҳ-воҳ қилишларига йўл бермасди.

«Бўлар иш бўлди — бўёғи синди», деган фикр икковининг миясига бир пайтда урилди. Шунинг учун Содир миршаб, «бирпас пинакка кетиб, қулоқ босди қиламан» деганда, Нодир миршаб, мен ҳам, деди. Уйқу лашкарини



турли ёқимсиз хаёлларга қарши қўйиб, миршаблар супага чўзилганча кўзларини юмишди. Мудроқ энди ёмон хаёлларни қувиб, танлари оромга фарқ бўлганида кимдир қаттиқ овозда: «Ассалому алайкум!» деди. Миршаблар: «А?» «Ким?» «Қани?!» деганча яўчиб, ирғиб туришди.

Салом берган Абдукарим эди.

— Ердан чиқдингизми, осмондан тушдингизми? — деди сал ўзига келган Содир миршаб.

— Ҳа, нега келдингиз? Дарров сотиб келдингизми? — Нодир миршаб ҳам бу саволларни чўчишини яшириш учун берди.

— Бозорга бормадим! — деди Абдукарим тажанглик билан. — Уттизта ҳандалакни нима деб обораман?!

— Хўш, бу ёққа нимага келдингиз? — Содир миршаб айбларини дўк билан йўқотмоқчи эди.

Абдукарим ҳам тўлиб турганди, бирдан бақира кетди:

— Ҳандалакни олдиларинг! Энди уйга бостириб кириб талашга ўтдиларингми? Қани хум билан кашкулим?! Яна ичидаги тариқни шундай ҳовлига ағдариб кетибсанлар!

Бу гапларни миршаблар ростдан ҳам кутишмаганди. Чунки Муҳсин гуппи, келишув бўйича, улардан кейин Абдукаримникига кириб, идишларнинг пулини ташлаб ўтиши лозим эди.

— Муҳсинбой ҳақини бермадимми? Ташлаб ўтаман девди-ку! — дейишди бирин-кетин.

— Э, у гуппидан бир чақа ҳам чиқмайди. Беринглар идишларимни!

Содир билан Нодир танг аҳволда бир-бирларига қараб олишди. Дарҳақиқат, айни пайтда бир томондан Насриддин Афанди келиб қолиши ҳам мумкин. Иккинчи томондан эса, ана, роса қайралган Абдукарим турибди.

Уларнинг гуппидан тоза жаҳллари чиқди.

Аслида, Муҳсин гуппи ўз назарида бир ўқ билан икки қуённи отмоқчи, яъни, миршаблар қўли билан ўзига тобе бўлишни истамаган Абдукаримни яна бир эзмоқчи эди.

Нима қилганда ҳам миршаблар томонидан Абдукаримга нисбатан ҳозир яхши муомала даркор эди.

— Менга қаранг, — деди Содир ишшайиб. — Гуппи деб кимни айтдингиз?

— Кимни бўларди, Муҳсинбойни-да!

— Ростдан гуппи экан! Тўнка экан! Эшшак экан! — деди Нодир миршаб жиғибийрони чиқиб. — Кўрсам бир боппайин... падари лаънати!

— Менга қаранг, — деди мулоимгина ёлғон сўзлаб Содир. — Сиздан кейин бой иккита малайи билан келди. Бизга, Абдукаримдан иккита идиш олиш келинглар, шу сардобадан сув олиб уйга юбораман, деди. Биз хизмат ҳақимизни олиб, сизникидан идиш келтирдик. Ўзи эса идишларингизнинг ақчасини ташлаб ўтмоқчи эди. Балки хотирасидан кўтарилгандир. Балки қайтишда берар?

— Ҳеч қанақа хотира-потирасидан кўтарилмаган! Гуппи билан орамиз чатоқ! — Абдукарим жуда эзилиб гапирарди. — Ўзларингдан кейин мени индамай қувиб ўтди. Ҳах, ўшанда билганимда-я! Хуллас, беринглар! Гуппи бермайди, тонади!

— Беради, тонмайди! — деди куюниб Содир миршаб. — Бугун бермаса, эрта берар, индин берар. Шундай қиламан, деб ўз тили билан айтди-ку, кофирмасдир сўзидан қайтадиган?!

— Боринг энди, кетинг бу ердан! — деди Нодир миршаб шеригининг гапи тугаши билан.

— Сен жим тур! Мен ўзим гаплашаман! — дея Содир Нодирни жеркидида, мулоим қиёфада Абдукаримга ўгирилди. — Жон биродар! Агар пулим бўлганда, ҳозир беворардим. Лекин ёнимда бир мириям йўқ, ёлғон айтсам, тил тортмай ўлай! — деди.

Қўпол гап эшитганидан ҳайрон бўлиб оғзини очиб турган Нодир миршаб шеригига аччиғланиб сўз қотди:

— Ҳой, нас! Сен нега бу қўсқига ялинасан! Шарт оёқ-қўлини боғлаб ташлайлик! Икки соат бужмайиб ётсин, кейин билади миршабларга дўк қилишни!

— Сен жим тур! Келиб қолди! — деб бақирди Содир миршаб ва секин Лайлак томонга ишора қилди.

Сал ҳушёрроқ бўлган Содир миршаб Лайлак томондан яқинлашиб келатган қора нуқтани аллақачон сезганди.

— Кеп қолди, деганингиз нимаси? — сўради Абдукарим ҳайрон бўлиб.

— Сизгамас, укажон, менга! — деди Нодир миршаб бирдан пис этган пуфакдек бўшашиб. — Мени кечиринг, қизишиб кетдим. Боринг, укажон, мана шу икковимиз идишларингизнинг бадалини олиб берамиз! Олиб бермасак, боламининг юзини кўрмайлик!

Миршаблар чорасизликдан Абдукаримни икки қўлтиғидан олишди. Ялиниб-ёлбориб, секингина судраб сардобадан четга торта бошлашди.

— Бу қанақа бедодлик! Мен қозига арз қиламан! — дея чийиллади Абдукарим.

— Арз қилинг! Биз ўзимиз сиз тарафда гувоҳ бўламиз, — деди Нодир миршаб.

— Ҳақингизни олиб бермасак, бола-чақамизнинг юзини кўрмайлик! — дерди Содир миршаб бир гапни такрорлаб.

Шу аҳволда миршаблар Абдукаримни эшаги билан бирга етаклаб, эллик қадамча нарига олиб бориб қўйишди.

— Икки миршаб гувоҳ бўлса, ҳеч қаёққа бормайди! Фақат ҳозир кетинг! — Нодир миршаб бу гапни хайр-маъзур ўрнига айтди.

Абдукарим ҳайрон эди. Миршабларнинг ялинишлари, қасам ичишлари ниҳоятда астойдил эди. «Албатта бир гап бор бу ерда, — деб ўйлади у. — Содир миршабнинг «кеп қолди» дегани нима экан, а?..»

Абдукарим ўйланганича нарироқ кетди-да, миршабларнинг унга эмас, қайтанга тескари томонга олазарак бўлаётганидан фойдаланиб, эшагини чап тарафдаги чакалакзорга ҳайдади. Ўзи эса орқага қарай-қарай билинар-билинимас дўнгликкача бориб чўнқайди-да, ўнг тарафга эмаклади. Шу кетишда гоҳ эмаклаб, гоҳ энгашганча яшириниб, то сардобанинг олдида ўсган чинорлар ўзи билан миршаблар ўртасида қолгунча юрди. Сўнг бир чинорни қора қилиб аста сардобага яқинлашди.

## Чинор ғоваги

Сардоба олдида ўсган неча юз йиллик чинорлардан Абдукарим мўлжаллагани энг чеккадагиси эди. Бу чинорнинг танасида саккиз рақамига айнан ўхшайдиган ғоваги бор эди. Фақат бу «8» бир ёққа сал қийшайтирилганди. Яна ҳам аниқроқ айтилса, бир-бирининг устига қўйилган иккита тухумга ўхшарди. Ана шу икки бўлманинг ҳар бирига кирган одам тик туриб, яна оёқ-қўлин ёзиши ҳам мумкин эди. Биридан бирига ўтиладиган бу бўлмаларнинг ташқарига қараган тешиклари ҳам бор эди. Пастдагисининг тешиги сардобага тескари, каттароқ ва шундайгина оғзида ўсадиган бута билан тўсилганди.

Юқоридаги тешик эса ҳандалакдек келар ва бироз қийшайиб, сардобага қараганди.

Шуни айтиш керакки, чинорда ғовак борлигини кўпчилик билмасди. Бундан уч йилча муқаддам қайдандир келиб қолган ҳиндига ўхшаган гадой бу ғовакни маскан қилганди. Кейин у гадой қандай номаълум келган бўлса, шундай номаълум йўқолганди.

Абдукарим юз эҳтиётини қилиб чинорга яқинлашди-да, пастдаги ғовакка, ундан эса тирмашиб-сиқилиб, юқоридагисига ўтиб олди. Шунда ўттиз-қирқ қадамларча наридаги миршаблар унга бемалол кўринадиган, гаплари эшитиладиган бўлди.

Нодир билан Содир Абдукаримни, айниқса, Муҳсин гуппини сўка-сўка, эгни-бошларини қоқиб, салла-почаларини тузатардилар. Насриддин Афанди юз қадамларча нарида хиргойи қилганича, уларга яқинлашар эди.

— Асалидан мосуво бўлганидан беҳабар муллани ашула этишини қара! — деди Нодир миршаб. Икки оғайни кулишди. Одатда бу тоифа одамлар кайфи чоғликни дарров тиклашга, хушчақчақликка мойил бўлишади.

— Ҳой, маҳкам бўлгин-а! — деди Нодир миршаб раҳбарликни қўлга олиб. — Туя кўрдингми?



— Насиб этса, келар Шому Ироқдин,  
Этмаса гар, кетар қошу қабоқдин!

Насриддиннинг хафа бўлиш ўрнига кулгани, шеър айтгани миршабларни жуда қўрқитиб юборди.

— Нега бизга қарайсиз? Ҳа, нега бизга қарайсиз? — дейишди улар олдинма-кетин ранглари ўчиб.

— Асал осмонга учиб кетибди-да?!

— Биз қаердан билайлик! Қўлимиззи учиниям теккизмадик! — деди Нодир миршаб.

— Кўз қирини ҳам ташламадик! Э, худо, қуруқ тухматга қолиб кетмасам яхшийди! — деди Содир миршаб надомат билан.

Насриддин энди аччиқроқ жилмайиб, гоҳ унисига, гоҳ бунисига қаради:

— Қўлларингдан бу иш келмайди! — деди у ўйчан қиёфада.

— Вой, нега одамни қийнаб, қарайсиз?! — деди Нодир миршаб.

— Узи бормиди асалингиз? Еки бизни мазах қилмоқчи бўлдингизми? — сўради Содир миршаб дадиллашиб.

Насриддин жавоб бериб ўтирмади. Кинояли, синчков жилмайганча салласини сал суриб, бош қашиганча супага бориб ўтирди. Ердаги нуқтага тикилганча зўр бериб нималарнидир хотирлай бошлади. Миршаблар диққат берганларида унинг асалга ачинмаётганини, бошқа нарсани ўйлаётганини сезардилар. Бунинг ўрнига «Қўлларингдан бу иш келмайди!» деган гапни ўзларининг фойдаларига йўйиб, оғизлари қулоққа етди. Бир-бирига қараб кўз қисишиб ҳам олишди-да, ҳамдард қиёфада Насриддиннинг ёнига ўтиришди.

— Тавба, сизларнинг қўлларингдан бунақа иш келмайди, — деди Насриддин такрорлаб. — Асал қаёққа кетдйкин?

— Тавба, — деди Нодир миршаб қўлини пахса қилганча. — Ҳа, бу оғзи боғлиқ бўлса! Қўл теккизилмаган бўлса! Қаёққа кетади асал, а? — дея у шеригига қаради. — Сенинг фикринг қанақа?

Содир миршаб бирдан пешонасига бир уриб бақирди:

— Топдим! Асални ким гумдон қилганини топдим!

Насриддин индамай қараб тураверди, Нодир миршаб «Ким? Ким?» деб сўради.

— Ҳалиги боғлоғини ечганда ичидан ғувиллаб учиб чиққан пашшалар, ўшалар еган асални!

— Йўғ-е! — деди Насриддин яна жилмая бошлаб.

— Тўғри! — деди Нодир миршаб. — Ақлингга балли!

— Бе-е, қўйсанглар-чи! — деди Насриддин соддалик билан. — Шу уч-тўртта пашша икки хум асални ея оларканми?

— Йўқ, Насриддин ака! — деди Нодир дўстининг бу фикрига ёпишиб олиб. — Пашшалар уч-тўрттамас, қирқ битта эди.

— Ҳо-ҳо-ҳо! Қирқ битталигини қаёқдан била қолдингиз?

Нодир миршаб қовун тушираёзганини сезиб каловланди:

— Мен, а... мен... ўзи ёшлиқдан зеҳним ўткир!

— Ҳа, — деди Содир шеригига ёрдамлашиб. — Бунинг ота-бобоси чўпон ўтган. Отардаги қўйни санайвериб ўрганиб кетган-да!

— Тўғри, — деди Нодир миршаб. — Олдимдан қанча пашша ўтганини ҳам шундоқ қараб айтиб беравераман.

— Шунақами?! Зўр экансиз!

Насриддин бу гапни ўзидан сўрагандек сўради. Кейин салласини боягидан бошқа томонга суриб, бош қашиб, ўйга чўмди.

«Зўр экансиз, зўр экансиз»ни ғулдираб такрорлаб ўтирди. Бу орада миршаблар севиниб имо-ишоралар қилишарди.

Шунда Насриддин тиззасига шап этиб уриб, «Хўп!» деди. Миршаблар сапчиб тушишди.

— Асалимни пашшалар еган деб ишонтирмоқчисизлар, шундайми?

— Шундай, шундай! — деди Содир миршаб.

— Қирқ битта пашша! — таъкидлади Нодир миршаб.

— Хўп! — деди яна Насриддин Афанди. — Мен ишондим. Энди-чи, салтанатнинг суянган тоғлари, менга ўша қирқ битта пашшадан қасос олишга ёрдам берасизлар! Ярайдими?

— Ярайди! Жуда ярайди! — деди Содир миршаб.

— Қирқ битта тугул мингта бўлса ҳам ёрдам берамиз, — деди Нодир миршаб ва шап этиб супада ўтирган пашшани урди. — Мана, биттасини тинчитдим... Ҳа, падарингга лаънат, қочиб кетди!

— Йў-ўк, — деди Насриддин калласини чайқаб. — Менга бунақаси кетмайди.

Миршаблар, хўш, нима қилайлик, дегандек ҳайрон бўлиб қарашди.

— Ҳозир қозининг олдига борамиз, хўп денглар, мен асалимни еб кетган пашшаларимни жазолашга ваколатнома сўрайман, хўп денглар! Сизлар гувоҳ бўласизлар.

Бу гапни эшитиб миршаблар хоҳлаб кулиб, ҳеч ўзларини тўхтатолмай қолдилар. Бир-бирларининг кулишига, айниқса, Насриддиннинг соддалик билан жилмайиб туришига кўзлари тушган сайин кулгилари бадтар авж оларди. Бора-бора овоз чиқаришга кучлари қолмади. Букчайганча чийиллаб Насриддинга бармоқ нуққанча, «пашш... пашша... ўлдириш... ваколат» деб гапирмоқчи бўлардилар-у, кулги зўрлигидан давом эттиролмадилар. Энг қизиғи, жилмайганча қараб турган Насриддин Афанди ҳам уларга қўшилиб кетди. Аввал хоҳолади, сўнг у ҳам букчайганча овоз чиқармай, миршабларга бармоқ нуққанча «пашша, ваколат» деб, қолганини гапиролмай куларди.

Ниҳоят учовчининг кулгиси тина бошлади. Укириб-бўкириб базур ўзларини тўхтатиб олишди.

— Оббо, Насриддин Афанди-эй! Ҳа, пашша ўлдиришга ҳам ваколатми? — дейишарди миршаблар, зўр кулгидан сўнг келадиған ўкириклари орасида. — Мана, атрофингизда учиб юрибди. Улдираверинг! Мана, бизнинг қиладиган ишимиз йўқ. Кучимиз етганча биз ҳам ёрдамлашамиз!

Шундай деб миршаблар супани айланиб, шап-шап уриб, пашша ўлдиришга тушиб кетди. Гарчи битта ҳам пашша ўлдиролмаган бўлсалар-да, уч-тўрт каррадан супани шапиллатиб уришга улгурдилар.

— Ҳой, бунақаси кетмайди дедим-ку! — дея тўхтатди уларни Насриддин.

— Ҳа, нима қил дейсиз?

— Қозига борамиз! Гувоҳ бўласизлар, тамом-вассалом!

— Бэ-э, кўйсангиз-чи! — деди Содир миршаб.

— Мен сизни ҳазиллашаяпсиз дебман, — деди Нодир миршаб.

— Ҳазиллашаётганим йўқ. — Насриддин гўё дўстларига ҳасрат қилаётган одамдек, миршабларни ёнига ўтиришга даъват этиб, аста гап бошлади. — Мен-ку, пашша важига ишондим. Аммо бундан етмиш-саксон йиллар илгари элликбоши Болтавой Тўлак деган, салтанатнинг ҳамма душманлари зириллайдиган бир одам ўтган...

— Хўш, нима қипти? — сўради Нодир миршаб энсаси қотиб.

— Болтабой элликбоши шаҳаншоҳимизнинг боболари — Отсиз ҳазратлари даврида ясовулбоши бўлган, ҳозирги қутлуғ шоҳимиз — Муҳаммад ҳазратларининг ҳам кўп ҳурматларига лойиқ эди.

— Ҳа, нима бўпти? — яна сўради Нодир миршаб.

— Мен шу Болтабой элликбошининг набирасига уйланганман. Агар хотинимга бориб, миршабларнинг тумшуғи остида турган асални пашшалар еб кетибди, деб, қуруқ гапни айтсам, ўла қолса ишонмайди. Қози-пози, бек-мек қилиб ўтирмай, тўппа-тўғри Урганчга хабар қилади. Кумушкентда ҳақиқат йўқ, аллақандай пулдорлар миршабларни ишга солиб одамларни талайпти, дейди. Ана ундан кейин кўрасиз томошани!

Нодир миршаб пис этиб ўчди. Насриддин насиҳат оҳангида давом этди:

— Шунинг учун гап чувалмасин-да, бориб ваколатни олайлик. Мен ҳам уни хотинга кўрсатиб тинчийман, сизлар ҳам ғалвага қолмайсизлар. Ярайдимми?

Миршаблар кўзлари ола-кула бўлиб, дарров қозига боришга кўнишди. Содир миршаб, шеригига астагина ғўнғиллаб қўйди: «Айтувдим-а, Насриддин Афандига тегмаган одам фойда қилади, деб!»

Насриддин эшагига минди, миршаблар отига. Улжалари қолаётгани учун бир-икки орқаларига қараб қўйдилар-у, ноилож Насриддин кетидан йўлга тушдилар.

Улар олислаб, қай бири кимлигини аниқлаб бўлмайдиган масофага етган-

дан кейин Абдукарим кавакдан чиқди. Супага келиб ўтирди-да, ерга қараганча ўйга толди. Ҳар замонда «Оббо, ярамаслар-эй!» деб қўярди. Кейин бир қарорга келгандек ўрнидан турди. «Нима бўлса бўлди!» деб рўзғор ташвишларига қаттиқ қўл силтади. Эшагига ўтириб, Насриддин Афанди билан миршабларни қора қилганча шаҳарга йўл олди.

## Қозикалонга бўхча

Ҳам тижорат, ҳам саёҳат ибораси Муҳсин гуппининг бугунги шаҳарга тушишига тўғри келмасди. Уники бугун фақат томошаю қози калоннинг суҳбатини олиш эди. Муҳсин гуппи шаҳарнинг катта қозиси билан танишлигини жуда қадрлар, шароит мақтанишни тақозо этган жойда «Кеча қози калонникида зиёфатда бўлиб эдим...» «Эрта қози калондан маслаҳат олай-чи...» сингари жумлаларни икки гапнинг бирида такрорлаб турарди. Қози калон ҳам энг камда бир бўхча кўтариб келадиган бу қишлоқи бойни ҳеч қачон кўкрагидан итармасди.

Қозихона бозор чеккасидаги қатор олти тимнинг учинчисига тиркашиб тушган бир қаватли иморатни эгаллаганди.

Олти тимдан кейинги дон бозори нон бозорининг чорагидан сал кўпроғини эгаллар ва бу чорак қисмининг ўзи ҳам майдоннинг бурчагида эди. Ўрта эса косиб, ҳунарманд, тикувчи ва ҳар хил майда-чуйда сотувчи-ёймачиларники эди. Қовун-тарвузнинг сал чеккароқдагиларини айтмаса, мева-чева ҳам шу яланғоч майдонга ўхшовчи ўрта бозорда сотиларди. Ўрта бозордан кейин яна бир харсанг ётқизилган, эни эллик, бўйи юз қадамча келадиган, ёймачилардан холи томоша майдончаси бўларди. Унда одамлар сайр қилар, дорбозлар, сайёҳ, машшоқ ва масхарабозлар шу ерда ҳунар кўрсатиб тирикчилик қилардилар. Томоша майдончасидан кейин, чапанларга бағишланган бобда эслатилган пулдорлар ва узоқдан келган савдогарлар учун мўлжалланган пешайвонли карвонсарой баланг қилиб қурилганди.

Бугунги бозор жуда қизиқ ва қандайдир енгил-қувноқ эди. Паттачилар деҳқону косибга унчалик зуғум қилишмас, онда-сонда бир кўринаётган мисранг соқолли миршабнинг башараси ҳам хушмуомалага мойил эди. Сабаб: бугун бекнинг қадам ранжида қилиш эҳтимоли бор эди. Бундан фақат бозорбоши, паттачи, миршаб ҳамда карвонсаройнинг эгасию унинг малайлари хабардор эдилар. Қози калон ҳам, турган гап, шу хабардорлар тоифасига кирарди.

Муҳсин гуппи эса авом халқ қаторида, бу гапдан беҳабарлардан бири эди. У вағир-вуғир ичра, орқасига қилиб бирлаштирган қўлида тасбеҳни битта-битта ўгириб бораркан, йўлида учраган деярли ҳар бир молнинг нархини суриштирар, шу боисдан қозихона томон силжиши ҳали-бери ниҳоясига етмайдиган кўринарди. Сирасини айтганда, гуппи шошмасди ҳам. Бугун у Насриддин Афандини гел қилгани учун ўзини бахтиёр сезарди. Айниқса, бир бурда нон учун ўлиб-тирилаётган бозордаги камбағал бечораларни, кўр, чўлоқ, маймоқ ҳамда гўдак тиланчиларнинг узатилган қўлларини кўраркан, худонинг севган бандаси эканлигини тан олиб, шукр қилар, ҳамдлар айтарди.

Гуппи бир жойда тўхтаб осмонга қаради-да, офтобнинг туришидан вақтни белгилади. Миршаблар билан қозихонада кўришишга кам деганда икки соатча бор эди. Ҳа, учрашувни у қозихонага тайинлаганди. Уша ерда миршабларнинг бай қилинган тилласини бермоқчи, Насриддиннинг гел бўлганига қозини ҳам гувоҳ қилмоқчи эди, қози орқали гап шаҳарнинг казо-казоларига ёйилишини, улардан «қани, лайлаклик донишманд Муҳсинбой билан биз ҳам танишайлик» деган илтимослар чиқишини мўлжаллаган эди.

Қози калон билан бўлажак учрашувни эсларкан, ўн-ўн бешта қатор ёйилган қандолатчига кўзи тушди. Сандиғи озодароқ, ранги заъфарон, жиккаккина қандолатчини узоқдан танлаб унга яқинлашди. Қандолатчи икки букилиб, дастрўмолидаги майда чақаларни санарди. Унинг ўзига ўхшаган жиккак, ўн ёшлардаги ўғли мис ликопчадаги озгина ҳолвани узатганча бийрон сайраб кетди:

— Келинг, амакижон, ҳолвадан бир еб кўринг! Мазасини бир кўринг!

Муҳсинбой озгина тотиниб, мазасини синагунча ҳам бола тинмади. Муҳсинбойга ҳолва ёқди. Кишнаганга ўхшаган аста овоз чиқариб, қўш белбоғларидан бирини — тоза дока рўмолни еча бошлади.

— Қанча тортай, амакижон? Бошқа мунақасини тополмайсиз! Асқартоғнинг кийик ўтлари, кунжутидан қилинган. Таъми оғзизда қолади, шифолиги ёнизда!

— Бас! — деди Муҳсин гуппи рўмолни тўрт бурчагидан ушлаб халта қиларкан.

— Қанча тортай, амакижон? Бунақасини Маккада ҳам тополмайсиз. Шифоси ёнизда қолади!

— Бас қил-э, олаяпман-ку, — кулиб жеркиди гуппи. Сўнг бир чеккада уюлиб турган тўрт бўлак ҳолвага имлади. — Ана шуларни сол!

Қандолатфурушнинг бир қулоғи савдода бўлгани учун чақа ҳисоблашдан чалкашиб, бошқатдан санашга тушди.

— Пашмақдан сол! Ун тўртта! — дея буюрди Муҳсин гуппи.

Шундан кейин тузукроқ кимса келганини англаб, қандолатфуруш санокни йиғиштирди.

— Келинг, мулла ака! Новвотдан ҳам олинг. Қаҳраболигини қаранг!

— Солинг тўрт калласини!

— Хўп бўлади, мулла ака. Қай бирини дейсиз?

— Ўзингиз танланг, катта-катта, тўкисидан! — қандолатфурушнинг «мулла ака»си Муҳсин гуппини тағин ҳам яйратворган эди.

Ота-бола биргалашиб новвотни тугунга аста-секин қўйишди.

— Ушланг!

Гуппи тугунни болага берди. Сўнг шойи мурсагининг барини кўтариб, қиммат ҳамёнини ушлаб қўйиб, арзон ҳамённи олиб очди.

— Бўладими? — сўради у қандолатфурушга икки тийинлик ўзатиб.

— Инсоф қилинг, мулла ака!

Гуппи кам берганини ўзи ҳам биларди, қандолатфурушнинг узатилган кафтига яна бир тийинлик ташлади.

— Қуллуқ, мулла ака!

Гуппи бошқа тағин битта икки тийинлик олиб, болага берди:

— Мана бунни эса, сиз ушланг-да, ўнта ширмойи олиб қўшиб тугасизда, кейин мени қора қилиб қозихонага борасиз, тузукми?

Гуппи «тузукми» деганини рухсат учун қандолатфурушга қаратганди. Розиликни олгач, яна болага юзланди:

— Агар мени йўқотиб қўйсангиз, қозихонага кириб ташлаб чиқаверинг, тузукми?

Бу сафарги «тузукми» сўроғи болага қаратилганди. Ундан ҳам розилик олгач, гуппи яна қўлини орқага қилганча йўлга тушди.

Бир томонида ҳандалагу сабзи-пиёз, эртаги кўк олмагача, бир томонида эса косиб ҳунарманднинг моллари ёйилган қатордан кетаркан, диққатини кир сариқ халта устига терилган йигирматача пичоқ тортди. Аксар бир-бир ярим қаричли хонаки пичоқлар ичида битта ханжар ажралиб турарди. Оқ пўлатдан қилинган тиғи узун, дастаси ҳам йўғон бўлиб, сопига кийдирилган мис ҳалқалари ярақлаб кўзни оларди.

Муҳсин гуппи чўнқайиб, ханжарни олди. Тиғини тирноққа уриб, сопини силаб узоқ қаради.

— Нечпул? — сўради гуппи. Баланд бўйли, чайир пичоқчи бир суякни тош ёрдамида йўнаркан, гуппининг афтига қарамаёқ жавоб берди:

— Чорак сўм!

— И-и! Бунча осмондан келасиз?

Пичоқчи индамай суяк йўнишда давом этарди. Юзлари қорайиб кетган бу одамнинг тажанглиги сезиларди.

— Битта темирга ўлган ҳўкиззи суягини тиқиб — пул топиш ҳам осон бўб кетибди-да! Тиғи ҳам ўтмасгина экан...

— Нимаси ўтмас?! — дея пичоқчи Муҳсин гуппига қараганди, ханжар унинг қўлидан тушиб кетди. — Тиғни тушунасизми ўзи?

Пичоқчи энгашиб ханжарни олди. Ёнида турган отнинг думидан битта толасини шарт юлиб осмонга отди-да, ханжарни бир силтаб толани иккига бўлди. Ханжар унинг қўлида ўйнаб кетгандек бўлди.

— Бунни тиғ дейди! Ана уларни пичоқ дейди! Сизга ўшалар мос!

Муҳсин гуппининг кайфи чоғлигидан бунақа майда киноялар таъсир этмас-

ди. У пичоқчини баттар қизитмоқчи бўлди-да, жилмайган кўйи гап қотди:

— Мен ўн тийин берай, сиз ёнига битта кичкина пичоқча кўшинг! Кичигини болалар ўйнар, бунисида хотин-халаж савзи тўғрар.

— Ҳо-ҳо-о! Қатта турасиз? — пичоқчининг кичкина кўзлари янада кичрайди. — Этинг, ҳаммасини бир халтага солиб уйингизга обориб берай?!

Пичоқчининг важоҳатидан Муҳсин гуппи илдам туриб индамай жўнади.

— Хўв, тақсир! — бақирди орқасидан пичоқчи. — Қайси қишлоқдансиз? Бунақа ақлли каллалар қаттан чиқишини билиб кўяйлик?!

Гуппи кўл силкиб қадамини тезлатди. Бироз нари бориб, аста ҳиринглади-да: «Аччиғи тез экан, қисталоқ!» деб кўйди.

Шу сонияда унинг олдидан бозорбоши ва мисранг соқолли миршаб ит қувган гадойдек ҳовлиқиб карвонсарой томон ўтиб қолишди. Муҳсин гуппи улар кетидан қараганди, карвонсаройнинг баланд пешайвонидаги ғивир-ғивир ҳаракатга кўзи тушди. Ясанган тўралар, қилич таққан навкарлар кўринди. Пешайвонга гиламлар, кўрпачалар тўшашарди.

Атрофдан «қадам ранжида», «бек келармиш», «халқни сўрармиш» деган лўқмалар эшитилди.

Муҳсин гуппи юраги ҳовлиқиб, энди ўша томон йўл солганда, орқасидан боланинг овози эшитилди:

— Амакижон, мен келдим.

Муҳсин гуппи ўгирилди. Қандолатчи бола унинг нон кўшиб боғланган дока тугунини узатиб турарди.

— И-и! Бай — қозихонага эди-ю? — деди жилмайиб гуппи. — Юр кетимдан.

— Бошқа ёққа кетяпсиз-ку! Олинг тугунингизни!

— И-и! Қисталоқ, бекни кўрмайсанми? Юр!

— Отамдан рухсат тегмаган. Уришадилар.

— Қайтимни бермайсанми? — муғомбирлик қилди Муҳсин бой.

— Вой, анувлани! Хизмат ҳақим-чи? — Бола кўлидаги бир тийинликни орқасига яширди.

— Ҳа, қисталоқ! Бор, бўлмаса қозихонага ташлаб кўй! Лайлаклик Муҳсин бой бервордилар, ҳали замон ўзлари ҳам кирарканлар, дегин!

Бола «Хўп бўлади, амаки!» деганча ғойиб бўлди.

Бекнинг «қадам ранжида»сини эшитган беш-олтита бекорчи томоша майдонига тўпланиб қолганди. Муҳсин гуппи тезроқ бориб жой олмаса, томошадан маза қилмаслигини тушунди. Боз устига, қози калон ҳам шу ерга келиши аниқ. Шунинг учун қозихонани кейинга қолдириб, майдончага шошилди. Пешайвон билан орасида йигирма-ўттиз қадамча жойни чамалаб, белидан яна битта чит белбоғни бўшатиб, ерга тўшади. «Бисмилло» деб ўтириб олди-да, атрофдагиларга қариллаб корчалонлик қилди:

— Қани, қаторимдан чўкларинг! Олдироқ ўтсанг, барибир ясовуллар суриб ташлайди!

Пешайвондаги тайёргарликларга анқайиб турганлар бири илдам, бири иккиланиб, бири нарса тўшаб, бири тўшамай, унинг ён-верисига таппа-таппа ўтиришди.

## Қадам ранжида

Орадан беш-олти нафас олишлик вақт ўтмай, карвонсарой биқинидаги харсанг ётқизилган ингичка кўчадан тақаланган туёқларнинг қуюқ чақ-чуқи, отларнинг кишнаши эшитилди. «Пўш-пўш» деганча семиз-семиз тўрт сарбоз, кетма-кетидан эса қуюндек бўлиб қирқ чоғлик хипча, новча навкарлардан иборат ясовуллар кириб келишди. Тор кўчанинг тўғони очилгану ундан отлиқлар оқиб чиққанга ўшарди.

Ясовуллар илдам-илдам пиёдаланиб, отларни сайисларга топширишди-да, пешайвонни ўраб тизилишди. Муҳсин гуппи маррани тўғри танлаган экан. Қирқ ёшлардаги кўркам ясовулбоши унинг олдидан ўтаркан, томошатабларни орқароққа суришни ҳам мўлжаллади-ю, ниятидан қайтди.

Бу пайтга келиб, мева-чева қаторидаги яккам-дуккам олди-соттини ҳисоб-



ламаса, бозор ҳувиллаб қолганди. Барча молу жонлик турган жойида туриб, одамлари карвонсарой чойхонасининг атрофига йиғилганди. Ҳатто заргар дўконлари ҳам эшигига чизимча боғланганча ташлаб келинганди. Паттачи билан миршабгина ҳар эҳтимолга қарши, бозор ичкарисига кирмай, бир чеккада кўз-қулоқ эдилар. Умуман олганда, у пайтларда сотувчи бўлмаган расталарга киши кирмаслиги одат эди. Болаларга, кечқурун ва кечасилари бозор ичидан ўтмагин, қўққис бировнинг нарчаси йўқолиб қолса, «Бу ердан ким ўтувди? Палончининг боласи ўтувди» деган гап чиқади, деб таълим беришарди.

Шундай қилиб, атрофдаги барча том, болохона, деворлар, яккам-дуккам дарахтлар атрофи одамга тикилиб кетганди. Бекнинг ўзини, у берадиган томошани, у қиладиган адлияни кўриш ҳар кун ҳар кимга ҳам насиб этавермасди.

Муҳсин гуппи пешайвоннинг қоқ ўртасида ўтиргани, саройдан олиб келишган кунгирадор суюнчиқли курсининг шундоққина рўпарасига қўйилганини кўриб, севинганидан юраги ҳовлиқиб кетди. Ахир бу — шундоққина бекка юзма-юз ўтиради, дегани эди-да! Айвонгача ўттиз, айвон чеккасидан курсигача яна ўн — бор-йўғи қирқ қадамдан бекни кўриб туриш!!! «Бугунги кунимдан ўргилиб кетай!» дерди ичида гуппи.

Бу шодлигида у ёлғиз эмасди. Оломоннинг бари хурсанд эди. Ҳозирги замоннинг томошага тўйган одамлари буни тушунишлари қийин. Бироқ бек бераётган текин томоша — дор ўйин, кураш, яллагиларни, бекнинг ўзини кўриш, унинг ҳақиқат қилишига шахсан гувоҳ бўлиш у замон одамлари учун ҳақиқий байрам эди.

Ҳадемай оломон гувиллаб, айвондагилар типирчилаб қолишди. Тор кўчадан яна чақ-чуқ эшитилди-да, боягидан ҳам бисёр ясовуллар ва ясанган тўралар қуршовида бек чиқиб келди. Ўттиз ёшлардаги, андак тўлиша бошлагану, бироқ қоматининг орасталиги бузилмаган, оқ юз, тўқ жигарранг соқолли, чағир кўзли, чиройли йигит эди у.

Бек отдан эпчил сакраб тушди. Зинапоялардан ҳам енгил қадамлар билан учиб чиқиб курсининг олдига келди-да, халққа таъзим қилди. Бу Муҳсин гуппидан бошқа ҳаммага хуш ёқди. Чунки гуппи, бекнинг отдан вазминлик билан бировлар томонидан қўлтиқланган ҳолда тушишини, пешайвонга ҳам битта-битта тўралар қуршовида салобатли чиқишини истаб, кутиб турганди. «Бу обрў бўларди! Ундан кейин халққа таъзими нимаси? Бир назар ташлаб, бош ирғаб қўйса, бўлди-да!» Гуппи шундай ўйларди.

Аммо бироз тирриқ бўлган таъби, пешайвондаги казо-казолар ичида қозикалонни кўргач, яна бирдан очилиб кетди. Узининг дўсти ўша ердалигидан мағрурланиб, кўряпсанларми, дегандек ён-верига қараб қўйди.

Таъзимдан кейин узоқ умр тиловчи дуолардан иборат бир гувиллаш кўтарилиб босилгач, бек фармонбардорга қисқагина нимадир деди. Пешайвондагиларнинг ҳаммаси ўтирди.

Шундан кейин одамлар яна бир мўъжизани кўрдилар. Бу тор кўчадан чиқиб келган жанговар фил эди. Бошдан оёқ махсус совут кийдирилган, устига муҳориба учун мўлжалланган кўшк қўндирилган фил айқириб, ўйин тушиб чиқиб келди. Оломон кўрқув ва ҳайратдан лол қолганди.

Бекнинг одамларни карахт қилишга мўлжалланган томошаси бошланганди. Тайёр турган жарчи — филбонлар ёрдамида кўшкка чиқди-да, бозор майдони узра унинг кучли овози янгради:

— Э-эй-й! Одамлару одамлар! Тоғдан тушган, боғдан келган одамлар, шардан<sup>1</sup> чиққан одамлар! Тоғдан бол опкелганлар, чўлдан мол опкелганлар, боғдан гул опкелганлар! Оллоҳнинг ердаги сояси Шаҳаншоҳ Муҳаммад Хоразмшоҳнинг вилоятимиздаги беклари Арслонбек ибн Тўғрулбек ибн Дўнанбек ҳазратлари бугун раъиятдан ҳол сўрашга қарор қилдилар.

Кимда ким беғуноҳ хўрланган, жабрланган, таъқибга олинган, қуруқ тухмага қолган бўлса — бугун бутун мушкулларидан кушод фориг бўлғай!

Дўнанбек жанобларига о-олқишлар-ар!

«Олқиш!» «Олқиш! Иншоолло!» деб гувиллади оломон.

Жарчи давом этиб, бекнинг марҳамати ила дорбозлар, яллагилар ҳунар кўрсатишини, полвонлар ўртага тушажагини эълон қилди. Биронта ҳам полвон-

<sup>1</sup> Шаҳардан демокчи.

нинг совринсиз қолмаслигини, энг бахти кулганлар эса бекнинг назарига тушиб, навкарликка олинажакларини уқтирди.

Жарчи бу гапларни жуда каштали қилиб, орасига ҳамду санолар қўшиб узоқ гапирди. Бозор майдонининг салкам ярмини, атроф иморатларнинг тому болохоналарини, тимларнинг устини эгаллаган беш мингдан зиёд одам ўрта бўйли, семиз жарчининг гавдасига нохос баланд овозини бемалол эшитар ва ваъда қилинаётган текин томошаларни интиқ кутар эди. Шу аснода ҳам, боя айтилганидек, мева-чева растасида сийрак савдо давом этарди. Ундан ташқари, оломон ўртасида туртиниб-суртиниб ақча ишлаётган иккита сувчигина ғимирлаб юрарди.

Оқариб кетган кўк яктаги бировники эканлиги кўриниб турган сувчилардан бири «оби худойи», «оби худойи» деганча Муҳсин гуппининг орқасидан ўтиб кетди. Гуппи ўгирилиб ишора қилганди, «чашмаи Қопқанинг оби замзамидан» деганча, мешидан сопол пиёлага сув қуйиб берди. Муҳсин гуппи бекдан кўзини узмаган кўйи сувни сипқориб, пиёлани қайтарди. Мешкобчи тутам-тутам, оқариб, ола-чипор бўлиб кетган соқолини қашиб, гуппининг энсасига яшил кўзларини тикиб турди. Гуппидан садо чиқмади. Одамлар «ўт-ўт» дейиша бошлагач, мешкобчи, гуппига қарай-қарай нари кетди. Агар гуппи унинг кўзларини кўрганда, кўрқиб кетганидан анча ақча берворган бўларди.

Нафсиламбри айтганда, гуппининг айби йўқ эди. Чунки «оби худойи»нинг таомили — худо йўлига одамларнинг ташналигини қондириш. Лекин битта чақа ташласа ёки ақалли, юзига фотиҳа тортиб, «рахмат, худодан қайтсин» деб қўйганда, асакаси кетмасди. Яшил кўзлари кўрқинчли, олачипор соқолли таъмагир оби худойичига гуппининг бу иши малол келди.

Шундан кейин томоша бошланди. Биз жарчи санаб ўтган томошаларни тасвирлаб ўтирмай қиссанинг бошида, Шокир қизилнинг чойхонасида қолдирган иккита чапанимизга қайтамиз.

Карвонсарой рўпарасига жойлашган бу пастак чойхона деразасидан майдондаги воқеаларни қафтдагидек бўлмаса-да, кўриш мумкин эди. «Оч қоринга ноғора базм на даркор» деган нақл Тараша билан Абди оппоққа ҳозир қараб айтилгандек эди. Чин маънода оч бўлмасалар-да, ҳамённинг қуруқлиги қорин очлигидан баттарроқ таъсир қиларди бу одамларга.

Шу сабабдан «қадам ранжида» ҳам уларга ёқмади. Боз устига биронта мижознинг ахтариб қолишидан умидвор эдилар.

Аҳмад тараша деразага тирсаклаганча майдонни лоқайд кузатар, томошага онда-сонда энсаси қотиб қараб қўяр эди. Абди оппоқ эса деворга бир қифтини суяганча кўзларини юмиб олганди.

Бу икки одам бир-бирларини яхши билишарди-ю, кўрганда кўнгил очиладиган дўст эмасдилар. Гаплашадиган гаплари ҳам йўқ эди. Шунинг учун эрта-лаб келганларича бир-икки чойнак бўшатиб, индамай ўтирардилар.

Шу аснода чойхонага ола-чипор соқолли мешкобчи кириб келди. Чойхоначи бола тўлдириб қўйган хумлардан мешига «оби зам-зам» соларкан, чапанларга қараб-қараб қўйди. Нимагадир тараддулланаётганини, лекин ботинолмаётганини Абди оппоқ ним юмуқ киприклари орасидан кўриб турарди. Мешкобчи ғимирлаб, Аҳмад Тарашанинг олдига борди. Мешининг оғзини узоқ боғлади. Тараша деразага тикилгани учун мешкобчининг кирганидан беҳабар эди. Мешкобчи калта йўталганидан кейин Тараша унга ўгирилди. Мешкобчинини кўриб, гап борлигини дарров тушунди, Шошилмай, индамай беш-олтита майиз, бир бўлак нон қолган лаганни сувчига сурди. Сопол чойнақдан сопол пиёлага чой қуйиб узатди-да, унга кўз тикди.

Мешкобчи чойни ичмасдан пастга қўйди-да, нонни олиб бир тишлам тишлади. Чойхона кимсасиз бўлса ҳам бўйни оғриётгандек афтини буриштириб, атрофга аста аланглади. Сўнг қисқагина қилиб минғирлади:

— Юз тилла.

Тараша мешкобчи рад қилган чойни олиб хўплади. Бу катта пул эди. Лекин Тараша қилт этиб ҳам ташида ўзгармади. Мешкобчига қараб ўтираверди.

— Бештаси менга, — деди сувчи, боягидек аланглаб, боягидек товушда.

— Гапир! — деди Аҳмад Тараша дўқ аралаш паст овозда.

— Қосим қароқчи шу ерда, — мешкобчи ияги билан майдонга аста ишора қилди.

Аҳмад Тараша «ҳақ» деб тиззасига урди. Мешкобчига лабини қимтиб, жаҳл билан узоқ тикилди. Сўймоқчи бўлди-ю, лекин:

— Бор! Оби замзамингни тарқат! — деб деразага ўгирилди.

Мешкобчи Абдига қаради. Абди оппоқ ҳамон мудрарди. Мешкобчи йўталди.

— Узинг олавер! — дея юз тиллани сувчига «инъом» қилди Абди кўзини очмай.

— Менга бештаси етади, — деди мешкобчи хунук ишшайиб.

— Иплос! — деди тишини ғижирлатиб Абди ва кўзини очди. — Йўқол!

Мешкобчи дик этиб турди-да, мешини қўлтиқлаганча чиқиб кетди.

Мешкобчи айтган юз тилла ўша пайтларда машҳур бўлган Қосим қароқчининг боши эвазига шаҳар савдогарлари томонидан белгиланган мукофот эди. Иккала чапани ҳам сотқинликини ўзларига эп кўрмадилар. Мешкобчининг ўзи эса бундай ишни гарданига олишга юраги дов бермасди.

Чойхонага яна сукунат тушди. Бироқ у узоқ чўзилмади. Деразага қараб ўтирган Аҳмад Тараша «И!» деб ўрнидан кўзгалди. Уғирликка кирган бола узоқда боғ эгасини кўриб қолгандек, ҳамон ташқарига тикиларди. Кейин яна битта «И!» деди-да, дик этиб туриб, сўридан тушди.

Абди оппоқ кўзини очди.

— Латта иси кеп қолди! — Тараша пўнғиллаб, унга изоҳ берди. — Сенга тегмайди, ўтиравер!

Тараша чиқиб кетди. Чойхонада кўзини юмган Абдининг ўзи қолди. Чунки чойхоначи ҳам, боласи ҳам томошага кетишганди.

Аҳмад Тарашанинг майдонга қараб «и-и»лаб чиқиб кетганининг боиси куйидагича эди.

Бу пайтга келиб дорбоз, масхарабоз ва яллачиларнинг томошаси тугаганди.

Даврага тушган йигирма чоғли полвон ҳам хурсанд. Бирига гилам, бирига бузоқ, бирига ҳамён тегиб, биронтаси совринсиз қолмаган, иккита энг зўри эса сарой хизматига таклиф этилган эди. Ниҳоят, «қадам ранжида»нинг энг қизиқ қисми — раъиятнинг ҳолини сўраш бошланганди. Буни яна фил устига чиққан жарчи бошлаб берди:

— Эй, бандаи мўмин! Қани кимда-ким ўзининг ҳаққи-ҳуқуқини поймол этган золим устидан, қуруқ тўхмат ёғдирган ҳаромхўр устидан, подшога ичган ҳалоллик қасамини бузиб, ҳаромга юз тутган қози, миршаб, закотчи, котибдан арз-доди бўлса, чиқси-ин! Бек жанобларига айтси-ин!

Оломон ичида шувур-шувур бошланди-ю, аммо ҳеч ким чиқмади.

Жарчи юқоридаги мурожаатини иккинчи, учинчи бор қайтарди. Шунда, одамлар денгизининг бир чеккасида кичкина тўлқин кўтарилиб, олдинга силжий бошлади. Қандайдир бир тўда уриниб-суриниб пешайвон томон ўтаётганди. Шовқин, ғала-ғовур кучайди. Ҳадемай худди денгиз тўлқинига ўхшаб силжиётган тўда олдинги қаторга етди. Саёз соҳилга тўкилган тўлқинчадек, одамлар денгизидан майдончага тўкилди.

Тўда бир хотин ва унинг тўрт боласидан иборат эди.

Шокир қизилнинг чойхонасида ўтирган Аҳмад Тараша худди мана шуларга кўзи тушган пайтда «и-и»лаб чиқиб кетганди.

Оломон гувиллаб олдинга босди. Биринчи ва иккинчи қаторда ўтирганлар ҳам топталишдан кўрқиб, оёққа қалқишди.

Аёл, ўрнидан туриб кетган Муҳсин гуппининг шундай олдида эди. Болаларининг каттаси — ўн уч ёшлардаги ўсмир қулоғини ушлаганча овоз чиқармай йиғларди. Бу ёққа чиқмайман деган-у, онаси қулоқ чўзма қилиб, бош-кўзига шапатилаб олиб чиққани яққол кўринар эди. Ун бир ва саккиз ёшлардаги қизалоқлар офтобданми, орланишданми, қизил чит кўйлақ, қизил духоба дўппиларининг ранги билан бир хилда эдилар. Бир оналарига, бир бекка қараб, мунгайиб турардилар. Беш яшар кенжатой ўғил эса онасининг кўлидан тушгач, гилосдек чиройли кўзларини қилич-қалқонли ясовуллардан узмай, маҳлиё бўлиб қолганди.

Муллага ўхшаган нуроний юзли ёш мулозим пешайвон чеккасидан туриб юмшоқ овозда аёлдан сўради:

— Кимсиз? Қаердансиз? Нима дардингиз бор? Қисқа баён этинг!

Уттиз ёшлардаги озғин бу хотин худди отасига ўпка қилаётган эрка қиздек шанғиллай бошлади:

— Мен ўзим жармаҳаллалик Арофиддин боққолнинг қизи бўламан. Ариқ-боши маҳалласига, Ҳофизхўжа ўғли Аҳмадга никоҳланганман. Аҳмад Тараша дейишади...

— Тўхтанг, — деди мулозим ва бекка қаради. Бек аста бош силкигач, мулозим таъзим қилди ва аёлга ўгирилди. — Хўп. Дардингизни айтинг!

— Дардим кўп. Мана, беш йил кечдики, шу болаларнинг отаси биздан хабар олмайди. Чорбоғ қаровсиз. Маҳримга тушган беш таноб боққа одам қараб бўлмайди.

— Қисқароқ қилинг! — деди мулозим.

— Хўп. Шу чорбоққа мардикор олиб чиқиб ишлатсам, келиб уриб ҳайдади, мени ҳам, болаларни ҳам уради. Аканг, уканг келиб ёрдамлашсин, дейди.

— Муддао? — деди мулозим.

— Муддаом шуки, бу болаларнинг отаси келиб бирга турсин ёки талоқ хатимни берсин! Бўлмаса...

— Бас! Болаларнинг отаси қаерда?

— Чўнқир кўчада бир катакдек ҳовли олган, яқин. Узи шу бозорда юради, ё уйда бўлади. Ахир қачонгача акам, укам қарашади? Уларнинг ҳам ўз тирикчилиги бор, бола-чақаси...

— Бас! — деб хотиннинг гапини бўлди мулозим ва бекка ўгирилди. Бек яна билинар-билинемас бош ирғади. Мулозим таъзим қилиб айвон четидаги бошқа мулозимга, униси эса жарчига имо қилди. Яна жарчининг овози эшитилди.

— Ҳофизхўжа ўғли Аҳмадхўжа борми? Бўлса чиқсин! Қўрқмасин! Ҳукм адолатли бўлади. Халойиқ, ён-верингизга қаранг! Кўрсангиз — кўрсатинг!

Турган гап, ҳеч ким чиқмади. Жарчи яна бақирмоқчи бўлди, хотин унинг олдини олди.

— Уйидан опкелинг, — деди, — шу бозорнинг биқинида. Одам қўшинг, мана, оборади! — Хотин шундай деб катта ўғлини олдинга туртди.

— Узоқ эмасми? — сўради мулозим.

— Шундоқ тимдан кейин икки юз одим! — хотин ишонмай қолишларидан кўрқиб жуда қаттиқ бақирарди. — Худо урсин, яқин!

Яна бош ирғаш, имо-ишоралар тўлқини пастдан юқорига бориб, қайтиб келди. Натижада икки ясовул отланди. Улардан бири ўсмирни азот кўтариб орқасига мингаштиргач, от қўйиб кетишди.

Халқдан ҳол сўраш давом этди. Мулозим паст ва мулоим овозда савол берар, жарчи карнайдек овозда унинг айтганини такрорлади.

— Раъиятнинг эмин-эркин турмушига зомин бўлаётган нарса йўқми?

— Бизорта маҳаллага ўғри-қароқчи оралагани-йўқми?

— Бозорда қадок тошни чегиришганини ҳеч ким кўрмаганми?

— Баққол, аттор, сарроф, даллол, заргарлар томонидан ноинсофлик кўринмаяптими?

— Қози, мингбоши, элликбоши, миршаблардан арз-дод қилгувчи йўқми?

Жарчи сўроқларнинг ҳар биттасидан сўнг уч-тўрт нафас пойларди. Оломондан авж олган ғовур-ғувурдан бўлак садо чикмасди.

Яна боягидек таъзим, бош ирғаш ва имо-ишоралар юқорига бориб келди-да, мулозим охири саволларни берди.

— Демак, шахарнинг тўрт даҳаси тинч? Демак, аҳли раъиятнинг турмушига зиён-заҳмат етказиш йўқ?

Жарчи беш-олти нафас кутди-да, бекнинг буйруғини эшиттирди:

— Муҳаммад Хоразмшоҳнинг вилоятимиздаги устунлари Арслонбек ибн Тўғрулбек ибн Дўнанбек жаноблари буюрадилар. Заргарлардан бир киши дорга осилсин!

Ана шундан кейин оломоннинг бир хилдаги ғала-ғовури худди тешилгандек бир «увв» деди. Бу хитоб мамнуният ифодасини билдирарди.

Сабаби, заргарларнинг қаллобликлари, хотин-халажни йўлдан уришлари ҳақидаги миш-мишларнинг халқ орасида кенг тарқалганлиги эди. Заргарларнинг бой-бадавлат яшаши, бунинг натижасида туғиладиган кўролмаслик ҳам мамнуният ҳисобига катта улуш қўшганди. Умуман олганда, ўша пайтларда

охирида заргарлардан бир кишининг жазоланиши билан тугайдиган «халқни сўраш»лар ўқтин-ўқтин такрорланиб турарди.

Буйруқдан кейин пешайвон остида заргарларнинг оқсоқоли билан мулозим ўртасида беш-олти дақиқалик муҳокама бошланди. Оқсоқолнинг нимагадир қаршилик билдираётгани (албатта, фармонга эмас), мулозим эса қатъий туриб олганлиги аниқ сезиларди.

Гап жазога тортилувчи номзод устида борарди. Оқсоқол мулозим айтган номзод ўрнига бошқа одамни ўтказмоқчи эди. Лекин мулозим ўз таклифининг юқоридан тушганини шайма қилгач, оқсоқол индамай қолди.

Мулозим оқсоқолни «кўндириб», жарчига бош ирғади. Олдиндан тайинлаб қўйилган шекилли, жарчи дарров эълон қилди:

— Бек жанобларининг буйруқларига биноан, тимнинг кунботиш тарафидаги, учинчи дўконнинг эгаси Барот заргар қаллоблиги, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилгани учун дорга осилади!

Аллақачон оқсоқол билан ёнма-ён ўтирган заргарлар тўдасини ўраган навкарлар, бечора(шундай дейишга мажбурмиз)ни худди илгаридан танигандек, дарров ушлаб олди. Барот заргар олтмишлар нари-берисидаги, соқоли мошгуруч, буйи пастроқ, ранг-рўйи кип-қизил, соғлом одам эди. Майдончага чиққанда кутилмаган бу балодан тили калимага келмай, ихраб қолди. Қалт-қалт титраб, суюб турилмаса йиқилгудек эди. Қўлини бек тарафга мажолсиз кўтариб, «инг-инг» қилиб гапиролмади.

Унга бироз сув ичиришгандан кейин, тили айлана бошлади.

— Бегим! Гуноҳдан кечинг! Бегуноҳ банданинг қони тутмасин!

Бек қимир этмади. Икки жаллод арқон отиб ўтказиб, дорбозларнинг томоша доридан жазо дори ясади.

— Растада мендан ҳалол заргар йўқ! Бегуноҳман! Гуноҳим йўқ! — дея бақирди заргар.

Лекин шундай юзининг олдида сиртмоқ чайқала бошлаганда бирдан хушидан кетди. Жаллод унинг юзига сув пуркай бошлади.

Шу пайт Аҳмад Тарашани қидириб кетган навкарлар қайтиб келишди. Болани онасининг ёнига худди қўғирчоқдек енгил қўйишиб, топишолмаганини айтишди. Нуруний юзли мулозим бекнинг олдида бориб қисқа маслаҳат олди. Сўнг уни жарчига англади.

— Халойиқ! — деди жарчи. — Бу ерга йиғилган аҳли жамоанинг олдида, бек жанобларига бир заифа ўзининг жуфти ҳалоли устидан арз-дод айтди. Айбдор қочгани сабабли ушбу арз шаръан ҳал этиш учун қозикалонга топширилади. Мабодо арзгўйининг кўнглида қозикалоннинг тафтишу ҳукми жиндак норозилик пайдо этса, ҳузури муборакка исталган пайтда кириши рухсат этилади. Ушбунинг тасдиғи учун заифага ваколатнома берилади. Ҳақиқатпарвар бек жанобларига олқишлар бўлсин!

Халойиқнинг «Олқиш!» «Олқиш!» деб гувуллаши остида Аҳмад Тарашанинг хотинига ваколатнома топширилди.

Бу пайтда заргар ўзига келиб ўрнидан турганди. Салласи чувалиб ерда қолса-да, уни олмади. Тақир бошида ёнғоқнинг ярмисичалик қизил шиш борлиги ҳаммага кўринди.

— Таҳорат олишни истайдиларми, тақир? — сўради жаллодлардан бири ундан. Бу саволдан кейин заргарнинг эс-ҳуши яна ўзига келди.

— Войдод, мусулмонлар! Бу қандай бедодлик?! Бегуноҳдан бегуноҳга осилса одам! Мусулмонлар! Ахир нимага қараб турибсизлар! Эрта-мертан ҳар биттангни шундай осиши мумкин бу ўзбошимча золим!

Гувуллаш тиниши билан заргарнинг нидоси эшитилди:

— Бек!!! Ҳаромхўр заргар осилиши лозим бўлса — Ғайниддин заргар осилсин!! Тиллога мис аралаштиришда унга тенг келадигани топилмайди!

— Тухма! — деди халойиқ ичидан Ғайниддин заргар.

— Қўшасан! Сен осилишинг керак! — деди Барот заргар чийиллаб.

— Бегим ўзлари биладилар! — қўрққанидан даҳшат билан бақирди яна Ғайниддин заргар.

— Бирингни олиб бирингга урадиган! — деб бақирди уларга кимдир оломон ичидан яна.

Ғайниддин заргар дам кўкариб, дам қизариб турган ерига ўтириб қолди.

да, одамларнинг ҳуштак ва «қоч-қоч» деб мазах қилувчи бақирлиқлари остида қаёққа кетаётганини ҳам билмай эмаклай бошлади. Эмаклай кетаркан: «Худо хайринглари берсин, йўл беринглари! Худо хайринглари берсин, ўтиб олай!» деб ингранарди.

Барот заргар эса болтадан қўрқмайдиган ҳўкиз даражасига келганди. Энди у тўппа-тўғри бекка бақирарди:

— Золим! Сени шаҳаншоҳ адолат қилади деб юборган! Бегуноҳ жабр-дийдаларнинг оҳи етиб борар! Оғзингдан қаро қонинг келсин!

Бек ўрнидан турди. Оҳиста юриб пешайвон четига яқинлашди. Унинг гапирмоқчи эканлиги аниқ эди. Майдонга шундай жимлик чўкдики, минг-минг одам борлигига ақл бовар қилмасди.

— Бўйнингга ол, қаллоб! — Бек шундай деб дор остига билакузук отди. Билакузук Барот заргарнинг оёқлари остига келиб тушди.

— Қўлимни ечинглари! — деди заргар силтаниб. Қўллари ечилгач, энгашиб бек ташлаганини олди. Билакузукни кўриб, қўллари шалвираб, боши қуйи эгилди.

— Бўйнингга ол, манфур! — деди бек боягидан баландроқ овозда.

Заргар кўкка қаради. Улимдан қочолмаслигини тушунди.

— Ё тангрим, даргоҳингга қабул эт! Гуноҳкор бандангман. Тирикчилик вадидан жезни, мисни тиллога ошна қилганман. Лекин илло, инсоф билан!..

Шу гапларни айта туриб Барот заргарнинг нигоҳи пастга тушиб, бекка қадалди.

— Бек! Инсоф билан қилганман! Пиримнинг арвоҳи ҳаққи, инсоф билан! Беайб ёлғиз тангримнинг ўзи!

Ана шунда ҳеч кутилмаган воқеа содир бўлди. Бек кийикдек чаққонлик билан одам бўйдан баланд айвондан сакраб тушиб, ўшандек тўқис ва енгил қадам босиб кўз очиб-юмгунча заргардан икки қадам берига бориб тўхтади. Билакузукни беринглари, дегандек қўл узатди. Ҳеч ким сезмаган аснода ёнида пайдо бўлган навкарлар билакузукни заргардан олиб унга узатишди.

— Эй, қаллоб, манфур, қари кўппак! — деди у билакузукни қўлида узатиб тутганча. — Элга ўз кекиртагинг билан бўкириб тан олсанг, қонингдан ке-чишим мумкин!

Бекнинг бу гапидан кейин Барот заргар тангри билан юз кўришишга тайёрланган мағрур инсондан бирдан чувалчангга айланди. Таппа ўзини ерга ташлаб инграганча бекнинг оёғини ўпмоқчи бўлди. Бек чаққон тисарилиб пешайвонга қайта бошлади. Барот заргар тумшуги билан ерга урилган бошини кўтарди-да, тиз чўкканча атрофга бақира бошлади:

— Мен қаллобман! Тиллони мисга қўшиб, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилган қари кўппакман! Эй, мусулмонлар! Туп денг башарамга! Пирига қасам-хўрлик қилган кофирга! Узимни оқ деб, подшоҳимнинг суюкли ноибни бўлмиш бек жанобларига бўҳтон қилдим!.. Ярми мис бўлган бу молларимни қишлоқларда сотганман...

Жиндак бўлса-да раҳми келиб турган оломон, заргарнинг ўлмаслигини билгач, лаънатлаб масхаралай бошлади.

Жарчи яна ҳукмни эшиттирди:

— Барот заргар бировнинг ҳаққига хиёнат қилгани учун ўнг қўли кесилиши лозим эди. Кўз олдингизда муборак зотга тўхмат қилгани учун ўлимга лойиқ эди.

Оломон узра «Ўлдирилсин!» «Осилсин!» деган хитоблар эшитилди. Жарчи давом этарди.

— Лекин айбига иқрор бўлгани учун, қарилигини назарга олиб, бек жаноблари уни ўлимдан халос этади. Барот заргарга йигирма беш дарра урилсин! Ҳар бир калтақдан сўнг ўзининг қаллоб ва ўғрилигини ўзи айтиб турсин! Узини ўзи маломат қилсин! Акс ҳолда дорга осилажак!

Жаллодлар бўзариб кетган заргарни тахтага тортиб боғлаб, дарра ура бошлашди.

Ҳукм ўқиб бўлингач, халойиқнинг олқиши остида, бек ўзининг энг яқин мулозимларини эргаштириб бозордан чиқиб кетди. Пешайвонда қолган тўралар, миршаббоши ва қозикалон ҳукмнинг ижросини кузатишлари лозим эди. Барот заргар биринчи даррада «Мен ўғрига бу ҳам кам!», иккинчи дарра-

да «Вой, мен муттаҳамнинг жазоси шу!», учинчи даррада «Вой жоним! Мен каззобга худонинг жазоси бу!» деб бақирар, оломон эса кулар эди.

Ҳозирги ўқувчиларга бу кулги ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин у пайтда бундай эларо очиқ жазолар тез-тез такрорланиб тургани важдан одамларнинг кўнгли қаттиқроқ бўлган. Иккинчидан, муттаҳам ва каззобнинг халқнинг кўз олдида жазоланиши — ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши эди. Ҳақиқат эса ситамгар қалбларга ҳамиша севинч бағишлаб, чекаётган азобларнинг бир кунмас бир кун ниҳоясига етишига ишонч туғдиради. Ва ниҳоят, айтганларимизнинг баридан ташқари, кундалик бир хилдаги тирикчилик ташвишидан зада бўлган юракларга бу жазо ғаройиб томоша ҳам эди. Бек ана шуларнинг ҳаммасини аңларди. Ҳукмдорлар халқни алдашни билишади.

Барот заргар кейинги зарбаларда, тавбага ўтгунча анчагача «вой-вой»ларди. Шунда жаллод унинг тавбасини кутиб турар, жуда ҳам чўзилиб кетса: «Бўлинг, тавбангизни қилинг! Акс ҳолда дорга осиласиз!» деб дўқ урар, заргар яна ўзини маломатлашга тушарди.

Заргар учун бу жазо ўлимдан ҳам қаттиқ эди. Зероки, у ҳамма заргарларнинг сирини очди. Кейинчалик албатта улардан кўрадиганини кўрар ва эшитадиганини эшитар эди. Иккинчидан, ўзини эңг ёмон сўзлар билан ҳақоратларди, унинг ҳам дўсти, душмани бор эди. Энди истаган одам унинг ўзига-ўзи ёғдирган ҳақоратларини юзига солиши мумкин эди. Заргар учун она шаҳрини тарк этишдан бошқа йўл қолмасди.


Дарҳақиқат, калтак заҳмлари битгач, Барот заргар Кумушкентдан кўчиб кетди.

«Қадам ранжида» шундай тугади. Муҳсин гуппининг таъби жиндак тирриқ бўлди. Айниқса, заргар калтак еяётган пайтда оломондан чиққан «Бировнинг молига хиёнат қиладиган, ерини, сувини тортиб оладиган заминдорларни ҳам шундай қилиш керак!» деган қичқириқлар унга ёқмади. Қозихона томон аста кетаркан: «Одамларда меҳр-шафқат қолмабди ўзи. Тавба қилдим! Тавба қилдим!» деб такрорларди.

Бозор бирпасда яна ғала-ғовур бўлиб, олди-берди можаросини авжга чиқарди. Муҳсин гуппи йўл-йўлакай қирқта куфта кабобни<sup>1</sup> сихи билан лаганга қўйдирди. Уни кабоблазнинг боласига кўтартириб, қозихонага кирганда кун қоқ пешинга келган эди.

#### Охири келгуси сонда

<sup>1</sup> Куфта кабоб — майда қиймага данакдек-данакдек думба тиқилган кабоб.



Қамбар Утаев

## ЎЗГАЛАРНИНГ БАХТИ ЖОНИНГДА ТУРСИН

### Кураш

Полвоним, курашган битта сен эмас,  
Кураш майдонидир аслида ҳаёт.  
Йиқитсанг кучингни пеш қилмагин, бас,  
Йиқилсанг кўтарма фиғону фарёд.

Умр деганлари сеҳрли тилсим,  
Мангу тўлқин уриб ётар бу баҳр.  
Курашдан тўхтаса сендаги жисм,  
Ҳайҳот, совиб қолар бу қайноқ бағир.

Урфлар ўзгаради замонлар оша,  
Кураш ҳам бўларкан, ҳар кимда ҳар хил:  
Бировлар курашар шуҳратга ташна,  
Тўхмат тошин отар дўстга ноаҳил.

Бўлмагин майдакаш, ожиз, нотавон,  
Курашсанг курашгин, замонингга хос.  
Кураш нопок бўлса, ёмондан ёмон,  
Кураш ҳалол бўлса, улуғ, муқаддас.

То тирик экансан: югургин, чопгин,  
Йиқилсанг бағрингни бермагин ерга.  
Покиза устозу содиқ дўст топгин,  
Сен билан майдонга тушсинлар бирга.

Ватанинг шаъни деб, халқим деб кураш,  
Курашсанг бутун юрт ёнингда турсин.  
Ўзгалар бахтини бахтим деб кураш,  
Ўзгаларнинг бахти жонингда турсин.

Юракда ҳақиқат, ақлингни пешлаб  
Курашгин муттаҳам, олғир-ла ҳар он.



Езу куз тер тўкиб, кетмонин ушлаб,  
Куп-курук, бенасиб қолмасин деҳқон...

Тинчлик деб, курашгин,  
Дўстлик, деб кураш.  
Курашгин халқ бағри бўлсин деб бутун.  
Жаҳонга тенг хизмат қилсин деб куёш,  
Курашгин жамики эзгулик учун!..

## Энг қадимги ривоят

Ватан учун бўлган курашнинг  
Сон-саноғи эрур беҳисоб.  
Юртга ёвлар қилган ғаразнинг  
Асосида бўлмагай инсоф.

Аёвсиз жанг қилади душман,  
Бутун бир халқ беланар қонга.  
Кўзин юмар қанчалаб инсон,  
Видо айтиб она Ватанга.

Хунук хабар келар шу замон:  
— Эл оғаси, сўзимни тингланг,  
Хотинлар кўп бўлмоқда қурбон,  
Бизлар қаттиқ қилаймиз жанг!

Шитоб билан берилар фармон:  
— Бўлмагаймиз халққа етти ёт —  
Аёлларни сақлангиз омон,  
Аёлларни қилинг эҳтиёт!

Қолдан тояр душман бешафқат,  
Қушдай учиб боради чопар.  
Битта аёл қолганин фақат  
Эл ичида қилади хабар...

Жанг сўнгида оға айтар сўз:  
— Бор экан эл толе иқболи —  
Қурбон бериб бўлса ҳамки биз,  
Сақлаб қолдик юртда аёлни!

\* \* \*

Бўшлиқ ҳам беҳудуд — абадий эмас,  
Бўшлиқнинг тинчини бузганлар — қотил.  
Атрофдан кислород сўриб олган кас,  
Ҳаво софлигига бўлолмас кафил.

Ризқингдан тийин юлса, бўлдинг бепарво,  
Тоғдай ўмарсалар тоқат қилдинг сен.  
Улар тузалмаслар,  
Улар бедаво,  
Афсус, лоқайдликни одат қилдинг сен.

Билмам, тақдирингдан нени кутарсан,  
Бундай тоифадан чиқмас диёнат.  
Қандай чидаш мумкин,  
Қандай чидарсан,  
Олган нафасингга қилса хиёнат.

\* \* \*

Мени қўрқитолмас  
Келмаса омад,  
Ғаюрлар қалбимга  
Сололмас даҳшат.  
Мени қўрқитади  
Қўрқоқлар фақат,  
Шулар келтирмаса  
Дейман касофат.

Оғир дамларда ҳам  
Босолмас ғафлат,  
Ҳеч қачон демасман,  
Ҳаёт омонат.  
Қўрқмасман, номарддан  
Кутмасман шафқат,  
Мени қўрқитади  
Бедардлар фақат.

## Табрик ўрнида

Унгланиб кетганда ҳаётинг  
Хаёлингга нималар келар?  
Ошсин учун балки шуҳратинг  
Кимнинг арши-аълоси қулар?!

Табриклайман, қандингни ургин,  
Насиб этсин сенга шу омад.  
Омадингда мустаҳкам тургин,  
Келганида ҳамки қиёмат...

Ўтказарсан балки вақтингни  
Муғамбирлик йўлига кириб.  
Хавф остига қўйиб бахтингни  
Содиқ дўстга берарсан фириб.

Умринг шумлик ўйлаб эрта-кеч,  
Нафсинг асло қаноат билмас,  
Балки сенинг хаёлингга ҳеч  
Қўйнингдаги қопчиғинг тўлмас.

Балки ўзга берурсан савол:  
Ориятинг, виждонинг бутми?  
Элга беролдингни безавол  
Қалбингдаги муқаддас ўтни?

Унгланиб кетганда ҳаётинг,  
Халққа бўлса хизматинг холис,  
Тасодиф эмасми омадинг,  
Эмасмисан бу бахтдан олис?

Ишинг бўлмай шуҳратинг билан  
Ўйлайсанми ўзгалар бахтин?  
Юртинг берган омадинг билан  
Бошда юксак тутолсанг халқинг,

Шундай қилсанг, муборак ўрнинг!  
Юрагимдан тилайман омад.  
Омадингда мустаҳкам тургин  
Келганида ҳамки қиёмат.

\* \* \*

Ҳарбийлар ишониб энг зўр қуролга,  
Ажалдан асровчи куч деб сиғиниб,  
Дунёни рўбару қилиб ажалга  
Гоҳ ожизлик қийнаб, яшар бўғилиб.

Трубаларнинг боши осмонга тегиб  
Тутун бурқситади оғизларидан.

Улар тургани йўқ шунчаки чекиб,  
Заҳар тошиб чиқар бўғизларидан.

Бугун мен ҳайратга тушмайман сира,  
Қанотига олиб юксак тоғларни —  
Учиргувчи бир куч бўлса ихтиро...  
Ҳатто нафратлайман бундай чоғларни.

Нурни бўйсундирган қора ниятли  
Ёвуз, телба кашфга ўқийман лаънат.  
Хавфда қон қақшатган инсониятни,  
Мангу чириб битсин девқудрат ғафлат.

Яратиш — иқболдир, яратиш — ҳурлик,  
Кашфда табиатга учраса зўрлик:  
Бу бир қотилликдир, басирлик — кўрлик,  
Бу бир шўрпешона шўрликдан шўрлик.



Сиғинаман сенга ишчи авлоди,  
Сиғинаман сенга жафокаш деҳқон.  
Сен қилган энг зўр кашф — инсон меҳнати  
Жаҳонга масъулдир, дунёга посбон.

Ожизлар бир умр саждада яшар,  
Сиғинар атомга фақат телбалар.  
Ботирларга ғурур, фахр ярашар,  
Элга дилпоралар — чағир елкалар.

Сиғинаман сенга нурафшон ҳурлик,  
Сиғинаман сенга фидойи инсон.

Сиғинаман сенга ғойиб ғамхўрлик,  
Сиғинаман сенга покиза инсоф.

Виждонга сиғиниш улуғ кашфиёт,  
Инсонга сиғиниш энг улуғ кашфдир.  
Азалу азалдан муқаддас баёт —  
Ватанга сиғиниш энг улуғ кашфдир.



Рауф Субҳон

## СЕНГА ЕТМОҒИМ ШАРТ, БИР КУН, КЕЛАЖАК!

\* \* \*

Совукдан қорайса дарахтнинг тани,  
Ўзга юрт бўлади қушлар макони.  
Қушларнинг маскани қийнайди мени,  
Қийнайди ҳувиллаб қолган Ватани.

Дарахтлар турибди қишнинг қошида,  
Термилиб тўкилган хазонларига.  
Мен унинг дардларин асрай бошладим,  
Асрадим жамики армонларини.

Дарахтлар тебранар, булутни ҳайдар,  
Ғуборлар ердасмас, осмонда каби.  
Қушлар қайтишини уларга айтар,  
Бойчечаклар унган ариқлар лаби:

Қарагин... қайтмоқда... айтган байтларинг,  
...Дувиллаб бағринга қўнган дардларинг...

---

Шеърят — шоир учун қисматга айланганидагина миллий аҳамият касб этади. Шеърят моҳиятан Ватан фидойилиги билан қудратлидир. Шоирнинг шахс сифатида шакллана бориши Ватан билан нақадарлик чамбарчас эканига боғлиқ. Она халқимиз, она тилимиз, она тарихимиз каби муқаддас бисотларимизни биз, бир сўз, яъни Ватан сўзи билан ифодалаймиз...

Рауф Субҳон бир неча йиллардан буён шеър машқ қилади ва табиатни, киши руҳиятининг оний кайфиятини ўзича бадийи кашф этишга, шеърга янгича тароват бағишлашга интилади. Унинг қатор шеърлари борки, табиат манзараларининг бир дамлик ҳолларини зийраклик билан илғаб олади, воқеликнинг драматик қарама-қаршиликларидан ҳам кўз юммайди, ўқувчини бепарво қолдирмайди...

Шоир — ўз халқининг порлоқ тилидир. Ўз Ватани учун кўйинмаган шоирни бугун қанча кўтарсалар, эртага шунча тез улоқтирадилар.

Рауф Субҳон шеърларини ўқиганимда шундайин сезимлар фикримдан кечди. Мен Рауфни ўн йилдан буён танийман, шеърлари билан кун сайин, янада, яқинроқ танишиб бормоқдаман. Бу узоқ танишув нақадар мароқли.

Шеърятнинг чексиз, чегарасиз имкониятларини инкишоф этиш йўллари жуда кўп. Рауф Субҳон шу йўлнинг бошида турибди. Сўзларини сизга узатмоқда.

Рауф ПАРФИ

## Ёлғизликни тасаввур қилиш

Ташқарида яшар ҳақорат,  
Фақат ёлғиз сен учун яшар.  
Бу кундузинг чалган нақорат,  
Тунинг айтган кўшиққа ўхшар.

Ўқланган милтиқдай турасан,  
Бўғзинга тизилган сўзларинг.  
Хонангда тинимсиз юрасан,  
Мўлжалга ололмас кўзларинг.

Дилинг ёнар, ёнар тўхтовсиз,  
Бақирасан, овоз чиқмайди.  
Киминг йўқлар, ким ҳам йўқлайди,  
Дард баҳайбат, фақат йиқмайди.

Ташқаридан ким кирса агар,  
Бўшатарсан тўйган кўнглингни.  
Ташқарининг ўзи кирса гар,  
Кўрсатарсан куйган тилингни...

## Тушкунликка тушган дўстимга

Бузоқ ҳақидаги мақол эскирар,  
Лекин унутмасмиз сомонхонани.  
Хўроз вақт белгиси эмас, қичқирар,  
Бугун хўрози йўқ кўп хонадоннинг.

Уйланиш шарт эмас, севиш ҳам шартмас,  
Фидолик шарт эрур, курашмоқ шартдир.  
Ажралиш ҳеч кимга анъана эмас,  
Ҳаётга бепарво бўлмоқлик жабр.

Сўкинишинг мумкин соғлигинг учун,  
Сендан устун келса ожизлик кучи.  
Қанотинг бўлмаса бағрингдир бутун,  
Атрофга зардобинг сочмагин, ютун.

Сен фақат билсанг бас ғолиблигингни,  
Ҳисларинг ўлмаган, демак, тириксан.  
ОНА, деган тилинг айланиб турса,  
ВАТАН, деб ўлмоғинг учун кераксан.

## Қиш манзараси

I

Қаҳратон заминда ғичирлаётган  
Бешафқат силжиган нигоҳимиздир.  
Дарахтлар, безовта қичирлаётган,  
Дарахтлар титрайди гуноҳимиздан...

II

Тунда така-пука этиб юракни,  
Томирда қонимни бир кўрқинч қувар,  
Агар бўри бўлса топар керакни...  
Қайлардадир, яна нимадир увлар!

Кўникмаслик учун «таслим» сўзига,  
Балки увлаш керак бундай пайтларда.  
Кўникмаслик учун «шубҳа» сўзига,  
Сифиниб яшайман шундай байтларга:

Севгингдан ҳам шубҳа қилмагин,  
Кўнглингдан ҳам шубҳа қилмагин,  
Увлаш сири одамлар айтса,  
Фаслингдан ҳам шубҳа қилмагин.

Атроф музлаб қолган, кўникиб қолган,  
Куйлаш керак... овоз... овозим — кўмак!  
Қўрққанлар ҳақида сўзлаган одам,  
Аввало ўзидан кўрқиши керак!

Балки «ёлғон» деган фасл увлайди,  
Атроф эса қорга ўрағиб ухлар.  
Овозим томримда қон булиб гувлар:  
«Халойик, халойик, нимадир увв-вв-лар...»

Ув-вв-лар нигоҳимни тор каби чалар,  
Балки бунга қишнинг ўзи ҳам ҳайрон.  
Тинглайман, хотиржам, асрий куй келар —  
Изма-из, уйма-уй юрибди б ў р о н!..

\* \* \*

Кунгабоқар,  
Мен сенга қойил қолмадим,  
Қуёшсиз кунларингни  
Нуқул  
Ерга қараб ўтказдинг...

## Номаълум рассомнинг сўнгги сурати

Вайрон бўлган уйлар —  
Қазилмаган қабрлар  
Атрофда...  
Узоқларга кўчмоқда  
Туз барханлари.  
Фақат бир шарпа —  
Ойнинг шуъласи  
Қолгандай сағир  
Қабрлар устида  
Юзини очар.  
Бу мудҳиш кўзғалиш,  
Оппоқ тўполон,  
Жимгина ютмоқда  
Ой нурларини.  
Атроф сукунатга  
Қоришиб ётар...  
Лекин, чидар томошабин,  
Томоша қилар.

Чекинар, чекинар  
Ҳаёт чекинар...  
Кимдир  
«Буларнинг оти ўчсин»  
Деб қарғагану  
Сўкинар, сўкинар,  
Деҳқон сўкинар...  
Вайрон бўлган уйлар —  
Қазилмаган қабрлар  
Атрофда...  
Узоқларга кўчмоқда  
Туз барханлари.  
Бу — номсиз мусаввирнинг  
Учган хаёли,  
Ўтмишнинг рангига  
Қориштирилган  
Қайсидир асрнинг  
Разиллигидир!..

### Тинчлик

Сенга етмоқликка имкон кўп, имкон,  
Имкон йўқ бир сени топмоқдан бўлак.  
Ҳақиқат — мангулик, энг сўнгги мезон,  
Сенга етмоғим шарт, бир кун, келажак!

Аламни қувончга ўраб яшашни,  
Ахир, ёмон кўриб келган-ку юрак.  
Кўз омон бўлмаса бу қаро қошни,  
Нима ҳам қиламиз айтгин, келажак?!



## ЧЎЛПОННИНГ ИЖОДИЙ ЙЎЛИ ТЎҒРИСИДА

«Чўлпон» тахаллуси билан машҳур бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўзбек совет ёзувчиларининг тўнғич авлодига мансуб бўлиб, зиддиятларга тўла мураккаб ижод йўлини босиб ўтди.

Унинг ижоди Октябрь революциясидан олдин — 1913 йилда бошланган эди. У биринчи асарларини эълон қилганида 20 ёшга тўлган, ёш бўлса-да, анча мукамал билимга эга бўлган бир йигит эди. У араб, форс, турк тилларини яхши билар ва бу тиллар ёрдамида шарқ адабиётини ҳам, Европа адабиётини ҳам анча пишиқ эгаллаган эди. У, айниқса, рус классик адабиётини яхши билар ва ўша кезлардаёқ Пушкин, Гоголь, Достоевский, Толстой каби буюк сўз усталарининг асосий асарлари билан танишиб чиққан эди. Баъзи замондошларнинг эслашича, Чўлпон Қримда, Татаристонда, Озарбайжонда нашр этилган вақтли матбуот намуналари билан бирга Франция ва Ҳиндистонда чиқарилган газета ва журналларни ҳам олиб турган. Буларнинг бари Чўлпоннинг кўзи эрта очилишига сабаб бўлган ва уни ҳаётнинг чигал муаммоларига жавоб излашга ундаган. Ҳаётда эса у пайтларда бундай муаммолар қалашиб ётарди. Кун сайин авж олиб бораётган икки ёқлама зулм мустамлака Туркистон халқининг бемалол нафас олишига, эркин яшашига йўл қўйган эмас. Европа халқлари аллақачон тараққиёт йўлига қадам қўйиб, илм-фанни ривожлантириб, техника янгиликларидан озми-кўпми баҳраманд бўлаётган бир шароитда туркистонликлар ҳаёмон жаҳолат ичида, нодонлик ботқоғида яшашда давом этмоқда эди. Диний фанатизм бутун ўлканинг устига ёпилган қора чимматдай, уни ёруғ дунёнинг нурларидан тўсиб қўйган. Халқ ўзлигини танимай, истиқболини ўйламай, ота-боболардан қолган эски расм-русумлар исканжасида тириклигини ўтказади. Бундай аҳвол ҳар бир виждонли зиёлини ўйланган бўшқинлик ва ҳаловатдан маҳрум қилиб, безовталантирмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун, тасодиф эмаски, ўзбек зиёлиларининг энг яхши, ҳалол, соф виждонли қисми ХХ аср бошларидаёқ халқни жоҳиллик ва нодонлик асоратидан қутқариш йўлларини ўйлай бошлаганлар, унинг ҳаётини яхшилаш чораларини излаганлар. Аммо, афсуски, ўша давр шароитида ҳамма вақт ҳам ҳаёт муаммоларига тўғри жавоб топишнинг иложи бўлаверган эмас...

Шу зиёлилар сафида Чўлпон ҳам бўлган. Унинг илк асарлари — шеърлари, мақолалари, ҳикоялари — «Садои Фарғона», «Садои Туркистон», «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида, кейинчалик «Ойна» журналида, Уфада чиқадиган «Шўро» журналида босилиб турган. Улар ҳали кўп жиҳатдан хом эди, баъзилари эса тўғридан-тўғри тақлидчилик руҳида ёзилган эди. Масалан, «Қурбони жаҳолат» ҳикояси Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси таъсирида ёзилган: Ўқимаган, саводсиз икки йигит ўғирлик қилади-ю, қилмишларини бошқа бир бегуноҳ йигитга тўнкайдилар. Тўхматга қолган йигит — жаҳолат қурбони бўлади — у ўзини-ўзини ўлдиради.

Чўлпон Туркистон ҳаётининг зиддиятларини кўради, айниқса, халқ ўртасида эски хурофотлар, бидъатлар ҳукмрон эканидан изтиробга тушади, ислом идеологияси тараққиёт йўлида ғов бўлиб бораётганидан норози бўлади ва бу аҳволдан қутулиш йўллари излайди. Тўғри, у ҳали жамиятда синфлар мавжудлигини, улар ўртасида муттасил кураш боришини тушуниб етмай, ҳар қандай халқни жаҳолат ва нодонлик ботқоғидан халос этишнинг биринчи шарты зулмга асосланган ижтимоий тузумни йўқотиб, ўрнига тенглик, биродарлик, адолат асосига қурилган тузумни барпо этиш эканини англамайди. Айтиш керакки, Чўлпон дунёқарашининг бу хусусиятлари революция арафасидаги ўзбек муҳитида мустасно ҳодиса эмас. Аксинча, ўша кезларда ўзбек зиёлилари ўртасида синфий кураш қонуниятларини чуқур англаб етган ва буни қай бир тарзда ижодида акс эттирган бирор сиймони кўрмаймиз. Чўлпоннинг ўша пайтдаги ижтимоий-сиёсий қарашлари «Доктор Муҳаммадиёр» ҳикоясида яққол ифодаланган. Ҳикоя қаҳрамони етимликда ўсган йигит. У татар ва озарбайжон зиёлиларининг ёрдамида ўқиб, саводли бўлади, олий маълумот олади, ҳатто чет элда ўқийди. Таҳсилни битириб, Туркистонга қайтгач, халқини маданиятли, маърифатли қилиш йўлида курашмоқчи бўлади. Унинг идеалини ёзувчи қуйидагича ифодалайди: «халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупа дорил-фунунларига болаларни юборса, доктор, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогар ва муҳандислар чиқса, буларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туриб, ишларини тартиб ила юргүзсалар, халқимизнинг фойдасини кўрсатсалар нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди». Аммо бу орзулар реал заминга эга бўлмагани учун хом хаёллигича қолаверади. Муҳаммадиёрнинг ўзи эса орзуларини рўёбга чиқариш олдида бирор муайян фаолият билан шуғулланиш ўрнига пул топишга киришиб кетади, кейинроқ эса ҳовлисидан нефть чиқиб қолиб, саноатчи миллионерга айланади қолади.

Кўринадики, Чўлпон «Доктор Муҳаммадиёр» ҳикоясида маърифатпарварлик позициясидан юқорига кўтарилма олмаган. Аммо ҳикоянинг диққатга сазовар бир жиҳати бор. Унда рус

ва европа маданиятидан ўрганишга чақирик мавжуд. Ёзувчи жуда ошқора тарзда бўлмаса ҳамки, ўзбеклар, руслар, озарбайжонлар ва бошқа халқлар ўртасидаги иноқлик, ўзаро ҳамкорлик таъриқийнинг зарур шартидир, деган ғояни олға сураётгандай бўлади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейин Чўлпоннинг ижодий имкониятлари тез рўёбга чиқа бошлади. Аввало у ўзига хос истеъдод эгаси сифатида шеърят-бобида фаол қалам тебратди. Унинг шеърлари вақтли матбуот саҳифаларида босилиб, шунингдек «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида; «Армуғон» альманахида, мактаблар учун чиқарилган «Адабий парчалар» ва «Ўзал ёзгичлар» деган қўлланмаларда эълон қилинди. Булардан ташқари 20-йилларда унинг «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», 30-йилларда эса «Соз» тўплами босилди, 30-йилларда Чўлпоннинг «Жўр» деган шеърый тўплами тайёрлангани ва ҳатто Уйғун томонидан таҳрир қилингани ҳам маълум, бироқ бу тўплам дунё юзини кўрмай, йўқолиб кетди.

Чўлпон драматург сифатида ҳам самарали ижод қилди. «Ҳалил фаранг», «Чўрининг исёни» каби кичик ҳажмдаги драматик асарлар билан бир қаторда, Чўлпон 20-йилларда ўзбек халқ эртаклари асосида «Ёрқиной» деган ишқий-романтик драма ҳам яратган ва унда муҳаббат, вафо ва садоқат йўлида катта жасорат кўрсатган халқ қаҳрамонлари образини саҳнага олиб чиққан. Шунингдек, Чўлпоннинг «Муштумзўр», «Уртоқ Қаршибоев» деган сатирик комедиялари ҳам ўз даврида анча машҳур бўлган. Унинг драматик асарлари ичида энг бақуввати атоқли рус адаби В. Ян билан биргаликда ёзилган «Ҳужум» пьесаси бўлиб, у хотин-қизлар озодлиги масаласига бағишланган асар эди.

20-йилларда Чўлпон адабий-танқидий фаолият билан ҳам шуғулланади. Унинг 1920 йилда ёзилган ва «Иштирокиюн» газетасида босилиб чиққан «Шўро ҳукумати ва саное нафиса» деган мақоласини ўзбек совет танқидчилигининг биринчи намунаси деб қараш мумкин. Бундан ташқари унинг ўзбек ва рус классиклари ҳақидаги, шарқ адабиётининг атоқли намояндалари тўғрисидаги мақолалари ҳам ўз вақтида адабий жараёнда муайян из қолдирган эди.

Чўлпон таржимон сифатида ҳам катта ишлар қилди. У 20-йилларнинг бошларидаёқ биринчи марта ўзбек тилига партия гимни «Интернационал»ни таржима қилган эди. У ўша даврларда Пушкин, Блок, Брюсов шеърларини ўзбекчага ағдаради. Л. Андреевнинг «Етти осилган қиссаси»ни таржима қилади. 30-йилларда эса Горькийнинг «Она» романини, «Егор Буличев» пьесасини, Пушкиннинг «Дубровский» қиссасини, «Борис Годунов» трагедиясини, Гоголнинг «Иван Иванович ва Иван Никифоровичнинг ўзаро низолари» қиссасини, Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясини, Лопхутийнинг «Европага савҳат» достонини, Крилов масалларини, Файконинг «Портфеллик киши» пьесасини ўзбек китобхонага етказиб берган. Таржима ишлари республикада эндигина қўл очиб келаётган бир шароитда Чўлпоннинг таржимонлик фаолияти катта қимматга эга эди.

Чўлпон моҳир насрнавис ҳам эди — бу тўғрида кейинроқ алоҳида тўхтаймиз. Унинг «Қор кўйнида лола» ҳикояси, «Ев» қиссаси, «Кеча ва кундуз» романлари маълум.

Чўлпон салкам 20 йиллик ижодий фаолияти давомида ана шундай хилма-хил асарлар яратиб, анча бой мерос қолдирди. Аммо таассуфли томони шундаки, унинг меросини ташкил қилувчи асарларнинг ҳаммаси бир хил савияда, бир хил даражада ёзилган эмас. Улар орасида бадий жиҳатдан бўшроқ, оҳанглари суст шеърлар ҳам, чучмалроқ ҳикоялар ёки ўта батафсил сафарномалар ҳам учрайди. Айни қоқда, Чўлпоннинг бир қатор асарларида, айниқса, 20-йилларнинг биринчи ярмида яратилган бир гуруҳ шеърларида жиддий ғоявий нуқсонлар мавжуд. Гапни Чўлпоннинг Улуғ Октябрь революциясига муносабатидан бошлайлик.

Чўлпон революция ғалабасини зиддиятли тарзда кутиб олди. 1919—1920 йилларда яратган айрим асарлари Чўлпоннинг революцияни маъқуллаганини, ундан қувонганини ва адабиёт учун муҳим ҳулосалар чиқариб олганини кўрсатади. Масалан, шоир 1919 йилда эълон қилинган «Қизил байроқ» шеърида байроқни революцион кучларнинг тимсоли сифатида таъсирлайди, унинг қизиллигини курашларда тўкилган ишчиларнинг қони билан изоҳлайди. Шу муқаддам байроққа кўз олайтирувчи ҳукмон синфга нафрат билдиради, қизил байроққа эса «Қаламидан, қоғозимдан ҳам ўзимдан муҳаббат» дея мурожаат қилади. Шунингдек, 1920 йилда ёзилган «Халқ» шеърида ҳам шоир тож-тахтни қўпориб ташлаган, зулм дунёсини тор-мор келтирган халқ оммасини улуғлайди ва ҳамisha шу халқдан куч олишга, ҳар ишда унга таянишга, у билан яқнафас бўлишга чақиради.

Чўлпоннинг «Биринчи май» шеърида ҳам, яна бир қатор бошқа шеърларида ҳам унинг революцияга ижобий муносабати яққол кўриниб туради.

Бу ўринда шоирнинг яна бир асарини алоҳида таъкидлаш керакки, у ҳам Чўлпоннинг Октябрь революциясига, янги воқеликка, совет ҳокимиятига муносабатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу 1920 йилда Октябрь революциясининг уч йиллигида «Иштирокиюн» газетасида эълон қилинган «Шўро ҳукумати ва саное нафиса» деган мақоласининг умуий мазмуни, ғоявий йўналиши, санъат масалаларининг қўйилиши муаллиф дохий Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» деган мақоласи билан яхши танишлигидан далолат беради. Чўлпон мақолада революциядан аввал санъат халқдан узоқ бўлганини, бир ҳовуч зодагонларгагина хизмат қилганини таъкидлайди. Совет ҳокимияти санъатни унинг ҳақиқий эгасига — меҳнаткаш халқ оммасига топширди. Энди у халқ ҳаётини акс эттиради, унинг курашига ёрдам беради. Мана шундай фикрлар Чўлпоннинг революцияга ижобий муносабатда бўлганидан далолат беради. Аммо, афсуски, бу муносабатда изчиллик кўринмайди. Бир томондан «Қизил байроқ»қа ўхшаш шеърларда революцияни олқишлаган шоир, иккинчи томондан, революция манфаатларига зид асарларни ҳам ёзаверади. Масалан, у 1918 йилдаёқ матбуотда эълон қилинган баъзи шеърларида Қўқон мухториятини табриқлайди, гўё бу мухторият халққа чинакам ҳуррият бергани айтилади. Бунда Чўлпон дунёқарашидagi зиддиятли томонлар ҳақида гапиришга тўғри келади. У ҳали ўзининг синфий мавқеини узил-кесил аниқлаб олганича йўқ, шунинг учун Қўқон мухториятидек реакция ҳодисага ижобий муносабат билдиради ва ўзи истабми-истамайми революция душманларининг тегиримонига сув қуяди.

Чўлпон шеърларида революцион воқеликка ноҳуш муносабат баъзан тушкунлик руҳини, умидсизлик кайфиятини, истиқболга ишончсизлик, йўлсизлик, ночорлик, иложсизлик мотивларини тўғдиради. Бундай шеърлар, айниқса, «Булоқлар», «Уйғониш» ва «Тонг сирлари» тўплами

ларида анча учрайди. Мана, шоирнинг ўша йилларда анча машҳур бўлган «Бузилган ўлкага», деган шеърини олайлик. Шеър 1920 йилда ёзилган бўлиб, аввал «Билим ўчоғи» журналида, кейин «Булоқлар» тўпламида босилган. Маълумки, бу даврда Туркистонда ҳали граждандлар уруши тугаб улгурмаган, хўжалик ғоятда издан чиқиб кетган бир аҳволда эди. Муттасил жанглар оқибатида қишлоқлар хароб бўлган, шаҳарлар ҳам таҳлика остида яшарди. 1920 йилда халқ ҳам ҳали совет давлатининг меҳнаткашпарвар тadbирларидан фойдаланиб улгурмаган эди. Бундай шароитда революцион курашларда чиниқмаган, ғоявий эътиқодлари тобланмаган шоир воқелик қаршисида саросимага тушиб қолади. Унинг назарида бир вақтлар гўзал бўлган ўлканинг бошида қора булутлар кўланка солаётгандай, юртнинг эрки ва бахти топалаётгандай бўлади. Бундай кайфиятлар «Менинг товушим», «Юпанмоқ истаги», «Куз», «Қишан» каби шеърларида ҳам етакчи пафосни ташкил қилади. Чўлпон яна бир қатор шеърларида шарқ билан ғарбни қарама-қарши кўяди — унинг тасвирида ғарб оғзи қон бўри, шарқ эса унинг панжасига илинган маъсум кўзичоқ. Бундай таққослар, ўша пайтдаёқ ҳаётий ҳақиқатдан узоқ бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Табииyki, Чўлпон шеърларида озми-кўпми намоён бўлган ғоявий маҳдудлик, миллатчиликка мойиллик, тушкунлик ва умидсизлик, йиғлоқилик оҳанглари халқ оммасини революцион руҳда тарбиялаш ишига хизмат қилмас эди.

Шунинг учун ҳам ўша кезлардаёқ Чўлпон шеърлари кескин танқид қилинди.

Олим Шарафиддинов 1927 йил 14 февраль куни «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларида эълон қилинган мақоласида Чўлпон шеърларидаги ғоявий маҳдудликни, миллатчилик кўринишларини биринчи марта қатъий қоралаб чиқди. Мақола қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Орадан кўп ўтмай, Ойбек шу газетда «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?» деган мақола эълон қилиб, унда Чўлпон шеърларида ғоявий камчиликлар бўлса-да, бадий жиҳатдан юксак қимматга эга деган фикрни олға суради. Баҳсда бошқа муаллифлар ҳам қатнашади. Ўша йили 4—5 октябрь кунларида ўзбек зиёлиларининг II қурултойи бўлди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Акмал Икромов Чўлпон ҳақидаги баҳсга ҳам тўхтаб, Олим Шарафиддиновнинг қарашларини тўла қувватлайди. Бу воқеани эслашимизнинг боиси бор. Чўлпон кескин танқидлардан хулоса чиқариб олиб, қурултой номига ариза билан мурожаат қилган эди. У аризада чиндан ҳам сўнги йилларда «миллатпарестлик руҳидаги» камчиликларга йўл қўйганини тан олди, бироқ ўзининг совет тузумининг душмани, деб эълон қилинишини кескин қоралади. Аксинча, у совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан бошлабоқ сидқидилдан совет ташкилотларида ишлаб келаётганини ва бақадри имкон совет ҳокимияти сиёсатини амалга оширишга қўмаклашиб келаётганини айтади. Ҳақиқатдан ҳам, Чўлпон ҳеч қачон биронта аксилинкалибий ташкилотнинг азбоси бўлган эмас ёки қўлида қурул билан бирон марта совет тузумига қарши курашда қатнашган эмас. Аксинча, у 1920 йилгача марказда Маяковский актив ходими бўлган РостАнинг Туркистон бўлимида хизмат қилган, ундан кейин эса театردа эмалдош, бадий раҳбар лавозимларида хизмат қилган. Хўп, шундоқ экан, нима учун шеърларида жиддий ғоявий нуқсонларга йўл қўйди? Нима учун совет ҳокимиятининг ижобий моҳиятини ҳамма вақт ҳам тушунавермади? Буни фақат иккита омил билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, Чўлпоннинг ўзи, юқорида айтганимиздек, синфий кураш ўтхоналарида обдон тобланиб улгурмаган, дунёқарашидagi майда буржуача унсурлардан бутунлай халос бўлиб кетмаган эди. Иккинчидан эса, 20-йилларнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳаддан ташқари мураккаб эди. Ахир, бизнинг республикада ер-сув ислоҳоти 1925 йилда, инқилоб ғалабасидан 7 йил ўтгандан кейин амалга оширилади, миллий чегараланиш 1924 йилда рўй беради, маданий инқилоб ҳам, хотин-қизлар озодлиги учун кураш ҳам, асосан, 20-йилларнинг иккинчи ярмида кенг кўламда юзага чиқарилади. Унгача эса ҳаётнинг кўп соҳаларида, ҳал қилувчи участкаларда эски кучлар ҳокимлик қилишда давом этарди. Республикамизда ўша кезларда бўлиб ўтган партиявий анжуманларнинг анча-мунчасида «советлаштириш» масаласи ғоят актуал бўлгани ҳам фикримизни исботлайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаган докладыда босиб ўтган тарихий йўлимиизнинг ғоят мураккаб бўлганини, унда зўр оламшумул ғалабаларга эришиш билан бирга қўпол хатоларга, фожевий адашишларга ҳам йўл қўйилганини мукаммал ёритди.

Хуллас, гап хато қилишда эмас, ҳар қандай одам ҳам адашиши, дабдурустан тўғри йўлни тополмаслиги мумкин. Адашган одам муқаррар тарзда ёмон одам бўлавермайди, балки хатоларини тузатмайдиган, ўжарлик билан адашишда давом этадиган, боши берк кўчадан чиқишни истамайдиган одам ёмон бўлади. Чўлпон ўзбек зиёлиларининг II қурултойидан кейин хатоларидан кечиб, тузалиш йўлига қадам қўяди, у «бир неча йил қантарғач, яна созини қўлига олиб» халқ ҳаётини қуйлашга киришади. Бунинг оқибатида унинг «Соз» тўплами майдонга келадики, унга кирган шеърларнинг кўпчилиги ҳаётийлиги, ғоявий теранлиги ва бадий мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, ўз вақтида Чўлпон ғоявий камчиликлари учун тўғри танқид қилинган эди. Аммо кейинчалик унинг тузалишига ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш ўрнига, чидам билан қайта тарбиялаш ўрнига уни маъмурий тadbирлар ёрдамида бир ёқли қилишга ҳаракат бошланади. Афсуски, 20-йилларда фақат битта Чўлпонга нисбатан эмас, бошқа кўпгина истеъдодли ёзувчиларга нисбатан ҳам ёрликлар осиб, ёмон отлик қилиш йўли билан ҳақоратомуз муомала қилиш авж олган эди. Бунда дохий Лениннинг адабиётга доимо назокат билан, авайлаб муносабатда бўлиш, истеъдодни қадрлаш зарурлиги ҳақидаги васияти қўпол бузилганини кўрамыз.

30-йилларда авж олган шахсга сиғиниш натижасида эски хатолари учун Чўлпон бир неча марта кескин танқид қилинади, «миллатчи» деган ёрлик, «халқ душмани» деган ҳақорат бир неча марта тавқи лаянатдай унинг бўйнига илинди. Холбуки, бу даврда Чўлпон ўзининг қиссалари ва романи билан, шеърлари ва таржималари билан чинакам совет шоири эканини узил-кесил исбот қилган эди. Уни қоралаш учун куракда турмайдиган айбларни тақадилар. Масалан, энг сўнги марта уни «халқ душмани» Фулом Зафарийнинг уйига боргансан деб айблаган. Шоир эса ёзувчиларнинг 1937 йил 7 апрель куни бўлган умумий йиғилишида жуда жиддий қиёфада туриб, Фулом Зафарийниқига бормаганини, балки қўшнисиникида ўсадиган шотуннинг баригдан келтириб бе-



ришни илтимос қилганини, ундан қанд касаллигини даволашда фойдаланмоқчи бўлганини тушунтиради<sup>1</sup>. Орадан кўп ўтмай, Чўлпон қамоққа олинади ва 1938 йилда қамоқда вафот этади.

Юқорида Чўлпон хийла мураккаб ижод йўлини босиб ўтганини айтдик. Аммо бу айtilганлардан унинг 20-йилларда ёзган ҳамма асари бемустасно зарарли ғоялар билан суғорилган экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Йўқ, Чўлпоннинг бундай асарлари нисбатан оз. Аксинча, унинг кўпгина асарлари чинакам лириканинг намунаси бўлади. Масалан, «Гўзал», «Бинафша», «Исташ» каби шеърлар, бир қатор ғазаллар ҳанузга қадар ўзининг қимматини йўқотмаган. Бу ўринда Чўлпон лирикасини қай бир даражада бўлса-да, батафсилроқ таҳлил қилишнинг имконияти йўқ. Шунинг учун унинг бир-икки хусусияти ҳақида фикр айтиш билан чекланамиз. Чўлпон лирикасининг мавзу доираси анча кенг, лекин шунга қарамай, унда иккита мавзу марказий ўринни эгаллашган. Буларнинг биринчиси ўзбек аёлининг тақдири, унинг ўтмиши ва бугуни, унинг эрки учун, ижтимоий қадр-қиммати учун кураш мавзусидир. Айтиш керакки, 20-йилларда ўзбек шоирларидан ҳеч ким бу мавзуда Чўлпончалик кўп ва хўп ёзган эмас. У юксак бадиий формада тўғридан-тўғри китобхон қалбини забт этадиган оҳангларда ўзбек аёлларининг ўтмишидаги ночор аҳволини куйлайди («Мен ва бошқалар», «Чиммат кўшиғи» ва ҳақозалар). Унинг муҳаббат ҳақидаги шеърлари ҳам теран инсоний мавзу билан суғорилган бўлиб, ўзбек аёлининг маънавий юксаклигини тараннум этади.

Чўлпон шеърларида кенг ўрин тутадиган яна бир марказий мавзу инсон ва табиат масъаласидир. Шоир кўп шеърларида инсонни табиат фарзанди тарзида, табиатни инсон бешиги тарзида куйлайди. Шоир, айниқса, инсон ва табиат ўртасидаги гармонияни очишга катта эътибор беради. Табиат шоирга кўпгина ҳаёт муаммолари ҳақида фалсафий фикрлар юритишга ундайдиган кудрат сифатида кўринади. Унинг шеърларида табиатга нисбатан ажиб бир муҳаббат, ғоят нафис бир ардоқни ҳис этиш мумкин. Бу ардоқ кўпинча сира қутилмаган оригинал поэтик образларни вуждга келтиради.

### Ун саккизга кирган қишлоқ қизларининг юзидек Қип-қизарган юзларингдан бир ўпич бер, шофтолу.

Чўлпон шеърларидаги табиат манзаралари конкрет миллий рангларга эга. Улар шу қадар тиниқ ва жонлики, гўё кўз ўнгингизда ҳаёт парчасини гавдалантириб қўяётгандек туюлади. Мана, баҳор манзараси:

Тут тагида қайнаб ётган чойдишчи,  
Чақиради ишлаб ётган деҳқонни.  
Бир чеккага ташлаб қўйиб кетмонни  
Ул ҳам шерик деҳқонига дер: «Кулча  
Бўлмаса ҳам зогорани олиб кел.  
Нари-бери чойни ичиб ташлайлик.  
Иннайкейин жуяк ола бошлайлик.  
Чойдишга ҳам бир сиқим чой солиб кел.»

«Баҳорда» шеърдан олинган парчадаги фавқулодда соддалик, табиийлик ва самимият ҳам китобхон эътиборини тортмай қўймайди.

Чўлпон ўзбек шеър техникасини янгиллаган шоир эди. Унинг поэзияси батамом реалистик поэтик образлар асосига қурилган. У шеър ритмикасини шу қадар мукамал эгаллаганки, моҳир чавандоз остидаги асов отни истаган кўйига солаолгандек Чўлпон ҳам шеърни истаган оҳангга сайратади. Чўлпон шеърлари фақат ритмикаси билангина эмас, нафис мусиқийлиги билан ҳам, қофияларнинг янгилиги ва баркамоллиги билан ҳам кишини мафтун этади. Унинг кўп шеърлари бир ўқишдаёқ хотирада ўрнашиб қолишининг боиси ҳам шунда. Хуллас, Чўлпон бармоқ системасининг имкониятлари чексиз эканини биринчи марта амалда исбот қилган шоирдир. Шунинг учун ҳам 20-йилларда кўпгина ёш шоирлар Чўлпондан шеър техникасини ўрганганлар. Фикримизнинг далили учун бир мисол келтирамыз. 1938 йилда Ўзбекистон Ёзувчилари союзида бўлиб ўтган йиғинлардан бирида Уйғун Чўлпон билан ижодий алоқаси ҳақидаги саволга шундай жавоб берган: «Менинг ҳозир ижодий яқинлигим йўқ. Аммо дастлабки вақтларда Чўлпон жуда кўп кишига таъсир қилган. Шу жумладан, Ҳамид Олимжонга ҳам, менга ҳам таъсир қилган эди».

Кўриниб турибдики, муайян зиддиятларга қарамай, ғоявий нуқсонларга қарамай, Чўлпон шеърини адабий ҳаётимизда анча чуқур из қолдирган. Ҳали янги ўзбек шеърини энди шаклланиб келаётган бир даврда Чўлпон поэзияси маънавий ҳаётимизда катта роль ўйнади.

Энди уч-тўрт оғиз гап Чўлпон прозаси ҳақида. Журнализмнинг мазкур сониде унинг «Кеча ва кундуз» романи эълон қилинапти. Бу роман 1934 йилда ёзиб-туғатилган эди. Афтидан, Чўлпон 30-йилларнинг бошида роман устида иш бошлаган бўлса керак. Ҳар ҳолда, бу асар ҳам Ўзбекистон республикасининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган конкурсда қатнашиб, рағбатлантирувчи мукофот олишга сазовор бўлган эди. Биринчи марта романнинг дастлабки боби «Ҳамал кирди — амал кирди» деган сарлавҳа билан «Совет адабиёти» журналининг 1935 йилдаги 1-сониде эълон қилинган эди. Орадан бир йил ўтгач, роман алоҳида китоб сифатида эълон қилинди. 1937 йилдан кейин эса роман манъ этилди. Мана, орадан ярим аср ўтгандан кейин китобхон роман билан янгидан учрашди. Албатта, 30-йилларнинг кўпгина бидъатларидан холи бўлган бугунги китобхон «Кеча ва кундуз» романи қайси сифатлари учун манъ этилганини билолмай анча ҳайрон бўлади. Ахир, унда бизнинг қарашларимизга зид ғоялар бўлмаса, миллатчилик тарғиб қилинма-

<sup>1</sup> УзССР Марказий Давлат архиви, фонд 2356, Опись 1. Дело 29, лист 2.

<sup>2</sup> УзССР Марказий Давлат архиви, фонд 2356, Опись 1. Дело 31, лист 66.

са, халққа қарши гаплар айтилмас... Нега энди бу китоб қора рўйхатларга тиркалган? Нега ёмон отлик қилинган? Нега уни ўқиган ҳар бир кимса таъқибга учраши муқаррар бўлган? Бу шахсга сиғиниш даврининг мўдҳи оқибатларидан бири эди. У пайтларда қозоннинг кулоғини қайдан чиқариш қозончининг ихтиёрида эди. «Нега бундай қиялпсан?» деб сўраш расм эмасди.

«Кеча ва кундуз» романига буюк совет ёзувчиси М. Горькийнинг сўзлари эпиграф қилиб олинган. Бу менга Чўлпоннинг ижодий биографиясидаги бир фактни эслатди — 30-йилларнинг бошида, яъни романи ёзиш жараёнида Чўлпон Горькийнинг «Она» романини таржима қилган эди — «Она» 30-йилларнинг бошларида ўзбек тилида ёзилган чикқанди. Афтидан таржима даврида Чўлпон М. Горькийнинг ижодий лабораториясига анча чуқур кириб борган ва устоз тажрибасидан унумли фойдаланган. Унинг Горькийдан ўргангани сюжет линияларининг ўхшашлигида ёхуд бир-бирига яқин образларнинг мавжудлигида эмас, асарнинг кўламида, бадийий ниятнинг салмоғида, воқеликнинг моҳиятига чуқур кириб борилганида кўринади.

Эпиграф сифатида келтирилган Горькийнинг сўзлари Чўлпоннинг асосий ниятини очиб беради — у ўзига замондош ёш китобхонлар ўтмишининг ҳақиқий қиёфасини кўриб, социалистик воқеликнинг қадрига кўпроқ етишини истарди — роман шу мақсадга хизмат қилди. Айтиш керакки, романда адиб ўз олдига қўйган мақсадга тўла эришган — унда мустамлака Туркистонининг зулмига, жаҳолатга, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўла ҳаёти яхши очиб берилган. Романда бу дунёнинг вақиллари сифатида мингбоши Акбарали, унинг яқини Мирёқуб, чор амалдори Ноиб тўра ва бошқалар берилган. Адиб буларнинг ҳар қайсисига муносиб бўёқлар топади ва уларнинг характериини чуқур очиб беради.

Мингбоши Акбарали саводсиз, ўта маданиятсиз, тўнкадай кўпол бир одам сифатида тасвирланган. У берадиганини бериб, едирадиганини едириб мингбоши бўлиб олган-у, лекин мингбоши сифатида фуқаронинг ҳолидан мутлақо хабар олмайди. Тўғриси, мингбошилиқ қилиш унинг кўлидан келмайди ҳам. У мингбоши бўлиб ҳали ўзча мустақил бирор чигални ечган эмас. Лекин еб-ичишга, маишатга муккасидан кетган. Унинг учта хотини бор, аммо ўғли йўқлиги учун Зебига уйланади. Ёшгина Зебининг латофати аввалига уни маст қилади ва назарида Зебига нисбатан муомаласида илиқлик пайдо бўлгандек туюлади. Лекин кўп ўтмай, барибир Акбарнинг «итлиги» устуң келади, у Зебидай бокира бир қизга ароқ сунади.

Ёзувчи Акбарали образини қуюқ қора бўёқларда чизса, мустамлака сиёсатини амалга оширувчи амалдор Ноиб тўра образини бошқачароқ яратади. Бу одам ўзини маданиятли ҳисоблайди, маҳаллий халқнинг маданий ёдгорликларига қизиқади, қимматбаҳо кўлёмалар тўплайди, лекин қаттиққўлликча қолади, унинг Мирёқуб орқали Акбарга берган маслаҳатларида чоризм сиёсатининг характери яққол очилади. Ноиб тўра зоҳиран илиқ чизиларга эга бўлса-да, улар унинг характеридаги чиркин томонни яшира олмайди. Афтидан, у хотинининг бузуқлигидан ҳам хабардор. Аммо аҳволни тузатишга ёхуд бу муҳитдан чиқиб кетишга ожиз. Шунинг учун ўзи ҳам ичкиликбозлик ва бузуқлик йўлига киради.

Буларнинг бари ёзувчиға чоризм устидан қатъий ҳукм чиқариш учун асос берган. У бу ҳукмни Мирёқуб тили билан айтади. Ноиб тўранинг оиласидаги бузуқликни кўрган Мирёқуб «империя дегани шу бўлса, роса чириб кетган экан-ку» деган хулосага келадики, бу романининг асосий ғоявий хулосаларидан бири сифатида туюлади.

Романдаги мураккаб образлардан бири Мирёқуб образидир. У, умуман, эксплуататор гуруҳлар вақили эмас, балки ХХ аср бошида кела бошлаган янги типдаги буржуача ишбилармон корчалон одамлар тоифасига мансубдир. У ишнинг кўзини яхши билади. Ҳар қандай чигал масалаларнинг тағига тез етади. Шунинг учун «эпақа» деган лақабга эга. У ўзи ўқимаган, рус тилини яхши билмайдиган, эски расм-русумлардан, урф-одатлардан бутунлай холи бўлмаса-да, иш борасида қаердан пул чиқариш йўлини яхши билади. Унда америкалик корчалонларга хос хусусият бор.

Мирёқуб ҳам айш-ишратдан, маишатдан қочмайдиган одам. У, айниқса, хотин-қизлар масаласида суяги йўқ — валинъмати Акбарнинг хотини билан ҳам, Ноиб тўранинг хотини билан ҳам, шаҳардаги фоҳишалар билан ҳам дон олишаверади. Айни чоқда, унда ишқ-муҳаббат деган нарса ҳам буткул йўқолиб кетган эмас — романининг анчагина қисми Мирёқуб билан фоҳиша Мария ўртасидаги ишқий можаролар тасвирига бағишланган. Чўлпон Мирёқубнинг ички монологи орқали, унинг ичидаги оқловлар ва қаровиларнинг ўзаро баҳси орқали Мирёқубдаги Марияға нисбатан пайдо бўлган туйғуни далиллашга уринган, лекин, барибир, романининг ўша саҳифалари заифроқ чиққан. Бу саҳифалар 20-йиллар Европада ва рус адабиётида анча тарқатган модаларға эргаштиш натижасида туғилган бўлиши мумкин.

Мирёқубнинг характери, қарашлари, яшаш принциплари анча шаклланиб қолган бўлса-да, у ташқи таъсирлар оқибатида тез ўзгариши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан Мирёқубнинг поездда ўзини жаҳид деб атаган савдогар билан учрашишдан кейинги ўзгариши характерли. Икки кунлик суҳбатдан кейин Мирёқуб бутунлай жаҳидлар томонига ўтади ва ҳар қандай эски қолипларға қарши курашга тайёр бўлиб қолади. Бу ўринда ҳам бироз сунъийликка йўл қўйилгандай кўринади. Ҳарҳолда Мирёқуб образида ҳали узил-кесил қиёмига етмаган ўринлар бор.

«Кеча ва кундуз» романида шу тарзда революция арафасидаги Туркистон воқелигининг реалистик манзараси чизиб берилган. Мустамлака ҳаётининг бутун даҳшати, кишини димиктирувчи, эркин бўғувчи аксилсоний муҳити аёллар тақдир орқали янада ёрқин очилган. Шуниси қизиқки, Чўлпон зулм ва жаҳолат дунёсини кўрсатсада, ҳаётда нурли кучлар борлигини ҳам асло унутмайди. Эҳтимолки, «Кеча ва кундуз»ни чинакам санъат асари даражасига кўтарган омил ҳам унда жуда ёрқин, жуда жозибадор, китобхон меҳрини тўла қозониб оладиган ижобий қаҳрамон образининг марказга қўйилганидир.

Бу образ — оддий қишлоқ қизи Зебихон образидир. Адиб Зебихонни жуда яхши кўради ва бирон ўринда бу муҳаббатини яширмайди. Операға ўхшаш йирик музика асарларида ҳарқайси қаҳрамоннинг ўз муסיқавий мавзуи бўлади. Назаримда, ёзувчи Зеби образини яратганда худди шу приёмдан фойдаланганға ўхшайди, чунки романда, айниқса, унинг бош қисмида Зеби образи пайдо бўлиши биланоқ, тасвир оҳанги ўзгаради, қандайдир кумуш кўнғироқчаларнинг жи-

ринглаши, ариқлардаги тиниқ сувларнинг шилдираши, майин шабадаларнинг эпкини, анвойи гулларнинг муаттар ҳидлари сезилади. Тасвирда самимият, лиризм кучаяди. Бу бежиз эмас. Романда Зеби табиий гўзалликнинг тимсоли сифатида кўрсатилган. Унинг табиатида эркинликка мойиллик бор. У яшашни севади, уни кўриш билан кишининг баҳри-дили очилади, унда алланечук умид учқуни пайдо бўлади. Акбаралилар дунёсининг, мустамлака дунёсининг энг дахшатли томони шундаки, ана шу маъсума қизни, ҳар қандай ғубордан холи бўлган бокира табиат эгасини, мукамал бир покизаликни оёқости қилишади, ўн гулидан бир гули очилмай, мажақлашади. Зебидаги самимият ва табиийликни тасвирлашда суд эпизодида ёзувчи жуда юксакка кўтарилган. Уша саҳнада ҳазрат Толстой асарларида учрайдиган бир руҳ сезилади: судьялар шўринг курғур Зебини қотилликда айблаб, уни сургун қилиш ҳақидаги ҳукми ўқияпти-ю, Зеби эса қандай қилиб бу шаҳри азим кўчаларидан адашмай уйини топиб бориш ғамида...


Романи ўқиган китобхон бир нарсани сезмаслиги мумкин эмас — унда Мирёқуб образи ҳам, Зеби ҳам мантиқан тугалланмай қолган. Мирёқуб-Мария билан Қримга ўйнагани жўнайди-ю, ўша ёқда қолиб кетади. Унинг Акбаралига ёзган битта мактуби демаса, биз Мирёқубнинг кейинги тақдирдан беҳабар қоламиз. Зеби ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Тахмин қилиш мумкинки, Чўлпон романининг иккинчи қисмида бу икки образ тақдирини давом эттирган бўлса керак. (Кези келганда, шуни айтиш керакки, Чўлпон романининг иккинчи қисмини ёзиб тугатган деган фикрлар бор. Лекин ҳозирча унинг қўлёзмаси топилган эмас. Мабодо, муҳтарам журналхонлар шу қўлёзмадан хабардор бўлсалар, журнал редакциясига маълум қилсалар, ғоятда миннатдор бўлур эдик).

Асар поэтикаси, услуб ва усуллари ҳали жиддий анализ қилинади. Насримизнинг навқирон авлодлари, худди Абдулла Қодирий мактабидан таълим олганлари каби, Чўлпон романидан ҳам тил ва маҳорат бобида сабоқ оладилар. Йўқлик қаридан тортиб олинган бу асар гарчи кечикиб бўлса-да асосий вазифасини бажаради — прозамизнинг келажак ривожига тўртки бўлади.

«Кеча ва кундуз» романи ҳақида кўп гапириш мумкин — юқорида айтилганлар романининг таҳлили эмас, дастлабки мулоҳазалар, холос. Уларни яқунлаб айтсак, шундай хулоса чиқариш мумкин: ҳали ўзбек романлари эндигина шаклланаётган даврда майдонга келган «Кеча ва кундуз» — ҳаётийлиги, миллий рангларга бойлиги, табиийлиги ва самимийлиги билан, маъмунининг теранлиги билан реализм тантанасига катта ҳисса қўшди. Бу асар вақт синовиға ҳам тўла дош берди — у бугунги китобхонга ҳам ўтмишдаги ҳаёт ҳақида теран тасаввур бериш билан чекланмай, унинг юксак эстетик талабларини ҳам қаноатлантиради.

Жонажон партиямиз ҳозирги кунда жамиятимизни қайта қуриш соҳасида жуда катта ишларни амалга ошироқда. Ошкоралик сиёсатининг натижаси ўлароқ биз бугун маданиятимизнинг унутилиб кетган саҳифаларини қайта тикламоқдамиз. Чўлпон ижодининг халққа қайтарилиши ҳам ижтимоий адолатни тиклаш бобидаги жуда катта ишдир. Чўлпон ижодида вақт синовиға дош беролмаган асарлар ҳам бор — улар бугун адабиётшунослар учун муайян тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Шу билан бирга ҳали қимматини йўқотмаган, бугун ҳам ҳаётий мазмунининг теранлиги ва бадий баркамоллиги билан жилваланиб турган асарлар ҳам кўп. Бу асарларнинг иккинчи тўғилиши китобхонлар учун яхши тўхфа бўлади.

**О. ШАРАФИДДИНОВ**



Чўлпон

## КЕЧА ВА КУНДУЗ

РОМАН<sup>1</sup>

Биринчи китоб

Кеча

«Маърифат (билим) чиқиштириб кўриш билан ҳосил бўлади, бизнинг ёшлар эса ўз кўрганларини ҳеч нима билан қақиштиролмайдилар; улар кечмишни билмайдилар ва шу учун ҳозирги замоннинг нима-лигини етарли даражада очиқ англаёлмайдилар».

Максим ГОРЬКИЙ

Ҳамал келди — амал келди...  
Халқ мақоли

1

Ҳар йил келадиган баҳор севинчи яна кўнгулларни қитиқлай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди...

Толларнинг кўм-кўк сочпоуклари, қизларнинг майда ўрулган кокилларидай, селкиллаб тушмоққа бошлади. Муз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг ғамли юзлари кулди; ўзлари ҳорғин-ҳорғин оқсалар-да, бўшалган қул сингари, эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар. Симёғочларнинг учларида якка-якка қушлар кўрина бошлади. Биринчи кўринган кўклам қуши, биринчи ёрилган бодроқ нашъасини беради. Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди... Мулойим қўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлашни мунча яхши кўрар экан бу кўкат! Эркакларнинг гуллик дўпписига тегмай, яланг аёллар билан, уларнинг сочлари, гажаклари ва рўмол попуклари билан ҳазиллашиб ўйнаган салқин шабада... кўклам нашъаси билан шўхлик қилади.

Ҳаёт нега бу қадар гўзал ва ширин бўлади баҳорда?

<sup>1</sup> Журнал варианты

\* \* \*

Зеби (Зебиниса)нинг қиш ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илк ҳовури билан очила тушган; энди устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам, аллақайларга, тала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган эди. Қиш ичи ҳам кети узилмаган совчилар, бир-икки ҳафтадан бери келишдан тўхтаганлар; энди ташқари эшикнинг «ғийт» этиши — бир-икки аёлнинг астагина босиб, паранжисини судраб кириб келишига далолат қилмас, ҳали эндигина ўн бешга қадам кўйган бу ёш қизнинг гўдак кўнглини унча чўчитмас эди.

Кўк териш баҳонаси билан бир-икки марта кенг ҳовлиларга, шаҳар ичида бўлса ҳамки, тала-тузларга чиқиб келганидан бери кўнгли қирларни, талаларни, ишқилиб олис-олис жойларни яна кўпроқ тусай бошлаган эди.

Отаси бомдоддан кирмаган, онаси сигир соғиш билан овора, ўзи кичкина саҳни супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг бесаранжом очилиши Зебининг кўнглини бир қур сескантириб олди. Бир қўлида супургиси, бир қўли тиззасида — ерга эгилган кўйи эшик томонга тикилиб қолди. Отасининг одатдаги томоқ қириш ва йўталишлар билан, катта эшикнинг оғир занжирини шарақдаги қилиб тушириб, номозга чиқиб кетганига ҳали кўп ўтмаган эди. Ҳалол-ҳаромни кўп ҳам фарқ қилмайтургон бу одамнинг оврадда ўтириш одатлари, ҳатто ҳаммадан кейин қолиб мачит шамларини пуфлаб чиқиш расмлари бўларди.

Айтганидек, эшикдан шошилиб кириб келган — ёшгина, ўзи тенглик бир қизча бўлди. Ҳали тузук-қуруқ одам қаторига кириб етмаган бу қизчани катта хотинларнинг орият паранжисига буркаганлар, паранжининг узун этаклари катта-бир тугундак унинг қўлтиғини тўлғазади...

Урганган қиз, ичкари эшикдан ҳатлар-ҳатламас паранжисини ирғитди ва ўзининг болалик руҳи билан югурганича бориб Зебини қучоқлади. Иккаласи қувона-қувона кўришдилар. Супурги етган жойидан нарига ўтмасдан ерга ён-бошлади... Иккала ёш — юзлари кулган, кўнгуллари ёзилган — қўлтиқлашиб айвонга бордилар ва Зебининг отаси туриб кетган сўрининг чекасига ўтиришдилар.

Салти (Салтанат), эрта саҳарда мунақа ҳаллослаб келишининг сабабини ҳали айтгани йўқ эди; улар кўришган ҳамон, ёш қизларнинг ўз ораларида ўта-турган маҳрам гапларини гаплашиб, тикаётган кашталари, пилтага кирган тўппилари тўғрисида бир-бирларига калта-калта маълумот беришган эдилар. Салти энди гап очди:

— Эрта саҳарлаб чопганим бекорга эмас...

— Мен ҳам сезганман... Юрагим бир қур сесканиб ҳам олди...

— Нимага, ўртоқжон?

— Ўзингиз билган совчи балоси-да... Қиш ичи кети узулмади.

— Менам безганман, жоним қақа... Шу учун бир қишлоққа чиқиб келсаммикан деб эдим.

— Нимасини айтасиз... Ариқдаги сув ҳам музнинг тагидан чиқди-ку...

Зебининг юзини, шу топда, бутун қиш ичи тўпланиб қолган ҳорғинликнинг асарлари эгаллаган эди. Унинг иккала юзи, айниқса кўрпанинг катта-катта қавуғига тикилган андишалик кўзлари, ҳовур босган ойнакнинг бетига ўхшарди. Аксинча, Салтининг юзлари, чарақлаган юлдуздай, сернашъа, қувноқ ва ҳар қандай андишадан йироқ бўлиб, кўнглининг чуқур бурчакларидан чиқиб келган севинч тўлқинларини акс этдирарди. Шу учун, у Зебининг сўнг сўзларидаги оғир маъюсликни пайқай олмади. Унинг кўзлари Зебида бўлса ҳам, назарлари бошқа ёқларда эди.

— Энахонни биласиз-а? Ейилма сойдаги ўртоғим бор-ку?

Зеби бошини кўтариб ўртоғига қаради; шу қараш, унинг, нечикдир, Энахонни эслай олмай турганини кўрсатарди. Сўнгра Салти таъриф қилди:

— Ўтган куз бизникига меҳмон бўлиб келишди-ку келинбисини билан бирга? Ушанда неча марта киши юбориб чақиртирдим, бормадингиз, отангиз жавоб бермади...

Зеби бош тебратди:

— Ҳа, ҳа... билдим, билдим. Ўзини кўрганим йўқ-ку, эшитиб биладим.

— Ана ўша қиз ўша сафар келганида мени айтиб кетиб эди. Баҳорлашиб

бир бориб келаман деб юриб эдим. Яқинда яна айтиб юборибди. Шунга тенг-тўшларим билан бир бориб келмоқчиман, сизни ҳам олиб бораман...

— Қачон?

Зебининг бу калта саволидан Салти кўп нарсани англади. Бу савол, Зебининг, иложи бўлса бу кун, паранжисини қўлига олиб (ёпиниб ҳам ўтирмасдан) шу ердан узоқлашмоқ учун талпинганини кўрсатарди. Шу учун Салти:

— Мен сизни олиб кетгали келдим, айланай! — деди.

Ва икки ёш бола ниҳоятсиз қувончлар ичида яна бир-бирларига чирмашдилар...

\* \* \*

Одатда онанинг кўнгли юмшоқ бўлади. Зебининг онаси — Қурвонбиби Салтидан ҳалиги чақириқни эшитгандан кейин дарҳол розилик берди:

— Майли, ўйнаб, ёзилиб келинглар. Қиш ичи юракларинг ғаш бўлгандир... Ёш нарсалар, — деди.

Зеби, онасининг бературган жавобини илгаридан биларди. Бу она қизининг саодатидан бошқа нарсани билмайтурган оналардан эди. Дунёда қандай яхшилик ва хайриятлик бўлса, ҳаммасини шу биргина қизи учун истар ва орзу қиларди. Лекин...

Онанинг розилиги сўзларига шу биргина «лекин» элчиб келганидан, бечора қизлар севиниш тўлқунларини яна бир қур кўтаришга фурсат тополмадилар.

Ҳамма жим қолди. Ҳар ким ўз олдида бир нарса топиб, шунга кўз тиккан ва у нарсада: Зеби — ўз отасини, Қурвонбиби — ўз эрини, Салти — қовоғидан доим қор ёғиб турган совуқ бир сўфини кўрарди.

Бу булутли ҳавони очмоқ фақат онанинг вазифаси эди:

— Отаси бомдоддан кирсин, — деди у Салтига қараб, — мен ўзим ётиғи билан айтиб кўрай, йўқ демас, — сўнгра Зебига юзланди: — Сен, қизим, уйга жой қил, ўртоғингни ўтқиз, дастархон сол. Биз, отанг билан, чойни сўрида ичиб, ҳалиги гапни гаплашамиз.

Иккала қиз ҳам оғиз очмай жим қолишди. Чунки Раззоқ сўфининг мизажини уларнинг иккаласи ҳам яхши биларди. Сўфига энг маъқул бир масалани бўлса ҳам уқтириб розилигини олмоқ учун ё ўзининг пири ёки катта бир давлатга эга бўлиш керак эди. У одам, ўз тенгларидан ҳеч бирининг ҳеч қачон ҳеч бир гапини тинглаган эмасди. Аёллардан маслаҳат, айниқса ўз хотинидан бир таклиф эшитмоқ учун Раззоқ сўфининг қайта бошдан бунёдга келиши керак бўларди...

Шу учун, Зеби, кўзлари андиша билан кенгайиб очилгани ҳолда, индамасдан жойларни йиға бошлади.

У, ўриқларни йиғиштириб, нонушта жойларини тайёрлаб бўлгандан сўнг, ўчоқ бошида чойнакларга чой ташларкан:

— Отамдан дарак йўқ-ку? — деб сўради онасидан.

Қурвонбиби бир — кўча эшигига, бир — ёнбошдаги дарахтлар орасидан кўтарилиб келаётган қуёшга, бир — ўчоқ бошидаги қизига қарагандан кейин: — Билмадим, оврад чўзилиброқ кетдимикин? Сен чойни, жиндак қўйиб туриб, чала қолдирган ерларингни супуратур, келиб қолар, — деди.

Зеби, шу топда яна қайтиб қўлига супурги олишни истамаса-да, ўртоғининг «бу қиз энасининг гапига кирмас экан» деган ўйга боришини ўйлаб, индамасдан супургини қўлига олди ва бир қўлини бир тиззасига қўйиб саҳн бетини супура бошлади. Зебининг чой дамлаб келишини кутиб уйда — дастархон бошида ўтирган Салти, иккала қаноти очиқ турган эшик орқали бу ҳолни кўрганидан кейин, ўрнидан туриб, ўртоғининг ёнига чиқди. Зеби уни узр айтиб қарши олди:

— Ўртоқжон, — деди, — отам оврадда ўтириб қолди шекилли, шунақа одати бор. Эндиёқ кириб келса керак. Хафа бўлманг-а?

Бу сўнги калта жумланинг айтилишидаги самимият, бир-бири билан яқин ўртоқ тутишган ёш қизлардагина бўлди. «Хафа бўлманг-а?» деб турган вақтида Зебининг юзини кўриш керак эди! Бир қўлида супурги, бир қўли тиззасида, супурги ҳам ердан узиб олинган эмас, фақат бош юқори кўтарилгану — бутун вужуд Салтининг ихтиёрида! Кўнгул, орзу, севги, севинч... булар ҳаммаси Салтига томон учади, унга томон отилади; уни ўраб, уни айлантириб, уни қува-

ди! Зебининг юзларидаги — ойдай тиниқ ва қуёшдай ёруғ бу ҳолат, моддий ҳақиқатлар қадар очиқ кўринарди.

Ўртоғининг бу самимиятини Салти ҳам кўз билан кўрибгина эмас, кўнгил билан сезиб англаган эди. Шу учун Зебининг у сўзига жавоб ҳам бериб ўтирмасдан бирданига унинг қўлидаги супургига ёпишди. Ўз кўнглида, супургини олиб бироз супуришиб берса, ҳалиги самимиятга яраша жавоб берган бўларди. Зеби супургини қўлдан олдирди, лекин ўртоғи супура бошлагандан сўнг:

— Вой, бу нимаси! Қўйинг, ўзим супураман! — деб, яна супургига ёпишди. Салти бермади, бу — олмоқ истади, Салти қочди, бу — қувлади, шундай қилиб саҳни супуриш ўрнига бу икки ўртоқ, бутун ҳовлини бошларига кўтариб, шовқинлар ва қийқиришлар билан дунёни бузиб — бир-бирларини қувлаша кетдилар...

Ўз уйининг қабристонлар қадар жимжит, хонақоҳлар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тунд ва хўмрайган бўлишини истаган Раззоқ сўфи, худди шу ола-тўпаланг тунда кириб келди!

Эшикдан кирар-кирмас овозининг борича:

— Бу нима қиёмат!!! — деб шовқин солиши иккала ёш қизни, чақмоқ теккан дарахтдай, турган жойларида қотириб қўйди. Йўқса, сўфи эрининг диндор хотини бўлган Қурвонбиби ҳам «бас энди!» деб озмунча қичқирмаган эди... Агар бу совуқ сўфи кириб келган бўлмаса, икки ёш қизнинг қиш бўйи тўпланган кўнгил ғашликлари бироз шўхлик билан анча ёзилган бўларди. Зотан, уларнинг ўзларини унутар даражада бир-бирлари билан бу хилда ўйнашувлари ўша ғам-ғашлар уржинасининг бўшалиши, сиқинтилар оқимининг тўғонни бузиб олдинга томон йўл солиши эмасмиди? Бундай телбаларча кўпуриб товушларни тўхтатмоқ учун ҳам, албатта, телбаларча ҳайқиришлар, чақмоқ қадар қувватли зарблар лозим бўларди.

\* \* \*

Раззоқ сўфида ундай қувват ортиғи билан бор. Бу одам, жаддиднамо бир ҳамшахарининг деганидек, «кўргазмада қўюлатурган антиқа махлуқлардан эди». Айтишларича, уни она қорнидан сиҳат-саломат тушуртирган ва биринчи дафъа йўргаклаган кампир, ҳазилкашлиги ва хўшлиги билан хотин-халаж ўртасида донг чиқарган Ҳамро энаймиш. Болани йўргаклаганидан кейин унинг — ҳали у қадар одам кепатасига кирмаган юзларига тикилган ва мана бу сўзлар билан эркалатганмиш:

— Айланай меҳмон, кимдан хафа бўлиб тушдингиз? Ким озор берди сизга? Айтинг! Қовоғингизни очсангиз-чи! Ёруғ дунёга келдингиз! Шукур қилинг! Севининг! Мундоқ бир кулунг! Кулумсиранг! Илжайинг!

Ўшанда кулмаган Раззоқ сўфи ундан кейин ҳам кулмай ўтди. Кулуш билан йиғлаш орасида катта фарқ бор. Кулуш билан кулмасдан теккина, жиддият сақлаб туриш орасида ҳам анчагина масала бор. Шу учун Раззоқ сўфининг кулушларини кулуш деб бўлмади.

Кулмасдан чидаб бўлмайтурган мақомларда у ҳам кулади, лекин у кулуш — касал одамнинг кулушидай оғир, бир хил совуқ ҳазиллардай малол келтирувчи, ёлғон хушомадлардай кўнгилга урувчи бўларди. Бир кун Зебининг жуда жиддий бир чеҳра билан:

— Отам кулмаса экан-да! — деганини эшитиб, Қурвонбиби койиб берган эди. Шу ҳақиқатни айтган учун қизидан алайна-ошкор койинган Қурвонбиби, бу ҳақиқатни ўзи-ўз кўнглида неча марта такрорлаган бўлсайкин?.. Тил билан бировнинг айбини айтиш осон, ўз тили билан ўз айбини айтадиганлар жуда кам: Қурвонбиби ҳар қанча сўзга эпчил хотин бўлса ҳам уни бу «кам»лар орасига кўшиб бўлмади.

Қурвонбиби сўзга қанча эпчил бўлса Раззоқ сўфи шу қадар камгап, индамас, даммини ичига солган, зиқна одам эди. Ташқари оламда, яъни ўз ҳовлисидан ташқари унинг доимий ва бирдан-бир вазифаси: ўзидан улуғ ва кучликлар гапирса — «ҳов-ҳовва» демак, ўзидан паст ва кучсизлар гапирса — «йўқ, йўқ» деган маънода бош чайқаш бўларди. Уйида вақтида унинг оғзидан одам болалари ўртасида юратурган тузук, маънилик ва «гап» деса бўладиган бир сўз чиқмас эди. Умуман, сўфининг бу бобда ўзига кўра асосли бир маслағи бор:

у, ўзи махтаниб айтганидай, хотин-халаж олдида оғиз очиб тил қалдиратишни раво кўрмайди. «Бу тил, — дейди сўфи, — доим худонинг зикри билан қалдирайди. Бу оғиз, ҳаммавақт худонинг зикрига очилади. Оғиз билан тил банданинг жисмида энг азиз ва табаррук аъзолар. Уларни хотин кишидай паст махлуқ олдида хор қилинадими? Бўлмаса, ҳақтаолонинг бандалари ит билан ҳам гаплаша берсин! Йўқ, хотин кишига жуда зарур гап айтилади, бу тоифа билан зарурат юзасидангина гаплашилади. Вассалом!»

Ўзбекда ахир, ҳар бир эркак ўз хотинини — ўз ҳалол жуфтини — қизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради. Ўз хотининг исмини айтиб чақириб — ярамайди. Хотинининг исми Марям, қизининг исми Хадича бўлса, мўмин-мусулмон шарм-ҳаё юзасидан бўлсамикан? — хотинини «Хадича» деб чақирса. Аксар, она-бола баравар «лаббай!» дейди, шундай-да, оиланинг ҳақиқий эгаси бўлган ота: «Каттангни айтаман, каттангни!» дейди. Ҳатто, шунда ҳам «Марямни» демайди...

Бизнинг сўфи мўмин-мусулмоннинг бу урфига ҳам амал қилмайди, у ўз ҳалол жуфти Қурвонбибини ҳаммавақт «фитна» деб чақиради: «Фитна, салламни бер!» — «Фитна, қиз ўлгуриг қани?» — «Фитна, пулдан узат!».

Қурвонбиби, сўфига аччиқ қилиб бўлсами ё ўзининг яратилиш хамрида шу нарса борми, ҳарқалай фитналикдан, яъни макр ва фирибдан холи эмас. Эрининг хотин-халаж олдида гапирмаганига унча хафа бўлмаса ҳам, лекин ўз ҳалол хотини олдида гапирмаганига кулади ва шу куйиш орқасида фириб йўли билан сўфини гапиртиради, баъзида тилларини бурро қилдириб сайратади. Бунинг учун сўфининг аччиғини келтирадиган эмас, унинг бир оз ғашини қўзғататурган бир гап айтиб кўяди. Ана шунда хотин-халаж олдида оғиз очиб тил қалдиратишни сўфидан кўринг! Бай-бай-бай!

— Эшонбобом сиздан дилгир эмишлар, — дейди бир кун Қурвонбиби сўфига.

Сўфининг тошдай қаттиқ ва муюмдай ҳаракатсиз юзи, бирданига, турли-туман ўзгаришлар ва ҳаракатларга жовлангоҳ бўлади:

— Нима дединг, фитна? Нега дилгир бўлибдилар?

— Назир қилган кокилини кестиришга келган бир болага хушомад қилибсиз...

Шу бас! Энди, бизнинг сўфи сўзга уста бир хатибга айланади.

— Ишқ икки хил бўлади, фитна. Тушунмай гапирма! Ишқи мажозий, ишқи ҳақиқий...

Қурвонбиби бу сўзларга тушунмаганлигидан, эрини сайратиб кўйиб, ўзи дарров зерикади. Шу учун у:

— Ҳа, шундайми? Мен билмабман. Омиман-да, — деб, тезроқ қочиш ҳаракатига тушади.

Хотини бурилиб кетганидан кейин сўфи ҳам сўздан тўхтади.

Шундай қилиб, сўфи, жойи келганда ва ғашига тегилганда — гўрда ҳам гапирди. Ҳам: гапирганда қандай!

Уйда вақтида, Раззоқ сўфи, ё ариқ бўйидаги кўкатларни юлиб, ё эшик ва дарвозаларнинг бўшашиб қолган занжирларини маҳкамлаб, ёки ҳовлида ўтин қирқиб, ё бўлмаса — йкки қўли орқасида — дам ичкарига кириб, дам ташқарига чиқиб, дам ҳовлига ўтиб, лабларини ари чаққан одамдай оғиз очмасдан, индамасдан юраберади... Ёз фаслида, кўпроқ кундузи ухлайди; кечалари, тонг отгунча, ўзи ёлғиз, баланд овоз билан «Облоҳу!» айтиб ўз оиласини ва қўни-қўшнини ухлатмайди. Эшонбобо бўлмаган кунлари салқин хонақода жуда маза қилиб ухлайди, дейдилар. Баъзида, бошқа муридлар, уни кўрпа-тўшаги билан ҳовузга ташлар эканлар. Уйда бўлса, уни — хонақо сингари — салқин қилдириб ундан кейин чўзилади ва пешиндан кейин уйқуга кетган бўлса шомга бориб зўрға туради: шунда ҳам Қурвонбибининг қичқиришлари билан... Номозгар, аксари, уйқуга қурбон бўлади; шу орқада ўз хотинидан кўп таъналар ҳам эшитди. Аммо бу хусусда тили қисик, индаёлмайди...

Қиш фаслида бўлса, аксари, кечаси ухлайди. «Бир сиқим кун бор, ухлаб ўтказсам, Қашқардан ҳам олис қиш кечасини қандай ўтказаман? Уйқи, умрнинг таноби!» дейди; бу буюк фалсафа, албатта, лойиқ ва муносиб кишиларга айтилади. Бечора оила аъзолари, умуман хотин-халаж, бу уйқи фалсафасини билишдан маҳрум!



Шаҳарда бўлса ўз уйдан бошқа жойда бир кеча ҳам ётмайди. Эшонбобонинг қайси бир тўйида тонг отишга яқин уйига келиб ётган экан... Шаҳардан ташқарига юриши кам. Фақат Эшонбобо билан бирга (фақат ўша киши билан) тўйларга, катта зиёфатлар, қовун ва мева сайилларига боради. Унда, албатта, беш-тўрт кун, уйдаги кўрпа-тўшаги совуйди; Қурвонбининг сўзича «дам олади», Зебининг таърифича «яйрайди». Бир марта қайси бир тўй ҳафтага чўзилиб кетгач олтинчи куни бизнинг сўфи, эшондан сўрамай, қочиб келган! Ушанда, Эшонбобо бир неча вақтгача сўфидан дилгир бўлиб юрганлар.

Шу муносабат билан Қурвонбиби яна бир марта олди:

— Ҳа<sup>1</sup>ст эшон билан бирга бориб, у киши туфайлик шунча иззат-икром кўриб, ноз-неъматга сероб бўлиб... ҳа<sup>2</sup>ст эшондан бурун қочиб келганингиз нимаси? Шаҳарда очилмаган дўконингиз, ё тўхтаб қолган обжувозингиз бор-миди?

Сўфи яна — паст тойифа олдида муборак оғзини очиб азиз тилини қалди-ратмакка мажбур бўлди.

— Бадбахт фитна! Қўясанми, қўймайсанми, ахир? «Ҳуббил ватани мина-лиман» деганлар — «ватанни севиш имондан» ахир! Билмасанг бекорда. Ватани йўқ, дунёда, лўли холос. Мени беватан деб билдимми?

Сўфи бироз қизиб ҳам кетди:

— Бу ҳовли-жой отангдан қолгани учун ўзимники дейсанми, ё? Ундай десанг «бошпуть» олиб, Урусвойнинг релига<sup>2</sup> тушиб, «ҳайт!» деб... Маккатуллага жўнаб қоламан! Ҳовлинг бошингдан қолсин, фитна!

Бу сафар, Қурвонбиби, ялиниб-ёлвориб зўрға тинчиди.

Чинакам сўфида ҳажга бориш нияти кучлик. Ҳар йили жовдийди. Бир-икки марта паспорт ҳам олди. Фақат, нима учундир оёғини ўз шаҳрининг тупроғидан уза олмайди.

Бу тўғрида ҳам — «ватанни севиш имондан» деб — «ватани»дан кечиб кетолмайди? Ҳар қалай бир сир бор.

Унинг маълум бир касби, ҳунари йўқ. На савдо-сотик қилади, на деҳқончиликка уринади, на касб-ҳунармандлик пешасини туттади. Шу билан бирга, дастархони нонсиз, қозони иссиқсиз қолмайди...

Қайси бир йил олис бир қишлоқдан ўгай акаси келиб уч-тўрт кун қўниб кетган эди. У ҳам ўзига ўхшаган мўмин-муслмонгина чол бўлганидан жуда топиштилар. Ҳар кун хонақога бирга борардилар.

— Сўфи, бир касб. пешасини тутмай ўтиб кетаётирсиз, — а? — деди унга акаси, хонақога кета туриб.

— Э-э, — деди сўфи, чўзилиб, ва ўзидан хурсанд бир кулумсираш билан кулумсиради: — менинг давлатим ҳеч кимда йўқ, ака! Эшонбобо худойимнинг севган кули; нозу неъмат тўрт тарафдан сувдай оқиб туради. Дарё бўйида-миз-у, чанқаймизми? Ғалати экансиз!

Шу кулумсираш билан яна бироз боргандан кейин, бу сафар жиддийроқ қилиб, деди:

— Аҳлиёемиз ҳам уччига чиққан чевар, худога шукур! Ожизамиз ҳам тўппи тикишга «фаранг» бўлиб чиқди! Рўзғорнинг кўп-камларини ўзлари битиришади. Мен, баҳузур тасбеҳимни айлантириб ётсам бўла беради!

Сўфининг ўша акаси ўтган йил кузакда яна келди. Аммо бу сафар жиддий бир масалани кўтариб келган эди. Бир-икки кун меҳмон бўлгандан сўнг гап очди:

— Сўфи, ўзингиз «Ватан, ватан» дейсиз-у, ватанингизни билмайсиз.

Сўфи, шу «билмайсиз» деган нарсага тутақиб кетди:

— Нега билмас эканман, ака! Билиб гапирсангиз-чи!

— Жаҳлингиз чиқмасин. Билиб гапирётирман. Ватанингиз ота-онангиз ўтган, ўз киндигингиздан қон тўкилган, ота-она арвойига шам ёқилатурган жойи эмасми?

Сўфи жим қолди. Ҳатто, кўзларига ёш келгандай бўлди.

— Нимага индамайсиз? — деб сўради акаси.

— Ҳақ гапга нима дейман? Қизиқсиз...

<sup>1</sup> Ҳа<sup>1</sup>ст — «ҳазратим» сўзининг айтилиши.

<sup>2</sup> «Релс» сўзидан олинган. Поезд демоқдир.

— Бўлмаса, ватанингиз ўша ўзимизнинг қишлоқ.

— Ҳа, ўша қишлоқ...

Иккови ҳам бир нафас жим қолишди. Сўфи мисвагини қинидан чиқариб, яна секингина солиб қўйди. Чол, тиззасига тушган хазон баргини — сопидан ушлаб — пилдиратаркан, деди:

— Мен сизни ўша қишлоққа олиб кетай деб келдим. Сиз, ахир, мен билан бир шапалоқ ерни талашиб, шу тўғрида нари-бери бўлишиб, шу туфайлик шаҳарга келиб қолган эдингиз...

Сўфи, хўрсинганидан овози қалтираб деди:

— Эски гапларни қўзиб нима қиласиз? Бўлар иш бўлиб ўтди... Ери ҳам қурсин, мероси ҳам...

— Йўқ, сўфи, ундай деманг!

Аканинг бу сўзи кескин овоз билан, қўмонда сингари айтилган эди, Сўфи, бошини кўтариб, акасининг юзига тикилиб қолди, акаси давом этди:

— Ердан азият ҳеч нарса йўқ! Отамиз раҳматлик, болаларимиз, ундан наридагилар — ҳаммаси — бир шапалоқ ердан ризқини чиқариб келган... Ростми?

Сўфи эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Рост... — деди.

— Сиз нега ердан қочасиз?

Сўфи, бу тўғри саволга бошқа жавоб эплаёлмади:

— Ер қани менга? — деди. — Бир шапалоқ еримиз бор, ўзингизга етмайди...

Акаси дадил жавоб берди; жавобга бошларкан, унинг юзлари кулган, тишсиз — кемтик оғзи севинч билан очилган эди.

— Сойнинг нариги юзидаги дўнгни секин-секин олиб ташлаб ер қилдим. Яна бир шапалоқ сувлик ер бўлди. Энди, одамдану дасмаядан қийналаётирман...

— Нима қилай? — деди сўфи, овози жуда паст эди. — Қўлимдан нима келади?

Акаси бу сафар жиддийлашди:

— Шаҳарни ташланг!

Сўфи, акасининг сўзини бўлиб, алланима демоқчи бўлган эди, у қўймади.

— Сиз, шошманг! Гапни эшитинг!

Сўфи жим бўлди. Сўнгра акаси давом этди:

— Шаҳарни ташланг! Бу ҳовлини сотинг! Шаҳарда ҳовлини айни яхши пулга олади. Қишлоқдан кичкина бир ҳовли оласиз — бунинг ярим пулига учдан бирига. Қолганига асбоб оламиз. Уз еримизнинг ёни-беридан бир парча яна ер топамиз... Уни ҳам оламиз. Ҳали бардамсиз, биргалашиб ишлаймиз. Дурустми?

Сўфи индамасди, оқ тўпписини бошидан олиб буклаб ўйнард...

— Қани, бир нарса денг!

Сўфи, ҳеч нарса демай ўрнидан турди. Яна дамини чиқармасдан, ичкарига томон бир-икки қадам босди. Кейин яна орқасига қайрилиб деди:

— Мен салла-тўнимни кийиб чиқай. Жумани хонақода ўқиймиз. Кеч қолдик...

Акаси, хонақога кетаётиб, яна шу гапни қўзғатди:

— Хўп денг. Қишлоққа кетайлик! Улим — ҳақ! Улар вақтда бир-биримиздан йироқ тушиб, бир-биримизга ташна бўлиб ўлмайлик...

Сўфи, бир улоқчи тойни кўрсатди:

— Жонивор-э, заб от бўлибдими? Бай-бай-бай!

Жимлик чўкди. Кейин яна гап бошланди:

— Нима дедингиз? Гапиринг? Кампир ҳам жон деб турибди...

— Ана у, Умарали шиғовилнинг ҳаммоми... Юз етмиш йил бўлган эмиш...

Ҳали ҳам бир ғишти кўчати кўчгани йўқ... Ичига кирсанг жаранглайди...

Акаси ўз гапини едиrolмагач — Қурвонбиби билан маслаҳат қилиб туриб — масалани Эшонбобога арз қилди.

Эшон, аввал:

— Сўфи ўзи қани? — деб сўради.

Сўфининг акаси:

— Уйда қолди... Сал тиши оғрибди... — деди.

Эшон кулди:

— Тиши оғрибдими? — деди. — Бай-бай! Тиш оғриғи ёмон нарса. Боринг, айтинг: каппоннинг бурчидаги сартарашга борсин, омбир солиб дарров олиб ташлайди. Тинчийди қолади. Боринг, омин оллоҳуакбар!

Шу билан, сўфининг акаси, ноумид бўлиб қишлоғига кетди. У, отига отла-ниб «хайр-маъзур» қилганда сўфи ичкарида «Ҳикмат» ўқиб ётарди. Локисини юзига тўсиб дарвоза олдиғача, Қурвонбиби чиқди. Узун енги билан кўз ёшлари-ни артиб қишлоқа меҳмонни узатди. Қурвонбининг ёнгинасида туриб, тиниқ овоз билан — «хайр энди! Адолатхон опамлар келишсин. Тўхфачани албатта олиб келинг» — дея сайраган Зеби, меҳмон кўздан йўқ бўлгач, онасидан сў-ради:

— Нега отам узатгани чиқмади?

Қурвонбиби калтагина жавоб берди.

— Отангнинг феъли курсин, болам! — деди ва ичкарига бурилди.

Қурвонбининг бундан бошқа ташвишлари ҳам етиб ортарди. Мана бу — қишлоқи меҳмоннинг келиши яна ортиқча бир ташвишни кўзиб кетди. Чинакам бечора Қурвонбиби, кийим-кечак, айниқса ёлғиз қизнинг сепи хусусида кўп ташвиш тортарди. Шундай ташвишлар устида у, чидолмай кетиб баъзи-баъзида сўфига хархаша ҳам қилиб кўради. Ундай хархашаларга сўфининг сира тоби йўқ. «Худо етказади!» деб, овози борича бақариш билан жавоб қилади.

Қурвонбиби ҳам одам эмасми — чидолмайди.

Бир кун у сўзланиб берди:

— Худо етказида, албатта! Шунда ҳам бандаси ҳаракат қилса, қимирласа етказида-да! Худо «сабаб»ни ҳал қилган эмасми, ахир? Эшонойим бир кун Эшон сўфидан ўқиб бериб «касб-кор»нинг фарзлигини айтдилар-ку!

Бу куюкишларга Раззоқ сўфи жавоб ҳам бермади. Индамасдан тескари бурилиб олди. Қурвонбиби сўздан тўхтамай, балки овозини яна ҳам кўтара туш-ган эди; сўфи, ўзининг одатдаги калта сўзларидан биттасини аранг оғзидан чиқарди, лекин чиқарганга яраша биракайи қилиб — жаҳл билан, бақариб чиқарди:

— Бўлди, дейман, итвачча!

\* \* \*

Отаси кириб келганидан кейин Зебининг кўнглида ўйнаган изтироб ва ҳаяжонлар Раззоқ сўфининг «нима бу қиёмат!» деган қиёматидан кўрқинчроқ эди. Совуқ бир сўфининг наздида бу қадар ваҳималик бўлиб кўринган оддий ва табиий бир болалик ўйини, қафас даричасининг очилишини кутган вақтида даричага каттакон бир қулф урилаётганини кўрган бир қушнинг изтиробидан кам бўлармиди?

Иккала қизнинг, айниқса, Зебининг кўнглидаги изтироб, зотан сўфи кир-гандан сўнг авж олиши керак эди. Чунки, қизлар шўхлик ва ўйинга берилиб кетиб ҳамма нарсани эсдан чиқарган эмасмидилар? Қоронғи қиш кунларидан қолган доғлар, тўрт довол орасида яшашдан келган сиқинтилар, оталардан ўтган зулмлар, совчилардан етган ташвишлар барҳам емаганмиди? Ёшликнинг қувватли тўлқинлари уларнинг барчасини, бир баҳор ёмғири каби, ювиб кет-маганмиди? Шундай ўртоқнинг шундай ширин муомалалари олдида шундай тескари, шундай ўжар ва қайсар отанинг борлиги ҳам унутилган эмасмиди? Уй-дан «бир зумда бориб келаман» деб чиққан Салти ҳам, берган ваъдасини, ўйни ва ота-онасини унутиб — қўлида маймоқ ва тулаган бир супурги билан! — қолиб кетмаганмиди?

Ғафлатда қолганларнинг бошига тушадиган таёқ ёмон зил кетади дейди-лар. Бу иккала қиз, ўйин ва шўхлик ҳаваси билан, ғафлатда эдилар. Сўфининг оғир зарби билан ўзларига келгач, олдиларида зўр бир тоғ турганини кўриб ихтиёрсиз чўчиб кетдилар. Бу тоғдан ўтиш керак эди, ҳолбуки бу тоғ — мунақа ёш болалар ўталадиган тоғлардан эмасди. Иккаласи ҳам изтиробнинг бу оғир юкини бир-бирларининг кўзларига ўқидилар...

Сўфининг бақаришидан сўнг бироз шошиб тургач, улар югурганча уйга кирдилар ва ўзларини эшикли деразанинг панасига олиб, Раззоқ сўфининг ҳа-

ракатларини кузата бошладилар. Кўзлари сўфида бўлса, қулоқлари Қурвон-бибининг оғзида эди. Унинг гапирадиган гаплари уларнинг кўнгилларида тугулган оғир ва чигил тугунчакни — ечиб юборажак ёки — яна баттароқ чигаллаштириб икки ёш нарсани — яна неча эй! — бир-биридан ажратиб ташлаяжакди.

Сўфи, булар уйга кириб олгунча эшик олдида бўзариб-гезариб турди. Булар уйга кирганларидан кейин салласини Қурвонбибига узатиб, устидаги малла яхтагини олишдан туриб картга ирғитди ва ўзининг оддий овози билан:

— Қанжиқлар! — деб бақирди.

— Ёш нарсалар, ўйнашса нима бўлибди? Мунча энди заптига олдингиз? — деди Қурвонбиби.

— Гапирма, эшак!

Қурвонбиби жим бўлди. Сўфи карт томонга қараб юрди. Карт устига дастархон ёзилиб, бир мистовоқ нон билан пиёлада қиём қўйилган эди. Сўфи картга киқиб ўтиргандан кейин Қурвонбиби ўчоқдан чойни олиб келди.

Сўфининг бу авзойини кўргандан кейин икки қизнинг барқадар умиди ҳам узилиб бўлди. Зеби бу умидсизликни яширолмади.

— Ўйнашмай ўлайлик, энди отам ҳеч қаерга чиқармайди...

Салти ҳам ўз ташвишини англатди:

— Нима қиламиз энди? Сиз бормасангиз, мен ҳам бормаيمان... Энахон тоза койийди-да.

— Тек ўтирган бўлсак кўнгли юмшармидикан? — деди Зеби.

Салти индамади. Бироздан сўнг яна ўзи илова қилди:

— Кўнгли ўлсин, юмшаган вақтини кўрганим йўқ! Катта-катта харсанг тошларни сой бўйига девлар ташлашган дейди... Энг каттасини отамнинг кўрагига ташлаб қўйиб «мана шу сенинг кўнглинг!» деганмикан, яшшамагурлар!

Бу гап Салтига таъсир қилди шекилли, «пих-х!» эта кулиб юборди.

Зебининг мунга чинакам аччиғи келган эди, қўлини узатиб ўртоғининг оғзини тўсди.

— Вой, анави! Яна бешбаттар қиласиз ишни! — деди.

Салти зўр билан ўзини босиб олди. Иккаласи яна кўзларини милтиллашиб — чол билан кампирга тикилдилар.

Боядан бери эрига қараб жим ўтирган кампирнинг энди астагина кулумсираши буларга жон киргизди. «Кўрдингизми?» деганни қилиб иккаласи бири-бирига қараб олишди.

Чинакам, Қурвонбиби, сўфига ёқадиган бир сўз топгандай, дадиллик ва бемалоллик билан, кулиб туриб гап бошлади:

— Мен Зебини бир жойга жўнатиб ётирман...

Сўфи бу сафар бақирмаса ҳамки, дағал бир овоз билан сўради:

— Қаерга? Нега?

— Ойдин кўлдаги Халфа эшонимизнинг кичик қизлари бир-иккита ўртоғини «бозорлашиб кетинглар» деб чақиртирган эканлар. Шуларнинг биттаси Зеби, яна биттаси унинг ўртоғи Салтанатхон экан. Салтанатхон аравани қўштириб қўйиб ўзи Зебини айтгани келибди. Йўқ десак қандай бўлади?

Хотини нима деса «йўқ» дейдиган сўфи, бу сафар бирданига «йўқ» демасдан, хаёлга кетди. Қизлар, Қурвонбибининг бу тадбиридан хурсанд бўлиб яна умидлана бошлаган эдилар.

— Қурвонхолам болади! — деди Салти.

— Энам гапга уста. Эшондан тушганини кўринг. Эшон десангиз отам ўлганини ҳам билмайди... Худо мунга эшонлар учун яратган.

Салти, Зебининг бу гапларини эшитгандан кейин, сўфининг хўп деб жавоб беришига ишониб кетди. Бир қўлини ўртоғининг бўйнига ташлаб уни қучоқлар экан:

— Бўлди, ўртоқ энди! Жўнаймиз! — деди.

— Санамасдан саккиз демай туринг, ҳали! Отам осонлик билан маъқул гапга кўнадиган одам эмас... Жим туриб қолишини кўринг: ҳали ҳам чурқ этмайди.

Сукут узоққа чўзилгандан кейин Қурвонбиби энди бу сафар жиддий бир чехра билан:

— Нимага индамайсиз? Хўп денг! Катта одам, уят бўлади. Бир яхши хотинлари, бир отинча қизлари борки... Ўзларини бўлса ўзингиз биласиз, — деди.

Сўфи, негадир:

— Биламан, фитна, биламан — деб қўйиб яна жим бўлди.

Энди Қурвонбиби яна ҳам жиддийлашди:

— Бўлмаса «йўқ» денг, Салтанатхонга жавоб берай, кетсин! Азонда келиб

эди.

Шундан кейин сўфининг тили айланди:

— Шошма, фитна! «Йўқ» дема, майли, борақолсин... Қачон келади?

— Индинга эрта билан ё кечкурун.

— Эшонойимнинг раъйларига қарасин...

Сўфи ўрнидан турди. Картдан тушиб ковшини кияркан:

— Овозим бор деб ашулага зўр бермасин, — деди. — Номаҳрамга овозини эшитдирса рози эмасман!

Бу сафар одамга ўхшаш гапириб Қурвонбибини қувонтирган Раззоқ сўфи, шу сўзлардан сўнг яна ўз жимлигига қайтди. Бироз сўнгра, салласини кийиб яхтагини қўлига олгандан сўнг:

— Хуржинни бер, фитна! Бўлмаса иккита қоп бер! — деб қолди.

Қурвонбиби қопни узатаркан, эрининг қўлига шу топда бироз пул тушганини, энди каттароқ харид қилиш учун бозорга кетаётганини ва ҳалиги зўр илтифотнинг ҳам пулнинг кучи билан бўлганини англади.

Сўфи томоқ қириб эшикдан чиқаркан, уйдаги икки шўх қиз яна бир-бирига чирмашган эди.

\* \* \*

Қафаснинг даричаси очилди!

Энди, қушларга, қанотларини ростлаб туриб, «пир!» эта учмоқдан, кенг кўкларга, фазоларга парвоз қилмоқдан бошқа нарса қолмади. Паранжини ёпиниб ўтирмасдан, шундоқ бош устига ташлаб, чимматини «хўжа кўрсин»га тутган бўлиб югуриш керак, холос...

Фақат, унда даричанинг очилганига ким севинади? Шодликни ким қилади? Эркинликнинг лаззатини ким татийди? Шу қадар қайсар бир одамни бу қадар усталик билан йўлга солган онанинг ҳурматини ким ўрнига келтиради? Уни ким кучоқлаб, ким ўпади?

Иккала қизнинг уйдан югуриб чиқиб баббаравар Қурвонбибининг бўйнига осилишлари, ана ўша неъматнинг шукрони эди. Қизлар, ўзларининг беҳад севинчларини юзага чиқармоқ билан бирга онага бўлган миннатдорликларини ҳам тегишинча изҳор қилмоққа ошиқардилар. Улар, кампирга шу қадар осилиб, эркалик қилиб, у билан шу қадар қаттиқ ўйнашдиларки, кампир ҳолдан кетиб картга думаланди!.. Булар, қийқириқ солишиб, тобига келган чойдишдак шарақлашиб... кампир билан ўйнашаркан, у, чарчаб энтикканидан зўрға-зўрға нафас олиб:

— Бас, қизи қурғурлар... бас дейман... бўлди энди... Йўлингдан қоласан!.. — дея сўзланарди.

Кампир ёлворган сари булар авж олишар, бири қўйиб, бири:

— Шунақа эканми? Вой товва-эй! Халфа эшоннинг қизи чақиртирган эканми? Вой товва-эй!.. — деб унинг энг қитиғи келадиган жойларига чанг солишарди.

Ниҳоят ўзлари ҳам ўлгудек чарчаб кампирдан қўл тортдилар ва, «Уҳ!» деб иккаласи икки томонга ўтирдилар.

Булар тарақ-туруқ билан эшик очиб, шошилиб кўчага чиққан вақтларида пахта заводнинг ингичка товушли чинқириғи соат ўн икки бўлганини билдириб қичқирарди.

II

Салтиларникида кечгача сафарга тайёрланиб — бир озгина патир билан сомса ёпиб — кўча эшигининг чап биқинидаги катта кундадан аравага ҳатлаган вақтларида, кун ботиб борарди. Арава шаҳар ичидан чиқиб тала йўлига кирганда, кечанинг қора пардаси ер бетини ўраган эди. Қор остидан чиққан ерлар, баҳорнинг салқин ҳавоси ва ёқимли шабадаси остида, мудра-

шиб ётардилар. Ой ҳали чиқмаган; фақат, кечанинг қоронғисига ўчашган саноқсиз юлдузлар, тепада туриб машъалларини ёндирганлар; худди пешана олдида кўринган энг ёруғ юлдуз, пиёз тўғраб ётган келинчакнинг кўзларидай, пилпиллаб ёнарди.

Қизлар жим эдилар. Аравакаш зерикди шекилли, астагина ашула бошлади. Унинг ашуласи жим хиргойидан нарига ўтмагандан кейин Салти кўтарилди:

— Улмасжон, бормисиз? Дурустроқ айтсангиз-чи!

Салтининг яна бир ўртоғи — Қумри сўзини қувватлади:

— Ҳа рост, шундай яхши овозингиз бор экан, шўх-шўх айтмайсизми?

Кенг далада қанча чўзсангиз шунча кетади варанглаб...

Йигитча кулди. У, қоронғида секингина орқасига қайрилган эди. Орқа сафдаги қизлар чимматини кўтариб ўтирганларида уларнинг юзларини салпал кўрса бўларди. Кулумсираб туриб қизларга бироз қарагач:

— Орқангизда данғи кетган ашулачингиз бор туриб менга осилганларинг қизиқ! — деди. — Биз, «сув бўлмаса таяммум»га ярайдиган ашулачилардан...

Қизлар ҳаммаси Зебига қарашдилар. Ҳар томондан ҳар хил овозлар чиқди:

— Ҳа рост!

— Чинакам, индамай ўтирганимизни қаранглар-а!

— Ашулачи орамизда-ку.

Зеби, «чурқ» этмасдан ўтирарди. Унинг бундай қилиши ҳам, шу хил таклифдан кўрққанидан эди. Албатта, ёш нарсанинг кўнглида ўйнаш, кулуш ва хушвақтлик қилиш майллари бошқа ҳар нарсадан кўра кучлик келади. Лекин Зеби шундай бир отанинг қизиким, унинг кўлида ҳар қандай кучли майлларини ҳам юганлаб тутмоққа, кўнгилнинг ҳар бир ҳавас ва тилагини кўринган жойида бўғиб ташламоққа тўғри келади. Ҳам: Зеби шундай қилишга ўрганиб қолган. Шу учун ҳам йигитнинг оғзидан ўз исмини эшитгач, бадани дукиллаб кетди. Сўнгра қизлар томонидан айтилган сўзлар уни изтиробга туширди. Нима дейишини билмас эди. Уйлаброқ жавоб бермоқ учун кўнгилнинг талавасага тушмаслиги даркор. Ҳолбуки, кўнгил ташвишда ва шу сабабли талвасада.

Аравакаш у ёқдан туриб:

— Ҳа, баракалла, бор экансизлар-ку! Уртага олинглар ашулачини! — дегандан кейингина Зебининг тиллари қалдиради:

— Гаплашиб кетайлик, шундай қоронғида!..

— Жин урармиди? — деди биттаси.

— Яхши эмас, шундай зим-зиё қоронғида... Гаплашиб кетайлик...

Ширин-ширин гаплардан...

Аравакаш унинг сўзини илиб олди:

— Ширин-ширин гап ўрнига ширин-ширин ашуладан бўлсин, опа. Таърифингизни эшитиб жигарларимиз лахта-лахта қон бўлиб кетган...

Салти тегишди:

— Вой това-э! Лахта-лахта қон бўлганми? Жавир бўлган экан...

Аравакаш ҳам бўш келмади:

— Қон бўлган юракларни бир нафасда ёзиш — сизларнинг кўлингизда, опалар! Биз ҳам дунёга келиб бир яйрайлик-да.

Яна индамасдан ўтирган Зебига, энди бу сафар, Салти ялинди:

— Уртоқжон, бир нарсa десангиз-чи. Ҳамма баравар ташна экан.

Зеби, ўртоғидан астойдил койиб берди:

— Сиздан келган гап шуми, ҳали? Отанинг айтганларини ўз кўлоғингиз билан эшитиб эдингиз-ку! Эшитиб-нетиб қолса нима бўлади? Билиб туриб...

Салти, ўртоғини тўхтатди:

— Биламан, ўртоқжон, биламан! Отангизнинг гапларини бир эмас, икки кўлоғим билан эшитдим. Одамлар ичида, кўпчилик орасида қистасам менадан хафа бўлинг. Бу ер тала жой бўлса, одам асари бўлмаса, кечаси-қоронғи бўлса, бир-иққи жуфт айтиб бермайсизми?

— Номаҳрамга эшитдириб-а?

Зеби, бу сўзни чин кўнгилдан чиқариб ва жеркиб туриб айтган бўлса ҳам

қизлар ҳаммаси бирдан кулишиб юбордилар. Яна ҳар-хил овозлар кўтарилди:

— Шу ҳам номаҳрам бўлибдими?

— Шу Улмасжон-а?

— Номаҳрам ўла қолсин...

Зеби чинакам ранжиган эди. Йиғламсирашга яқин бир овоз билан Салтига:

— Мунақа қилишингизни билсам келмас эдим...— деди.

Қизлар, ишнинг бу томонга айланганига ҳайрон бўлишиб жим қолдилар.

Аравакаш:

— Эй товба! Эт-тавба!-деб, ўз-ўзига сўзланиб, отни қаттиқ-қаттиқ бешолти қамчилади. От, қадамларини илдамлатиб аравани гулдур-гулдур ғилдирата бошлади. Ҳамма жим бўлди. Фақат, Салти билан Зеби иккови бир-бирлари билан пичирлашиб сўзлашардилар. Бу пичирлаш натижасида, Салти, ўртоғини тинчлантишга мувафақ бўлган; бунинг устига яна, қизлар ёр-ёр бошлаганда унинг қўшилажаги тўғрисида сўз олган эди. Бир марта бошлангандан кейин ундан нариса ўзи кета беради, деб ўйларди Салти.

Дарров қизларга томон бурилди:

— Қани, қизлар, ўзимиз ёр-ёр бошлаймиз!

— Ҳа, балли! — деди аравакаш.

Қизлардан жавоб кутиб ўтирмасданоқ Салти ўзи бошлаб юборди:

«Узун-узун арғамчи ё...»

Қизлар қўшилишди:

«... Ҳалинчакка

Чакан куйнак ярашар

Келинчакка чакан куйнак енгига

Тут қоқайлик...»

Бир-икки байт ўтгандан кейин Зебининг тиниқ, ғуборсиз, жонон пиёладай жаранглаб чиқадиган чиройлик ва ўткир овози қўшилди. Бу овоз, пешона устида пилпиллаган энг ёруғ юлдуз сингари, бошқа овозлардан очиқ ажралиб турарди. Шу чоққача ёр-ёрга қулоқ бериб, индамасдан, аста-аста отини қамчилаб кетаётган аравакаш, бу овоз чиқиши билан оғир бир «ух» тортди; кўлидаги қамчиси, дарахтдаги кузги япроқ сингари, зўрға-зўрға бармоқларига осилиб қолди...

Салтининг диди тўғри чиққан эди: энди, Зеби ёр-ёрни ўзи ёлғиз айтарди. Аравакаш билан бирга, қолган қизлар ҳаммаси бир қулоққа айланган эдилар. От, бу гўзал овознинг ширин куйлари остида бошини куйи солиб, бўйинини аста-аста ликиллашиб, битта-битта қадам босарди... Ёр-ёрлар битиб бошқа ҳар хил куйларга ўтилади; энди Зебини тўхтатмоқ мумкин эмасди. Зотан, унинг тўхташини ким истар эди, дейсиз? Талаларнинг кенг қучоқларидан учишиб келган майин шабадалар қиз оғзидан чиққан унларни ўз қанотларига миндириб аллақерларга, олисларга олиб кетардилар. Ҳў... йироқларда пилпиллаб кўринган қишлоқ чироғлари ҳам тепадаги юлдузлар сингари, шабада қанотлари билан келган чиройлик унларнинг завқи билан маст бўлиб ёнардилар...

Зеби, юрагида тугилиб ётган зўр тугунни ечиб юборган эди. Раззоқ сўфининг совуқ юзлари унинг кўзларидан йироқлашганлар; насихат йўли билан мингларча марта айтилган ва таъкидланган сўзлар унутилган; совуқ сўфиларнинг «ҳарам» деган даъволари синиб парча-парча бўлган, «номаҳрамлик» сафсаталари от оёқлари остида янчилган; тўрт деворнинг бу тутқун қизи ўзига ўхшаган тутқунликлардан бошқа ҳеч бир гувоҳ ва тилчи бўлмаган шу кенг таланинг қулоч етмас бағрида йиллардан бери тугулиб келган оламларини куйга айлантириб кетсиз бўшлиқларга ёйиб юборган эди.

Арава якка қанотли кичкинагина бир эшик олдида тўхтаб, аравакаш бола қамчи сопи билан эшикни қоққанда ва ичкаридан бир кампирнинг ингичка ва жонсиз овози «ким у?» деб сўраганда одамлар бир уйқини урган эдилар...

\* \* \*

Кампирчанинг сўроғига аравакаш ҳазиллашиб жавоб берди:

— Шаҳардан бир арава меҳмон олиб келдим, эна! Уйингиз куйди тоза! Икки кунда бор-йўғингиздан ажралиб қоқланасиз энди! Қани, бўлинг эшикни очинг! Қорним ўлгудек оч...

Қизлар кулдилар. Кампир қизларнинг кулушини эшитганидан кейин меҳмонларнинг кимлигини англади:

— Ҳа-а-а, Салтанатхонлардир? — деди у.

Шу сўз билан бирга кичкинагина занжирнинг шириқлаб тушгани ва эшикнинг ёғирлаб очилгани эшитилди. Кампирча, эшикни очар-очмас, севинчиламоқ учун ичкарига югурган эди.

Аравакаш:

— Қани, тушинглар энди, опалар! — деб, музаффарона бир овоз билан қичқирди. Фақат, унинг бу чақириғи фойдасиз эди. Чунки, занжирнинг заиф шириқлаши қулоқларга кирар-кирмас қизлар ўзларини аравадан таппа-таппа ташлай бошлаган эдилар. Ёруғидан кўра тутуни ва буруқсаши кўп фонарчани ушлаган кампир билан бирга Зебилар тенглик бир қиз «вой ўлайин, ухлаб қолибман! Вой ўлайин, кўзим уйқуга кетибди!» деб, ҳў... аллақарлардан узр айтиб чиқиб келди. Бу ёқдан:

— Вой, айланай Энахон! Жоним ўртоғим! Бормисиз? — деб паранжисини қўлига олиб Салти югурди. Қучоқлашиб кўриша кетдилар. Бошқа қизлар билан наридан бери — қўл учини текизиб-кўришгач, Энахон, яна Салтига ёпишди ва иккаласи қўлтиқлашиб ичкарига томон юрдилар. Иккала ўртоқнинг шарақ-шарақ гаплашган, бир-бирларига севинч билдиришган қувноқ ва баланд овозлари бошқа ҳамма унларни босиб кетди...

Фақат, кўчада-арава устида бошқа ҳангомалар бўлаётган эдиким, булардан ҳалиги икки бахтлининг ҳеч бир хабари йўғиди:

Салтининг онаси билан катта онаси, уни ўзи тенглик ёш қизлар билан бирга олис жойга юбораркан, эҳтиёт томонини ҳам унутмаган эдилар. Унинг ойиси ўз қайнонасига:

— Ёш қизларнинг ўзларини юбориб бўладими, қалай? Битта-яримтамыз биргалашмасак бўлмас?—деб, ўзининг эслик хотин эканини билдирган вақтида, қайнонаси жуда кескинлик билан жавоб берган эди:

— Албатта, айланай! Ўзлари ёлғиз боришадиган бўлса жавоб йўқ!..

Топур олдида куйиб-пишиб, шабнам доналарида йирик-йирик терларга ботиб, Зеби билан бирга патир ёпаётган Салтига бу маслаҳат жуда ёмон қаттиқ теккан ва у ҳам дарҳол ўз овозини эшитдирган эди:

— Бизни бўри ермиди? Ёш нарсаларга қаридарни аралаштириб нима бор? Сиқилиб ўлмайдими одам?..

Катта она, неварасининг бу эркалигига фақат эркалик дебгина қараган, шу учун:

— Айланай болам, патирингни ёп! Кечга қолаётирсиз. Бу, сиз аралашадиган иш эмас! — деб қўйиб, яна ўзининг «эслик» келини билан маслаҳатини давом этдирган эди.

Маслаҳат натижасида қайнона билан келин уйда қоладиган бўлиб икки-уч ойдан бери буларникида яшайдиган қариндошлардан Саврибиби деган кампир қизларга кўз-қулоқ қилиб берилган эди.

Бу қари кампирнинг қўшилганига қизлар хафа бўлмаган, балки, аксинча, севинган эдилар. Бу кампир, аравага оёқ қўяр-қўймас қизларнинг ўртасига жойланиб олиб, Зебининг тиззасига бош қўйгани ҳолда, уйқуга кетган ва шу бўйича қишлоққа келиб етилганда ҳам кўзини очмаган эди...

Қизлар ўзларини таппа-таппа аравадан ташлаб эшикдан ичкарига кираркан, Зеби секингина кампирини уйғотди.

— Энажон, туринг, келиб қолдик!

Энажондан жавоб бўлмади. Зеби ўша паст овоз билан яна бир қур уйғотди; энажон ҳали ҳам жим эди. Араванинг олди томонидан келиб аравакаш ҳам ёрдамлашди:

— Ҳў... хола, туринг; келиб қолдик!

Эркак кишининг кучлик овози билан кампир кўзини очди, лекин, уйқусираб туриб:

— Ҳозир, айланай... ҳўп, тураман...— дегандан кейин, яна уйқуга кетди.

Зеби камоли ҳайрон бўлганидан аравакашнинг номаҳрамлигини ҳам унутиб, ҳалиги тангриқош назари билан унга қаради. Бу вақтда ой анчагина юқори кўтарилиб қолган эди. Аравакаш юмшоққина кулумсиради. Ёш йигитнинг бу ёш ва ширин табассумини ой ёруғида алайна кўра олган ёш қиз, бутун



баданларидан мулойимгина дуркираш кечганини пайқади ва қизариб, тескари қайрилди... У қараш аравакаш йигитчага ҳам бошқача таъсир қилган бўлса керак, кампирни туртиб уйғотмоқ учун қўлини юқори узатди. Шунда: кампирнинг бошидаги қўл, бошқа бир қўлнинг ўзига келиб текканини, боягидан кучлироқ бир дуркираш билан сезди. Эрақ зоти билан биринчи марта бу хилда учрашган ёш қиз шу пайтда бироз гангираган эди. Шу учун қўлини дарров тортиб олмасдан, ўзига келганидан кейин бирданига жеркиб тортди. Фақат ёш йигитнинг кучлик қўллари уни маҳкам ушлаб кампирнинг бошидан пастроқ туширди ва иккала ёш шу бўйича, турган жойларида туриб қолдилар...

Ичкарида ўтирган бахтли меҳмон ўзидек бахтли измон билан бирга ҳў... анча вақт ўтгандан сўнг, йўқолган икки меҳмонни излаб кўчага чиққан вақтида, кўчадаги икки ёш вужуд, қўллари билан бир-бирларидан ҳануз ажратиб ололмаган эдилар. Кампир эса, икки ёшнинг бу талвасали учрашувларига қуруқ гавдаси билан гувоҳ бўлиб ҳали ҳам ширин уйқуда данг қотиб ётарди...

Қизларнинг бу «итдек» пойлоқчисини кўплашиб уйғотдилар, кўплашиб аравадан туширдилар. У, Салти билан Энахоннинг қўлтуғига кириб, кўзи уйқида, довдирай-довдирай, ичкарига йўл солди. Зеби ҳам, бошқа ўртоқларидай, аравадан ўзини «тапп!» этиб ташламоқчи бўлди, фақат қамчили йигит келиб яна қўлини узатди ва шу учун, шунча баланд аравадан ўзини ташлаган энг сўнги меҳмоннинг оёқ товуши ҳеч кимнинг қулоғига қоқилмади...

Меҳмонлар, ош-сув тараддулларига йўл қўймасдан, сут-қатиқ билан қуруқ чой ичиб дарҳол ўтирган жойларига узалдилар ва аравада уриниб келганлари учун узанар-узанмас уйқига кетдилар.

Аравакаш ичкаридан чиққан иккита нон билан бир пиёла қатиғини ичиб олди-да, отни ташқарига боғлаб, ўзи арава устига чўзилди. Уйқиси қочган эди... Миясида, умрида биринчи мартаба ўлароқ, ажиб ва ширин хаёллар айланарди. Кўкдаги ойга қараб ердаги ойни ўйлар ва боягидай ширин-ширин кўлумсирарди...

Ичкаридагилар ҳам донг қотдилар. Фақат, ораларида, худди кўчадаги ёш йигитча сингари, уйқуси очилган, кўкрагидаги янги, бегона ва ширин ҳисларни англайолмасдан ҳайрон бўлган биров бор эди. У ҳам кўкдаги ойга қараб ердаги «той»ни ўйлар ва юзлари анордай қизарарди...

Шу топда, қишлоқнинг дарбадор итлари авжга келган, ҳар томондан ҳурушларини юқсалтирганлар; тор кўчанинг тугалишидаги сой, ҳамма ухлаб жим бўлганда, ҳайбатли овозини борича қўйиб юбориб, оч йўлбарсдай, гув-гув бўкирарди...

### III

Энахон, йўқсул бир оиланинг қизи эди. Отаси, мунинг ёшлигида ўлиб кетган, онаси иккови биргина аканинг боқимига қараб қолган эдилар. Акаси Холмат, эсини таниганидан бери, меҳнат пешида чопарди. Ҳали энг ўйинқароқ бола вақтларида ҳам бутун қишлоқнинг подасини боқиб оиланинг эҳтиёжларига бирор нарса қўшиб турарди. Унинг подачи бўлган вақтларини, ҳали ҳам, қишлоқ одамлари ҳавас билан эслашади. Кўча-кўйда унга йўлиққанлар:

— Подамизни етим қилиб қўйдинг-да! — деб, бошларини афсус билан чайқаб ўтишади. Тез-тез бўлиб турадиган бу хил гаплар унинг юзини қулдириб кўнглини кўтаради; тинмасдан ишлаш учун билагига дарсон ва қувват беради. Унинг ўз бисотида бир шапалоққина шолিপояси бор, у ҳам марҳум қайнотасидан теккан; бор кучини шунга сарф қилади, ҳаммадан бурун иш бошлаб ҳаммадан кеч тугатади ва ҳаммадан кўп уринади. Шу билангина олти жондан бириккан катта бир оилани наридан-бери тебратиб келади. Онаси қариб, мункайиб қолган; бир қизи билан бир ўғли ҳали ёш гўдак; рўзгорнинг бутун иши хотини билан сингисининг бўйнида. У иккови, тала ишларида унга ёрдам беришдан ҳам бош тортмайдилар; уларнинг таладан ҳам фойдалари кўп тегади. Холмат ўзи шунча тиришиб ишлаб катта рўзгорни ёлғиз бошига тебратгани учун хотини ҳам, сингисини ҳам уни бошларига кўтарадилар. Ҳар тўғрида унинг талабларига хурсандлик билан кўниб, ҳеч бир ишда кўнглини қолдирмасликка тиришадилар. Меҳнатдан бошқа ҳеч нарса билмаган бу йўқсул йигитнинг қандай зўр талаблари бўлар эди дейсиз? Бутун ҳаваслар, талаблар ва уйлар —

ҳар нечик бўлса ҳам шу оилани тебратиб ўтиш теграсида айланади... Албатта, келин ҳам, қиз ҳам — ёш нарсалар; ёшларнинг нозлари, инжиқликлари бўлмайти эмас... Уларнинг инжиқликларини бутунлай ҳақсиз дейиш тўғри бўлмас керак. Чунки улар ҳам — одам, улар ҳам — ёшлар; бошқа ўз тенглари каби уларнинг ҳам орзу — ҳаваслари бор, кўнгуллари кўп нарсани тусайди... Зиндондаги бандини ҳеч бир хаёл қурмайди деб ким айтади? Гадоӣ подшо бўлмоқ истаса ёмонми? Баъзан шу хил кучли талаблар ё келинда, ё қизда кўрилиб салгина юзага чиқа бошласа, кўпни кўрган зийрак кампир дарров пайқайди ва олдини олади. Холматга сал оғир келадиган бир иш бўлса, унга етказмасдан, ўзи бир иш қилиб битиради; жойи келганда мулоӣм гапириб, жойи келганда пўписа қилиб, қизи ёки келинининг кўнглида кўтарилган ҳавас оловларига сув сепеди, у оловларни авж олмасдан туриб сундиради. Уларнинг талаблари, жуда ўринли бўлса ўзи иложини қилиб қондиради. Уларнинг кўнглини олади, Холматни ортиқча ташвишлардан қутқазади.

Шаҳардан Салтиларнинг бир арава бўлиб келишлари ҳам Энахоннинг шу хил ҳавасларидан бири эди. Салтанатлар оиласи билан Энахонлар оиласи орасида ота-бободан қолиб келган бир дўстлик, қадрдонлик ҳукм суларди. Бу икки оила кишилари йилда бир-икки марта бир-бирлари билан кўришиб турардилар. Утган куз, хирмонлар олингандан кейин, Энахон билан келин Салтанатларникида бир ҳафтача туриб келган эдилар. Шунда Энахон ўз ўртоғини бир-иккита тенгдошлари билан бирга баҳорда қишлоққа чақириб кетган, баҳор келиб табиат жонлангач, шаҳарга тушган бир одамдан яна айтдириб юборган эди. Кампир, қизининг бу талабини, албатта ўринли топарди. Энахоннинг ёнида, бола-чақаси билан бирга, бир неча кун яйраб келган келин ҳам қизнинг фикрига жону-дилидан кўшилгач, кампирга ҳеч бир гап қайтариш ўрни қолмаган эди.

— Гапларинг жуда маъқул! — деди у, шу тўғрида маслаҳат бошланганда.— Бунинг иложини ўзимиз қилишимиз керак. Холмат бечорага ҳеч бир оғир тушмасин. Иложи бўлса унга билдирмайлик. Меҳмонлар келганда билар.

Энахон келинига қаради. Келин, Энахоннинг бу қарашидан: «Қани, гапиринг! Нима дейсиз?»— деганини англаган бўлса-да, қайнона олдида биринчи марта гап очишни эп кўрмасдан, жим қолди. Шундан кейин Энахон бир нарса демакка мажбур эди.

— Майли, сиз ўзингиз биласиз, ойи. Чақириб кераклигига йўқ демадингиз. Меҳмон дегани нон қоқига чақириб бўлмайди. Муни ўзингиз биласиз.

Келин шу ерга келганда бир оғиздан сўз билан аралашиб қўйди:

— Албатта, айниқса шунча жойдан келадиган меҳмонни.

— Хўп яхши биламан! — деди кампир. У, келинининг оғзидан гапини узиб олгандай тез гапирарди.— Кузда иккаланг бориб бир ҳафта туриб келдинг. Бечораҳол бўлсалар ҳам сенларни хўп хурсанд қилиб жўнатишди. Иккаланг ҳам анчагина гапириб юрдинг...

— Рост-да! — деди Энахон.— Унинг отаси ҳам, ниҳоят, бир айрончи; ер-суви йўқ, дастгоҳи йўқ. Рўзғор катта... Шундай қилиб бўлса ҳам бизга деб нималарни қилишмади-а?

Сўнгги саволни келинбибига берган эди. У ҳам:

— Ҳа, нимасини айтасиз,— деб дарҳол тасдиқ қилди.

Шу билан ҳаммалари жим бўлдилар. Кампир, илож ахтариб ўйга ботган эди. у, секин-секин, оғил томига ётқазилган шотининг иккинчи поғонасига ўтирди. Қиз билан келин ерга чўнқайдилар. Кампир шотининг ён ёғочини силаб ўйнар; Энахон оғзидан олган сақични кўлида эзиб «соқа» ясар; келинчак бўлса бир чўп билан ерни чизғалар уччаласи ҳам шу равишда ўйга ботган эдилар. Кампирнинг бутун хаёли ҳалиги тўғрида бўлса ҳам икки кўзи буларда; булар эса дам бир-бирларига, дам кампирга қарар, дам бўлса ерга тикилардилар.

Сукутни кампир бузди:

— Камбағаллик ўлсин, камбағаллик! — деди у, ва чуқур бир «ух» тортди.— Ҳеч бир иложини топиб бўлмайди...

Бироз жим қолгач, бирданига овозини кўтариб:

— Шунча ердан бизнинг сўк ошимизни ичғали келишармиди? Уч-тўрт кун туришади. Дурустроқ бир нарса қилиб қўймасак бўладими? — деди.

Улар иккови ҳам ўйғонгандай бўлдилар:

— Албатта, албатта! — дейишди иккаласи.

Худди шу вақтда сомонхонанинг ёнида Холмат кўринди. Булар, унга қайрилиб қарагани улгурмасдан унинг:

— Ойи, бормисиз? — деган овози эшитилди.

Кампир суҳбатини бўлиб ўрнидан тураркан:

— Шошманглар, бироз ўйлайлик, эртагача бирор илож топилиб қолар, — деди ва югуриб Холматнинг ёнига кетди.

Кечқурун ётар пайтда кампир ҳалиги икковини ёнига чақириб ўз фикрини айтди:

— Ўйлаб-ўйлаб қўлимдан келгани шу бўлдики, ўлимлигимга аталган нарсалардан бир озроқ ажратдим. Энди, Эна, сен ҳам бисотингда боридан бир-икки нарса ажрат; келин, сиз ҳам бир нарса қўшинг; эрталаб битта-яримтани бозорга тушурайлик, шуларни сотиб ул-бул олиб чиқсин.

Кампир, ўлимлигига аталган нарсалардан ажратгандан кейин гап тамом эди.

— Бўлибди, ойи! — деди Энахон. — Менинг бор-йўғим ўз қўлингизда, ўзингиз ажратиб оларсиз. Хайр, майли, ўзим ҳам бир ўйлаб кўрай.

— Мен эрта билан сизга топшираман, — деди келин.

Кампир туриб ётоғига кетди; икки ёш ўша жойда ўтириб қолиб нима ажратиш ва нима бериш тўғрисида маслаҳатлашдилар. Бисотдагининг мазаси бўлмаганлигидан бу маслаҳат анча узоқ чўзилди.

Ҳарқалай, эрта билан кампирнинг қўлида мўъжазгина бир тугунча бор эди. Тугунчани хуржиннинг бир кўзига солган бола яғир отни йўртдириб шаҳарга томон йўл солди. Ўша кун Салтанатларга иккинчи чақириқ етказилган ва катта хуржиннинг икки кўзи тўлиб қайтган эди.

\* \* \*

Меҳмонларга қўлидан келганча яхши дастархон солиб, қўни-қўшни қизлар ва келинларни чақиртириб, аллақайлардан тори узилган дўторларни топдириб келган ва уларни хурсанд қилмоқ учун тиришиб-тирмашган Энахон ўз кўнглида яна хижолат тортишдан қутулмади. Қадрли меҳмонларини яна аллақандай зиёфатлар, меҳмондорчиликлар, такаллуфларга кўмиб ташламоқчи бўларди. Унча нарса бўлмаганда ҳам, одамлар сингари тузукроқ бир сийлаб юборишни албатта лозим деб ўйларди. Ўз қўлида мундай қудрат йўқлигини ўйлаб ноумидликка тушар, бўғиларди... Юраги ёмон ғаш бўлиб кетгандан кейин чидай олмасдан кампирга айтиб кўрди.

— Улганим яхши менинг! — деди у. — Кўнгилдагидек бир сийлай олмасам меҳмонларимни!

Одатда юмшоқ гапирадиган кампир, бу гапга аччиғланди:

— Бўлмаса, ўзингни бозорга олиб чиқиб сот! Кўнгулдагидек меҳмон қилаоласан... — деди.

— Сизга одам кўнгулдаги ҳасратини ҳам айта олмас экан-да, — деди Энахон, кўзларига ёш олиб онасидан узоқлашди.

Худди шу ҳасратини, томорқа ҳовличадаги ариқ бўйида ўтириб, келинбисига айтганида, у, дарров бунинг фикрига қўшилди:

— Шундай яхши нарсаларки! Буларга қанча қилсангиз оз! Зебихонди қаранг, Зебихонди! Кузда биз борганимизда кўрмаган эдик-а?

— Отаси ўлгур, совуқ сўфи, жавоб бермаган экан...

— Мунча ҳам овози чиройлик бу қизнинг!.. Ашула айтса қулоғинг маст бўлиб улади одам... Нафаси мунча иссиқ. Мунча мазалик! Мунча таъсирлик!

— Шунга айтаман-да. Суяқ ош қилдик, ошқовоқ сомса қилдик, палов қилдик... бўлди! Бундан ортиғига мана бу камбағаллик ўлгур йўл қўймайди...

Шу ерда чуқур бир «ўх» тортди Энахон. Сўнгра яна сўзида давом этди:

— Варақи сомсалар қилсак, оқ унлардан ғалати мантилар, чучваралар қилсак, бойларниқида бўладиган димлама кўғурмалар қилсак...

Бирдан тажангланиб ўрнидан турди:

— Ошқовоқ сомса! Ошқовоқ сомса! Камбағаллиғи қурсин, илоҳим!  
«Камбағал худойимнинг суйган бандаси» дейдилар; шуми суйган банданинг ҳоли?!

Боядан бери шу тўғрида ўйланиб, оққан сувга хашак ташлаб ўтирган келиннинг юзларида худди шу пайтда бир ёқимли кулумсираш пайдо бўлган эди. Урнидан туриб ҳалиги ширин кулумсираши борган сари очилгани ва ёйилгани ҳолда, Энахонга яқин борди:

— Хафа бўлманг, айланай! — деди. — Мен иложини топдим. Бойлар-ниқига ўхшаган ғалати зиёфат қилиб жўнатамиз меҳмонларимизни!

Энахон бу иложнинг нималигини англай олмаганидан ҳайрон бўлиб келинбисига қарар, ҳали юзи кулмас эди.

— Нечик? — деди у, ва келинбисининг кўзларига бақрайиб тикилгани ҳолда унинг иккала қўлини қўллари орасига олди.

— Ўзимизнинг кучимиз етмаса, тенг-тўшларимиз, ўртоқларимиз бор. Уларга айтиб чақиртирамиз...

Энахоннинг юзи бирданига очилди. Лабларига кенг бир табассум ёйилди. У, келинбисини топган иложини англаган эди:

— Мингбошининг қизига айтмоқчимисиз? Уша чақирсин дейсизми?

— Ё у, ё бўлмаса кичик хотини Султонхончи.

— Бўлармикин?

Шу ергача улар иккови бир жойда тўхташиб сўзлашмоқда эдилар. Келин:

— Бўлдиришни менга қўйиб беринг. Ишингиз бўлмасин. Иш қилиб меҳмонларни хурсанд қилсам бўлдимиз? — деди.

Шундан сўнг иккаласи бел улашиб уйга томон юра бошладилар.

— Яхши маслаҳат! Жон келинбиси, бир иш қилинг! — деди Энахон, келинбисини маҳкамроқ кучоқлади.

Келин бирданига тўхтаб:

— Уларниқидан ҳеч кимни чақиртирдикми? — деб сўради.

Энахон ҳам етган жойида тўхтаб:

— Йўқ! — дея жавоб берди. — Ким билади дейсиз буни? «Минг-бошининг фалон-фалонлари бизни кўзига иладими?» деб, хабар ҳам қилмабмиз. Энди қандай бўлар экан?

— Биз, шу кечага мингбоши тоғанинг қизи билан кичик хотинини чақиртирайлик. Кеча чақиртирганимизда келмасалар, бугун чақиртирсак албатта келишади. Сиз нима деб ўтирибсиз! Зебихоннинг овози, ашулалари ундан каттароқларни ҳам судраб келтиради. Сиз хотиржам бўлинг. Мен ўзим ёзиллаб чиқиб келаман. Бу кеча битта-яримта ашула эшитиб суҳбатни кўришса эртага албатта чақиртиришади.

Иккаласи, юзлари юлдуздай чарақлагани ҳолда, даричадан ичкарига ҳатлаган вақтларида Зебининг «Қора сочим» куйига айтаётган ашуласи қулоқларни ширин-ширин қитиқламоқда эди...

\* \* \*

Бир томчи сув денгизга айланган бир кеча бўлди. Шу камбағал бебузоот оиланинг иссиқ ва ҳалол кучоғига қишлоқ қизлари ва ёш жувонларининг ҳаммаси деярлиқ тўпланди. Бевосита қўшни бўлган хонадонларнинг «ошини ошаб, ёшини яшаган» кампирлари ҳам чиқишдилар. Бу кеча, ҳатто, шаҳар қизларига пойлоқчи бўлиб келган уйқичил кампирга ҳам жон кирди. Унинг жонданганини кўрганлар ихтиёрсиз ёйилиб кулар ва чин кўнгилдан севиначилар. Бир эмас, икки дутор ва икки яхши дуторчи, бир неча ўйинчи, Зебихондан бошқа яна иккита овози дурустгина ёш жувонлар келишди. Дастархонга қараган киши бўлмади; ҳеч ким бу фақир ва содда ҳашамат ичида такаллуф ахтармас, кўнгулнинг хурсандликларга бўлган кетсиз майлини қондириш билангина овора эди. Шу учун бўлса керак, дастархон устида дув-дув гаплашиб, айвонни овозга тўлдириб ўтирган қиз-жувонлардан ҳеч бири, ўнг бақинда ёнма-ён ўтириб зўрға-зўрға дастархонга қўл узатган

мингбоши оймларининг «шу ҳам меҳмондорчиликми?» деган маънода бир-бирига қараб лаб буруштирганларини пайқамади. Дастархон йиғилгандан кейин базм бошланди, шундан кейин ҳамма ўзини унутди, ҳамма ёш болага айланди.

Уч овозлик қизга яна бир нечтаси қўшилиб ялла охони кўкларга кўтарилгандан кейин қишлоқнинг паст-паст, йиқиқ-ёриқ доволларидан осонгина ошиб ўтиб битта-яримта йигит-яланг ҳам тўплана бошлади. Улар, хира ёнган чироларнинг ишиғи зўрға-зўрға етадиган жойларда — айвоннинг икки ёнида чўнқайиб ўтиришган, нафасларини ичларига олган эдилар. Улар орасида Холмат билан аравакаш бола ҳам бор, улар иккови катта тут ёғочига суяниб тикка турардилар. Холмат ҳавас билан қизиқиб қараса-да, унинг кўнгли тамом бетараф эди; фақат, аравакаш йигит шунча тўполон ялла орасида Зебининг овозидан бошқа овозларни, нечикдир, фарқ этолмасди. У овозни эшитиш билан кўнглининг чуқур жойларидан хуруш қилиб келган аллақандай тотли бир севинччи яширолмади:

— Зебинисанинг овозини айтаман, Холмат ака... — деди у; ўзи, шу сўзни айтганидан кейин, негадир, биров қизара туриб ерга қаради.

— Чакки эмас! — деди Холмат. Сўнгра сўради: — Оти Зебиңисами?

— Ҳа, Зебинисахон!

Йигитчаңинг шу «хон» деган қўшимчасида «менинг Зебинисам» деган маънода бир махтаниш, бир ғурур оҳанги бор эди. Бу оҳанг жуда очик эшитилган бўлса керакки, Холмат ҳарҳол фаҳмига борди ва — «а, ҳароми-ей!» дегандай қилиб унга қарагач:

— Юракдан урган экан-а!.. — деди.

Йигитча бу сўздан ўнғайсизланди ва тона бошлади:

— Йўғ-е, овози сўз дейман-да, овози! — деди; лекин тили гапиргани билан юраги «ёлғон, ёлғон» деб турганини ўзи ҳам билар, Холматнинг ишон-маслиғига ақли етарди. Шу учун масалани чуқурлаштирмасдан сўзни бошқа томонгароқ бурушни эп кўрди.

— Овозига нима дейсиз, чинакам қиёмат-а? — деди Холматга.

— Ҳа, овози жойида. Салтанатхонди ўртоғими?

— Энг яқин ўртоғи.

— Кимнинг қизи ўзи?

— Раззоқ сўфи деган бир одамнинг...

— Раззоқ сўфи?

— Ҳа, Раззоқ сўфи. Худо берган лекин сўфига!

— Харидори ҳам кўпдир?

— Совчининг кўплигидан остонаси ейилиб кетган, дейдилар... Билмадик, қайси толеи баландга насиб бўлар экан!

— Худодан тилаб туринг, «ноумид шайтон» деган гап бор...

Шу сўзларни айта туриб, Холмат ҳам, йигитчага шайтон қараши билан қаради.

Шу вақтда ашулачи қизлар ялладан тўхталдилар, ингичка-йўғон аёл овозларидан иборат кучлик бир хўрнинг:

— Бор бўлсинлар! — деган олқиши юксалди. Эркаклар, ўз олқишларини ичларида сақламоққа мажбур эдилар. Уларнинг тўпланганларини бир-иккита кампирдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Ялла битгач, баъзи қизлар ўринларидан туриб у ёқ-бу ёққа жилишдилар, баъзилари ўчоқ бошига жой олгали кетдилар, баъзилари жойларини алмаштириб яқин кўрган ўртоқларининг ёнларига ўтиб ўтирдилар. Энди эркаклар ҳам ўзларини орқагароқ олмоққа мажбур эдилар; улар ҳам жилишдилар. Меҳмонлардан Қумрихон бирданига тутнинг тагига бориб қолиб у ерда икки эркакнинг ўзига қараб кулиб турганини кўргач — «вой ўлақолай!» деб, уялиб орқага қайтди. Яна Салтининг ёнига бориб ўтиргач, пичирлабгина:

— Теварагимизни шундоққина қишлоқ йигитлари ўраб олишибди. Билмасдан тутнинг тагига бориб қолсам иккитаси менга қараб бақрайиб турибди... Биттаси ўзимизнинг аравакашми...

Бу вақтда, бу иккала қизнинг нималар деб пичирлашаётганидан васвасага тушган Зеби, секингина бўйнини чўзиб гапга қулоқ солди. У, фақат, Қумрининг сўзини — «биттаси ўзимизнинг аравакаш...» деган сўнги сўзини — эшита

олди. Юраги ўйнади... ва дарҳол бурилиб ташқарига қаради. Чироғнинг хира ишиғида кампирларнинг ивирсиб юрганларини кўрди. Бошқа, ҳеч нарса кўринмасди. Юрак ўйнаши босилмади.

Лаблари титрамоққа бошлаган эди... Бирданига ўрндан турди, қизлар йўл бўшатдилар, уларни оралаб ўтди. Айвондан чиқиб олгунча ҳамманинг кўзи унда эди, айвондан саҳнга тушгач, қизлар яна ўз суҳбатларига машғул бўлдилар. Саҳнда уни пойлоқчи кампир қарши олиб пешонасидан ўпди:

— Илоҳим, ёмон кўздан сақласин, болам! — деди. Иккала кўздан яна бир мартадан ўпкач, ичкари уйга томон бурилди.

— Ҳа, хола, уйда нима қиласиз? — деб сўради Зеби.

— Ухлайн, болам, мен қари нарса ярим кечагача ўтироламанми? Сизлар, ёш-яланг, ўйнаб-кулиб кўнгилларни ёзинглар. Мен ором олай...

Пойлоқчининг бу хислати ҳаммага маъқул эди. Айниқса, шу топда кўнгли аллақачонларга тортаётган Зеби учун, бир хил эзма кампирлардан кўра бу камгап, серуйқи кампир яхши эди.

Юраги ургани ҳолда битта-битта босиб қоронғиликка кирди. У ҳам, тут тагига — катта сўрининг ёнига бораётир эди. Қоронғида турган аравакаш йигит ёруғ томондан келаётган қизни таниди, бирданига:

— Ана, ўзикелаётир! — деб қичқирди.

Унинг бу қичқириши ихтиёрсиз бўлган эди. Аллақачонлар масаланинг фаҳмига бориб қолган Холмат, шу топда йигитчадан йироқлашувни эп кўрди. Унга маънолик қараш билан кулумсираб қараб, елкасига бир-икки ургач:

— «Умидсиз шайтон» дедим-ку, ука... Мана, биз кетдик... — деди ва қуюқ қоронғуликка кириб йўқ бўлди.

Йигит эса, Холматнинг бор-йўғини фарқ этолмайдиган ҳолдайди. Шундай пайтларда оғиздан ихтиёрсиз чиқиши лозим бўлган «бор бўлинг», «ўлманг» каби миннатдорлик сўзлари ҳам эса келмасиди. У, юрагини ҳовичлагани ҳолда, ихтиёрсиз қари тутнинг йўғон баданига ёпишди...

Зеби, йигитчанинг «ана, ўзи келаётир!» деган сўзларини эшитган эди. Агар эси ўзида бўлса, у ҳам Қумри сийгари «вой ўлақолай!» деб қайтиб кетиши керак эди. Холбуки, у ўзини билмасдан ва ҳеч нарса ўйлаёлмасдан телба қадамлар билан битта-битта босиб илгари юрарди... унинг оёқлари, аллақандай ёмон бир кучнинг афсунига илашганлар, ўша кучнинг судраган томонига борардилар. Ёш қиз ўз кўнглининг биринчи марта ўзига бегоналашганини, ўзидан бошқа бир кучнинг кўнглига эгалик қилганини сезарди...

Зеби, теграсига бир кўз югуртириб олгач, қадам босишини секинлатиб катта тутнинг ўнг томонида тўхтади. Йигитча, чап томонда эди.

Иккаласи ҳам анчагача жим қолдилар. Қайси бири олдин гап бошлашини ва нима дейишини билмасди. Ниҳоят, йигитча, бир гап топган бўлди:

— Бугун сахар... аравани қўшаманми?

— Нимага?

— Кетмаймизми?

Зеби, жавоб беролмай қолди... Бу саволга жавоб бўлгундай бир сўз унинг — шу топда жуда ёмон ғовлаб кетган миясига яқин келмасди. Сўзга сўз қайтармоқ учунгина:

— Шошилтириб нима қиламиз? — деди ва бу сўзларнинг ўз оғзидан узулиб тушиб борганини сизди. Шу топда ўз овози ҳам ўзига ёт эди; шу сўзларни айтаётган овоз унинг ўз қулоғига сойнинг нариги бетидан келаётгандай эшитиларди.

Йигитча, ўзини тўхтатиб олган эди. Энди, у, дадилланиб ва кутиб туриб, қўлини тутнинг ўнг томонига узатди. Фақат иккаласининг ораси анча йироқ бўлганидан бошқа бир қўл унинг қўлига уринмади. Холбуки, Зеби бировнинг қўл узатганини пайқайдиган ҳолда эмасиди. Йигитча, Зебидан муқобала кўрмагач, қўлини тортиб олди ва энди бу сафар, бўйинини эгиб икки кўзи билан қизни ахтараркан, қувноқ бир овоз билан:

— Ҳали бир-икки кун ўйнаймизми? Отга дам берамизми? — деди.

Зебидан жавоб бўлмагач, илова қилди:

— Хайр, майли, сизлар қачон «қўш» десанглар шунда қўшаман.

Зеби тутга суюнган, ўзининг қайда турганини унута ёзган, шунча гапга

бир оғиз жавоб бермасдан оғир ўйларга толган эди. У, шу топда — ўзининг яқин келажақдаги қора кунларини, қай рангда кўриши маълум булмаган бахти, толейни ўйларди. Унинг бутун бахти Раззоқ сўфининг жоҳил вужудига боғли эмасмиё. Уша совуқ сўфи, шу қувноқ жонни ва сайроқ қушчани, истаган вақтида бахтли ё бахтсиз эта олмайдими? Унинг бир оғиз «ҳа» ёки «йўқ» дейиши қиз бечоранинг беҳад қувнаб яйрашига ёхуд, хазон яроғидай, бир нафасда сўлиб нобуд бўлувига ярамайдими? Қиз шўрлик, у — бир умр қовоғи солиқ ва юзи кулмас отадан ҳеч бир хайрият кутмайди. Отаси тўғрисида ўйланган вақтида ўзини ўлимга маҳкум бир одам, отасини маҳкумнинг жаллоди каби кўради... ва титрайди! Бу қишлоқ саёҳати, аравакаш йигитча билан тасодифан танишиб қолиши, шу танишув орқасида кўнглида сезгани бесаранжомликлар, бечора қизни ҳалигидек қора ўйларни ўйлашга мажбур қилган эди. У хил қора ўйлар унинг учун янги эмас, албатта. Ёши балоғатга етиб ўйлари совчиларнинг қатнов йўлларига айлангандан бери у шўрликнинг қора ўйларга ботмаган кунни йўқ! Фақат, ширин бир умид билан кўзда кўрилиб қўлда тутилган — нақд бир умид билан бирга келган қора ўйлар қиз бечорани ёмон эзиб ташлайди! Бир-икки кундан бери ашула, ўйин деганда ўзини билмас даражада берилиб кетиши, шу изтиробларнинг ҳордиғини чиқариш учун эмасми?

Кўнглига оғир ташвишлар солган йигитчанинг шундоқ ёнгинасида, жуда ширин хаёллар билан бирга жуда қора ўйларга ботиб турган вақтида, бирданга айвон томондан бир овоз эшитилди:

— Ҳой, нима бу ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди? Зебинисахон қанилар? Салтанатхон, айланай ўртоқжонингизни топмайсизми?

Яна бир овоз қўшилди:

— Рост-а, ҳаммаёқ музлаб кетди. Ҳай қизлар, сизга нима бўлди?

Бирдан бир неча овоз кўтарилди:

— Зебинисахон! Зебинисахон!

Қизлар, ўринларидан туриб у ёқ-бу ёққа юришиб қолдилар.

Бу қичқиришлар, ҳар қандай оғир ўйқидан ўйғотишга ярардилар. Зеби ҳам, ярим мастлик ҳаётидан сесканиб ўйғонди ва апил-тапил жавоб қилди:

— Мана мен... Ҳозир бораман... ҳозир...

Фақат, бу сафар унинг овози, касал одамнинг овози сингари, дармонсиз ва жонсиз чиқарди. Йигит, буни англади ва тезгина:

— Боринг. Бемалол ўйин-кулгингизни қилинг! Ҳеч нарсадан кўрқманг, ҳеч бир ғам ея кўрманг! — деди. Сўнгра дарҳол ўзини тутнинг панасига олди.

У ёқдан бир-иккита қиз югуриб келиб Зебини етаклаб кетишди; шуларнинг бири мингбошининг кичик хотини Султонхон эди.

Бу сафар фақат ўйин бўлди. Ёш жувонлар ва қизларнинг ҳаммасини деярлик тортдилар. Шаҳарликлардан яхши ўйнаган Қумри бўлди. Қишлоқ қизларидан икки, учтаси яхши ўйнадилар. Ҳатто кампирларни ҳам тортдилар. Энахоннинг онаси, ўзи пакана ва унинг устига букчайган кампир, ўйин қилган бўлиб ҳаммани кулдирди. Энахонни, кўндирилмадилар. У — «мен хизматларингдан» деган баҳонани қилди. Мингбошининг қизи бир-икки айлини тўхтади, кичик хотини эса кўнмади; уни кўп ҳам зўрлай олмадилар. Зеби эса, дуторчилар ва ашулалар билан бирга, енгил-енгил яллалар қилиб турди.

Ўйин тамом бўлиб палов дастархони ёзилганда ой анча баландга кўтарилган эди. Ошдан сўнг қишлоқ қизларидан ўзига дурустроқ бир деҳқоннинг қизи ўрнидан туриб:

— Эртага меҳмонларни биз кутамиз, — деди.

Шундан кейин мингбошининг кичик хотини Султонхон, катта кундошининг қизи билан гапни бир жойга қўйиб, ўрнидан турди ва Энахонга томон юзланиб:

— Бўлмаса, меҳмонларингиз, индинга бизникида бўлишади, — деди: — Тузукми? Энди бизга рухсат!

У, кундошининг қизи билан бирга айвондан пастга тушиб кавшини қия бошлагач, бошқа қизлар ҳам битта-битта ўринларидан турдилар. Шундай қилиб, бу қиёмат йиғин, кеча ярим бўлганда гув-гув билан тарқалди.

#### IV

Кундошининг қизи билан апоқ-чапоқ бўлиб, уйига қайтган Султонхон, мингбошининг шаҳарга кетган бўйича қайтмаганини билганидан кейин, ўз уйига

кирди ва жой солиб, ешиниб ўтирмасдан шундоққина тўшакчанинг устида биргина ёстиққа бош қўйиб уйқига кетди.

Эрталаб уйқидан кўзини очганида бош томонида ён қўшни хотинлардан Умринисабиби ўтирарди. Тез-тез чиқиб мингбоши оиласининг рўзғор ишларига қарашиб, кўрпа ва тўнлари бўлса қавиб пахталарини солиб берадиган ўрта ёшлардаги бу хотин, шу йўл билан кичик қизига сеп ортдирарди. Катта қизини бундан икки йил бурун чиқарган, энди бу қизи одам кўзига кўриниб келарди.

Султонхон кўзини очар-очмас:

— Яхши чиқибсиз, Умриниса хола, — деди, — ўзим ҳам чақиртирмоқчи эдим. Эртага, Энахонларникидаги шаҳарлик меҳмонлар чиқишади. Ош-сувга қарашиб бермасангиз бўлмайди. Бугун бир-икки тандир патир ёпиб олсак, дейман.

— Мен ҳам шу тўғрида сиз билан гаплашганимни чиқиб эдим, — деди Умринисабиби.

— Жуда яхши бўлибди. Нонуштани қилиб хамирга урина берайлик бўлмаса. Бир-икки жойга бориб дутор-мутор сўраб келадиган ишларингиз ҳам бор эди.

Умринисабиби ўтирган кўйи суруниб Султонхонга яқин келди:

— Мен сизга бошқача маслаҳат билан чиқиб эдим... — деди.

Бу сўзлар ярим пичирлаш овози билан ва ҳам кўзлар икки томонга жаранглаб туриб айтилганидан, келинчакнинг кўнгли дув этиб олди. У ҳам Умринисабиби томонга ўгрилди:

— Нимага пичирлаб гапираётирсиз? Нима демоқчисиз? Яқинроқ келсангиз-чи! Имилламай қолинг, илоҳим! — деди.

Умринисабиби, энди, келинчакнинг худди қулоғига эгилди:

— Шаҳарлик меҳмонларни эртага чақирибсиз, эшитдим. Кеча кечқурун менинг Баҳрим ўша ердайдими...

Шу сўзни айтгач, у, бир нафас жим қолди. Келинчакнинг кичкина, қопқора ва ўйноқи кўзлари кенг очилиб қўшни хотиннинг оғзига тикилган эди. Умринисабиби яна бир қўр кўзларини жаранглатиб олгач:

— Киши деган ўз томирига болта чопадими? — деди. — Кечаси билан ухлаёлмасдан шуни ўйлаб чиқдим...

Султонхоннинг ранги ўча бошлаган эди; икки бетидаги шапалоқдай қизилига сўлғунлик югурди. Оғзи ярим очилган, кўкраги бир ётиб-бир турмоқда; дармони танидан узоқлашиб борарди.

— Гапиринг, тезроқ... нима демоқчисиз? — деди у, хансираш билан.

Умринисабиби бўйинни имкон борича қўзиб туриб очиқ эшикдан ташқарига қаради. Сўнгра яна келинчакнинг қулоғига эгилиб деди:

— Келин бўлиб келганингизга энди беш ой бўлди. Ҳалитдан бошингизга янги кундош ортдирмоқчимисиз? Эрингизнинг қайлиқбозлигини билардингиз-ку!

Султонхон:

— Вой ўлақолай!... Жинни бўлибман мен! — деб қичқирди ва юзини ястиққа қўйиб, чап қўли билан бошига муштлади...

— Ёшлик қилибсиз, айланай, билмабсиз. У ашулачи қизнинг доврўғи дунёни босди... Ҳамманинг оғзида ўша. Эрингиздай учига чиққан хотинбоз у булбулникидай овозни ўз қулоғи билан эшитсину дарров совчи қўймасин — бўладими, қалай?

Келинчак бирданига ётган еридан туриб Умринисабибининг елкасига осилди:

— Нимасини айтасиз, холажон! Мен эсимни ебман, эсимни!.. Энди нима қилдик, энди? Айтсангиз-чи, нима қилдим энди мен?

Умринисабиби унинг бошини мулойим-мулойим силади.

— Энди ҳовлиқманг, — деди у, — бўлар иш бўлди. Бир иш қилиб зарар етадиган томирини кесайлик!

— Энди иложи борми, қалай?

— Шошманг, ўйлайлик. Бир маслаҳат топилиб қолар.

Иккаласи жим қолиб ўйга ботдилар. Умринисабиби оқ доқа рўмолининг учини тугмулаб ўйланар; келинчак эса қўлидаги тилла узугини бармоғидан олиб ўша билан ўйнарган, хаёл сурарди. Бирданига тилла узукни кўзи олдига олиб



борди, у ёқ-бу ёғини айлантириб хўб қараганидан кейин секингина қўл узатиб уни Умринисабибининг синчалогоғига кийгизиб қўйди. Бу вақтда зўр бериб ўй ўйламоқда ва тadbир ахтармоқда бўлган Умринисабиби, тилла узукнинг ўзга қўлдан ўз қўлига ўтганини икки кўзи билан кўриб турса-да, бу катта топишнинг қимматини пайқаёлгани йўқ эди. Кейин, узукка қараб туриб унинг қандай қимматли нарса эканини, қизи Баҳри учун зўр бир давлат қозонилганини эслагач, севинчдан юзлари алвон товлаб кетди ва тезгина узукни бармоғидан чиқариб румолининг учига маҳкам тугиб қўйди.

— Қани, гапиринг, хола!

— Нима дейишимга ҳайронман... Меҳмонларни чақириб қўйибсиз. Энди, бир илож қилиб, қайтариш керак. Кундошларингизга билдирмасдан иш тутиш керак. Хайриятки кундошингизнинг қизи чақирмабди. У чақирганда ёмон бўларди.

— Мен ўлғур, ўша куни, Зебихоннинг овозига маст бўлиб ҳеч нарсани ўйлаёлмабман-да! Кундошимнинг қизига «сиз чақирсангизмикан, мен чақирсаммикан?» деб маслаҳат солибман-а! Муни қаранг! Хайрият, у қиз эслилик қилиб: «мен бувимдан берухсат меҳмон чақирмайман. Сиз каттасиз, ўзингиз чақиринг» деди...

— Аслини ўйлаганда у ҳам эсипастлик қилибди. Лекин унинг бу эсипастлиги сизнинг фойдангиз.

Умринисабиби бир озгина жим қолгач яна келинчакнинг қулоғига эгилди:

— Энди сиз, бир иш қилиб тобингиз қочган бўласизу мен бориб Энахонга айтаман. «Бошини кўтариб қолса мен ўзим хабар қиламан» дейман. Шу билан қолиб кетади... Меҳмонлар бугун-эрта қайтиб кетишар эмиш. Зебихон, жуда сўфи одамнинг қизи экан. Отаси бир-икки кунга базўр ижозат берган эмиш...

Келинчак ҳали ҳам ўзига келмаган эди. Умринисабибининг бўйнига осилди:

— Қандай бўлур экан? Жуда хунук бўлади-да. Бутун қишлоққа гап тарқалади... Бу кундошларим, денг, тарқатмай қўйишадими? Бошқа бир иложини топсак яхши бўларди.

Келинчак, Умринисабибининг кўзларига биров тикилиб тургач:

— Шу топда онам нотоб бўлиб чақиртирса хафа бўлмас эдим! — деди.

— Бўлмаса онангизни касал қилайлик. У сизни жадаллатиб чақиртирсин. Сиз, узр айтиб жўнай беринг... Шу шаҳарлик қизлар кетгунча онангизникида турганингиз ҳам яхши.

— Муни қандай қиламиз?

— Бу осон. Мен ҳозир паранжимни ёпиниб сизларникига жўнайман. Ҳамма гапни онангизга уқтириб тездан қайтаман. Орқамдан думма-дум одам келади, сиз кета берасиз. Кеч пайт мен ўзим кириб Энахонга айтиб қўяман.

Келинчак бу маслаҳатга тамом қойил бўлган эди. Умринисабибининг кўзларида ўпди:

— Бу яхшилигингизни бир умр унутмайман, хола, — деди. — Қизингизни, худо хоҳласа, ўзим тўй қилиб узатаман! Сиз дарров жўнанг! Ана, мистовоқда нон, ликопчада майиз бор; нондан, майиздан олиб йўлга тушинг! Тез бўлинг, жон хола!

Умринисабиби ирғиб ўрнидан турди; нон билан майизнинг ҳаммасини рўмолчасига тугиб уйдан чиқди. Унинг уйдан чиқиб ўз ҳовлисига томон кетаётганини келинчак эшик олдида кузатиб турди.

Ташқарида кундошлардан бири Умринисабибидан нима қилиб юрганини сўраган бўлса керак, у, кичкина даричани очиб бир оёғини ўз ҳовлисига қўяркан, баланд овоз билан:

— Султонхон эртага меҳмон чақиртирмоқчи экан, шунга қарашиб берай деб чиқиб эдим! — деди.

Бу баланд ва кескин овоз Султонхоннинг қулоғига жуда хуш ёқар эди...

\* \* \*

Ашулачи қизнинг ўзлариникига меҳмон бўлиб келажагини эшитгандан бери мингбошининг ўртанча хотини Пошшахон жуда хурсанд эди. Фақат эрининг шаҳарга кетиб, бедарак йўқолганига ачинарди. Шаҳарда бўлмасдан шу ерда бўлса, бир иш қилиб, шаҳарлик қизнинг овозини унга эшиттириш ва шу йўл билан кундошнинг устига кундош келтириш қийин эмаслигини яхши биларди.

Эрининг хотинбозлиги эса бир унга эмас, бутун дунёга маълум эди. Зебини бир иш қилиб мингбошига олиб бериш устида ўзининг бурунги душмани, яъни катта кундоши Хадичахон билан иттифоқ боғлашдан ҳам тортинмасди. Шу учун бўлса керак, бугунги нонуштани унинг уйида қилди; энг маҳрам сирларини айтган бўлиб уни ўзига майл қилдиришга уринди.

— Эрингиздан шу чоққача дарак йўқ-а? — деди у, кулиб туриб.  
Хадичахон ҳам ўша хилда кулуш билан жавоб берди:

— Ҳа, эрингиз шаҳарда қолиб кетди. Билмадим, яна битта-яримтага назари тушдимикан?

— Назарлари қурсин у кишининг! Ҳадеб туша берар экан-да...

— Сиз-биз тушмасин деганимиз билан тушмай қолармиди? Худо ўзи тушадиган қилиб яратган экан-да.

— Худовондиқарим бу эркакларни мунча яхши кўрар экан-а...

— Ўзимиздан қиёс-да... Орамизда эркакни яхши кўрмайдиган ким бор?..  
Нондан олинг! Қиёмга қараб ўтирсангиз-чи...

— Нон билан қиём ҳар кун бор... Бошқа дардлардан гапиришайлик.

— Нон билан қиём ҳар кимникида йўқ. Бу ҳам, борникида бор. Шукур қилсак бўлади...

— Минг қатла шукурку-я... Уз бошингиздан ўтган, биласиз, кўнгилни тинталаган бир нарса бор...

— Менинг кўнгил тинталаниб-тинталаниб адо бўлган, айланай... Кўнгил-даги оловнинг қуруқ кули қолган холос. Энди, худонинг тақдири билан, менинг кунларим сизнинг бошингизга тушибди. Инсоф қилганда, айланай, бу кунни худо ҳеч бир бандасининг бошига келтирмасин. Нондан олиб ўтиринг...

Пошшахон ўз кундошининг бу гапларидаги аччиғ кесатмаларни, тўппа-тўғри ўз бағрига бориб санчиладиган найзаларни билиб ва сезиб ўтирарди. Чинакам, бир замон ўзи шу бечора хотиннинг устига кундош бўлиб келиб, унинг рангини тинталаган, уни рашк ва кўролмаслик оловларида ёндирган эди. У вақтда, ўзи-кулди, очилди, қувнади, гердайиб, осмондан қараб қадам босди... Хадичахон эса — эзилди, куйди, ўртанди, хўрланиб-хўрланиб, аччиғ-аччиғ йиғлади. Фақат, ҳали бўйида бўлмаб туриб, ўзининг пешонасига ҳам кундош битди... Бутун ғурури синди, гердайиши поймол бўлди, севинчи сўнди, юзи сўлди. Лаблари хазон рангига бўянди, умидлари узулди, оёқлари зўрға-зўрға судралиб жиладиган ҳолга келди. Султонхон келгандан бери унинг лаблари икки тиши орасидан чиқмас, кўзлари сал нарсага ёш олиб юборар; кўкрагида девлар ирғитган оғир тошлардан бири кўндаланг келиб ётарди... Дуруст, қорни тўқ, уст-боши жойида, қават-қават сарпо, оғир меҳнат йўқ... Лекин, ёнгинасида бошқа бир юлдуз чарақлаб кўзларни қамаштириб тургандан кейин бу давлатлардан нима фойда?..

Хадичахоннинг бу ҳақли кесатишларидан кейин чўккан оғир бир жимлик ичида, фақат оғизларгина қуруқ нонни чайнашдан чалаплар экан, Пошшахон шу нарсаларни ўйларди. Бугун, ўзининг эски душмани олдида душманнинг ҳақ эканини иқроқ қилиш, албатта энгил эмасди. Фақат, нариги — кичик кундош, мингбошининг кумуш камарида энг аъло нақш бўлиб ёниб турганда, бу зарарсиз кундошнинг ҳақлигини иқроқ қилиб, унинг синиқ кўнглини овлаб, шу билан уни қўлга олмоқ, ҳозир иккала хотин учун баробар кундош бўлган кичик хотинга қарши ўт очмоқ лозим эди. Бўшалган пиёлани чертиб узатаркан:

— Айтганларингиз рост, — деди Пошшахон, — айтган гапларингиз аччиғ бўлса ҳамки, рост. Бу тўғрида мен сизга ҳеч нарса деёлмайман, айниқса, мен келганда болалик эдингиз сиз... Биламан.

Кундошнинг қўлидан совиброқ қолган бир пиёла чойни олди-да, бир-бир кетин икки-уч ҳўплаб бўшалган пиёлани яна қайтарди. Сўнгра давом этди:

— У ёғини ўйлаганда, на сизда айб бор, на менда. Қайси биримиз бу одамга ўзимиз хоҳлаб тегибмиз? Ҳаммамизни ота-онамиз биздан сўрамай-нетмай узатган. Бизнинг кўз ёшларимизга ким қараган дейсиз?...

Шу ерда Хадичахон эътироз қилди:

— Йўқ, ундай деманг. Мен ўзим хоҳлаб текканман. У вақтда куёвингиз ёш эди, мунча катта амалдор эмасиди, ниҳояти элликбоши эди. Биринчи хотинидан бола бўлмаган экан, икки-уч йил умр қилишганларидан кейин хотини ўлиб кетган. Мени олган вақтида — «сен, кўз очиб кўрганимсан» дерди... Менинг ҳеч

бир нолийдиган ерим йўқ эди. Талеимдан хафа эмасидим. Бу орада мана бу Фазилат туғилди. Бола деган ота-онани бир-бирига боғлайди... Фазилат туғилгандан кейин мен жуда хурсанд эдим. Худди ўша пайтларда онам ўлди. Отам ҳажга кетиб у ерда қолди. Шунча мусибатларни қийналмасдан ўтказдим. Нимага десангиз, уйимдан кўнглим тўқ эди...

Шу ерга келганда Хадичахон кўзига ёш олди, шапалоқ гулли обравон кўйлагининг узун енги билан кўзларини артди. Сўнгра, ёшли кўзлари билан, ташқаридаги сўрида очик-сочик ётган ва бошига офтоб тушиб қолган Фазилатга қаради. Чойнакдаги сўнги икки хўплам чойни қуйиб, бир ҳамлада ичиб битириб, чойнак-пиёлани нариги ёнига олиб қўйганидан кейин сўзида давом қилди:

— Бунингиз амалдор бўлгандан кейин айнаиди. Мингбошилиқ ёмон ҳовлиқтирди. Ўз қишлоғини ташлаб бу ерга кўчди. Бу катта ҳовлини сотиб олди. Мана бу — катта иморатларни солдирди. Боғ-роғ қилди, ер-сув кўпайтирди. Кўнгли бошқа савдоларга, ўзга кўйларга тушди... Бола ҳам кўзига кўринмади, хотин ҳам. Ёнига «ҳабаракаллагилар» киришди. Хотин топадиган, маслаҳат берадиганлар кўпайишди. Бир ҳафтанинг ичида тўй қилиб менинг устимга сизни келтириб қўйди...

Шу ерга келганда Пошшахон чидаёлмади:

— Мен хоҳлаб келган бўлсам экан... Оёғимдан боғлаб, бир чўридай олиб келдилар... Туғилганимга, ёшлигимда касал бўлиб ўлиб кетмаганимга ўкина-ўкина кетганман.

— Биладан, айланай, биладан... У ёғини сўрасангиз, бу аёл тоифасининг кўпи ота-онанинг зўри билан эрга тегади. Шундай бўлса ҳам, сиз менга кундош бўлиб келгансиз-да...

— Келмай ўла қолай мен! Сизга кундош бўлиб неча йил неча ойим роҳатда ўтди? Сиз-ку беш-олти йил роҳат кўрибсиз, армонингиз йўқ... Мен шўрлик бир йил ҳам яйраганим йўқ. Бир кечанинг ичида тўй овози чиқди-ю эртаси куни номозшомда Султонхон кириб келди... Улганим яхши эмасми бу кунимдан? Отам ўлгур, муниг ер — сувига, давлатига қизиқди, «ях» деб туриб олди. Бу давлатлардан унга нима фойда?..

— Давлат қурсин, давлат... Энахоннинг келинбисига рашким келади... Давлат асари йўқ. Рўзғорлари зўрға ўтади. Қўзичоқдай икки боласи бор. Эри ҳамиша ёнида... Кундош алами йўқ...

— Нимасини айтасиз...

Иккови ҳам жим бўлдилар. Бироздан сўнг гапни яна Пошшахон бошлади:

— Мен чидолмайман асло, чидолмайман! Мен асло чидолмайман бу аламга!

Сўнгра жаланглаб теварак-атрофига қараб олгач, дастархон устидан кундошига эгилиб деди:

— Яна биттани олиб бериб, мана бу яшшамагурни қонқора қақшатмасам... Кибру ҳаволарини синдирсам... Шаштини қайтарсам... Ҳовлиқшини боссам... Ундан кейин сизнинг дастархонингизни солиб, қўлингизга сув бериб, қизингизнинг чокларини тикишиб, хизматингизни қилиб ётардим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!..

— Шу топда сиз аламзадасиз, ёлғон айтмайсиз...

Кундошлик оловлари зотан сўниб битган бу болалик хотинга кечаги душманнинг бу кунги хушомадлари ширин эшитилди. Султонхоннинг устига яна бири келса, демак, тўртинчиси бўлади ва кундошлик алами яна ҳам йироқлашади. Шуни ўйлаб, Хадичахон, кечаги кундошининг бугун ёрдам сўраб узалган қўлини қабул қилишга йўқ демас эди. Фақат, Пошшахоннинг яна ҳам очикроқ ва аниқроқ гапиришини, тўғридан тўғри бирлик таклифида бўлишини кутарди. Кундоши кутдирмади:

— Қарс икки қўлдан чиқар экан! Иккаламиз бир бўлсак, Султонни тузлаймиз... Ундан кейин кундошлик алами, сиздан икки поғона, мендан бир поғона йироқлашади. Икковимиз ҳам хотиржам бўлиб опа-сингил тутишамиз. Шу давлатни, қанча керак ўз қўлимизга олиб, ўртада баҳам кўришамиз. Ёшлигимиз шамолга кетиб бўлди. Энди давлатдан бир нарса олиб қолайлик. Қариганимизда асқотади...

Хадичахоннинг кутган сўзлари шу эди. Зотан бу сўзлар унинг ўз кўнглидаги

сўзларнинг худди ўзи эмасмиди? Ўзи ёлғиз қолган вақтларида доим шу тўғрида ўйлаб, шу хил тилакларда бўлинмасмиди? Демак, бугун иккала кундошнинг юраги бир зарб билан урибди! Иккала кундош бугун бир-бирларини англаб, бир-бирларига қўл узатибдилар! Мундан яхши нима бор? Бир киши қилолмаган ишни икки киши қила олади. Икки киши қилолмаганини уч киши қилади. Гап, ўша уч кишининг бир-бирига қўл узатиб, маслаҳатни бир қилишида!

— Соз бир қизни тўғри қилсангиз ҳали ҳам йўқ демайди, у фосиқ! Уйлашайлик бўлмаса... — деди Хадичахон.

Кундоши бирданига ўрнидан туриб унинг ёнига ўтди ва, худди жонажон ўртоқлардай, қўлини ёлкасига ташлаб бетларидан ўпиб-ўпиб олди. Бу ўпиш риёкор ва алдамчи ўпишлардан эмасиди. Балки, аксинча, чинакам ва астойдил эди. Шу топда Пошшахоннинг бутун вужудини кундошлик олови ўраб олган, кўзлари у оловнинг алангалари ила қақнаб ёнмоқда, икки юзи унинг ҳаракати билан кип-қизил чўққа айланганиди...

Шу осилиш ва ўпишлар билан ўзининг астойдиллигини билдиргандан кейин, Пошшахон, ирғиб ўрнидан турди, югуриб бориб эшик ва деразаларни қараб келди-да, деди:

— Ўйлаб ўтириш нега керак? Дунёнинг энг соз қизи ўз оёғи билан қишлоғимизга келиб ўтирибди. У қизнинг таърифини эрингизга эшитдирсак, бир илож қилиб қизнинг ўзини ҳам меҳмон қилиб чақирсак... тамом!

— Сиз кимни айтаётибсиз?

— Энахоннинг шаҳарлик меҳмонларидан Зебихон деган ашулачисини...

Хадичахон, тан бергандай қилиб кундошига қаради-да, деди:

— Топибсиз-а!.. Эсингизга қойилман! У қизнинг таърифини мен ҳам эшитдим. Бало эмиш...

— Шундай бўлгандан кейин, бизнинг ишимиз яна ҳам енгиллашади. У қизни, эрингизга махтаб эшитдирадиганлар биздан бошқа ҳам кўп топилади. Мен билан Султонни махтаб едирганлар шундай қизни айтмайди дейсизми?

Ташқаридан йўталган овоз эшитилди. Сўрида ётган Фазилат ўрнидан туриб келаётир эди. Иккаласи ҳам бу суҳбатни шу жойда узиб майда-чуйда рўзигор гапларига кўчдилар.

Бироздан сўнг бет-қўлини ювиб Фазилат кирди. У, остонага қадам қўяр-қўймас онаси:

— Бет-кўзингни ювингми? — деб сўради.

— Ҳа! — деди қиз.

— Бўлмаса, ўчоқда — кичик чойнакда чой бор, олакир. Нонуштангни қиласан.

Қиз чойни келтириб қўйиб дастархонга ўтирар-ўтирмас, гап бошлади:

— Кечаси чарчаб келиб ухлаб қолибман. Бўлмаса, сизларни уйғотиб кўрганларимни гапириб берар эдим.

— Нималарни кўрдинг? — деб сўради онаси.

— Қани, гапириб берсанг-чи, — деди Пошшахон.

— Нимасини айтасиз? Зебихон деган бир ашулачи келибди, овозини эшитсангиз маст бўласиз!

Булар иккаласи бир-бирларига қарашиб, мийиғларида кулиб қўйдилар.

— Яна кимларни кўрдинг?

— Зебихон билан келган бошқа қизлар ҳам, бири-биридан яхши, бири-биридан соз, бири-биридан очиқ, бири-биридан қувноқ...

Онаси, «пих-х» эта кулиб юборди ва эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Поғонани яна ҳам нарига чўзсак бўлар экан! — деди.

— Нима деб ётирсан, сйи! — деб сўради қиз.

— Ҳеч, — деди онаси. — Ўзимча бир нарса дедим. Сен эшитмай қўяқол...

Бу ҳазилни ўртанчи хотин англаган ва қувониб кулиш билан муқобала қилган эди.

— Меҳмондорчилик қанақа бўлди? — деб сўради онаси.

— Ҳа, дастархондан келинг, — деди Пошшахон.

— Камбағалнинг дастархони нима бўлариди? Нон, патир, майиз, ўрик қоқи... савзи қиём... Охирда зиғир ёғи палов... битта-яримта гўшт учраса бор, бўлмаса йўқ...

— Вой ўлақолсин! — деди Пошшахон.

— Ха-я! — деди қизнинг онаси.

— Дастархонга ким қарабди дейсиз? — деди Фазилат. — Ҳамманинг ақли, ҳуши ўйинда, ашулада, қизларда, ҳалиги Зебихонда бўлди. То йиғин тугалгунча ҳеч ким жилмади. Ҳеч кимнинг жилгиси келмади. Ярим кечадан кейин қайтиб келдик. Биз келганда ҳаммангиз донг қотиб ухлаган эдингиз...

— Дастархони мунча ёмон экан, сен чақирмабсан-да меҳмонларни. Биз бу ерда қиёмат қилиб кузатардик...

— Шуни айтинг, а? — деди Пошшахон.

— Мен, сендан сўроқсиз чақиришга ботинолмадим. Икковимиз маслаҳат қилишдик, эртаги кунга Султонхон аям чақириб келди.

Иккала кундошнинг кўзлари, бирданига, ўғил кўргангани хабар олган отанинг кўзларидай, равшан бир олов билан чарақлади. Кўз ҳамояси билан бир-бирларига севинчли хабар узатишиб олдилар. Иккаласи бир-бирини кўз учида қутлади.

— Султонхон аянг? — деб сўради онаси.

— Ҳа, Султонхон аям.

— Мунча эслик экан Султонхон аянг!

— Шунга ҳам эс керакми? — деди қиз.

Хадичахон, кўзларини айёрлик билан ўйнатиб туриб, кундошига қаради:

— Гапни эшитаётирсанми? — деди. — Эртага бизниқига шаҳарлик меҳмонлар келишар экан! Султонхон ойим чақирибдилар, Султонхон ойим...

Пошшахон, азалдан айёр бўлган кўзларига беш барабар равноқ бериб туриб, муқобала қилди:

— Мингбоши додхонинг суйгулик хотинлари бўлганидан кейин нима қилса таъби-да! — деди у. — Ким нима дея оларди? Ҳадди борми, қалай?..

— Мунча эслик экан бу — Султонхон аянг! — деб такрор қилди Хадичахон. — Мунча эслик экан!..

Икки кундош, ўша айёр кўзлар билан бир-бирларига қарашиб, маънилик-маънилик кулушдилар.

Қиз бечора, бу кулушларнинг нималигини англай олмасдан ҳайрон бўлиб дам онасига, дам кичик бувисига қарарди...

\* \* \*

Маълум базм кечасининг эртаси куни, Энахон билан меҳмонлари, қоронғи тушганда меҳмондорчиликдан қайтиб келдилар. Меҳмон қилиб чақирган хонадон қишлоқнинг нариги чекасида яшаганидан булар анча чарчаган эдилар. Зеби ҳаммадан орқада қолиб қўлидаги насибани аравақашга бериб киргач, Энахоннинг онаси ўз қизици холи топиб Зеби тўғрисидаги фикрини издор қилди:

— Бу Зебихон ўртоғинг топилмайдиган қиз экан, болам. Бир раҳмдил, бир оқкўнгил, бир илинчакки, бу замоннинг ёш-яланги орасида кам топилади. Шунча жойдан олиб келиб, шунча кундан бери пойлаб ётган бечора аравақаш болани бошқа қизларнинг биттаси ҳам эсга олмади, йўқламади; доим йўқлаб, хабар олиб турган Зебихон бўлди. Ўзининг кўшниси бўлиб туриб Салтанатхон ҳам сира йўқламади...

Бу сўнгги жумлани, кампир, паст бир овоз билан, ярим пичирлаб айтган эди. Энахон:

— Рост, ойи! — деди. — Зебихон ўртоғим бу тўғрида топилмайдиган лекин...

Бу сўзларни айтиб туриб, Энахон, ўзини тутолмади ва кулиб юборди. Кампир ҳайрон бўлиб:

— Нимага куласан! Ё билмай гапирдимми? — деди.

— Йўқ, — деди Энахон яна кулиб туриб: — жуда библиб гапирдингиз. Мен бошқа нарсени ўйлаб кулаётирман...

Қоронғида паранжи ёпиниб ўтирмасдан, рўмолини пана қилиб, аста-секин кириб келаётган Умринисабибини энг илгари кўрди, юзлари ҳануз ўша кулишнинг алангаси ила тобиш бергани ҳолда, уни қарши олгали югурди. Зотан, Умринисабибига Энахондан бошқа ҳеч кимнинг даркори ҳам йўқ эди. Қизнинг қўлтуғига кириб:

— Юринг буёққа, айланай, сизга икки оғиз гапим бор, — деди.

Энахон уни айвонга таклиф қилиб, бир пиёла-ярим пиёла чой ичишга ва меҳмондорчиликдан келган қатламадан насиба олишга чақирса ҳам сира кўнмади. Иккаласи бирга ҳў... нарига, қўшни доволига яқинлашганларидан кейин Умринисабиби қизни тўхтатиб деди:

— Айланай қизим, бу гапни сизга қандоқ қилиб эшитдиришга ҳайронман. Орага тушмай ўлайин мен...

Бу муқаддимадан кейин Энахоннинг кўнгли совуқ бир нарса сезгандай безовта бўла бошлаган эди.

— Нима гап ўзи? — деб сўради у, довушида очиқ билиниб турган бир талваса билан.

— Мени Султонхон юборди...

Шуни айтгандан кейин Умринисабиби сўздан тўхтаб қизнинг юзига қаради. Қизнинг юзи қоронғида унча очиқ кўринмаса ҳам, у, ҳали сўзнинг қизга қандай таъсир қилганини англамоқчи ва шунга қараб сўз юритмоқчи бўларди. Қиз, яна ҳам орта тушган талваса билан бояги саволини такрор қилди:

— Нима гап ўзи?

— Султонхоннинг онаси бирданига ётиб қолибди... Ҳали ҳозир отлик одам келиб уни олиб кетди. Мен эрта биландан бери ўшаларникида ош-сувларига қарашиб юриб эдим, бирдан мунақа ҳол бўлиб қолгандан кейин мени чақириб олиб — «энди мен кетаётирман, ноиложман, тезлик билан бориб Энахонга менинг узримни айтиб қўйинг» деди... Паранжимни ҳам ёпинмасдан югуриб сизнинг ёнингизга чиқдим...

— Энди, эртага меҳмонларни чақириб йўқми?

— Султонхон ўзи бўлмагандан кейин ким чақиради? У ҳовлида ундан бошқа одамшованда ким бор? Ўзингиз биласиз-ку, айланай...

Бу совуқ хабар Энахонга ёмон таъсир қилди. У, нима дейишини билмасдан ўйланиб қолди. Берган хабарининг ёмон таъсирини кўрган Умринисабиби у таъсирни камайтирмак учун сўз тўқиб кўрди:

— Уртоқларингиз, омон-эсонлик бўлса, яна келишар-ку. Ушанда Султонхон эртанинг ҳиссасини чиқармай қўймайди... Яхши бола у... Ётиғи билан Салтанатхонга айтиб қўйсангиз, эслик қиз, ўзи тушунади...

— Гапни чўзиш нима керак, хола? — деди Энахон. — Бўлар иш бўлибди; менинг шўр пешонам экан, майли!

— Унақа деманг, айланай! Ҳали ёшсизлар, далай суҳбатларни, далай базмларни, далай тўй-томошаларни кўрасизлар. Султонхоннинг ачинганини айтмайсизми?

— Энди ачингандан нима фойда! Бўлур иш бўлибди... Майли энди.

— Бўлмаса, яхши қолинг, мен борай — Сурпалар, хамирлар шундоқ очиқ-сочиқ қолди. Бориб йиғиштириб қўяй. Кундошлари, ўзингиз биласиз, қайрилиб қарашмайди...

— Утириб кетардингиз...

Энахоннинг бу сўзлари лабининг учидан чиққан, муни Умринисабиби ҳам пайкаган эди.

— Яхши қолинг, бўлмаса! — деди Умринисабиби. Сўнгра, айвон томонга бориб ўтирмасдан довол бўйлаб тезгина кўздан йўқолди.

Энахоннинг кечадан бери тортган режалари ва қурган хаёллари бузулган эди. Энди, севгилли ўртоқларини кўнгилдагидек хурсанд қилиб жўнатиб олмасиди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан келинбисини чақирди ва бўлган воқеани унга англатди. У ҳам, Энахоннинг хафалигига қўшилди, лекин бошқа бирор илож кўрсатишдан ожизлик қилди.

Иккаласи жуда узоқ гаплашдилар; ҳар хил йўлларни ахтариб, ҳар турли маслаҳатни қилиб кўрдилар; ҳеч бири эпақага келмади. Охирда, эртага эрта билан ҳалиги хабарни секингина Салтанатга билдирадиган, агар меҳмонлар ўзлари кетмоқчи бўлсалар «йўқ» демасдан уларга ижозат берадиган бўлиб шу маслаҳатда тўхталдилар.

Фақат, эрталабгача меҳмонларга ҳеч нарса демадилар. Улар, борган жойларидан чарчаб келишиб ўтирган ўринларида шундоққина узаниб қолган эдилар.

Эрта билан нонушта чоғида Энахоннинг онаси қизига қараб:

— Қизим, бугун меҳмонларингни Султонхонларникига олиб чиқасан-а? — деб қолмасинми! Бу савол, қизни ҳам, келинни ҳам шошириб қўйди; чунки, кечаги хабар ҳали ҳеч кимга эшитдирилмаган эди. Уни, нонуштадан кейин Салтанатхоннинг ўзигагина изҳор қилмоқчи эмасмидилар? Энди, бу содда кампир, у «дард»ни кўпчилик олдида очиб қўйди. Қиз, талвасасини беркитишга тиришгани ҳолда, келинбибисига қаради. Келинбибиси бу қарашнинг маънисини дарҳол англади ва кампирга жавоб қайтарди:

— Султонхонларники сал чучмал бўлиб турибди... Энди, меҳмонларимиз қаерга хоҳласалар ўша ерга олиб борамиз-да... Бўлмаса, шу ернинг ўзида яна ёзилишиб ўтирамыз.

Кампир ўринсиз саволдан яна тўхтамади.

— Султонхонларники нега чучмал бўлади?

Энахон билан келин, энди, ҳақиқатни очмоққа мажбур эдилар. Энахонга қараб олгач, келин давом этди:

— Султонхоннинг онаси бирдан нотоб бўлиб қолибди. Қизини кеча олдириб кетган экан. Ўзи у ёқда; қандай бўлар экан деб турибмиз...

Салтанат энди оғиз очди:

— Биз, аравани қўштириб жўнасақ ҳам бўлар эди.

Шаҳарлик қизлардан иккитаси бу фикрга қўшилишди. Фақат Зеби, Салтанатнинг елкасига туртиб қулоғига секингина шивирлади:

— Мунча шошиласиз? Нимангиз қолибди шаҳарда? Неча йилда бир келиб ҳам тузукроқ ёзилмайликми?

Шу вақтда салом бериб мингбошининг қизи Фазилатхон келиб кирди. Ёшлар уни ўринларидан туриб қарши олдилар-да, дастархонга таклиф қилдилар. Қиз кўнмади, айвоннинг ёнгинасига келиб тўхтади, тик тургани ҳолда деди:

— Мен меҳмонларни айтгали чиқдим. Султонхон аям, оналари касал бўлиб, кетиб қолдилар. Ойим билан Пошшахон аям меҳмонларни ўзлари чақирадиган бўлишди. Бугун кечқурун албатта чиқасизлар.

Сўнгра, хайрлашиб чиқа бошлади.

Уни то кўча эшигига узата чиққан Энахоннинг бесаранжом кўнгли яна ўрнига тушган, ташвишлик юзларига севинч қизилликлари югурган эди.

## V

Акбарали мингбошининг белида кумуш сопли қиличи, устида зарбоб чопони бўлмаса, ҳеч ким уни амалдор демайди. Оддий кийимда кўрганлар ё — оддий бир қишлоқ бойи, ё Еттисув билан алоқаси бор қўйчи, ё бўлмаса яйлов томон билан иш кўрадиган туячи деб ўйлардилар. Чакка суяклари туртиб чиққан: пешона — бўйига тор, энига кенг ва ҳам узун-узун уч чуқур ажинга эга... Бурун ўртача, лекин қаншари паст... Кўз қисилиброқ келган, парда томирларидан икки-учтаси ва ҳам иккала кўзининг бир ёнида жиндақ жойи ҳамма вақт қизил; бир кўзида пича шапағлиқ асари ҳам бор... Ияк — кенг, жағ — сергўшт. Жуда сийрак бўлган соқол иякнинг ўртасидагина тўпланиб, эчкиники сингари, пастга томон сангиллаб тушган. Ўзи қорароқ хотин учраб бир чанг солса — ҳеч нарса қолмайди! Мўйлов ҳам, соқол сингари, сийрак. Уста Тўхташнинг «асрдийда» дукати икки кунда бир қириб турганлигидан лаб устида калта ва текис бўлса ҳам, умуман ўзи, яримидан кўпи йиқитилган дарахтзор сингари, хунук кўринади; икки учида олтитадан ўн иккита узун қил, сичқоннинг думидай, ингичка бўлиб пастга чўзилган... Дукат билан иккала томонга икки марта қўл тегизилса, у сичқон думларидан асар қолмайди, шу билан мўйлов масхарабоз кепатасидан чиқиб одам нухасига киради. Санъатига берилган уста Тўхташ таассуб деган нарсани йиғиштириб қўйиб, «санъат-санъат учун» деган назардан қараб... Акбарали мингбошига мўйлов тўғрисида ҳалиги таклифни қилган бўлса-да, шундай катта бир амалдор ҳам, халқнинг таънасидан кўрқиб, уста Тўхташнинг таклифини рад қилди. Шу билан у масхара мўйловлар, аялч бир кепатада, сангиллаганча қолиб кетдилар... Мингбошини бу баланд даражаларга кўтариб унинг воситаси билан ўз думоғларини ҳам чоғ қилиб турадиган шаҳардаги тўралар, унинг икки чаккасида сангиллаб турган у ингичка «какил»ларни «икки осилганлар» деб пичинг қилардилар... Бу соддадил «сарт»

амалдори мунингдек пичингларга тушунмаса ҳам, пичинг қилувчи тўраларнинг ўзлари машҳур рус адабининг<sup>1</sup> «Етти осилганлари»дан — ҳам сўзда, ҳам ишда жуда яхши хабардор эдилар...

Акбарали мингбоши, ўзи ёлғиз қолиб «виждони» билан қаршима-қарши келган вақтларида, Мирёқубнинг улуғ хизматларини инсоф билан эсга олар, унга ҳар тўғрида миннатдор бўлганини ўз «виждони» олдида иқрор қиларди. Чинакам, бурунги мингбошига яхши бир улоқчи отни олиб бергани учун эллиқбошиликка истеҳқоқ қозонганидан кейин, роса олти йиллик умри ўз қишлоғи билан мингбошининг маҳкамаси ўртасида дафтар кўтариб от чопиш, қишлоқдан одам ҳайдаб чиқиб катта йўлга сув септириш билан ўтди. Бу олти йилнинг мобайнида бир улоқчи отнинг эмас, неча улоқчи отларнинг ҳиссаси чиқарилган, бурунги беш-тўрт таноб ерга яна бир неча беш-тўрт таноб ер қўшилган бўлса-да, эллиқбошилик, ҳарқалай, меҳнат, уриниш ва югуриб йўртишни талаб қиладиган амаллардан эди... Шу учун, мингбоши, бир йил куз фаслида Остонақул бойнинг катта бир қовун сайил қилдирганини сира эсидан чиқаролмайди; Мирёқуб билан ўша сайилда учрашиб танишгани учун сайилни эсдан чиқаришга «виждони» йўл қўймайди...

Бу орада кўп нарсалар мингбошининг хотиридан фаромуш бўлганлар... У фақат, қовун сайилдан икки кун кейин Мирёқубнинг уйига икки арава қовун-тарвуз билан икки замбар узум, икки чораккина қайроқи буғдой юборганини эслайди. Агар хотираси янглиштирмаса, шундан кейин бирор ой ўтар-ўтмас, бир кун эрта билан кумуш камар боғлаб уйдан чиққанини, ундан бир кун бурун, кечаси, дарвозаси олдида шоп-шалопли бир миршабнинг пойлоқчи бўлиб чиққанини билади, Мингбоши бўлганидан кейин оз фурсатда Мирёқуб турган қишлоқдан ҳозирги ҳовлини сотиб олиб у ерга кўчиб борди. Бошқа гаплар аллақачон эсидан чиқиб кетган...

Юртнинг кекса одамлари, ўзаро сўзлашаркан, бу мамлакатда ҳеч бир хон ва хонваччанинг мунча узоқ юрт сўрамаганини сўзлайдилар. Маллахонлар, Худоёрлар, Насриддин беклар юрт устидан баҳор булутлари каби келиб кечган эдилар. Акбарали мингбоши, мана, 13 йилдан бери шу маснадида ўтиради; давлати, обрўси, нуфузи тобора ошса ошадики, камимайди.

— «Худо берган-да, худо! — дейишади кексалар. — Худо ол қулум деса ҳеч гап эмас».

Шундай-да, баъзи бир ёш-яланглар:

— «Худо ҳадеб шунақа инсофсизларга берар экан-да! Биз бечораларга ҳам бир нарса узатса-чи!» — деб қолишади.

Буни эшитган кексалар таёқ кўтариб ёш-яланг устига югуришади; бечора ёшлар таёқдан ўзларини олиб қочаркан, бир-бирларига қараб пичинг отишади:

— «Нимага қочасан? Худо сенга ҳам бераётир, олмайсанми?..»

Юртнинг кексалари бутун бу давлат, ҳукумат ва улуғлиқнинг бир оғиз гапини силлиқ ва ёқимли қилиб гапиролмайдиган содда ва тўнг одамга бирданига «насиб ва рўзий» бўлиб қолишида Мирёқуб аканинг катта хунари бор эканини яхши билишади. Шу учун, Мирёқуб ака кўча-кўйда кўринганда, унга берилмайдиган салом ва қилинадиган таъзимлар мингбошиникидан кам бўлмайди. Фақат шу қадариси борки, мингбоши у ёқ-бу ёққа жуда кам юради; юрса ҳам, маршабларини орқасига эргаштириб, кечаси юради; кундузлари бўлса, фақат шаҳардаги улуғлар чақиртирганда, зарбоб чопонларини кийиб ва танти саманни йўрғалатиб ўтади. Унга салом бериш ва таъзим қилишдан белларга оғриқ келмайди; чунки, ойда бир, ўн кунда бир эгилиб қўйиш ҳеч гап эмас. Аммо Мирёқуб аканинг юриши кўп! У, аксари, пиёда юради; юрганда ҳам, негадир, шошилиб юради. «Ассалому алайким» деб, дона-дона қилиб, салом берсангиз, шошилганидан бўлса керак, «васс...» дебгина кўяди. Шу билан бирга, сиз томонга бўйинни қийшайтиб жуда кичиклик билан алиқ олади, доим кулумсираб турган кўзларини сиз томонга қиягина бир ташлаб олиб, йўрғалаганича ўтиб кетади... Жинқарчадай, ҳаммавақт ва ҳар қайда кўриниб қоладиган ва «асл мингбоши»га салом бермоқдан белларингиз толади...

Дўкандан ҳар нарса топиладиган бир боққолга «фаранг боққол!» деб ном қўйган кексалар, ҳар ишда кўли бўлган бу одамни «Мирёқуб эпақа» лақабини

<sup>1</sup> Леснид Андреев



бериб хато қилмаганлар. Узлари ҳам бу лақабнинг тўғрилигини осонгина исбот қиладилар:

— «У аралашмаган иш эпоқага келмайди...»

Мингбошининг ер-суви шу қадар кўпки, ҳисобини ўзи ҳам билмайди. Лекин, худо, бу севгили қулига давлатни икки қўллаб узатса-да, фарзанд тўғрисида бироз ўксутуб қўйган. Дарҳақиқат, катта хотинидан бўлган қизи Фазилатдан бошқа унинг фарзанди йўқ. Мунча катта давлат кимга қолади? Етти ёт бегоналарга, зурриёти йўқ аёлларгами?.. Мингбоши, мана шу аламга илож ахтариб бўлса керак, бир-икки йил ичида ёш хотин олди. Боладан дарак йўқ... Шу учун, баъзида, ўзи ёлғиз қолиб меҳмонхонага беркинганида ва ҳатто ўз соясининг ҳам эшитмоқ эҳтимоли қолмаганда:

— «Бу қиз ўлгур ҳам бошқадан бўлмасин...» — деб қўяди...

Мирёқуб, унинг — ёши анчага бориб қолганда бундай хотинпараст бўлиб кетишига шу фарзанд хусусидаги ноумидлик сабаб бўлмадимикан? — деб, баъзи-баъзида ўйлаб қўяди. Бир кун, нойиб тўраникида (уезд ҳоқимининг ўринбосариникида) ичкилик қилиб ўтиришган эдилар, ичкилик қўйилмасдан олдинроқ нойибнинг онаси ўз неварасини олиб кириб қолди. У — тилла сочли, тарвуздай думалоқ, ўзи лўппигина ва оппоқ момикдай бир бола эди. Мингбоши болани дарҳол қўлига олди ва, ўз ақидасича «кофир»нинг ва «ўрус»нинг боласи эканига қарамай, маҳкам бағрига босиб ўпди... Бола мингбошининг башарасидан қўрққан бўлса керак, жон аччиғида йиғлай бошлаган эди... Болани олиб чиқиб кетдилар. Шундан сўнг мингбоши, бир-бир устун қўйиб ича берди, ича берди, ича берди... Мирёқубнинг ҳимоялари, ишоратлари, уй эгаларига эшитдирмай қилган танбеҳлари, ҳатто дўқлари... ҳеч бир таъсир қилмади. Мингбоши, тамом маст бўлгач — «болани олиб келинглар» деб сўради. Боланинг онаси, бу бадмаст одамга ўз тўқлисини бермоқ истамас эди. Ниҳоят, мингбоши ялиниб-ёлвориб сўрамоққа мажбур бўлди. Ҳатто, кўзларига ёш олди... Сўнгра, нойибнинг амри билан болани уйғотиб келтирдилар. Фақат, бу вақтда, мингбоши ўзидан кетиб диванга ағанаган эди...

Фарзанддан ва эсдан маҳрум, лекин ер-сув, пул ва бошқа бойликка кўмилган бу одамнинг бутун борлиги Мирёқубнинг қўлида эди. Ердан чиққан ҳосилнинг қанчаси ўз қўлига кириб, қанчаси Мирёқуб омбурига тўкилганини мингбоши ўзи ҳеч қачон билган эмас. Керак бўлганда, мингбоши, Мирёқубдан пул сўраб олар; ун, гуруч, гўшт-ёғ ва рўзифорнинг бошқа керакларини бўлса, ичкарининг талабига қараб, яна Мирёқуб тайёрлаб берар; шу учун, жонининг роҳатидан бошқани билмаган мингбоши нарисини суриштирмас эди.

Мирёқубнинг топиши, ёлғиз, шу мингбоши орқали бўлса унга «эпоқа» номини қўйиш тўғри бўлармиди? Мирёқубнинг қилмаган иши йўқлигидан шу номни берган эдилар. Қишлоқда иккита боққоллик, битта қассоблик дўкони, гузарда иккита самовар бор. Билган одамлар, шу беш муассасадан тўрти Мирёқубнинг кучи билан айланганини сўзлайдилар. Шаҳарда, катта йўлнинг бўйига — қўрғон ташқарисига — бир янги пахта заводи тушди; заводнинг каттакон бир пахта саройи ҳам борки, пахта терим вақтида уч торози билан пахта олади. Ана ўша заводга ҳам Мирёқубни шерик дейдилар. Воқеан, унинг икки филдиракли сариқ фойтунчаси ва сариқ йўрғаси, аксар, завод олдида боғланган бўлади. Пуллларини шаҳардаги катта банклардан бирига ўтказди... Шу билан бирга, унинг бирор чақалиқ тўлаганини, бирор касбга бирор марта «қизил қоғоз» (патент) олганини ҳеч ким билмайди.

Мингбошининг бошига не қора кунлар келмади! Яхши адвокатлар томонидан битилган ғалати аризалар қандай терговчиларни келтирмади! Қандай зўр тўралар чақириб сўрамадилар! Ҳоқим, неча марталар, ғазаб билан чақиртирмади! Ундай вақтларда, мингбоши, Мирёқубнинг таълими билан, ҳамма саволларга «билмайман» деб жавоб берар, ёки бирор айб-иснод қилинса, тониб тураберарди. Расмий сўроқлар бу хилда борганда, орқада Мирёқуб ғайри расмий йўллар билан сўроқ берар; бир-икки кун шаҳарда қолиб қишлоққа қайтганида мингбошининг устидан ҳар қандай оғир тоғ ҳам ағанаган бўларди. Мингбоши қайси бир тўраникига борса, Мирёқуб албатта биргалашиб боради, «бу нимага керак?» деб сўраган одам йўқ. Ахир, Мирёқуб амалдор бўлмаса, лоақал мингбошига мирза ё тилмоч бўлмаса, ўзи ўрус тилини тузук-қуруқ билмаса... Нега мунақа мингбошининг кетидан элчиб юради? Нега?...

Мирёкубнинг кўп умри мингбошиникида ўтади, ўзининг ҳовлиси ҳам шу қишлоқнинг ўзида-ку, лекин чекарақ жойда. Кечалари унинг ҳовлисида бир-икки миршабнинг пойлоқчилиқ қилиб чиққанини гапирадилар, фақат муниси ўз кўзи билан кўрган киши йўқ: бўлса ҳам очиб гапирмайди, ё... гапиролмайди!

\* \* \*

Бир кун, Мирёкуб, нойиб тўранинг уйида эди. Бу сафар олиб борган ҳадяси тўрага ниҳоят даражада ёқиб кетган бўлса керак, тўра уни узоқ олиб ўтириб кўп нарсаларни гапириб берди. Тўранинг тили чарчаб Мирёкубнинг оғзида биринчи эснаш асарлари кўринган эдики, ташқаридан бир одам кириб келди. Икки томон ёқасига тилладан болға сурати ўрнатилган — новча бўйлик, мош-биринж соқоллик, хуш мўйлов ва бир кўзи жиндақ ғилайдан келган бу кулар юзли одам маъруф инженерлардан эди. Нойиб тўра билан бетакаллуф кўришди. Мирёкуб билан кўришиб ўтирмасдан тўппа-тўғри столнинг тўрисида ўтди ва, юмшоқ курсини бир қўли билан қаттиққина қимирлатиб кўргандан кейин, аввал билагидаги тилла соатга қаради, сўнгра «да-а» деб чўзиб қўйиб, курсига ўзини ташлади.

Шундан кейин нойиб тўра Мирёкуб томонга ишорат қилиб ва янги меҳмонга томон бурилиб:

— Бизнинг Мирёкуб билан танишмисиз, азизим? Ноёб одамлардан! — дегач, у одам ўтирган ўрнида секинга бош силкиб қўйди. Мирёкуб ғурурининг калтакланишидан келган бир заҳарханда билан кулди, инженер эса бурунги кулар юзини ҳам нўқталаб олди... Муниси нойиб тўра яхши пайқади шекилли, Мирёкубга, худди меҳрибон отанинг сеvimли боласига қарай турган қараш билан, илиқ ва мулойим кулиб бир қаради. Мирёкуб ҳам эрка ўғулдай муқобила қилди. Шу билан бу суҳбатнинг Мирёкуб аралашган кўринишларига парда тортилди-да, иккала билимдон сўзга тушди. Инженер булбул сингари сайрай кетди, сайрай кетди!

Мирёкуб адвокат халқининг маҳмадоналигини биларди, бу одамнинг адвокат эмас — инженер бўлганини ҳам ажрата оларди. Шу учун, бошда, уларнинг тобора қизишаётган суҳбатларига у ҳам қизиқиб қаради. Кейинча тўра ҳам, — меҳмондан юқдими, нима? — Тилларини бурро қилиб сўзлашга, меҳмоннинг кўп даъволарини акси даъволар билан синдирмоққа тушиб кетгач, бизнинг Мирёкуб секингина қўл узатиб, столнинг бир четига турган катта бир китобни олди. Китоб сурат билан лиқ тўла эди, ҳеч шарпа қилмасдан уни битта-битта варақлай бошлади.

Тўра Мирёкубни унутди, гўё у бу ерда йўқ каби... инженернинг оғзидан, баъзи-баъзида, сартларга оғир келатурган сўзлар чиқиб кетгандагина, тўра, бояғи қараш билан Мирёкубга қараб қўяр, лекин ундай фурсатларда унинг икки кўзи китобда бўлса ҳам икки қулоғи, аврашга тушган илондай, диккайганини тўра билмас эди.

Узоқ чўзилган бу суҳбатда Мирёкубнинг қулоғи бир марта жуда ғалати диккайди, ҳатто унинг қопқора чиройлик кўзларида аллақандай сеҳрлик оловлар ёнди. Унинг боши ҳам китобдан кўтарилиб, юзларидан енгил бир қизиллик ёйилиб ўтди. Уша жойда сартларни камситатурган гап ўтмаганлигидан бўлса керак, тўра ҳам узр сўраган қараш билан Мирёкубга қарамади. Иккала суҳбатдош, ўша жойда Мирёкубнинг қулоқларини диккайтирган сўзларни, унга ва у мансуб бўлган халққа алоқасиз бир нарса деб қарадилар шекилли, худди Мирёкуб шу ерда бўлмагандай, ўз ораларидагина ўтказиб юбордилар.

Инженер туриб чиқиб кетгандан кейингина, Мирёкуб, ўрнидан турди ва кетишга ижозат сўради. Тўра, у билан хайрлашаркан, инженернинг бояғи камситишлари учун яна тағин узр сўраган бўлди. Мирёкуб фақат кулубгина қўйди, бошқа ҳеч нарса демади. Тўра, бу кулушни Мирёкубнинг хурсанд ва рози эканига йўйди ва кўнгли ўрнига тушди.

Фақат Мирёкубнинг кўнгли бир неча кунгача ўрнига тушгани йўқ. Бир инженернинг (у, ахир, нойиб тўра сингари катта амалдор эмас!), наҳояти бир инженернинг бир-икки марта сартларни камситиши Мирёкубни шунча безовта қилдимиди? Йўқ, унақа камситишлар ҳар қадамда бор! Ҳаммасига безовта бўла берса, Мирёкуб бечора тўрт кунда сил бўлиб қолмайдими? Йўқ, йўқ! Камси-

тишлар ўша оннинг ўзидаёқ унутилган; ўтган йилги қордек эриб йўқ бўлган, баҳордаги ёмғир каби асари ҳам қолмаган...

Инженер ўша суҳбатда янги — ҳали сир бўлган! — бир хабарни айтиб эди; шу шаҳардан бошлаб фалон-фалон жойларга поезд йўли тушар экан. Бир ширкат планларини Петербургдаги катта маҳкамаларга топширган, улар тасдиқ қилишга ваъда берганлар. Аллақайси бир банка пул бермоқчи бўлган, текшириш учун яқин орада инженерлар чиқар экан. Иморат — бино ишларига ўша инженерни чақирганлар.

Мирёқуб поезднинг қаерлардан ўтишини билиб олган эди. Ўша суҳбатда унинг қулоғи бир диккайди, жуда ажойиб диккайди лекин! Ана ўшанда поезднинг ўтиш жойларини миясига жойлаштирган эди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас безовталиқ ҳаракатга ва ишга айланди. Бир ойга етар-етмас, ўша келажак поезд йўли бўйларидан Мирёқуб жуда кўп — бир неча юз десатин — ер сотиб олди. Ерларнинг ҳаммаси деярлик сувсиз, нообод, ташландиқ ерлар эди. Шунча кўп ерга қанча оз пул кетди. Кўплар бу шошилиш савдони билмадилар, билганлар Мирёқубни «жинни бўлибди» дедилар...

Ширкат поезд йўли солишга ижозат олиб тайёргарликларига киришгандан кейингина, Мирёқуб, қилган ишини нойиб тўрага айтди.

— Сен худди бир америкаликка ўхшайсан, Мирёқуб! — деди тўра. — Лекин кўнглинга оғир олма: чакки шу сартия ичида туғилиб қолгансан!

Мирёқуб кўнглига оғир олиш тугул, бу гапга севинди балки, юзларига яна ўша енгил қизиллик югурди.

Янги йўлнинг аллақайси бир жойида кўз илғамас бир чўл бор эди. Чўл... қупкуруқ чўл... Сув — пастда... чуқурда. Атрофдаги деҳқонлардан баъзилари у ерни экин ерига айлантириш учун турли даврларда якка-якка уриниб кўрган, лекин ҳамма қилган меҳнатлари бекор кетиб, у ердан ҳафсалалари пир бўлганиди. Ҳали ҳам у чўлда унумсиз қолган одам меҳнатининг асарлари, тўғриси харобалари, кўринад: ариқлар... экин поллари... марзалар... бир неча туп қуриган тут дарахтчалари...

Мирёқуб оз пул, кўп усталиқ сарф қилиб ўша чўлни ўз номига ўтказди. Фақат, бу вақтларда поезд йўлининг режалари тортила бошлаганидандан, одамлар Мирёқубни «жинни» демадилар, балки «бу — бир нарсани билиб қилади» дедилар.

Поезд йўли солиниб битмасдан туриб у чўлга неча тегирмонлик катта сув чиқди. Аввало ўз чўнтагининг, қолаберса — отахони мингбошининг ёрдами билан чўлнинг ўртасидан катта бир ариқни ўтказиб кўйди. Шундан кейин ерсиз деҳқонларига чек бўлиб бера бошлади. Кўп ўтмай у ерда бир қишлоқ пайдо бўлди ва сув чиқарган одамнинг шаҳардаги отахони номига аталиб «Парпи чеки» бўлди (нойиб тўранинг номи Федор, сартлар «Парпи тўра» дейдилар). Кейинча чўлнинг бир четига поезд станцияси тушди, ёни — берига чойхоналар, дўконлар, саройлар солина бошлади. Поезд йўли очилгандан кейин ўша жойдан пахта заводи учун ер танладилар. Булғориялилардан иборат уч кишилик бир ширкат яна ўша жойдан анча ер сотиб олиб каттакон бир мевалиқ боғ ва зўр сабзавот полизи вужудга келтирдилар.

Ҳарқалай, поезд ўтгандан кейин, бир неча йил орасида Мирёқубнинг қўлида жуда оз ер қолди, ҳаммаси ҳар кимга ўтиб кетди. Мирёқуб ерни унча севмайди, ер қўлдан чиқса хафа бўлмайди. Шунча ер қўлдан чиққан бўлса унинг бараварига қанча давлат қўлга киргандир мунчи худо билади-ю, худонинг севимли бандаси қора кўз Мирёқуб билади!..

\* \* \*

Мингбоши, ўзининг рус мирзаси Соколов, иноқ миршаби Мирзобоболар билан бирга саман йўрға устида ўз дарвозасига келиб тўхтаганда қоронғи тушган, кўчада ўйновчи болаларнинг оналари эшик тагига чиқиб «бемаҳалда бас энди!» дея тергай бошлаган эдилар. Мингбошининг оти тўхтар-тўхтамас ташқаридаги миршаблар югуришиб бориб дарвозани очдилар; катта дарвозанинг бир қанотидан чиққан ингичка қийтиллаш овози муаззинларнинг хунук ва қўпол товушларига қоришди... Бу овозлар орасида болаларига қовушган

сигирларнинг оғир мўълашлари билан оналарини соғинган бузоқларнинг эрка маълашлари мунгли ва ёқимли эшитиларди. Мингбоши отдан тушар-тушмас сўради:

— Мирёқуб келдимиз?

Мингбошининг мусулмон мирзаси Ҳақимжон қўл қовуштириб туриб жавоб берди:

— Ҳа, шу ерда. Меҳмонхонада ухлаб ётибди!

Мингбоши, ўзидан хурсанд, кулди:

— Ноинсофнинг кеч кирганда ухлашини қаранг! Бор, уйғотиб чиқ!

Икки миршаб мингбошини ешинтирмоққа бошлади. Мингбоши, ҳали ҳам бояги кулишида давом этарди:

— Оббо бетовфиқ-эй! Номозшомда ухлаганини!

Меҳмонхонадан кўзларини уқалай-уқалай Мирёқуб чиқиб келди. У, ҳали айвондан тушмай туриб:

— Ҳорманг, хўжайин! — деб қичқирди.

Мингбоши, яна ўша кулиш билан, ўтирган жойида унга томон эврилди:

— Ҳа, худо беҳабар! Нима бу бемаҳал уйқини?! Намозшом пайтида-я?

— Ҳа, хўжайин шунақа... Сизни кутиб ўтириб ухлаб қолибман.

— Қачон келиб эдинг?

— Кеч пешинда. Шундан бери йўлингизга кўз тутиб ўтирибман.

— Қани ўтирганинг? Уйқини урибсан-ку! Қани, нима гаплар бор? Янги гаплардан гапир.

— Янги гапни сиздан эшитамиз. Шаҳарда эдингиз. Кимларни кўрдингиз?

— Кимни кўрардим? Нойиб тўрани кўрдим.

— Нима гап экан?

— Нима гап бўларди. Берироқ кел!

Мингбошининг бу амри билан унга томон бораётган Мирёқуб, миршабларга ишорат қилди; улар узоқлашдилар. Шундан сўнг мингбоши овозини пасайтириброқ сўзлай бошлади:

— Қум ариқнинг пайновидаги деҳқонлар менинг устимдан ариза берганга ўхшайди. Афтидан: «ҳамма сувни мингбошининг ерлари ичадию бизга тегмай қолади. Шунақа қилиб, неча йилдан бери экинларимиз қуриб кетаётибди» деб арз қилишганга ўхшайди. Нойиб тўранинг сўзидан шу маълум бўлади...

Шу ерга келганда мингбошининг қовоғи солина бошлаган эди; қисик кўзларининг тез-тез юмулиб қалтирагандай бўлганини Мирёқуб ҳам пайқади.

— Хўжайин, — деди у, — хотиржам бўлиб, битта-битта гапириб беринг! Ҳеч бокиси йўқ.

Мингбоши, унинг бу сўзларига қунт қилмасдан заптлик бир овоз билан сўради:

— Кимнинг иши бу? Қани, айт-чи!

Мирёқуб, мингбошининг ҳеч бир сўзини бирданига қайтарган одам эмасди. Шу учун бу сафар ҳам, эски одатича, айланма йўл билан жавоб беришга бошлади:

— Кимнинг иши бўлса ҳам билмай қўймаймиз. Илгари нойиб тўранинг муомиласини, сизга нималар деганини гапириб беринг.

— Қайси хотин талоқнинг иши, дедим мен сенга!

Мингбоши, овозини бироз кўтара тушган эди.

— Нойиб тўранинг гапидан билинади ўзи, — деди Мирёқуб. — Сиз, бўлган гапларни айтиб беринг!

Мингбоши яна ҳовуридан тушмаган эди. Шундай бўлса ҳам, ўша жоҳил овози билан, Мирёқубнинг саволларига жавоб берди:

— Нойиб тўра айтади: Мен сени яхши биламан, дейди. Сен фуқарони яхши кўрадиган одамсан, дейди. Башарти аризада битилган гаплар рост бўлганда ҳам сени айблашга қўнглим бормайди, дейди... Ерларингга қарайдиган мутасаддилар шундай қилса қилишгандир. Ушаларни чақириб тайинлаб қўй; сенинг ерингга икки-уч марта сув берганда бир-икки марта уларникига ҳам бериб қўйсин. Одамларнинг экинини қурутиб юбориш яхши эмас, дейди. Билдингми энди ариза берганнинг кимлигини? Қани айт-чи!

— Бу гаплардан ҳали билиб бўлмайди. Бошқа гапларини айтинг!

— Бошқа гапи йўқ. Бўлса ҳам эсимда туради дейсанми?

— Уйланг. Мен унинг ҳамма гапини билишим керак...

— Билсанг била қўй: ўша тарафларда Ёдгорхўжа, Умаралибой деган обрўйлик одамлар бор, дейди; уларнинг ҳам кўпгина ер-сувлари бор, яхши эмас, дейди. Қора фуқаро бўлса — иш бошқайди, дейди; мен дейди, фуқаронинг гапига қулоқ солмайман... Аммо-лекин юртнинг эслик, обрўйлик одамларини хафа қилманглар, дейди...

— Ана, холос, кўриниб турибди: ариза берганларнинг бошида Ёдгор эски билан Умарали пучуқ турар экан! Нойиб тўра оп-очиқ айтиб берибди!

Мингбоши кулди:

— Эсингга қойилман, бетовфиқ! Шунча эсинг бору намоз ўқумайсан!

— Сизга эргашиб шундай бўлдим-да!

Мингбоши, энди жуда ёйилиб кулди.

— Оббо, бенамоз-эй! Гапдан тоза берган сенга, худо! Шайлайсан, шайлайсан!

Яна овозини пасайтира тушди:

— Ёдгор эски билан Умарали пучуқнинг бир одобини бермасам, кўнглим тинчимайди. Бир иложини қил! Сенга айтаман!

— Хўп, хўжайин! Шошманг, мен яна бир суриштирай.

— Суриштиришнинг нима кераги бор? Ўшалардан бошқа ким қиларди?

— Эҳтиёт шарт, хўжайин! Одоб бериш қочмайди... Масаланинг тагига етайлик, балки бошқа гаплар ҳам чиқиб қолар...

Мингбоши, бу сўздан шубҳага тушди:

— Нима дединг? Бошқа гап ҳам чиқиб қолади, дедингми? Бу — нима деганинг?

— Эҳтиёт шарт, дейман мен! Эҳтиёт! Яхшироқ суриштираман яхшироқ биламиз-да, ахир! Сизнинг ишингиз бўлмасин, мен ўзим икки кунда тагига етиб сизга арз қиламан.

— Ҳа, майли, суриштир! Судрама лекин! Ҳа!..

Мингбоши, шу жойда, ўзининг Мирёқубга эътимодини кўрсатмак учун унинг елкасига уриб-уриб қўйди.

— Бўлди, хўжайин, хотиржам! — деди Мирёқуб.

Иккаласи ҳам жим бўлдилар. Бироздан сўнг, мингбоши, миршабларга қараб бақирди:

— Ким бор, ҳай!

Ҳақимжон югуриб келди.

— Бор, овқатдан хабар ол! Қорин очди!

Ҳақимжон югуриб ичкари томонга кетгач, мингбоши Мирёқубга юзланди.

— Қани, гапир энди, сен нима хабар топиб қўйдинг?

Мирёқуб дарҳол жавоб берди:

— Тўй.

Мингбоши бу биргина, лекин кутилган сўзга бироз ҳайрон бўлди.

— Тўй?

— Ҳа, тўй!

— Нима тўй? Ким тўй қилибди?

— Мен тўй қилмоқчиман...

— Сен? Кимга?

— Сизга!

— А, бенамоз-эй! Менга?

— Ҳа, сизга.

Мингбоши, бирдан гапнинг суръатини тортди:

— Қўй энди, битта-битта гапириб бер: нима гап ўзи?

Мирёқуб яқин ўтириб сўзлай бошлади:

— Шаҳардан бир худо бандасининг иккала дунёга арзийдиган бир қизи бор экан!

Мингбоши, эркин-эркин кулди:

— «Товба» де, бетовфиқ! «Астоғфурулло» де!

Мирёқуб, астоғфурулло ўрнига уят бир сўз айтди. Мингбоши бешбаттар ёйилиб кулди.

— А, баттол-эй! А, баттол-эй! Худо урди сени! Худо урди энди!.. — деди у.

Мирёқуб аста-аста давом этди:

— Узи ўн беш-ўн олтида экан... Жуда етилган вақти...

— Унақа етилганлар қишлоқда ҳам кўп.

— Унинг бошқа бир хосияти бор экан...

— Хўш?

— Жуда яхши, булбул сингари, ашула қилар экан. Овози Довуд пайғамбарники сингари, дейдилар...

Мингбоши, яна кулди.

— «Саллалло» де, бетовфиқ! «Саллалло» де!

— Қазосини айтаман бирийўла! — деди Мирёқуб. Сўнгра давом этди:

— Шуни сизга олиб берай дейман.

— Одамлар айта беради. Узинг эшитдингми овозини?

— Йўқ! Менинг хотиним, қизим эшитиб ҳар кун махташади. Ҳамманинг оғзида шу...

— Одамларга ишонма, дедим-ку! Бу одамлар, тегирмончи Шамсиддинни ҳам яхши кўшиқчи деб, ер — кўкка сиғдирмай махтайдилар. Овозини эшитгандирсан! Эшак ҳанграса ундан авло...

— Хўжайин! Узингиз бир эшитсангиз эди...

— Бўлмайдиган гапни гапирма!

— Нимага бўлмасин? Қиз ўзи ҳозир шу ерда, қишлоғимизда. Катта хотинингизга айтинг, меҳмон қилиб чақирсин. Эшитасиз...

— Қишлоқда? Кимникида?

— Холматникида.

— Шу Холматникида? Шу ўзимизнинг Холматникида-я? У бечора очидан ўлолмай юрибди, меҳмон чақириб нима қилар экан? Питини бериб боқадими?

— Шу учун сиз чақиртирсангиз — Холмат ҳам хурсанд бўлади, меҳмонлари ҳам.

— Ундай бўлса мен катта хотинимга айтайин, чақиртирсин. Эштайлик...

Мирёқубнинг қулоғига эгилди:

— Каттанинг рашки келмас-а? — деди.

— Энг кичигидан бошқа ҳеч қайсисининг рашки келмайди. Ҳарқалай катта хотинингиз эликроқ.

— Йўғаса, — деди мингбоши ўрнидан туриб: — мен бир ичкарига кириб чиқай. Овқатдан ҳам шу чоққача дарак бўлмади. Сен туратур, кетиб қолма!

Ичкарига томон аста бориб юра бошлади. Ҳали ҳам, бояги одатича, хурсанд бўлиб кулар ва бирушта:

— Оббо бетовфиқ-эй!.. — деб сўзланарди.

Мингбоши ичкарига кириб катта хотинини чақирганда, меҳмонлар, Пошшахоннинг уйида сертакаллуф бир дастархон устида эдилар. Дастархон солиб хизмат қилишмоқ учун чиққан Умринисабинини, бир нарсадан гумонланиб, Пошшахон қувиб чиқарган; у Зебининг бошига келажак фалокатни унга ёки унинг яқин ўртоқларига қандоқ қилиб айтишини билмасдан ўз уйида парвона сингари айланарди. Пошшахон билан Ҳадичахоннинг бошлари осмонда; Султонхоннинг катта, даранглаган уйлари бўм-бўш; ўзи бу ҳангомалардан хабарсиз; дуторчи қизлар, ҳалитдан, дастархон йиғилмай туриб дутор созламоқда эдилар...

Мингбошининг чақирғига бирдан иккала хотин «лаббай!» деб югурди. Фақат, мингбоши, катта хотинига ҳимо қилиб:

— Биттанг кел! — деди.

Пошшахон орқага қайтди, лекин бу суҳбатдан кўнгул узолмасдан яқин бир жойга беркиниб турди...

Мингбоши, одатда, хотинларга калта гапирар, улар билан эзилиб ўтиришни ўз эркаклик шаънига сиғдирилмас эди...

— Холматникига келган шаҳарлик меҳмонларни чақиртириб яхши бир зиёфат қилинглар, — деди у. — Шаҳардан келиб Холматнинг қуруқ нонини еб кетса яхши эмас!

Сўнгра, Ҳадичахоннинг жавоб беришини кутиб ўтирмасданок:

— Овқатинг нима бўлди? — деб сўради. — Жадаллат! Қорин оч!

Ҳадичахон мулоим кулумсиради:

— Меҳмонлар бизникида, шу учун овқатимиз бугун кечроқ бўлади. Мен сизларга нон-чой чиқараман.

Мингбоши, меҳмонларнинг ўз уйида эканини эшитиб ҳайрон бўлди:

— Меҳмонлар шу ерда? Қачон келишди?

— Намозшомга яқин.

— Яхши, Яхши.

Бир оздан сўнг яна такрор қилди:

— Яхши... Яхши...

Сўнгра бирдан:

— Ашулачиси борми, йўқми? — деб сўради.

— Бор, — деди Хадичахон.

— Ашула қилганда мени чақиртир! Дурустми? — Шу сўзни айтгач, хотиннинг жавоб беришини кутмасданок, бурулиб, ташқарига томон юрди.

Бутун умрларида деярлик бундай сертакаллуф зиёфатни кўрмаган ёш қизлар, такаллуфга яраша бетакаллуфлик билан, ўлгудек қутуриб ўйин-кулги қилдилар. Ҳориб-чарчаб, зўрға-зўрға оёқ ташлаб қўшхоналарига қайтган вақтларида ярим кечадан анча ўтиб қолган эди. Уйда қолган икки кампирга — саҳар туриб аравани қўштиришга буюрдилар-да, ўзлари, кўзларини юмар-юммас оғир уйқуга кетдилар. Булар ёшликнинг бепарво қучоғида маъсум гўдаклардай, ҳар нарсадан хабарсиз тўлиб-тошиб ухларкан, сўри томонда икки кампирнинг ташвишли бир ун билан, алланега бесаранжом бўлиб пичирлашгани эшитиларди.

Уларнинг бири ўзимиз билган Умринисабиби бўлиб, севимли Зебининг ёш умрига қастланган ёмонлар тўғрисида гапирарди...

\* \* \*

Тонг ёришмасдан йўлга тушиб қишлоқдан чиқар-чиқмас ашулани баланд қўйган Зеби, неча йиллик ғам-ғашлардан тўрт-беш кун ичида ортиғи билан ёзилиб кетаркан, ўз орқасида ўйналаётган ўйинлардан хабарсиз эди. Кечаси Умринисабибидан Зеби тўғрисидаги ташвишлик хабарни эшитганидан кейин, Энахоннинг онаси, меҳмонлар жавдишган вақтда Салтанатни бир чекага чақириб ҳалиги хусусда огоҳлантирган бўлса-да, Салтанат, бу қадар ёйилиб ва қувнаб бораётган ўртоғини хафа қилмаслик учун унга ҳеч нарса демасликни эп кўрди, у тўғрида бу ёш қизга гап очиб унинг ёруғ таъбини хира қилмасдан ўз онаси орқали Зебининг онасига эшитдириб қўймоқчи бўларди. Мингбошиникида жуда сертакаллуф зиёфат еган бу ёш қиз, зиёфат берган жувонлардан жуда миннатдор бўлмоқ билан бирга, шундай қари ва ниҳоят даражада хунук одамга — яна кундош устига! — тушиб қолганлари учун уларга чин кўнгилдан ачинарди. Салтанат билан бирга, Зебининг ўзи ва бошқа ҳамма қизлар, мингбошининг давлати ва обрўси тўғрисида қанча махтов эшитган бўлсалар, унинг бадбашараликда ҳам тенгсиз бўлгани тўғрисида ўшанча ваҳималик сўзларни тинглаган эдилар. Қизлардан ҳеч бири мингбоши хотинларининг давлатига қизиқмаган, уларнинг толеларига кўз олайтирмаган, у давлатлар тўғрисида ўзаро гап очилганда аччиқ жирканиш билан: «давлати бошидан қолсин!» дея қичқирган эди. Салтанат, қизларнинг ашулаларига қўшилмасдан, ўз ҳолича оғир-оғир ўйлаб бораркан, ўзини хаёлида, — бир нафас учун! — мингбоши хотинларидан бирининг ўрнига қўйиб қаради... Устида, гўё хонатлас кўйлак, хитой товардан калтача, тоза беқасам камзул, қимматбаҳо шоҳирўмол, амиркон кавуш-масси... Кенг ҳовлида, даранглаган айвонлар ва сўлун уйларда, одамни чиройлик қилиб кўрсатадиган қалин тош ойнакларнинг қаршисида... Тилла билакузуклар, ёқут кўзли узуклар, хина билан чўғдай ловуллаб турган бармоқлар, сурмалик кўзлар... Хонтахта устида анвои ноз-неъмат; турли-туман мева-чева... Турган сари юмшариб, пишиб борадиган ва пишган вақтида оғизга солса эрийдиган ноклар... Қуванинг йирик донали ва нордон анорлари... Ҳалиги нокнинг энг тўлганини олиш учун дастархонга қўл узатар экан қўлини бошқа бир қўл келиб ушлайди... Унинг ҳам қизлик ҳаваслари уйғотади; юраклари, мулойим ва ёқимли бир талваса билан, дук-дук ура бошлайди: икки юзи, дастархон устидаги анор сингари, қипқизил бўлади... Энди, у, ўзининг «мингбоши хотини» бўлганини унутган; ёшликка хос кенг хаёл қучоғида бошқа

аламларга ўтган эди. Унинг қаршисида ўткур ва серҳавас кўзларини ўйнатиб ёш бир йигит турган каби бўларди... Бу қўл, албатта, ўша йигитнинг оч ва қайноқ кўлларидан ўзга эмасди... Ниҳоят, ёш қиз, ёш йигитга томон астагина қайрилади ва қайрилган ҳамон ўзидан кетиб қичқиради:

— Мингбоши!!!!...

Мунинг ҳолидан беҳабар ашула қилишиб бораётган қизлар, бу қичқириқни эшитгач, чўчиб тушдилар.

— Вой, нима бўлди, сизга, Салтанатхон? — деди Зеби.

Қизлар Салтанатни ўртага олдилар. У эса, икки кўли кўксига, ранги ўчган; ўзини Зебининг қучоғига ташлади. Сўнгра аста-аста кўзини очгач, ҳаммага бир-бир қараб олди; унинг бу қарашларида оғир бир ҳорғинлик бориди... Кейин кўзлари Зебига тикилди. Энди, у кўзларда, айбини яширган бир гуноҳкорнинг қарашлари телмирарди.

— Нима бўлди сизга, Салтанатхон! — деди яна Зеби.

Салтанатхон жавоб ўрнига кўлларини кенг очиб Зебига ташланди ва:

— Зебихон! Жоним Зебихон!! — дея, уни маҳкам қучоғига олди...

Қизлар — ҳайрон, ҳаммасининг кўзи уларда.

Салтанатнинг «мингбоши!..» дея қичқириши билан баравар аравани тўхтаган Улмасжон, от устида орқасига қайрилиб — қандай ҳодиса бўлганини англолмасдан — тангирқош назарлари билан қизларга тикилган эди. Икки қизнинг бир-бири билан қучоқлашиб «айланай, ўргулай» қилишлари ҳали-бери тугалмайдиган бўлгандан кейин, елкасини қоқиб яна олдинга юврилди ва астагина «чў» деб отини қамчилади. Сўнгра, у, кичкина бир анҳорнинг кечигидан отини суғоришга тўхтаган вақтида, Зеби билан бирга Салтанат ҳам шарақ-шарақ гапга тушган эди.

Шаҳарга киргандан кейин, қизлар ўз уйларига яқин жойларда битта-битта туша бошладилар; шу билан сафар охирида Улмасжоннинг Зебидан бошқа йўлчиси қолмади. Кўнгулларига ажиб ҳисларни бир-бирига билдирмоқ учун ҳали фурсат тополмасдан энтиккан бу икки ёш, энди ўн-ўн беш минут холий фурсат топганларида ортиқча талвасага тушган юраклари дастидан, нима дейишларини билолмай энтикардилар... Униси ҳам, муниси ҳам — бир оғиз айтолмади. Икки ёш кўнгулнинг шу топда кичкинагина бир тилаги бўлса, у ҳам — бир-икки маҳалла ўтгач, етиладиган ҳовлининг яна бир неча маҳалла нарига чўзилиши ё бўлмаса, кексалар айтганидек, «ер топар»нинг пичагина чўзилмай туриши эди. Ҳолбуки шаҳарга, ўзига ошна жойларга, ўз отхонаси бор ерларга келганини пайқаган ва қорни очқай тушган от, ошиқ-маъшукнинг кўнгил тилаklarидан беҳабар, қадамни илдамлатар; «ернинг топар» ўзидан-ўзи тортилиб борарди...

Арава Зебилар масжиди олдига етганда, Раззоқ сўфи, бир неча киши билан бирга, бошқа бир аравада қарши томонга ўтиб кетди.

— Отам бирор жойга кетаётганга ўхшайди! — деди Зеби, қувонганини яширолмади.

— Йироқроқ сафарга ўхшайди. Оқ йўл берсин! — деди Улмасжон ва юмшоққина кулди.

Шу топда Зебининг кўнглидан оғир бир тош кўчган эди!

## VI

Салтанатнинг онаси Зеби тўғрисидаги ташвишини унинг онасига эшитдириб кетганидан кейин, бир кун ўтиб Раззоқ сўфи қишлоқдан келди.

У, эшиқдан кирар-кирмас тўй тўққузини хотинига узатиб:

— Қизинг қани? — дея сўради.

Бу шошилинич савол, шўрлик онанинг бағрига тикандак ботди. Ранги дарров олинди...

— Нимага индамайсан, ҳай фитна! Нима бўлди сенга? — деди сўфи. Хотинининг аҳволига у ҳам кунт қилган эди.

Қурвонбиби тутулиб, зўрға-зўрға гап эплади:

— Шу ерда... шу ерда... қизингиз... — деди у.

Уч бўлиб айтилган шу икки оғиз сўзда ҳам бесаранжом бир жадаллик бориди. Эрининг бирор нарса дейишини кутмасдан, бечора хотин, бояги бесаранжомлик билан қаторисига уч саволни чизиб ташлади:



— Нимаиди? Нимага сўрайсиз? Чақириб берайми?

Бир-бир кетин ва шошилиш берилган бу уч савол, бир онанинг қалбида ёлғиз боласига қарши қандай зўр муҳаббат сақланганини Раззоқ сўфидай бир одамга ҳам керагича кўрсата олган эди. У, ясама бўлса ҳамки кулумсирагандай бўлди.

— Қизим бўладию сўрамайманми? Қизиқ экансан... Уйга жой қил, жиндак ором олай. Тўйга борган одам уйқидан қолади...

Қурвонбиби энди ўзига кела бошлади.

— Ким тўй қилибди?

— Бадавлат бир одам. Катта ош тортибди, лекин! Ҳаст эшонимизни чақирган экан, ҳаммамиз бирга бордик... Қиёмат сўхбатлар<sup>1</sup> бўлди!

Лекин, онанинг кўнгли ҳали ҳам тинчимаган эди:

— Зебини нимага сўровдингиз? — деди яна.

Энди бу сафар сўфининг аччиғи келди ва бирданига:

— Уз қизимни сўрайёлмайманми! — деб бақирди.

— Ҳа, бўпти... бўпти... Бақирмай қўяқолинг! — деди кампир ва шошилганича уйга кириб кетди.

Ҳовлида — ҳовуз бўйида каштасини тикиб ўтирган Зеби, отасининг келганини пайқамаган эди. Фақат бу — сўнги бақириш унинг қулоғига алайна бориб етди, ҳатто «ўз қизимни...» дегани жуда аниқ эшитилди. Шундан сўнг кўнгли безовта бўлиб, дарҳол ўрнидан турди. У, бу ёққа чиққан вақтида чол-кампир уйда эдилар. Шу учун, у, астагина сўричага бориб ўтирди ва, икки кўзи уйнинг эшигида, билинмаган бир кўнгил қоралиғи билан онасининг чиқишини кута бошлади...

Уйга кириб эшикларни беркитдиргандан кейин Раззоқ сўфи сўз очди:

— Зеби қачон келди?

— Сиз кетган куни...

— Икки кунга деб кетган нарса неча кун юрди, биласанми?

— Эшон ойим қўймаптилар...

— Эшон ойим!... Мендами ихтиёр, эшон ойимдами?

— Ўзингиз, ахир, майли, эшон ойимнинг райларига қарасин, демабми-дингиз?

— Эй, райлари қурсин, райлари! Ёш болани бир ҳафта — ўн кун сақлайдимми?

Кампир, нима дейишини билолмай қолди. Кечагина бутун ихтиёрини эшон ойимга бериб қўйиб бугун эшонойимнинг табаррук райларини ҳам сўкиб ўтирган бу жоҳил сўфига нима деб бўлади? Ҳар нима бўлганда ҳам боласини кўриш ўз зиммасига тушган кампир гап топиб жавоб қилмоққа мажбур эди.

— Шунча вақтдан бери уйда ўтирабериб юраги сиқилгандан кейин, ёш нарса, уч-тўрт кун яйрамайдими? Ўзингиз кўчадан кирмайсиз-ку!

— Мендай бўлганда юра берсин! — деб бақирди Сўфи.

Кампир ҳам бўш келмади, овозини кўтара тушиб:

— Сиздай бўлганда ҳам хотин киши бирор жойга чиқа оладими? — деди. — Бу рўзиғор ўлгурга ким қарайди? Танур қизитиб нон ёпадимми эркак деган нарса? Ё, ёш нарсани сил қилиб ажалидан беш кун бурун ўлдирмоқчимиз-сиз?

Аста-секин авж олаётган бу тажанг овозлар эрта қачон Зебининг қулоғига етиб, унинг талвасасини бешбаттар орттирмоқда эди. У — чидаёлмади: сўричадан туриб келиб уй дарпардаларидан бирининг таккинасига ўтирди. Энди, уйда ўтаётган гапларнинг ҳар бирини унинг қулоқлари битта-битта овлаб борарди.

— Кўп валақламасанг-чи, фитна! Қулоқ-миямни единг-ку! Жонимни чиқарма, ҳа!!!

Эрининг ўлгудек баджаҳл эканини Қурвонбиби яхши биларди. Бу — сўнги танбеҳни эшитгандан кейин, ҳатто Зеби ҳам, ташқарида ўтириб, бир томондан онасининг ташвишини торта бошлаган эди. Кампир, бирданига овозини пастлатди ва, мумкин қадар ўзини босиб туриб, сўради:

— Хўп, мана, шовқун солмайин. Сиз ҳам ётиғи билан гапириб беринг.

<sup>1</sup> Эшонларнинг зикр мажлиси.

Нимага ташқаридан кирар-кирмас Зебини сўрадингиз? Бир гап борга ўхшайди...

Бирдан бу қадар пасайган овоз Зебининг кўнглини онаси хусусида бир қадар тинчлатган бўлса-да, икки ўртада ўтаётган ва ўзига тааллуқли гапларни очиқ эшитдирмаганлигидан уни яна умидсизликка тушуриб, икки кўзини эшик томонга телмиртмоққа мажбур қилган эди.

— Берироқ кел! — деди Раззоқ сўфи.

Оддий овоз билан айтилган ва Зебига аниқ эшитилган бу икки оғиз сўздан сўнг уйдагиларнинг иккови ҳам пичирлашга кўчдилар. Энди Зеби ҳеч нарсани эшитолмай қолди. Қанча зўр бериб қулоғини дарпардага қўйса ҳам, дарпарда-нинг секин ғижиллаши билан бирга чол-кампирнинг пичирлашгани эшитилар, лекин нима деганларини сира уқуб бўлмас эди.

Курвонбиби эрининг қаршисига бориб ўтиргач, сўфи давом этди:

— Жувонмарг Зебинг, қишлоққа бориб, ашулани тоза қўйганга ўхшайди. Қишлоқ одамларидан кўп гапларни эшитдим... Аммо лекин тутиб олиб ўлдирсам озлик қилади жувонмаргингни!

Шу ерга келганда она бечора бир нарса демоқчи бўлиб эди, Раззоқ сўфи бақариб берди:

— Гапди эшит!...

Сўфининг «тутиб олиб ўлдирмоқчи бўлганини» чалапучуқ эшитган ва бу кейинги бақаришдан эса тамом хабардор бўлган Зеби, отасининг айтадиган қўрқинч гапини бир он аввал эшитмоқ учун энтикарди. Фақат, сўфи яна пичирлашга тушди.

— Мингбошининг ёни-берида юрадиган бир-икки киши мени холий топишиб, қиз ўлгурунг тўғрисида эҳтиёт билан гап очиб кўришди...

— Кимга? — деб сўрди кампир ҳовлиқиб.

— Кимга бўларди: мингбошига!

— Қайси мингбошига?

— Акбарали мингбошига! Сен танимайсан уни...

Кампир ўзини тутолмади. Юрагининг ҳовлиққани овозининг кўтарилишига сабаб бўлди:

— Мингбоши бўлса хотини бордир? Худо уриб кундош устигами?!

Бу бесарамжон саволлар қизнинг қулоғига жуда аниқ эшитилган эди. У, иккала қўлининг қандай қилиб кўкрагига бориб қолганини ўзи ҳам пайқаёлмади... Энди, унинг юраги, нотоб бўлган каби, жуда суст урмоқда; ранги оқарган, бутун вужуди латта каби бўшашган эди... Доволга суянганича, беҳол, ўтириб қолди.

Миясида, уч-тўрт кун бурун ўтган воқеалар жонланди. Мингбошининг даранглаган уйлари... Сертакаллуф зиёфатлар... Бир-бири билан бу қадар иноқ бўлиб кўринган кундошлар... Султонхоннинг бирданига орадан йўқ бўлиб қолиши... Сўнгра, мингбоши тўғрисидаги ҳар кимлардан эшитган гаплари, қулоқларида чинглай бошлади: у — ўлгудек хотинбоз... У — уч хотин олиб биргина қиз кўрган... Шунинг аламига чидай олмасдан ўзини ҳар балога уради... Давлати, бойлиги, ҳеч нарсаси-татимайди... Ўзи ўлгудак хунук, бадбашара... Одам кўрса кўрқади... Шундай бўлса ҳам қандай чиройлик ва момикдай қайлиқлари бор... Бечораларнинг шўри...

Сўнгра, бирдан унинг эсига аравадаги воқеа келиб тушди: Салтанатхоннинг бирданига «мингбоши» дея бақариши... шу баравар ранги ўчиб, ўзидан кетиб йиқилиши... Кўзини очгандан кейин ҳаммага бир-бир қараб олиб, мунга келганда, узоқ тикилиб, кейин бирданига ўзини мунинг кучоғига ташлагани... Сўнгра: илгари кунигина Салтанатхоннинг онаси келиб мунинг онаси билан алланималарни висир-висир гаплашгани... Шундан бери ўз онасининг бунга, ҳар дафъа аягандай бўлиб қарашлари...

Оҳ, шу топда Салтанатхон бўлсайди! Шу сирларни очиб бериб мунинг кўнглини тинчлантирмидикин? Балки, бу сирларни у ҳам билмас?.. Билса, аравада айтмасмиди? Йўл бўйи гаплашиб келиб ҳеч нарса демади-ку! Ё, ёширармикин? Яширса, унинг дўстлиги қаерда қолди? Одам дўст бўлармиди, қалай?

Бу ўйлар, Зебини, жон ўртоғидан фарсохларча йироқларга олиб кетдилар. Энди, у на Салтанатхоннинг кулар юзларига ишонади, на Энахоннинг... Шу

топда, у, ожиз бир махлуқ, қўли боғлиқ бир қул, ҳеч бир ишонадиган кишиси йўқ, ёлғиз ва ғариб...

Фақат, биргина кишининг уйда ўзи учун куйиб гапирганини ўйлади, шу нарса унинг кўнглига таскин берди. Она... ёлғиз она... Жоҳил ва бағритош бир отанинг чегарасиз қайсарлиги ва тескарилиги олдида ожиз бир хотин... нимжон бир кўнгул...

Ичкарида суҳбат давом этмоқда эди. Сўзнинг кетишига қараб, овозлар, дам кўтарилар, дам босиларди.

— Сиз нима дедингиз, сиз? — деб сўради кампир.

Унинг бу саволидан очиқ бир безовталиқ сезиларди: «Бу сўфи ўлгур унаб қўймадимикан!...»

Раззоқ сўфи, индамасдан, мийиғида кулумсираб турарди. Бу кулумсирашда, бир муғомбирлик асари, «мен бўламану индамай қоламанми?» деган ифодалар бориди... Кулумсираш билан яна ҳам хунукроқ кепатага кирган башарасини кампир томон кўтариб туриб:

— Уша бетовфиқ, бенамозга қиз бераманми, қалай? — деди.

Бу сўзлардан сўнг кампирнинг кўнгли бироз ўрнига тушди.

— Хайрият... шундай дедингизми?

Сўфи, бу дафъа нодон хотинини масхара қилиб кулди.

— Аҳмоқ! — деди у. — Уларинг аллақайлардан даромад қилиб келиб зўрға ипнинг учини чиқардию, мен «йўқ!» деб «томдан тараша тушгандай» жавоб бераманми?

— Ҳа, нима дедингиз?

— Иш қилиб мингбоши билан қуда бўладиган жойим йўқлигини яхши билишди... Яна нима керак?

Суҳбат тамом бўлиб кампир ташқарига чиққанида, Зеби, ҳолсиз ва дармонсиз дарпарда ёнига чўзилган; унинг ҳали жуда ёш ва жонли кўзларида кўп йиллик меҳнат ва қийналишларнинг оғир ва ҳорғинлиги кўринарди...

\* \* \*

Раззоқ сўфининг беҳуда тақводорликка суянган сўзлари ва Қурвонбибининг қайта-қайта ишонтиришлари ила, Зебининг кўнгли бир қадар тинчланди. Ҳовуз бўйида, ёш толларнинг кўм-кўк баргчалари остида, ҳали ҳам аллақандай белгисиз бир ташвиш ва ҳадиксираш билан сизлаб ётган кўксини юмшоқ шабадага бериб каштасини тикаркан, унинг ғамли овози ғамли куйларни шабадага қўшиб олисларга узатарди. Арава билан у ёқ-бу ёққа қатнайдиган Улмажон ўша кундан бери йўлни бу тарафга солганлигидан, бу ғамли овоз унинг қулоғига ҳам баъзи-баъзида кириб қоларди. Ёш йигит, отининг қоринбоғисини маҳкамроқ боғлаш баҳонаси ила, аравани довол ёнига тўхтатар; қўли от теграсида айлангани ҳолда, бутун вужуди, довол ошиб ўтаётган қадрдон ва ёқимли унни овлашга тиришарди. Бир кун, қамчиси белида бўлгани ҳолда, довол оша кўринган толдан хипчин синдирмоқчи бўлиб, арава устига чиқди; унда ҳам бўйи етмагач, тинч турмаган кегайларга оёқ қўйиб филдиракка тирмашди... Бир қўли билан доволга осилиб яна бир қўлини толга узатган вақтида кўз учи Зебига тушди, бу вақтда сайрашдан тўхтаган у тутқун қушча, бутун меҳрини каштанинг иланг-биланг кунгураларига қўйган эди. Утган-кетганлар гумонсирамасин деб, йигитча, кўз учи ҳамон ҳовуз бўйида бўлгани ҳолда, бир қўли билан кичкина бир тол новдасини синдиришга уринарди. Ниҳоят, кичкина новда қирс этиб сингач, Зеби ҳам бошини кўтариб қаради, доволда эркак кишининг қўлини кўрганидан кейин:

— Вой ўлақолай эркак киши! — деб кичқирди...

Ва ов еган қушдай, каштасини ташлаб ичкари томонга қочди. Бу хил натижани сира кутмаган ёш йигит, гаврони қўлида, ҳайрон бўлиб қолди. Фақат, ўша топда кўчадан ўтаётган бир тақводорнинг:

— Ҳой бола, туш бу ёққа! — деган совуқ овози уни саросималикдан уйғотиб юборди...

Филдирак устидан ўзини аравага ташлаган вақтида тақвадор йўловчи ҳали ҳам сўйланмоқда эди:

— Қандай беҳаё боласан! Капкатга тўнғиздай бўлиб қолибсану, шарму-ҳаё

қилмасдан, номаҳрам бир ҳовлига қарайсан-а! Сўфи кўргандай бўлса «гўш кетти» қилади. Ҳа!!

Ёш йигит икки бети қипқизарган ҳолда, эшитилар-эшитилмас бир овоз билан, зўрға-зўрға:

— Отимга гаврон синдирай деган эдим-да... — дея олди.

Сўнгра, ноумид қараш билан яна бир марта довол томонга кўз югуртгач, арава устидан отга ҳатлаб йўлига кетди.

Сўнги хабар билан юраги сиқилганини баҳона қилиб, бир кун, Зеби ҳам Салтанатларникига йўл олди. Зеби олдида ўзини айбдор санаган ва шу учун кўнглидан хижолат тортган Салтанат, ўртоғини ортиқ даражада зўр ҳурмат билан қарши олди. Унинг ўз ўртоғига қилган муомилаларида, ҳатто «пистоқи таъзим» қабилидан бир турли ясамалик асарлари ҳам кўриларди. Қишлоқдаги воқеаларнинг тагидан беҳабар бўлган Зеби, Салтанатнинг бу қадар меҳрибонлашганини — ўз кўнглида — бошқа нарсага йўяр ва... чин кўнглидан хурсанд бўларди... Нима учун хурсанд бўларди бу ёш қиз? У билардиким, Улмасжон Салтанатлар оиласининг ён қўшнисигина эмас, балки, она томонидан бир қадар қариндоши ва бу хонадоннинг энг қадрдон боласи. Сўнгра, Зебилар оиласи сингари; бу оилада ҳам эркак бола йўқ; шу учун қўшни ва қариндош бўлган бу бола — ҳамма вақт шу ҳовлида; У ҳовлидан кўра кўпроқ бу ҳовлининг дастёри ва югурдаги. У бола, энди, капкатта йигит бўлиб қолган... Ҳозир, уйлантириш тўғрисида айни оғиз соладиган вақтлари... Салтанат, ўзининг бу сеvimли қариндошига бу сеvimли ўртоғини олиб бермоқ истамайдими? Салтанатда бу истақ бўлгандан кейин, уни онаси билан катта онаси билмай қоладими? Онаси билан катта онаси, Зебини ёмон кўрадиларми? Ёмон кўрсалар ўз қизларини унга мунча жонажон ўртоқ қилдириб қўярмидилар? Зеби, Салтанатдан кўрган ихлосларни, ая, унинг онасидан ва катта онасидан кўрмаганми? Айниқса, шу сафар? Шу сафар Салтанат унинг теғрасида гир-гир айланган бўлса, у икки кекса хотин, ўз ёшларига яраша пир-пирашган эмасми? Зебидай бир қизнинг келин бўлиб келишини ким истамайди? Қайси ҳовли Зебини ўз кучоғига олишдан тортинади? Учта хотин устига мингбоши ҳам толиб бўлибди-ку.

Бечора қизнинг бутун шу ширин хаёллари шу биргина «мингбоши» сўзи келиб чиқиши билан, бирваракасига паришон бўлиб сочилади; тўкилган тариқ каби, ҳар томонга тизғираб кетади. Ҳалиги ширин хаёллар билан кулуб, тўлуб чўғдай қизариб турган юзлари, гармсёл теккан экин каби, бир нафасда сўлиб, ўлиб, учуғдай бўзариб қолади.

Ҳарқалай: сеvimли ўртоғидан ва унинг оналаридан кўрган ихлос ва ҳурматлари учун — ҳалиги мулоҳаза орқасида — Зеби хурсанд; унинг хурсандлигини кўриб, бу гуноҳларининг кечирилганини ё бўлмаса анча енгиллашганини ўйлаган Салти ва унинг оналари хурсанд. Иккала томон ҳам бир-бирининг кўнглидан беҳабар, шу хилда хурсандликка кўмилди.

Зебининг бу хурсандлиги, албатта, кузатган мақсадига эришмоқ билангина пойидор бўларди. У мақсад ҳам, довол ошув қадар зўр бўлмасдан, ниҳоят доволга осилиб гаврон синдирган йигитни бир кўришдан иборат эди... Фақат, чорбозорчи билан аравакашни уйда учратмоқ осон нарсами? Улмасжоннинг аравакашликка киришганига фақат тўрт ой бўлди; лекин шу тўрт ой ичида тўрт марта бутун кеча-кундузни уйда ўтказа олдимми? Саҳар чиқиб кетади, ярим кечада кириб келади; агар олисга кетмаса! Олисга кетса икки-уч кун ўтказиб келади. Боласининг дарбадарлигига ачинган она, ўша куни — Зеби Салтанатларникига борган куни:

— Ҳунар бўлмай ўлсин! — дея сўзланди. — Болам бечоранинг юзини кун ёруғида кўролмайман! Ишлаб-ишлаб топгани нима? Топиб келтиргани нима? Рўзғорга юк бўлмайди... Қаймоғини карвонбоши ялайди, албатта. Бу шўрликлар юргани-юрған, қатнагани-қатнаган; карвонбоши — оғзининг ели билан топади... Шуям инсофми?

Бунга отанинг ғаши келди:

— Мунча жоврайсан, ҳай! — деди. — Шукр қилсанг-чи! Қиморбоз бўлиб бор-йўғингни «гарткам»га берса нима қилардинг? Аҳмадалининг катта ўғлидай бутун рўзғорни ичкиликка совурса нима қилардинг? Ҳали ишга кирганига тўрт

ой энди бўлди. Ҳалигача оз топган бўлса, мундан нари кўп топар. Ҳали ёш, ишласин азроқ... Меҳнатсиз — роҳат борми, қалай!

— Ишга кирганига тўрт ой бўлди-ю тўрт йиллик чарчади, болам! — деди она. — Тўрт йиллик қариди болам! Бола туғуш, катта қилиш осонми? Кўча-кўйда юриб гапира берасизлар-да! «Тўрт ой энди бўлди-я!..» Оғзингизнинг бир чеккасидан чиқади!.. Йўқ, аравакашлиги қурсин! Бошқа ишга берамиз... бўлмади бу. Бошини есин карвоннинг!..

— Бошқа иш осон дейсанми? — деб эътироз қилди ота. — Дунёда осон иш борми! Пулинг бўлса, давлатинг бўлса оғзинг билан гапириб топсанг... қани энди... Бу давлатни худовондикарим, ҳаммага бермас экан! Берганга берар экан!

Она бўш келмади:

— Бермади деб ёта берасизми? — деди яна. — «Олма пиш, оғзимга туш!» билан бўладими? Ахтарган топади! Истасангиз, болангизга дурустроқ касб ҳам топилади. Сал мундоқ дам олиб яйрадиган бўлсин-да!

— Кечагина қизлар билан қишлоққа бориб, бир ҳафта ўйнаб келди-ку!

Отанинг шу «қизлар билан» деган сўзлари, Ўлмасжон тенглик йигитлар оғзидан чиқадиган даражада, ҳаракат ва илиғлиқ билан, туртиб айтилган эди. Она, дарҳол пайқади:

— Ёшингиз элликка бориб қолса ҳам «қизлар»га қизиқмай ўлинг! «Қизлар билан» деб, бир мойлаб айтасизки! Шу афтингизга яна қиз олгингиз бор! Бўйига етган ўғлингизни ўйланг аввал!

Ота у томонда қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Сен, — деди у, — қишлоққа бориб бир ҳафта яйраб келганидан гапир!

Она жавобни дарров тахлади:

— Беш кун яйраб кеганига мен қанча нарса сотиб бердим, билдингизми? — деди. — Уч кўйлақлик чит, икки белбоғ, Салтанатхоннинг бир паранг рўмолини сотдирдим!

— Кимга бердинг пулини? Ўлмасинг, ҳали шунча пулни еб келибдимми?

— Қаерда Ўлмас ейди!.. Ўлмас бир чақа ҳам егани йўқ. От-араванинг ижарасига деб карвонбошига бердим. «Энди, бир ойгача, бир чақа ҳақ бермайман сенга!» деган экан, бола шўрлик йиғлагундай бўлиб келди. Унга жабр бўлмасин деб, Салтанатхон икковимиз, бисотимиздан нарса сотиб тўғрилади. Ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ гапираберасиз-да!

Кулушдан тўхтаб энди жиддийлашган ота, яна эътироз қилиб бир нарса демоқчи эди, даричадан Салтанат билан Зебининг чиқиб келиши, уни бошини қўйи солиб кўчага чиқиб кетишга мажбур қилди.

Зеби, Салтанатларникида туриб бу айтишувнинг баъзи жойларини эшитган, ўз бошига бало келтираётган қишлоқ сафарининг бу йўқсул хонадонлар учун жуда қимматга тушганини энди билган эди. Шу учун дарров ўртоғидан койиди:

— Қишлоққа ҳаммамиз бирга бориб эдик. Оғирини ўзингиз билан Ўлмасжоннинг ойсига тортдирибсиз-да! Мен ҳам қўшилардим-ку...

Салтанат ҳам ўртоғини дарров ўз кучоғига олди.

— Битта рўмол кетди холос, — деди. — Уни ҳам мингбошиникидан ўраб келмадимми? Узиники-ўзига бўлди, жоним!

— Ўлмасжоннинг онаси-чи? — деди Зеби. — Бечоранинг уйи куюбди-ку! Йўқ, ўртоқ, эртага мен сизга бир нарса юбораман! Албатта юбораман!

Салтанат бу тўғрида Зебидан ҳатто қуруқ сўзнинг ўзини ҳам эшитмоқ истамас эди. Шу учун дарров сўзни бошқа томонга бурди:

— Юринг, бўлмас! Ўлмасжоннинг ойсини юпатиб чиқайлик...

Бу сўз билан бирга ўртоғининг қўлидан тортиб дарча томонга бошлади.

Зебининг кўнгли яна ўқиб қолди. Ўлмасжон кечадан бери йўқ эди. Кеч пайта келармикан деб қоронғи тушгунча қолса ҳам боладан дарак бўлмади. Салтанат билан оналари уни ётиб қолмоққа қистасалар-да, отасининг қаҳридан кўрқиб сира унамади. Қоронғи тушиб қолганлигидан, «ёш нарса ёлғиз кетмасин» деб бир кампирни кўшиб бердилар. Булар, дарвозадан чиқиб муюлишга етганда у ёқдан Ўлмасжон кўринди: чарчаган отини ҳорғин-ҳорғин қамчилаб, аста-аста судралмоқда эди. Иккаласи бир-бирини кўришди, танишди... Зеби, ихтиёрсиз тўхтаб қолди; Ўлмасжон ҳам, ўзи пайқамасдан, отининг бошини тортди... Фақат, на униси бир нарса дея олди, на муниси

овозини чиқаришга ботинди. Улар ўрнига — «номахрамлар қасдидан қўруш» вазифасини устига олган кампир ун солди:

— Ҳой, нимага тўхтадингиз! — деди Зебига қараб. — Улмасжон, нимага тўхтадинг, болам? — деди унга томон бурилиб.

Улмасжон жавоб эплай олди:

— Сизни кўриб тўхтадим, хола! — деди у... — Йўл бўлсин кеч кирганда?

— Мана бу меҳмонни кузатиб бораётирман! — деди кампир. Сўнгра, бирикки қадам босгач, орқасига қайрилиб:

— Тез боринг, ойингиз ташвиш тортиб қолди! — деди... Ва Зебининг кетидан йўлга тушди. Зеби ҳам, кампирдан қўрқиб орқасига қараёлмасдан, лекин кўнгли ўйнаган ва икки тиззаси енгилгина қалтирагани ҳолда тез-тез юриб кетди.

Бу ёқда, отига серзарда қамчи берган Улмасжоннинг ҳорғин вужуди бу қалтис учрашувнинг гулдурама оловида ёнаркан, ўзидан бегона бўлиб кетаётган Зебининг кўзларида йирик-йирик марварид доналари йилтирарди...

## VII

Иккала ёш кўнги, қоронғи муҳитнинг оғир кишанларига боғланган ҳолда, ноумид муҳаббат билан бир-бирларининг ҳасратида энтикар экан...

Акбарали мингбоши, кучли панжалари орасига олиб, янги бир газетни ёғимламоқда ва, қиморбозларга хос оғзи маймоқлик ила, газет ёзганларни сўкмоқда эди.

Жадидлар томонидан ҳафтада икки марта зўрға чиқариладиган бир газетда мана шу беш-олти оғиз сўз бориди:

«...бўлусининг ҳоқими мутлоқи ўлан Акбарали мингбоши, бутун бўлуснинг ягона усули жадиди мактабини боғлатиб, муаллимини, ҳақ бермасдан ҳайдатдирди... Уч ойгина давом эта олмиш бу мактаб миллат болаларина озда бўлса оқ-қорани танитдирмоққа муваффақ бўлмуш эди. Мингбошининг ўзи эса ҳар сана бир эвланмакдан, хотин янгилмакдан бўшолмайдур... Уч хотини устина яна тўртинчисини, ҳатто беш-олти-еттинчисини... ҳам олувға қарши эмас. Муаллим М. М.»

Қаршисида чой қуйиб ўтирган Ҳакимжон, шу газетни топиб кўрсатганига аллақачон дунё-дунё пушаймон бўлган эди. У, бир неча йил шу одамга мирзолик қилиб унинг жаҳли келган ва тутоққан вақтларини кўп кўрган бўлса-да, бугун, шу кичкина мактубчанинг бу даражада ёмон таъсир қилганига ҳайрон бўларди. Мингбоши мирзанинг қўлидан дастлабки бир пиёла чойни олиб, ҳатто бир ҳўпламасдан, ёнига қўйди, ва шу бўйича уни тамом эсидан чиқариб юборди. Ҳакимжон совуқ чойни унинг олдидан олмоққа ботинолмас эди... Чойнакдаги чой ҳам аллақачонлар совиб бўлди. Ҳакимжоннинг икки кўзи мингбошида, унинг қизариб-бўзарган оёзларида; жаҳл билан, тажанглик билан қисилган панжаларида, ёғимланиб бир мушт ҳолига келган газетда... Хўжайиннинг мудҳиш авзоини кўриб сал нарида дарахтга суяниб турган Мирзабобо ҳам ҳайрон. Дарвозавонлик қилувчи миршабга: «арзга келганларнинг ҳеч бирини қўймайсан. Хўжайиннинг феъли айниб турибди...» деб Мирзабобо томонидан таълимот берилган; энди, дарвоза орқали, Мирёқубдан бошқа ҳеч кимнинг оёқ босиб ўта олиши мумкин эмас. Ҳайкалдай қотиб тура беришдан — Мирзабобонинг, доим бир вазиятда қимирламай ўтира беришдан — Ҳакимжоннинг беллари қайишиб кетди... Мингбоши, дам — газетни очиб у ёқ — бу ёғини айлантириб қарар, дам бўлса — панжалари орасига олиб уни ёғимлар; тез-тез дарвоза томонга қараб:


— Мирёқубдан дарак йўқми? — дея сўраб қўярди.

Мингбоши бу саволни қайтарган ҳамон, Мирзабобо югуриб кўчага чиқар, бироздан сўнг қайтиб киргач «йўқ» дегали ботинолмасдан мўлайиб жим қоларди.

Ниҳоят, мингбоши, қўлидаги газетни бир томонга ирғитиб ўрнидан турди.

— Мирёқуб қани, дейман сенга, Мирёқуб?!... — дея бақирди.

Бу, ёввойи дарранданинг ўқуриши эди! Мирзабободай одам, тутилата:



Рассом Ф. АЛИМОВ

— Дарров... отни эгарлаб... уйга бориб келайми? Е... шаҳарга чопайми? — деди.

— Энди эсингга келдим, итвачча!... — деб бақирди мингбоши. Сўнгра, асабий одимлар билан ичкарига томон юрди.

Ичкаридан ҳам унинг бақирган овози эшитиларди. Фақат, уччала хотин унинг нима учун кайфи кетганидан беҳабар эдилар. Узаро бир-бирларига назар ташлашгач, кўз ишорати ила катта хотинга ваколат бердилар. Хадичахон бирикки қадам олдинга босиб келиб:

— Нима бўлди сизга? — дея сўради. Шу топда ўзи енгилгина қалтирамоқда эди.

Мингбоши, ниҳоят даражада одобсиз бир сўз билан, бақириб жавоб қилди. Иккала ёш хотин секин-секин орқаларига тисарилиб ўз уйларига кириб кетдилар. Хадичахон турган жойида қотиб қолди...

— Елкамда ўн путдан ўттиз пут юким бор... — деди мингбоши. Бу ҳам бақиршга яқин бир овоз билан айтилган эди.

Уччала хотин ҳам бу юкнинг нималигини англаб етолмадилар. Хадичахоннинг фикрича, мингбошига «ирим» қилган эдилар. Энди, уни «қайтартирмоқ»дан ўзга илож йўқ эди. Бу фикр, бошқа кундошларнинг мияларидан ҳам ўтмади эмас... Фақат, Хадичахоннинг бу фикри қатъий бўлса керакким, яширишга лозим кўрмади:

— Ғанимлар қасд қилганга ўхшайди. Қайтарма қилдириб берсамми? — деди.

— Аёлларнинг билгани ирим, билгани қайтарма, билгани азайимхон... Қовоғи учса ҳам азайимхонга чопади... — деди мингбоши. Ва шу сўзларни айтаркан, унинг булутли юзларида жиндаккина очилиш аломатлари кўринди. Шу очилишдан дадилланиб бўлса керак, Хадичахон яна эътироз қилди:

— Узингиз, ўз оғзингиз билан «юк босди» демадингизми?

Мингбоши кулиб юборди:

— «Юк босди» деган бўлсам, «қандай юк?» деб сўрагин-да, баччағар! — деди у.

Бу вақтда уйдагилар ҳам аста-секин ташқарига чиқиб яқин ўртага келган эдилар. Мингбоши давом қилди:

— Уччаланг кам юкмисан менга?

— Нима оғиримиз тушди сизга? — деди Хадичахон.

— Газетни ўқу, биласан... Сенларнинг туфайлингдан ёмон номим етти иқлимга кетди... Ҳамманг бир қора мўйимга арзирмидинг, қалай?... Агар олмоқчи бўлса, ҳаммангни икки қўллаб тутардим ўша газетчи даюсга!.. Менга битта хотин бас эди... зурриётлик бўлса... шунча давлатни кимга ишониб қолдираман? Учта безурриётгами?..

— Нимага ҳаммани баравар айблайсиз? Фазилатни оғизга олмайсизми?

— Фазилатинг менга асқотармиди? Бир-икки йилдан кейин бировларнинг қўлига сув қуядиган бўлади. Қиз, фарзанд бўлармиди? Қайси биринг отанангга асқотдинг!..

Бу «маъқул» гапларга эътироз қиладиган жой бўлмаса ҳам, Хадичахон яна бир нима демоқчи эди, ташқаридан дарвозанинг хархаша билан очилгани эшитилиб, сўнгра «ҳа» дегунча ичкари эшик кетидан Мирзабобонинг йўғон овози чиқиб қолди:

— Хўжайин, Мирёқуб акам келдилар!

Мингбоши, дарвоза очилган ҳамон ташқарига югурган эди.

У чиқиб кетгач, уччала кундош бир ерга тўпланиб куёвларининг авзоини муҳокама қилдилар. Анча нари-бери гаплардан кейин эртага эрта билан Хадичахонни чўлоқ азайимхонникига юборишга қарор берилди...

Мингбошини, ташқарида, Мирёқуб ҳам ўша совуқ хабар билан қарши олди:

— Хўжайин, сизни газетда урибдилар. Мана, кўринг!

«Салом» йўқ, «алик» йўқ, икки ғилдиракли аравасидан тушар-тушмас, қўлидаги газетни мингбошига узатиб, кулар юз билан шу сўзларни айтган Мирёқуб, мингбошининг кўзига шу топда итдан ҳам хунук кўриниб кетган эди.

— Тур-э, аптинг кўрсин сенинг!.. Газетинг бошингни есин!..

Газетни олиб унинг юзига ирғитди.

Мирёқуб эса қаҳқаҳа солиб кулди; ерга тушган газетни энгашиб ердан



олди-да, қоқиб кўзига суртгач, тўрт буклаб чўнтагига солди; сўнгра тезгина мингбошининг қўлтиғига кириб апил-тапил уни сўричага келтириб ўтқизди.

— Утиринг, хўжайин! — деди, ўзи ҳам унинг қаршисига ўтираркан. — Нима бу тажанглик? Нима бўлибди? Дунё бузилибдимми?

Ўзи учун Мирёқубдан бошқа чин кўнгилдан куядиган одам йўқлигини мингбоши яхши биларди. Шу учун унинг бу кулги ҳаракатини сира англаёлмай қолди. Аравасидан тушмай туриб «хўжайин, сизни газетга урибдилар!» деди, сўнгра газетни (ўша газетнинг ўзини) узатди... Бу нима гап? Тушимми, ўнгими? Ё — ишонган тоғи ҳам ағдарилмоқчимми? Ё — Мирёқуб ҳам бошқа ёқадан бош кўтармакчимми? Мирёқубсиз унинг кунни кун бўладими? Бу давлатлар, обрўлар, амаллар, катталиклар... ҳаммаси, қамишнинг тўзғоғидай, бир нафасда тўзиб кетадими? Мирёқуб бурунги Мирёқуб бўлса, то мингбоши ўзи гап очмагунча, бу қора хабар тўғрисида гап очишга ҳам ботинолмаслиги лозим келарди... Албатта, кўнгилларида ҳеч гапни сақлай олмайдиган оғзи бўш одамлар бўлади. Лекин унақа одамларнинг номлари «Мирёқуб», айниқса «Мирёқуб эпақа» бўлмайди. Мирёқубнинг тишлари, ҳарҳолда, лабларидан кучлироқ-ку! Лабларини тишлари орасига олса, тили ўлгур, бироз кўмулиб турарди-ку!.. Фақат, Мирёқуб ҳеч бир ишни билмасдан қилмайди!

Ҳалигидек бемаъни ваҳималардан сўнг, ниҳоят, мана шу кейинги натижага келганидан кейингина, мингбоши, эсини бошига тўплади ва Мирёқубнинг юзига газетни ирғитгани учун ўз-ўзидан койинди. Унинг тирриқ таъби ҳам тезгина ўрнига тушди, юзи кулди...

— Ҳазилингни қўй энди, — деди у, оддий ва ҳатто бир даража мулоим овоз билан. — Мунга бир маслаҳат топ. Етти иқлимга ёмон номим кетди...

Мирёқуб жуда тинчлик билан, кулиб туриб бемалол гапирарди:

— Ҳа, балли, мана бундай денг! Жаҳл билан, ғазаб билан, тутоқиш билан бу тўғрида ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Бу, маҳкумингиздаги қаро фуқаро билан бўладиган иш эмаски, чақиртириб келиб Мирзабобога буюрсангизу ертўлага олиб тушиб қичиган ерини қашласа! Ёзган одам, ўша беркитилган мактабнинг домласи... жадид! У, аллақачонлар ўз юртига етиб олди, газет бўлса, газетчиси билан бирга, Тошкентда... Сиз — бизнинг эмас, биздан каттароқларнинг ҳам бўйи етмайди. Газет ёзадиганлар, одатда, зақунчи бўлади... Улар билан ярим пошшога ўхшаган улуғ одамлар олишмаса, анча-мунча амалдор бакор келмайди. Жадидлар ҳаммаси маҳмадона келади...

— Жадидинг нимаси? Нима деган гап ўзи?

— Мактабини ёптирган вақтингизда айтиб берган эдим-ку.

— Эсда қолган дейсанми?

— Жадид дегани «янги» дегани бўлса керак. Юрт орасида янгиликни расм қилармишлар... Янги ўқиш, янги мактаб, янги урф-одат, янги кийим; ҳар нарса янги...

— Эскича бўлса кимга зарари тегар экан?

— Унисини билмадим... Иш қилиб, жадидларнинг қасди шу эмиш...

— Янги мингбоши, янги қози ҳам десанг-чи!

— Албатта, ўзига мос келадиган мингбоши бўлсин, дейди жадид...

— Дарвоқе, Шамсиддин мингбоши билан Тўракул бўлус тўғрисида ҳеч нарса ёзишмайди-ку жадидларинг. Нимага менинг тўғримда ёзишади?

— Абдисамат мингбошини осмонга кўтариб ёзганларидан хабарингиз йўқмиди?

— Ҳа, айтганча! Бултурмиди?

— Ҳа, бултуриди. Қандай махтаб ёзишди.

— Жадидларингга тушунолмай қолдим-ку! Мен — бутун умримда — тўртта хотин олибман. Унинг ҳам биттаси ўз ажали билан ўлгандан кейин... Абдисамат бир ўнтача хотин олди... Ҳали ҳам тўрттаси қўлида — нақт... Нега ёзмайди жадидинг?

— Менинг жадидим эмас, хўжайин! Шундай бўлса ҳам, менинг билишимча, жадидлар янгиликка майл қиладиган одамни яхши кўрадилар.

— Ҳа, айтганча Абдисамат ўз қишлоғига янги тартиб мактаб очган эмасми? Дуруст...

— Абдисамат мингбоши ҳовлисида муаллим сақлаб ўғилларини ўқитади.

Жадид мактабига пул билан қарашади. Одамларнинг болалариғи юбортиради. Узи жадид газети ўқийди.

— Шу учун жадидларнинг кўзи унинг ўнта хотинини ҳам кўрмайди дегин.

— Шундай. Жадидлар, янги мактабга қарашмаган бойларни «нодон, жоҳил, у-бу» деб сўкишади. Уларнинг мактабига озгина ёрдам қилган бойни «ҳамиятлик бойларимиздан фалон, фалон...» деб, осмонларга кўтариб, ёзишади... Сиз ҳам, жадид мактабини ёптирмасдан, оғиз учида, «ҳа-па» деб кўйсангиз, сизни ҳам махтаб ёзишади...

Мингбоши, шу ерда, Мирёқубга томон эгилди ва пастроқ овоз билан деди:

— Нойиб тўра қўймади-да, қандоқ қилай.

— Нойиб тўра ҳам айёр одам. Узи буйруқ бериб ёптирса бўлариди. Узи бир чеккада туриб сиз орқали қилдирди... Таёқ энди келиб сизнинг бошингизда синди.

— Йўқ, шошма, мен нойиб тўранинг ёнларига бораман. «Иложини қилинг, ўзингиз айтгансиз», дейман. Қани, йўқ десинчи!

— Йўқ дейишдан кўрқармиди? Йўқ, дейди, тониб тураберади...

— Нега, ахир? Нега?

— Бугун тонадиган бўлмаса, ўша вақтда ўзи ўз буйруғи билан ёптирмасмиди?

— Тонганига қўяманми?

— Нима қилардингиз? Урармингиз?

— Уриб бўладими?

— Нима қилардингиз?

Мингбоши жим бўлди. Бир қўлини чеккасига олиб бориб бошини қашлади...

Иккаласи ҳам бироз жим қолгач, яна мингбоши гап бошлади:

— Бир маслаҳатни топмасак бўлмайди. Мен бу ишни шундай қолдириб кетолмайман... Шамсиддин, Тўракул, Абдисаматлар кўшкарнай билан жар солишади... биласанми?

— Бу гапингиз рост, хўжайин. Уларникида кечадан бери тўй?

— Уша мактабдор домлани топтириб келиб Мирзабобога топширсаму, ертўлада бир буров солса деб эдим. Шунда, эҳтимол кўнглим бироз ўрнига тушармиди...

— Боя айтдим-ку, энди унинг арвоҳини ҳам тополмайсиз.

— Нима қиламиз бўлмаса?

Мирёқуб жавоб бермади. У, айтмоқчи бўлган сўзини фикр торозисига солиб ўлчамоқда эди. Ниҳоят, мингбоши томонидан ҳалиги савол яна қайтарилгандан кейин:

— Нима қилардингиз: тишни-тишга қўясиз, хўжайин! — деди.

Мингбоши ирғиб ўрнидан турди.

— Тишимни тишимга қўядиган ҳезлардан бўлсам, ма, ол, бу шопшалопларни! — деди у баланд овоз билан! — Менга бошпуть олиб бер, Маккатуллога жўнайин!

— Утиринг, хўжайин! — деди Мирёқуб, унинг овози ҳам бироз кўтарила тушган эди. — Ушқуриш билан, зарда билан битадиган иш эмас бу! Уйлайлик, бир чора топайлик!

Сўнгра ўрнидан туриб айвонга борди, у ерда чойнак билан пиёла турган эди, совуқ чойни пиёлага тўлдириб қуйгач, бир шимиришда тамом қилди. Сўнгра орқасига қайтаркан одатдагидан қаттиқроқ ва тезроқ сўзланди:

— Газетни шаҳарда кўрдим. Шундан бери тадбир ахтараман. Ҳеч бир тадбир тополмаганим учун, ночор, ноилож, кулгуга зўр берган эдим. Катта ариқдан ҳатлаёлмаган вақтингизда кулгунгиз келади... биласизми?

— Биладан!

— Йиқилган полвон ҳам, аччиғини кулиб енгади, — деди яна Мирёқуб.

Мингбоши бироз жим қолгач:

— Ишқилиб бир чора топмасанг бўлмайди, — деди.

Фақат, бу кейинги жумла қутурган дарранданинг эмас, сувга пишилган мушукнинг оғзидан чиқмоқда эди...

Уйга ботган Мирёқуб бошини кўтарди:

— Узимизнинг газетга келиштириб битта жавоб ёзамиз. Жадид газетида

сизни сўққан бўлсалар ўз газетамизда биз махтаймиз, муаллимни ёмонлаймиз. Шу билан, тарозининг биз томон палласи босиб тушади. Абдисаматларнинг карнайи, болалар чаладиган қамиш найга айланиб қолади. Шу бас!

— Ҳа, майли.

— Дурустми? — деб, яна қайтариб сўради Мирёқуб.

— Дуруст! — деди мингбоши. — Ўзинг ёзасанми?

— Билиб гапирасизми, хўжайин? Мен газетнинг ўзини тузук-қуруқ ўқиёлмайман-ку, унга хат ёзиш қажоқда. Муни ўз аҳли, ўз устаси ёзади. Шаҳарга тушганимда тўғрилаб чиқаман.

— Бўпти, — деди мингбоши. — Ишқилиб ўзинг эпла.

Сўнгра ўрнидан туриб Мирёқубга яқин келди ва унинг қулоғига эгилиб:

— Пул керак бўлса аяма лекин! — деди. — Пул деган нарса топилиб кетади, обрў топилмайди, обрў!

\* \* \*

Орадан икки ҳафта ўтгандан кейин, Мирёқуб «сарт» тилида чиқадиган ҳукумат газетасининг бир нусхасини келтириб, индамасдан, мингбошининг қучоғига ташлади. У нусхада қуйидаги мактуб босилиб чиққан эди:

«Ҳурматлик газет муаллифи тўрага саломдан сўнг андоғ арз қилинурким, жадид ҳам тоифанинг шаҳарларида чиқарилатурғон газетада Акбарали мингбоши хусусида нолойиқ иборатлар билан таъриф қилинган бир нома чоп қилинди. Шу хусусда ҳақиқат юзасидан изоҳ қилиб айтурмизким, Акбарали мингбоши қарийб ўн тўрт йилдан буён оқподшоҳимизнинг азамат давлатларига садоқат билан хизмат қилиб шунча замон мобайнида ҳеч қандай сарзанишга мустаҳиқ бўлмадилар. Шаҳар ва уезд ҳокими тўралар ва фуқаро ва боёнлар ва аҳли илм-толиблар ва мударрислар ва хонақоҳнишин шайхлар ва эшонлар ва ҳоказо ҳеч кимса мазкур мингбошидан жиддий норози бўлганлари йўқдир. Ва балки ҳамиша анинг ҳақида хайри дуодадирлар. Ул беодоб мактабдор бўлса ҳамма фуқаронинг назарида паст ва ҳақир кўрилган эрди. Ўзи намоз ўқимасдан ва мактабда гўдак болаларга ер мудоввардир, яъни мисли тарвуз юмалоқдир, деб шариатга хилоф илмларни таълим бергани ваҳҳидан фуқаро безовта бўлиб ҳар хил қилуқлар пайдо бўлиб юртнинг осойишига халал келганидан мазкур мактабдорнинг мактабини жаноби Акбарали мингбоши беркитиб эрдилар. Бу ваҳҳдин тамом фуқаро ва алалхусус боёнлар, толиби илм муллабаччалар, мударрислар, имомлар, шайхлар ва зокирлар, сўфилар бағоят мамнун бўлиб, ул шаҳаншоҳи жаҳон оқподшоҳимизнинг ва ҳам ул улуг мартабалик ярим подишоҳ жанобларининг ҳақларига дуо айлаб шундай одил ва инсофлик фуқаропарвар амалдорларни қўйганлари учун уларга миннатдорлик изҳор қиладурлар, валлоҳи аълам биссаваб, таммат таммат томон ёзгувчи камина холис фуқародин мулла Ривожиддин аълами мулк абадий!».

Муни ўқутдириб эшитдиргандан кейин, мингбоши, жуда хурсанд бўлди. Энди, тўй бу томонда бошланди. Энди, мунинг карнайи дунёни бузажак, наригиларники бўғилажак эди. Энди, етти кишвар, етти иқлимда Акбарали мингбошининг қандай яхши амалдор бўлганини билажакларди. Оқподишо бўлсину етмиш икки тойифанинг тилини биладиган тилмочлари бўлмасин! У тилмочлар томонидан таржима қилиниб берилгандан кейин, бу мактубни оқподишо албатта ўқитиб эшитажак... балки ўзи ўқияжак... балки, ўзи газетнинг тилига тушинса... Қўл остида шунча тойифа яшайдиган бир подшо ўз фуқороларининг тилини билса ажабми? Мулла Ривожиддин ўзи ажби бир хуштаҳрир одам! Ёзини қара: сувдай равон! Ҳамма уқади, ҳамма англайди! Оқ подшо нега англамасин? Шундан кейин Петербургдан Тошкентга ярим подшога телеграмм келса: «Менинг шундай яхши амалдорим бор экан, қадрига етиб, ҳоли-аҳволидан хабардор бўлиб турибсанми?» Ана, шундан кейин, Тошкентдан чопиб келадиган катта тўраларни айтинг! У вақтда шаҳардаги ҳоким ва приступ тўралар Акбарали мингбошига «час» (честь демоқчи) берадиган бўлади! Унда, наригилар мингбоши эмас, кеч куздаги чивиндан ҳам баттар бўлиб қолишади!!..

Бу сафар газетни бағрига босиб шу хил ширин хаёлларга ботган мингбоши, ирғиб туриб, қаршисида ўтирган Мирёқубни қучоқлаш ва бутун давлатини унга

тутиб юборишдан ўзини зўрға тўхтатиб қолди. Мундай одамга қанча қилса ҳам, қанча берса ҳам оз.

Шундай бир хурсандлик ичида сузган мингбошига Мирёқубнинг яна бошқа арзлари бор эдиким, улар ҳам аҳамият жиҳатидан-газетдаги мактубдан сира қолишмасди.

Хўжайин, кўнглингиз ўрнига тушди шекилли? — деди у, бир турли ғурур билан; лекин бу сўзлар, ортиқча «мойланиш» ва хушомаддан йироқ эди.

Мингбоши, бояги кайфни тўла акс этдириб жавоб қилди.

— Бўлмаса, нари ёғини эшитинг.

— Нариди ёғини?

Мингбошининг кўнглига дарҳол изтироб тушиб улгурган эди. Шундай яхши бир хабардан кейинги қолдирилган арз, албатта, хайриятдан гапирмайди. Агар яхши гап бўлса, Мирёқуб, уни — газетдаги мактубдан бурун айтмасмиди? «Хўжайиннинг бесаранжом кўнглини тинчитай, ундан кейин ётиғи билан бу хабарни эшитдираман» деган бўлсачи? Йўқ, амали ҳам қурсин, обрўси ҳам! Мингбошилиқнинг шап-шалапи оғир бўлмаса ҳам, ўзига яраша оғир ташвишлари бор... Катта одам бўлиш ҳам қийин!..

Мингбошининг ҳалиги сўнг саволида бутун шу изтиробларнинг мазмуни бор эди. «Ипоқа» лақабини ташийдиган тулки, у саволнинг остида ётган беҳуда ташвишларни дарҳол пайқади. Шу учун дарров:

— Бугун, сизнинг тўйингиз! — деб қўйди.

Ва сўзида давом этди.

Масала Қумариқ пайновидан сув ичадиганларнинг ҳокимга берган аризалари хусусида эди. Ариза берганларнинг бошида кимлар турганини, ўтган сафар, нойибнинг мингбошига айтган сўзларидан англаб олган Мирёқуб, Қумариқнинг этакларигача бориб-келиб ҳамма гапни билганини ва тегишли тадбирларни ўтказиб келганини гапирди. Ариза эгаларининг адабини бериш вазифани унинг ўз бўйига юклатилганлигидан, ҳалиги «ўтказилган тадбирлар» билан, у, ўша вазифасини ҳам бажариб келган эди.

— Яхши, ариза берганлар Ёдгор эски билан Умарали пучуқ экан. Аниқ билибсан. Хўш, энди, қани гапир-чи улар хусусида нима тадбир қилдинг?

Мирёқуб кулди:

— Нима тадбир қилдинг дейсизми?

— Ҳа, нима тадбир қилдинг дейман.

Мингбоши бутун диққатини шу нуқтага тўплаб, Мирёқубга томон бироз эгила тушган эди. Мирёқуб кулушда давом этиб:

— Болаларга тайинлаб келдим: пастдаги ерларга ҳам унча-мунча сув бериб туринглар, дедим.

Мингбоши яна овозини кўтара тушди:

— Шу «одоб» берганинг бўлдимми?

— «Одоб» берганим бўлмаса қилармидим, қалай! — деди Мирёқуб. Яна кулди.

— Нечик, яъни?

— Инсоф ҳам керак ахир, хўжайин! Сизнинг ерларингизни суғориб бўлгандан кейин сувни яна Қумариққа очиб қўйса бўлади. Анча сув ортади. Ҳеч ким дод демайди. Айб чоракор болаларда. Сизнинг обрўйингизга таяниб бепарволик қилганлар.

— Нимага?

— Нимага бўлариди. Улар, ерларни суғориб бўлгандан кейин Қумариққа яна қайтиб сув очмас эканлар. Шунча сув ёндаги эски ариқларга тушиб, экинсиз ерларни кўллатиб ётар экан. Пастдагилар ўзларича келиб, сувни очгани кўрқишар экан. Мироб бўлса оғиз очолмайди.

— Ортиқча сув бўлса, майли берсин, — деди мингбоши. — Ҳеч нарса демайман. Лекин ҳалиги икковининг адабини бериш керак эди. Нимага менинг устимдан ариза ташлайди?

— Адабини бериш керак бўлса тутиб олиб урамизми? Ё кўпчилик олдида хўрлаб сўкамизми? Ё бўлмаса...

Мингбоши Мирёқубнинг оғзидан сўзини узиб олди:

— Ҳар нима қиламиз! — деб бақирди. Сўнгра овозини пасайтира тушиб

илова қилди: — Мен, иккаласини чақиртириб олиб Мирзабобога беришдан ҳам тоймайман!

— Бир марта ҳокимга ариза берган одамларни уриб бўлмайти. Кейин улар, ҳокимга яна қайта арз қилсалар, ё бўлмаса ҳокимнинг устидан арз қилсалар — ёмон бўлади. Адвокатларнинг аризасини биласиз-ку!

Мингбоши индаёлмай қолди. Нафаси ичида эди. Фақат, ўз фуқароларидан иккита бойга кучи етмаганига ҳеч чидаёлмасиди. Йўғон оёқларидаги зўр-зўр ковишлари билан безовта бўлиб, ер депсанарди.

Мирёқуб бу ҳолни кўрганидан кейин уни юпатмоқчи бўлди; мингбошига жуда таниш бўлган кулумсираш билан унинг ёнига ўтди ва душман эшитса инонадиган бир овоз билан:

— Уларнинг адабини деҳқонларнинг ўзлари беришади! — деди. Сўнгра, мингбошининг ҳайрон бўлиб ўзига тикилганини кўргач, Қумариқда кўриб келган даҳмазаларини сўзлаб берди.

Унинг сўзидан англашилاردиким, Қумариққа борган вақтида, у ерига сув етмай аламзада бўлиб юрган оз ерли камбағаллардан билаги йўғон уч йигитни чақириб, уларнинг ерларига сув тегмасликда мингбошининг ҳеч бир айби йўқлигини, ҳамма айб Ёдгор эски билан Умарали пучуқда эканини сўзлаган. Йигитлар бунинг сабабини сўраган вақтида, Мирёқуб, уларни Саддиқайрағоч деган жойга олиб бориб экинларни кўрсатган. Чинакам, ўша жойда мингбошининг бир шапалоққина ери бўлиб, соя жойда қолиб кетганлигидан, фўзалари унча ўсмаган, кўп чигитлари чиқмай қолган эди. У ернинг ёни-беридаги кўп ерлар Умаралибой билан Ёдгорхўжага қарар экан. Уларнинг ерлари мингбошининг пайновидан сувни жуда бемалол ичганлари учун экиннинг кўриниши нисбатан яхши бўлган. Ана ўша экинларни йигитларга кўрсатиб туриб: «Мана, кўринг энди: кимнинг ери кўп ичар экан сувни!» деган. Шундаёқ йигитлар муштрларини тугумлаб, бойларнинг ерлари томонга ўқталганлар, «Ҳап, сизними!..» деганлар. Шундан кейин Мирёқуб йигитларни ўтиришга даъват қилиб, уларга бир яширин гап айтмоқчи бўлганини сўзлаган. Улар юракларига талваса тушиб ва лаблари қалтираб, унинг оғзига тикилгач, сирни ҳеч кимга айтмасликлари тўғрисида улардан қаттиқ ваъда олган; ундан кейин Умаралибой билан Ёдгорхўжа томонидан ҳокимга берилган аризадан гап очган. Мирёқубнинг гапидан йигитлар англаганларким, Умаралибой билан Ёдгорхўжа яқинда ҳокимтўрага ариза берганлар ва у аризада ўз ерларининг неча йилдан бери сувсиз қолаётганини, Қумариқдаги сувнинг фақат мингбошига қарашли ерлар билан бошқа баъзи бировларнинг ерларини суғорганини, буларнинг ерларида ҳеч бир сув ошмаганини ёзганлар... Шу гапни эшитгандан сўнг йигитларнинг бири ирғиб ўрнидан турган ва муштини тугумлагани ҳолда: «Ўзим тутиб олиб ураман, занғарларни!..» дея ўшқирган... Сўнгра Мирёқуб туриб бундай деган: «Мингбоши додхо бўшаган сувнинг сиз томонга оқишига қарши эмас. Лекин ўша икковига ўчакишиб, пастга сув бергиси келмайди, «ўшаларнинг ери ичадиган бўлса, ҳамманики қуриб кетгани яхши», дейди. Барибир, пастга сув берганимиз билан сизга сув тегмайди, ҳамма сувни улар иккиси тўсиб олади!» Бу сўз йигитларнинг яраларига туз-қалампир бўлиб тушган; улар учаласи бир оғиздан «Мингбоши додхо сувни пастга ўтказа берсин, улар билан ўзимиз гаплашамиз!» деганлар. Мирёқуб уларнинг кўз олдиларида мингбошининг чорикорларини чақириб, бўшалган сувни пастга ўтказмоққа буйруқ берган.

Мингбоши Мирёқубнинг бу арзини, эртақ тинглаган ёш боладай, буюк бир завқ ва нашъа билан тингламоқда ва эрта-индин иккала бойнинг бошига тушадиган ҳангомаларни кўз олдида келтирмоқда эди. Унинг фикрича, ўсган болага эски кийими тор кегандай, Мирёқубга ҳам энди «эпақа» лақаби камлик қилар эди. Унга бошқа бир муносиб лақаб топиш лозим келардиким, ундай лақабни энди бу қишлоқ одамлари тополмасдилар; мунинг учун амир Навоий ёки мавлоно Жомий, ё бўлмаса Шоҳ Машрабнинг тирилиб келиши даркор эди.

Мингбоши Қумариқда човрилган у ғалати найранглар ва у найрангларнинг устаси тўғрисида шундай ширин ўйларга кетган; Мирёқуб эса мингбошининг хурсандлик ва кайф билан маст бўлган юзларига тикилган бир пайтда ичкаридан бир товоқ тўла манти чиқиб, дастархоннинг ўртасидан жой олди. Мирёқуб бу даргоҳда тез-тез кўриниб турадиган бу — серқатиқ, семиз ва ёғлиқ мантиларга, қадрдон дўстини кўргандай, ширин бир кайф билан тикилди;

сўнгра кўзларини товоқдан кўтариб, мингбошининг юзларига қарагач, шу топда товоқдаги манти билан товоққа томон эгилган юз ўртасида ҳеч қандай фарқ кўрмади: иккаласи ҳам шу қадар ёғлиқ эди!

Мингбоши қўл ювушни унутиб, «олинг-олинг»га қарамасдан, беш панжасини баробар ботириб, товоққа ҳужум бошлаганини кўргандан кейин Мирёқуб ирғиб ўрнидан турди-да, қўл чайқамоқ учун ариқ томонга югурди. Лекин мингбоши додхонинг аждар кепатали иштаҳасини бироз тўхтатмоқ лозим эди: шунинг учун Мирёқуб унинг ақлини ўғирламоқ мақсадида қичиқ масаладан гап очди:

— Тўйни нима қилдик, хўжайин? — деди у қўлини чайиб туриб.

Мингбоши бошини товоқдан кўтармай, оғзида бир манти, қўлида иккинчи манти билан шошилиб жавоб қилди:

— Узинг биласан, ўзинг! Мен қайдан билай!!

Мирёқуб мингбошининг бу жавобидан — шу топда унинг мантидан бошқа ҳеч бир масала билан машғул бўлолмаслигини англади. Чинакам, у, қўлини чайқаб, дастархон бошига келганида, товоқ яримлай деган эди. Шу учун улар иккаласи ҳам бир озгина жим қолишни эп кўрдилар. Айниқса, мингбоши, оғзига пахта тикқан каби, жиддий сукутга толмишди...

Товоқнинг у ер-бу ерида уч-тўртта қатиқсиз манти қолгач, мингбоши додхо товоқдан бошини кўтарди. Фақат икки кўзи ва ҳам қўлининг мўлжали товоқда эди.

— Ҳа, хўжайин, — деди Мирёқуб, — бўлдингизми?

— Бўлдим ҳисоб! Қани, ол сен ҳам! — деди мингбоши ва ўз олдидаги ёлғиз мантига қўл узатди... Унгача Мирёқуб ҳам ўз томонидаги мантиларни бир жойга тўплаб олган эди:

Товоқ бўшалиб ўртадан кўтарилди, унинг ўрнига катта чойнакда чой келди. Шундан кейингина мингбошининг гап-сўзга кўчмак истагани маълум бўлди.

— Қани, қиздан гапир, энди, бетовфиқ! — деди у. — Отаси нима депти?

— Сиз, илгари, қизнинг ўзидан гапириб беринг. Қалай, овози маъқул бўлдимми?

— Сўраб нима қиласан? Сенга бутун авлиё, анбиёларни шафе келтириб айтаманки, ўша қиз менга насиб бўлса, ундан кейин хотин олишни бас қиламан!

— Ҳеч кимни шафе келтирмай тура туринг, ҳали. Кейинги иккитасини олган вақтингизда ҳам ҳар сафар «Бас энди! Шу — охиргиси!» дердингиз. Бўлмайдиган ваъдаларни тил учига келтирманг, ичкарида тура турсин... Вақти келганда, ваъда бермасдан ҳам биттага таяниб қолсангиз бўлаверади...

— Ишонмаганингни қара, бенамоз. Мен астойдил гапираётирман. Худо битта, сўз битта!

— Ҳўҳ-ҳў!.. Ҳали шу даражага бориб қолдингизми? Бўлган экан!

— Нимасини айтасан. У келса, учовидан ҳам кечмоқчиман. Учовига қайрилиб қарамай, дейман... бор-йўғимни ўшанга берай, дейман...

— Сизга нима бўлди, хўжайин? Ақлингиз жойидами? Ё йўқми?

Мингбоши кўзларида аллақандай бир изтироб бор эди. Унинг оғзидан чиққан сўзлар тилдагина айтиладиган сўзларга ўхшамас эди. Мирёқуб бутун умрида кўрилмаган бу ҳол қаршисида шошиб қолди. Яна бир неча марта бошини эгиб, «хўҳ-хў-хўҳ-хў» дея такрор қилди.

Орага жимлик чўкди. Фақат, Мирёқубнинг чуқур ўйга кетиб, торта-торта чой ичгани эшитиларди. Мингбоши қўлидаги чойни ҳеч бир лузумсиз айлантириб совутмоқ билан овора эди.

— Ҳўҳ-ҳў! — деди яна Мирёқуб. — Отаси қурғур яқин келмайди-ку.

— А? — деди мингбоши. Чойни ерга қўйиб, бутун вужуди билан Мирёқубга тикилди.

— Сўфиси қурғур ёмон тақводор экан, хўжайин.

— Нима депти?

— Айта берайми?

Мингбоши қичқирди:

— Айтмай нима қиласан! Яширарминдиг?

— Умрида пешонаси сажда кўрмаган одамга қиз бераманми, депти...

Мингбоши негадир қаҳқаҳа солиб кулди:

— Тоза авлиё экан-ку, — деди. — Бенамозга қиз бермас эканми? А, авлиёси тушкур-э!

— Ундан кейин бетовфиқ, бузуқ, юрадиган, депти...

Мингбоши яна қаҳқаҳа солди:

— Сен билан юриб, шундай бўлдим, бетовфиқ! Эпла, энди, ўзияг. Мен бир иш қилиб, оламан қизни! Менга бермай, кимга беради?

Шу чоққача зўр бериб алланарсаларни ўйламоқда бўлган Мирёқуб яна чўнтагидан соатини олиб қаради:

— Хўх-хў, — деди, — ўн иккига яқинлашиб қолибди. Мен кетдим, хўжайин.

Ўрнидан турди.

— Шошма, — деди мингбоши; у ҳам ўрнидан турган эди. — Маслаҳат нима бўлди? Отаси бермайди, деб кета бераманми?

Мирёқуб, кавушини кийиб, салласини бошига қўндирғач, мингбошига яқинлашди:

— Хотиржам бўлинг, хўжайин! — деди. Овозида жиддийлик, кескинлик ва ўзига ишонч тўлиб ётарди. — Отасини унатамиз, қиз сизники бўлади. Мен ўзим бажараман бу ишни.

Мингбоши, унинг орқасига бир-икки марта уриб қўйиб:

— Сенга ишонаман, сенга, йўлварсим, йўлварсим! — деди.

Мингбоши, кечанинг чуқур жимлигида каттакон кавушини тарақлатиб, эснай-эснай, ичкарига кириб бораркан, Мирёқуб, Мирзабобони ёнига олиб дарвоза дарчасидан кўчага чиққан ва қишлоқ итларининг тўпаланг вов-вовлари ўртасида кетатуриб, жоҳил сўфининг қайсарлигини синдириш учун турли-туман тадбирлар ахтарарди...

## VIII

Раззоқ сўфининг уйидагилар «мингбоши» деган сўзни унутаёзган эдилар. Мингбоши тўғрисидаги доврўк, бир хил дайди шамоллардай, тўсатдан келиб қолган; сўнгра, сўфининг маълум сўзларидан кейин, бутунлай жимиб кетган эди. Қурвонбиби, яна қўни-қўшнидан иш олиб, кўрпа — қашишга ўтирди. Зеби бўлса, ҳовуз бўйига тўшакчани солиб, каштасига берилди. Ўлмасжон, ҳар ўтганида деярлик сўфининг баланд доволига осилиб хипчин синдирадиган бўлди... Энди, каштачи қиз — «вой ўлақолай!» деб ичкарига қочмас, фақат, бетига рўмолини парда қилиб, икки бети чўғдай ёнгани ҳолда, кулумсираган кўзлари ила ҳалиги парданинг ёнидан мўраларди...

Саратон яқинлашганга ўхшайди. Офтоб танурини қизита тушди. Кечагина кўкларда қанот қоқиб ўйнашдан туганмас лаззат олган қушлар, энди дарахтларнинг қуюқ кўланкали шохларида ўтириб олиб иссиқдан жон сақлайдилар. Кўча-кўйдан бирорта отлиқ ё арава ўтгундай бўлса, дунё-дунё кўтариларди... Одамлар, жонворларгина эмас, дов-дарахтлар, жонсиз махлуқот ҳам энтикиб, бўғилиб нафас олган каби.

Сўфи ҳам дайдишдан тийилди. Неча кундан бери суҳбатга ҳам бормайди. Дарпардаларга чойшабдан пардалар тўстириб, уйни қопқоронғи қилдириб, битта кийизчадан бошқа ҳамма палосларни олдиртириб ташлаб, қоқланган ерларга қалин-қалин сув урдириб... эртадан кечгача уйдан чиқмайди. Олдида — яхна чой, ёнида — елпиғич, ўзича зикр қилган бўлади. Бир қарасангиз «Ҳикмат»дан<sup>1</sup> байтлар ўқиб, хўнгир-хўнгир йиғлайди... Дам бўлса, суҳбат ҳофизлари сингари, аста-аста хиргойи қилади.

— Хонақодан кечиб юбордингиз шекилли! — деди бир кун Қурвонбиби.

— Валдирама, фитна! — деб қичқирди сўфи. Сўнгра яна ўз ишига берилди.

— Эшон бувам хафа бўлмайдиларми? Қандай муридсиз! — деди яна бир кун Қурвонбиби.

— Шу иссиғда суҳбатга ҳафсала борми? Қизиқ экансан... — деди сўфи. Бу дафъа, тескари бурилиб уйқига кетди...

Аллаким, ичкари эшик кетидан — «Сўфи! Ҳо сўфи! деб чақирган вақтида,

<sup>1</sup> Хўжа Аҳмад Яссавий девони.

сўфи оғир уйқида; Қурвонбиби эса, қавиб бўлган кўрпани эгасига топширмақ учун, қўшниларникига чиқиб кетган эди.

Бу чақириқни, ҳовуз бўйида ўтириб эшитган Зеби, рўмолини пана қилиб эшик олдига келди.

— Кимсиз? Нима дейсиз? — деб сўради.

У ёқдан — содда ва бироз дағал, лекин қувноқ эркақ овози келди:

— Ҳа, Раззоқ сўфининг ожизаларимсиз! Қалайсизлар, омон-эсон бормисизлар?

— Худога шукур, — деб қўйди Зеби.

— Мен отангизни айтгали келиб эдим...

— Ухлаб ётган бўлса керак. Уйғотиб берайми? Зарурми?

— Эшон бобом йўқлатдилар. Уйғотмасангиз бўлмайди. «Тез олдинга солиб кел!» дедилар...

— Хўп бўлмаса, уйғотиб берайин.

Зотан жуда сергак ухлайдиган сўфи, биринчи чақириқдаёқ уйқидан уйғонган эди. Дарпарданинг бир қанотини очиб ташқарига ун солди:

— Ким у? Нима дейди?

Элчи, сўфининг овозини эшитди:

— Менман, сўфи, менман: Худойназар!

Элчининг ким эканини билгандан кейин, сўфи, унинг нима учун келганини сўраб ўтирмади.

— Шошманг бўлмаса, ҳозир чиқаман, — деди.

Апил-тапил ҳовуз бўйига ўтиб таҳорат янгилай бошлади.

Қурвонбиби қўшниларникидан қайтиб чиққан вақтида, сўфи аллақачон кетиб бўлган; Зеби эса, уйни йиғиштираркан, «биргина қизил олма учун довол ошиб боққа тушган» йигитча тўғрисида ашулани данг қўйган эди.

— Ҳей, Зеби, отанг қани?

— Эшон бувам олдириб кетдилар.

Ашуланинг бўлинишини истамаган қиз, жавобни калта қилиб, яна сернашъа қўшиғини бошлади. Фақат, кампир шу топда гапга ва гаплашувга жуда қизиқарди. Чунки, кўрпа қовуқ учун, бу сафар, пулни кўпгина тўлаганлар; боз устига «мунча чиройлик ва текис қовугани» учун уни ўз юзига махтаганлар; иккинчи томондан чолнинг «бир ҳафтадан бери уйда сасиб ётгандан сўнг», яна хонақо томонга йўл солиши кампирнинг бўғилган таъбини оча тушган эди.

— Худо умурларини берсин эшон бувамнинг! Мунча яхши қилибдилар! Эркақ деган ҳадеб уйда ёта берса, сасиб кетади...

— Ҳали ҳам, кўрпалардан аллақандай ҳидлар буруқсайди... — деди Зеби.

— Офтобга олиб чиқиб ёй! Иложи бўлса ҳовлига олиб ўтиб қоқ! — деди Қурвонбиби, беш-олтита сийқа тангани қайта-қайта санаркан. — Яхши бўлибди, айланай болам; отангнинг оғир жуссасини эшон бободай одам кўтармаса ким кўтара олади?

Бироз жим қолгач эски ҳасратини бошлади:

— Илоҳим, қовоққинаси ўчсин унинг... Юрагим лахта-лахта қон бўлди. Қовоғидан доим қор ёғади. Важоҳати доим қиш, доим изғирин... Ё — бир маслаҳатни айтиб бўлади, ё — рўзиғор ишини. Кошки бошқа мўмин-муслмондай, бир касб қилиб беш-ўн танга топиб келса... Йўқ, йўқ! Ўзи тўй-мўйга бориб қорнини тўйғазиб келса, бўлди; бошқа билан иши йўқ! «Уйда хотиним бор, қизим бор, улар нима ейди?» деб ўйламайди. Хонақонинг текин шовласини еб ёмон ўрганган-да! Меҳнат қилиб, пешона терисини оқишишга, энди кўнгли ўлгури унамайди. Акаси шўрлик қанча ялинди — «қишлоққа чиқ, бирга ишлайлик!» деб. Кўнмади сира! Меҳнатга тоби борми, қалай! Оч қолса ҳам, бўйни ишга ёр бермасдан, шу бўйича ўтиб кета беради. Тағин, ҳар йил бир қур ҳажга жавлиганига қуяман! Ёнида бир чақаси йўқ, нимага ишониб бўлсайкин, ҳар йил бир қур «бошпут» олади. Чинакам жўнайдиган кишидай, бор пулига ун олиб, ёғ олиб — кулчалар ёптиради. Тарадди битгандан кейин, ҳажга бориш қолиб кета беради-да, ёғлиқ патирларни хонақодаги текинхўр сўфилар ейди! Адо бўлдим мен мундан!... Куйдим мен мундан!..

Кўрпа-тўшакни ҳовлига ташиб ётган Зеби, бу ҳасратларни тингларкан, шўрлик онанинг тоғдай бардошига қойил бўларди. Онасининг жуда оғир юк остида энтикканини билганлигидан, эсини таниганидан бери, унга ҳар тўғрида



ёрдам қилишга тиришиб, бутун рўзиғор ишини ўзи эплаб келар, онасига ҳеч бир оғирини туширмас эди. Зотан, бу рўзиғорни, Қурвонбининг қавиган кўрпак-тўшак ва гуппилари ила Зебининг чевар қўлларидан чиққан чорси ва тўппилар тебратиб келмайдими?

— Пешонамизга битгани шу бўлса қандоқ қилайлик, ойи! — деди қиз.

Бу вақтда улар иккаласи ҳовличага ёйилган палосларни қоқмоққа киришган эдилар.

— Албатта, болам, қазога чора йўқ. Шундай бўлса ҳам, кўнгил тўлиб кетганда, чидамай гапирасан-да одам...

Иккови ҳам жим қолиб ўз ишларига берилдилар. Бироздан сўнг, кампир, куюкишдан босилиб, оддий овоз билан сўради:

— Эшон бобом нимага чақиртирди экан? Келган одам айтдимиди?

— Билмадим, жуда зарур шекилли, «олдинга солиб кел!» — деган эканлар. Отам ўзи ҳам апил-тапил таҳорат янгилаб чиқиб кетди.

— Яхши бўлибди. Бирор жойда тўй-мўй бордир. Отанг келмаса ҳам эҳтимол, болам; қишлоқ-пишлоққа чиқиладигандир. Бўлмаса, мунча жадалла-тиб чақиртирмасиди.

— Қишлоққа чиқиб кетса яна яхши! — деди Зеби.

Шу топда, унинг юзларига қувноқ бир кулуш ёйилган эди.

— Салтанатхонди чақиртирай деб эдим. Бир келиб ўйнаб кетса яхши бўларди.

— Майли, бугун кечгача отанг келмаса, эртага чақиртирарсан.

Қизнинг юзига ёйилган ва борган сари қўйилмоқда бўлган қувноқлик, ғамга тушган томчи каби, бирданига йўқ бўлди; унинг жиддийлашган кўзларига, энди ташвиш кўлагалари чўккан эди.

— На унимиз бор, на гуручимиз. Яна нонқоқига чақирамизми? — деди қиз. Онанинг жавобини кутиб ўтирмасдан, ўртанган бир овоз билан илова қилди: — Йўқчиликдан қутулар кун бормикин?..

— Койима, қизим — деди она, — ўртоғингни қуруқ жўнатмайсан. Ош-сувингга еткулигини эплаймиз.

Зеби, кўзларини кенг очиб қаради:

— Рост айтасизми?

Қурвонбиби, рўмолининг учидан бояги тангаларни олиб қизига узатаркан, овини йиқитган мерган сингари, кўнгли севинч билан тўлгани ҳолда:

— Мана, болам, кўрпа қавуқдан пул тегди! — деди.

Зеби, икки қўлини онасининг бўйнига ташлади; она, унинг сочларини икки-уч марта юмшоқ-юмшоқ силагандан кейин, оғзини у сочларнинг ўртасига қўйди. Шундай қилиб, икки аламзада кўнгул, жуда қисқа бўлган қувончларга берилдилар...

\* \* \*

Фақат, бу тўрт довол орасига кирадиган қувончлари ўткинчининг назаридай, бир нафасга кириб чиқадилар. Уларнинг кирганини зўрға пайқа-ганлар, чиққанини пайқаёлмай қоладилар.

Уша тўрт довол ичида туғилиб-ўсган, ўша тўрт доволнинг тунд назарлари-дан бошқа ҳеч нарса кўрмаган ва унга кўникиб қолган бечоралар ўз ҳоллари-нинг мунча фожелигини пайқаёлмайдилар? Ҳар қандай қувончни ўзларининг ўша тор дунёларидан ахтармоққа мажбур бўлган шўрликлар, ташқаридан адашиб кириб қолган орият қувончларига ишониб кўнгил қўярмидилар?..

Одатда хуфтон ўтар-ўтмас ётоғига кириб илк саҳар уйқидан уйғонадиган Зеби, отасининг келиш-келмасини билиб шундан кейин хотиржам ухламоқ учун анчагача онаси билан гаплашиб ўтирди! Улар иккаласи, топган-тутган гапларини бир-бирларига айтишиб, уч чойнак чойни тамомладилар. Бутун эл бир уйқини уриб бўлганда ҳам сўфидан дарак бўлмагандан кейин, она-бола, унинг эшон бобо билан бирга бирор жойга кетганини ҳукм қилдилар. Зеби, эртага ўртоқжонини чақиратурган бўлиб, ширин хаёллар билан, уйқига кетди.

Бир томондан жуда кеч ётиб, иккинчи томондан ниҳоят даражада тотли тушлар билан кўп роҳат ухлаганлигидан, у эртаси кўни одатдагидан анча кеч уйғонди. Уйқидан кўзини очиб теварак-атрофга қарагач, ташқари эшикнинг

карракдай очилиб турганига кўзи тушди. Демак, сўфи қайтган эди. Узининг бу қадар қаттиқ ухлаганига ҳайрон бўлди. Отаси одатда, дарвозани жуда қаттиқ тарақлатарди. Ичкаридан «Лаббай» деб жавоб берилгандан кейин то-бирова чиқиб дарвозани очгунча, баджаҳл сўфи бардош қилолмас, қўлидаги таёқ билан зўр бериб дарвозани саварди... Демак, бутун шу тарақ-туруқни эшитмаган Зебининг ўлиқдай қотиб ухлагани маълум бўларди. Энди, Салтанатхонни чақириш ҳаваси елларга учди... Энди, яна ҳафталарча, сўфининг боши уйдаги ёстиқдан кўтарилмайди. Энди, яна қанчагача — ёш қизнинг гулдак умри ҳовуз бўйида игна санчиб ўтади.

Ўрнидан туриб бет-кўзини ювди, ўчоққа ўт ёқиб чойдишни қўйди; сўнгра, ташқари эшикни ёпиб қўйиб секингина уй томонга борди. Бир жуфт дарпарда ёпиқ бўлганидан уйнинг ичи бироз қоронғи эди. Астагина кулоқ берди: бировнинг хўрсиниб йиғлагани эшитиларди. Яна ҳам қунт қилиб тинглади. Йиғлаган онаси эди. Кўнгли шув этиб кетди. Бироздан сўнг сўфининг гўлдурангани эшитилди:

— Хотин кишини йиғлашга ҳақ қилган худо... Йиғлай бер!

Шундан сўнг уй ичига оғир бир жимлик чўкди. Қурвонбибининг йиғиси хўрсиниб даражасига тушиб қолди. Кейинча, у ҳам жимиб кетди.

Узоқ жимликдан сўнг сўфининг оғир бир томоқ қиргани эшитилди. Сўнгра, у, одатдаги амирона овози билан:

— Қани, бўл, чойингни бер! — деди.

Кампир, эзилиб мулойимлашган овоз билан:

— Шу ерга берайми, ё эшикка чиқасизми? — деб сўради.

Сўфи, яна дағал овоз билан:

— Дим уйда нима бор! — деб қичқирди.

Онаси ташқарига чиққач, Зеби бориб унинг бўйнига осилди. Қурвонбибининг кўзлари қизариб қовоқлари кўкарган эди.

— Нимага йиғладинг, ойи? — деб сўради Зеби.

Онаси дарҳол жавоб беролмасдан, бироз ўйланиб тургач:

— Ҳеч... — деб қўйди.

Жавобнинг бирданига берилмагани, сўнгра бу «ҳеч» деган маънисиз жавоб Зебининг ташвишга тушган кўнглини баттар ташвишлантирди.

— У нима деганингиз? Бекорга йиғлайдимки киши? — деди у.

Қурвонбиби яна жим қолди.

— Ойи, бир ёмон гап борга ўхшайди. Мендан яшириб ётирсиз! — деди Зеби.

Унинг кўнглидаги ташвиш энди тилига, овозига ўтган эди.

Она энди бу сафар боласини қондиргундай жавоб бермоққа мажбур бўлганини пайқайди. Фақат, нима дейишини билмайди.

— Сўраб нима қиласан, болам? Отангинг феълини биласан-ку: бекордан-бекорга мени гадаблаб ўтирибди...

— Нима дейди, ахир?

— Нима дериди? Бошимни олиб бир ерга кетаман дейди... тўйдим сенлардан дейди.

Зеби, онасининг бу гапларига ишониб кўнгли анча тинчиган бўлса-да, онанинг ўзи-ўз оғзидан чиққан бу ёлғонларга сира ишонолмас, «ўзим ишонмаган нарсага қизим бечорани қандай ишонтираман» деб ўйларди:

— Отанинг шунақа хулқи бор, — деди Зеби. — Баъзи-баъзида феъли айниса «кетаман»га тушади. Қўйинг, хафа бўлманг. Эрта-индин босилиб қолади. Илгари қилмаган бўлсайкан...

Зебининг бу муҳокамаси онанинг кўнглини дарров тинчитди. Қизининг бу сўзларида ва у сўзларни айтган вақтидаги овозида ёш болаларда бўладиган бир соддалик кўринарди. Қиз бечора ҳали кўп, содда! У, онасининг оғзидан нима оқса дарров ишонади! Фақат, она бечора ўз қизини қачонгача алдаб юра қолади? Қизнинг бу соддалиги қачонгача давом этади? Бу алдашлар, эрта-индин очиқ ҳақиқатлар қошида кулпарча бўлиб синмайдиларми? У вақтда алдамоқ учун сўз топиладими? Ёш қизнинг «қарс!» эта ёрилиши мумкин бўлган кўнгил шишасини ямаш учун онанинг тadbир сандиғида ҳеч нарса топиладими? Содда қиз, тил учиди айтилган бир-икки оғиз гап билан тинчланиб сўрига жой қилгани чиққан вақтида, айвоннинг бир чеккасида ўрнидан жилолмай қолган онанинг

кўнгида шу ташвиш ва шу андешалар айланарди. Кейинча, қизининг тамом тинчланганини кўргач Қурвонбиби ҳам изтироблардан енгиллангандай бўлди. Сўрига келиб тайёр дастархонга ўтиргач, Зебининг пешонасидан ўпиб-ўпиб қўйди.

Отасини нонуштага чақирмоқ учун кирган Зебига, Раззоқ сўфи, нимагадир: — Чойингни ҳовлига чиқиб ич! — дея буюрди.

Бу буйруққа на она эътироз қилди ва на қиз. Айниқса, Зеби, бутун бу нарсаларни отасининг феъли айниганидан кўрарди. Онасининг кўзларида шунча изтироблар қайнаб-тошгани ҳолда ёш қизнинг содда кўнгли уларни кўролмас эди. Онанинг кўнгли, сир беркитиш орқасида, ғашидан ёрилай деганда қизнинг кўнгли — дам Улмасжонни, дам Салтанатхонни эркалатиб ўйнарди. Ҳовуз бўйида яна ўша қўшиқ, яна ўша ёқимли овоз, сувларнинг жим-жимаси устида йўрғаларди. Яна ўша кашталарнинг яна ўша кулар юзли ипаклари, иланг-биланг чизик устидан бориб, кунгираларнинг шаклини қавартирарди. Яна ўша доволдан яна ўша аравакаш бола мўралаб, ёш қизнинг мунгли қўшиғини бўларди...

Бир кун эрталаб иккита қўй билан бир арава ун-гуруч келиб киргандан кейин, Зеби, онасининг андешалик кўзларига қарамасданоқ, тунов кунги кўз ёшларнинг маъносига тушунди. Ёш қизнинг кўнгли шишасига бир тош келиб теккан каби бўлди...

Нонуштадан бироз кейин қўйлар келган бўлса, тушга етмасдан қассоб тайёр бўлди ва Раззоқ сўфи, этагини белига қистириб, енгларини шимариб ташқарига жомларни, саватларни ташимоққа бошлади. Қўйларнинг қопқора қонлари ерларни бўямасдан туриб, ташқари томондан, хурсанд овозларнинг:

— Тўй қуллуқ бўлсин, сўфи!

— Жуда соз бўлибди!

— Мундай давлатни кам бандасига беради худо! — деган хушомадлари кўтарилди.

Энди, онага қўшилиб қиз йиғлар, қизга қўшилиб она йиғларди. Буларнинг йиғилари кучайган сари ташқари томондан келаётган хушомадлар ҳам кучаяр; бутун маҳалла-қўй Раззоқ сўфининг бахтини олқишлаб чапак чаларди!

\* \* \*

Ўртароқ бир хонадоннинг орзу-ҳавасли каттакон тўйдан ҳашаматлироқ бўлиб ўтган фотиҳа тўйдан кейин, Қурвонбининг кўзларида йиғлайдиган ёш ҳам қолмаган эди. Зебининг кўз ёшлари сира тинмади. Бу орада Салтанатхон икки марта келиб кетди. Қумрихон келди, бошқа ўртоқлари келишди; ҳар йўл билан Зебининг кўнглини олишга, уни юпатишга уриндилар. Бўлмади! Кўз ёшлари, ариқнинг сувидай, ўзлари келиб ўзлари қуюлардилар. Илгарияк кунда юз марта қизини юпатган, унинг кўз ёшларини енглари билан артган она, энди у ёшларга кўникиб қолган; индамасдан ўз ишига машғул бўлар, тўй ҳозирликларини кўрарди.

Ҳар ҳафтада бир келадиган қўй, ун — гуручни ташимоқдан Раззоқ сўфининг қўллари қаварди... Тоза гуручлар билан бўрдоқи қўйларнинг паловларини емакдан қуюқ ёғлар меъдасига урди... Ёғлиқ қўлларини арта бермоқдан унинг эски бедана маҳсиси ойнадай ялтираб кетди... Бутун буларнинг орқасида она билан боланинг қайноқ кўз ёшлари қуюларди. Бутун бу ноз-неъматлар ёш қизнинг кўнгил шишасини синдириш баҳонасига тушган эди. Фақат, сўфи кўнгилдан ва унинг нозий шишасидан бир нарса англайдиган одам бўлмаганлигидан, бу каттакон ишнинг оқибатини хаёл қилган вақтларда — «келаси йилга (иншооллоҳ!) ҳажга кетиш насиб бўлади» деган умидлар билан хурсанд бўларди...

Биринчи марта қўй келган кундан бери бутунлай эсидан оғиб қолган Қурвонбиби, фотиҳа тўйдан кейин, бироз ўзига келган эди. Бора-бора Зебининг кўз ёшлари ҳам қуриди. У ҳам, худди суратдай, жонсизгина судралиб юра бошлади. Бурунгидай, онасининг ҳеч бир сўзини қайтармас, нима деса — оғзидан чиққан ҳамон бажарарди. Эси-ҳуши ўзида бўлмаган бу жонсиз суратнинг ёғочдай қотиб қолган қўллари ва бармоқлари ила, рўзигор ишларини яна бурунгидай пухта бажаришлари — онанинг қуриган кўзларини ҳам яна ёш

билан тўлғазиб юборарди. Зебининг оғзидан на бир оғиз сўз чиқар, на бир байт қўшиқ, на бир оҳ-воҳ. Бу ҳол онанинг изтиробини бешбаттар оширарди. «Бу кетишда, қизим шўрлик, тўйга етармикин, йўқмикан?» деган хаёллар онанинг бағрини тилардилар.

Эшон чақиртириб кетган куннинг эртасида, Раззоқ сўфи, уйига қайтиб келганидан кейин — «қизингни мингбошига бериб келдим, тараддингни қил» деган; шундан сўнг Қурвонбиби йиғлашга бошлаган; уни Зеби юпатган; шу билан иш фотиҳа тўйига бориб етган эди. Бу орада анчагина вақт ўтса ҳам Қурвонбиби ўз эридан — илгари рад қилган мингбошига кейинча розилик беришнинг сабабларини сўрамади. Гапнинг рости: юраги бетлаб сўраёлмади. Илгарилари, Зеби, ўз отасидан қандай қўрқиб қочган бўлса, энди Қурвонбиби ҳам ўз эридан шунча ўзини четга тортарди. Зебининг ҳалиги аҳволи кўнглига ташвиш солганидан кейин чидаёлмади; бир кун Зебининг йўқ вақтини топиб туриб у эрига сўз очди:

— Бошим гангиб ҳеч нарса деёлмай ётибман...

— Ҳа, нима демоқчисан, фитна! — Сўфи, аввалгидай қуруқ ва совуқ гапирарди.

Қурвонбиби, хўрсинганидан, бирозгача нафаси бўғзига тикилиб гапиролмай турди. Кейин нафасини бироз ўнглаб яна боягидай хўрсиниш овози билан, бўлиб-бўлиб сўзлади:

— Бу нима қилганингиз? Бу...

— Ҳа, нима қилибман, баччағар?

— Илгари... мингбоши ўлгурга... бермайман деб келиб эдингиз... кўрсайиб... махтаниб гапириб эдингиз... «Бенамозга... қиз йўқ!» деган эдингиз... Қани у кўрсайишлар? Нима бўлди? Туппа-тузук сўфи одам бир бенамоз, бир бўзахўрга қиз бериб ўтирибсиз!

— Берсам нима бўпти, баччағар? Уз қизим...

— Уз қизингиз-ку... Тенгини топиб беринг-да... Эшон бобомнинг манъ қилганларига ҳайронман. Ҳа... ҳа...

Шу ерга келганда Қурвонбиби бироз дадилланиб, овозини кўтара тушди. Гўё эшон бобо унинг томонида бўлиб Раззоқ сўфига қарши чиқажак эди:

— Ҳа... ҳа... энди билдим! Бу гапдан, валлоҳи аълам, эшон бувамнинг хабарлари йўқ! Бўлмаса, сизнинг беҳуда ишингизни қилдирмас эдилар!

У ёқда, сўфи, аччиғи келиб бақириб ўрнига, бир нарсадан хурсанд бўлгандай, мийиғида кулиб турарди.

Қурвонбиби давом этди. Унинг овози яна ҳам кўтарила тушган эди.

— Шошманг! Эшон бувамга бориб дод дейман! Ори рост, бир бўлган иш-ни энди буздуреш мумкин эмас-куя; ишқилиб сиздан дод деб бир кўнглимни бўшатмасам бўлмайди...

— Ё облоҳ, фитна! — деди сўфи, кулиб туриб. — Эсинг йўқлиги шу-да!

Шу-да эсинг пастлигинг! Шу-да хотинлигинг!

Қурвонбибининг аччиғи келди:

— «Эчкига ўлим, қассобга ёғ!» Мен ўлолмай гарангман, сиз ҳадеб олиб куласиз. Ҳа, эшон бувамга айтолмайманми?

— Ҳа, айт! Айт бориб! — деди сўфи, яна кулиб туриб, — Аблахлигингни пиримизга ҳам кўрсат, фитна!

— Оббо, ақллик-эй! Шошманг, ҳали! Эшон бувам, гадавлагандан кейин эсингиз киради. Ҳали, ёғлиқ паловлар билан мастсиз!

Сўфи кулишдан тўхтаб жиддийлашди.

— Бас дейман, аҳмоқ, бўлди! — деб қичқирди у. — Ҳеч нарсадан хабаринг йўқ, валақлай берасанми? Мингбошига бергин деб, қистаб юриб, мени кўндирган эшон бувамнинг ўзлари бўлса нима дейсиз?

Қурвонбиби ихтиёрсиз:

— Вой ўлақолай! — деб бақирди. — Эшон бувам ўзлари бошми ҳали? Вой шўрим қурсин-эй!

Бечора кампир бошларига муштарди.

— Муштла бошингга, фитна! — деди сўфи, яна ўша жиддийёт билан. — Кўпроқ муштла, ёр, ўша эсипаст бошни!..

Иккаласи ҳам жим бўлишди. Сўфи ҳамон ўша жиддийёт билан бир нуқтага

тикилган; Қурвонбиби, энди, бироз ўзини тўхтата бошлаган эди. У, оддий ва тинч овоз билан сўради:

— Эшон бобом қистаган бўлсалар қаттиқ турсангиз бўлмасмиди?

Фақат, кампирнинг бу сўзларида, энди тақдирга тан бериш унлари бор эди. Бу унни, сўфи ҳам пайқади. У, бугун, нечиндир — бироз юмшара тушган; хотини олдида ўзини оқламоққа тиришгандай кўринарди.

— Ҳовлиқмай гапирсанг, фитна... Дунёни бузасан... — деди у. — Мен кўп олишдим. «Бенамозга қиз бермайман!» дедим. «Сен-бизнинг минг йил ибодатимизу, уларнинг бир кунлик хизматлари — баб-баравар! Мингбоши, қанча мўмин-мусулмоннинг ҳожатини чиқаради, қанча аламзаданинг додига етади; қанча ўғри, киссакур, қароқчининг жазосини беради! Қанча ноҳақ бўлган ишларни ҳаққа қарор топқизади. Ибодат ҳам — ибодат, мўмин-мусулмонга хизмат ҳам — ибодат! Балки, бу кейингиси — овла!» дедилар. Нима дейин! Нима деб бўлади? Мен оми бўлсам, саводим бўлмаса, оқ-қорани танимасам, у киши мулла бўлса, забардаст бўлса, худонинг буйруғини тушунса; шариатни, тариқатни сувдай билса... нима дейман?

Сўфининг, ўз хотинига, айстойдил куйиб-ёниб, ўз қилмишларидан бунча дурув-дароз ҳисоб бериб ўтириши — мана шу эди. Буни, Қурвонбиби тегишинча тақдир қила билди. Эрига иссиқ назар билан қараб, унинг аҳволига энди, бир даражада ачина бошлади. Шу учун анча оғирлик ва босинқилик билан:

— Мен-ку ҳеч нарса демас эдим, — деди у, — мана бу қизингиз худди бир суратга айланиб қолди. Кўрқиб ётибман.

— Ўртоқларини чақиртир, фитна... Уйин-кулги қилишсин... У тарафдан мен ҳам тўйни тезлатай... Тезроқ бериб қутилайлик.

— Салтанатхон ўртоғини ўзи ҳам чақирмоқчи бўлиб туриб эди, — деди кампир. — Сиз уйда бўлсангиз учун...

— Мен хонақоға кетаман. Чақиртира берсин. Ун-гуруч бўлса сероб... Пул ҳам бор; орзу-ҳавас қиламан деса, мана пул. Бозордан олдирсин. Кўнгли хоҳлаганини қилсин!

Шу сўзларни айтатуриб ёнидан битта ўн сўмлик янги қоғоз олди, уни бармоқлари орасида увиб, шир-шираган овоз чиқарди, ундан кейин юзларида шу чоққача ҳеч бир кўрилмаган болаларча қувониш билан кампирга узатди.

Кампир, умрида кўрмаган ўнталикнинг нақшларига қараркан — шу нақш сингари жонсиз бўлиб қолган шўрлик қизини кўз олдига келтирди-да, кўзларига ихтиёрсиз ёш олиб юборди...

## IX

Зебини тушириб келиш учун шаҳарга борган хотинлар, уларнинг ўз тиллари билан айтсак «кундошлар» бошларида Пошшахонга ўхшаган эслик ва айёр бир жувон турганига қарамасдан, негадир, «кичкина митти»ни назардан қочирдилар. «Кичкина митти, хон хўжани йиқитди» дейди ўзбек мақоли. Қудалар қафиласи шаҳарга жўнаркан, Умринисабибини аравадан ўз қўли билан тушириб юборган ва унга қараб — агар тўйда ё тўйдан кейин мен сизни уйда кўргудай бўлсам, мингбоши додхога айтиб авақтага жўнатдираман!» деган Пошшахон, Умринисабининг қизини ё кўрмади ё, кўрса ҳам, назарига илмади. Пошшахоннинг қўйган қизлари, яъни унинг ўз «одамлари» шаҳарнинг ўзида, йўлда ва ҳар ерда Зеби билан бирга бўлиниб, фаришта қиёфасидаги шайтон каби, унинг ичига кириб, пистоқи таъзимлар ва серхушомад гаплар билан унинг кўнглини овлаб — мингбоши додхога уни «синтираркан» ўзларининг муваффақиятларидан ҳеч бир шак-шубҳа қилмасдилар. Тезда-тезда уларни чақириб таълимот бериб турган Пошшахон, ўз одамларининг маърузаларини эшитгандан кейин, боз устига ўзи ҳам чимилдиқ кетига ўтиб Зеби билан «жонажон ўртоқдай» гаплашгандан сўнг «қизнинг муқоваматини синдирдим, ўжарлигини енгдим!» деб ўйларди. Ўзига кўп бино қўйганларнинг алданиши ёмон бўлади! Икки қиз ва бир жувоннинг бутун меҳнатларини Умринисабининг «кичкина митти»си бир неча оғиз гап билан ювиб ташлашга жуда осон муваффақ бўлди. Умринисабибини ишга солиб қўйиб, ўзи аллақерларда тажанглигидан кокилини юлиб юрган Султонхон, энди, шайтон кулиши билан

кулуб кўли толгунча чапак чалса бўлади. Унинг кўнгли олдин сезиш йўли билан бир нарса сезган бўлса ҳали ҳам жиртак чалиб кулаётгандир. Ким билади!

Шаҳарда бир неча минут, қишлоқда — мингбошиникида — ундан ҳам озроқ холий фурсат топиб, «кичкина митти», Зебига айтиладиган ҳамма гапни айтиб олди. Мингбошини шундай тасвир қилдики, энди унинг ўрнига-куёв ролида — бир дев кириб келса, Зеби «жон!» дерди. Бунинг устига — «бечора Султонхоннинг маъсум кўз ёшлари!», иккала — «иттифоқчи» Хадичахон билан Пошшахоннинг минг бир «ҳийлалари» ҳам (хотинлар ўзлари худди шу шаклда — «ҳийла-а» деб гапирдилар) — ёш ва маъсум бир қизнинг самимий тили билан — бир-бир баён қилинди. Шу учун, тўйга яқин ва тўй кунларида ўз ўртоқлари билан кулуб гаплашган, Пошшахоннинг одамларига эса қиёмат дўстларидай муомила қилиб, уларга «Ғалаба» ғурурини берган Зеби, қишлоққа жўнар кунни бирданига ўзгариб, ёнига-ўз онасидан, бошқа ҳеч кимни киргизмай, бирданига бурунги қуруқ «сурат» шаклига киргач, иттифоқчилар шошиб қолдилар. Зеби, ўзи учун ажратилган катта уйга кириб ипак чимилдиқнинг кетига ўтган вақтида, иккала иттифоқчи, тўйчи хотинларни ҳам унутиб, дастархон ва ош-сув масалаларини ҳам бировларга топшириб, ўзлари Пошшахоннинг уйига чакилдилар ва бу ўзгаришнинг сабабини текшириб чорасини ахтармоққа бошладилар, кўп ўйладилар, кўп тушундилар, кўп режаларни чизиб кўрдилар... Фақат, шу кичкина митти ҳеч бирисининг эсига келмади. Шу учун ўзгаришнинг сабаби билинмади!

Улар, бир чора топишдан ҳам ожиз эдилар, шу қалтис пайтда ақллари ҳеч нарсани олмасиди. Бир тарафдан... куёвнинг кирар вақти яқин, иккинчи тарафдан — ҳовли юзи тўла хотин-халаж, бола-чақа, «етти иқлимдан» одам бор, шовқин-сурон, қий-чув, мия айнайди... мия айнайди, холос! Бир кучли овоз бўлсаю ҳовлига чиқиб ўкурса ва хотин-халаж бир нафасгина жим бўлса... Булар ўйлаб бир фикр чиқарсалар!

Ҳолбуки, хотин-халажнинг қий-чуви авж олаётир.

— Шошманг, нима гап? — деди бирданига Пошшахон.

Дарҳақиқат, ташқарида хотин-халажнинг умумий хўри бошланган эди. Ҳовлидаги хотинлар ҳаммаси бирдан алланима деб, бир сўзни такрорлаб, шовқин солардилар. Булар ҳам бир-бир кетин ҳовлига чиқишди.

Кичкинагина бир воқеа бўлиб ўтган эди:

Зеби, каттакон уйнинг тўғрисида, очиқ дераза ёнидаги бурчакда чимилдиқ кетида онаси билан бирга ўтирарди. Унча бесаранжом бўлгани ҳам кўрунмасди. Ҳатто хотинларнинг қизиқроқ гапларини эшитса кулиб кўярди... Ҳовлида, деразанинг таккинасида турган иккита хотин-ким эканликлари номаълум! — тик ҳолда ўзаро гаплашиб туриб гапни мингбоши додхо ва Зеби тўғрисида кўчирдилар. Зеби, уларнинг суҳбатларини — юраги ўйнаб туриб, тинглар ва онаси суҳбатга моне бўлмоқ истаса йўл қўймасиди. Иккала хотин овозларини пича кўтара тушиб-хотинларнинг қий-чуви орасида, суҳбатда бемалол давом этдилар. Зебининг қулоғи ҳам гўё деразага осилиб қолди.

— Қизингиз етилиб қолди, мингбоши додхога бермайсизми? — деди уларнинг биттаси, овозини кўтара тушиб.

Яна бири овозини анча баланд чиқариб бундай деди:

— Буватавваккал адирида одам сонидай йўғон илонлар бўлур эмиш. Шуларга берсам бўлмайдами!..

Зеби «оҳ» деб бир қичқирди-да, онасининг қучоғига йиқилди. Хотинлар, чувуллашиб чимилдиққа томон югурдилар. «Вой нима бўлди? Вой нима бўлди? Вой ўлақолай! Вой шўрим!» овозлари ҳар тарафдан юксалди. Чимилдиқ атрофини қуршаб «вой нима бўлди?» деган хотинлар орасида, ҳалиги иккови ҳам бор эди...

Бироздан сўнг улар иккови орадан йўқ бўлишди. Уларнинг келиб-келмаганини ҳеч ким билмади. Шунча кўп хотин-халаж орасида икката хотинга сон борми?

Пошшахон билан Хадичахон воқеани суриштириб кўрдилар. Ҳар оғиздан ҳар хил гап чиқарди. «Аллаким келинга эшитдириб куёвни ёмонлади» деганлар бўлди. «Ўз қулоғим билан эшитдим!» деганлар бўлди. Фақат, уйдаги хотинлар — «ташқаридагилар гапирди» дедилар, ташқаридагилар ичкаридагиларни айбладилар...

Зеби, кўзини мўлтиратиб, қўли кўксида, бедармон ётарди. Оғзини очиб бир сўз демас, саволларга жавоб бермас, ёнига кирган Энахонни ҳам танимасди. Ранги пахтадай оқарган, қовоқлари брушта учиб турарди.

Пошшахон, Умринисабининг эшигига қулф солдириб қўйиб, иттифоқчиси билан яна кенгашгали кирди. Бу сафар кенгаш жуда қалта бўлди. Чунки вақт нозик, тезроқ чора кўриш лозим; куёв кирадиган вақт бўлган эди.

— Куёвингизни бугунча киргизмай турсак, — деди Пошшахон. — Эртага Зебихонни алдаб-сулдаб йўлга солардик... Кейин, олиб кириб қўйсак, ундан нарисини эркак киши ўзи эплаб оларди...

— А-в-в... — деди Хадичахон. — Кошки, эп деган нарса бўлса куёвда...

— Униси рост-куя... Ҳарқалай, эртагача худо пошшо эгам... Бугуннинг маслаҳатидан келинг.

— Ҳалиги маслаҳатингиз дуруст... Бугунча, туратурсин, ўлмас...

— Улмайти, албатта... Пешонасидан кўрсин... Ишқилиб Султоннинг ошиғи олчи!

— Нимасини айтасиз. Умриниса фитна еткизгандир бу чоққа...

— Қўяди дейсизми? Эрта қачон...

— Жиртак чаляпти десангиз-чи, яшшамагур...

Иккаласи ҳам бир нафас жим қолишди.

— Маслаҳат ҳалиги бўлдимми? — деди яна Пошшахон, — бугунча кирмай турадимми? Яхши маслаҳат.

— Бошқа иложи ҳам йўқ. Аммо, у ўжар куёвни ким кўндиради бунга?

— Ғалати экансиз! Ким кўндирарди? Мирёқуб акангиз-да...

— Узингизнинг акангиз...

— Ҳаммамизнинг акамиз...

— Чақириб айтинг бўлмаса.

— Йўқ, сиз каттамиз, сиз айтинг! Мен яқин йўламайман!

Хадичахон Мирёқубни чақириб гаплашгали ташқари эшик олдига чиқди. Пошшахон Зебидан хабар олгали югурди.

\* \* \*

Султонхон, тўйга бир неча кун қолганда онасиникига кетган эди. Кетаркан, кимдандир сўраб-ижозат олиб кетишини билолмади. Сўраганда, кимдан ҳам сўрайди? Мингбошининг онаси ролида ҳозир Хадичахон. Унга кириб ялинадимми? Е, Пошшахонга таъзим қилиб ундан сўрайдимми? Улар нима дейдилар? Тил учида «Вой айланай, вой ўргулай» қилсалар ҳам, кўнгулларида — «ўла, ўлаганинг яхши! Алам қилдимми? Қочқинг келдимми? Қоч, орқангга қарамай қоч; кавушингни қўлтиқлаб қоч!» демайдиларми? Мингбошидан сўраш керак эди, албатта. Унинг олдидан ўтмай бўлмайди. У-эр, эр — подшо, хотиннинг инонихтиёри ўшанинг қўлида. Фақат, шу топда мингбошининг кўзига оқ-қора кўринмайди. Мингбоши, шу кунларда, ўз соясидан ҳам беҳабар... Беш-олти ой бурун эди унинг Султонхони. Энди йўқ! Бир йил бурун унча-мунча «Султоним» деб турарди мингбоши. Тез-тез бунинг ёнида бўларди. Бу даргоҳга эрта баҳорда Зебининг қадами теккандан бери Султонхон бутунлай нест-нобуд бўлди. Кечаги ботган қуёшдай... нутилди!

Паранжисини ёпинди. Умринисабининг дарчасига яқинлашганда бирдан тўхтади ва орқасига қайтиб, Хадичахоннинг уйига томон йўналди.

— Мен ойимларникига кетаяпман. Уч-тўрт кун айланиб, кўнглимни ёзиб келай...

Хадичахон «ҳа, майли» деб қўя қолса нима бўларди? Жуда чидамай кетса — индамасиниди, бунга қараб мийиғида бир кулсуниди — шу ҳам ортарди. Йўқ! Пошша — афсунчининг бу ўргатма илони бир марта нишини ботириб олмаса бўладими?

— Вой, бу нима қилганингиз, Султонжон? Шундай яхши тўйлар бўлаяпти...

Тили зўрға-зўрға қалдираб:

— Тўйгача... келаман... — дея олди Султонхон.

Умринисабининг дарчасидан ҳатлар-ҳатламас жўнгурак отиб йиғлаб юборган эди.

У ерда кўп ўтирмади. Бироз ҳасратларини айтиб кўнглини бўшатгандан

кейин «кичкина митти»дан фойдаланиш тўғрисида бир-иккита маслаҳат кўрсатиб, онасиникига кетди. Шу бўйича тўй куни ҳам қайтиб келгани йўқ.

Янги келин келган куннинг эртасига — худди нонушта чоғида Умринисабиби етиб борди. Упкаси оғзига тиқилиб, ўлгудай, ҳаллослаб туриб, кутулмаган ютуқлардан гапирди. Кичкина миттининг катта ишлари айниқса дераза олдида томоша берган икки хотиннинг ўйинлари-ўлган Султонхонни тирғизди. Унинг беҳаёлик ва уйқисизликдан юмулган кўзларини қайта бошдан очирди! Умринисабининг бурушган терили бармоқларида янги узуклар ялтиради! Иккаласи бир-бирини қучоқлаб ширин-ширин нашъага ботдилар.

— Йўқ, хола, ҳали эрта! Эрта ҳали...

— Нима демоқчисиз, айланай?

— Маъракани йиғиштиришга ҳали вақт эрта.

— Нима қилайлик, айланай? Мени у эшикка қадам бостиришмайди. Қизим кириб юриб эди, ҳалиги иккала хотиннинг ишидан кейин ўртадаги эшикка қулф солдилар.

— Йўқ, хола! Йўл топилади, топиш керак.

— Хўп, айланай, топамиз.

— Топамиз! Топамиз... топамиз...

Ақли бошқа жойда бўлгани ҳолда, Султонхон, ҳадеб шу бир сўзни такрорларди. Бирдан сўраб қолди:

— Энахон қаерда? Уни киргизишадими?

— У, ҳаммавақт Зебихоннинг ёнида.

— Бўлмаса, ўша билан гаплашинг. Бугуноқ гаплашинг. Ҳозир бориб гаплашинг.

— Ҳозир жўнайман бўлмаса.

— Менга қаранг!

Икки қўли билан Умринисабининг икки елкасига ёпишди. Юзини унинг юзига яқин олиб борди.

— Менга қаранг, холажон! Энахон Зебига дўст. Чинакам дўст. Мингбошига хотин бўлишини ҳеч хоҳлаган эмас. Ҳали ҳам хоҳламайди. Қўрқмасдан, очик гаплашаберинг. Гапдан гап чиқади. Гапдан маслаҳат чиқади!

Умринисабиби каттакон белбоғини ун-гуруч билан тўлғазиб дарров йўлга чиқди.

Энахонларникига бориб кирган вақтида, Энахонларнинг бутун оиласи ёйилган қопнинг теграсида жугари уқалаб ўтирардилар.

— Айланай, Энахон. Шошилиб турибман. Сизда икки оғиз гапим бориди.

Иккаласи бирга ҳовлига ўтдилар. Ариқ бўйига ўтиришган ҳамон Умринисабиби гап бошлади:

— Зебихоннинг аҳволи қалай, айланай? Жиндак гапириб беринг. Ҳеч нарса билолмай юрагим эзилиб кетди. Кўзимнинг қорачиғидай яхши кўрардим.

— Уни яхши кўрмаган ким бор, холажон? Ҳамма яхши кўради. Яхши кўриш бошқа экану, толе бошқа экан...

— Нимасини айтасиз, айланай? Етти ухлаб бир тушига кирмаган кунларни кўрди шўрлик...

Бироз тўхталди. Рўмолчасини ариққа солиб ҳўлланган юзини бир қур артиб олди.

— Куйиб кетдим, айланай. Бир жойда ўтуролмаيمان... Қизим Баҳридан сўрайман, бир оғиз гафни эплаб гапиролмайди. Кеча кечаси ўша ердайди. Шаҳарга ҳам бирга бориб эди. Гап сўрасам, худди тили йўқ соқовдай, «Ғ.Ғ...» қилади холос... Юрагим «қарс!» эта ёрилгундай бўлди. Шундан кейин бу ерга чопиб келдим, айланай.

Содда Энахон бу ёлғонларнинг ҳаммасига астойдил ишонарди.

— Зебихон энди пича дуруст, — деди у. — Кеча кечаси куёв киришга яқин аллакимдан бир ёмон гап эшитиб...

У, шошилмасдан, ҳамма бўлган гапларни айтиб берди. Бу гаплар ҳаммаси Умринисабибига маълум бўлса-да, эшитмаган одамдай, брушта «вой тувва! Вой ўлақолай! Вой шўрлик! Шунақами?» деб турди.

— Энди ҳамма ҳайрон, холажон... Бугун кечаси нима бўларикин? Куёв кирмай туриб бу шунақа қилади. Куёв кирганда нима бўлар экан?

— Шуни айтаман, айланай.



— Мен ҳеч чиққим йўқ ўша томонга. Чиқмасак оқибатдан эмас. Бизни деб келиб тузоққа тушди шўрлик. Менга шундай кўзларини мўлтиратиб қараса юрагим «жиг!» этиб кетади...

— Рост, айланай, рост... Ҳамма деганингиз рост...

— Бу ишни қилган кундош ўлгурлар, энди ўзлари ҳам ҳайрон...

— Яшшамагурлар...

— Султонхон бўлса у ёқда життак чалаяпти!

— Яшшамагур...

— Аъзаймхонларга катта-катта сарф қилаяпти, дейди... Отаси бой эмасми? Онасида ҳам бисот каттаймиш...

— Яшшамагурлар...

— Бир ўйлаганда у бечорада ҳам айб йўқ.

— Рост айтасиз, айланай...

— Ана у кундошларда ҳам айб йўқ.

— Албатта, айланай...

— Кундошлик ўзи бир бало.

— Нимасини айтасиз, айланай...

Энахон оғир бир уҳ тортиб ўрнидан турди.

— Жиндак туриб яна чиқиб бормасам бўлмайди. Юрагим бўлса сира бетламайди. Бу кеча нима қиламиз энди, билмадим...

— Нима қилардингиз? — деди Умринисабиби: — Дод-войига қарамасдан кувёига қўшасиз-да, айланай!

— Менга қолса, бир умр қўшмас эдим, — деди Энахон. Яна қайтиб жойига ўтирди.

Умринисабибига бори-йўғи шу гап керак эди. Дарҳол ўрнидан туриб ариқнинг у юзига ўтди ва Энахоннинг ёнгинасига ўтирди. Устозидан олган таълимини эслаб икки қўлини унинг елкасига қўйди ва бошини ўз бошига томон тортиб туриб, кўзига маҳкам тикилгани ҳолда сўради:

— Зебихонга чинакам дўстмисиз? Йўқ, айланай! Худойимни ўртага қўйиб айтинг: астойдил дўстмисиз?

— Гумонингиз ҳам борми? Жонимни беришгача борман!

— Бўлмаса, менинг гапимга кириб Зебихоннинг қулоғига секингина шипшитиб қўйсангиз: ҳар кун — ёлғондан бўлса ҳам бир соат, ярим соат ўзидан кетиб турса...

Умринисабиби бирданига овозини пасайтирди:

— Биласизми, айланай, бу кувё шундай нарсаки, ҳар қандай хотин ўзи хоҳлаб бориб бўйнига осилмаса... ўзича ҳеч нарса қилолмайди! Ўзи ҳам қариб дармони кетиб қолган... Нимага ҳадеб уйлана берар экан, ҳайронман.

— Пул қутуртиради, — деди Энахон.

— Рост айтасиз, айланай, давлат қутуртиради!

Умринисабиби яна овозини пичирлаш даражасига туширди:

— Биласизми, айланай, оқпошша етти қирон билан уришаётган эмиш... Ҳамма фуқароси қирилиб тамом бўлибди... Юртида одам қолмапти. Бугун эмас, эртага мингбошиларнинг ҳаммасини урушга олиб кетармиш...

— Оғзингизга ёғ, холажон!

— Рост гап ун... Ҳақимжон айтибди... Мингбошининг мирзаси эмасми? Тил билади у... газит ўқийди...

— Сизга ким айтди?

— Бир жойдан эшитиб келдим. Ҳақимжон бориб юрадиган жойдан. Сиз, айланай Зебинисага сал учини чиқариб қўйсангиз бўлди. У ёғини ўзи эплайди... эслик қиз. Мингбоши урушга кетдими, ҳамма қутулади унинг дастидан. Ёвлашган қирон жуда каттаймиш... Индамасдан келиб ўлдирадиган ўқи бормиш... Осмондан, қанот тақиб келиб, урушармиш. Мингбошингиз, ўқ тегмасдан туриб йиқиладиган одам... «Урушга борасан» дедими, тамом... юраги ёрилиб ўлади.

— Илоҳим айтганингиз келсин! — деди Энахон.

Шу пайтда Холматнинг «эна!» деб чақирган овози эшитилди.

Иккала ҳамдард ўринларидан туриб ичкарига томон юрдилар.

Шундай қилиб, ўша кечадан бошлаб, Зебининг тутқалоғи ҳар куни — намозшом пайтда мунтазам тутадиган бўлди.

Мингбоши, ишнинг бу равишга киришини ҳеч бир кутмаган эди. Бошқа ҳамма кишилардай, у ҳам, Зебининг тутқалоқларини «қизнинг нози» деб билар ва тезда ўтиб кетишига ишонарди. Шу учун кундузларини жуда бесарамжонлик билан ўтказиб кеч кирганда — энтика-энтика ичкаридан севинчлик хабар кутарди. Беш кунгача ҳар оқшом бир хилда совуқ хабар чиқиб турди: «келинчакнинг тутқалоғи тутиб қолди...» Бу беш кун ичида, мингбоши, ўз икромича, беш йиллик заҳмат тортган эди... Маҳкама ишларини Ҳақимжонга ташлаб қўйди; зотан, тўйга икки кун қолганда ёнидаги муҳр ҳам Ҳақимжон киссасига тушганиди. Мирёқуб, бир жойда бир нафас ўтиролмайдиган нарса, олти-етти кундан бери мингбоши ёнидан жилмайди. Жаҳли чиқиб тўнини тескари киймоқчи бўлган мингбошини гап билан совутади ва йўлга солади.

— Узингиз айтасизки, — деди Мирёқуб, — сизга «гаҳ» деганда қўлга қўнадиган тайёргина қуш бўлса... Мунақа, қўлга қўнмайдиган ёввойи кушларни овлашга ҳунарингиз йўқ экан. Шундай бўлгандан кейин тишни-тишга қўйиб чидаш керак, хўжайин!

— Чидаб-чидаб шу ерга келдим.

— Оббо-а! Уч кун ўтмай туриб-а! Шунча бардошсизликми? Ёввойи қушни аста-секин, алдаб-алдаб ўргатадилар. Қўрқутсангиз, «пирр!» эта учиб кетади.

— Учиб кета қолсин! Шу топда «бор, кет!» дегим бор.

— Эсингиз жойидами, хўжайин? Менга қаранг... бу нима гап? «Кет» десангиз жон дейди. Шамолдай учади. Унга сизнинг «кет!» деганингиз, ёввойи қушга қарасан даричасини очгандай гап. Ким армонда қолади? Уми?

Мингбоши ўйлаб қолди. Сўнгра юввошланиб деди:

— Рост айтасан. Қариганда эсинг ҳам мазаси кетганга ўхшайди...

Мирёқуб билан Хадичахон, шу беш кун орасида, бир-бирларидан қочмайдиган даражага келдилар. Хадичахон уни кунда уч марта чақирса бу уни беш марта чақирарди. Пичир-пичир гап, пичир-пичир гап... маслаҳат!

Тутқалоқ беш кун батартиб давом этганидан кейин, Мирёқуб, мингбошининг жуда ёмон безовта бўла бошлаганини пайқайди. Узининг икки филдиракли сариқ файтунини олдирди.

— Қани юринг, хўжайин! — деди.

Мингбошининг эътирози ва баҳоналарига қарамасдан, етаклаб олиб бориб файтунга ва орқаларида яроғли от қоровул, эрталаб йўлга тушдилар.

Шаҳарга мингбошини энг яхши ва обод самоварга туширди.

— Бошлаб нонушта қилинг, хўжайин, чой ичинг. Томоша қилиб туринг. Мен тезда келаман! — деди.

Яна файтунга ўтириб кетди.

Мингбоши, қаймоқлар ва ширмон нонлар билан нонушта қиларкан, шаҳарга нима учун келганини билолмасдан боши айланарди. Уйлади, ўйлади, охирда: «бир қалтис иш чиқиб қолганга ўхшайди. Бўлмаса мунча шошилиш келмас эдик. Бу Мирёқуб бир ишни ўйламасдан қилмайди» деган қарорга келди.

Сўнгра яна ўйлашда давом этди:

«Шу қиронларнинг бир-бири билан урушгани ёмон бўлди... Кўп одам қирилди, дейди нойиб тўра. Менинг мирзам Соколов ҳам дараксиз кетди. Уч ойдан бери дарага йўқ. Юрт ҳам, самовардай, ичидангина аста-аста қайнаб ётибди. Бир тошади бу! Ёмон тошади лекин. Одамларнинг юзига қарасам, ўрус-мусулмон, ҳаммасининг кўзи бежо... «ютаман!» дейди. Қимматчилик борган сари авж оляпти. Шундай оқпошшонинг хазинаси қоқланиб қолдимикан? Оқпошшо менинг гапимга кирса, юрт берса берардики, тезроқ яраш қилиб одамларни тинчитарди. Аллақайлардаги юртларни деб ўз бошини қазога тутадими киши...»

Бу ўйлар, мингбошининг миясига биринчи марта келаётган ўйлар эди. У, мунақа нарсаларни ўйлаб ўрганган одам эмас. Фақат, юрт орасида ҳар хил гаплар юради. Ҳамма амалдорларни, шу қаторда мингбошиларни ҳам, урушга жўнаримиш, дейдилар. Ҳамма юртни поездга солиб Гирманга қарши ҳайдармиш, деган гаплар эшитилади. Бу гаплар мингбошига таъсирсиз қолмайди. Мингбоши ҳам «замона охир» бўлишига ишонади эмасми? «Замона чинакам

охирига етган бўлса керак» деб ўйлайди; йўл очиқ бўлса, ҳажга кетардим!» деб кўяди. Яна орқасидан «йўл очиқ вақтида қайда эдим? Тавфиқни ҳам жуда кечикиб бераётир худовандикарим...» дейди ўз-ўзига.

Уйланиб туриб, устунга суянганича, ухлаб қолди. Кўзини очган вақтида Мирёқуб тепасига келиб — «қани, юринг хўжайин!» деб турарди.

Бу сафар, Мирёқубнинг ўз файтуни эмас, киракаш извош билан янги шаҳар қисмида — бир қаватли эскироқ бинонинг шийпонли зинаси олдида тўхтадилар. Мингбоши хурсанд бўлиб кулди: бу жой унга таниш эди.

— Қани, юринг, хўжайин!

— Қишлоқда айтсанг бўлмасмиди? Худди зинасининг тагига олиб келгунча ҳеч нарса демайсан.

— Мен сизни ёмон йўлга бошлайманми, хўжайин? — деди Мирёқуб ва кулди.

Мингбоши ҳам, маълум кулиши билан кулиб, эски гапини такрор қилди: — Оббо, бетовфиқ-эй!

Шаҳарнинг бузуқлик ила ном чиқарган машҳур номерларидан бири эди. Бу номерга келадиган кишилар, фақат айшу-ишрат учунгина тўхталардилар. Шу учун у — бир хонали айрим уйлардан иборат бўлиб, ярим қоронғи уйчаларда бир карт, икки-уч эски курси, бир овқат столи ва бир жовончадан бошқа ҳеч нарса бўлмасиди. Одамнинг ҳайвонлик ҳирслари авж олган вақтда ҳар нарсадан гўзал кўринадиган бу хоналарга, у ҳирслардан озода бўлиб кирган одамни дафъатан белгисиз бир кўрқув ҳисси босарди. У хил ҳирслардан озода бўлиш билан кўпда махтанолмайдиган бизнинг мингбошидай одам ҳам бурун бир неча марта келган вақтида, кутулган хотинлар киргунча, дераза олдига бориб — ифлос ва қуруқ саҳннинг хунук манзарасига тикилар ва шу ердан тезроқ чиқиб кеткиси келарди...

Бу дафъа мингбоши хона ичига кирганидан кейин ўз кўзларига ишонолмади. Хоналар яхшилаб тозаланган; доволларга ҳар хил гулларнинг ва яланғоч хотинларнинг суратлари осилган; деволда ликкагини ўйнатиб катта бир соат чиқилламоқда; кундуз бўлишига қарамасдан ҳудьярангли қалпоқ остида ёруғ фонарлар ёниб туради. Қаторасига икки хона; икковини бир-бирига улайдиган эшиклар катта очиқ... Биринчи уй, иккинчидан кенгроқ; унда катта бир стол, оппоқ дастурхон ёпилган, усти тўла ҳар хил овқат, ширинлик ва ичкиликлар... Овқатлар ўртасида ясама гуллар... Ерда чиройлик бир гилам. Курсилар — янги ва тоза. Бир чеккада ойнали, каттакон кийим жовони, унинг кетида оппоқ чойшабли ва қўш парқув болиши карт... Карт олдида — ерда пойандоз гиламча. Нариги уйда оппоқ чойшабли битта карт, қўш парқув болиш; битта жовонча — бошқа нарса йўқ. Фақат бунда ҳам карт олдида пойандоз гиламча... Ҳар уйнинг фанори бошқа ранг берса ҳам, ранглар ҳаммаси одамнинг ҳирсини қитиқлайдиган аллақандай сирлик ва ғалати... Доволдаги яланғоч хотиннинг оппоқ ва текис танлари тепсиниб тургандай, худди жони бордай жозиб... Кулимсираган кўзлари, юқорига томон бир оз керилатушган — қилдай ингичка — қошлари... ҳавас ва ўйнашнинг чопарлари! Кўкраклари, олмадай кичкина ва таранг...

Мингбоши кирган ҳамон хурсандлигини очиқ билдириб кулди ва Мирёқубнинг елкасига қоқиб туриб деди:

— Улма, бетовфиқ! Боплабсан!

— Камарни ечинг, хўжайин, — деди Мирёқуб, — иккала уй сизники. Ҳеч нарсани ўйламанг. Енг, ичинг, кайф қилинг. Сассиқ сўфининг нозли қизи, охир бир кун, шайтонлашлардан чарчайди. Қачон бўлса ҳам у сизники! Уни ўйламанг сира, ундан қолишмайдиганлар бор бу ерда.

Шу ерда мингбоши, шодлигидан бўлсамикан, очилмоқчи ва кўнглидаги бир сирни Мирёқубга очмоқчи бўлди:

— Биласанми, Мирёқуб! Мен у қизга қиз деб, хотин деб талабгор бўлсам экан...

Мирёқуб кўзларини кенг очди ва мингбошининг ёнига келиб ўтирди.

— Нима дейсиз, хўжайин? Нима, нима? «Эски оғиздан янги сўз?»

— Ўзим ҳам ҳайронман. Ашуласини эшитсам бўлди, дейман ўз кўнглимда. Ашуласига, овозига ишқим бор, унақа итлик йўқ...

*Ашуласига ўзини оғиздан  
Ҳам доғиздан оғиздан сўз берди*

— Оббо! Итлик йўқ? Сизда-я? Э товба!

— Нон урсин агар...

Мирёқуб ирғиб ўрнидан турди:

— Бўпти бўлмаса! — деди у. — Итликни шу ерда қолдириб унинг ёнига одам бўлиб қайтасиз. Унда қиз сизники! Бўлди хўжайин! Мана бу ер, ҳар қанча итлик қилсангиз кўтаради...

Шу топда ўзининг негадир «одамлаша бошлагани» тўғрисида ўйлаб кетиб, Мирёқубнинг сўнг сўзларини эшитмаган бўлса, мингбошини айблаш керак эмас. Бу қабиҳ одам, сўнг вақтларда, ўзининг ўзи эканига ҳам унча ишониб етолмайди.

— Мен бир айланиб келаман, хўжайин.

— Қаерга бормоқчисан?

— Сўраманг, хўжайин. Сиз айшингизга қаранг. Ҳамма итликни шу ерга кўмиш керак-а! Биласизми? Керак бўлса, ўзингиз биласиз, мана тугма, шуни босилади. У ёқдан одам кирганда тортинмай буюра беринг, ҳамма нарса бор...

Чиқа бошлади. Сўнгра эшик олдидан яна орқасига қайтди.

— Хўжайин, — деди, унга томонроқ эгилиб. — Ҳаммасига бир стакандан қуйиб берасиз. Ундан кейин биттасини танлаб ёнингизга оласиз. Бошқалари чиқиб кетади... Тартиб шу!

— Биттасига кўзим тўймаса-чи?

— У ёғини ўзингиз биласиз. Итлик ҳам тоза жойида экан, хўжайин!

У ердан чиқиб Мирёқуб номер эгасининг ўз уйига кирди. Хўжайин, ўн битта хотинни унинг олдида — ясов тортириб тўрт мартадан ўтказди. Қизиқ: Мирёқуб биринчи сафарда уларнинг юзларига қаради. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи сафарда фақат юрушларига назар солди. Сўнгра еттинчисини кўрсатиб туриб деди:

— Менинг номеримга юбор. Мен келгунча жилмасдан ўтирсин. Бировга кўрсатма! Ҳа! Ванна бор-а? Ваннага тушуртир. Қолганлари нариги номерга кириб бизнинг хўжайинга кўриниб чиқсинлар.

Мирёқубнинг ҳали хонали уйдан бошқа ўзига хос алоҳида хонаси бор эди. Унинг ички зийнати олдида нариги икки хонали уй ип эшолмаса бунга таажжуб қилиб бўлмади. Чунки Мирёқуб — Мирёқуб, мингбоши эса — бир Акбарали қилос... Акбарали деган бир одамнинг ёнида ҳукумат муҳридан, зотипаст бир итликдан бошқа нарсаси йўқ. Мирёқубнинг — каттакон мияси, ўткур ақли бор. Мингбоши ўйлайдики, Мирёқуб унинг қуйруғи... Мирёқуб ишонадики, — мингбоши — туя бурнига ип ўтказилган, ипнинг учи — сарбонда, яъни туячида, сарбоннинг номини Мирёқуб қўйганлар... Ана, Акбарали деган одам мингбоши бўлиб туриб арзимас хотинлар орасида итлик рўлини ўйнаб ётади. Шу топда юрт куйса иши йўқ, парвойи фалагига! Мирёқуб деган киши, мингбоши ҳам эмас, савдогар ҳам эмас, деҳқон ҳам эмас, шундай бекорчи бир одам — ўн биттанинг энг аълосини танлаб қўйиб, — ўзи мингбошилиқнинг ишлари, яъни юрт қайғуси билан — пиёда, ҳаллослаб, — нойиб тўраникига кетиб боради. Мирёқубга маъқул бўлмаган ўнта хотин кириб мингбошининг теграсини ўради... Мингбоши, одам шаклидаги ит бўлгани учун, бирдан ҳаммасига чанг солади, ҳаммасини бирдан чангаллари орасига олмоқчи бўлади; қутуриб терисига сиғмаган шердай, ҳаммасини баравар парчаламоқ истади... Ниҳоят, мастлик билан ва ҳам — ўта кетган ҳайвонлардагина бўладиган олчоқ, очкўз, мечкай ва ялмовчи ҳис билан! — кўзи кўр бўлиб, хўшёр вақтда қарасанг кўнглинг айнайдиган биттасини илтиради, ўзи ифлос, чангалидаги ови ифлос, икки ифлос бир-бирига суйканиб, тагсиз ботқоқ ичига ботиб кетишади! Мастликда хотин танлаб бўладими? Мастнинг кўзига мушук фил, фил мушук бўлиб кўринади... Кампирни — пари қизи қилиб кўрсатадиган тилсими ойна ичкиликдан бошқа нарса эмас. Мирёқуб ит эмас, одам. У, ёш бир хотин баззоз дўконидан ўзига тоза кўйлаклик танлагандай қилиб — танлади. Еттинчи чакки эмас... юзининг тозалиги биринчи қарашдаёқ барқ уриб туради. Мирёқубнинг, ўша танлаш чоғида, электрикни ўчиртириб қўйиши ва намойишни дераза ёнига келтириши — ҳикматдан холи эмас. Буни белида кумуш камари борларгина тушунолмаса мумкин.

Номер эгаси Мирёқубни яхши танийди; унинг жуда мулкилписанд гушта, инжиқ харидор, завқи қайралган шинаванда эканини яхши билади.

Шу учун еттинчи танлаганини кўриб ошнаси Мирёқубнинг елкасига қоқди ва — «Улма, Мирёқуб. Сарт боласи француз...» деб кўйди. Чунки, ўн бир хотин орасида еттинчи бўлиб қўлга кирган Мария Острова ҳали ёш... яқиндагина яхши ва насиб бир оиланинг эрка қизи бўлган. Хўжайиннинг айтишича, бир хиёнат уни бу кўйларга келтирган... Хўжайин ҳам кўз қорасидай сақлайди... Мирёқубга кўрсатди, бошқа анча-мунча одамга кўрсатмайди... Хотин ўзи ҳам одам танлайди... йўқ, одам эмас, пул танлайди. Унга, бир ярим минг сўм пул керак, шуни топади, сўнгра йироқ бир мамлакатга кетади. У ерда турмушини бошқа асосларда қуради. Гуноҳларига аччиқ-аччиқ йиғлайди. Ҳозир мўлжаллаган сумманинг ярмидан кўпи бор. Уч киши билан «кўришиб» саккиз юз сўм тўплади. Бирор ҳафта — ўн кундан сўнг мўлжалланган сумма қўлга киражак ва ёш хотин янги турмушга қараб йўл солажак!

— Ана, ошнанг ваннага кетаётир! — деди хўжайин, айвондан ўтаётган ёш хотинни кўрсатиб.

— Битта яхши оқсочни тайин қил, ювунтирсин.

— Хотиржам бўл, Мирёқуб, унинг ўз хизматчиси бор.

— Мен сендан хафаман...

— Йўқ-э!

— Хафаман...

— Рост айтасанми, Мирёқуб?

— Рост...

— Сабаб?

— Ўзинг биласанки, мунақа хотинга пул аямайман.

— Биламан.

— Билсанг нега бошқа хотинларга қўшиб кўрсатдинг? Ҳатто, уларнинг ўртасига қўйибсан...

Хўжайин ха-холаб кулди:

— Завқингни синамоқчи эдим, жинни! — деди. — Ўзим билардимки, ўшани танлайсан.

Мирёқубнинг менлик ҳисси қонган эди. Кулди.

— Саккиз юз сўм ишлади дегин?

— Саккиз юз сўм!

— Сен қанча ишладинг?

— Мен бироз ортиқроқ...

Мирёқубнинг миясига бир фикр келган эди. Бир нафас тўхталиб ўйлади ва дарҳол қарорини берди.

— Чақки эмас... У бир ярим минг сўм ишлаганда сен икки мингга етказмакчисан. Инсоф ҳам керак!

— Инсоф керак-куя. Лекин бунақа фурсатлар кам учрайди. Бизнинг касбимиз шу: фурсатни қўлдан чиқариш ўз касбига хиёнат қилиш демак...

— Мендан қанча оласан?

— Сендан юз эллик сўм холос!

— Унга қанчасини берасан? Эллик сўминими?

— Йўқ! Унга ўзинг билиб берасан.

Мирёқуб ўрнидан турди. Дўстининг елкасига қоқди.

— Шайтонсан, дўстим, шайтон! Етти дўзахга кунда бўладигансан! — деди, ва тез-тез қадам қўйиб, кўчага чиқди.

Нойиб тўра Мирёқубдан узр сўради.

— Мени Ҳакимтўра чақираётир. Ҳозир бормасам бўлмайди. Кечроқ уйга келсанг яхши бўларди.

— Хўп бўлади. Ортиқча ишим ҳам йўқ. Қоғоз-моғоз бўлса олакетай деб эдим. Ундан кейин, сизга бир нарса топиб келдим.

Ёнидан газетга ўралган бир нарсани олди.

— Жуда яхши, жуда соз! — деди тўра. — Уйда берарсан. Акбарали қаерда?

Мирёқуб ҳалиги нарсани яна қайтиб қўйнига соларкан жавоб қилди:

— Шу ерда?

— Шаҳарда?

— Ҳа, шаҳарда.

Телефон жириглади. Нойиб телефон қулоғини олди:

— Мен, менман, Александр Васильевич. Ҳозир бораман... ҳозир...  
Телефон қулоғини яна жойига қўйди.

— Шаҳарда дегин? Нима қилиб юрибди?

— Гап кўп, тўра.

— Яхши, уни ҳам уйда айтиб берасан. Хайр, ҳозирча.

Эшикни очиб саркотибини чақирди:

— Игнатюк? Акбаралига тегишли қоғозлар бўлса бериб юбор!

Нойиб шошилиб чиқиб файтунга ўтирди. Мирёқуб қоғозларни олгандан сўнг битта-битта босиб ҳаммомга кетди.

Ювуниб, соқол-мўйловларини «фасон» қилиб олдириб номерга қайтган вақтида мингбоши ичкари уйда ўзи ёлғиз ухлаб ётарди. Стол усти, ерлар — эгаси кўчган уйдан ниғон берарди. Уйнинг ҳавоси ҳам бузула тушган...

У ердан чиқиб, номер хўжайинига учради.

— Мингбошига овқат берилдими?

— Ҳалигача берилгани йўқ.

— Хайр, майли. Узи уйғониб сўраса, берарсиз. Аммо уйни йиғиштиртмансанг бўлмайди. Одам буюр!

У ўз хонасининг эшигини секингина очиб кирган вақтида ёш жувон, кийимларини ечган, картда ухлаб ётарди. Боши ёстиқдан тушган, сочлари тарқалган...

Мирёқуб яна секингина қайтиб чиқиб хўжайиннинг ёнига кирди.

— Бориб уйғот, дўстим. Туриб, ювуниб кийимларини кийсин. Мен у билан тўппа-тўғри картда учрашмоқчи эмасман...

— Сенга нима бўлди, Мирёқуб? — деди хўжайин, кулди.

— Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Менинг одатим шу... мен ошначиликни картдан бошламайман.

Хўжайин кула-кула чиқди. Хотиннинг безаниши бир соатга яқин чўзилди. Бу орада Мирёқуб бардош қилиб ўтирса ҳам, хўжайин, тажангланиб беш-ўн марта бориб келди.

Ниҳоят, Мирёқуб ўз хонасининг эшигини иккинчи марта очиб кирди. Ёш жувон, ҳарир ва чиройлик кийимлари билан, ювиниб-тараниб уйнинг ўртасида турарди. Электрикнинг билинар-билинемас қалтировчи-ўткур ёруғида унинг оқ юзлари айниқса порлоқ кўринарди. Мирёқуб кирган ҳамон салом қилди ва — худди эски бир ошнаси билан кўришаётгандай — кулиб туриб кўришди. Хотиннинг қўл беришида, шу хил хотинларда бўладиган бир лоқайдлик боририди. Совуқ қўл совуқлик билан узалади; «ҳа, эски танимнинг янги харидори!» дегандай... Мирёқубнинг одатда ҳамма кўлни маҳкам сиқиб кўришадиган қўллари бу кичкинагина, оппоқ ва юмшоқ кўллари ҳам куч борича сиқдилар. Фақат бу сиқилар ҳам оловсиз ва ҳароратсиз эдилар; «ҳа, чуқур чўнтагимнинг очкўз меҳмони» дегандай... Бутун бу кўришувлар, қўл сиқишувлар ва кўз тутувларда; шунингдек бу кўришувни ўраб турган шароитда маъни деган нарса топилмасиди. Бу иккала «савдогар»дан бир маъни излаш, айниқса шу топда, беҳуда уриниш бўлади. Фақат иккаласининг икки жуфт кўзи бундан мустасно... Хотиннинг қовоқларига оғир бир алам ва изтиробнинг кўлагаси тушгани ҳолда ёшлик ва жувонликнинг кучи билан беришмай, бўш келмай тушган, ёз осмони каби тиниқ ва тоза мовий кўзларида — кучли бир савол аломати (?) боририди; «бошқаларга ўхшамаган харидор, кимсан ва нима қилмоқчисан?» дегандай... Мирёқубнинг, ҳар қандай хотинни лоқайдлик ҳолатидан чиқара оладиган қопқора ва думалоқ кўзларига эса — бир андиша ва ўйланиш ҳоким эди, «тили кўнглидан жудо бўлган махлуқ, нега сен бу ердасан?» — дегандай... Мирёқуб фонарни ўчириб унинг қаршисига келганда ва иккаласи бир-бирига ҳавонинг табиий ёруғида, индамасдангина бир-икки тикилишганда — иккала томон ҳам бир-бирининг кўзида ҳалиги маънони кўрди ва ўқиди. Мирёқуб ҳали боя номер эгасининг уйида берган қарорини қувватлаш учун хотиннинг мовий кўзларидан қувватли далиллар топган эди. Хотин эса, ҳозирга қадар қилган ишлари ва муомалалари билан ўзга «харидорлар»га кўп-да ўхшамаган ва Осие одамининг ўз ақидасича, айёр кўзларида оддий «харидорлик» доирасидан четгароқ чиқадиган аломатларни мушоҳада этарди. «Бу одам ҳам, — деб ўйлади хотин, — бошқалар каби, чўнтагининг кучи билан мени олаётир!.. Бу ҳам бошқалар каби, ёш гулбундан бир гулни сотиб олиб —

дарҳол узажак; узган ҳамон яна ўша гулбуннинг оёқлари остига — чанг ва тупроққа! — ташлаяжак, сўнгра совуқ қўлини узатиб, лоқайд хайрлашажак, балки хайрлашиб ҳам ўтирмасдан, бурилиб кетажак. Бир умр учрашмаслик учун кетажак! Чунончи... Лодзили вияжор каби...» Шундан сўнг, бир онда, ўтган ҳафтадаги учрашувни кўз олдидан кечириб олди:

Шу номернинг шу хўжайини кечаси соат иккиларда бунинг эшигини чертиб очтирди. Бу, ешиниб ётган эди. «Туринг, Мария Степановна, — деди, — учинчи номерга киринг. Тез! Айтган суммангизни тез тўлатадиган бир олийжаноб киши бор. Сизни кутиб ётибди». «Хўп, ҳозир кийиниб-тараниб бораман». «Йўқ, — деди хўжайин, — йўқ! Айвонда ҳеч ким йўқ. Чойшабни ёпиниб ўтаберинг. Кийимсиз ҳам гўзалсиз!» Кулди ва ҳайрон бўлиб турган хотиннинг елкасига картдаги чойшабни ташлади-да, кучоқлаб айвонга олиб чиқди... Янги «касб»нинг мунақа дағал талабларига ўрганмаган ёш жувон ўшанда бутун танининг дир-дир қалтираб борганини сезди. Унинг ёш ва тароватли танларидан, ҳали софлигини сақлаган, ейилмаган руҳидан норозилик фарёдлари юксаларди. «Увишдингизми?» деди хўжайин, маҳкамроқ кучоқлаб. «Йўқ! — деди ёш жувон, лаблари титрагани ҳолда. — Кўнглим айнийди! Бу қадар олчоқлик!...» Хўжайин дарров тўхтади, айвон устундаги хира чироғнинг шуъласида ёш жувоннинг кўзига тикилди. «Олчоқлик?» — деб такрор қилди хўжайин. — Меҳнатсиз, осон пул топмоқчи бўлганлар менлик ҳисларини ўз оёқлари билан тепкилашга мажбурлар... Дунёнинг устун — пул; пул топиш — қийин! Осон пул топиш олчоқлик бўлса, мардикорлик қилишга нафсингиз кўнадими? Ана, кўчада Турсуной деган сарт қоровул бор; ҳали ҳам кўча супуриб юради. Олти сўм ойлик олади... Ушанинг ишини қилишга ўзингизни кўндира оласизми? Хурсанд! Вақти чоғ! Қачон кўрсангиз ашула айтади. Менинг оқсоч хотинларим билан ўйнашади. Топганини ўшаларга сарф қилади. Ўзи-доим оч... Ёш жувон, бошини қўйи эгиб, юзини чапга бурган ва борган сари қалтираши кучайган лабларини ўткир ва оппоқ тишлари ўртасида қисарди... «Беҳуда гапларни ташланг! Ярим соатдан сўнг қўлингизда банканинг кўп суммали чеки бўлади. Ушани сўриб-сўриб ўпингиз (орқа томонини ўпинг, йўқса номери ўчиб кетмаги мумкин)! Она боласини, ошиқ-маъшуқини, булбул-гулни, бадавий-тевасини, сарлашкар-қиличини ўпкандай ўпингиз! Негаким: ҳамма гап — ўша чекда, чек — банкада, банка — пулнинг маркази: пул, агар ҳақиқатга тобингиз бўлса — оллоҳ! Қозий алҳожат...»

Эшикни очиб бу ёш хотинни, — ҳатто бир даража қўполлик билан — учинчи номерга киритиб юбориб, хўжайин, эшикни астагина ёпди-да, «шунақа хотинларни қашқарлик мардикорлар билан бирга ғўза чопиғига юборсанг, айни саратон иссиғида!» деб ғудуранди...

Бу хотин, шу топда, фақат бир нарсага муҳтож эди: исиниш! Ёзнинг дим ва илиқ кечасида пайдо бўлган бу ғайритабиий титрамани тўхтатиш! Бу — бир. Иккинчидан, уҳдага тушган «вазифа»ни наридан-бери бажариш... Бу ерда «вазифа»нинг гўзаллиги, мулоимлиги ва ёқимлигини суриштириб турадиларми? Бу ернинг қонуни — қаттиқ; унга эътироз қиладиган, гап қайтарадиган кишиларни у ўз доирасига олмайди. «Кирдингми, бўйинсун!» дейди ва «ўзича» у ҳам — ҳақли!

Кўнглини ғаш босадиган кичкина ва яланғоч хонанинг фонари ўчирилган; ҳеч нарса кўринмайди. «Қандай яхши! Кечанинг битта фазилати, қоронғилиқнинг бир яхшилиги шу!» Айвондаги хира фонардан бир сиқимгина хира шуъла тушиб эски ва бўёғи ўчган картни, карт ёнидаги курсини, курси устидаги босмайилли шимни, курси оёғидаги бир жуфт — ранги белгисиз — ярим батинкани зўрға-зўрға ёритади. Эшик очилиши билан картда яланғоч ётган эркак бошини кўтарди, бир қимирлади, ёнидан жой бўшатган бўлса керак... Ёш хотин, картни кўрган ҳамон, ҳеч ўйлаб турмасдан — чойшабни ерга иргитиб — ёт эркакнинг бегона қўйнига кирди.

— Бунча совуқсиз! — деди эркак, хирқирик овоз билан. — Худди муз! Хотин индамади. У ҳали ҳам лабларини тишларди...

Тонг отиб уй ичи ёришганда хотин ўрнидан турди ва дарров чойшабини ёпиниб орқасига қайрилди-да, усти очилиб ётган эркакка кўз ташлади: тарвуз сингари юп-юмалоқ, семиз, қорни солиниб тушган, икки бети сергўшт — бўрт-

ма; кичкина ва маънисиз кўзларга эга бир махлуқ! Пишиллаб нафас олади, хуррак тортиб ухлайди! Ана, у ҳам уйғонди; жойидан турмасдан бошини бироз кўтарди. Кулади. Бунча хунук кулади! Иккита тилла тиши, ўчаётган чўққа ўхшайди. Жуда сийрак бўлган сочлари чала ўрилган экинзор каби...

«Нечик мен бутун бир кечани шу билан ўтказа олдим?.. дейди хотин ўз-ўзига, яна лабларини тишлайди.

— Бериоқ кел-чи! — деди эркак.

Хотин, қон чиқар даражада шиддат билан лабларини тишлагани ҳолда, ўйлаб ўтирмасдан, қўмондага итоат қилган солдатдай, картга яқин борди.

— Эгил бироз!

Хотин эгилди.

— Чакки эмас! — деди эркак, хурсанд бўлиб кулди. Сўнгра қўли билан дераза тоқчасига ишорат қилиб:

— Ана чек! — деди. Яна бошини ёстиққа қўйди.

Хотин, тезгина чекни олиб, хайрлашмасданоқ уйдан чиқди.

Ўз уйига келганидан сўнг дарҳол ойнага қаради, ўз афтидан қўрқиб кетди-ми, билмадим — ўзини картга ташлаб хўнгир-хўнгир йиғлашга тушди... Уч-юз сўмлик чек қўлидан тушиб аллақайларда тўнтарилиб ётарди...

Шу учун Мирёқубга бошқа «харидорлар» каби қараёлмаслигини бу ёш хотин ўзи ҳам билди. «Бу, ҳеч бўлмаса, олган молини қадрлай оладиган савдогар муомаласини қилди-ку, — деб ўйлади у. — Хотин кишига, нозик тарбияли бир француз каби яқинлаша билди-ку! Кошки ҳамма харидор шундай бўлса!» Бу хотин, ўзича, ҳақли албатта. Қўлларини урмасдан, яхши гапириб ишлатадиган; урганлар кунда ўн беш соат ишлатса, яхши гапириб, кунда йигирма соат ишлатадиган хўжалар ҳам бўлади-ку...

— Утир! — деди Мирёқуб сенсираб. Фонарни яна ёқди. Столнинг паст томонига ўзи ўтириб тўри томондан унга жой кўрсатди. Утирдилар. Хотин, ўз «квазифаъсини» яхши билганлигидан, шу топда, гап эмас, «иш» кутарди ва бу таҳқирланишнинг сабабини англаёлмасиди... «Ҳар қандай оригинал тип бўлса ҳам мақсади белгили. Бу жойда ўзга мақсад бўлиши мумкин эмас» — деб ўйларди у. Мирёқуб бўлса нима дейишига ҳайрон бўлиб, боши қотиб ўтирарди. Бу одам, халқ орасида закунчи ҳисоблангани билан рус тилини мақсад англатарлик билмайди. Қаршисида — Осиё билан яқинда танишган бир нозик рус хотин, Осиё билан яхши танишганда ҳам сарт тилини ўрганишга таназзул қиладими? Зоҳирда, бу нарсага далолат қиладиган ҳеч бир асар йўқ! «Бу хотин, мен билан французча гаплашса гаплашадими, сартча бир сўз ҳам билмайди!» — деди ўз-ўзига Мирёқуб... Ҳолбуки, айтадиган анча сўзлари, сўрайдиган анча гаплари бор. Бу хотинга, бошқа шу хил хотинларга қараган сингари қараёлмаслигига унинг ўзи ҳам, энди, ишониб қолган. Бошида бошқача планлар айланади...

Ниҳоят, ширин майдан бир қадаҳчага тўлдириб унинг олдига қўйди. Узига ярим қадаҳ ароқ қўйди.

— Ич! — деди Мирёқуб, яна сенсирашида давом этиб.

Биринчи марта сенсираганида, негадир, қунт қилмаган хотин, бу сафар, ҳайрат аралаш ранжиб қўйди. «Бу осиелик ҳам «сен» билан бошлади» деди ўз-ўзига. Чўқиштириб ичдилар. Мирёқуб, энди бир-иш қилиб, мақсадини англашга бел боғлади. Русчага сира ўхшамаган бир тил билан, кўпроқ қўлларга ва юз-кўзларга зўр бериб, мақсадини англантишга киришди. Хотин, қотиб-қотиб кулар, юзлари чўғдай ёниб қизарар, Мирёқубнинг қистови билан ширин майдан бироз-бироз қўйиб сўз тингларди. Сўзлар, бошда Мирёқубнинг ғалати саволларидан иборат бўлди:

— Қачон жўнайсан? — деди у. Бу, биринчи айтилган сўз эди.

Хотин англамади. Бошини чайқади. Сўнгра, Мирёқуб қўл ишоратлари билан бирга ҳалиги сўзни яна такрор қилди.

— Қаерга? — деди хотин.

— Мен билмайман. Узинг биласан.

Бу нарса хотинни бутунлай гангитиб қўйди. «Нима демоқчи бу сеvimли азиат?» Мирёқуб мақсадини англатормасдан, саволни бошқача қилиб берди:

— Бир ярим мингга етдими? Ё, ҳали ҳам саккиз юзми?

Хотин тушунди, у шошиб қолди. «Нималар дейди бу ғалати азиат? Менга



бир ярим минг сўм пул кераклигини, ҳозир фақат саккиз юз сўм йиғилганини қайдан билади? Муаммо, муаммо!..»

Бора-бора керакли сўзлар осонроқ топиладиган, бошқачароқ сўзлар билан айтилган мавҳумлар ҳам икки томонга англашиладиган, қўл ва юз-кўз ҳаракатлари кўзга таниш кўринадиган бўлиб қолди. Хотиннинг ёқимли, жаранглаб чиқадиган, қувноқ овози Мирёқубнинг танларига игна ботгандай ботар, лекин ниҳоят даражада кайфини келтирарди.

Мирёқуб, номер хўжайинининг уйида берган қарорини мустаҳкамлади, яъни: бу жувонни, ўзи билан бирга, бир-икки ой ўйнатиб келиш учун Қримга олиб кетадиган бўлди. Қримдан сўнг қўлига икки минг сўм пул беради ва мумкин бўлса, Петроградгача олиб бориб қўяди. Ундан нари, бу хотин, ҳалиги пулнинг кучи билан Германияга (душман мамлакатига!) қочади ва унда, бадавлат акасига қовушади. Бу сирларни, у Мирёқубга, «кўнгилнинг яқинлигидан» айтди ва «сирларнинг очилиши унинг ҳалокатига сабаб бўлишини» ҳам қайд қилиб ўтди. Мирёқуб дераза тоқчасидан эски бир кулги журналини олиб ундан туя суратини топди ва, «туя кўрдингми? Йўқ!» деган чучмал мақолни англамоқчи бўлди шекилли:

— Кўрдингми? Йўқ! — деди хотинига. Бу сўз русчада: «видел? Нет!» шаклида чиққанлигидан хотин:

— Кўрганман (видела)! — деб жавоб берди. Хотин унинг жон куйдириб гапирган гапини англамаган эди. Мирёқуб қизиди, бармоғи билан туя суратини бир неча марта туртиб яна ўша саволни такрорлади. Хотин бу дафъа:

— Ҳа, ҳа, кўриб турибман (вижу), кўриб турибман! — деб жавоб берди. Мирёқуб, тажаниб бўлиб, ўрнидан турди, тезгина хотиннинг ёнига ўтиб туя суратини яна қаттиқроқ туртиб кўрсатди, бармоғини оғзига қўйди, бироз шу кўйича жим қолгач, яна, яна ўша саволни такрорлади.

Хотин, Мирёқубнинг шу қадар зўр беришлари ила мақолнинг мазмунини англаёлмаса-да, унинг нима демакчи бўлганини ўзича англаган эди: «айёр, лекин, бу азиат! — деб ўйлади у. — Демак, сирни ҳеч кимга айтмайди. Туя каби доим жим қолади!». Шу учун ўтирган жойида бошини кўтариб Мирёқубга қаради, кўзлари ўйнаган ва мулоим кулгани ҳолда:

— Тушундим, тушундим. Раҳмат сизга! — деди.

Шу билан Мирёқуб ҳам тинчланиб яна ўз жойига ўтирди.

Бу хотин, ўзи ёш бўлса ҳам, эси жойида эди. Кўп эркакларнинг ширини тиллари... биринчи ётоққача қалдираганини, ётоқдан турар-турмас юзлари буришиб, ҳалиги тилнинг аксига айлана бошлашини яхши биларди. Гимназиянинг сўнг синфини битиролмай қолган бу қиз, гимназияда француз тилини тузук-қуруқ ўрганиб, ҳандасани дурустгина ўзлаштириб чиқмаган бўлса-да, ишқ рўмонларини кўп ўқиган эди. Арибашовнинг тарақлаган даврларида ўртоқлари билан бирга бутун кеча ухламай, ўша «севимли» ёзувчини ўқир ва кечалари пойтахтнинг кенг паркларида, ҳар бир учраган эркакни бир «ошиқ» хаёл қилиб, ҳар бир — эна сути оғзидан кетмаган — тентак гимназистни бир «озитқи» деб биларди... «Бу, яна тагин, ёввойи бир азиат... Бунинг гапи, ваъдаси борми? Эртага унутади! Эртагаёқ ўзининг қирқта (!) хотиндан иборат ичкарисига (ўзича айтсак «геремига») киради-кетади! Топиб бўладими уни — номи йўқ ва номери йўқ, бир-бирига ўхшаган иланг-биланг кўчаларда?» — деб ўйларди хотин. Бироздан сўнг бу фикрга ўзи қарши бўларди: «бунинг мақсади карт бўлса, ана — карт, мен — амрига ҳозир, нима учун сўз қиладую, «иш» қилмайди? Йўқ, бу — бошқа эркакларга ўхшамайди!» Шундай бўлса ҳам қўлда бир дастак бўлиши керак!». Хотин ўйлади ва деди:

— Сизнинг бу яхши гапларингиз мени қондирди. Фақат, бу гапларнинг эртага эрта биланоқ кул бўлиб учмаслиги учун бирорта дастак борми?

— Дастакми? Билмадим... Сиз кўрсатинг, мен ё «хўп», ё «йўқ» дейман...

— Гапларингиз рост бўлса, мени ишонтиргунча... менга тегмайсиз!

— Бошқаларнинг ҳам тегмаслиги шарт билан!

Хотин «минг бир кеча»даги зolim ҳукмдорларга ўхшаган бу «мутаассиб мусулмон»нинг шу қўйган шартидан шу топда жуда рози эди. Фақат, бу жойда, бу бинода у шартни бажариш мумкин эмас.

Шу учун, у, эртаси куни — Мирёқуб ҳисобига — шаҳарнинг энг аъло номе-

рига кўчадиган бўлди. Мирёқуб қаттиқ ваъда олди, ўзи ҳам қаттиқ ваъда берди. Бир ҳафтага қолмай жўнаб кетишга жазм қилдилар.

\* \* \*

Кеч кирган эди. Кўча фонарлари ёқила бошлаган; уйларига қайтаётган извошчилар, чарчаган отларини эринибгина қамчилардилар; отлар ҳам, куруқ аравани, шошмасдан, аста-секин ғилдиратардилар... Мирёқуб битта-битта қадам босиб нойиб тўранинг уйига томон юрди... Унинг миясида аллақандай бесаранжом фикрлар айланарди.

— «Мирёқуб — бурунги Мирёқуб эмас; нега бу қадар секин юради? Унинг шу чоққача санаб қадам босганини кўрган одам борми дунёда? Нима бўлди унга? Акбарали мингбошида бўлган итлик бунда йўқмиди? Бу, қутурмаганми? Бу, сувдан ҳам мулойим, сутдан ҳам оқ, чумолидан ҳам беозор, мусичадан ҳам сўфими?»

— «Йўқ! Бу ҳам Акбаралига ўхшаган мингларча итларнинг бири! Фақат, бу билан Акбарали мингбоши ўртасидаги фарқ шуки, бу ўзини ундан юқори олади. Шу юқорилик ҳисси, шу ғурур — унинг ўзидаги итликни тўсиб туради, ўзига кўрсатмайди, унинг ўзини алдайди...»

— «Йўқ! Бу билан Акбарали ўртасидаги тоғ қадар фарқ бор! Ана, Петрограддан келган мовий кўзли дилбар бунга гувоҳ! Мирёқуб Акбаралига қараганда, фаришта! Буни Петроград гўзали ҳам тили билан тасдиқ қилади. Мирёқубда итлик йўқ!.. Бўлса ҳам, шу топда, ҳеч нарса қолмади... Ҳаммасини ана у мовий кўзли гўзалнинг билинмас кучи юлиб ташлади, таги-томири билан юлиб ташлади!..»

— «Юлиб ташладими? Таги-томири билан юла олдимми? Йўқ! Бекор гап! Неча йиллардан бери илдиз ёйган, шох тарқатган, қулочлаб ўсган нарсани бир қарашда юладиган куч йўқ ва топилмайди! Унинг илдизлари Мирёқубнинг баданида ҳали жуда кучли! Ана шу куч эмасмики, уни, кетаётган йўлида бирданига тўхтатди. Тўхтаган жойида бир уйнинг зинасига ўтиришга мажбур қилди. «Итлик» бош кўтариб келарди...»

— «Нима беҳудагарчилик бу? Машҳур бир номерда маълум «касб» билан шуғулланадиган бир хотинга йўлиқди. Ори, рост: бу, ўша жойдаги ўзи сингари хотинларга ўхшамасиди. Бошқача кўринарди. Ёш, тароватли ва тоза. Нима бўлди? Ҳар қанча танноз бўлса ҳам — яна ўша жойнинг ўшанақа хотини. Мунинг уйига нега кирди? Нега киргани маълум. Бу келганда ешинган кўйи мунинг картида ётиши — нега кирганини кўрсатиб туради. Очиқ кўз билан ўйлаганда мунга нима қилиш керак? Белгили: бориб, эшикни очиб кириб, фонарни ўчириб, индамасдан картга тортиш... У ўзи ҳам эрта биландан бери шуни кутиб ўтирмайдими? Шу учун ювиниб-таранадими? У — Лайли, Бу — Мажнунмидики, «ох, ох» деб тоғ-тошларда, ваҳший ҳайвонлар билан улфат бўлиб юраберса? Тоғ-тош қани? Бу — шаҳар... Маданийлашган, «авропалашган» шаҳар. Ҳар бурчакдан — ҳар минутда бир танноз бурулади ва сузгун кўзлари билан егудай бўлиб одамга қарайди. Шу замонда «мажнун» бўламан деганларни — ўлганларидан кейин — туғ кўтариб мазор қилмайдилар: «жинни эди, ўлиб қолибди» дейдилар ва, бир кулиб қўйиб, ўта берадилар, ўлуги ҳам кўчаларда қолиб кетади. Улигини итлар еса эгаси хурсанд бўлади. Бекор чириб, сасиб ётгандан кўра...»

Итликнинг шу хилда осий ўйлари билан, Мирёқуб, қандай қилиб ўрнидан турганини ва номер зинасидан шошилиб юқорига чиқаётганини ўзи ҳам билмай қолди. Юзлари, кўзлари — куларди ва бу кулуш — қондирилмаган нафсининг бирданига хуруж қиладиган шўхликларидан ўзга эмасди. Ўз хонасига яқин етгач, деразадан юпқа тўр парда орқали айвонга тушиб турган мулойим шуълани кўрганидан кейин негадир, юраги ўйнаб қадам босишини бирданига сусайтирди. Итлик фикрлари яна орқага тисарила бошлаган каби бўлди. Эшик олдига етгач, қабзага қўл узатолмасдан, тўхталди... Ичкаридан ёш хотиннинг ширали, бир овоз билан оҳистагина айтаётган ашуласи эшитиларди. Бу хотиннинг гапирганда жаранглаб чиқадиган ширин овози, энди ашула айтаркан — чолги торидай дарров кўнгилга таъсир қилади!

— «Бу қандай овоз? «Итлик» асари борми шу овозда? Шу овоз билан каравотга чақириб бўладими? Ухшамайди-ку сира! Йўқ! Бояги бир туш эди... бир

босинқираш келиб кечди... У оғир босинқирашдан уйғонмоқ учун шу қушчанинг сайрашига эҳтиёж бор экан! Ана, сайраётир! Ҳа билган, Ҳа таниган, Ҳа эъққан овози! Ҳа эъққани учун ваъда бериб, ваъда олгани!..

— «Ҳай, кет! Кет, малъун шайтони! Мен Акбарали эмасман! Менинг — кумуш камарим, подишолик муҳрим йўқ. Мен — Мирёқубман, Мирёқуб...»

— «Ҳай, Мирёқуб! Писмиқ Мирёқуб! Айёр Мирёқуб! Туллақ Мирёқуб! Шайтон Мирёқуб! Нафсининг бандаси, бузуқ, шарманда Мирёқуб! Умрингда бир марта салгина, пичагина, қиттаккина итликни ташлаб, одам бўлиш фурсати топилипти-ю, шунда ҳам мағрур бўйнингни жиндаккина эггинг келмай-дими? Шунда ҳам-а? Сен ит бўлсанг, шошма, итлик қилишга ҳали улгурасан! Итлик топиладиган нарса. Пул бўлса — бўлди! Пул ҳар қайда, ҳар қанча, ҳар қандай итликни амрингга омада қилиб бера олади. Пулинг бўлса бутун умрингни итликларнинг бир-бирига уланиб кетган занжирига айлантириш ҳеч гап эмас!..»

— «Еттинчиси сеники, ахир! Сеники! Сендан бошқача йўқ энди у мулойим махлуқ! Сеники у хотин! Ҳеч бўлмаса, шу биттани фоҳиша каби тасарруф қилма! Ҳеч бўлмаса, унинг кўнглини ўлдирма! Умидини синдирма! У сенга — одам деб қарайди; «харидор» деган фикрини ташлади; ташлата олдинг. Овозини эшитасанми? Бу овоз, чўнтагида пули бор харидорни кутган бузуқ хотиннинг — ўз ёзмишини қарғаб айтадиган аламли ашуласидаги овоз эмас! Бу овоз, бузуқлигидан завқ оладиган хотиннинг айнима қўшиғи эмас! Бу — оқшом чоғи куёвини кутиб ётган ёш келинчанинг маъсум ашуласи! Севганига қовушган ёш махлуқнинг севинч қўшиғи! Жуфти уясига қайтган она қушнинг шукрона куйи! Мирёқуб! Мирёқуб! Мирёқуб!..»

Мирёқуб иккита эди: бири қочди, бири қувалади; шу қочиш ва қувалаш суръати билан ноийб тўранинг уйига етиб бориб жинқироқнинг тугмасини босган вақтида... чўзиб-чўзиб, ҳансираб-ҳансираб нафас оларди.

\* \* \*

Уй бекаси хоним йўқ эдилар. Катта залда ноийбнинг ўзи, овқат столи кетида, чой ичиб ва газет кўриб ўтирарди.

— Ҳа, келдингми, Мирёқуб? Марҳамат!

— Келдим, тўра. Қалайсиз? Омонмисиз? Бола-чақа?

— Шукур. Ёмон эмас, Қани, ўтир! Мана чой, марҳамат қилиб ўзинг қуйиб ич. Нондан ол. Мана сариёғ, нонга қўшиб е. Канфет, ширин кулча... булардан ол. Ўз уйинг, таклифни кутма.

— Қуллуқ, тўра, — деди Мирёқуб, ўтираркан. — Ўзим қуйиб ичаман. Янги гаплар, янги хабарлардан гапириб беринг бизга. Каттакон газетларни ўқийсиз...

Тўра, кўзидан тилла ойнагини олиб стол устига қўйди ва ўз тиззаси билан стол ўртасида ёйилиб ётган газетага қараб деди:

— Катта газеталарда катта хабарлар бор; бир-биридан ёмон...

Мирёқуб курсини яқинроқ жилдирди; чиройлик бир чинаёққа самовардан қуюққина чой қуйгач, чинаёқ ликопчасига иккита канфет олиб қўйди. Сўнгра, кўйнидан газетага ўралган нарсани олиб оча бошлади.

— Нима у? — деди тўра. — Боя маҳкамада айтган нарсангми?

— Ҳа, тўрт хат форсча байт экан. Шаҳобиддин домлага кўрсатиб эдим. Умархон замонида қози бўлиб ўтган — «Адо» деган бир шоирнинг ўз байти, ўз қўли билан ёзилган дейди.

— Ундай бўлса кўп ҳам эски нарса эмас, — деди тўра, қўлёмани олиб туриб. — Лекин, чинакам мавлоно «Адо»нинг хати бўлса — табаррук нарса. Раҳмат сенга, Мирёқуб.

Тўра, яна кўзойнагини кийди.

— «Лимуҳарририху...» Чиройлик хат... Мавлоно «Адо» шунча хушхат эканми? Шарқда, ислом шарқида, сураткашлик дин томонидан ман қилингани учун, ривож топмасдан, дин томонидан тарвиж этилган бу хаттотлик санъати яхши тараққий қилган эди. Хўп, қани... Уқиб кўрайлик...

Гул рангли кўз ёшлари ва сарғайган юзлари ажиб гўзал бўладилар, худди,

зар юргузилган ёкут каби гўзал бўладилар. Сен агар бодом сингари, бошдан-оёқ кўздан иборат бўлсанг, ҳеч нарса кўролмайсан; аммо севги сурмаси ила очилган кўз равшан бўлади.

Тўра, ерли халқнинг тил ва адабиётини жуда яхши биладиган маъмурлардан эди. Айниқса, форс тили ва адабиётини яхши билар, Туркистон тарихига оид қўлёзма асарларни ҳар йўл билан қўлга туширишга тиришарди. Унинг бу ҳавасини билгандан кейин, Мирёқуб, ҳар қаердан қўлёзма асарлар топиб келтирадиган бўлди. Узининг яқин ошнаси бўлган Шаҳобиддин мударрис орқали уч-тўртта қимматбаҳо нарсалар топиб берди. Нойиб тўра, Мирёқубнинг бу хизматларини сира унутолмайди. Буни Мирёқуб ўзи ҳам яхши билади. Иккови ҳам, бир-бирининг катта-кичик илтимослари бўлса, қўлдан келган қадар, бажарадилар. Шу учун: совға-салом, тансиқ қўлёзма асарлар ва баъзан, оз-кўп пул хусусида тўра Мирёқубга миннатдор бўлиб туради; амалдорларнинг қўлидан келадиган баъзи бир хил ҳимоят ишлари тўғрисида Мирёқуб тўрага миннатдор бўлиб туради. Ишқилиб «қарс» икки қўлдан чиқади ва ҳамма иш гўзаллик билан битиб боради! «Дунёда ҳамма одам болалари бизнинг иккимиздак бўлсалар, дунё жаннат бўларди!» деб ўйлайди тўра. Мирёқуб ҳам шундай ўйласа керак; иккови бир жон, бир тан эмасми, ахир!

— Мавлоно «Адо»нинг бу байтига ҳеч қайда дуч келмаган эканмиз. Бу жиҳатдан ҳам бу ёзманинг қиммати бор.

— Байтнинг маъноси нима, тўра?

Тўра тушунтириб берди.

— Гўзал шеър... Умуман, Умархон эслик подшо бўлган эди. Мулла одам, ўзи ҳам шоир. Вазирлари ҳам шоир эдилар. Ундан кейингиларнинг мазаси бўлмади... Шаҳобиддин мударрис мунинг мавлоно «Адо»дан бўлганини қайдан билган бўлса!

— Тагида қозининг муҳри бор, дейди. Уша қози, мавлоно «Адо» экан...

— Э, дарвоқе бунда муҳр ҳам бор... шошма... ҳа... мана, мана: «Қози Абдуллатиф» ...«Сойидалмуслимин Амир Умар»... Чинақам, бу хат Умархон даврининг асари экан, маълум бўлди. Аммо буни ёзган «Адо» бўлмаса керак. Мавлоно «Адо»нинг номи Султонхон бўлса керак... Мен ўқиб эдим, Абдуллатиф эмас. Шаҳобиддин хато қилибди. Сизнинг домлаларингиз бундақа нарсаларни яхши билишмайди...

— Мен билмадим, тўра. Шаҳобиддин махсум шундай дейдилар. Мен яна суруштириб юрибман, топсам олиб кела бераман.

— Ҳали ҳам кўп қимматбаҳо нарсаларни бердинг, Мирёқуб. Сенинг маданиятга хизматинг катта... Утган йили бир тарих китоби топиб берган эдинг, у тўғрисида Петрограддаги каттакон мажмуаларга мақолалар ёздим. Сенинг номингни ҳам кўрсатдим. Ҳозир, у китоб тўғрисида Англистон, Фарангистон ва Ламса (немец; мамлакатларида каттакон мажмуаларга кўп нарсалар ёзилди. Раҳмат сенга, Мирёқуб! Катта хизмат қилдинг.

Иккови ҳам жим бўлишди. Бироздан сўнг Мирёқуб гап бошлади:

— Газет хабарларидан гапириб беринг, тўра.

Тўранинг бу чоққача кулиб, турган башарасига бирданига ғам чўкди. Қовоқлари солинди, лаблари — безгандай — енгилгина қалтираб учдилар. Қўлёзмани столга қўйди.

— Шунақа, дўстим, ишлар ёмон. Бизнинг, адади ҳамманикидан кўп бўлган мудҳиш ўрдумиз бир-бир устун енгилаетир... Энг уста ва эслик қўмондонларимизнинг бутун тадбирлари натижасиз қолаётир... Мустаҳкам қалъалар — бир-бир кетин — душман қўлига ўтмоқда; қанча вилоятлар, ўлкалар, шаҳарларни душман эгаллади...

— Оқподишо қаердалар? Бир чора кўрмайдиларми? Ҳаммамиз севган оқподишо...

— Бу саволни, Мирёқуб, биз ҳаммамиз бир-биримиздан сўраймиз. Ҳеч қайсимиз жавоб тополмаймиз. Уз-ўзимиздан сўраймиз. Тажангланиб, хафа бўлиб қизиб сўраймиз, шошилмай, таоммул билан, ўйланиб туриб сўраймиз. На ўзимиздан жавоб бор, на бошқадан! Бу — маълун савол, Мирёқуб!

— Унақа деманг, тўра... Биз сартия халқи худодан кейин оқподишога ишонамиз...

— Ишонганларинг яхши. Биз ҳам, ҳаммамиз, сизлар сингари ишонамиз.

Фақат... оғзинга эҳтиёт бўл... фақат ишониш бошқа, иш, амал, воқеа — яна бошқа, бир-бирига зид! Биласанми, Мирёқуб, рус халқининг ўқиганлари орасида маъюслик бор, оғир бир маъюслик бор. Улар, бутун бу бахтсизликларни оқподишонинг ўзидан кўрадилар...

— Оқподишодан? Ҳеч бир подишо ўз юртини ёвга бергиси келадими?

— Сенларнинг хонларинг билан бизларнинг подишоларимиз юртларига кўп ҳам ачинмайдилар шекилли... Сенларнинг Худоёрхонингга «ўруслар Оқмачитни олиб кўйди» деганлар. Худоёрхон «у юртим неча кунлик йўлда?» деб сўраган; «бир ойлик йўлда» деганлар. «Ундай бўлса, менга — унақа олис жойдаги юртнинг кераги йўқ. Ола берсин!» деган... Бизники ҳам, валлоҳи аълам, ундан қолишмас.

Мирёқуб нима дейишини билмай қолди. Бунақа сиёсатларга сира аралашмаган ва бу тўғрида шу чоққача ҳеч бир бош қотирмаган киши, бундай катта сиёсий масалалар олдида бирданига шошмасдан иложи ҳам йўқ эди. Қуруқ бўлмасин деб гапга аралашиб кўйди:

— Илғари бир ойлик йўл бўлса, энди, поезд билан уч кунлик йўл бўлиб қолди...

— Ҳаво кemasи билан, эртага, уч соатлик йўл бўлади. Умуман, эртага — масофанинг аҳамияти қолмайди, Мирёқуб. Бизнинг катталаримиз асрнинг суръатини англамоқ истамайдилар. «Шошилмасанг етасан» деган мақол бошимизга бир бало бўлди. Германия нега кучлик?

— Сиз биласиз, тўра.

— Мен албатта биламан, сен ҳам билиб қўй. Германия — суръат билан ютади. Суръат — машина билан ҳосил бўлади. Германия — биздан неча баравар кичик, одами бизнинг учдан биримизча ҳам келмайди. Аммо бир қарич ери — темир йўлсиз, тош йўлсиз эмас. Бугун, айтилик, Самарқандда бўлган аскарини эртага Оқмачитга олиб бориб тўка олади. Бизникилар, бир излик темир йўл билан судралиб боргунча иш тамом бўлади... Нимага германлар Фарангистонда қаричлаб олдинга жиладилар? Чунки Фарангистон ҳам, Германия сингари, суръат деган нарсани билади. Техникага бой. Бизнинг шалдирама аравамиз, сизнинг анови девсифат араваларингиз бутун-бутун халқларни ухлатадиган нарса...

— Чора нима, тўра?

— Чорани ўйлашга ҳам қўрқаман, Мирёқуб, шошма биттадан ичиб олайлик.

Тўра ўрнидан туриб жовонга томон бора бошлади. Шундагина оёқ бошидан, Мирёқуб, унинг бироз ширакайф эканини англади. Демак, бу қадар зўр масалаларни, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, оғиз ели билан чиқариш ичкилик таъсири билан эди.

— Кел, ичайлик, Мирёқуб! Биз, руслар, ароқ ичишни ҳаммадан яхши биламиз... Сенлар ҳам истеъдодли халқ экансан, биздан ўтказа бошладинг... Чўқиштирдилар. Тўра алланарсанинг соғлиғига кўтарди. Фақат, Мирёқуб «...соғлиғига» деганинигина англаб қолди. Сўзнинг бош қисми, голиба ичда айтилган эди.

— Сен чора нима деб сўрайсан; — дея бояги сўзини давом эттирди тўра, — чорасини топишдан биз, биз амалдорлар, ожизмиз. Дуруст, ичимиздаги душманга, қора халққа қарши чиқиш бўлса — тадбири осон. Қозоқ ўрусимиз, миршабимиз, жандармимиз, аскаримиз бор... фюшт!.. Хориждан келаётган ёвга — биз ожизмиз, нима қилишимизни билмаймиз. Биз билан бирга — бизнинг томондан — жанг майдонига тушган қиронлар ҳам бизга ишонмай бошладилар. Бу — ёмон, бу — жуда ёмон ҳол, Мирёқуб. Кел, яна битта ичайлик...

— Чорани айтмадингиз, тўра. «Чорасиз дард йўқ» дейди бизнинг ҳақимлар... «Ўлум билан ишқдан бошқа ҳамма дарднинг чораси бор» дейдилар.

— Сафсата ҳаммаси, сафсата... Чорани, бизнинг ички душманларимиз, яъни инқилобийон деган тойифа кўрсатади. Лекин ўзича кўрсатади...

— Қани, нима дейди у тойифа?

— Подишони ҳам — ҳайда, амалдорни ҳам — ҳайда. Миршабларни — йўқот, жандариларни — ўлдур, урушни — тўхтат; бойлардан — ер-сувни,

фабрикачилардан — фабрикаларни, заводчилардан — заводларни тортиб олиб халққа бер, — дейди. Уларнинг халқ дегани — қора халқ, ялангоёқлар... Юртни ўшалар сўрасин, дейди.

Мирёқуб ха-холаб кулди.

— Номаъқул отнинг тезагини ебди ўшалар! Саводи йўқ, оми бир ялангоёқ келсин у юртни сўрасин эмиш... Бойдан ерни тортиб олиб камбағал экар эмиш... Камбағал, шунча сўкиб уришсангиз ҳам ерингизга бундоқ бир ҳафсала қилиб ишламайди-ю... хўжайин бўлмаса ишлар эмишми? Уша, урушни тўхтатсин, дегани дуруст... Уруш чиққандан бери юрт қимматчилик бўлиб кетди. Ўзига яраша давлати, савдо-сотиги бор одамларни жин ҳам ургани йўқ-куя... қайта, молларининг нархи ошиб бири беш бўлди. Аммо, шу қимматчилик бўлгандан бери одамларнинг кўзига қарасангиз қўрқиб кетасиз, тўра...

— Ҳа, баракалла! Бизнинг ҳамма хавфимиз — уша «кўзлар»дан.. кўзлар кўп хунук қарайдилар. У кўзларнинг сони-саноғи йўқ. Германни енгсак, кўзлар ювошланади. Худо сақласин, агар шу хилда кетаберсак — у кўзлар бизни еб ташлаши мумкин...

Тўра жим бўлди. Мирёқуб ҳам жим қолиб унга тикилган эди. Тўра олис хаёлларга кетиб туриб, бошини чайқади. Сўнгра бошини оғир-оғир тебратиб туриб деди:

— Хулласайи калом, бу улўф кема... бу буюк «империя» даҳшатли тўлқунлар ичида, зулматга, белгисизликка, йўқликка қараб кетаётир. Уни тўхтата оладиган ва қутқариб қоладиган ҳеч бир куч кўринмайди... балки, ундай куч аслида йўқдир ўзи...

— Бир сўз айтдингиз, тўра... «Империю», нимаиди?

— Ҳа, империя, империя.

— У нимаси, тўра?

Тўра бироз ўйлаб тургач — подишонинг девордаги суратини, сўнгра ўзини, елкасидаги погонини кўрсатди.

— Мана шу империя...

Мирёқуб ҳеч нарса англамади. Сўнгра тўра оғир бир нафас олгандан кейин:

— Менга қара, Мирёқуб, — деди, — қўй энди шу гапларни!

— Ҳа, қўйинг, тўра, одамни хафа қиладиган гапларни гапирмайлик. «Эртанинг ғамини эшак ейди». Эртага худо подишо эгам...

— Хайр, Акбарали шу ерда дединг. Уйланганига бир ҳафта бўлмай туриб шаҳарга нега тушди? Биронта иш биланми?

Шундан кейин, Мирёқуб, ўзининг ғамхўр отахонига бутун воқеани гапириб берди!

— Эҳ-ҳе, ҳали шунақа дегин!

— Ҳа, шунақа, тўра.

— Акбарали аҳмоқ! Эшшак!

— Рост айтасиз, тўра, бироз эси пастроқ...

— Сизнинг шариагингиз тўрт хотин олишга йўл қўяди. Бу қонун, аслида, чакки қонун эмас... Ҳар бир эркак муни билади... Фақат, у — мундан юз йил, эллик йил бурун дуруст эди, замон кўтарарди. Энди замонлар бошқа, Мирёқуб. Ҳозир тўрт хотин олиб, тўрт ташвишни елгага ортишининг нима ҳожати бор? Одам деган, албатта, биттага қаноат қилолмайди... бу маълум. Лекин муниг учун уйланиб ўтириш керакми? Бекорчи хархашани кўпайтириб нима қилади киши?

Тўра овозини пасайтира тушди:

— Ҳай-ҳавас учун мутлақ уйланиб ўтириш шарт эмас. Сен ўзимизникисан, сенга инониб айтганда, менинг бир ошнам бор: урушга кетган офицернинг хотини. Ёш, чиройлик нарса... Яқинда, зиёфатда, бир савдогар бойнинг хотини билан танишдим... бу оқшом ўшаникига бормоқчиман... очик, дилкаш нарса, Мана холос! Аҳмоқ, Акбарали аҳмоқ!..

— Рост айтасиз, тўра, рост. Мана, мен ҳам биттага «қаноат» қилиб ўтаётирман-ку... ҳай-ҳавасларим қолиб кетаётгани йўқ...

— Ҳа, баракалла, — деди тўра. — Хотининг битта, айшинг жойида...

Кейин бармоғи билан «ҳап сени» қилиб туриб:

— Сен, Мирёқуб, ёмонсан лекин... — деди.

Мирёкуб аввал бироз қизоринди; сўнгра кулумсираб тўрага қарагач, жавоб берди:

— Худовондикаримнинг раҳмат дарёси кенг, дейдилар, тўра. Шунга ишониб унча-мунча эркалик қиламиз-да, Унча-мунча...

— Тоғдай-тоғдай гуноҳлар ҳам унча-мунча бўлар экан-да.

Мирёкуб ха-холаб кулди:

— Тоғдай-тоғдайини энди сиздан ўрганамиз, тўра, худо хоҳласа... Сиз, ахир, мулло одамсиз...

Тўра ҳам қаҳқаҳа солиб кулди. Сўнгра доволдаги соатга қаради: 8 дан 15 минут ўтган эди. Ўрнидан турди.

— Сен ўтириб тур, мен кийиниб олай. Биргалашиб чиқамиз.

Тўра кийиниб чиққандан кейин Мирёкуб ҳам ўрнидан турди.

— Қани, юр буёққа. Боқча томондан чиқайлик. Хоним келмаган, кампир ухлаб қолибди. Эшикни беркитиб оладиган киши йўқ.

Айвонга чиқдилар. Саҳнга тушгач, тўра тўхтади.

— Мирёкуб, янги гапдан хабаринг борми?

— Йўқ, тўра.

— Тоғ томонда оломон қўзғолон кўтариб бир-иккита амалдорниқига ўт қўйибди. Эртага тушдан кейин, ёнимга аскар олиб, чиқиб кетаётирман. Бугун ҳам ўн етти кишини ушлаб келтирдилар. Оломон қутурган, дейди.

— Қачон келасиз?

— Икки-уч кун қолсам керак. Сен Акбаралига айт, тезроқ жойига борсин.

— Хўп, жоним билан. Биз ҳам эртага чиқиб борармиз.

— Ҳозир ҳам бир миңбошига яна еттидан йигит бериш масаласини кўтардик. Эҳтимол, яқинда рухсат бўлиб қолса.

— Яхши бўларди.

Буларнинг овозини эшитиб — ошхона томондан тўранинг ошпази Зуннун келди. Мирёкуб билан кўришди.

— Мирёкуб ака, чиқиб кетаётирсизми? Бизниқига бир кириб чиқинг. Битта чой дамлаб берай. Сизга бир гапим бориди...

Мирёкуб тўрага қаради.

— Жуда яхши! Бироз чой ичиб, гаплашиб борарсан. Зуннунбой зерик-кандир.

Тўра, кумуш бошли ҳассасини ерга ура-ура, панжара эшикдан чиқиб кетди. Булар ошхона томонга бўрилдилар.

\* \* \*

Зуннун аканинг уйи ошхона билан дон омборининг ўртасида эди. Бу — бир қаватли, тор деразали, хом ғишдан ёпилган бостирмалар эса, саҳннинг тўрисида, нойиб тўранинг ўз уйлари ўрнашган пишиқ ғиштли яхши бинонинг қаршисида бўлинарди. Бу бостирмаларнинг кети боқча ва гузар. Ошхонанинг деразаси саҳнга — олдинга қарагани ҳолда, Зуннун ака турадиган уйнинг фақат боқча томондан бир кичкина дераза ва эшиги бориди. У уйга, ошхона орқали ўтса ҳам бўларди. Ошхонадан — ҳам саҳн, ҳам боқча томонга эшик очиларди.

Зуннун аканинг уйига кирмасдан гулзорда бир скамейкага ўтирдилар. Мирёкуб, тезроқ бориб ўзининг янги юлдузини яна бир кўрмоқчи ва ўз бошига ёлғиз қолдирилган миңбошидан ҳам хабар олмоқчи эди. Миңбоши, боладай нарса... уни кўп ҳам ёлғиз қолдириб бўлмайди. Шу учун, Мирёкуб, чой қўймоқ учун кираётган ошпазни тўхтатди.

— Зуннун, мен шошилиб турибман. Гапингни айт. Тезроқ бормасам бўлмайди.

Мирёкубнинг овозида аллақандай бесаранжомлик ҳам йўқ эмасди. Муни Зуннун пайқади.

— Нима бўлди сизга, Мирёкуб ака! Овозингизда бир безовталиқ бор...

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, шошилиб турибман.

— Ундай деманг. Барибир, мен биламан. Бизнинг тўра ҳам жуда хафа... Хоним бўлсалар тезда-тез «Русияга кўчиб кетсаммикан?» деб қўяди. «Сен

ҳам кетасанми?» деб сўрайди. Улар дунёнинг ҳамма ҳоли-аҳволини билиб турадиган одамлар, бир нарсани сезишгандир-да. Мен бу ерда ҳар хил ўруслар билан гаплашаман. Ҳаммаси ҳар нарса дейди. Уйлаб кўрсангиз ҳаммасининг гапи бир: «бир бало бўладиганга ўхшайди».

Мирёқуб бошини кўтарди.

— Ўруслар шунақа дейдими? Қани, гапир, яна нима дейишади?

— Айтдим-ку, ҳамма ҳар хил гапиради. Лекин гапнинг таги бир жойдан бориб чиқади: «бир бало бўладиганга ўхшайди». Нима бало экан, бизнинг ақлимиз етмайди. Ҳарқалай, бир балоси бор.

Мирёқуб, аҳволдан бу даражада хабардор бўлган одамдан сир яширишни лозим кўрмади:

— Рост айтасан, — деди. — Тўра менга кўп гапларни айтди. Бири-биридан ваҳималик... Унинг гапларини эшитиб мен ўз-ўзимга «замона охир бўпти. Қиёмат яқин шекилли» дедим...

— Шу учун мен сизни чақириб эдим.

Зуннун Мирёқубнинг ёнгинасига ўтирди.

— Мен қирққа бориб қолдим. Ҳалигача битта бошим иккита бўлгани йўқ. Кенг кўрпада ёлғиз ўзим қалтираб ётаман... Менинг ҳам орзу-ҳавасим бор. Уйлансам, бола-чақа кўрсам дейман.

— Жуда яхши. Ўзингга лойиқ бир қиз топилади, албатта.

— Қиз тайёр... қишлоқда менинг бир холам бор, ўша дарак солиб топган экан. Энди қистаб ётибди.

— Уйлана бер, нимаси бор? Тарадуддингни қилабер, тўйни биргалашиб ўтказамиз.

— Мен хўжайиннинг олдидан бир ўтиб қўйсаммикан деб эдим.

— Тўғри, сенинг отахонинг бўлиб қолди. Сўраганинг яхши.

— Шунга айтаман.

Зуннун кулди. Мирёқубга томон яна ҳам яқинроқ сурулди.

— Шу тўғрида хўжайин билан гаплашиб берсангиз деб эдим.

— Ўзинг-чи?

— Ўзим... бетлаёлмайман.

— Нега? Айтабер.

— Сиз айтсангиз дейман.

— Яхши, мен айтай.

Мирёқуб бирдан суҳбатдошига томон бурулди:

— Хоним билан қалайсан?

— Жуда қалин...

— Бўлмаса, унга айт, эрига ўзи айтади.

Зуннун кулиб юбориб ўрнидан турди, икки қўлини чаккасига қўйиб, суҳбатдошидан беш-олти қадам йироқлашди. Унга орқасини ўгургани ҳолда қуйигароқ эгилган бошини қаттиқ-қаттиқ чайқаб, сўнгра бирданига югуриб Мирёқубнинг ёнига келди. Ҳамон қизариб кулушини давом этдиргани ҳолда, Мирёқубга эгилиб, деди:

— Сиз билмайсиз, хўжайин!

— Албатта, билмайман. Сенинг кўнглингни мен қайдан билай? Гапир!

Мирёқубнинг бу сўзларида бироз қаттиғлиқ асари бориди. У, ғолиба, ўзига тенг бўлмаган бир киши билан ортиқча бачканалашишни истамас эди. Ҳоланки, Зуннуннинг қилиқлари бачканаликка қараб кетди. Зуннун, суҳбатдошининг овозидаги ўзгаришни пайқади ва дарҳол унинг ёнига ўтирди.

— Ҳамма бало хоним-да! — деди у.

Мирёқубнинг кўзлари олайди. Яна суҳбатдошига томон бурулди.

— Нималар деб ётирсан?

— Хоним бўлмасалар эрта қачон уйланиб олардим, ака!

— Оббо худо урди! — деди Мирёқуб, ирғиб ўрнидан турди. Бошини чайқади. Иккала қўлини Зуннуннинг елкасига қўйди.

— Нима бало, сенга кўнгли тушиб қолганми?

Зуннун зўр бериб куларди.

— Ҳай тентак, гапир дейман! Нима бало бор ўртангизда?

Зуннун ҳали ҳам куларди.



Шу онда, бирданига, ҳовли томондан хотин кишининг чорлаш овози эшитилди: «Зуннун! Зуннун!» Бу, хонимнинг овози эди.

Зуннун ирғиб ўрнидан турди.

— Туринг, дарров менинг уйимга киринг! Чироғни ёқмасдан дераза олдидан томоша қилинг...

Нафас ўтмай Мирёқуб дераза олдида ўтуриб ташқарини кузата бошлади. Зуннун, гулзор ўртасидаги электрик фонарни ўчирди, ўзи югуриб ошхонага кирди. Ошхонадаги ёруғ фонарнинг шуъласи, эшик тирқишидан уй ичига шуъла ташлаб турарди. Ташқарида — гулзор томонда эса ола қоронғилиқ ҳукм сурарди. Мирёқубнинг ўткир қулоқлари ошхона томонни тингларкан, икки кишининг пичирлашиб гаплашганини аниқ эшитди, юраги обжувоз линкўпидай ура бошлади:

— Шошма, Зуннун, шошма дейман! Бу ерда яхши эмас...

— Бу ерда яхши эмас дейсиз... Уйимга киргали унамайсиз...

Хоним секин жавоб қилди:

— Мендан уни кутма! У, тўғрида гапирма ҳам! — Сўнгра, овозини бироз пастлатиб деди: — Ўзинг бир яхши менинг уйимга кела биласан... Шошма, Зуннун! Сурсан! Шошма дейман сенга! Хўжайининг қани?

— Бир жойга кетди. Кеч келаман деди. Зарур иши бор экан.

— Бас дейман! Кармисан? Вақти бор ҳар нарсанинг! Хафа бўламан бекор! Яна ярим кеча-сахарларда келади десанг-чи! Ох, бу эрлар!..

— Ҳа, кечроқ келаман деди.

— Бунча сур бўлдинг? Мастмисан, нима бало? Юр, боқчага ўтайлик.

Дарранда...

Бирдан ошхонадаги фонар ўчди.

— Ўчирма! Зуннун, ёқиб қўй, жоним... Ёқ дейман!

Аввал «чўп» этган кучли бир ўпиш эшитилди. Сўнгра фонар ёнди. Ундан кейин ой қоронғисида қўлтиқлашган икки киши дераза олдидан бир-икки марта у ёқ-бу ёққа ўтдилар. Сўзлари эшитилмасди. Зуннун ўз ҳунарини кўрсатмоқчи бўлди шекилли, худди дераза қаршисига келганларида хонимни маҳкам қучоқлади-да, деразанинг пастгина супачасига ўтқизди. Мирёқуб ичкарида юрагини ҳовучлади: тўранинг хотини лабларини ошпаз Зуннуннинг лабларига қўйиб унинг қучоғида ҳансирарди...

Бирор минутдан сўнг хоним ирғиб ўрнидан турди, шу онда ошхонанинг эшиги очилди. Сўнгра, ошхонанинг ҳовли томондаги эшиги олдида хонимнинг сўзлагани эшитилди:

— Ўзим айтаман... мана шу вақтларда... ўзинг биласан-ку...

Ошхонанинг у эшиги ҳам ёпилди. Бироздан сўнг Зуннун кириб ўз уйининг фонарини ёқди. Мирёқубнинг ранги ўчган эди...

— Тоза бўлган экан бўлгулик! — деди у. — Ҳали гап шу дегин?

— Бир-икки йилдан бери аҳвол шу... Қани, юринг, гулзорга чиқайлик.

Гулзорга чиқиб яна скамейкага ўтургач, Зуннун давом этди:

— Мана шу аҳвол. Гапини эшитдингиз-а? Бугун хўжайиннинг чиқиб кетганини билмай қолди; ўзи йўқ эди. Узи уйда бўлса, мундай ҳолларда, хўжайиндан сўрайди: «қачон келасан?» дейди. «Яна ярим кеча — сахарларда келармикансан? Кутиб ўтирайликми? Самоварга бир қоп кўмир ташлайликми?» деб, ўшқриб ҳам олади. Хўжайин — «бугун иш жуда муҳим. Гарнизон бошлиғи иштирок этади. Шу учун кеч келсам керак. Соат 2 дан аввал кела олмасман... Сизлар, бемалол ётаверинглар», дейди. Хотинидан узр сўрайди, бечора! У кетган ҳамон хоним мени чақиртиради. Онаси олдида буйруқ қилади: «Хўжайиннинг келгунча залда ўтур. Келганда чиқиб эшикни оч. Секин юр! Бизнинг уйқумизга халақит берма!» дейди. Хўп деб залда қоламан. Залнинг бир ёнидаги эшик хонимнинг уйларига очилади; бир ёнидагиси йўлакка; йўлакдан — кўча эшигига. Онаси бўлса, бола билан бирга, ҳо... нариги чеккадаги уйда ётади. У, мана бу вақтларда донг қотиб ухлаб қолади. Бола ҳам ювош, мўмингина... Мен залда қоламан. Зал билан ётоқ уйи орасидаги эшикнинг бир қаноти очиқ... Хуллас, хўжайин чинғироқ чалганда секингина ўрта эшикни ёпиб йўлакка чиқаману, уйқисираб, эснаб, пайпасланиб эшикни очаман. Хўжайин, аксари, маст келади, ҳеч нарсани билмайди. Ҳушёр келганида —

«бор, энди, жойингга чиқиб ёт! Секин юр, хонимни уйғотасан. Шу чоққача тахталик полда юришни билмайсан. Хўкуз!» дейди...

Мирёкуб ҳайратлар ичида қолган эди. Шунча гапни эшитишга вақти бўлмаса ҳам, шошилганини унутиб, диққат билан кулоқ солди ва брушта бошини чайқаб ўтурди. Бироз ўйлаб турганидан сўнг бошини узун-узун чайқаб:

— Империёси тағин ҳам ботмасинми? — деди у. — Неча минг, неча лак фуқаронинг жони — шуларнинг қўлида. Буларнинг жони эса, мана мунақа, манжалақилар қўлида экан!..

— Нима дейсиз энди, Мирёкуб ака?

— Қайси тўғрида? Сенинг уйланишинг тўғрисидами?

— Ҳа.

Хаёли бошқа томонда бўлган Мирёкуб:

— Яхши, уйлан! — деди. — Қайлиқ олиш яхши нарса.

— Уни биламан. Хўжайинга айтиш маслаҳатини сўраб ётирман.

— Ҳа, у тўғрини айтасанми? Яхши. Ўзим гаплашиб бераман. Лекин ҳали эмас, бир-икки ойдан кейин.

— Унгача қиш келиб қолади-да?

— Хотин деган қишда керак-да. Ёзда хотинсиз ҳам иссиқ ўзи...

— Бор бўлинг, топдингиз! Мен сизга ишониб тураман бўлмаса.

— Эртагаёқ сўраб берардим. Тушдан кейин хўжайининг тоғ томонга чиқиб кетар экан. Икки-уч кунсиз келолмайман, дейди. Ундан кейин, бирор ҳафта ўтказиб, ўзим ҳам Қримга жўнайман. Тўйни бизсиз ўтказма, Зуннун!

— Ҳа, албатта, албатта! Мингбоши тоғам билан сиз икковингиз бўлмасангиз тўй татийдими?

— Бўпти.

Зуннун яна кулди.

— Эртага хўжайин уйда бўлмас эканми?

— Шундай деди.

— Менга қаранг, Мирёкуб ака.

Мирёкуб бурулди. Зуннун эгилиб туриб сўради:

— Бизнинг хоним қалайлар? Тобингиз борми шу кишига?

Мирёкуб бирданига жавоб бермади. Ўйлаб қолди.

— Айтаверинг, ака. Мен ўз кишингизман...

— Ўзи қалай деб сўрасанг, чакки эмас; семизгина, лўппигина; бадани оппоқ; тароватини сақлаган; анча ёш кўринади... Ўзи ҳам, 27—28 дан нари эмасдир?

— 27 да бўлса керак.

— Ҳа, мен адашмайман. Энди, тобингиз борми? — деб сўрайсан. Нима дейишга ҳайронман... Биз, эркак халқини ўзинг биласан. Итмиз! Шайтон ҳамма вақт елкамизда... Тизгинни доим чапга буриб туради... Лекин икковингиз ҳам етиб ортасиз бечорага...

— Нега икки киши бўлсин? Бир киши холос...

— Нима демоқчисан?

— Эри — номига эр. У, бошқа хотинлар билан юради. Унинг ўйнашлари кўп.

— Сен қайдан биласан?

— Мен ҳаммасини биламан. Баъзи бирларини ўз хотини ҳам билади. Унинг менга бунча очиллиши ҳам бесабаб эмас. Икки киши деманг, бир киши. Менман холос! Эҳтимол, ташқарида бўлса... Йўқ, агар бўлса, сезардим албатта. Сиз менга қаранг, эртага хўжайин уйда бўлмаса, кечлатиб келинг. Аллақайси бир мингбоши, тўрага бир тўққуз илварсин юборган экан, учтасини алоҳида тузлаб қўйдим. Яхши палов қиламан. Хоним ҳам бўлади. Тобингиз бўлса у ёғи осон...

Мирёкуб индамасдан ўрнидан турди. Ёнидан пул олиб Зуннунга узатди.

— Яхши. Шомдан кейин келаман. Мана бу пулга ичкилик ол... Кўрамиз...

Зуннун пулни олмоқ истамаса-да, Мирёкуб қўймаганидан кейин, ноилож олиб стол устига ташлади ва ўша махтанчоқ кулуши билан кулиб туриб:

— Эртага кутаман, — деди.

— Ҳўп, — деди Мирёкуб. Яна боягидай бош чайқаб уйдан чиқди.

Номерга қайтиб бораркан, ҳамон бошини чайқаб ўз-ўзига сўзланарди:

— «Империяси чирибди... Йиқилса ҳам ҳеч ким тонгирқамайди. Менинг миямда шу бутун ғалати фикрлар қўзғалди. Нималигини ўзим ҳам билмайман... Илгари ҳеч мунақа гаплар йўқ эди. Аллакимдан, алланималарни сўрагим, билгим ўргангим келади. Бир пирни топиб — тариқат сўрасамми? Бир закунчини топиб — закун сўрасамми? Ё бир муаллимни топиб — масала сўрасамми? Хайронман...

— «Империяни кемага ўхшайди дейди... йўқ, кема дейди, кема... Нималигини билсам эди! Империя нима десам оқподишони, ўзини, пагонини кўрсатди. Оқподишонинг нималигини ўзи айтиб берди, ўзининг кимлигини ўзим биламан, бугун яна ҳам очигроқ билдим, эртага жуда равшан билсам керак... Энди, елкасидаги пагони қолди. У бир латта, зардан тикилган бўлса ҳамки, бир латта. Машиначи тикади. «Эшагига яраша тушови» деган гап бор. Эгасига яраша — пагони... Демак, империя ботишга томон боради.

— «Биз нима бўламиз? Фуқаро нима бўлади? Бизнинг топган, тутганларимиз, ордирган давлатимиз нима бўлади? Азбаройи худо, кимдан сўрасам? Шошма, янги ошнамдан, мени занжирсиз боғлаб қўйган айёрдан сўрайман! У, ҳарҳолда, ўрус-ку... билади. Йўқ, шошма, у ўзи нима бўлади? Узи? Шундай катта империя ботади-ю, у соғ қоладими? Нима, азбаройи худо, бу империя? Кимдан сўрайман энди? Кимдан?!...»

\* \* \*

Соат 11 ларда номерга келиб мингбошининг ёнига кирди. У, икки хотинни икки ёнига олиб, иккаласининг бўйнига барабар қўл ташлаб, мудрамоқда эди... Кирган ҳамон баланд овоз билан қичқирди:

— Туринг, додхо! Хирмонга ўт кетди!..

Мингбоши сесканиб уйғонди. Ирғиб ўрнидан турди.

— Қаерда қолдинг, ноинсоф? Мени ёлғиз ташлаб?

— Ким ноинсоф? Икки таннознинг ўртасида ўтурибсиз-ку, яна ёлғизман дейсиз...

— Зерикдим буларингдан... Кўнглимга урди. Юр, кетайлик!

— Қуллуқ бўлсин, итликнинг йўқолиши! Худога шукур, минг қатла шукур, одам бўлибсиз.

— Ўтур! — деб бақирди мингбоши.

Иккала хотин чўчиб тушди. Мирёқуб ёйилиб-ёйилиб кулди.

— Қаерда қолдинг?

— Империяга ўт кетган экан. Учуршгали бориб эдим...

— Нимага?

— Империяга... Империяга...

Хотинларнинг бири мунинг ёнига ўтди.

— Сиз империя дедингизми? — дея гап бошлади хотин.

— Бизнинг шахримизда «Империя» деган бир номер бор эди. Тоғнинг шундоққина тепасида; пастда — дарё. Номернинг олди — боғ, боғнинг олди-пастлик, жар...

— Империя ўзи ҳам жар бўйига келиб қолган эмиш, — деди Мирёқуб. Хотин, унинг ёнига суқулиб кириб:

— Нима дедингиз? Англамадим, — деди ва қўлини Мирёқубнинг елкасига ташлади, Мирёқуб унинг қўлини мулойимлик билан ўз елкасидан олиб қўйиб ўрнидан турди-да, мингбошига юзланди:

— Мен кетдим! Эски шаҳарда ишим бор.

— Шошма! — деб бақирди мингбоши. — Мен ҳам бирга кетаман!

— Сиз, бугунча шу ерда ётатуринг. Қорнингиз тўқдир, албатта?

— Қорним тўқ, аммо зерикдим. Қачон кетамиз?

— Индинга эрта билан, сахар, худо хоҳласа. Зериккан бўлсангиз эртага бошқа номерга кўчураман. У ер — яхши.

— Индинга кетадиган бўлсак, менга бир дутор чалиб ашула айтадиганини топиб бер. Бу — тил билмасларинг билан зерикиб кетдим...

— Хўп, хўжайин. Эртага кундузи ҳаммаси бўлади. Индингача Империяни ботирамиз...

— У нима деганинг?

— «Итликни ўлдурамиз!» деганим... Яхши туш кўриб ётинг, хўжайин! Хайр энди, хонимлар!

Тез-тез ҳатлаб ташқарига чиқди. Айвонга ўтиши билан ўз уйидаги қизил фонарнинг шуъласи кўринди. «Демак, менинг уйимда».

Эшикни секингина очди. Ёш хотин стул кетида китоб ўқиб ўтирарди... Мирёқубни кўргач, ўрнидан туриб жой бўшатди ва тўрига таклиф қилди. Мирёқуб соддагина кўришиб, тўрига уни ўтқузди ва ўзи пастга ўтурди. Аввал ёш хотиннинг кўзларига қаради: ҳорғинлиги, уйқисираганлиги очиқ кўриниб турарди. Картга қаради: одам ётгани билинмайди. Шундан сўнг кўнглида бир севинч қўзғолди, бутун баданини бир завқ ўраб олди... Яна ёш хотинга тикилди: у бир бет қолган китобни охиригача етказмак учун уринурди. Бу дафъа Мирёқуб, худди ўзининг неча йиллик синокта хотинини кўргандай бўлди. Бу хотин, гўё, неча йилдан бери ҳар кун шу равишда муни кутиб умр ўтказган... Империя эсидан чиқди. Хотин китобни битиргунча бу жимгина ўтурди. Китобни ўқиб битиргач, хотин енгилгина, эҳтиёт билангина эснаб олди-да, сўнгра, бу ишдан ўзи уялди шекилли, юзини қўли билан тўсиб кулди. Юмшоққина кулди... Бетларига қизил қон оқинлари югурган эди. Мирёқуб ҳам кулди ва секингина ўрнидан турди.

— Хўп, ётиб ухла бўлмаса; мен эски шаҳарга тушиб кетаётирман.

— Яхши, бора беринг. Бугун хўжайин эшикни чертиб келган эди, «тобим йўқ» деб киритмадим...

— Нима дейди?

— «Бир сарт бойвачча келди. Беш юздан кам олмайсиз. Мақсадингизга етдингиз... Ўзи ҳам ёш, чиройлик, оригинал...» дейди. «Яхши; индинга келсин. Тобим қочиб турибди, ваннада совуқ олдирибман...» дедим. «Аттанг, аттанг...» деб қайтиб кетди.

Ўзи хоҳламасдан, бўлиб-бўлиб, оддий овоз билан бу воқеани сўзлаб берган хотин, энди бу сафар, худди ёлворишга яқин бир овоз билан деди:

— Эртага шу ердан кетармиканмиз?

— Албатта, эрта билан келиб ўзим тўғрилайман.

— Нарсаларни қандай қиламиз?

— Нарсаларинг кўпми?

Хотин кулди.

— Бир чамадон холос.

— Осон экан. Эрталаб шу ерга чиқариб қўяласанми?

— Эрталаб бўлмас, кечаси бир иш қилиб эпларман.

— Ундай бўлса хотиржам. Сен кийимингни кийиб чиқаберасан, тамом! Мирёқуб чиқиб кетишга мўлжаллай бошлади.

— Йўқ, шошманг! — деди хотин. — Мен бу паспортим билан у ерда туrolмасман...

— Оббо! — деди Мирёқуб. — Ҳали бу масала ҳам бор экан.

— Нима қиламиз? — деб сўради хотин.

Мирёқуб ўйланиб туриб деди:

— Бир йўлини топармиз, шошма.

Бироздан сўнг, юзлари кулиб, кескинлик билан деди:

— Хотиржам бўл, паспорт топаман. Эртага эрта билан қўлингда бўлади.

— Ташаккур этаман.

Мирёқуб ташаккурга жавоб қайтаришни билмасиди... Лекин у, шу топда, негадир, ўзи ҳам хурсанд бўлиб, алланечик чарақлаб, очилиб кетди. «Мирёқуб эпақа ҳар ишни эплайди» деган хаёлга бордим, ё бошқа бир ёқимли хаёлга бордим, — ҳарқалай таъбининг чоқлигидан бўлса керак, ёш хотиннинг ёнига бориб пешонасидан бир ўпиб олмоқчи бўлди. Фақат, яна дарров ўзини тўхтатди: «Йўқ, қизиган оловмиз. Икковимиз ҳам... Қанча йироқ бўлсам шунча яхши!..» — деди ўз-ўзига.

— Хўп, ёт, ором ол бўлмасам. Эшикни ичидан беркитиб ёт!

Мирёқуб ирғиб ўрнидан турди.

— Табийй, — деди хотин, ҳам секингина ўрнидан туриб эшик томонга юрди.

Мирёқуб айвонга чиққач, ичкаридан калитнинг шарақлагани эшитилди. «Мен учун очиладиган эшик бошқалар учун ёпилди» деди у ўз-ўзига. Хурсанд,

кўнгли очилган, алланечик енгиллаган, кўзлари, юзлари, бутун борлиги билан кулган ҳолда илдам-илдам босиб кўчага чиқди.

Муюлишда ухлаб ётган извошчини уйғотиб, икки отни чоптирганича, ярим кечада, нойиб тўра маҳкамасининг қотиби Игнатюкни қидириб кетди.

\* \* \*

Кеча кечаси кўча эшиги зинасида арвоқ Игнатюкнинг қуруқ чангалига қистирилган ўн сўмлик қоғоз ўз вазифасини бажарган эди: эрталаб соат 10 да маҳкамага келиб кирган Мирёқубнинг қўлига, Игнатюк бир янги паспорт узатди. 24 яшар Евдокия Захаровна Кабилина номига ёзилган бу муддатсиз паспорт, ёш хотиннинг кечаги ташвишини тамоман бартараф қила оларди. У, ёзлик кийимини кийиб чиқиб тўппа-тўғри биринчи класс номерга борди ва ўзи учун ажратилган кичкинагина, чиройлик ва соз уйга ўрнашди. Бир соат ўтар-ўтмас, нариги номернинг йўғон гавдали, девсифат, узун соқол хизматчиси бир қоп ичига солиб — хотиннинг чамадонини келтириб берди. Унинг нариги номердаги хонасида, энди, ҳеч нарсадан хабари йўқ хизматчи хотиндан бошқа нарса қолмаган эди...

Мирёқуб, мингбошини ҳам бошқа бир номерга кўчургандан кейин, ўз номерининг ҳисобларини тамомлаб номер эгаси дўстига қўл узатди:

— Хайр энди, мен қишлоққа жўнайман.

— Хайр, Мирёқуб, келиб тур, дўстим! Хотин қалай?

— Сўрама. Бир-икки кундан кейин яна келаман...

— Арзийди... арзийди, чўрт возми! — деди хўжайин. Ўзидан хурсанд бўлиб кулди. Сўнгра сўради: — Қанча бердинг?

— Ишинг нима?

— Айтабер... ҳимматингни билайин дейман. Кечадан бери ўзи ҳам сеникидан чиқмайди.

— Меникидан чиқмагани рост, фақат нотоб ўзи...

— Сен уни совуққа олдириб қўйгансан. Кеча, бир бойвачча келган эди. «Нотобман» деб чиқмади. Сен менга катта зарар келтирдинг. Вагончи бойнинг ўғли эди... Ваҳоб... биласанми? Ана, пул деган нарса ўшанда! Бир қучоқ!

— Бу хотин шу ерда бўлса вагончи бойваччалар кўп келади ҳали... Шошма!

— Албатта, албатта! Ҳарҳолда қанча бердинг? Айт!

— Кўп эмас, фақат... минг сўм!

— Минг сўм?! Ростми?

— Нега ёлғон бўлсин. Минг сўмлик чек бердим. Банкага кетди.

— Чўрт вазми? Бир ярим мингдан ошиб кетибди... «кетаман» деб қолма-

син.

— Пул ширин... Қанча кўпайса яна шунча кўпайтиргиси келади.

— Рост айтасан. Бир иш қилиб яна бир-икки ҳафта олиб қоламан. Қўяманми мен?

— Сен қўймайсан, биламан. Хайр энди!

Мирёқуб ўз дўстининг аҳмоқлигидан кулиб кўчага чиқди.

— Эртага эрта билан қишлоққа жўнайман, — деди у, кўнгли илинган хотинга. — Кўп бўлса беш кун туриб қайтаман. Уша куни жўнаб кетишимиз керак.

— Мен сизга кўп ташаккур қиламан, азиз дўстим. Сиз, чинакам, азиз дўстим бўлдингиз. Келинг, мен сизни, бир сингил сифатида ўпиб қўяй...

Мирёқуб бу сўзларнинг маънисига тушунгунча ёш хотин келиб пешонасидан ўпди. Бу ўпиш, ҳар қандай ярамас ҳисдан узоқ ва эҳтиётли бўлса-да, хотин кишининг бу қадар яқинлашиб келиши Мирёқубни дир-дир титрашга мажбур қилди. Унга нисбатан, хотин, жуда тинч ва лоқайд эди. Ўпиб бўлганидан сўнг Мирёқубнинг ёнидан унча узоқлашмасдан унинг қоп-қора ва бесарамжон кўзларига тикилиб турган хотин, ғолиба, унинг шу топда кечираётган талвасаларидан хабардор эмасиди. Мирёқуб бир-икки қадам орқага чекинди.

— Эски паспорт қани?

— Номерда қолди.

— У керак эмасми?

— Йўқ, йўқ, йўқ! Яхши бўлди, жуда яхши бўлди. Мен бутун қора кечми-

шимдан қутулдим. Раҳмат сизга, мен бундан сўнг, Мария Степановна Астрова эмасман — Евдокия Захаровна Кабилинаман. Хунук ном, хунук фамилия... ўзим ёқтирмайман. Лекин менга бундан бери шу номдан қадрли нарса бўлмаяжак! Йўқ, кечирингиз, бу номни менга берган киши, албатта ундан қадрлироқ! Раҳмат сизга, азиз дўстим.

Яна келиб, Мирёқубнинг бир қўлини иккала қўли орасига олди ва силкитиб-силкитиб сиқди. «Қандай қизғин ва ёқимли қўллар!..»

— Раҳмат, азиз дўстим!

«Арзимаиди» деб қўйишни билмайдиган бу — гўл «азиат», бутун вужуди билан яна қалтирай бошлаган эди. Тағин икки қадам орқага чекилди. Эшик олдига етиб қолдилар. Муни пайқаган хотин орқасига қайтди ва уни ўтиришга таклиф қилди.

— Йўқ, мен кетаман. Эшикни ичидан беркитиб ўтир, ташқарига чиқа кўрма... — деди Мирёқуб. Орқаси билан эшикни очиб йўлакка чиқди. Эшик яна ичидан беркитилди... «Бошқалар учун ёпилди, мен учунгина очилади бу эшик!» деб ўйлади Мирёқуб яна. Ўзида йўқ, югурганича зинадан туша бошлади.

Ичкарида ўз ихтиёри билан қамалган ёш жувоннинг кўзлари, шу топда севинч ёшлари ила ҳўлланган эди...

\* \* \*

— Келинг, Мирёқуб ака. Кечикиб қолдингиз?

— Ҳа, эртага эрталаб қишлоққа жўнаймиз. Ишларни битиришим керак эди.

Ошхонадан уйга ўтдилар. Зуннуннинг уйи жуда чиройлик қилиниб йиғиштирилган эди. Ерда катта янги гилам, доволларда суратлар, ўртада катта стол, оппоқ дастархон, стол тўла, нози-неъмат, ичкилик... Деразада чиройлик тўр пардалар. Стол теграси тўла курси.

— Уйингни таниб бўлмаиди, Зуннун.

Зуннун ўша бурунги кулуши билан кулди.

— Ҳаммаси хонимнинг ишлари...

— Бўлмаса, сен уйланиб нима қиласан?

— Бола-чақа, рўзигор кўргим келади.

— Боласи йўқлар — болага қизиқади. Лекин, боланинг «бало» бўлгани ҳам бор...

— Йўқ, Мирёқуб ака. Мен болани яхши кўраман!

— Хўп, мен курортдан келай, дарров тўйингни қиламиз.

— Тезроқ келинг, ишқилиб...

— Қани, ҳеч ким йўқ-ку?

— Келишади. Хоним келадилар...

— Бошқа?

— Бошқа йўқ. Хўжайин жўнаб кетди. Уни ҳам чақириб эдим, узр айтди. «Бизнинг кичкинагина бир ҳайитчамиз бор, хўжайин; Мирёқуб акам келадилар» дедим; «Менинг ўрнимга хоним бориб бир пиёла чойингни ичиб, Мирёқуб билан гаплашиб келади» деди. Хонимга менинг ўз олдимда тайинлади. Хоним, мен сизга айтсам, эрининг олдида ноз қилган бўлди. Пешонасини уқалаб, бўшашган бўлиб — «бошим оғриб турибди...» дейди. «Бошинг оғриси пирамидон ичиб жиндак ухла, кечгача ёзилиб кетасан. Зуннунни ўксутма!» деди хўжайин. Бўлмаса, ундан илгари хоним билан гаплашиб, гапни бир жойга қўйганмиз...

— Шошма, — деди Мирёқуб, — у сени яхши кўради... сеники бўлиб қолган. Мен нима қиламан, бу ерда?

— Қизиқ экансиз, Мирёқуб ака. Мени севса, эрим деб севармиди? Ё, мен ўша билан умр ўтказармидим? Шунчалик гап-да... эрмак... Ана, келаётир. Жиндак кайф қилгандан кейин, ёнига ўтиб, дадил-дадил тегиша беринг. Бу кеча мен бу ерда йўқман! Тузукми? — деди Зуннун.

Чопиб чиқиб кетди. Хоним, унинг боласини кўтаргани ҳолда — онаси кириб келдилар. Дераза-эшикларнинг оҳистагина тарақлаб ёпилгани эшитилди.

Ҳаммалари Зуннунни қутладилар ва стол тегарасига ўтириб, унинг соғлиғига қадаҳ кўтардилар. Хўжайиннинг йўқлиғига ачиндилар: «Ундай олижаноб ва кўнгулчан кишининг бу замонда камёб эканини» сўзлаб ўтдилар... Хоним, икки гапнинг бирида, ўз оиласи аъзоларининг одам болаларига меҳрибон ва улфат бўлганини қайд этиб ўтарди.

Хоним, ҳирсли ва майли кўзларини суза-суза Зуннунга қараб олди:

— Биз ҳаммамиз Зуннунни яхши кўраемиз, — деди. — Бу, бизнинг оилада энг қадрли киши. Бизнинг ҳовлимизга келган вақтида 12—13 яшар бола экан. Энди, мана, кап-катта киши бўлди. Яқин-яқинда уйлаб қўймоқчимиз... Шундай-а, Зуннун, азизим?

Зуннун уялиб қизарди.

— Валя, уялтирма Зуннунни, — деди онаси.

Зуннун тез-тез ичкилик қуйиб, уларни ичишга қистарди.

Хоним стол устидан бир чиройлик шишани Мирёқубга кўрсатиб:

— Энг севган ликёрим, — деди. — Маст бўлгунча ича бераман... Жуда нафис нарса.

— Атайлаб сиз учун олдим! — деди Зуннун.

— Зуннун менинг завқимни яхши билади...

Хоним, катта бир сир айтгандай қилиб, тоғ воқеасини айтди:

— Биласизми, биз мунда ичишиб ўтирибмиз. Хурсандмиз. Яхши дўстлар тўпланишганмиз. Федя шўрлик нима ҳолдайкин? Биласизми, юз элликта солдат билан, тўп-тўп хоналар билан кетди. Тоғ одамлари жуда мерган келади. Менинг Федям, сиз билмайсиз, жуда довюрак нарса. Солдатлардан олдинда ўзи чопиб кетади... қиличини суғуриб! Бирорта сарт ё қирғиз мергани отиб қўямасин деб кўрқаман. Хотя сартлар уни яхши кўришади... Ўзингиз биласиз, тилни жуда яхши билади. Сарт китоблари ўқийди. Сартча ёзади. Сартлар уни «Парпитўра» дейишади... Биласизми, у ўзи ҳам сартларни жуда яхши кўради. Ювош, қўйдаи халқ дейди. Қанча жабр кўрса, қийналса ҳам «худо!» деб тура беради, дейди. Сартларнинг шу диндорлигини айниқса яхши кўради...

Зуннун, хўжайиннинг соғлиғига кўтарди. Қадаҳларнинг жаранглашидан мукамал бир симфония ҳосил бўлди.

— Илоҳим, эсон-омон қайтиб келсин... Илоҳим, Юрагим узилиб кетаётир... Биласизми, сартлар ҳам энди айниб қолишди. Кўп ичкилик ичишади. Мастлик қилишади. Янги шаҳар бузуқхоналарида бир-бирига пичоқ солганлари кўп бўлар экан. Маст бўлиб қолса, сарт жуда ёмон ёввойи бўларимиш... Қани, кўтаринг, Мирёқуб, сартларнинг соғлиғига...

Ичдилар. Хоним бир оз алжий бошлади.

«Бирор соат ўтгач, хонимнинг онаси ўрнидан турди.

— Бола ухлаб қолди, энди мен кетай. Яхши қолинглар! — деди.

Хоним ҳам турди:

— Энди мен ҳам борай, Кундузи кўп юриб чарчабман... Кечир, Зуннун!

Зуннун «йўқ», «йўқ» деган маънида қўлини чайпиди:

— Сизга жавоб йўқ, хоним! Сиз — хўжайин томонидан вақилсиз. Ўтўрасиз бироз. Ҳали кўп гаплашамиз. Эртага кундузи ухларсиз!

— Ҳа, шундай бўлсин! — деди Мирёқуб.

Кампир қизига юзланди:

— Сен ўтир, Валя, гаплашиб борарсан. Вақт ҳали эрта, уйга борганинг билан уйқунг келмайди. Ўзинг ёлғиз зерикасан.

— Хайр, майли, — деди хоним. — Бўлмаса, беш минутга рухсат беринглар. Уйларни беркитиб, эшикларни қараб келай.

Чиқдилар.

— Мунча сергап экан бу хотин? — деди Мирёқуб. — Грамофон-а!

— Энди билдингизми? Жуда очикқўнгул нарса. Ичиб қизигандан кейин, ўзи ҳам очилиб кетди...

Мирёқубга яқин келди:

— Уйни беркитиб келаман дедими — бўлди! Энди ҳамма гап ўзингизда!

Мирёқуб ҳам арақ қуввати билан қизиша бошлаган эди...

Хоним келиб кириб уйнинг калитини дераза тоқчасига қўйганда иккала эркак уни чапак билан олқишладилар.

Яна ичиш бошланди. Мастлик авж оларди. Хоним, бир тўхтамай гапирарди. Мирёқуб, ўзига таниш «империя»ни яна неча марта эшитди. Фақат, энди, ундан осонроқ гапни ҳам англайдиган ҳолда эмасиди. Кўзлари чўққа айланганиди. Хонимнинг кўзлари эса сузулиб юмула бошлаган эдилар. Фақат, айёр Зуннун, бошқаларни кўпроқ ичириб ўзи камроқ ичар, хушёрлигини қўлдан бермасиди.

— Туринг ўрнингиздан, Мирёқуб ака! — деди у. — Хонимнинг ёнларига ўтинг, Зерикмасинлар...

Мирёқуб бир оз довдираниб хонимнинг ёнига ўтди.

— Мумкинми, хоним?

Хоним, кўзи билан ёнидан жой кўрсатди.

— Пажалуйста...

Мирёқуб ўтурар-ўтурмас қўлини хонимнинг елкасига ташлади. Хоним, оғирлашган бошини буриб, маст кўзлари билан эшик томонга қаради. Зуннун уйда эмасиди. Шундан сўнг яна Мирёқуб томонга бурулиб қўлини унинг елкасига ташлади. Яна ичдилар... Хоним ҳамон сўзларди. Фақат, сўзлари, томчилаб томизилаётган дори сингари, битта-битта тўкулиб борарди. Хоним, тамом маст бўлган кўзлари билан гоҳ-гоҳ эшик томонга қарар, Зуннуннинг киришини кутарди. Зуннун кирмади. Яна ичдилар... Яна ичдилар...

Мирёқуб, шарпа сезиб кўзини очган вақтида, хоним, ойна қаршисида сочларини тузатмоқда эди. Мирёқуб ўрнидан турмоқчи бўлиб ёстиқдан бошини кўтарди. Хоним, дарров орқасига бурулиб уни кўргач... қизариб кулди.

— Шошмай тур, Мирёқуб, азизим, — деди. — Мен чиқиб кетай, сўнгра турарсан. Қарама менга...

Сўнгра, секин келиб картга ўтирди:

— Энди мен уйга борай. Кўп ичиб қўйибмиз, бошим оғриб ётир... — деди, лабини Мирёқубга узатди.

— Кўришиб турайлик, — деди Мирёқуб.

Хоним очилиб кулди:


— Жоним билан... — деди эшикдан чиқа туриб.

Мирёқуб кийиниб ташқарига чиққан вақтида тонг ёришиб келарди. Ошхонадан Зуннуннинг бесаранжом хурраги, йироқлардан хўрозларнинг чўзиб-чўзиб чақаришлари, ҳовли томондан очилаётган эшикнинг шарпаси эшитиларди.

Ҳамма уйқуда...

**Охири келгуси сонда**





Ибройим Юсупов

## БУЛБУЛ УЯСИ

Достон

Ярадор қалбининг қони билан у  
Қушлар дунёсига бахт келтиролган...  
ҲЕЙНЕ

Чангалзорга қўнган булбул  
Бир чумчуқча сонга кирмас...  
БЕРДАҚ

1

Чангалзор гуллари нақадар кўркам!  
Ҳарир рўмол ёйиб кетгандек қизлар.  
Битта қуш уясин кўриб қолганман  
Шу тиканлар ичра қайсидир кезлар.

Кегайли соҳили! Кўзимнинг нури,  
Туғилиб-улғайиб ўйнаган ерим!  
Мажнунтол остида илҳом жўш уриб,  
Тўнғич муҳаббатни куйлаган ерим.

Онамнинг чеҳраси, овози ёдгор,  
Қурдош дўстларим ҳам бари шу жойда.  
Не улкан йўллардан чекка бу диёр  
Мени тортиб турар, бўлмайн қайда.

Ўша кун бораркан таниш сўқмоқдан,  
Чий-чий этган қушнинг эшитдим зорин,  
Тез борсам: ётарди ёлғиз полапон,  
Кўриб, титраб кетди вужудим-борим.

Уяси бузилган, тўзган хас-хашак,  
Чумдиги тупроққа ботиб, бечора,  
Юзтубан ётибди ўзи жонсарак...  
Унга қўл узатдим тиканлар аро.

Кафтларимга олдим, уф-уфлаб шу тоб,  
Не тур қуш, билмадим турини, эсиз.

Чумчуқмас, қандайдир зот эди камёб,  
Чиққан пўчоғи ҳам биргина, ёлғиз.

Шағалми, шамолми, нима бузса ҳам...  
Ўт-ўлан, чўп йиғиб, уясин созлаб,  
Эплаб ушлаб эпсиз қўлларим билан,  
Ўз жойига қўйдим силаб-эъзозлаб..

У гўё бешикка энди беланиб,  
Боладек тамшанар эди, мен секин,  
Овуртлаб сув бердим, ютди у қониб,  
Қурт бердим, олмади ҳеч бирин лекин.

Энаси қаерда, нега келмайди,  
Ё, шўрлик, қурт излаб сарсонми экан?  
Отасин сўрамай қўяйлик майли  
(«Отанинг яхшиси язнадай!» деган)..

Ҳа, энди ишим бор чангалзор ёқда!  
Тиканларга мўлу нақадар кўркам...  
Ўша ошиёндан, ўша сўқмоқдан  
Хабар олар бўлдим шундай дам-бадам.

Бир борсам, қаноти чиқиб полапон,  
Талпиниб учарга талвос этарди.  
Баъзан мен уяга яқинлашган он  
Қандайдир қуш парлаб учиб кетарди.

Чумчук десам, ундан сал илғай эди,  
Үхшамасди бирон кўрган қушимга.  
Хаттоки ўйладим: чўл тўрғайдир,  
Тожи кўринмасди лекин бошида...

2

Теракзор жой эди биз ўсган овул:  
Урик ва шафтоли боғ ҳам бор эди.  
Баҳорда, уларни қоплаган чоғ гул,  
Кечалар булбуллар сайрашар эди.

Нозик гўл ифори тутган тунларда,  
Елғиз кезар эдим боғларга чиқиб.  
Усмир кўнглим тусаб аллакимларди,  
Тинглардим булбуллар куйин интиқиб...

Бу ширин нағмани ташна ичаркан,  
Улар маст фидойи сайраган чокда,  
Уқиб чиққан каби «Минг бир кеча»ни,  
Сархуш қолиб кетар эдим овлоқда.

Ўзга оламлардан учиб келгандай,  
Улар куйлашарди кўринмай кўзга.  
Шакли шамойили билмасдим, қандай,  
Аммо куй йўқ эди куйидан ўзга...

Лекин саратонда, ёз оловида,  
Ғойиб бўлардилар бирдан, ногаҳон...  
Бир муаллим йигит бўлиб овулда,  
Сайрарди булбулдан ўзиб ўн чандон.

Гоҳо ҳаваскорлар билан, саҳнада,  
Жонин киргизарди танбур-даторнинг.  
Ёки булбул бўлиб сайраворса-да,  
Ками бўлмас эди ул чеккан зорнинг.

Гоҳ биз — ялангоёқ «очикқан тўда»,  
Қовун ўғирликка бориб полизга,  
Булбул сайраб қолса, «Бу муаллим-да!»,  
Дея қочар эдик зипиллаб изга.

Муаллим йигитга дарё ортиннан  
Чарос кўз келинчак — сулув ёр эди:  
О, у кўшиқ айтса, унинг дардиннан,  
Юлдузлар тўпланиб, ой тўлар эди.

Ох, шундоқ ҳаётга чанг солди Гитлер,  
«Уруш!» «Уруш!» деган бир офат етди.  
Овулни тўлдириб юрган йигитлар, —  
Бизнинг муаллим ҳам фронтга кетди.

Иккиқат келинчак зор йиғлар эди —  
Дарё қирғоғида, кўзда дарё ёш:  
«Йўлга ойдаёй қараб кутаман энди —  
Зулматни енгиб қайт мисоли қуёш».

Кегайлида элнинг ини бузилди...  
Йигитлар кемага ўтирган замон:  
«Булбул» сайраганин ва Мускат ити  
Сувга сакраганин эл эслар ҳамон.

Таноб таёғини топшириб бизга —  
Табелчи акам ҳам жангга йўл олди.  
Биргина аёллар қолди қолхозда,  
Мен ҳам ишга тушдим, ўқишим қолди...

3

Қушнинг нияти пок, ихлоси чиндир,  
Ишончи бут, чунки бағри бутундир.  
Туғилиш қонуни ҳукмин бажариб,  
Жим самар кутгани шунинг учундир.

Шу тухумни алқаб, ҳар шарпасидан  
Бир илиқлик тўлиб сабр косасида,  
Урик довчасидек заъфарон дили  
Тўлғанарди меҳр шалоласида.

Шу тикан остига қуриб ошиён,  
Не сўз, кўп қийналди, абгор хонумон.  
Энди захмат унут, захалар унут,  
Кутади гоҳ хушёр, гоҳида бежон.

Гоҳо жуфти боқди уни чарх уриб,  
Гоҳ тилин умидбахш куйларга буриб.  
Хатто шу чангалзор бўлди мададкор,  
Иссиқдан ё турли ёвлардан кўриб.

Тўғри, ногоҳ бир хавф келгандай бўлар,  
Тунлар талвосли туш кўргандай бўлар,  
Баъзан боғлар узра полапонини  
Парвозга ўргатиб юргандай бўлар.

Тўғри, кўзғалишга баъзан ҳақи бор,  
Кундузлар дим, туннинг ҳали захри бор,  
Капалак шарпаси гоҳо уйғотар —  
Шундан «куш уйқуси» деган нақли бор.

Ҳа, курк босган қушлар сабри бир жаҳон,  
Ранги хас-хашакдек бўлар заъфарон,  
Мана холдор тухум ёрилиб бу кун,  
Илк ёруғ дунёни кўрди полапон.

Онанинг шодликдан энди йўқ тинчи,  
Отанинг чангалзор ери, таянчи,  
Шохлар узра эркин-эркин куйлайди —  
Бор оламдан гўё сўраб суюнчи.

4

Бирни бошлаб бошқа гапга ўтдимми,  
Қушни қўйиб, одамзодга ўтдимми?!  
Ё қалбимда у сур йиллар қолдирган  
Сўқмоқларга сизни бошлаб кетдимми?

Бу йўлларнинг, айтсам, йўқдир адоғи,  
Бир ёқ пахта, бир ён жўхор бошоғи.  
Бу жойларда бир қийқим йўқ тегмаган  
Табелчининг манов қайқи таёғи.

Ишда — хотин-қизлар, тонгдан туради,  
Ҳали ўтоқ, ҳали кетмон уради.  
Ойнинг нури арпа ўриш учундир,  
Саҳар-шудринг йўнғичқага юради.

Шулар ичра битта эркак эканман,  
Содда бола — дали эрмак эканман,  
Яхшиямки ўша пайтлар шумликсиз,  
Тоza хаёл, беғам юрак эканман.

Кунлар оғир меҳнат ичра ўтарди,  
Қамчи тушган отдай зада этарди.  
Уруш олис оқ қайинлар учинмас,  
Бизларни-да ёқиб, чилпиб кетарди.

Женга-бийкач, дойи-жиян, ҳазил сўз,  
Кулги-овунч, бошқа гап йўк, чида, тўз...  
Қайтувчи турналар сафи кўринса,  
То ўтгунча узолмасди ҳеч ким кўз...

Сигирларни қўшиб қўшга — молага,  
Чигит экар эдик сўнгги далага,

Бирдан сирли безовталиқ бошланди —  
Жон кирди-ку барча амма-холага...

Уринишиб, мени қўймай яқинга,  
Сал ўтмасдан овоз келди чақиндай:  
«Ҳой табелчи, бор, кампирга хабар бер,  
Жўжа қутли бўлсин «булбул оқин»га!»

Не бўлганин энди англаб ниҳоят,  
Отиз — туғруқхона, хотинлар — доя,  
Мен чошибман, ўғилми-қиз сўрамай,  
Сўнг шуни-да кўп қилдилар киноя...

Ҳа, эсимда қайси йилнинг кузида,  
«Оқсоқ почта» нақ даланинг ўзига  
Келиб фронт газетасин кўрсатди.  
Ўқидим.

Ёш олди барча кўзига...

«Сайра, булбул!» дейилганди бошида,  
Жанг бораркан Днепрнинг қошида.  
Разведкачи экан бизнинг муаллим,  
Хабар бериб ёвнинг ичи-тошидан.

Ўрмонда қуш овозига бериб зеб,  
Душман тоза ғофил қолиб, эсин еб, —  
«Тил» тутаркан сержантимиз мёрд-ўктам,  
Полкида ҳам ном олгандир: «Булбул» деб.

Ҳамманинг ҳам нур югурди ичига,  
Қойил қолиб юртдошининг ишига.  
Ёш келинчак газетани тўрт буклаб  
Тугиб қўйди рўмолининг учига.

«Украина йўли йўл бўлдимикан,  
Йўлинда чангалзор гул бўлдимикан?!  
Фронт жойда юрган бизнинг севар ёр,  
Бизларни соғиниб сарғардимикан?!»

Шундай қўшиқ атаб олисда ёрга,  
Пахта терарди у чекка қаторда.  
Одамлар хирмонга кетган маҳали  
Пахта тиқишардим бориб, қанорга.

«Уч йил бурун, — дерди, — худди шу чоғда  
Кўп ёшлар кўрикдан ўтди пойтахтда.  
Мен қўшиқ айтганман, ул дутор чертиб,  
Москвада Горький номли бир боғда.

Ушанда зўр ёмғир қуйиб ногаҳон  
Йиқилиб тушгандим, у мени шу он,  
Костюмига ўраб, даст кўтарганди...  
Москва ёмғири, бор бўл, жонажон!..

Шунда мактаганди менга овулин,  
Шунда тутган эди куй тўла дилин...»  
Меҳримни кўзғатиб ўзига, шундай,  
Ишқин сўйлаб берди менга ёш келин.

Қуруқ хасга гўё учкун тушгандай,  
Ёш юракда шўх булоқлар жўшгандай,  
Кўзим тушди бўйнидаги дур терга,  
Куз ҳавоси бўлди ифор қўшгандай.


Пинҳон боқдим холли юзга бурилиб,  
Дами дамга, кўзи кўзга урилиб.  
Ўзи сезмай не ўт солди дилимга,  
Кетолмадим энди изга бурилиб.

Сўзлари кирарди сизиб жонгача,  
Қисиниб ўлдим-ов, сулув янгача.  
Қошинда қолмоққа мен рози эдим,  
Пахта қанорлашиб токи тонггача...

Қорақалпоқчадан **Омон МАТЖОН** таржимаси

Охири келгуси сонда

Отиз — пайкал.



Ўткир Ҳошимов

## АВЛОДЛАРГА НИМА ДЕЙМИЗ?

Эски қўлёзмаларни варақлаб ўтириб, дафъатан шу сўзларга кўзим тушди: «Авлодларга нима деймиз?» «Фантастик қисса»... Бир варақ қоғозда бошқа сўз йўқ эди.

Энди ўйлаб қарасам, бу қиссани ўн йилча илгари ёзмақчи бўлганман-у, фантастика жанрида тажрибам йўқлиги учун асар қоғозга тушмай қолган экан. Ният эса (хомаки сюжет, бундай бўлган. Ўз планетасининг ҳамма имкониятларидан фойдаланиб бўлган одамлар бошқа бир планетани кашф этишади. Жаннатсимон бу жойда ҳамма нарса муҳайё. Ер-сув ҳам, ҳайвоноту наботат ҳам. Одамлар табиатга тағин «ҳужум» бошлайдилар. Ерлар ўзлаштирилади, дарёлар бўғилади. Ер чарчай бошлаши билан кимёвий дорилар тиқиштирилади. Хуллас, энг осон йўлдан бориб табиатнинг «сувини сиқиб» ичиш авжга чиқади. Бора-бора ерлар кулга айланади, денгизлар қуриydi. Охир-оқибат бу ўлкада ҳам шамол эсмайдиган, ёмғир ёғмайдиган, қушлар учмайдиган бўлиб қолади. Бир вақтлар жаннатдек гуллаб ётган жой қип-қизил саҳрога айланади. Одамлар: «бу планетадан ҳам оладиганимизни олиб бўлдик, энди бошқасини излаймиз», деган қарорга қелишади. Шунда донороқ бир киши ўз аждодлари кўп йиллардан бери қилиб келган ишлар табиатга хиёнат эканини, шу фожияларни кўриб турган ёшлар ўз оталарини кечирмасликларини тушунади.

Шундай қилиб, бу асар қоғозга тушмаган. Аммо шунга ўхшаш манзарани фантастикада эмас, реал ҳаётда бугун кўриб турибмиз. Йиллар давомида ерлар пала-партиш ўзлаштирилди, заҳарли моддалар аёвсизлик билан ишлатилди. Агар Орол денгизи ҳам ҳалокатга учраса ўша — нотаниш планетада бўлиб ўтган аянчли ҳодисалар Ўрта Осиёда рўй бермайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди!..

Ҳозир Оролни асраб қолиш муаммоси устида кўп баҳсли фикрлар айтиляпти. Мен экономика, қурувчилик, мироблик, география, гидрогеология, минералогия ва яна талай «гия-гия» соҳаларидан узоқман. Оролни сақлаб қолиш учун ишни нимадан бошлаш керак, қаердан канал қазिश керак: Сибирь дарёларидаими, Каспий денгизиданми, агар канал қурилмаса нима бўлади, оқова сувлар денгизни сақлаб қола оладими-йўқми, оқова сувни денгизга ташлашдан фойда борми-йўқми, денгизни асраб қолишга қанча маблағ кетади, бу маблағни қаердан оламиз... сингари саволларнинг биронтасига жўялироқ жавоб беролмайман. Орол масаласида айтилаётган минглаб таклиф ва вариантларга ақалли битта ҳам янгилик қўшолмайман. Фақат шунга айтишим мумкинки, ҳозир бу борада ишдан кўра гап кўп бўляпти. Мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Ёзувчи сифатида ўзимнинг ақлим озми-кўлми етадиган масала юзасидан — бу муаммоларнинг маънавий томонига оид фикрларни айтгим келади.

«Ёзувчи — халқ виждони», дейдилар. Бу шунчаки чиройли ифода учун айтилган гап эмас. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ҳузурида Орол денгизини қутқариш комитети тузилди. Ч. Айтматов, А. Нурпеисов, Т. Қаипбергенов сингари машҳур адиблар денгизни асраб қолиш учун ўз жамғармаларидан биринчи бўлиб пул ўтказдилар. Шунинг ўзи ҳам ёзувчининг халқ дардига шерик эканлигини ифодалайди. Шунинг ўзи ҳам маънавият деган тушунчага бориб тақалади. Атоқли рус-совет олими, академик Фёдоров бундан кўп йиллар илгариёқ Орол денгизини аянчли қисмат кутаётганини, бу қисмат бора-бора Ўрта Осиё региони ҳаётини хавф остида қолдиришини куюниб ёзган экан. Бу ҳам маънавият белгиси! Ҳозир эса бу башорат реал воқеаликка айланыпти. Шу ҳол давом этса 2010 йилга бориб Орол қуриydi, тамом-вассалом!

Афсуски, Сибирь дарёларининг арзимаган бир улушини Оролга буриш лойиҳасига, биринчи бўлиб бизнинг ҳамкасбларимиз — ёзувчилар қарши чиқдилар. Баъзан ҳайрон қоламан: мана, 70 йилдирки, биз битта мамлакатда — Советлар юртида оғанини бўлиб яшаймиз. Байкал ёки Ладога кўлининг ифлосланиши бизнинг ҳам дилимизни оғритади. Владивосток яқинида маюсклар қирилиб кетаётгани бизни ҳам ташвишлантиради.

Чернобыль фожиаси бизни ҳам ларзага солди. Ҳамдардлик — улуғ Ленин яратган энг гуманистик ғоя — халқлар дўстлиги ғоясининг самараси. Шу сабабли бошқа нарсадан ҳам ташвишга тушмай иложимиз йўқ. «Орол гўзал ўлим билан ўлаверсин», деган гапларни эшитиш алам қилади, одамга! СССР Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсуповнинг куюниши бежиз эмас. «Сибирь дарёларининг бир қисмини Урта Осиёга юбориш масаласини олиб кўрайлик. Бу вазифани ҳал этиш бутун мамлакатимиз манфаати учун зарурлигини, Озиқ-овқат программасини ҳал этишнинг муҳим шарти эканлигини ҳамма ерда ҳам бир хил тушунишаётгани йўқ. Сўнгги йилларда марказий матбуот саҳифаларида «Сибирь дарёлари Урта Осиёга буриш», «Сибирь дарёлари сувини Урта Осиёга оқизиш» деган ваҳимали сўзлар кўпайиб кетди. Айрим кишилар ваҳимага тушиб, мамлакатнинг Шимолий районларида рўй берадиган экологик фалокатлар ҳақида аюҳаннос сола бошладилар. Ахир масаланинг моҳияти бундай эмаску! Сибирь — Урта Осиё канали қурилганида бу каналдан Обь дарёси йиллик оқимининг фақат олти процентигина юборилиши ҳақида ҳеч ким гапирмаяпти». («Дўстлик бебаҳо бойлигимиз». «Тошкент оқшоми» газетаси, 1987 йил 5 ноябрь). Орол кўз ўнгимизда ўлаётгани ҳақиқат-ку! Келинг, биргалашиб ўйлаб кўрайлик. Денгиз нега ҳалок бўляпти? Очигини айтганда, пахта плани осмон баравар кўтарилиб кетгани, кўплаб янги ерлар ўзлаштирилгани, пала-партиш омборлар қурилгани, дарёлар бўйида талай саноат корхоналари бунёд этилгани олиб келди бу оқибатларга!

Москвалик олим, профессор И. Степанов куюнчақлик билан шундай дейди: «Бизнинг давлатимиздаги миллатлар табиатнинг умумий ресурсларидан биргалашиб ва самарали фойдаланиш учун уюшмаганмиди? Ахир, Сирдарё ва Амударё сувларининг катта қисми пахта плантацияларига, мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги учун курашга, тоғлардаги конларда мавжуд рудаларни ишлаб чиқаришга, пўлат эритишга сарфланди-ку! Мана шу одамлар, мана шу ер ва сув оғир уруш йилларида халқни асраб қолишга хизмат қилди-ку!» («Звезда Востока» журнали, 1987 йил 7-сон)

Мамлакат миқёсида амалий интернационализм руҳида фикрлаш деб шуни айтса бўлади!

Дарвоқе, янги ерларни ўзлаштириш, янги сув омборларини қуриш масаласи... Инсоният ақлини танибдики, табиат ишига аралашади. Учиб кетаётган қушни овлаш ҳам, дарё ёки денгиздаги балиқни тутиш ҳам, ерга кетмон уриш ҳам — аслида табиатга аралашиб. Инсон боласи бусиз яшай олмайди. Аммо табиатдан фойдаланишнинг ҳам ўз қонунияти, эҳтимол ўз маънавияти бор. Ов мавсуми йилда бир марта бўлади. Океандаги балиқлар режасиз тутилмайди. Ақл билан қазилган, асрлар мобайнида табиат балансининг бузилишига олиб келмаган сунъий дарёлар ҳам, сунъий денгизлар ҳам кўп. Бизда кўп ишлар, айниқса кейинги 20—30 йил мобайнида мавсумий манфаатни кўзлаб қилинди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг ўзида деярли 3 миллион гектар суғориладиган ер ўзлаштирилди. Шундай қилиш керак эди. Мамлакат манфаати шуни тақозо қилар эди. 1924 йилда Ўзбекистонда 200 минг тонна пахта тайёрланган бўлса, ҳозир бу рақам 5 миллион тоннадан ошди. Бу иш бекорга қилингани йўқ. Тарихчилар пахта мустақиллиги учун кураш деган шиор биринчи даражали масалага айланган даврларни яхши билишади. Бу зарур шиор эди. Пахта мустақиллиги дегани, мамлакатни шунчаки мато билан таъминлаш дегани эмас эди. Бу — Советлар давлатини чет, элларга қарам қилиб қўймаслик, бутун жаҳон олдида бепоён юртимизнинг обрўсини ошириш, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий қудратини юксалтириш демак эди. Шундай қилинди ҳам. Биз бу билан фахрланамиз. Бироқ кейинги ўн йилликларда кўп ишларда пала-партишлик, келажакни ўйламасдан «табиатга ҳужум қилиш» авжига чиқди. Айтайлик, туз конининг устига 8,3 миллиард кубокилометрлик Туямўйин сув омборини қуриш лойиҳасини чизганлар, шуни амалга оширганлар, охир-оқибат атрофдаги улкан майдоннинг шўрлаб кетишига, қанчадан-қанча яхши ерларнинг ишдан чиқишига сабабчи бўлганлар нима учун ақалли бугунги ошқоралик замонида халқ олдида, жилла курси маънавий жавобгарлик ҳиссини пайқамайди! Ақл бовар қилмайдиган фактлар. Кейинги 20 йил ичида республикада ҳар йили 100 минг гектар янги ер ўзлаштирилган. Айни пайтда йилга 80 минг гектар ишга яроқли ерлар яроқсиз ҳолга келган. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, ердан нотўғри фойдаланиш туфайли суғориладиган майдонларнинг тўртдан бир қисми ишдан чиққан. Давлат хазинасидан миллионлаб пул олиб, янги ерлар очган ирригаторлар нимага бу ёғини ўйламаган!?

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидаги айрим шахслар олимлар ва ёзувчилар билан суҳбатда «Оролга бир грамм ҳам сув бермаймиз, бизга бу денгизнинг кераги йўқ» деб баралла айтганда нимани ўйлади экан? Қачондан бошлаб уларнинг дарди халқ дардидан айри тушадиган бўлиб қолди?! Уз креслосига ёпишиб олиш шунчалик бўладими?

Албатта, мелиораторнинг вазифаси — янги ер очиб, янги канал, янги сув омбори қуриш. У шунинг учун пул олади. Лекин келажакни ўйламасдан бугунги ҳузур-ҳаловатни, бугунги унвонни, бугунги шон-шўхратни байроқ қилиб олиш, «Жаҳонга ўт кетса-

кетсин, оловида менинг шўрвам пишсин», деган ваҳшиёна қарашга ўхшамайдими? Алам қиладиган жойи шундаки, 60—70-йилларда субъективизм, волонтаризм иллатлари айниқса авжига чиқди. Тезроқ планни ошириб бажара қолсам, тезроқ орден ола қолсам, ном чиқара қолсам, деган ният кўпларнинг шиорига айланди. Менга деса денгиз қуриб-қақшаб кетмайдими, мен кўпроқ пахта бераман. Менга деса ер кулга айланаб кетмайдими, мен дори солавераман, менга деса болалар ғирт саводсиз бўлиб қолмайдими, мен планни биринчи бўлиб бажариб, мукофот оламан. Эрта билан ишим йўқ, мен бугунни биламан. Мана, уларнинг шиори қандай эди! Тўғри, улар бундай деб айтмасди, лекин ўйлар эди.

Бундай қараш калтабин, чаласавод одамлардагина бўлса-ку баҳарнов! Туппа-тузук мутахассислар ҳам денгиз қуриши туфайли 20 минг квадрат километр майдонда янги саҳро пайдо бўлганидан, Оролнинг сувсиз қолган сатҳида 10 миллиард тонна туз тўпланиб қолганидан, атрофдаги ҳар гектар экин майдонига йилига 700 килограмм туз шамол билан ёпирилаётганидан ҳамон кўз юмишга, «у ёғи бир гап бўлар», дейишга уринапти.

Тор манфаатдан келиб чиқиб фикрлаш одамни майдалаштириб қўяди. Бироқ тагин бир касаллик борки, бу хасталик муқаррар тарзда маънавий инқирозга олиб боради. Бу касалликнинг номи — қўрқоқлик. Кўп йиллар жамиятимизда бу хасталик медицина ибораси билан айтганда хроник тус олди. Бунинг учун одамлар ҳам, жамият ҳам айбдор эмасди. Бунинг учун ўттизинчи йиллар ўртасида бошланиб, Сталин вафот этгунча, аниқроғи КПСС XX съезидигача давом этган шахсга сиғинишнинг дахшатли оқибатлари айбдор. Ҳозир ёши олтимишнинг нари-берисиде бўлган одамлар билан суҳбатлашиб кўринг. Ўша замонлар ҳақида, «учлик» деган мудҳиш ибора ҳақида, «халқ душмани» деган тамғанинг дахшати, ярим кечаси уйдан олиб чиқиб кетилган кўйи қайтиб келмаган бегуноҳ одамлар тўғрисида ҳалиям овозини пасайтириб гапиришади.

Минг раҳмат. КПСС XXVII съезди қайта қуриш ва жадаллаштиришни кенг ва ҳақиқий демократияни ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш ҳақида аниқ-таниқ режаларни белгилаб берди. Ҳолбуки, яқин йилларгача ҳақиқатни айтиш мушкул эди. Оташин публицист Валентин Овечкин бундан 30 йил илгари «одамлар ярим ҳақиқатни айта олса, бу ҳали социализм эмас, одамлар бор ҳақиқатни баралла айта олсагина ана ўша социализмдир», деб айтган эди. «Тавба-тазарру» деб номланган грузин кинематографларининг рамзият билан тўлиқ ажойиб фильми, А. Ахматованинг инсоний изтиробларга тўлиб-тошган, бундан 50 йил илгари ёзилган «Марсия» асари, А. Твардовскийнинг аёвсиз реализм руҳи билан суғорилган, бундан 20 йил илгари яратилган «Хотира ҳуқуқи» достони, ниҳоят А. Рибаконинг Сталин шахсига сиғинишнинг халқ бошига солган саноқсиз кулфатларини фош этувчи «Арбат болалари» романи КПСС XXVII съезидан кейингина дунё юзини кўрди. Ўша асарларда тасвирланган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, ҳатто ўз бошидан кечирган одамларда қандай шижоат бўлсин?! Демократия бус-бутун эмас, ярим-ёрти бўлган жойда одамлар қандай қилиб ҳақиқатни бор овоз билан айтсин! Одам ҳақиқатни айтолмаган жойда қандай қилиб маънавий баркамоллик намоен бўлсин! Чала ҳақиқат — ҳақиқатдан кўра ёлғонга яқинроқ турмайдими?!

Энг ёмони шундаки, кўп йиллар давомида «биз ҳаммамиз улкан ишнинг ижрочиларимиз, буйруқ берилдими бас, бажаришга мажбурмиз», деган ақида қон-қонимизга сингиб кетди. Тўғри, биз катта ва керакли юмушларни қиламиз. Аммо ўз нуқтаи назаримиз бўлмаса, қаёққа буриб қўйилса, ўша ёққа кетаверсак, рўй бераётган ҳангомаларни кўриб кўрмасликка олсак, оқибат нима бўлади?

Оқибат нима бўлганини кўриб турибмиз. Пахтадаги қўшиб ёзишлар планнинг ошиб кетишига, эҳтимолки, планининг ошиб кетиши қўшиб ёзишларга олиб келгандир 80-йиллар бошида ғалати ҳодисалар бўлган эди. Бирон хўжаликка бориб қолсак, ўчрашув охирида райком секретари ёки колхоз раиси қизиқ гап айтар эди. «Қаранг, ҳурматли колхозчилар, хўжалигингизга сеvimли ёзувчиларимиз ташриф буюришди. Келинг, шу ёзувчилар ҳурмати учун гектаридан тагин 2 центнердан қўшимча пахта топширамыз, деб мажбурият оламыз. Қани, бир қарсак бўлсин!» Одамлар қарсак чалишарди... Қизиқ, нега энди аллақандай ёзувчиларнинг меҳмон бўлиб келиши, пахтакорга қўшимча мажбурият юклаши керак? Учрашувдан кейин типирчилаб қолардим. Райком секретари ёки колхоз раисига ялинардим. «Қўйинг, шу гапларни, гектаридан қўшимча 2 центнер пахта олиш осонми?!» Райком ёки колхоз раиси эса кулиб, қўл силтар эди. «Парво қилманг, бу ҳам бир рағбат-да!» «Рағбат» шу бўлдики, минглаб майда ижрочилар ҳозир қамоқда ётибди. Мен ҳаммадан кўра ўша емаган сомсага, аниқроғи, буйруқ билан «еган сомсаси»га пул тўлаётган «винчалар»га ачинаман.

1982 йилнинг кеч кузи эди. Ноябрьнинг охирилари. Фафур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлардим. Бизнинг коллектив Ёскент районига ҳашарга чиққан. Уч кун аввал қор ёққан. Ерда тизза бўйи қор, азамат пахтакорлар ва шаҳарлик ҳашарчи-лар областъ бўйича ҳамон кунига камида бир процентдан пахта топшириб, далада жавлон уриб ётибди. Хўжаликка коллективдан хабар олгани бордик. Дала шипшийдам. Қордан бошқа нарса йўқ. Ҳашарчилар штабининг бошлиғи бизни қошини чимириб кутиб олди. «Сизнинг коллективингиз текинхўр, колхоз нонини бекорга еб ётибди, пахта тер-

майди!» деди. Мен чидаб туrolмадим. «Қани ўша терадиган пахта?» Шундай дейишим билан вакил ёниб кетди. «Бунақа гапни фақат ашаддий халқ душмани айтади!»

Ростини айтсам, этим жимирлашиб кетди. 37-йиллардаги, 50-йиллардаги «Халқ душмани» деган совуқ ибора яна чиқиб қолдимми? Ахир йўқ пахта деб бу ерда минглаб одамларнинг ивирсиб юриши, касал бўлиши, колхоз учун ҳам, шаҳар қорхонаси учун ҳам қони зиён-ку! Рост гапни айтиб, халқ манфаатини ҳимоя қилиш душманлигу, ёлғон план учун одамларни лақиллатиш дўстликми? Мен бу гапларни айтолмадим. Хўш, шундай кайфият бор жойда қанақа маънавият бўлиши мумкин?!

Ушанда бир гапни ўйлаб қолдим. Пахтада қўшиб ёзишларнинг авж олишига сабаб бўлган илдишлардан бири — 37-йилларга бориб тақалмасмикин. Яъни, «юқоридан» буйруқ бўлди, қандай қилиб бўлмасин бажарасан. Тўғри йўл биланми, эгри йўл биланми, униси билан ишимиз йўқ, дегани шу эмасмикин?! Одамларнинг рост гапни айтишдан ҳайиқиши, «катталар»нинг топшириғини «қулоқ қоқмай» бажариши, оддий ижрочиға айланиб қолганлиги ҳам бир чеккаси шунга олиб келмадимикан?

Пахта — қишлоқ хўжалик экинлари орасида энг оғир меҳнат талаб қиладиган, айна пайтда энг қимматбаҳо хом ашё саналади. Буни олимлар яхши биладилар. Пахта илмидан узоқроқ одамларга тушунарли бўлиши учун бир мисол келтиришим мумкин. Биласиз, асримиз бошида Тунгускага метеорит тушган. (Олимлар, кейинчалик ўша нарса метеорит эмас, жуда катта қор массаси дейишади. Майли, гап ҳозир бунда эмас). «Самовий меҳмон» тушган жойда жуда катта майдондаги ўрмонларни ўт олган. Қаттиқ зилзила бўлган. Юз қақирим наридаги асрий қарағайлар чўрт узилиб кетган. Орадан кўп йиллар ўтгач одамлар ўша жойларни бориб текшириб ҳайрон бўлишган. «Вокруг света» журналининг ёзишига қараганда «Тунгуска фожиаси»дан кейин дарахтлар шиддат билан ўса бошлаган. Мутахассислар бу ғайритабиий ҳолат устида узоқ бош қотиргач, бир нарсани аниқлашган. «Самовий меҳмон» космосдан Ерда учрамайдиган микроэлементларни олиб тушган экан. Олимлар ўша элементларни лаборатория усулида синтез қилишган. Маълум бўлишича, бу моддалар ҳар қандай ўсимликнинг унумдорлигини икки-уч ҳиссагача ошириб юборар экан. Мухбирлар «бунақа минералларни кўплаб ишлаб чиқарса бўлмайдимми?» деб савол беришганда олимлар «Бўлади, аммо бундай ўғит жуда қимматга тушади, ўзини оқламайди, мабодо харажатини қопласа ҳам, фақат ингичка толали пахтада қоплайди», деб жавоб қилишган. Қиммати жиҳатидан оқ пахта ҳам ингичка толали пахтадан қолишмайди. «Оқ олтин» деган ибора бежиз айтилган эмас. Биз эса кўп йиллар пахтакорни «олтин қўллар» деб оғиз кўпиртирдигу масаланинг бошқа томонини четлаб ўтавердик. Пахта ҳақида хўп баландпарвоз гапларни гапирдигу пахтакорнинг ўзини унутдик.

Кейинги йигирма йил ичида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида меҳнат қилувчиларнинг ўртача иш ҳақи бир ярим-икки ҳисса ошди. Фақат пахтакор меҳнатига тўланадиган ҳақ деярли ўзгармай қолди. Устига-устак қишлоқ хўжалик техникаси, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, кимёвий дориларнинг (ҳатто ўша захарлар ҳам) баҳоси анча кўтарилди. Бу ҳам етмагандек, пахтакор ҳалол меҳнатига (айтиш мумкинки, ниҳоятда оғир меҳнатига; оладиган арзимаган пулнинг ҳам ҳаммасига эга бўлолмади. Ўша пулнинг бир улушини «планни ошириб бажариш» учун, яъни «қўшиб ёзишлар» учун босиб қолишди. Бир тўда ҳаромхўр пачка-пачка пул йиғди, устига-устак «меҳнатда кўрсатган ўрнаги» учун қўша-қўша нишонлар олди, депутат бўлди. Деҳқон эса, арзимаган маош олиб, бола-чақаларини қандай қилиб боқишни билмай гарангсиб қолди. Бундай пайтда қанақа маънавият бўлиши мумкин?

Албатта, бу ўринда айримлар эътироз билдириши мумкин. «Пахтани жудаям олтинга тенглаштириб қўйдингиз, у сиз айтганчалик қимматли хом ашё эмас». У ҳолда ҳақли савол туғилади. Нега бўлмаса қишли-қировли кунларда одамларни тўртинчи сорт пахтани ҳам йиғиб олишига даъват этамиз? Ахир бунақа пахта ўз таннархини қоплаш у ёқда турсин, хўжаликларга қони зиён-ку...

Профессор К. Таксир «Правда» газетасининг 1987 йил 28 июль сониде эълон қилинган мақоласида ёзади: «Пахтанинг зонал нархини қайта кўриб чиқиш масаласи — пишиб етилган масала. Негаки, пахтага тўланадиган ҳақ эскирди. Ва у ёки бу соҳадаги реал шароитга мос келмай қолди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлаштирилган коэффицентлари ҳам ўзгартишга муҳтож. Буларнинг ҳаммаси СССР нарх-наво Давлат комитети томонидан, СССР меҳнат ва социал масалалар Давлат комитети томонидан зудлик билан чоралар кўришни тақозо этади».

Эътироф этиш керак, ҳозир ҳалол меҳнат қиладиган пахтакорнинг кайфияти ёмон эмас. Киссасига пул тушапти. Деҳқоннинг меҳнат шароитини, маданий-маиший хизмати яхшилаш учун талай ишлар амалга ошириляпти. Утган йилнинг охирида пахтанинг харид нархини бирмунча ошириш тadbирлари белгиланди. Деҳқонлар бундан бевосита фойда кўрадиган бўлди. Аммо бу ҳамма муаммолар ҳал бўлди дегани эмас. Ҳаммамиз биргалашиб ўйлаб кўришимиз лозим бўлган, халқ виждони деб аталмиш ёзувчилар бу

соҳада партиямизга ёрдам бериши керак бўлган муаммолар оз эмас. Бу борада чинакам граждандлик шижоати кўрсатаётган қаламкашлар ҳам йўқ эмас.

Ёзувчилар, биринчи навбатда рус ёзувчиси Владимир Соколов Ўзбекистон далаларида заҳарли моддалар Иттифоқ миқёсидан 25 марта кўп ишлатилаётгани, ер заҳарга тўйиб кетгани, одамлар оғир хасталикка кўлиқлаётгани ҳақидаги масалани биринчи бўлиб кўтарди. Бу ҳам партиямизнинг XXVII съезди қарорлари йўл очган ҳаётбахш ўзгаришларнинг натижасидир. Негаки биз яқин-яқинларгача кузда касалхоналар жигар хасталиги билан оғриган беморларга тўлиб кетиши, бу касаллик айниқса болаларга ёмон таъсир қилаётгани, врачлар эса химикатдан заҳарланган одамга «заҳарланди» деб диагноз қўёлмаслиги ҳақида гапира олмас эдик.

Бир вақтлар Бухорода антиқа «ташаббус» бошланганини эшитганим бор. Боғча болаларига бир дўппидан пахта териш мажбуриятини юклашибди. «Ахир бу золимлик-ку, боғча боласи пахтада нима қилади?» десам, илжайишган эди. «Бунинг оти, мухтарам ёзувчимиз, меҳнатга кўникма ҳосил қилиш» дейилади. Биз ёзувчилар мактаб болаларининг ойлаб пахта териши ҳақида ҳам ёза олмасдик. Жуда журъат қилсак; «юқори синф ўқувчилари қалб амрига бўйсиниб, ота-оналарига кўмаклашяпти» деб кўя қолардик. Ҳатто бунга қаҳрамонлик деб, элга дoston қилиб ёзган қаламкашлар ҳам оз эмас эди. Албатта, боланинг меҳнатга ўрганиши ёмон эмас. Лекин ўқувчининг биринчи галдаги вазифаси ўқиш-ку. Эртага бизга худди шу деҳқон меҳнатини осонлаштирадиган машиналарни ўйлаб топадиган олимлар, автомат станоклар олдида туриб, ишлайдиган малакали мутахассислар керак-ку! Кўпинча қишлоқ боласи рус тилини яхши билмайди, деб шикоят қиласмик. Рус тили иккинчи она тилимиз деган гап бежиз айтилган эмас. Бизга Европа фани ва маданиятининг дарвозасини рус тили очиб берди. Совет мамлакатигадаги барча халқлар рус тили орқали бир-бири билан мулоқотда бўлади. Лекин биз рус тилининг родини фақат шу билан чеклаб қўйсак, гумроҳлик қилган бўламиз. Гап шундаки, ҳозир бепоён юртимиздаги ҳамма халқлар икки тилли, яъни ўз тилини ҳам, рус тилини ҳам билади. Бу бировнинг зўрлаши билан рўй берган ҳолат эмас — тарихий зарурат. Шундай экан, ушбу ҳаётбахш жараён давом этаверади ва биз бунга қувонишимиз керак. Рус тили Совет Иттифоқидаги барча миллатларнинг илм-фани, маданияти равнақида бениҳоя катта роль ўйнамоқда. Ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш учун ҳар томонлама қулай шароит яратилаётгани жуда яхши. Айни пайтда она тили ва адабиёти дарс соатларини қисқартиришга мойиллик борлиги, айрим олий ўқув юрларида ўзбек тили кафедралари ёпиб қўйилганлиги, ҳатто она тили ва ўзбек адабиётига оид диссертацияларни ҳам рус тилида ёклаш шарт қилиб қўйилганлиги жуда ёмон. Бундай «ўта интернационализм» ҳақиқий интернационализмга фойда эмас, ашаддий зиён келтиради. Албатта, бизнинг болаларимиз рус тилини она тили каби чуқур билмоғи керак. Аммо аввал бир суриштириб кўрайлик: улар ўз тилини тузук-қуруқ биладими? Айтайлик қишлоқ мактабини битириб, олий ўқув юртига келган бола ўзбек тилида ёзган иншосида нечта хато қилади? Йигирматами, ўттизтами? Тил ўқитиш методикаси, программалар, дарсликлар ночорлиги, устига-устак ўқувчининг ярим умри пахтада ўтиб кетиши олиб келмадими бунга? Биз қаламкашлар бу ҳангомалардан хабардор эдик, аммо айта олмасдик. Шу гапларни айтмаган, айта олмаган ёки айтиш мумкин бўлмаган шароитда қандай маънавият бўлсин?

Бундан кўп йиллар илгари, КПСС XX съезидан кейин Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида буюк адиб Абдулла Қодирий ижодига бағишланган мажлис бўлган эди. Уша мажлисда бошқа бир буюк адбимиз Абдулла Қаҳҳор жуда образли мисол келтирган эди. Эмишки қадим замонда бир филчани тутиб олиб, занжир билан қозиққа боғлаб қўйибди. Фил қирқ йил қозиқ атрофида айланибди. Охири ўша занжир чириб, узилб кетибди. Фил жонивор бўлса ҳамон қозиқ атрофида айланармиш...

КПСС XXVII съезди, партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ошкораликни, демократияни тўла таъминлади. Негаки, тўлиқ демократия бўлмагунча, етмиш йиллик тарихимиздаги энг муҳим ишлардан бири — қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди. Таассуфки, ҳамон эскича фикрлаш, ҳамон эски қозиқ атрофида айланиш психологияси кучли. Айтайлик, бир адиб Байкал кўлининг тақдири учун жон куйдириб мақолалар ёзса, граждандлик шижоати кўрсатса, уни тўғри тушунамиз. Ҳақли равишда ижодини ҳам, граждандлик жасоратини ҳам қадрлаб қаҳрамон даражасига кўтарамиз. Бошқа бир ёзувчи «Орол ўляпти, ерларимиз ишдан чиқяпти, эртага нима бўлади?» деса, «қўй, маҳаллий манфаатни ўйлаш яхши эмас», деб ақл ўргатувчи корчалонлар пайдо бўлади.

Шуни айтиш керакки, ҳақиқий ёзувчи ҳеч қачон маҳаллий манфаатни ҳимоя қилмайди. Айниқса бизнинг замонамизда — Советлар юртида ҳаммамиз бир жон бир тан бўлиб яшаймиз. Айтайлик, Орол фожиасининг «маҳаллий мафаат»га нима даҳли бор? Ахир бу бутун мамлакат миқёсидаги муаммо-ку. Уёғини сўрасангиз, мутахассислар Ҳиндикуш тоғларига ёғадиган қорининг эриши, Шимолий Ҳиндистоннинг об-ҳаво ҳолати ҳам бир чеккаси Орол устида рўй берадиган буғланишларга боғлиқ эканлигини айтяпти.



Ҳа, кўп йиллар биз рост гапни айтиш ўрнига, «ёқадиған» гапларни дoston қилдик. Мақсадга энг қисқа, энг осон йўлдан боришни ўргандик. Ҳолбуки, энг осон йўл, ҳар доим ҳам энг тўғри йўл бўлавермайди. Палапартиш сув омборлари курдигу ирригация ва мелиорация системаларини такомиллаштирмадик. Оширилган план, қўшимча план, муқобил план деган нарсаларни ўйлаб топдигу «қўшиб ёзиш» хасталигига дучор бўлдик. Алмашлаб экиш ўрнига ерга заҳар тиқиштирдик. Планни тезроқ бажарамиз деб болаларимизни чаласавод қилиб қўйдик. Бу — пахта монокультурасининг аччиқ мевалари эди. Монокультура шахсга сиғинишдан ҳам ёмон, деганлари бежиз эмас. Негаки, бу нарса одамлардаги фикрлаш қобилиятининг ўзини сусайтириб қўяди. Бу — монокультуранинг маънавий зарари эди. Пахтага сиғинишнинг моддий зарари бундан кам бўлмади. Тўғри, пахта — стратегик аҳамиятга эга бўлган жуда керакли ўсимлик. Аммо пахта учун, фақат пахта учун майдонларни кенгайтириб, боғлардан, яйловлардан айрилдик. Пахта монокультураси авж олмасидан илгари республикаимиз майдонининг 15 проценти ўрмонлар, боғ-роғлар бўлган. Ҳозир бу ракам 3 процентга, суғориладиган ерларда эса 1 процентга тушиб қолди. Ҳатто асосий майдони кумликдан иборат бўлган қардош Туркманистонда ҳам боғлар бизнинг республикаимизга нисбатан кўпроқ — 14 процент экан. Охир-оқибат шу даражага етдикки, Сибирь магазинида шафтолининг kilosи 3 сўм, Тошкент бозорида 5 сўмга чиқди. Бир вақтлар жаннатсимон ўлка ҳисобланган Ўзбекистон аҳолиси жон бошига ҳўл мева истеъмол қилишда бошқа республикалардан анча орқага тушиб қолди.

Аниқ эсимда: бундан 30 йилча илгари Тошкентнинг шундоқ биқинида — Дўмбир-обод атрофида эгасиз (эгасиз!), ёнғоқзорлар бўларди. Унингчи синфга кўчганимда ёнғоқ сотиб китоб олганман. Ушанда ёнғоқнинг kilosини 5 сўмдан сотганим аниқ ёдимда бор. Яқинда бозордан kilosи 5 сўмдан ёнғоқ сотиб олдим. Фақат ўшанда мен эски пулда сотган эдим, энди эса янги пулда сотиб оляпман. Демак, нисбатан қисқа вақт ичида ёнғоқнинг нархи ўн ҳисса ошди. Аҳвол шу тарзда давом этса, асримиз охирига бориб ёнғоқнинг kilosи ўн сўмга, майизнинг баҳоси ўн беш сўмга чиқмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Қараб туриб ҳайрон бўласан. Пахтакор районлардаги деҳқон битта қовун ёки икки кило олма учун район марказига боради. Бу қанақа тескари ҳақиқат?! Устига-устак катта-кичик минбарлардан «Ўзбекистонни қачонгача гўшт, сут, картошка билан бошқалар таъминлайди?» деган таъналарни эшитиб қоламиз. Одамларнинг деразаси тагигача пахта экиб ташланган бўлса, нима қилиш керак? Артезиан қазиб яйловларгача қуришиб юборган бўлсак, гўшт-ёғни, сутни қаердан олайлик? Имконият яратилса, Ўзбекистон ёки Урта Осиё буғдой, чорва, мева, полиз маҳсулотлари билан бутун мамлакатни таъминлашга қодир. Шундай қилинса, Урта Осиё Узоқ Шарққа, Сибирга бошқа республикаларга йил бўйи мева ва сабзавот етказиб беради. Бинобарин, ўзининг интернационал бурчини янада тўлароқ оқлаган бўлади.

В. Соколов «Литературная газета»нинг 1987 йил 18 ноябрь сониди босилган «Орол қисмати» мақоласида куюнчақлик билан шундай далилларни келтиради. «Иқтисодчилар таклифи: «Келгусида (15—20 йил), республика ўсиб бораётган аҳолисини гўшт, сут, картошка, сабзавот, мева-чева, узум билан (умумиттифоқ фондига тушадиған қисмини ҳам ҳисоблаганда) таъминлай олиши, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотини бошқа ҳар қандай вариантдағидан кўра 2—2,3 миллиард сўмлик кўп ишлаб чиқариши мумкин, бироқ бунинг учун у бор-йўғи бир миллион тонна пахта хом ашёси тайёрлаши керак».

Бу гапларда дўппини ерга қўйиб, ўйлаб кўриш керак бўлган жиддий муаммолар бор. Албатта, биз ҳар қандай масалага катта миқёсда — давлат манфаатини кўзлаб ёндошмоғимиз керак. Бугунги кунда пахта деган қимматбаҳо хом ашёга жаҳондаги талай мамлакатлар кўз тикиб турибди. Кўп давлатларда юзлаб корхоналар пахта билан ишлайди. Ҳаммаси олдиндан планлаштириб қўйилган. Бизнинг мамлакатимизга келадиған валюта масаласи ҳам бор. Бинобарин, пахта планини тўсатдан кескин камайтириш мумкин эмас. Аммо, айнан эртага бўлмаган тақдирда ҳам, яқин йилларда, эҳтимол кейинги беш йилликларда режалаштириш керак бўлган муаммолар оз эмас.

КПСС XXVII съезди, партияимизнинг съезддан кейинги қабул қилинган қатор ҳужжатларида экономикани чуқур билмагунча қайта қуришни амалга ошириш мумкин эмаслиги кўп бор такорланди. Бу гапларда чуқур мантиқ бор. Бизнинг мамлакатимиз экономикаси турли республикалар, турли регионларнинг баҳамжиҳат ишлашига ҳар томонлама боғлиқ. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашининг раиси академик С. Зиёдуллаев келтирган далиллар республикаимиз деҳқонлари, айниқса пахтакорнинг меҳнати қанчалик чуқур интернационал маънога эга эканини яна бир бор тасдиқлайди. Ҳозир Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта толасининг деярли 90 проценти умумиттифоқ учун, қолаверса, экспорт учун ишлатилади. Бу дегани шуки, миллиондан ортиқ одам, 2 миллион гектар суғориладиган майдон, 30 кубокилометр сув умумиттифоқ манфаати учун, бир қисми экспорт учун хизмат қилади.

Афсуски, пахтакор меҳнати нима эканини ҳамма ҳам яхши билавермайди. Бунинг учун биз — ижодкорлар айбдоримиз. Гўё ўзбек деҳқонининг итининг туваги олтиндан

бўлиб кетгандек, «оқ олтин»ни олтин қўллар яратади», деб баландпарвоз очерклар ёзган ёзувчилар айбдор. Ўзбек деганда соя-салқин чойхонада кўрпачага ёнбошлаб ётиб, бедананинг пит-пилдиғи остида ошни ураётган одамларни кўрсатган киночилар айбдор. Пахта териш деганда атлас кўйлакки қизларнинг ашула айтиб, далада кезиб юришини намойиш қилган телевизорчилар айбдор!

В. Соколов ўз мақоласида бундай дейди: «Ўрта Осиёни бадавлат ўзбеклар (тожиклар, туркманлар, қирғизлар, палову қовун еб, «оқ олтин» туфайли бойлик орттираётган субтропик жаннат ҳисоблаш ўта ноинсонийликдир. Бу қараш социал принципларимизга ётдир».

Бу адолатли гапларга яна нимани қўшиш мумкин? Таассуфки, Сибиргами, Узоқ Шарқами борсангиз, ўзбек деганда бозорда узум сотадиган чайқовчини тушунадиган обивателга дуч келишингиз мумкин.

Лекин ўзбек деҳқонининг меҳнати айрим обивателлар ўйлаганчалик осон эмас. Пахта тола бўлиб, заводга етиб боргунча ўнлаб операция бажарилиши кераклигини, теримчи бир кило пахта териши учун икки юз эллик чаноққа қўл юбориши лозимлигини, бир кунда юз кило пахта терадиган одам ғўза устига 25 минг марта таъзим қилишини ҳаммаям билавермайди. Ҳали пахтачиликда механизациялаш сустигидан, кўп ишлар кўлда бажарилишдан кўпчилик беҳабар.

Биз «зангори кема»ларни олишга рўйхушлик бермаган хўжалик раҳбарларини кўп йиллар мобайнида консерватор дедик, аҳмоқ дедик. Аслида улар биз ўйлаганчалик аҳмоқ эмас эди. Терим машиналарининг ночорлигини, айниқса аҳоли зич жойлашган ерда ўзи минг танга, фойдаси бир танга эканини биздан кўра яхшироқ билар эди. (Майли, бу алоҳида масала. Лекин «зангори кемалар» бугун ҳам пахтакорнинг оғирини чинакам маънода енгил қилолмаяпти. Буниси — аниқ факт. Ҳолбуки пахтакорлик касбидан узоқ одамлар буни ҳам яхши билмайди.)

...Ҳар бир халқнинг ўзига хос ғўзал хислатлари бор. Ўзбек халқининг яхши фазилатларидан бири — ниҳоятда интернационаллиги.

Бугунги кунда фақат пахтанинг ўзи эмас, пахтакорлик касби ҳам чин маънода интернационал мазмун касб этган. Далада, етмиш даражада офтоб тагида меҳнат қилаётганлар орасида кўплаб миллат вакиллари бор. Йил-ўн икки ой даладан бери келмайдиган Евгений Самойлович Борода, неча йиллардан бери пахтанинг янги навларини яратиб турган уринаётган, олимлик унвонига эга бўлмаса-да, пахтакор меҳнатини осонлаштириш учун ҳаракат қилаётган сурхондарёлик халқ селекционери Евгений Григорьевич Гаврилов, қашқадарёлик тадбиркор бригадир Лев Николаевич Ким — булар ҳам пахтакор. Пахта заҳматини шулардан суранг. Мен ўзбек меҳнаткаши деганда Сибирь бозорида узум сотадиган бир тўда чайқовчини эмас, шуларни тушунаман. Орол ҳалок бўлса, ер заҳар билан тўлиб кетса, биринчи навбатда шундай пахтакорларга мушкул бўлишини ўйлайман.

Модомики Сибирь дарёларининг суви кўймас экан, (кўп йиллар шунга умид қилинган, ҳатто омборлар қурилишида ҳам шимолдан сув келишини ҳисобга олинган), модомики Каспийдан Оролга канал қазиб режаси мавҳум экан, Оролнинг ҳалокати муқаррарлашиб қолган экан, В. Соколов ёзганидек, (эҳтимол, ўша даражада кўп эмасдир, пахта майдонларини экологик фожиага олиб келмайдиган даражада қисқартириш, дарё сувларининг бир қисмини Оролга ташлаш, алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг бошқа турларини кенгроқ ёйиш бўлиб қолган экан). (Баъзилар нуқул водопроводдан қанча сув оқаётганини рўкач қилади. Ғўё шу билан Орол тўлиб қоладигандек. Ҳолбуки, денгизни тўлдириш учун кардинал чоралар кўриш керак). Такрор айтаман, мен мутахассис эмасман, нима қилса яхши бўлишини исботлашга ожизман. Аммо конкрет вазиятдан — яқин 20—25 йил ичида рўй бериши муқаррар бўлган фожиадан кўз юмиш ҳам мумкин эмас.

Бугунданок жиддий бош қотириш керак бўлган яна бир масала. Республикамиз аҳолиси ўсиб борапти. 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон территориясида 4,3 миллион киши яшаган бўлса, ҳозир 19 миллион жон истиқомат қилади. Бу ўринда аҳоли табиий ўсишини ҳам, мамлакатимизнинг қардош республикаларидан келаётган мутахассислар ва уларнинг оиласини ҳам ҳисоблаш керак. Афсуски, энг тўғри йўлдан эмас, энг қисқа йўлдан бориш психологияси ҳамон нутилни йўқ. Орол ўлса ўлаверсин, деган мудҳиш ақидадаги «олимлар» бугун янаям антиқароқ гап айтишяпти. Бу муаммо ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошидаги Оролни асраш комитети мажлисида изтироб билан тилга олинди. Эмишки, Орол ҳавзаси атрофидаги зоналар қум остида қолса, энг осон йўли бор экан. Шу атрофда яшаётган 3 миллионга яқин аҳолини Шарқий Сибирга кўчирса олам гулистон эмиш. Бир қарашда бу мамлакат миқёсида фикрлашдек туюлиши мумкин. Аммо хоҳият эътибори билан бу гапда мантиқ йўқ. Шу боисдан бунақа «назариялар» шунчаки таклиф тарзида айтилаётган экан, ҳозирнинг ўзида унга нуқта қўйиш керак. Биринчидан, гап одамларни кўчириш-кўчирмаслик устида эмас, денгизни сақлаб қолиш ҳақида бориши шарт. Иккинчидан, миллионлаб одамларни ўта юртидан кўчиришнинг психологик жиҳатини эсдан чиқармаслик керак. Қолаверса, кўплаб одамларни бир жойдан иккинчи жойга олиб боришдаги харажатлар, ўша ерни ўзлаштириш-

дан келадиган фойданинг шубҳалилиги назардан қочирилмаслиги керак. Медиклар айтадиган адаптация деган тушунча ҳам бор. Бундай ишларни оғизнинг бир чеккаси билан ҳал қилиб бўлмайди. Шарқий Сибирнинг табиий шароити Урта Осиёниқидан яхши эмасдир, ахир. Шунга кетадиган маблағ Оролни сақлашга етиб-ортиб қолса ажаб эмас.

Профессор К. Таксирнинг юқорида тилга олинган мақоласига яна мурожаат қилайлик. «Экономистлар Урта Осиёда одамларга иш жойи яратиш учун кетадиган маблағ мамлакатимизнинг бошқа жойларидагига нисбатан анча кам бўлишини айтмоқдалар. Ҳар бир одам ҳисобига комплекс яшаш шароитини яратиш учун бу ерда 1200 сўм маблағ кифоя. Бу эса Ғарбий ва Шарқий Сибирь районларидагига нисбатан уч ҳисса арзон демакдир». Яна қанақа далил керак?!

Шундай деймиз, бу ўринда яна бир фактдан кўз юмиш ҳам ёнгилаклик бўлур эди. Республикамизда аҳоли зич яшайди. (Орол денгизи атрофидаги рўй бериши мумкин бўлган вазиятни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам). Масалан, Андижон фақат мамлакатимизда эмас, жаҳон бўйича аҳоли энг зич жойлашган областлардан саналади. Ҳозирнинг ўзида Урта Осиёда меҳнатга лаёқатли одамларнинг бешдан бир қисмини иш билан таъминлаш муаммоси кўпчиликнинг бошини қотирапти. Қачондир (эртаиндин демаймиз, лекин келажакда, қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизациялашса, ишчи кучларининг бешдан бир қисми эмас, ярми «ортиб қолса» нима бўлади?

В. Соколов «Орол қисмати» мақоласида бу муаммони ҳал этишнинг энг оқилона йўли ҳақида тўхталиб ўтади. «Бизда кўп нарса қайта қуришга муҳтож. Шу жумладан Урта Осиёга мамлакатнинг техник ва сувсевар экинларини етиштириш пешонасига ёзилган аграр региондай қарашни ҳам қайта қуриш керак... Нафақат пахта майдони, балки мамлакат Устаконаси — Узбекистон учун муносиб келажак мана шу».

Доно гап! Орол денгизини, демаки, бутун Урта Осиёни экологик ҳалокатдан сақлаб қолиш, иккинчи томондан эса, кўпайиб кетаётган одамларни иш билан таъминлашнинг йўли битта. Кўплаб саноат корхоналари қуриш керак. Корхона бўлганда ҳам, ортиқча сув талаб қилмайдиган, ҳавони бузмайдиган, аҳолини иш билан таъминлайдиган, энг муҳими — харидорга керак бўладиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар яратиш лозим. Масалан биз Бокуда ишланган кондиционерларни талашиб сотиб оламиз. Сабаби оддий: иссиқ иқлимда яшаймиз. Аммо 450 сўмга харид қилинган ўша кондиционерни ўрнатгунча анқонинг уруғига айланган мастерни кутиб, она сутимиз оғзимиздан келади. Наҳотки шунақа (эҳтимол ундан яхшироқ) кондиционерни ўзимизда ишлаб чиқара олмаймиз? Нима учун ўзимизда велосипед заводи қуриш мумкин эмас? Тикув машиналари, кир ювиш машиналари, мотоцикл, борингки, автомобиль ишлаб чиқарасанми? Гап бу ерда одамларни иш билан таъминлашдагина эмас, бу ўринда бошқа бир жиддий муаммо ҳам бўлади.

Яна Эркин Юсупов фикрларига мурожаат қилайлик. «Мамлакатимиз иқтисодий ҳаёти бир бўлган шароитда республикалар миллий даромадининг миқдорини аниқ белгилаб бориш қийин. Ахир миллий даромадни хом ашёдан олинадиган охирги маҳсулотнинг таннархи ва реал фойдани ҳисобга олмай белгилаб бўлмайди-ку. Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтанинг 94 процентдан кўпроғи мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига хом ашё сифатида юборилади. Истеъмол учун тайёр бўлган маҳсулот ана шу ерда юзага келади».

Мана энди хом ашё ва ўша хом ашёдан олинадиган охирги маҳсулот, яъни одамларга сотиладиган тайёр нарсанинг таннархи ва реал фойда масаласида ўйлаб қуриш керак бўлган катта муаммолар келиб чиқади. Ўзбекистонда кўплаб ширин-шакар мевалар етиштириш мумкин. Хўш, тонналаб меваларни бошқа жойга, нисбатан арзон баҳода сотгандан кўра (мева эгасига етиб боргунча барибир сифати бузилади, оқибат натижада яна ўша мевани етиштирган хўжалик зиён кўради, ўшандан бир қисмини мармелад, компот, консерва, конфет қилиб сотиш мумкинми? Шунақа маҳсулотларни мамлакатимизга, ҳатто чет элларга сотсақ, биров қўлимизни ушлаб турмайди-ку. Одамлар ҳам иш билан таъминланади-ку. Ёки пиллани ўзимиз етиштирамиз, қоракўл ўзимизда кўп, шундай экан, нима учун нархи 2 минг сўмлик аъло даражали, бичими бежирим қоракўл пальтоларни, шоҳи матодан тикиладиган кийимларни Урта Осиёда ишлаб чиқариш мумкин эмас?

Ниҳоят, яна бир масала. Пахта ва ундан олинадиган, тўғрироғи, пахтадан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар масаласи. Узр, эзмалик бўлса ҳам баъзи рақамларни келтиришга тўғри келади. Бир тонна хом пахтадан 340 килограммгача тола, 580 килограммгача чигит олинади. 580 килограмм чигитдан 112 килограмм ёғ, 10 килограмм совун, 270 кило кунжара, 170 кило шөлүха, 8 кило линт (пластмасса, линолеум, киноплёнка, фотоплёнка, бўёқ материаллари ишланадиган хом ашё, чиқади. Майли, чигитга оид бўлган ёғ, совун, линт ва бошқаларни гапирмай қўяқолайлик-да, тола масаласини ўйлаб кўрайлик. Шундай қилиб, бир тонна хом пахтадан 340 кило тола чиқади. 340 кило толадан 3500 квадрат метр газлама ишлаб чиқарилади. (Ҳисобимизни соддалаштириш учун тоннани килограммга айлантириб қўяқолайлик; Бир тонна пахтадан 340 кило тола олинса, 340 кило толадан 3500 квадрат метр газлама ишланса, демак, бир кило хом

пахтадан 340 грамм тола, шунча толадан 3,5 квадрат метр газлама ишлаб чиқарилади. Айтилик, бир завод бир кило пахтадан 340 грамм тола олди, бошқа бир фабрика шунча толадан 3,5 квадрат метр газлама ишлади, тагин бир фабрика шунча газламадан эркакларнинг иккита кўйлагини ишлаб чиқарди. Сифатли, чиройли тикилган, иккита кўйлак ўртача 40 сўм бўлди. Бир кило хом пахтанинг харид нархи ўртача 60 тийин.

Майли, бир кило пахтадан тола ажратиб олиш, ип йигириш, мато тўқиш, бўяш, ниҳоят кўйлак ҳолига келтириш учун одамлар меҳнатига тўланадиган ҳақ, энергия, станоклар, мойлар, транспорт, яна бошқа нарсалар учун кетадиган маблағ 20 сўм бўлсин, боринги, 30 сўм бўлсин. Лекин барибир 60 тийин билан 10 сўм ўртасида анча фарқ бор. (Чигит ва ундан ишланадиган маҳсулотларни бу ҳисобга қўшмадик.) Албатта, мен экономист ҳам, энгил саноатчи ҳам эмасман. Ҳисоб-китобларни соддалаштириб адашган бўлсам, узр сўрайман. Бир нарсани алоҳида такрорлагим келади. Айрим демагоглар «нима бу, маҳаллий манфаатни ҳимоя қилишми?» демаслиги учун айтиб қўяй. Бунақа масалаларнинг «маҳаллий — номаҳаллийси» бўлмайди. Биз ягона мамлакатда яшаймиз. Бинобарин бепоён юртимизнинг бир чеккасида ишловчи одамнинг ўз меҳнатидан унчалик қониқмаслиги юртимизнинг нариги чеккасида ишловчи бошқа одамнинг меҳнатига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Бугун пахтакор ўз меҳнатидан ҳарёклама қониқиш ҳосил қилса, у етиштираётган хом ашё сифатли бўлади. Демак, мамлакатимизнинг бошқа чеккасида ишлаётган одамнинг меҳнати ҳам рўёбга чиқади. Бутун мамлакат миқёсида ўйлаш керак бўлган тагин бир проблема — Урта Осиё аҳолисини иш билан таъминлаш масаласи. Одамларни иш билан таъминлаш керак. Бир жиҳатдан потенциал ишчи кучларимиз кўп деймиз. Иккинчи жиҳатдан эса катта завод ёки фабрика қурилса, ҳар бурчакка «Малакали слесарь керак, токар керак, мастер керак», деган эълонлар ёпиштириб ташлаймиз. Яъни, малакали ишчи тополмай қийналамиз. Шубҳасиз, советлар диёри ҳаммамизнинг ягона юртимиз. Узоқ-яқиндан келган кишиларни самимий кутиб олаверамиз. Бироқ, бу ўринда бошқа масала ҳам кўндаланг бўлади. Модомики бизда туғилиш кўп экан, одамларни иш билан таъминлаш масаласи кўндаланг турган экан, нима учун ўзимизда ишчи кадрлар етишмайди? Бу бир қарашда оддий саволдек туюлади. Лекин тагида жиддий сабаблар бор. Тагин Эркин Юсупов мақоласига мурожаат қилайлик. «Ўзбекистонда маҳаллий миллатлардан ишчилар синфининг шаклланишига 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида катта эътибор берилди. Ана шу йилларда, саноатнинг ривожланиши билан бир қаторда, маҳаллий ишчилар синфининг ўзаги шаклланди, бу борада маълум ютуқларга эришилди. Лекин 30-йилларнинг ўрталарида, пахтачиликни юксалтириш учун кураш кучайган бир даврда, бу муҳим масала эътибордан четда қолиб кетди. Маҳаллий миллат деҳқонлари пахтачилик борасида бой тажрибага эга бўлгани учун қишлоқларда қолди ва янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилди. Янги қурилган шаҳарлар ва саноат корхоналарининг ишчилари асосан марказий районлардан кўчиб келган кишилар ҳисобига ошиб борди. Бу масалага кейинги йилларда ҳам етарли эътибор берилмади. Саноатнинг йирик соҳалари, айниқса, машинасозлик соҳасида, маҳаллий ишчиларнинг сони тараққиёт талаблари даражасида ўсмади. Демак, бу масаладаги камчиликлар маҳаллий миллат вакилларининг қолоқлиги, улар капитализмни четлаб, социализмга ўтганлиги, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо соҳасига эътиқоди кучли бўлгани билан эмас, балки маҳаллий раҳбар ташкилотлар йўл қўйган хатолар, мамлакатимизнинг йирик саноат марказларида бор бўлган имкониятлардан фойдалана олмаганимиз тўғрисида содир бўлди».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати миллий ишчи кадрларни ўстириш учун куюнчаклик билан тадбирлар белгилаётгани бежиз эмас. Минг афсуски, қарийб эллик йил давом этган «пахта ҳазрат олийларига» сиғиниш одамлар психологиясига ҳам таъсир қилмай қолмади. Хоҳлаймизми-йўқми, бир нарсани тан олишга тўғри келади. Қишлоқдаги ота-оналар боласининг юз чақирим наридаги заводга бориб ишлашини унча хоҳламайди. Шаҳардагилар эса (қишлоқдагилар ҳам) ўғил-қизини қандай қилиб бўлмасин институтга тиқиштиришга ҳаракат қилади. Албатта, бунинг айб-ситадиган жойи йўқ. Лекин пахтакор билмайдик, ишчининг маоши ҳам, яшаш шароити ҳам уникадан кўра яхшироқ. Шаҳарлик билмайдик, ишчининг маоши инженерникидан кўпроқ. Инженернинг меҳнати ишчиникидан кўра оғирроқ. Ҳатто мактабларда ҳам хунар-техника ўқув юртларига ўғай кўз билан қараш психологияси бор. Саккизинчи синфни битирган энг «ноқулай» болани иложи борича ПТУга жўнатишга ҳаракат қилади. Улар билмайдик, бугунги кунда мутахассис ишчининг илми юксак даражада бўлиши керак. Бизда чинакам тажрибали ишчи кадрлар етишиб чиқмас экан, корхоналарда ишчи кучи етишмаслиги ҳам, айти пайтда ортиқча ишчи кучларини қаерга жойлашни билмай гаранг бўлиб юрабериш ҳам давом этаверади. Шубҳасиз, қишлоқ жойлардан шаҳарга, заводга бориб ишлайдиган одамлар оз эмас. Лекин улар азбаройи 15—20 чақирим нарига велосипедда қатнагиси келгани учун эмас, колхоздан оладиган маоши камлиги учун, қолаверса, завод ёки фабрикада ишлаганида ҳафтасига икки кун дам олиши, иш соати аниқ белгилангани учун шундай қилади.

Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён? Кимга фойдалигини билмадим, аммо бирвакай ҳаммага зиёнлиги аниқ.

Энди масаланинг бошқа томонини олиб кўрайлик. Нима учун биз, масалан, Қўқон фабрикасида ишланган кўйлакни ёки Тошкентда тайёрланган пойафзални кўрсак, бурнимизни жийирамиз? Сабаби аниқ. Сифати паст. Нима, ўша маҳсулотларни чиқараётганларнинг ҳаммаси шунчалик уқувсиз ёки имонсизми? Йўқ, бундай десак ноинсофлик бўлади. Яхши ишчиларимиз бор, аммо корхоналардаги станоклар, моделлар, дизайн алмисокдан қолган. Ҳолбуки биз шундай кўйлак, шундай тўфли ишлашимиз керакки, мамлакатимизнинг турли чеккаларида, қолаверса, чет элда ҳам талаш бўлсин. Бунинг учун эса илмий-техника революциясини гапда эмас, амалда рўёбга чиқариш керак. Корхоналарга энг замонавий станокларни келтириш, энг чиройли моделларни йўлга қўйиш керак.

Ҳали айтилганидек, Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтанинг 94 проценти Иттифоқдаги бошқа корхоналарга хом ашё сифатида жўнатилади. Кўп йиллар давомида шундай қилинган. Эртагаёқ пахтанинг, катта бир улушини ўзимизда кўйлак қилиб сотайлик, дейиш енгилтаклик бўлур эди. Бу масалада ҳам умумиттифоқ миқёсида ўйламасликка ҳаққимиз йўқ. Чет эллардаги корхоналарни қўя турайлик. Ўз мамлакатимизда юзлаб завод ва фабрикалар, ўн минглаб одамлар пахта билан ишлайди. Уша фабрика ёки заводлар кеча, ўн йил илгари ёки ўттиз йил илгари пайдо бўлган эмас. Айримлари асризмизнинг бошидан бери ишлаб келади. Уларнинг асосий хом ашёси пахта. Чор Россияси ўз мануфактураларини қўраётганида Туркистоннинг сувини сиқиб ичишни ягона мақсад қилиб олган эди. Ўлкада саноат ишлаб чиқаришни атайлаб ривожлантирмаган, халқни саводсизликда тутиб турган эди.

В. И. Ленин яратган Коммунистик партиямиз, ленинча доно миллий сиёсат бундай ваҳшиёна қарашларга абадул-абад чек қўйди. Ҳозир пахтаинг ҳам, фабриканинг ҳам «сеники-меники»си йўқ. Бас, шундай экан, юз йил илгари қурилган фабрикаларда ҳам, ўн йил аввал бунёд этилган замонавий корхоналарда ҳам меҳнат қилаётган минглаб одамлар ўзимизнинг кадрдонларимиз. Уларни ўйламасликка ҳаққимиз йўқ. Муаммонинг бу нозик томонини ҳисобга олмаслик, жамиятимиз иқтисодигагина эмас, энг муқаддас тушунчамизга — интернационализмга беписандлик билан қараш бўлур эди. Шу сабабдан келажакда пахтаинг маълум қисмини хом ашё етиштирилаётган жойинг ўзида тайёр, харидорга сотиладиган маҳсулот қилиб ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ўйлаб, пухта режалаштиришга тўғри келади. Бунда бир регионни иккинчи региондан келадиган хом ашёга боғлаб қўйишдан қутулиш, йўл харажатларидан холи бўлиш мумкин бўлади. Аммо бу бошқа регионларда пахта билан ишлайдиган корхоналарнинг зарари ҳисобига бўлмаслиги керак. Эҳтимол марказ районлар, Болтиқбўйидаги корхоналарнинг бир қисмини хом ашёси яқинроқ жойлардан таъминланадиган ўзга соҳага ўтказишни ўйлаб кўриш мумкин бўлар. Начора, бошқа илож йўқ. Урта Осиёда аҳолининг ўсиб бораётгани, ишчи кучларининг кўпайиб кетганлиги ҳам шуни тақозо этади. Яқин келажакда барибир бу масалани ҳал қилиш керак.

Шу ишлар амалга ошса, кўпайиб бораётган ишчи кучларини нима қиламиз, кўчиримизми-йўқми, деган ортиқча саволларга ўрин қолмайди. Ўзимизда етиштирилаётган хом ашёнинг бир қисмини тайёр маҳсулот қилиб сотиш моддий фаровонликни оширади. Охир-оқибат республиканинг миллий даромади ўсади. Партиямиз амалга ошираётган қайта қуриш жараёнининг ўзи бундай муаммоларни ҳал қилишга даъват этипти: Акс ҳолда тараққиёт ҳам, хўжалик ҳисобига ўтишда эришиладиган натижалар ҳам амалга ошмай қолиши мумкин.

Республикамиз ўз маҳсулотини товар даражасига олиб чиқиб сотиши учун қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Биринчидан, малакали ишчи кадрларни тайёрлаш, ҳозирданоқ, бугунданоқ шу ишни йўлга қўйиш, иккинчидан, техника тараққиётини замон талаб қиладиган савияга кўтариш ва ниҳоят, учинчидан, одамларни шу ишга маънавий жиҳатдан тайёрлаш, ҳар бир кишининг иқтисоддан мукамал хабардор бўлиши учун курашиш керак бўлади. Буниси энди кўп жиҳатдан олимларга, қаламкашларга боғлиқ.

Республикада саноат қанча ривожланса, одамларнинг иш билан таъминланиши ҳам, ерларни пала-партиш ўзлаштиришга чек қўйиш ҳам, бинобарин, Орол денгизига сув бориши ҳам ҳал бўлади. Ниҳоят, яна бир масала. Қаламкаш сифатида мени айниқса ҳаяжонга соладиган маънавиятга алоқадор гап. Хива, Бухоро шаҳарларидаги жаҳоншумул обидалар худди ўша Орол денгизи атрофида жойлашган. Булар жаҳон цивилизациясининг ноёб намуналари саналади. Хўш, мўғуллару араблар босқинидан омон қолган шундай гўзал обидалар нега энди келиб-келиб бизнинг замонда вайрон бўлиши, кум остида, туз тагида қолиши керак.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони — мафкуравий жиҳатини ҳам нутмаслигимиз керак. Чет эллик мухолифларимиз Орол муаммоси атрофида ҳозирданоқ қарнай чалапти. Уларнинг қўлига қурол бериб қўйишга, жамиятимизнинг энг эзгу принципи — халқлар дўстлиги ғоясини шубҳа остига олувчи миш-мишлар тарқалишига йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Орол ҳалокати, Урта Осиёдаги экологик балансининг ўзгаришига боғлиқ тагин бир муаммо ҳақида қисқача тўхталмай илож йўқ.


Маълумотларга қараганда, Урта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда, айниқса Қорақалпоғистонда болалар ўртасида ўлим ҳодисаси кўп. Айрим мутахассислар бунинг сабаби шуки — аёлларимиз кўп туғяпти, шуни чеклаш керак, деган таклифларни айтишяпти. Албатта, аёлларнинг ҳар йили туғиши ўзини ҳам, болани ҳам нимжон қилиб қўйиши мумкин. Бу интервални узайтириш ҳам мумкиндир. Шундай қилинса она ҳам, бола ҳам соғлом бўлади, аёлларимиз нуқул болага ўралашиб қолмай, дам олиши учун имконият яратилади, деганда медиклар хайрли мақсадни ўйлаяпти. Лекин русларда яҳши гап бор: «А, дедингми, Б ни ҳам айт!». Бу масалада нуқул бирёқлама ўйлаш қандай бўларкин? Назаримда яна ўша эски касал — энг осон ва энг қисқа йўлдан бориш хасталиги бу соҳада ҳам ружу қиялпти. Биз табиий жараёнга тагин аралашяпмиз. Вақти-соати билан бу жараён ўз-ўзидан йўлга тушишини унутаётганга ўхшаймиз. (Ҳозир шаҳарларда, айниқса зиёли оилаларда нарисибилан икки-уч фарзанд кўриш процесси ҳеч ким аралашмаса ҳам онгли равишда бошланди. Пайти келиб қишлоқларда ҳам шундай бўлади.) Демак, бунинг учун шоша-пиша тadbирлар кўриш тўғри бўлармикан? Албатта, она-болага малакали медицина хизмати кўрсатишдан кўра «камроқ туғсанг бўлмай-дими?» деб насихат қилиш осонроқ. Бироқ бу ўринда аёлларимизнинг меҳнат шaroитини, маиший аҳволини ҳам ҳисобга олиш керакми-йўқми? Амударёнинг оқовадан иборат сувини ичишга мажбур бўлган, 50 даражали офтоб тифида кетмон чопиб келиб, болани эмизган онанинг кичкинтойи касал бўлмай, ким касал бўлсин? Аёллар консултацияси, акушерлик пунктлари, боғча ва яслилар бўлмаганидан кейин, педиатрия хизмати, профилактика ҳаминқадар бўлганидан кейин аҳвол шу тарзда давом этаверади-да!

Мутахассислар кўп туғилиш болаларнинг кўп нобуд бўлишига олиб келяпти, деганида масаланинг фақат бир томонига эътибор бераётганини бир мисол билан исботлаш мумкин. Қорақалпоғистон болалар туғилиш жиҳатидан энг биринчи ўринда турмайди. Болаларнинг хасталаниши ва ўлиши жиҳатдан эса «юксак» ўринни эгаллайди. Шунингдек болаларга педиатрия хизмати кўрсатиш, боғча ва яслилар билан таъминлаш жиҳатидан охириги ўринларга тушиб қолган. Демак, ёш болаларнинг хасталаниши фақат туғишга эмас, туғилган болага медицина хизмати кўрсатишга ҳам боғлиқ экан-да! КПСС Марказий Комитети мамлакатимизда медицина хизматини тубдан яхшилаш тadbирлари ҳақида қарорлар қабул қилаётгани, болалар касаллигига оид катта кенгашлар Тошкентда бўлаётгани бежиз эмас. Биз энг болапарвар жамиятда яшаймиз. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико жаҳон аҳолисининг 5 миллиард кишига етиши муносабати билан телевидениеда қилган чиқишида дунёнинг қайси мамлакатида туғилишдан, миллати, тили, танасининг рангидан қатъий назар инсон боласининг дунёга келиши қувончли воқеа эканини бежиз айтгани йўқ.

Яна ўша гапни такрорлашга тўғри келади. Республикаимизда, борингки, бошқа жойдан хом ашё келтирмастан ўз ресурсларимиз ҳисобига харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар очилса, «ортиқча туғилиш», «ортиқча ишчи кучи» деган гапларга ўрин қолмайди.

Кўп йиллардан бери қаламкаш сифатида, борингки, бир одам сифатида ўзимни (ишонманки, бошқаларни ҳам) ташвишга солиб келган бу муаммоларни қоғозга тушираётганимизда бир андиша ҳамиша хаёлимизда туради. «Тўсатдан шунча масалаларни қалаштириб ташлаш шартмиди?» деган савол туғилиши мумкин. Биринчидан, тўсатдан эмас. Бу масалалар аллақачон пишиб етилган. Иккинчидан, улар бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетгани, биттасини ўйласангиз, иккинчиси чиқиб келаверади. Шубҳасиз, булар ниҳоятда мураккаб проблемалар. Бир силтов билан ҳал бўла қолмайди. Лекин на чора, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо қиялпти. Бугунги қайта қуриш, ошкоралик замонида уларни ўртага қўймаслик гумроҳлик бўлур эди.

...Столим устида ҳамон ўша бир варақ қоғоз ётибди. «Авлодларга нима деймиз?» Бу — ёзилмаган фантастик қиссанинг сарлавҳаси. Имоним комилки, мен уни ёзолмайман. Фантастика — менинг соҳам эмас. Бироқ бугунги реал воқеали фантастикдан кўра ҳам кенгроқ миқёсли, мураккабга ўхшайди. Орол денгизини сақлаб қолиш (яъни, Урта Осиё регионини, эҳтимолки, бутун мамлакатимизни бало-қазолардан сақлаш), ҳадеб план кетидан қувмасдан, планни реаллаштириш, еримиз ўлиб адо бўлмаслиги учун самарали чоралар кўриш, республикаимизни асосан хом ашё етказиб берувчи зона эмас, саноат, оқибат натижада хом ашёдан кўра бир неча баробар каттароқ моддий фойда келтирадиган саноат ривожланган ўлкага айлантириш, болаларимизнинг саломатлигини, илмли бўлишини ўйлаш, қўли гул ишчи кадрларни тайёрлаш — буларнинг ҳаммаси «Авлодларга нима деймиз?» деган саволнинг ўзак масалаларига бориб тақалади. Эҳтимол, фантастик асар қаҳрамонлари бир ерда оладиганларини олиб бўлганидан кейин бошқа жойга кетиб қолар. Биз бундай қилолмаймиз. Бундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Шу боисдан эсимиз борида этагимизни ёпиб, гапдан ишга ўтишимиз шарт. Зеро, партиямизнинг талаби ҳам шу!



Зикир Муҳаммадҷонов

## ТЕЛЕЭКРАН ВА ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Биз бир неча ўзбек санъаткорлари 1984 йилнинг ёзида комсомол агитпоезди билан Россиянинг ноқоратупроқ ўлкасида — Иваново, Владимир областларида бўлган эдик. Маълумки, партия ва ҳукуматимизнинг қарори билан у томонларда ерлар ўзлаштирилиб, ботқоқликлар қуритилиб, экин майдонларига айлантирилмоқда. Бу улкан ишда барча иттифоқдош республикаларнинг вакиллари қатори Ўзбекистондан борган мелиораторлар, қурувчилар ҳам иштирок этишмаяпти. Бу ерларда мамлакатимизнинг турли томонларидан келган, турли миллатга мансуб йигит ва қизлар қўлни қўлга бериб, ягона оила фарзандларидай меҳнат қилишмаяпти.

Бу ерларни ўзлаштириш катта қийинчиликларни енгиб ўтиш эвазига амалга оширилганини ўз кўзим билан кўрганман. Оғир шароитларда меҳнат қилаётган чўлқуварларнинг қаҳрамонликларига тасаннолар айтганман. Аммо Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштириш машаққати ҳам озмунча эмас экан. Қаерни қиттак кавласангиз, оҳақ қатламга дуч келасиз. Ерни ер қилиш учун оҳақ қатламини олиб ташлаш, ўрнига бегона тупроқ солиш керак. Баъзи жойлар эса ботқоқликдан иборат, демак, уни ҳам тупроқ билан тўлғазиш керак. Бу ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айни пайтда йўллар, янги хўжаликларнинг посёлкалари ҳам қурилиб, инсоннинг яшаши ва меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Владимир областидаги «Искра» колхозида бўлдик. Инсон қўли гул, деганлари рост экан. Бир пайтлар ботқоқликдан иборат бўлган, чивинлар ғужғон ўйнаб ётган ерлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Бепоен буғдойзорлар-у, боғ-роғлар, картошка, полиз экинлари экилган майдонлар бир-бирига туташиб кетган. Икки чети адл ўсган дарахтлар билан қопланган равон йўллар, шинам турар жой бинолари, шифохона, кинотеатр, мактаб, болалар боғчалари, «Хизмат — беминнат» расталари, спорт майдонлари, маданият ва истироҳат боғи, магазинлар... Ҳаммаси бири-биридан чиройли; бири-бирдан ажойиб. Буларни ким бу қадар тартиб билан, жой-жойига қўйиб қурдирди экан, деб ўйлаб қолдик. Колхоз раисини кўришга ошиқдик. Бизни қурилиш бўлаётган жойга олиб боришди. Қўлтиқтаёқли, аммо ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам ҳамон тетик одам пешвоз чиқиб, юзида табассум билан: «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!» деди. Танишдик. Бу киши колхоз раиси Бредов экан. Унинг бир қўли, бир оёғи протез эди. Кўпни кўрганлиги, қисмати оғир бўлганлиги пешонасидаги ажинлардан билиниб турарди. Ким билсин, ҳар бир ажин бир машаққат белгисидир. Инсон бамисоли метин, ҳамма нарсага чидайди.

— Менинг ер очишдан мақсадим юртни нонга сероб қилиш эди. Ниятига етдим, — деди Бредов. — Ҳозир ҳар гектардан 50 центнерга етказиб буғдой олаёلمиз. Илгари ҳеч қачон бундай бўлган эмас. Бунга фақат меҳнат билан эришдик. Ватанимиз учун ҳар қанча тер тўксак арзийди! Сизлар бизга пахта берасиз, биз сизларга нон берамиз. Инсонга пахта ҳам, нон ҳам зарур. Пахтадан бўлган телогрейкаларда фронтда совуқдан жон сақлаганмиз. Пахтадан ишланадиган порох билан душманнинг додини берганмиз. Урушда нон ҳам ўқдай азиз бўлган. Сталинград остонасида душман очлик азобини тортганида қизил аскарларни совет халқи боққан, кийинтирган. Аммо мен ўрмонда араланиб қолиб кетганимда очлик азобини ҳам бошдан кечирганман. Очликка чидай олмай, ўсимлик илдизларини еганман. Ушанда, нонни кўрсам кўзимга суртаман, деб онт ичганман... Мана, ҳозир нон сероб. Инсоннинг табиати қизиқ экан. Нима сероб бўлса, ўшанинг қадрига етмас экан. Яқинда бир чет эллик колхозимизга келди. Овқатланиб бўлгач, оғзини нон билан артганини кўриб қолдим. Фақат меҳмон бўлгани учунгина ўзимни босдим...

Бредов фронтдан қайтгач, Ноқоратупроқ ўлкага келади. Ёнига 20 қоғлик йигит ва қизни олиб ер очишга киришади. Уша пайтда техника воситалари жуда камлигини эътиборга олсак, бу осон бўлмаганлигини англаш қийин эмас. Одамлар қийинчиликларни муваффақиятли енгиб ўтиш учун фақат ташкилотчи бўлишнинг ўзи етарли эмас. Кимлардир шахсий намуна кўрсатиши ҳам керак эди. Бредов шундай қилди: трактор минди, комбайн ҳайдади. Ватан ҳимоясида оёқ-қўлидан айрилган, халқи олдида виждони пок бўлган бу инсон нега елкасига бу қадар машаққатли вазифани олди? Бунинг боиси бор, албатта. Бредов ҳаёт ҳаракатдан иборатлигини яхши биларди. Бунинг устига унинг характерида худбинликдан асар ҳам йўқ эди. Шунинг учун шахсий манфаатини эмас, умум манфаатини ўйлаб ҳаракат қилди. Колхозда ҳамма уйли-жойли бўлди-ю, раис дастлаб кўчиб келганида жойлашган вагончада яшашда давом этди. Ҳаётини бошқаларнинг роҳат-фароғати учун бағишлади. Ким билсин, балки у жангу жадалларда юрганида, қайтиб борсам қолган ҳаётимни одамларга бахшида қиламан, деб юрагига тугиб қўйгандир.

— Пахта экаман, бу касбни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди. Шундайлар озми?! Фронгда душман билан фидокорона жанг қилиб, эндиликда тинчлик лаззатини суришга ҳаққи бўлган ҳолда, меҳнатсиз ҳаётни ҳаёт деб билмаган одамлар озми?! Шундайларнинг қанча-қанчасини биламан.

— Қандай экасиз, оёғингиз ногирон-ку?

— Соғман, соғман...

Исомиддин ака шундай деди-ю, эшикни қарс этиб ёпиб, бошлиқ хонасидан чиқиб кетди. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди арафасида биз республика телевидениеси орқали кўрсатган «Ер фарзанди» номли икки серияли телеспектакль шундай саҳна билан бошланади. Менинг қаҳрамоним Исомиддин ака пахтаасиз яшай олмайди. У — ўзбек Бредови, Мересевеви. Фронгда душман билан жанг қилаётганида ҳам, оёғидан ярадор бўлиб госпиталда ётганида ҳам хаёлида пахтазор бўлган. Узиям дунёга келиб кўз очган-у, пахтазорни кўрган. Гўдаклигида жўяклар орасида ўрмалаб, «оқ олтин»га меҳр қўйган. Пахтакорлик унга ота касб. Эндигина вояга етиб, деҳқон касбини шарафламоқчи бўлганида тупроғимизга фашист газандалари бостириб кирди-ю, у қўлига кетмон ўрнига милтиқ тутиб жанггоҳга йўл олди...

Уруш тугаб, ўз қишлоғига қайтгач, яна далага отланди. Янги ер очиб, тупроққа чигит қадади, ҳосилдорликда рекорд натижаларга эришиб, эл-юртда обрў-эйтибор топди. Уни аввал бригадир, кейин колхозга раис қилиб сайлашди. Жанговар орден, медаллари қаторига меҳнат ютуқлари учун олган мукофотлари қўшилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Оёғи ногирон бўлгач шундай даражага етди. Узига мослаб олган калта солпи кетмони билан чўккалаб ер чопди, жўякда судралиб пахта терди. Урушдан кейинги оғир йиллар эди. У вақтларда ҳозиргидек техника қаёқда! Фронгда чекинишни билмаган Исомиддин ака меҳнат майдонида ҳам бўш келмади. Тогдан келаётган сув тошларга урилиб пишиб ширин бўлади. Ҳаёт ҳам шунақа экан. Киши умр йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтаолсагина ҳаёти сермазмун бўларкан. Қийинчиликлардан кўрқиб, тайсаллаган одамни турмуш пўртаналари хас-чўпдай улоқтириб ташларкан. Исомиддин ака эса бўш келадиганлардан эмас, иродаси кучли инсон. Айнан шундай кишилар менинг саҳнадаги идеалимдир.

Бредовни кўрганимда, бундай кишилар ўзбек элида ҳам бор-ку, нега саҳнада шуларнинг образларини яратмаймиз, деб биринчи марта жиддий ўйладим. Дарҳақиқат, мен янглишмаган эдим. Бир куни китоб дўконидан Ёзувчи Нельмат Ёқубовнинг «Замин султони» деб номланган китобини сотиб олдим. Бу китоб ажойиб пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исомиддин Арабов ҳақида эди. Мен Арабов тўғрисида илгари озгина эшитгандим. Шунинг учун китобни дарҳол ўқиб чиқдим. Кўзим чарақлаб кетгандай бўлди, қайта-қайта ўқидим. Бу мен излаган ўзбек Бредовнинг худди ўзи-ку, дедим ўз-ўзимга.

Дарҳол телестудияга бориб, режиссёрларга учрашдим, шу ролни ўйнамоқчиман, дедим. Ёзувчи ҳузурига ҳам бордим. Унга ҳам ниятимни айтдим. Орадан бироз вақт ўтгач, телестудияда шу асарни саҳналаштирадиган бўлишди. Аммо мен орзу қилган ролни бошқа кишига тавсия қилишибди. Бу қанақаси ахир? Таъшивланиб қолдим, қарасам роль қўлдан кетадиган. Баъзан киши кўнгли чопган иш учун талашиб-тортишиши ҳам керак. Шундай қилдим, ушбу ролни мен ўйнашим керак, деб оёқ тираб туриб олдим. Бу гапларни айтишдан мақсадим, бизнинг ишимизда ҳам тўқнашувлар бўлиб туришини, бўшашган одам мақсадига етаолмаслигини таъкидлашдан иборат. Аммо курашиб роль олиш ишининг дебочаси. Олдинда ишонччи оқлаш учун яна ҳаракат қилиш керак бўлади. Бу изланиш, тунларни бедор ўтказиш демакдир.

Мен Исомиддин образини ўйлаганимда кўз ўнгимга ўша Бредов келаверди. Биламан, қиссадаги Арабов Андижон областида истиқомат қилади. Аввалига у билан бориб учрашишга отландим-у, яна айнаидим. Фикрим чалкашиб қетишидан кўрқдим. Мен Исомиддин аканинг образини эмас, балки у сингари ногирон, лекин иродали, меҳнатсевар кишиларнинг умумлашма образини яратишни мақсад қилиб қўйган эдим-да. Шунга ҳаракат қилавердим. Постановка режиссёри Ғайрат Убайдуллаев ҳам бунга монелик қилмади. Мен ҳатто Бредов вагонини тасвирлаганим, уни ҳам келтириб беришди. Протезли этик тиктирдик. Қўлтиқтаёқда юришни машқ қила бошладим. Актёрлар составини далада суратга олишга ҳаракат қилдик. Бу борада Тошкент район Собир Раҳимов номидаги колхоз раҳбарлари яқиндан ёрдам беришди. Аммо бу ҳўжаликда пахта экилмасди. Ишга киришганимизда эса пахта йўғим-терими тугаган эди. Аммо асарни чиқариш керак, начора... Бор имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Пахта теримига тушиш эпизодини сунъий пахта майдони ясаб суратга олишга тўғри келди.

Баъзида телестудиядаги ташкилий ишлардан норози бўласан киши. Шу асарни қўйишга тайёргарлик чоғида далаларда пахта қийғос очилиб ётган эди. Аммо ўз вақтида иш бошлашга рухсат беришмади. Натижада ҳақиқий табиат манзарасидан фойдалана олмадик. Телеспектакль намойиш этилгач, жуда кўп хатлар келди. Телетомошабинлар ана шу камчиликларни ёзишди. «Булоқ» номли телеспектаклимизда ҳам шундай бўлганди. Бу спектаклда бутун воқеа табиат қўйнида давом этади. Муаллифнинг асосий мақсади ҳам булоқ гўзаллигини мадҳ этишга қаратилган. Спектаклни суратга олиш пайтида эса табиат қўйнига чиқиш имконияти бўлмади. Ноиллож телестудия павильонида ясалган декорациядан фойдаланишга мажбур бўлдик...

Исомиддин Арабов яшайдиган Пахтаобод районидан олган хатимда бир келишимни илтимос қилишганди. Вақт топиб Пахтаободга йўл олдим. Тўғри район марказига бордим. Райкомда актив бўлаётган экан. Исомиддин ака сўзлапти, дейишди. Қизиқиб, «Кирсам бўладим», дедим, эшикни қиттак очиб киритиб юборишди. Исомиддин ака сўзини янги таомлаб, мусобақадошларини саҳнага таклиф қилаётган экан. Ун чоғлик азамат йигит навбатма-навбат келиб унга қўл берди. У эса ҳар бирини бағрига босиб, белини сиқди. Залда «Балли, балли, Исомиддин ака!» деган товушлар янгради. Шунда саҳнада шундай ажойиб инбоннинг образини яратганимдан беҳад фахрландим.



Ийгилиш тугагач, райкомнинг биринчи секретари Исомиддин ака билан мени хонасига бошлади.

— Ҳар йили чигит экиш олдидан актив ўтказиб, Исомиддин акани бир гапиртирадиган одатимиз бор, — деди у. — Узиям гапни болайдилар. XVI пленум якунларига бағишланган мажлисимизда айтган гапнинг эсингиздами?... «Ҳа, аравамиз лой кўчага кирган эди, партия тўғри йўлга олиб чиқиб қўйди, а?» дедилар. Бахтимизга омон бўлинг, Исомиддин ака! Телестановкани кўриб хурсанд бўлдик. Раҳмат сизларга, анча меҳнат қилибсизлар!

Уша кунни Исомиддин ака мени қўймай уйларига олиб кетдилар. Қишлоққа кириб борганимизда қоронғи тушган эди. Уйдагиларнинг ҳаммаси мени кўриб хурсанд бўлишди. Алламаҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Етар пайтимизда, даланинг ҳавоси ўзгача, деб сўрига жой солиб беришларини илтимос қилдим. Мезбонлар бажонидил рози бўлишди. Мен барвақт туришга одатланганман. Фира-ширада булбуллар овозидан уйғондим. Уй эгалари мендан ҳам барвақт уйғонишган экан. Кўз очганимда ҳовлида ҳаёт қайнар эди. Кимдир ҳовли супурарди, кимдир тандирга олов ёқарди. Исомиддин ака эса молларга хашак ташлаётган экан. Беҳтиёр телеспектаклдаги қуйларга хашак ташлаганимни эсладим.

Ҳадемай, дастурхон атрофида бутун оила аъзолари жамулжам бўлди. Ҳаммамизга чамбаракларга илинган сопол товоқлардаги қаймоқлардан қўйишди. Тандирдан иссиқ, сўлқилдоқ нон келтирдилар. Дастурхон оддий, ammo ҳаммаси танага сингадиган таомлар. Ҳовли, уй-жой, одамлар ҳам оддий... Ammo юракка яқин. Эҳтимол, мана шу оддийлик ва самимият туфайлидир бир пасда яқинлашиб кетдик. Мен Исомиддин акани ишдан қўймай, деб кетишга шошилардим. У эса рози бўлмади. «Келиш меҳмон ихтиёрида, кетиш мезбон ихтиёрида», деб қаршилик қилди.

— Тўғри, далада иш кўп, лекин интизом бўлса ҳаммасига улгурамиз, — деди у. — Ҳозир шароит ўзгариб қолди. Эндиликда пахта илмидан беҳабар раҳбар сени ниқтаб турмайди. Деҳқон ўз ер шароитига қараб иш кўраверади. Ер менга фарзанддай бўлиб қолган, феъл-атворига қараб муомала қиламан. Тобиға келганда чигит экман, тез унади. Техниканинг садағаси кетсанг арзийди, оғирингни енгил қилади. Сув беришга шошилмайман, ғўзани қанча чанқатсанг, шунча бақувват бўлиб ўсади. Одам чанқаса сув қидиради. Ғўза ҳам шунанга, сув қидириб илдизини ерга чўзади. Илдиз ерга интилган сари минерал моддаларга дуч келаверади-да. Ушанда сув берсангиз, гуркираб шох чиқаришини кўрасиз! Еввойи ўт ғўзанинг ашаддий душмани. Утни йўқотмаса ғўзани ўраб ташлайди. Шунда менинг сопи бир тирсақли кетмоним иш беради. Кетмоннинг сопи қалта бўлса, киши эгиришга мажбур бўлади. Эгилсангиз ғўза остини кўрасиз. Утни йўқотиш учун уни суғуриб ташлаш кифоя эмас, жўяк ичидан олиб чиқиб, ёқиб юбориш керак.

Исомиддин акадан кетмонини кўрсатишини илтимос қилдим. Телеспектаклда биз ҳам сопи қалта кетмондан фойдаланган эдик, ўшанга ўхшармикан, дедим-да. Қаҳрамоним ариқ бўйида турган икки кетмонни олиб келиб олдимга қўйдилар. Ҳар иккисининг сопи тенг-ку, ammo юзаси икки хил: бири кичик, иккинчиси қатта эди.

— Мана буниси ер чопишга, буниси чопиққа...

Каттасини кўриб ваҳмин келди. Худди бир ботмон тупроқ сифади, дейсиз! Бунақа кетмонни Катта Фарғона канали қурилишида бўлганимда Дўнан Дўстматовда кўрган эдим. Бир кетмон тупроқ ташлаб замбилни тўлғазар эди, азамат. Оғирлигиям нақ ярим пуд келарди. Бунақа кетмон билан ҳар қандай ерни упа қилиб юбориш мумкин.

Исомиддин акани беҳтиёр афсонавий Фарҳодга ўхшатгим келди. Бўйи ҳам менга бир яримта келади. Бармоқлари эса буюк пианист Лист бармоқларини эслатади. Таъриф қилишларича, Листнинг бармоқлари узун бўлганидан иккита октавани бирданига чалган экан. Ким билади, Исомиддин аканинг бармоқлари бир йўла икки-уч чаноқдаги пахтани олар. Ажабланидиган ери йўқ, акс ҳолда мисқоллардан тонналар яратишнинг ўзи бўладими?! Ахир, пахтазор унинг симфонияси-да.

Исомиддин ака катта кетмонини қўлга олиб, ерга урган эди, бандиғача тупроққа кириб кетди. Кейин менга қараб:

— Ҳа, сиз ҳам ерни чакана чопмас экансиз, кетмоннинг ҳам зўрини топибсизлар, баракалла! — деди.

Мен у кишининг спектакль ҳақидаги фикрини сўрадим.

— Гарчи унда фамилиямни ўзгартирган бўлсанглар ҳам, барибир менинг ҳаётимни тасвирлабсизлар, — деди у.

Мен индамадим. Исомиддин ака давом этди.

— Образнинг умумлаштирилгани дуруст бўлган, дарҳақиқат, бундайлар битта мен эмасман-ку. Фронтдан ногирон бўлиб қайтиб, яна ҳаётда ўз ўрнини топганлар озмунчмаи? Шундай азаматлар борки, уларнинг ишлари олдидан мен қилаётган ишлар арзимас бир нарса бўлиб қолади.

Бу сўзлардан қаҳрамонимнинг камтарлиги ҳам, санъат шинавандаси эканлиги ҳам сезилиб турарди.

— Исомиддин ака, мен шу образ учун, жаҳли чиққанида қўлтиқтаёқни ерга уришни маъқул кўрдим, шу бўлиши мумкинми? Сизда шундай ҳолат юз берганми?

— Ҳа, бўлган. Сиз-ку қўлтиқтаёқни ерга оддингиз. Мен ўша тўхмат гаплар учун қўлтиқтаёқ билан бошига солардим. Ноҳақликни кўрсам чидаб туролмайман. Илгари бир воқеа бўлган, бригадир эдим ўшанда. Ойдинда пахтазорни айлангани чиқсам, жўяк орасида ғўданнинг йиғиси қулогимга чалинди. Борсам онаси болани йўргаклаб, ажриқ устига ётқизиб қўйиб, ғўзага сув тараяпти. Аёлга индамадим-у, тўғри уйига йўл олдим. Ҳовлига кирсам кувё бўла супада хуррак отиб ётибди. Қўлтиқтаёқ билан орқасига солавердим... Узиям уч кун ишга чиқмай кўрна-тунтик қилиб ётди. Ammo ғинг демади, айбдорлигини билди-да... Шундан сўнг хотини ўрнига ўзи далага чиқадиган бўлди. Яна шундай меҳнатга тоқати йўқлар колхоздан нолиб қўйишади. Шунда уларни жинимдан ёмон кўриб кетаман. Пахта бу — олма пиш, оғзимга туш эмас. У олти-етти ой зўр бериб меҳнат қилишни талаб этади. Ишламаган одам тишламайди. Вақти келадики, кунни тунга улаб меҳнат қиласан. Узингиз биласиз, табиат деҳқон билан ўчакишгани ўчакишган. Лекин биз бўш келмаймиз. Сизлар томошаларда аксарият ҳолларда табиий офат билан курашимизни ҳаққоний кўрсатишга ожизлик қилиб қоласизлар. Мен бир вақтлар машҳур оператор Малик Қаюмовнинг «Баҳордан

бахоргача» деб номланган киноочеркини кўрганман. Ана у бошқа гап эди. Фильмда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Манноп Жалоловнинг табиий офатга қарши қандай курашгани тасвирланган. Манзаралар ҳаққоний, кишини ҳаяжонга солади...

Исомиддин аканинг фикр-мулоҳазалари ўринли. Ҳозирги томошабиннинг диди қай даражада юксаклигини шу кишининг сўзларидан ҳам билса бўлади. Уни алдаб бўлмайди. Спектаклнинг нимаси яхши-ю, нимаси ёмонлигини сиздан дурустроқ билади. Ҳамон шундай экан, биз ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни кўрсатишимиз керак. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Фақат баъзан ишимизда шошқалоқлик, ҳаётни чуқур ўрганмаслик сезилиб қолади.

Ўтган йили пахта терими пайтида Косонсой районидаги бир ҳўжаликнинг дала шийпониде тушлик вақтдан фойдаланиб, концерт бераётган эдик. Бирданига гупиллаб қор ёғиб юборди. Одамлар буйруқни кутиб турмай, жуяклар орасига кириб кетишди. Шунда Уйғуннинг «Назир отанинг ғазоби» шеъри ёдимга келди:

**Э, менга деса тош ёғмайдими, барибир  
пахтани терамиз,  
Бир дона ҳам қолдирмай ҳукуматга  
тўплаб берамиз.**

Мана ҳаёт! Нега биз шу ҳаётни айнан кўрсатишнинг уддасидан чиқа олмаймиз. Одатда сут бўлса, қатиқ бўлади. Биз санъаткорлар театр сахнаси ва телеэкран орқали томошабинларга кишини ҳаяжонга соладиган спектакллари тақдим этишимиз учун аввало яхши пьеса, сценарий керак. Яхши эса ҳадеганда топилавермайди.

Очиги, баъзибир ёзувчиларимизнинг асарларини қўлга олиб ўн-ўн беш бет ўқиганимдан сўнг улоқтириб юборгим келади. Воқеалари сунъий, қаҳрамонлари эса одам эмас, роботга ўхшайди. Ижобий қаҳрамонлар ҳеч қачон янглишмайди, доим ўзгаларнинг хатоларини тузатиб юришади, салбий қаҳрамонларида эса «йилт» этган ижобий томонни кўрмайсиз.


Мен юқорида инсоннинг табиат билан кураши ҳақида фикр юритдим. Аслида эса инсоннинг бутун ҳаёти курашлардан иборат. Модомики шундай экан, ана шу кураш бутун кескинлиги, фожиалари билан тасвир этилгандагина томошабинга таъсир кўрсатади.

Кўп асарларимизда конфликтлар чўққисига чиқмай, оппа-осон ечилиб қолади. Бунга яна ўша «Ер фарзанди» спектаклидан мисол келтирсак: Исомиддин билан Холидаҳон ўртасидаги тўқнашунинг кескинлашиши эндигина юзага келаётганда воқеа ёпиғлигича қолиб кетаётгандай бўлади. Ахир, томошабин Исомиддин ака ҳақ эканига ишонч ҳосил қилгач, рақибининг жазоланишини кўришни истайди-ку. Ана шу ерга муаллиф материали етишмай қолади.

Ҳозир телестудияда кўпгина режиссёрлар бор. Улардан баъзилари томошабинларга маъқул бўларли даражада телеспектакллар кўрсатишга муваффақ бўлдилар. Лекин бу спектаклларнинг кўпчилиги телестудия учун махсус ёзилмаган асарлар бўлиб, режиссёрлар томонидан инсценировка қилинган. Буни табриклар керак, албатта. Аммо мени бошқа савол қийнайди. Нега ёзувчиларимиз телестудия ишига яқиндан ёрдам бермайдилар? Нега телестудия учун махсус асарлар ёзмайдилар? Ахир, ҳозир давр ўзгарди-ю, телеэкран театрдан ҳам, кинодан ҳам оммавий бўлиб кетди-ку. Бундан икки-уч йил муқаддам, «Литературная газета»да ёзувчи Шкловскийнинг мақола-сига кўзим тушганди. У телевидение театри ҳам, киноси ҳам «синдирди», келажакда бадиий проза билан ҳам рақобатлашиши мумкин, деган фикрни айтган. Мен бу фикрнинг қай даражада тўғри ёки нотўғрилигига кафил бўлолмайман. Аммо ҳозир телевидение ғоят оммалашиб кетганлиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳодисадир. Қайси хонадонга кирманг, албатта унинг тўрида телевизор бор. Ҳар биримиз вақт топишимиз билан дарҳол унинг қулоғини бураймиз, телепрограммани қидириб қоламиз. Демак, телевизор инсоннинг яқин ҳамроҳига айланди. Эндиги ҳаётимизни усиз тасаввур этиш қийин. Яқинда томошабинлар билан бўлган учрашувда менга: «Телевизор истиқболига қандай қарайсиз?» деб савол беришди. Мен ҳеч ўйлаб ўтирмай: «Ҳадемай телевизорни чўнтакка солиб юрадиган бўламиз», деб жавоб бердим.

Бизнинг адабиётимиз ва санъатимизда олийжаноб, принципиал инсон улуғланади. Инсон эса ўз меҳнати билан улуғдир. Демак, ёзувчиларимиз меҳнат кишини ҳақида бадиий баркамол, ғоявий юксак пьесалар, сценарийлар яратишлари керак.

Мен ушбу мақоламда ўзим билган икки ажойиб инсон ҳақида ҳикоя қилдим, шулар баҳона-сида бадиий ижод, телеэкран санъати ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларимни қисқача баён этдим. Аслида ҳаётда ажойиб инсонлар кўп. Улар ҳақида ҳар қанча гапирса, ёзса оз. Бредовдай, Исомиддин Арабовдай инсонлар жамиятимизни олға сурапти. Шулар ўз меҳнатлари билан турмушимизни фаровон қилляпти, эл-юрт тинчлигини таъминляпти. Биз санъаткорлар шундай ажойиб замон-дошларимизнинг қаҳрамонона ҳаётини тараннум этаётганимиздан фахрланамиз.



## ШАМОЛ МЕНГА ЁҚАДИ

Толиб Йўлдош

### Тонг отди

Тонг отдими туриш керак,  
Кўп ухлама.  
Онанг: — Тургин болам, деса,  
Сен «ух»лама.  
Мақтаб вақтинг яқин қолар,  
Ювин туриб,

Токайгача онанг сени  
Ювинтириб —  
Қўл-оёғи йўқ боладай.  
Кийинтирсин.  
Уйқинг доим уйғоқликдан  
Кейин турсин.

### Уйинчоқ

Матлабжоннинг уйида  
Аллақанча уйинчоқ.  
Ҳеч бирини ўйнамас,  
Қўлида ўтмас пичоқ...  
Фақат эшик, ромларни  
Тешиб, йўниш ўйини.

Деворлари бир ҳолда,  
Кўриб бўлмас уйини.  
Онаси: — Қўй, деса ҳам,  
Қўймайди бу ишини.  
Уйинчоқлар қаровсиз,  
Ачинтирар кишини.

### Норбобо

Норбобони билмаганлар  
Дейди: — Сергап.  
Йўк, улар ёш-яланларни  
Юрар тергаб.  
Яхши бўлсин дерлар фақат  
Куйиб бизга,  
Тўғри, қўйиб бермаслар ҳеч  
Измиизга.

Бир чатоқ иш қилсак, дарров:  
— Ҳой, палончи,  
Тўғри юргин, дерлар, бўлмай  
Тўполончи.  
Кошки ҳамма Норбободай  
«Сергап» бўлса,  
Ақл кўзи кузатувчан,  
Сергак бўлса.

### Соат нега чиқиллар

Соат нега чиқиллар?  
Чиқиллаб юриб турар.  
Сиз ва биздай тинимсиз  
Юраги уриб турар.

У ҳамиша меҳнат-ла,  
Ҳеч тиниб туролмайди.  
Тирикликнинг нашъасин  
Меҳнатсиз суролмайди.

## Дангасанинг иши кўп

Дангасанинг иши кўп,  
Ишидан «ғиш-ғиши» кўп.  
Уйлайвериб боши қотар,  
Ишлар турад қатор-қатор...

Қайси бирин қилар, ўлсин.  
Ҳа, ҳали ёш, катта бўлсин.  
Яна бўлмас, ўйлаб кетар,  
Вуй, юраги ўйнаб кетар.

Ҳабиб Раҳмат

## Ўзларини қаранглар

Қува-қува шум бўри,  
Тутолмади қуённи.  
Алам қилди, олгач у,  
«Ношуд» деган бир номни.

Бироқ сир бермас зинҳор,  
Ғижирлатиб дер тишин:  
— Ўзларини қаранглар  
Мендан кўрқиб қочишин.

## Шошқалоқ

Бир бола бор аломат,  
Лекин дангаса эмас.  
Иш буюрса онаси,  
Сира-сира йўқ демас.  
Айби фақат бетоқат  
Жуда-жуда шошқалоқ.  
Диққат қилиб гапингга,  
Рости, солмайди қулоқ.

Она дер: — Шошма, болам,  
Олдин гапга қулоқ сол.  
— Бўлди, тушундим, деру  
Югуриб кетар дарҳол.  
Зумда қайтар ҳаллослаб,  
Ҳайрон қилиб онани:  
— Ойи, нима девдингиз,  
Олиб келай нимани?

## Кўрқоқнинг баҳонаси

Қора мушук ўтиб қолди,  
Ҳовлидан писиб.  
Бирдан, Хол «пишт» деб юборди,  
Ранглари ўчиб.

— Уни кўриб кўрқибсан-да, —  
Дадаси кулди.  
— Кўрққанам йўқ, ҳечам, уни  
Ҳайдагим келди.

## Далда

Сал чўчиди балиқлар,  
Муз қоплагач кўл юзин.  
Далда берар чўртанвой,  
Донишманд санаб ўзин:

— Энди дўстлар буёғи,  
Яхши бўлсин ишқилиб.  
Кўлимизнинг устига,  
Осмон тушган йиқилиб.

Султон Жаббор

## Шамол менга ёқади

Учирса ҳам дўппини,  
Шамол менга ёқади.  
Койиманглар кўп уни,  
Шамол жоннинг роҳати.

Хуш кўраман хўп уни,  
Шамол мени боқади.  
Тапиллатиб ҳар куни  
Шамол ёнғоқ қоқади.

## Нима қолди Ҳасанга

«Ма сангаю ма санга,  
Нима қолди Ҳасанга?»  
Болаларга, ҳалими  
Бўлиб берди барини.  
Ишонсангиз сўзига,  
Ҳеч қолмабди ўзига?  
— Бўлашганинг не эди?  
— Вой, жудаям кўп, — деди.  
Бир уй тўла ўйинчоқ,  
Машинаю қўғирчоқ.  
Қанча конфет, шоколад,  
Музқаймоғу мармалад.  
Дўстлар кўнглини кутиб  
Ва ўзини унутиб,  
Қолдирмай ҳеч бирини,  
Улашибди барини.  
«Ука бўлмайман сенга,  
Қолдирмабсан, деб, менга!»  
Хусан ундан аразлаб

Пиқиллабди буриб лаб.  
«Ма сангаю ма санга,  
Нима қолди Ҳасанга?»  
Хаёлдами, ҳушида,  
Ўнгидами, тушида,  
Ким нимани изласа,  
Орзу қилса — истаса,  
Ҳасан барин ўйида  
Тайёр қилар ўйида.  
Сўнгра бир-бир улашар,  
У шундай, қизиқ яшар.  
«Ма сангаю ма санга,  
Нима қолди Ҳасанга?»  
Ҳасангами бир жаҳон:  
Ўй-фикр, орзу-армон,  
Ширин-шакар хаёллар,  
Топишмоқлар, саволлар!..  
«Ма сангаю ма санга,  
Нима қолди Ҳасанга?»

## Илинибди кўзим

— Қаёқдасан, Зайнаб,  
Қумғон тошди қайнаб?  
Ҳинд чойдан дамлагин,  
Ичайлик бир яйраб.  
— Бувижоним, хўп-да,  
Кун оғибди тўпдан.

Роса чанқадингизми,  
Чой ичмайин кўпдан?  
— Вой ўргулай ўзим,  
Қайда эдинг, кўзим?  
— Қўғирчоғим ухлатиб,  
Илинибди кўзим!

## Ўзи билмай

Доскани тоза артди,  
Аълочи қиз Дилноза.  
Ёзиб масала шартин,  
Ечимин ўйлар тоза.  
Мағзин чақиб, ҳисоблаб  
Ичида ҳижжаларди,  
Ўзи билмай шу тобда  
Ҳадеб бўрни яларди.  
Масаланинг ечимин  
Ниҳоят у қилди ҳал.

Қўлида бўр йўқ лекин,  
Ёзай деса шу маҳал.  
Ахир, қайга йўқолар  
Юмалоқ бўр қурт каби?  
Кулишарди болалар:  
— Нега унинг оқ лаби?  
Ечаман деб, Дилноза  
Масаланинг зўрини,  
Боши қотибди роса;  
Еб қўйибди бўрини.

Дилмурод Жабборов

## Ёмғирда

Ёмғир ёғар ҳовузга,  
Томошага келинглар.  
Рақс тушмоқда балиқлар —  
Ҳовуздаги келинлар.

Ҳой, қара-ё, жон қара,  
Сув бетида тангалар.  
Ҳовуз бўйи чинорлар —  
Терга ботган янгалар.

## Ой қочиб қолди

Ҳар кечкурун ўйнаймиз,  
Барча дўстлар бўлиб жам.  
Ёруғ, ихчам майдончанинг,  
Завқи бордир бир олам.  
Шундай кунлар бир оқшом,  
Уйин қизиб борарди.

Кўкда ой чиқиб бизни,  
Гўё мазах қиларди.  
Юрсак юрар, турсак турар,  
Охир тушдик қастига.  
Рогаткани тўғриласак,  
Қочди булут остига.

## Дадасининг қизи

Об-ҳавонинг маълумоти,  
Миясига жойланиб,  
Ўғлим сўрар: — Емғир қандок,  
Қолар қорга айланиб?

Не дейишим билмай турдим,  
Қизим келди ёрдамга:  
— Ҳадеб савол беравериб,  
Хиралашма дадамга.

Мирза Абдулла

## Мусича кўшиғи

Мен беозор	Уям бордир
Қушчаман:	Айвонда:
Қу-қу-қу!	Қу-қу-қу!
Дўстим билан	Чиқиб юрма
Учаман:	Нарвонда:
Қу-қу-қу!	Қу-қу-қу!

## Туя қурган иморат

Дурадгорлик	Бир вақт тонг ҳам
Қилиб туя,	Отиб қолди.
Ўзи учун	Турган эди
Қурди «уя».	Шиддат билан,
Чўккан чоғи,	Шовқин тутиб
Буни қаранг,	Кетди бирдан.
Уйчасига	Чунки очмай
Сиғди аранг.	Эшик, ромни,
Шу алфозда	Бузиб чиққан
Дамин олди...	Экан томни.

Дилшод Ражабов

## Ношуд боғбон

Янги боғбон — Эчкига  
Топшириқ берди раис:  
Ун кун ичида барча  
Дарахтларни оқлангиз.

...Чаққон Эчки уч кунда  
Ишни бошлаб қўйибди.  
Дарахтларнинг пўстлоғин  
Шилиб — «оқлаб» қўйибди.

## Чилдирма

Қичқириб айтар гапи                      Шуни ҳам айтмас агар  
Фақат «бака-бака — умбанг». Тарсакилаб турмасанг.

## Остона

Ажаб, уни ёшлиқда                      Лекин улғайгач, нега  
Ўпиб қучамизу биз,                      Оёқ ости қиламиз?!

## Неча даража?

— Қилиғи жуда совук —                      Ҳазиллашиб дер Содик:  
Койир укасин Эгам.                      — Неча даража экан?

## Филнинг даккиси

Нега Эчкиев Улок,                      Дарс вақтида дўппини  
Гапга солмайсиз кулок?                      Олиб қўйинг, бўптимми?!


Сарвар

## Арча қўшиғи

Арча, арча, арчажон,                      Узоқ-узоқ ўрмондан,  
Атрофингда биз шодон,                      Бизни излаб келибсан.  
Сенга безаклар тақиб                      Уйимизнинг тўрида,  
Ясатамиз арчажон.                      Меҳмон бўлиб турибсан.

## Қиш

Қишнинг гашти ўзгача,                      Қор ёғади гупиллаб,  
Бизлар учун эҳ, маза.                      Уйнаймиз мен ва Толиб.  
Роҳатланиб қорда биз:                      Дарахтлар қараб турар  
Коньки, чанғи учамиз.                      Оқ пўстинга ўралиб.



## УМР БЎЙИ ДАВОМ ЭТАДИГАН СИНОВ

БЕРУНИЙ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ, ПРОФЕССОР ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ БИЛАН СУХБАТ

— Озод ака, ижозатингиз билан суҳбатимизни болалик, ўқувчилик йилларингиздан бошла- сак. Сабаби, чинакам ижод уруғи аслида инсон қалбига болалик йилларида тугилади ва одам улғай- ган сари уни безовта қилиб, вужудида ажиб бир туғёнга, ғалаёнга айланиб боради. Шундан бўлса керак, болалигида лоақал ўзича тўрт сатр «шеър» тўқимаган, ўзича ашула хиргойи қилмаган ёки «ажжи-бужжи» расмлар чизмаган ўқувчини топиб бўлмайди.

— Бажонидил, суҳбатни болалик йилларидан бошлайлик. Чунки болалик йиллари қандай кечмасин, ҳар бир одамнинг ҳаётидаги энг бахтиёр йиллар бўлар экан. Шунинг учун уни эслаш ҳамisha мароқли. Аммо мен саволингизни «болаликдаги бахтиёр дамларингизни айтиб беринг» деган маънода англамадим. Афтидан «қалбимга ижод уруғи» қандай тушганини сўраяпсиз, шекилли. Тўғриси айтсам, буни билмайман. Аниқ билганим шуки, 10—11 ёшимда биринчи ўқиган аса- рим менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Бу — арман ёзувчиси Ованес Туманяннинг «Чинор» деган романи эди. Бунда бир етим боланинг бағоят аччиқ ва аламли саргузаштлари баён қилинган эди. Ҳикояни ўқиб, ўша муштипар етимчанинг қисматида аччиқ-аччиқ йиғлаганман. Шу-шу китоб ўқийдиган бўлиб қолдим. Орадан кўп ўтмай, бу иштиёқ энгиб бўлмайдиган эҳтиросга айланди. Юқори синфларга ўтганимда 30-ва 40-йилларда ўзбек тилида чиққан ҳамма бадиий асарларни ўқиб чиқиб бўлган эдим. Хуллас, мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ адабиётчи бўлишни аниқ ҳис қилган эдим. Фақат ўқишга ҳавас қачон ва қандай қилиб ижодга йўл бошлаганини аниқ айта олмай- ман. Мактабда шеърлар ёзар эдим; аммо студентлик йилларимда уларни жуда бўшлигини фаҳм- лаб қолдим. Биринчи «мақолам» 1950 йилда «Пионер» журналида босилди. Бу Маяковскийнинг болаларга аталган шеърлар китобига тақриз эди. Ушанда шапалоқдек тақризга 10 сўм (!) қалам ҳақи тўлашганини кўриб ҳайрон қолгандим. Назаримда, мақолани босишгани учун журналга мен ҳақ тўлашим керакдай эди.

— Сизнинг ўқувчилик йилларингиз совет кишилари ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бераётган пайтларга дуч келди. Бир томонда кутб қаҳрамонлари: Папанинчилар, Челюскинчиларнинг жа- соратлари, Чкаловнинг АҚШга қилган тарихий парвози; бир томонда эса миллионлаб бегуноҳ ки- шиларнинг ҳар хил ўйдирма сиёсий айблар тамғаси остида репрессияга дучор қилиниши... Албат- та, ёш ўқувчи бу мураккаб ҳодисаларни бирданга англаб, моҳиятини тушуниши қийин. Шундай бўлса ҳам, мурғак қалб билан киши нималарнидир сезиши, изтиробга тушиши, қийналиши табиий. Сиз ана шу мураккаб ҳодисаларни қандай қабул қилгансиз? Бир эслаб кўринг-чи!!

— Гапингиз тўғри, мен тенги одамларнинг болалик йиллари жуда мураккаб, зиддиятли даврга тўғри келган эди. Аммо, айтишим керакки, шахсан мен болалик йилларимдаги фожиали ҳодиса- ларни англаган эмасман. Менинг болалигим — мен тенги бошқа миллионлаб одамларнинг болали- ги каби «Бахтли болалигимиз учун дохий. Сталинга раҳмат!» деган шиор остида ўтган. Биз ўша йилларда содир бўлган воқеаларнинг ҳаммасини завқ-шавқ билан, ифтихор билан қарши олардик. Бирон нарсага шак келтириш, бирон нарсадан гумон қилиш бизга ёт эди. Сиз айтган Челюскинчи- лар эпопеяси, Папанинчилар, Чкаловлар, Осипенколар қалбимизни ифтихор туйғусига тўлдирар- ди. Уларнинг ёнига стахановчилик ҳаракатини, ДнепротЭСни, Катта Фарғона каналини қўйиш мум- кин. Биз учун дунёда мамлакатимиздан кўра кудратлироқ, буюкроқ мамлакат йўқ эди. Энг севган қўшиғимиз «Эртага уруш бўлса...» эди. Душман зотики бор, унинг ҳаммасини бир ҳамла билан маҳв этишга қодирдек эдик. 1941 йилда уруш бошланганда мен пионер лагерига эдим, шунда бола- лар ўртасида катта низо чиққан. Улар икки гуруҳга ажраб кетган эди, чунки биринчи гуруҳ «бизнинг қўшинлар уч ҳафтада ғалаба қозонади» деса, иккинчи гуруҳ «бўлмаган гап, уруш бир ҳафтада ға- лабамиз билан тамом бўлади», деб бонг уришган эди. Қизиқ, ўшанда 12 ёшда эдим.

— Яқинда «Огонёк» журналида академик В. И. Гольдманскийнинг суҳбати эълон қилинди. Еш- лигида тарихчи бўлишни орзу қилган олим бундан эллик йиллар олдин мактабларда тарих фани қандай ўқитилганини хотирлар экан, дарсларда билим олиш ўрнига СССР тарихи дарслигидаги қайси суратларни йиртиб ташлаш ёки қайси фамилиялар устига қора сиёҳ суркаш асосий машғу- лотга айланиб қолганини афсус билан эслайди. Шунга яқин фикрларни машҳур кинорежиссёр А. Довженко ҳам таъкидлайди. Унинг ён дафтарида қайд этилишича, 40-йилларда тарих факультетларига кириб ўқишни ҳеч ким хоҳламас экан, бу соҳа олимлари, профессор ва ўқитувчиларнинг ҳадеб қамалавериши ҳаммани бездириб қўйган экан. Ҳозир шу даврга оид фактлар, ҳужжатлар кун сайин ойдинлашиб, илдишлари, сабаблари очилиб бормоқда. Бугун ҳаммамиз бидамизки, шахсга сиғиниш йилларида адабиёт, айниқса, ўзбек адабиёти катта зарар кўрган.

Шунга қараганда, академик Гольдманский тарих дарсларида дуч келган ҳодисага Сиз адабиёт дарсларида ҳар қадамда тўқнашган бўлсангиз керак!



— Репрессиялар... Албатта, улар кўз ўнгимизда содир бўлганди. Албатта, ҳар куни ўнлаб «халқ душманлари» қамалаётганини эшитиб, ҳайрон бўлардик. Лекин очиғини айтганда, хурсанд ҳам бўлганмиз. Чунки синфий душманларимиз борлигига, ичимизда бизни кўролмайдиган, пайимизни қирқишга уринадиган зараркунандалар кўплигига астойдил ишонардик. Улар қўлга олинса, яхши-да. Душман қамаяди, йўлнинг раво бўлади. Ҳар бир қамалган душман бизга, «жонажон отамиз, халқлар доҳийси» Сталиннинг буюк ғалабасидай, унинг бекиёс донолигининг янги далилидай туюларди. Шунинг учун мактабда дарсликларимиздан, дафтарларимиздан «халқ душманлари»нинг суратларини, номларини қора сиёҳлар билан ўчириб ташлардик. Уларни тилга олмастикка, улар ҳақида гапирмастикка уринардик. Ҳатто ўзимиз ҳам ҳар хил ёзувлардан, шiorлардан, суратлардан зараркунандалик белгиларини қидириб топардик.

— Шундай ғалати воқеа менинг ҳам эсимда қолган. 1952 йилнинг кўклам пайти эди, шекилли. Уртанча опам 7-синфда ўқирди. Бутун синф район газетасига обуна бўлган экан. Газетанинг янги сонини синф бошлиғи биттадан тарқатиб бераётганда опамга йиртилган нусха тегиб қолди. «Бошқасини бер», деса, синфком унамабди. Опам газетани очиб кўрмасдан туриб: «Йиртиқ газетангни кераги йўқ. Узинг ўқийвер!» — деб ачиқ қилиб иккига бўлиб ташлабди. Газетанинг ички саҳифасида Сталиннинг катта расми бор экан, қоқ ўртасидан йиртилиб кетибди. Ана шундан кейинги тўполонни кўрсангиз! «Палончининг қизи доҳий Сталиннинг расмини йиртиб ташлабди!», «Бузғунчи!», «Душман!» деган шов-шувлар, пичир-пичирлар... «Фаол!», «хушёр!» ўқувчиларнинг бир гуруҳи шу заҳотиёқ «масаласи муҳокама қилинсин!», «мактабдан ҳайдалсин!» деб мактаб маъмуриятига ариза беришкан... Бутун мактаб оёқга турган. Оилада ҳамманинг қўти ўчиб кетган. Опам бечорани ҳар куни турткилашади, қарғаб-сўкишади. Хайриятки, холам Маҳмудова Уғилой мактаб директори эди. Адамнинг коммунистлигига колхоздаги хизматларини ҳамда холамнинг кафолатини ҳисобга олишиб, вивогор бериш билан бу ишни амаллаб тинчитишган эди. Шу мисолнинг ўзиёқ вазият қанчалик мураккаб бўлганини кўрсатади.

— Репрессия йилларидан хотирамга бир манзара муҳрланиб қолган. Биз у пайтларда Охунгузар билан Қози кўчанинг ўртасида, фишт кўприк деган жойда турардик. Бухарин, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва бошқалар устидан суд бошланганидан кейин, уйдагилар ҳар куни эрталаб мени Эски Жувадаги газета дўконига юборишарди. Ушанда одамлар газета келмасидан бир-икки соат аввал дўкон ёнида узундан-узоқ навбатга туришарди. Бунақа катта очередларни кейинчалик уруш йилларида нон дўкон ёнидагина кўрганман. Очереддагилар жуда бартариб туришарди, жанжал-тўполон, ур-сурлар бўлмасди, лекин кўпчиликнинг юзи тунд, қоғоғи солиқ экани, одамлар ўзаро жуда кам гаплашгани эсимда.

Хуллас, болалик йилларимда репрессиялар фожиасини юракдан чуқур ҳис этмаган эдим. Қама-қамаларда аллақандай ғайри табиийлик борлиги ҳақида, қандайдир адолатсизликка йўл қўйилаётгани тўғрисида биринчи марта 50-йилларнинг бошидаги репрессиядан кейин ўйлай бошладим. Айниқса, Шайхзода ва Саид Аҳмад қамалгандан кейин. Ахир, уларни шахсан танир эдим. Бир неча марта Шайхзаданинг сўхбатларини, лекцияларини эшитиб, бу одамнинг донолигига, билимдонлигига қойил қолган эдим. Айниқса, унинг самимиятини айтмайсизми! Уруш пайтларида эса бу одамнинг «Кураш нечун?», «Капитан Гастелло», «Семенченко, офарин!», «Тўпчи Муҳаммад» каби ўнлаб шеърларини ёдлаб, кўпчилик олдида декламация қилиб айтиб юрардим. Шундай одамнинг халқ душмани эканига, бирор аксиланқилобий ташкилотга аъзо эканига, Ўзбекистонни чет эл империализмига неча сўмгадир сотмоқчи бўлганига ақл бовар қилмас эди.

Саид Аҳмад-чи? У биздан бир-икки кўйлаки кўпроқ йиртган бўлсада, биз анча эдик. Биз бошловчи-ҳаваскорлар бўлсак, Саид Аҳмад икки-учта китоб чиқарган ёш ёзувчи эди. Эндигина 30 га кирган Саид Аҳмад жуда қувноқ, ўта ҳазилкаш, ҳар қандай даврани яйратиб юборадиган иқтидорга эга эди. Шу хусусиятлари асарларида ҳам мана ман деб кўриниб турарди. Унинг устига яқиндагина шоира Саидага уйланиб, оилавий ҳаётнинг сурурини эндигина тотиб кўра бошлаган эди.

Ўзимиз билган Саид Аҳмадки «халқ душмани» бўлса, одамларнинг соғи йўқ экан-да? Лекин бу гал ҳам бунақа шубҳа-ғумонлар бизни кўп ҳам ўртагани йўқ. Биз ўша кезларда университетда ўқир эдик — авжи эрк ҳақида, адолат ҳақида, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва разиллик тўғрисида бир-биримизга гап бермай тортишиб юрган кезларимиз. Лекин буни қарангки, биронтанмиз ушанда овозимизни кўтариб: «нималар бўляпти ўзи? Биз билган ўртоқларимиз, акаларимиз, устозларимизнинг гуноҳи нима? Айтингла, биз ҳам билиб қўйлик!» дейишга ярамабмиз. Аксинча, жиндай ҳайрон бўлиб юргандан кейин, ўша пайтда кенг тарқаган тасалли билан ўзимизни овутиб қўя қолганмиз: «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламайди. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйроқ на қилур? Айби бўлмаса, беғуноқ одамни қамамайди». Яна қайта-қайта бир гапни дуодай такрорлайверганмиз: «Доноларнинг доноси, башарият қуёши Сталин ҳаммамизнинг бахтимизни ўйлайди. Унинг даврида ҳеч қанақа адолатсизликка йўл қўйилмайди».

«Шахсга сиғиниш» деб аталган разолатнинг бутун даҳшатини партиямизнинг XX съезидан кейингина тушуна бошладик. Унинг ҳамма зарарларини англаш жараёни шу йиллар давомида бир лаҳза ҳам тўхтагани йўқ, ҳозир ҳам давом этмоқда.

— Университетдаги лекцияларингиздан бирида уруш пайтида шароит оғирлигига қарамай, китоб ўқишга иштиёқингиз пайсамганини айтган эдингиз. Ҳозирги фурсатдан фойдаланиб, шу йиллар ҳақида, илк устозларингиз, дўстларингиз ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз. Шунингдек, сиз Москвада аспирантурада ўқиб, адабий таҳсилни қиёмага етказган бахтли олимлардан бири саналасиз. Похтаёт адабий муҳити, устозлар ибрати, рус ёзувчи ва олимлари билан шахсий мулоқот ва дўстлик, фикр алмашишлар, танқидчи сифатида шаклланишингизда катта роль ўйнагани шубҳасиз. Ҳарҳолда, булар ҳақида ўзингиз гапириб берсангиз яхши бўларди.

— Албатта, ҳар қандай одамнинг ўсишида, балоғатга етишида устозларнинг роли катта. Мен биринчи устозим сифатида ўрта мактабда дарс берган ўқитувчим Қудрат Аҳмедовни биламан. Ҳозир у киши филология фанлари кандидати, Низомий номидаги Давлат педагогика институтининг доценти, республиканинг таниқли методистларидан. Қудрат Аҳмедов жуда ғамхўр ва меҳрибон ўқитувчи, айни чоғда билимдон мураббий эди. Мен у кишидан адабиётнинг алифбесини ўрганганман. Классикларимизнинг буюклиги нимада эканлигини адабиётнинг нафосати қанақа бўлишини

ўрганганман. У кишидан аввал менинг адабиётга муҳаббатим стихияли бир туйғу бўлган бўлса, Қудрат Аҳмедов туйфайли бу туйғу саришта бир шаклга кирди, муайян мақсад кашф этди. Қудрат ака устозларим ичида биринчи бўлиб, менга ўзбек адабиёти учун ифтихор туйғусини сингдирди.

Олий ўқув юртидаги устозларим ҳам кўп нарса беришди. Айниқса, Фулом Каримов, Субутбой Долимов, Ҳомил Екубов, Н. Крепенцев, М. М. Сақсонова, Д. Я. Вифлеемский каби олимлар адабиёт оламидаги билимларимни чуқурлаштиришга катта ёрдам беришган. Шундоқ бўлса-да, Москвадаги устозларим менинг олим сифатида шаклланишимда фавқулодда роль ўйнашди. Булар К. Л. Зелинский, М. К. Добринин, М. И. Ритман-Фетисов, М. И. Богданова, Г. И. Ломидзе каби атоқли олимлардир. Улар биргаликда менга илмий тафаккур сирларини ўргатишди. Бунинг қандай бўлишини конкрет тасаввур қилишингиз учун бир мисол келтирайман: мен ўзининг синфни битириб, «Етуклик аттестатини» олганимда, очигини айтсам, ўзимга-ўзим жуда буюк кўриниб кетган эдим. Назаримда, миямга илм сиғмай кетган эди. Гўё ҳазрат Навоий менга аталган мисраларини адашиб Фарҳод ҳақида айтиб юборгандай:

Дунёда қолмади ул билмаган илм,  
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Шу кайфият билан университетга келиб, беш йил ўқидим. Қарасам, ҳали биз билмаган илм анча экан. Ушаларни қунт қилиб ўрганса, дунёдаги энг билимдон одамга айлланиш мумкин. Университетни битириб, Москвага аспирантурага борганда гарчи билимим беш йил аввалгидан мукамал бўлмаса-да, ҳали ҳам чакки эмас эди. Бурним кўтарилган, унча-мунча тенгқурларни эмас, баъзи бир домлаларни ҳам менсимас эдим. Диссертация ёзишга киришдим. Билимим «ҳаддан зиёд кўп бўлганлиги» учун, диссертациянинг ҳам бир бобини хаш-паш дегунча ёзиб ташладим-да, илмий раҳбарим К. Л. Зелинскийга кўрсатдим. У киши апил-тапил варақлаб кўрди-да, «бўпти, ёзаверинг, булада» деб оқ фотиҳа берди. Енг шимариб ишнинг давомини ёзишга киришдим. Яна хаш-паш дегунча 50—60 бетни қоралаб қўйдим. Қораладим-у, иш сулшлашди, сўнг кўп ўтмай бутунлай тўхтаб қолди. Негаки, ёзганларимдан ўзим ҳайрон эдим. Етоғимиз тула аспирант, аммо бир ярим йил давомида мен кишим яхши кетяпти, муддатида диссертациямни тугатаман» деган биронта ҳам аспирантни учратмадим. Аксинча, ким билан гаплашмай, ҳамманинг ҳасратидан чанг чиқади: «ёзиш қийин, уч кун ўтириб ярим бет ёзолмадим, иш юришмаяпти». Қизиқ, нахотки бир ётоқ аспирантнинг иши юришмаса-ю, ёлғиз меники юришса? Нахотки, шунча одам ичида ёлғиз ўзим қобилиятли бўлсам? Бундай ўйлар ёзилган нарсани тузукроқ таҳлил қилишга олиб келди. Иккинчи боб «Ўзбек лирикасида Ватан мавзуси» деб аталарди. Ўйлаб қарасам, бинойидек ёзилган: чиройли жумлалар, цитаталар, сиёсий жиҳатдан тўғри тезислар... Аммо бироз қуруқлиги ҳам бор, аравани шалдиратиб олиб қочилган жойлари ҳам кўп. Анча жойда бирор шеър тилга олинади-да, кейин унинг мазмунини баён қилиб берилади, шундан сўнг Ватан ҳақида, уни севиш тўғрисида дабдабали гаплар бошланади. Нима бўпти, бошқаларда ҳам, ҳатто тажрибали адабиётшуносларда ҳам бунақа гаплар кўп-ку! Ўзимга-ўзим тасалли бердим-у, лекин барибир бўлмади. Шундан кейин бир сатр ҳам ёзолмадим. Ниҳоят аспирантура тугашига беш-олти ой вақт қолди. Илмдан эса дарак йўқ. Шундай кунларнинг бирида домлам йўқлаб қолди. Дарҳол институтга етиб бордим. У қайинг биринчи бобини синчиклаб ўқиб чиқибди. Жиндек зарда билан 120 саҳифали бобни қўлимга қайтариб берди: «Бўлмади, — деди у. — Бунда илмнинг «и» ҳарфи ҳам йўқ. Учиға чиққан декларативлик, риторика. Фикр йўқ. Қуруқ гап. Фақат поэмаларга бағишлайган сўнги саҳифалардагина жиндай жон борга ўхшайди». Бу гапни эшитдим у лол бўлиб қолдим. Гўё домла «Мункарнакир»нинг тўқсон ботмонлик гурзиси билан бошимга бир уриб, мени тариқдай тирқиратиб юборган эди. Етоққа келиб, қўлёмани варақладим. Унда тагига чизилмаган жумла, ёнига сўроқ аломати қўйилмаган ёҳуд «бўлмайди», «расво», «эс борми?», «нималар деяпсиз?», «қакёқдан тушгансиз?» каби иборалар ёзилмаган саҳифа йўқ эди. Аввал жуда қаҳрим келди. Бир неча кунгача ухламай тўлғониб чиқдим. Лекин секин-секин танамга ўйлаб қарасам, ўша гапларнинг ҳаммаси тўғри. Ахир, илм дегани мен ўйлаганимча осон бўлса, ҳамма ёппасига олим бўлиб кетмасмиди? Домланинг қўлёмна ҳошиясига ёзган мулоҳазалари менга илмий тафаккур қандай бўлишини кўрсатиб берди, илмдаги сафсатадан қочиб ундади. Қаҳр ўрнини миннатдорлик туйғуси эгаллади. Уша қўлёмани мен ҳозиргача асрайман ва тез-тез варақлаб тураман.

Хуллас, москвалик олимлар ёрдамида мен яна бир ҳақиқатни кашф этдим — ўзимдаги билим деб ҳисоблаб юрганларнинг кўп қисми оддий кўпик экан, мен билган нарсалар билишим керак бўлган нарсалар олдида денгиздан бир томчи экан. Шу тарзда ҳеч нарса билмаслигимни билиб олдим. Билим дегани бир гранит қоя эканки, уни одам умрбод кемириб ўтиши керак экан. Мана, 30 йилдирки, ҳамон кемириб ётибмиз.

— Рус революцион-демократ танқидчиларининг ижодингизга таъсири қандай бўлган! Сиз аини замонда Белинский, Добролюбов асарларининг таржимонларидан бири сифатида ҳам эътироф этиласиз...

— Устозлар ҳақида гап кетганда, мен рус революцион демократларини ва, айниқса, Н. А. Добролюбовни тилга олмай ўтсам бўлмас. Уларнинг китоблари бамисоли бир хазина, хазина бўлганда ҳам туганмас хазина. Мен 1957 йилда Добролюбов мақолаларини таржима қилдим ва унинг танланган асарларини нашрга тайёрлаш бахтига муяссар бўлдим. Шунда мен бу даҳо йигитнинг ички лабораториясига яқиндан киргандай бўлдим; унинг ғоялари оҳанрабоини яқол ҳис қилдим. Уша йиллардаги баъзи бир мақолаларимда ҳатто Добролюбовга ошкора тақлид қилишга уриниш бор. Ҳозир ҳам устозларим кўп. Европа олимлари ичида ҳам, рус совет адабиётшунослари орасида ҳам. Бугун ўзим қатори қалам тебратаетган ўзбек мунаққидларидан ҳам анча нарса ўрганилман.

Адабий танқид — мангу синов. Унга илова қилиб, ижод бутун умр давомида амал қиладиган шогирдлик ҳамдир деса бўлади.

— Ўзбек ёзувчиларининг танқидчилик фаолиятингиздаги роли қандай! Мен шеърят ҳақидаги айрим мақолаларингизда хассос шоир ва олим Мақсуд Шайхзоданинг илмий асарларига хос эҳтирос изларини сезгандек бўлган эдим... Бу гапни айтишимга сабаб яна шу нарсаки, айрим ҳам-

касбларимиз ёзган мақолаларни ўқиганда одам жуда қийналиб кетади. Мазмунни, янгича нигоҳни-ку қўяверайлик, фикр ифодасида ҳам шира, эҳтиросни излаб тополмайсиз...

— Менинг танқидчи сифатида шаклланишимда ўзбек адаблари ва шоирларининг роли бени-ҳоя катта, албатта. Мана, ёш ҳам бир жойга бориб қолди, ижод оламига кириб келганимга ҳам ўттиз беш йил бўлди. Шу йиллар мобайнида ўзбек ёзувчиларининг кўпчилиги билан бирда ота-боладек, бирда ака-укадек, бирда устоз ва шоғирддек муомалада бўлиб келдим. Шу йиллар мобайнида менга куч берган ҳам, қўллаб-қувватлаган ҳам, хатолар ва адашишлардан огоҳ қилган ҳам, жамики ишларимдан хабардор бўлиб мени парваришлаб келганлар ҳам шулар. Ўзбек ёзувчиларисиз мен ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Улар ичида биринчи устозим деб Абдулла Қаҳҳорни биламан. Бу тўғрида матбуотда бир неча маротаба ёзганим учун, бу ерда батафсилроқ тўхтаб ўтирмайман.

Менинг адабий танқид билан жиддийроқ шуғулланишимга биринчи бўлиб ундаган, ундаганина эмас, тепамда туриб, биринчи жиддий мақоламни ёзишга мажбур қилган, кейин кўриб чиқиб, маслаҳатлар берган, мақола узил-кесил тайёр бўлгач, уни «Шарқ юлдузи» журналига жўнатган, мақола эълон қилинган, мен билан баравар қувонган одам Пиримқул Қодиров эди. Гап «бадий таржиманинг баъзи принциплари» деган мақола ҳақида кетяпти. Бу воқеа 1953 йилда содир бўлган эди. Ушанда мен Москвада Жаҳон адабиёти институтида аспирант эдим, Пиримқул эса СССР Ёзувчилар союзида ўзбек адабиётидан консультант ва айни чоқда, Адабиёт институтида аспирант эди. У тез-тез бизнинг ётоққа келиб турар, мен ҳам унинг уйига бориб туршиши қанда қилмасдим. Биз нима мавзуларда гаплашмайлик, Пиримқул гапни айлантириб, нега ёзмаслигим масаласига бурарди. Ва ҳар гал жуда қатъий оҳангда ёзишим кераклигини таъкидлар эди. Очиғини айтганда, Пиримқулни кўп жавратмаслик учуноқ боёғи мақолани ёзишга киришдим. Аммо мақолани ёзиш жараёнида бу иш ўзимга ҳам жуда ёқиб қолди. Айниқса мақола босилиб чиққан, Тошкентдан, журнал редакциясидан, баъзи бир ёзувчилардан мақола муайян қизиқиш уйғотгани ҳақидаги хабарларни эшитиб, анча кўнглим кўтарилди. Шундай қилиб, Пиримқул мени танқидчи сифатида йўргаклаб олган эди, десам бўлади.

Кейинчалик Тошкентда Мамарасул Бобоев, Миртемир, Зулфия каби шоирлар билан, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад каби прозаиклар билан дўстлашиб қолдим. Улар ва яна анча-мунча бошқа ёзувчилар менинг танқидий фаолиятимнинг рўёбга чиқишида катта роль ўйнаган. Мен ҳозирга қадар носир ва шоир дўстларимнинг менга хайрихоҳ муносабатини жуда қадрлайман.

— Чинакам ижод табиатида турғунлик, ҳамма кўникиб қолган шаблон — схемаларини инкор этиш, яхши маънодаги исёнкорлик мавжуд бўлади. Адабиёт оламида бунга минглаб мисоллар келтириш мумкин. Лоқаал Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфиларнинг шеърят оламига кириб келишини ёки ҳозир фаол ижод қилаётган Мухаммад Солих, Шавкат Раҳмон, Усмон Азимовлар ижодини эслаш kifоя. Шу маънода мен 50-йилларнинг иккинчи ярмида ёзилган лирика ҳақида мақолаларингиз ва «Замон, қалб, поэзия» тўпламинингиз ўзига хос жасорат намунаси деб биламан. Унда сиз танқидчиларимиздан биринчи бўлиб шеърятдаги қуруқ риторика, дабдаба-бозлик, қофиябозликка қарши, китобийликка қарши ўт очган ва адабиётда истеъдодсиз одамларга ўрин йўқлигини исботлаб берган, ҳатто казо-казо шоирлар, ижодидан мисоллар келтириб, улар шеър эмаслигини дангал айтган эдингиз. «Тўғри гап туққанингда ҳам ёқмайди» деган гап бор. Бундай адолатли аччиқ гаплар қандай реакция берганини бугунги кунда биз фақат тасаввур қила оламиз. Сиз эса ўз нуқтан назарингизни ҳимоя қилиш учун мурасасиз курашгансиз. Бу осон бўлмагандир! Ахир шу йилларда «болта кўтариб» тикка ташланганлар ҳам кўп бўлган чиқар!

— Албатта, дўстларимнинг кўпчилигига, уларнинг доимий маърадага қарамасдан, менинг ижоддаги йўлим силлик, равон, осон кечган эмас. Бу йўл поёндошлар тўшалган йўл эмасди, менга кам гул тутишган, менга кўпроқ гулнинг тикани насиб бўлган. Мени кўп марта матбуот орқали ёки ҳар хил адабий анжуманларда танқид қилишган. Бу, албатта, табиий ҳол — ижодда доимо тортишувлару баҳслар, мунозаралар бўлиб туради, доимий равишда фикр алмашув жараёни давом этади ва шундан ҳақиқат туғилади. Аммо анча-мунча ҳолларда танқид никоби остида очикдан-очик мени ёмонотлик қилишга, йўқ гуноҳларни устимга ағдарिशга уринишлар бўлган. Бундай танқидчилар кўпинча жазавога тушиб кетиб, таънаю дашномларда ҳар қандай чегарадан чиқиб кетишади ва шунақа бемаъни гапларни айта бошлашадики, улар билан мунозара қилиб ўтиришга ҳам ҳожат қолмайди. Мен бундай ночор ва ношуд «танқидчилар»га рўпара келганимда, уларга ачиниб кетаман. Аммо бошқа бир тоифа танқидчилар бор — бундай танқидчилар сира ҳам юзма-юз майдонга тушишга журъат этолмайди. Ўз даъвосини кўпчилик олдида рўйи-рост айтмайди, бунинг устига орқаворотдан «фалончи ундай экан», «фалончи бундай экан» деган иғволар тарқатади. Яна бир тоифа адабиётчилар борки, улар янада усталик билан иш тутишади — ундайлар роса пайт поилашади ва ўрни келганда бирор «сиёсий айб»ни тақишади-ю, сизни жамоатчиликка ёмон кўрсатишади. Бундан ташқари, сизни кўрқитиб, ўзларига тобе қилиб олишга, айтган йўлларига юришга мажбур қилишга уринишади. Адабиётга янги кириб келган кезларимда шундай бўлган эди. Эндигина бир-иккита мақолам чиққан, бир кунги поэзия секциясининг бошиғи Мамарасул Бобоев мени чақириб олиб, бир шоирнинг танланган асарлари қўлёзмаси ҳақида доклад қилишни менга топширди. Ҳали ёшман, яъни ғўрман, бировни танқид қилсам, оқибати ёмон бўлиши мумкин, деб ўйлашни билмайдиган пайтларим. Хуллас, докладда қўлёзма сира аямасдан танқид қилинди. Албатта, мен ҳар бир танқидчи мулоҳазани фактлар билан далиллашга, исбот қилиб беришга уринган эдим. Доклад «қўлёзма босиб чиқаришга ярамайди» деган хулоса билан тугалланди. Докладнинг хулосасини тўғри деб топширди. Ҳеч ким унга қарши чиққани йўқ. Мен ҳам ўша кунги Ёзувчилар союзидан ўз вазифасини дўндириб адо этган одамдай мамнун бир ҳолатда кетган эдим. Кейин бир неча муддат юрагим пўкиллаб юрди. Ҳар ҳолда таниқли бир шоирнинг бутун ижодини «бўлмайдиганга» чиқардим, қандоқ бўларкин? Йўқ, ҳеч нарса бўлмади. Орадан бирор йил ўтгандан сўнг ўша «Танланган асарлар» деярли ўзгаришсиз нашр этилганини айтмаганда, ҳеч нарса бўлмади. Мен ҳатто танқидга бунақа мардона муносабатни кўриб, ўша авторга ҳурматим оша бошлади. Момақалдиروқ сира кутилмаганда гумбирлади. Орадан анчагина вақт ўтгач, Ўзбекистон зиёлиларининг қурултоли бўлди. Бу анжуман нечоғлик мўтабар эканини, унга ўзбек зиёлиларининг гули тўпланганини айтмас ҳам бўлади. Мажлис давомида ўша қўлёзмаси ҳақида мен доклад қилган шоирга

ҳам сўз берилди. У гапи давомида бирдан мени тилга олди. Нима деди денг? «Еш танқидчи фалончи фистончиев фаол ишлаяпти-ю, аммо адабиётни танқид қилишга берилиб кетяпти. У адабиётимизнинг ютуқларини кўролмапти. Унда нигилизм кучли!» Бу сўзларни қўштирноқ ичига олган бўлсам-да, улар стенограммадан олинган цитата эмас. Мен нотиқ гапининг мазмунини айтаялман. Кўриб турибсизки, бу танқид эмас эди. Чунки «нигилист» дегани ошкора сиёсий айб эди. Совет маданиятининг, совет тузумининг ютуқларини кўролмай, уларни камситадиган, уларга атайин қора суркайдиган одам шундай деб аталади. Мажлисда ҳеч ким нотиқни қўллагани ҳам, маъқуллагани ҳам йўқ. Лекин шунга қарамай, муайян доираларда анча йилгача шу тамға ортимдан соядек эргашиб юрди. Менга тааллуқли бирор масала ҳал қилинадиган бўлса, ҳал қилувчи ўртоқ «фалончиев дейсизми? Бу қайси фалончиев?» деб сўрайди. «Қайси бўларди, анави нигилист-да» — деб жавоб беришади. «Келинг, қўйиб тулинг ўшанингизни», деб хулоса чиқарилади. Шу тарзда мени «қайриб» олишга уринишлар кўп бўлган. Мени ғоясизликда ҳам айблашган, миллатчи деб ҳам кўришган, кимларнингдир дули деб аташган ва ҳоказо...

Бундай одамлар курашда доимо фирром йўллардан боришади. Яна бир мисол: биламиз, Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедияси қўйилгандан кейин бир ярим йил ўтгач, унинг тўғрисида кескин танқидий мақола эълон қилинди. Бу мақола назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам нотўғри эди. Бу адолатсизлик билан ёзилган, нима қилиб бўлса-да, Абдулла Қаҳҳорга қора чапаш мақсад қилиб олинган эди. Мақоланинг охирида менинг шаънимга ҳам жуда қаттиқ гаплар айтилган эди. (Менинг комедия ҳақидаги «Ғазабли қақҳаха» деган тақризим муносабати билан). Табиийки, «замона зўрники» деб қилинган бунақа «ҳужумлар» сира ҳам асабни мустаҳкамлашга хизмат қилмади. Мен Ёзувчилар союзига мурожаат қилдим — мудҳиш бир адолатсизлик рўй берганини, мақола бошдан-оёқ бўхтондан иборат эканини айтиб, уни ошкора муҳокама қилишни талаб қилдим. Ушанда имоним комил эдики, муҳокама ўтказилса, адабий жамоатчилик мақоланинг ҳақиқий баҳосини берарди. Союзимизнинг ўша пайтдаги раҳбари менинг қўйинини пуч ёнгоққа тўлдириб чиқариб юборди. У муҳокама масаласини ўйлаб кўриш кераклигини айтди-ю, аммо бу масалага қайтмади.

Ҳозир замон ўзгарди — ошкоралик, демократия замони бошланди. Албатта, эндиликда бунақа инсофсизликлар анча барҳам топди. Аммо улар бутунлай йўқолди деб қувонишга ҳали эрта. Ҳозир ҳам аҳён-аҳёнда бўлса-да, танқиддан субъектив мақсадларда фойдаланиш, уни бировдан ўчи олиш қуролига айлантириш ҳоллари учраб турипти. Масалан, 1987 йилда эълон қилинган «Адабиёт ва санъат» деган тўпламда Асқарали Шароповнинг мақоласи бор. Мақола автори танқидчи Абдуғафур Расулевнинг «Танқидчилик уфқлари» деган китобини танқид қилиб, чангини чиқариб юборган. Мен бу ўринда Асқарали Шаропов билан мунозарага киришмоқчи эсаман — буни бошқа жойда, бошқа муносабат билан қилармиз. Ҳарҳолда, А. Шароповнинг «танқид»ида холисликдан кўра бошқа ниятлар кўриняпти, шекилли.

Мен юқорида босиб ўтилган йўлнинг баъзи бир мушкулотларини тилга олар эканман, буни «кўриб қўйинглар бизни» деган мақсад билан мақтаниш учун қилганим йўқ. Қайта қуриш даврида биз босиб ўтилган йўлни муфассал таҳлил қилиб, ундаги ижобий тажрибани қабул қилиш билан бирга, ўсишимизга халақит берган, оёғимизга кишан бўлиб осилиб турган, асабимизни бузиб, саломатлигимизни кемирган барча иллатларни итқитиб ҳам ташлашимиз керак. Танқидчилигимиз ҳам эртанги кунга ҳамма қирларидан покланиб кирсин.

— Бадийий ижод соҳасида муваффақият қозона олмаган одамлар танқидчи, адабиётшунос бўлади деган гап бир вақтлар қулоғимга чалинганда очигини айтсам, ҳафз бўлган эдим. Ҳарҳолда ҳар бир касб, ҳунарнинг ўзига хос сир-асрори, баланд-пасти бўлади. Адабий танқидчи бўлиш — баъзилар ўйлагандек жудаям осон эмас: гўё сен ҳаммадан баланд турасан, ёзувчилар, шoirлар ҳукминига мунтазир; хоҳласанг кўкка кўтариб қўясан, хоҳласанг ерга уриб чил-парчин қиласан... Менга қолса, «Чидаганга чиқарган» деган гап айнан танқидчилик ҳақида айтилгандек туюлади.

— Гапингиз жуда тўғри, Ортиқбой! Адабий танқид адабиётнинг ўзига хос мустақил соҳаси эканини, танқидчи бўлиш осон иш эмаслигини мен авваллари ҳам бир неча марта таъкидлаган эдим. Баъзилар «танқидчи ўзи асар ёзолмайди-ю, бошқаларнинг ёзгани ҳақида фикр юртади», деб таъна қилишади. Бундайларга нисбатан бир танқидчи «қуймоқнинг яхши-ёмонлигини айтиш учун одам ўзи тухум қилиши шарт эмас» деб жавоб берган экан. Бу — ҳазил, албатта. Аммо чинига кўчсақ, кўрамизки, адабий танқид бадийий ижоднинг энг қийин соҳасидир. Танқидчи бўлиш учун ўзига хос бетакдор истеъдодга, юксак дидга, ўткир қаламга эга бўлиш керак. Афсуски, бизда танқиднинг муқаддаслигини, мураккаблигини унча тушунмайдиган ёки тушунишни истамайдиган «танқидчилар» ҳам кўп. Улар танқидчининг ишини жуда жўн тасаввур қилишади — бирон асарни ўқиб чиқишади-да, унинг мазмунини баён қилиб беришади ва «асарнинг фалон жиҳати актуал аҳамиятга эга», сюжети пишиқ, ўзи яхши деб ёхуд, аксинча, чўзилиб кетган, фалон воқеаси ортиқча, фалон қаҳрамон керак эмас, деб ҳукм чиқаради. Табиийки, бунақа танқиддан на ёзувчига, на китобхонга фойда бор. Бунақа «танқидчи» ҳеч кимнинг ҳурматини қозона олмайди ҳам.

Ҳақиқий танқидчи бадийий асар бағрига яширинган чинакам гўзалликнинг кашшофи бўлиши керак. Бу гўзаллик асарда олға сурилган янги ва дадил фикрда ҳам, китобхонни олға етакловчи умумлашмаларда ҳам, унинг тўқимасига сингиб кетган нафосатда ҳам мужассам топган бўлади. Табиийки, бундай кашшоф бўлиш учун чуқур билимга ва ўткир фикрга эга бўлиш шарт.

Ҳозир танқидчилик касбини энг қийин касблардан бирига айлантирган яна бир омил ҳақида гаплашайлик. Ёзувчи ҳам, танқидчи ҳам ижодкор бўлсалар-да, уларнинг ўртасида катта фарқ бор: ёзувчи асарини кўпчиликка атаб ёзади, китобхон уни ўқийди, унинг фикрларига қўшилади ё қўшилмайди, ўзича мулоҳаза юртади, муайян хулосалар чиқариб олади. Танқидчининг иши бошқачароқ. У ёзилган асарни таҳлил қилар экан, унинг фазилатларини мақтайди, ўзига нуқсон бўлиб-тўйилган ўринларни танқид қилади. Қизиғи шундаки, унинг мақтовчи асар авторида, албатта, ижобий эмоциялар кўзғайди — мақтов ҳаммага ҳам ёғдай ёқади, аммо танқидий фикрлари ёзувчининг ғазабига сазовор бўлади. Унинг сочи тик бўлиб, танқидчини чангитиб сўка бошлайди, уни нодонликда, адабиётни тушунмасликда, бағри тошлиқда, қора юракликда ва ҳоказо ва ҳоказо гуноҳларда айблайди. Шунчаки айблаб қўяқолса ҳам майли-я, уни ўзининг энг ашаддий душмани деб ҳисоблай бошлайди, ҳар мажлисда унинг шаънига эғир ботадиган гаплар айтади, очиқ хатлар

ёзиб, бўлар-бўлмас айблар ёғдиради. Бундай ҳужумларга бардош бериш жуда қийин, албатта. Уларнинг таъсирида бир томонлама бўлиб қолиш, фақат мадҳи сано айтиш йўлига ўтиб олиш осон. Аммо танқидчига ҳурмат олиб келадиган фақат бир нарса бор — у ҳамиша объектив бўлиши, ўз қаламини ҳалоллик билан тебратиши керак. Ҳар қанча қийин бўлмасин, у ҳақиқатни гапириши, адолатли бўлиши шарт. Танқидчи ҳақиқатнинг фидокор хизматкори бўлгандагина майда-чуйда имтиёзлар учун, ўткинчи мукофотлари рағбатлар учун товусдек товланавермасдан, принципиал мавқеларда изчил тура олсагина унинг овози муайян салмоқ касб этади. Бу эса жуда қийин, бутун умрни талаб қилади. Шундай қилиб, танқид умрбод давом этадиган синовдир.

— Ҳозир қайта қурш шабадалари ҳаётиимизнинг барча соҳаларига янги ҳаво олиб кирмоқда. Турғунлик йилларида депсиниб қолган барча муаммолар баралла муҳокама қилинмоқда, уларни бартараф этиш йўллари изланмоқда. Лекин муаммолар шунчалик кўпки... Келинг, адабиёт соҳасида кўнглимизда тугун бўлиб ётган масалалар унда гаплашайлик. Бугунги ошкоралик ва демократия замонида танқидчилигимиз олдида турган эг дорларб вазифа нима деб ҳисоблайсиз!

— Кейинги пайтларда ўзбек танқидчилиги ҳақида жуда кескин фикрлар айтиш расм бўлиб бораёпти. Ҳатто уни адабиётимиздаги ҳамма нуқсонларнинг ягона сабабчиси сифатида кўрсатишга уринувчилар ҳам бор. Баъзи бировлар эса турғунлик йилларида содир бўлган ҳаётдаги кўпгина салбий ҳодисаларни ҳам адабий танқиднинг пассивлиги, унда офаринбозликнинг авж олгани билан изоҳлашдан тоймайди. Тўғри, адабий танқидчилигимизда нуқсон кўп. Ҳақиқатан, турғунлик йилларида унинг нуқсонлари жиддий иллатларга айланиб кетди — танқид ўзининг гражданлик позициясини бой бера бошлади, унинг ижтимоий-эстетик миссияси анча сусайиб қолди, айрим нопок «танқидчилар» эса танқидни хушмад ва лаганбардорлик қуролига айлантириб, ундан таъмагир ниятларда фойдаланиш авж олди. Булар ҳаммаси тўғри, лекин шу билан бирга танқидни ҳамма иллатларнинг ягона сабабчиси қилиб кўрсатиб бўлмайди. Ҳамма иллатлари ва нуқсонларига қарамай, ўзбек танқидчилиги турғунлик йилларида йўқолиб кетди ёки ривожланишдан бутунлай тўхтаб қолди деб бўлмайди. Ўзбек совет танқидчилиги халқимиз революция туфайли эришган жиддий ютуқлардан биридир. Тўғри, унинг тараққиёт йўли осон кечгани йўқ — унда драматик саҳифалар; қайғули адашишлар, аламли йўқотишлар кўп бўлган. Лекин шундоқ бўлса-да, танқидчилигимиз машаққатларни, хатоларни енга бориб, адабиётимизнинг мустақил соҳаларидан бири даражасига кўтарилди. Турғунлик йилларида ҳам танқидчиликнинг олға силжиши тўхтаб қолгани йўқ — жуда оз миқдорда бўлса-да, адабий жараёнга фойдаси тегадиган, китобхонларнинг дидини, адабиёт ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришда ижобий роль ўйнаган танқидчилар ва танқидий асарлар бор эди. Жумладан, 1967 йилда босилган «Адабиётимизнинг ярим асри» деган тўплам ёхуд «Инқилоб ва адабиёт» деган китоб шундай асарлар жумласидандир. Лекин шу айрим ютуқларга қарамай, биз танқидчилигимизнинг умумий аҳволидан мамнун бўлолмаймиз. Ҳали адабий жараённинг деярли ҳамма муаммолари ўзининг танқидчисини кутиб ётибди. Танқидчилигимиз ҳамон бир қобикқа ўралиб яшаяпти. Биз фақат ўзбек адабиётига тааллуқли жузъийроқ масалалар билан ўралашиб қолиб, иттифоқ миқёсига деярли чиқмаяпмиз. Мен бу ўринда албатта Москвада мақола ёхуд китоб эълон қилишни назарда тутаяётганим йўқ. Асаримиз қаерда эълон қилинишидан қатъи назар унда бутуниттифоқ адабиёти учун муҳим бўлган салмоқли мазмун, ўткир ва самарали фикрлар бўлмағи зарурлигини кўзда тутяпман. Ҳа, бугунги танқидчилигимизда жуда кўп нуқсонларни туғдираётган, унинг тез илгариласига жиддий халақит бераётган бош сабаб — фикрнинг дефицитлигидир. Танқидчилигимизда воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятига кириб борувчи, ҳаёт ва адабиётдаги инсоннинг муҳим маънавий-психологик муаммоларини замон контекстида бутун мураккаблиги билан очиб берувчи бақувват умумлаштирувчи қувватга эга бўлган, ёзувчини ҳам, китобхонни ҳам ўйлашга ундовчи оригинал, мустақил, самарали фикр йўқ ҳисоби. Шунинг учун ҳам танқидий асарларимиз муттасил босилиб турганига қарамай, унинг фойдали ҳаракат коэффициенти деярли нолга тенг.

Хўш, нега шундай? Ахир ўзбек танқидчилари орасида чинакам истеъдод эгалари ҳам кам эмас-ку? Бунинг устига улар салмоқли ижодий тажрибага эга, билимлари ҳам анча-мунча пухта. Нега шундай бўлатуриб, ҳар қандай танқидий асарнинг бирламчи негизини ташкил қилувчи фикр бобида бу қадар кескин танқислик мавжуд? Бунинг боиси бор, албатта. Назаримда биз танқидчилар учун ички эркинлик етишмайди. Ҳа, биз ёзаётганимизда адабиётга алоқадор масалалардан ташқари яна минг хил нарсани ўйлаймиз ва энг муҳими, «фалон нарсани фалон десак, охири нима бўларкин?» дегандан бир нарса чиқмасмикин? Муҳаррир қандай қараркин? Ёзганимни ўтказармикин? Йўқми?» деганга ўхшаган хавотирликлар кўнглидаги гапларни руй-рост айтишга йўл қўймайди. Яқинда бир редакцияда шундай воқеа бўлди: «муҳаррир ўзига қалтисроқ туюлган бир асарни босишдан бош тортиди ва буни шундай изоҳлади: «Ҳеч ким биздан фалондай асарни нега босмадинг деб таъна қилмайди, лекин бунақа асарни нега босдинг дейдиганлар албатта топиллади». Афсуски, бизнинг кўрқоқчилигимиздангина далолат берувчи бундай мантиқ фақат муҳаррирларгагина хос эмас. Ҳар биримизнинг ичимизда шунақа бир муҳаррир ўтиради ва у ҳамиша жиловимиздан маҳкам тортиб туради.

Бундай журъатсизлик, оригинал ва кескин фикр айтишдан қочиниш, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмай иш юритишга мойиллик, ички эрксизлик муҳит ва шароитнинг забонсиз муте бир қули тарзида фикрлашдан нарига ўтмаслик ва ўтолмаслик ижодкорда шахсга сиғиниш туфайли туғилиб, қон-қонига сингиб кетган хусусиятдир.

Лекин шахсга сиғинишнинг жамики зарари, даҳшатли оқибатлари миллионлаб одамларнинг қамалгани-ю, ҳалок қилингани эмас. Шахсга сиғиниш қамалмай очикда қолган одамларни ҳам четлаб ўтгани йўқ — уларни ҳам руҳан майиб қилиб кетди. Утган йили атоқли совет ёзувчиси Анатолий Рибаконинг «Арбат фарзандлари» деган романи эълон қилинди. Бу асар фақат адабиётда

эмас, умуман, ижтимоий-маданий ҳаётимизда жуда катта воқеа бўлди. Менимча, бу асарда аввалги кўп асарлардан фарқ қилароқ, Сталиннинг том маънода тўла қонли, кўпқиррали бадий образи яратилган. Унда репрессияларга мурожаат қилишнинг ижтимоий ва субъектив сабаблари психологик жиҳатдан чуқур далиланган ҳолда очиб берилган. У 20-йилларнинг бошида давлат тепасига келиши биланоқ ҳокими мутлақлик учун кураша бошлаган. Табиийки, мустақил фикрлашга ўрганиб қолган ва ўз фикрини ҳар қандай шароитда ҳам рўйи-рост айтишдан чўчимайдиган одамлар — Ленин гвардиясининг жангчилари унга ўз ҳокимиятини ўрнатишда жиддий халақит берардилар. Шунинг учун Сталин ишни уларни тор-мор қилишдан бошлади. Кейин тарихни қайтадан тўқиб-бичиб чиқди, революция ишида хизмати синган кўпгина одамларнинг номини ўчириб, уларнинг ўрнига ўзининг номини қўйиб чиқди. Кейинчалик эса, мустақил фикрлаши мумкин бўлган зиёлиларнинг қайси тоифага мансублигидан қатъи назар, кўпини репрессияга дучор қилди. Репрессия балосидан фақат русларгина эмас, украин ва белоруслар ҳам, грузин ва озарбайжонлар ҳам, ўзбек ва қozoқлар ҳам, бошқа халқлар ҳам катта талофат кўришди. Афтидан, унга оғзидан чиққан ҳар бир гапни маъқуллаб турадиган, ҳар қандай мустақил фикрдан маҳрум бўлган, «ўйлаб нима қиламан, мен учун Сталин ўйлаётган-ку!» деган принцип билан ҳаёт кечирадиган, ҳар қандай фармонни ўйлаб-нетиб ўтирмасдан қойиллатиб ўринла-тадиган, яхши кўриниш учун дўппи олиб кел деса, каллани олиб келадиган одамлар керак эди. Бундай шароитда руҳият масалалари орқага чекинади, виждон ҳайқирғи сусаяди. Фақат қорин ташвиши, нима қилиб бўлса-да, тирик қолиш ташвиши биринчи ўринга чиқади. Бундай шароитда манқуртлар урчиди, Сталин репрессиялардан ташқари мамлакатнинг ҳар гўшасида кўрқув ҳукмрон бўлишига интилган ва бунга эришган ҳам. Бу йилларни ҳеч иккиланмай, «кўрқув салтанати» деб атаса бўлади. Шуниси қизиқки, кўрқув туйғуси катталарнигина мажруҳ қилиб кўя қолмаган, балки 30-йилларда ва ундан кейин болаларнинг ҳам вужуд-вужуди га сингди. Қандай қилиб дейсизми? Мана бундай қилиб: мен мактабда ўқиб юрган йилларимдаёқ, бувимдан ҳам, онамдан ҳам битта гапни кўп эшитардим: «эҳтиёт бўл, душманинг кўп, улар пайингни қирқишади!» Мен бу гапларга қулиб қўяқолардим — ёш боланинг қанақа душмани бўлади? Яна ҳар қадамда «тилингга эҳтиёт бўл, дилингдагини юзага чиқарма, бу замонда чап кўзинг ўнг кўзингга душман, деворнинг ҳам кулоғи бор, ишонмагин дўстингга, сомон тижар пўстингга» қабиллидаги гаплар янграб турарди. Буларнинг бари бирлашиб, аста-секин мияга сингиб борар ва ҳуда-беҳудага қамалганлар ҳақидаги хабарлар қўшилиб, кўрқув туйғусини қалбдаги ҳукмрон туйғуга айлантирарди. Шу тарзда ҳали оқни қорадан тузукроқ ажрата олмайдиган мурғак бола ҳам ҳар бир гапида, ҳар бир ишида эҳтиёт бўлишга, ҳа-диксирашга, кўп гапини юзага чиқармай, ичига ютишга мажбур бўларди.

Вақти-соати келиб, шахсга сиғиниш фoш қилинди, Сталин даврида йўл қўйилган адолатсизликларга барҳам берилди, ҳаётимизда ленинча нормалар қайта тиклана бошлади. Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Лекин юқорида кўрганимиздек, шахсга сиғинишнинг ҳужайраларга сингиб кетган жиҳатлари борки, уни йўқ қилиш осон кўчаётгани йўқ. Мана, шахсга сиғинишнинг фoш қилинганига 30 йилдан ошмоқда. Қайта қуриш даврига қадам қўйганимизга ҳам икки-уч йил бўлиб қолди. Лекин шунга қарамасдан, фикрлашдаги маҳдудлик, ички эрксизлик аввалги кучида тўла сақланиб қолган бўлмаса-да, ҳамон яшашда давом этяпти, ҳамон ички муҳаррир тизгинимизни бўшатмай тортиб турибди. Афтидан, бундан қутулиш жараёни анча чўзиладиганга ўхшайди. Ҳарҳолда, биз манқуртлик иллатидан бутунлай қутулмай туриб, ичимиздаги «қул»ни жиндай-жиндайдан ситиб чиқармай туриб, том маънодаги руҳий эркинликка эриша олмаимиз. Бусиз эса, бемалол эркин фикрлаш ҳам йўқ. Буларга демократияни изчиллик билан ривожлантириш орқали эришилади. Шахсга сиғинишга қарши кураш ҳам яна давом этиши керак. Буни таъкидлаётганимнинг сабаби шундаки, биз бу курашни сабабсиз бўшаштириб юбордик. Ҳатто 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, матбуот саҳифаларида, китобларда яна «шахсга сиғиниш» деган ибора учрамай қолди — уни тилга олиш ман этилди. Энди ҳозирги ёшларнинг аҳволини олинг. Улар «шахсга сиғиниш нима, унинг моҳияти қанақа, оқибати нима бўлди?» деганга ўхшаш масалалардан бутунлай беҳабар. Бу гаплар лекцияларда айтилмайди, айtilса ҳам, узук-юлуқ тарзда, қимтиниб туриб айtilлади; китобларда ёзилмайди, дарсликларда тилга олинмайди, ҳолбуки, бугунги иллатларнинг илдизи кўп ҳолларда шахсга сиғинишга бориб тақалаяпти-ку! Бинобарин, бу масаладаги тарғибот, тажрибот ишларини сира ҳам йиғиб қўйиб бўлмайди. «Коммунист» журналининг 1987 йил 7-сониде шувиноҳларнинг хатларига обзор берилган. Хатлардан бирида КПСС Марказий Комитетининг «Шахсга сиғиниш масаласи»да чиқарган маълум қарорини бугун янги таҳрирда қабул қилиш зарурлиги айtilган. Бу фикрга тўла қўшилиш керак.

— Чингиз Айтматов «Огонёк» журналидаги суҳбатида узоқ вақтлар миллатлар ўртасидаги муносабатлар тилга олинмай келингани ва оқибатда биз кўп нарсаларни йўқотганимизни афсус билан таъкидлади. Бу суҳбатни яқингинада «Литературная газета» саҳифаларида Янис Петерс ҳам эслаб ўтди. Миллатлараро чинакам ленинча дўстлик — интернационализм энг аввало тенглик — бир-бирини ҳурмат қилиш асосидагина ривожланади. Бу ўринда миллатларни бир-бири билан туташтирувчи тилга муносабат ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аммо тил соҳасидаги ишларимиз, айниқса, она тилига эътибор етарли деб бўлмайди.

— Тўғри айтасиз, тил борасида, тил маданияти, тилга муносабат масалаларида гаплашиб оладиган муаммолар кўпайиб қолган. Турғунлик-йилларида тил соҳасида ҳам анча-мунча салбий ҳодисалар содир бўлди. Тил ҳўжалигимиз қаровсиз қолди. Тасодиф эмаски, бундан чорак аср муқаддам тил соҳасидаги ноҳуш ҳодисалардан ранжиган Абдулла Қаҳҳор ташвиш билан ёзган эди: «Кўчада бирон кимса ҳаракат қоидасини бузса, дарҳол милиционер ҳуштак чалиб тўхтади, аммо бутун бошли бир халқ тилининг қоидалари бузилса, бунга менсимай муносабатда бўлса, ҳеч кимнинг парвойига келмайди». Чиндан ҳам, тил соҳасидаги лоқайдлигимиз, баъзан эса, сохта фаоллигимиз шундай оқибатларга олиб келдики, улар умумий маданий ривожимизга жуда катта салбий таъсир қўрсатмоқда. Бугунги қайта қуриш даврининг руҳи уларга барҳам беришни тақозо этмоқда. Ҳар ҳолда, тил ҳўжалигимизда ҳам қайта қуриш лозим бўлган анча-мунча масалалар бор.

— Мен кейинги 20—30 йил ичида она тилимизнинг қадр, аҳамиятини тарғиб қилувчи бирон жиддий асар эълон қилинганга ёки катта бир йиғилиш ёки тадбир ўтказилганга эслолмайман.

— Гапни рус тилидан бошлай қолайлик. Бугунги кунда республикамызда рус тилининг аҳамиятини тушунайдиган одам йўқ дейиш мумкин. Биз рус тилини ҳақли равишда иккинчи она тилимиз деб биламиз. Бизнинг кўпмиллатли мамлакатимизда рус тили аллақачон халқлар дўстлигининг қудратли куралига айланган. Халқлар рус тили орқали ўзаро алоқа қилади, бир-бирининг маданият-маънавий бойликларидан баҳраманд бўлади. Бугунги кунда одам қайси соҳада ишлагани, рус тилини билмас, ўз соҳасида бирон-бир жиддий муваффақиятга эриша олмайд. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўзбек учун рус тилини мукамал билиш ҳам фарз, ҳам қарз, катта ҳаётий зарурият. Аммо, афсуски, биз турғунлик йилларида рус тили ҳақида узундан-узқ маърузалар қилиб, унинг шаънига мақтовлар ёғдириб юраверган эканмиз-у, амалда рус тилини ўрганиш ўлда-жўлда экани парвойимизга ҳам келмаган экан. Бу соҳада ҳам, бошқа кўп соҳалардагидек, гапимиз бошқа-ю, ишимиз бошқа экан. Бугунги ёшлар ўртасида, айниқса, қишлоқ ёшлари ўртасида рус тилини «тоя, моя» даражасидан ортиқроқ биладиганлари, фикрини рус тилида оғзаки ва ёзма тарзда бемалол баён қилиб берадиганлари жуда кам. Шуниси ачинарлики, ҳатто олий ўқув юрти талабалари ўртасида ҳам рус тилида бемалол китоб ўқий оладиганлари жуда кам. Бу муаммонинг қирралари кўп. Мен бу ўринда улар ҳақида батафсил гапирмоқчи эмасман. Мен фақат бир масалага диққатни жалб қиламан. Биздаги ёшларнинг кўпчилиги ўрта мактабни тугатган ёхуд махсус ўрта билим юр-ларини, ҳар хил ҳунар-техника ўқув юр-ларини битирган. Бинобарин, улар ўн йил давомида рус тилидан таҳсил кўрган. Шундай экан, нега энди кўпчилик ёшлар рус тилини яхши билмайди? Бунинг сабабларидан бири шундаки, биз рус тилини ўқитиш соҳасида аллақачон эскириб кетган самарасиз методлар асосида иш олиб борамиз. Ўқитиш методимиз ҳам эски, ўқув планлари ҳам эски, ўқув қўроллари, дарсликлар ҳам эски. Улар тилни йиллар мобайнида шошилмай, аста-секин ҳижолаб ўрганишга мўлжалланган. Ҳолбуки, бугунги кунда илм-техника ривожланган бир шароитда, тил ўрганиш борасида кўп-кўп техник воситалар майдонга келган, компьютерлар, телевидение хизматига шай турган шароитда ўртача қобилиятли одам истаган тилни бир-икки йил ичида ўрганиб олиши мумкинлиги исбот қилинган. Афсуски, булар тўғрисида гап кетганда мутасадди муассасалар кулоқларига пахта тиқиб оладилар. Ҳозир мактаб ислоҳот даврини кечиряпти. Ислоҳот мактаб ҳаётининг юза қатламларигагина алоқадор бўлиб қолмасдан, айрим фанларни, шу жумладан, рус тилини ўқитишни илмий асосда тубдан яхшилаши керак. Ҳозир айрим ўртоқлар, бу вазифани рус тили ва адабиётига ажратилган соатларини кўпайтириш йўли билан ҳал қилмоқчи бўляптилар. Бунақа жўн арифметик йўл масалани мутлақо ҳал қилмайди. Шунга эришмоқ керакки, ўқувчи 6—7-синфдаёқ рус тилида бемалол гапирадиган, ўқийдиган ва ёзадиган бўлсин. Бунинг яна бир афзаллиги шундаки, рус тилини пухта эгалаган ўқувчи юқори синфларда бошқа фанлардан билимини мустаҳкамлашда ундан самарали фойдаланиши мумкин.

Рус тилини ўрганишдаги ноқорликлар менга мутлақо тасодифий эмасдек кўринади. Бунинг илдизини тил хўжалигидаги тартибсизликлардан, тил маданиятига бепасанд қарашдан излаш керак-ка ўхшайди. Гап шундаки, рус тилини ўрганишгина эмас, она тилини ўрганиш соҳасидаги ишларимиз ҳам анча мунча ночор. Она тили ҳам мактабда мунтазам ўқитилишига қарамай, одамлар кўп ҳолларда она тили бобида ғирт саводсиз бўлиб қолмоқдалар. Мен бу ўринда мактабни битириб чиққан ҳар бир одам тил қоидаларини, лексика-ю фонетика, морфология-ю синтаксис қонуниятларини беш қўлда билсин дегётганим йўқ. Кўпинча шундай бўладик, бирон раис ё бригадир, звено бошлиғи ёхуд оддий колхозчи кўпчилик олдида икки оғиз гапини эплаб гапиролмайди. Фақат уларгина эмас, айрим зиёлилар, ҳатто йирик-йирик олимларнинг ҳам она тилида дудуқлиниб, ўзга гап-ришини кўрганда одам жуда ранжийди. Уларнинг сўз бойлиги жуда ғариб, жумла тузишлари эса умрида қўлига лой ушламаган одамнинг девор уришини эслатади. Гапнинг эгаси боғдан келса, кесими тоғдан келади.

Бундай ҳолларда «Савод масаласи чатоқроқ-ку?» деб таъна қилсангиз, «Э, биродар, қизиқ экансиз, биздан тилни сўраб нима қиласиз, биз тилчи бўлмасак...» деб жавоб беришдади. Бундаги мантиққа қаранг — гўё тилчи бўлмаган одамларнинг ҳаммаси саводсиз бўлишга ҳақлидай..

Она тили бобида саводсизлик шунчаки ўткинчи ҳодиса эмас, балки мунтазам давом этиб келаётган иллат эканини ҳар йили олий ўқув юр-ларига бўладиган кириш имтиҳонлари ҳам яққол исбот қилади — унда қўлида етуклик гувоҳномаси бор абитуриентларнинг анча-мунчаси иншодан «2» олади.

Табиий савол туғилади — хўш, нима учун шундай бўляпти? Нима учун аҳвол йилдан-йилга тузалиш ўрнига ёмонлашиб борапти? Менинча, бунинг асосий сабаби, она тилини ўрганиш масаласига бепасанд қарашимизда. Кўпдан бери биз она тилини ўқитиш масаласини давлат аҳамиятига молик масала сифатида қарамай қўйганмиз, у бизнинг назаримизда шуғулланмас ва бўлаверадиган жузъий масала бўлиб қолган. Яқин йилларда айрим олимлар «ўзбек тилининг истиқболи йўқ, у бошқа тилларга қўшилиб кетади» деган сохта «назария»ни олға суришарди ва унга асосланиб тилдан «эскиган» деган бахонада кўпгина сўзларни қувиб чиқариш, уларнинг ўрнига фақат совет-интернационал сўзларини ишлатишни тавсия қилишарди.

Бу эса миллий ниғилстларнинг тил бобидаги зарарли ҳаракатларини авж олдириди. «Миллий ниғилстлар» деган терминни муомалага биринчи бўлиб Чингиз Айтматов олиб кирди. У «миллий ниғилстлар» миллатчилардан ҳам зарарли тоифа эканини, чунки улар ўзларининг хом-хатала ишлари билан миллий туйғуларни таҳқирлашни таъкидлади. Мен бунга илова қилиб, уларни миллий муносабатлар бобидаги чайқовчилар, деб атар эдим. Уларнинг энг характерли хусусияти шундаки, улар ҳар қадамда ўзларини «ашаддий» интернационалистлар қилиб кўрсатишади. Бунинг оқибатида Маданият институти, Театр-рассомлик институти, Чет тиллар институти каби ҳоҳиятига кўра ўзбек тилини ўқитиш зарур бўлган ўқув юр-лариде ўзбек тили кафедраси ёниб қўйлади ёки қисқартирилади... Худди шу «ашаддий» интернационалистларнинг ҳаракати билан ўрта мактабларда она тилига ажратилган соатлар қисқартирилди. Бу уринишлар кўпинча жуда кулгили самара беради, лекин бу уларни тўхтатиб қолаолмайди. Масалан, мен ўзи рус тилини дурустроқ билмас-да, «интернационалист» эканини намоён қилиш учун ўзбек аудиториясида мажлисни рус тилида олиб борган ёки рус тилида доклад қилган одамларни кўрганман. Би-



роқ билмайдики, улар ўзларининг чаласаводлиги билан улуғ рус тилини таҳқир этишган, холос. Бундай одамларнинг яна бир «фазилат»и бор. Уларнинг ичи қора, шубҳа-гумонга тўлиб кетган. Уларнинг назарида кимда-ким «она тили» деган иборани қўллаган бўлса, у — миллатчи, шунинг учун бир қатор шоирларнинг она тилига бағишланган шеърлари уларнинг ғазабини кўзғади. Энг ёмони шунда эдики, турғунлик йилларида ана шундай муттаҳамларга, ҳаром йўллар билан қарьера пиллапояларидан кўтарилувчи кимсаларга қарши ошқора эътироз билдириб бўлмас эди. Минг қатла шуқурки, у замонлар орқада қолди. Бугун биз тил бобида яна қайтадан ленинча принципларни барқарор қилмоғимиз керак. Бу принциплар ҳамма тиллар тенг ва баробар эканини, ҳар қандай тилнинг раванқи учун барча шароит яратилиши зарур эканини, ҳар қайси халқ ўз она тилини ривожлантириш йўли билан бориши кераклигини таъкидлайди. Ҳа, биз тараққиётимиз давомида кўпгина тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйдик — Оролни кўритишимизга сал қолди, сув ва ҳавони анча-мунча заҳарлаб улгурдик, бизнинг ризқ-рўзимизни таъминлайдиган ерни ишдан чиқарай деб қолдик, шаҳар қуриш баҳонасида не-не боғ-роғларга болта солдик... Энди тилимизга эҳтиёт бўлайлик. Асрлар давомида ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз гаплашиб келган тилимизни, минг йиллик маданиятимизни асраб келган тилимизни авайлайлик. Биздан фарзандларимизга, невараларимизга ғариб ва бенаво бир тил қолмасин...

— Адулла Қаҳҳорнинг машҳур «Синчалак» қиссаси ҳақидаги «Келажакка чорловчи повесть» номли мақолангиз эълон қилингунча сизни «шеърят танқидчиси» деб ҳисоблашарди. Шу вақтларда биз студентлар ўртасида «Озод ака шеърни зўр тушунди. Матёқуб ака прозани зўр таҳлил қилди» деганга ўхшаш қарашлар кенг тарқалган эди. Ҳолбуки, кейинчалик шеърят ҳақидаги мақолалардан ташқари А. Мухтор, О. Ёқубов, П. Қодиров ва бошқа ўнлаб насрнавислар ҳақида яхши мақолалар эълон қилдингиз. Узингиз шу жараёнга қандай қарайсиз? Маълум бир жанр ёки соҳа билан чекланиб қолиш чинакам танқидчининг фазилати бўла олмас керак!


— Танқидчининг қизиқиш доираси кенг бўлиши керак — у имкони борича кўпроқ нарсаларни қамраб олмағи даркор. Тўғри, буни бир томонлама тушунмаслик керак. Бутун умрини фақат Алишер Навоий ижодига бағишлаган ёхуд ҳаёти давомида фақат Горькийни ё Маяковскийни ўрганадиган олимлар бўлади. Уларнинг ўз соҳаларида айтадиган гаплари жуда салмоқли ва мўътабар. Лекин имоним комилки, бундай олимларнинг қизиқиш доираси фақат битта шоир ёки ёзувчи ижоди билан чекланмайди. Академик Лихачевни эслайлик. У асосан, қадимги рус адабиётидан мутахассис. Бироқ у, айни чоқда, ўрта асрлар адабиётини ҳам, XIX аср адабиётини ҳам, совет адабиётини ҳам яхши билади. У назарий масалаларда қанчалик эркин қалам тебратса, умуммаданият масалаларида ҳам шунчалик бемалол фикрлайди. Албатта, ҳамма ҳам Лихачев бўлавермайди. Албатта, навоийшунос олим фақат Навоий ижодидан асарлар яратиш билан чекланиши мумкин, бироқ шунда ҳам унинг қизиқиш доираси кенг бўлиши керак — у шарқ адабиёти ва шарқ тарихини, Европа адабиёти ва Европа тарихини ва яна аллақанча нарсаларни билиши керак.

Бугунги адабиёт билан шуғулланадиган мунаққид фақат проза ёхуд фақат поэзия соҳалари билан чекланиши мумкин. Бироқ у ўзини чекламаса-ю, қардош адабиётлар билан ҳам, рус адабиёти билан ҳам, жаҳон адабиёти билан ҳам шуғулланса, улар ҳақида тадқиқот характерида бўлмаса ҳамки, оммавий тарғибот характеридаги мақолалар эълон қилиб турса, нур устига нур бўларди. Бу ўринда ҳеч кимга қатъий рецепт бериб бўлмайди. Фақат бир нарсани талаб қилиш мумкин — мунаққиднинг қизиқиш доираси кенг бўладими ёки тор бўладими, ундан қатъи назар ёзгани ҳаммиша теран ва қизиқарли бўлиши керак.

Мен қизиқиш доирасининг кенглиги жиҳатидан кўпгина рус мунаққидларига қойил қоламан. Москвада менинг мунаққид дўстим бор — Ю. И. Суровцев. У бугунги рус адабиёти билан шуғулланади. Ундан ташқари грузин адабиёти ҳақида ҳам китоби бор. Тадқиқотларидан бири Литва адабиётларига бағишланган. Яна австрия ревизионистларини фош қилувчи назарий китоб ҳам эълон қилган. Албатта, китоблар баҳсли ўринларга эга. Лекин ҳаммаса ҳам ғоят теран, ғоят билимдонлик билан ёзилган. Бунинг устига Ю. И. Суровцев СССР Ёзувчилар союзининг секретарларидан бири. Унинг ишчанлигига, билимдонлигига қойил қолмасдан илож борми? Ҳа, ўрганамиз десак ибрат бўладиган ўрнаклар кўп.

Сухбатни **Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ** олиб борди





Зиёвиддин Акрамов,  
Абдуҳаким Қаюмов

## ҚИШЛОҚ ВА ТАБИАТ

Инсон билан атроф муҳит, жамият билан табиат ўртасидаги муносабат масалалари давримизнинг энг долзарб муаммосига айланмоқда. Ҳозирги кундаги табиатга бўлаётган муносабат, мутахассисларнинг таъкидлашича, маълум вақт ўтгач сайёраимизни инсон ва бутун тирик мавжудот ҳаёти учун яроқсиз бир ҳолга олиб келиши мумкин.

Табиат билан жамият алоқадорлигини ёритган адабиётда яқин вақтгача бир-бирига зид фикр мавжуд эди. Биринчи фикр тарафдорлари атроф муҳитга, табиатга нисбатан аксарият истеъмоличилик муносабатини асословчи хитоблар, широлар кашф этдиларки, бусиз ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмасмиш. Иккинчи фикрни қўллаб-қувватловчи олим ва мутахассислар инсоннинг ҳар қандай фаолияти атроф муҳитни ёмонлашувига, уни булғанишига ва ҳаёт учун нобол ҳолга келишига ҳамда табиий бойликларнинг кескин камайишига, тугашига олиб келади, деган нуқтаи назарни илгари сурмоқдалар.

Бизнингча ҳар икки тарзда масалани бундай қўйиш ҳам нотўғри ва зарарлидир.

Инсон билан атроф муҳит, жамият билан табиат орасидаги алоқадорлик, боғлиқлик масалаларини марксизм-ленинизм асосчилари ўз вақтида чуқур илмий талқин этганлар. Бу борада айниқса Ф. Энгельснинг «Табиат диалектикази», «Анти-Дюринг», В. И. Лениннинг «Россияда капитализмнинг ривожланиши», «Философия дафтарлари», «Материализм ва эмпириокритизм» ва бошқа асарлари диққатга сазовор. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин табиатга нисбатан коммунистик муносабат принципларини биринчи бор ишлаб чиққанлар. В. И. Ленин ёзган ва таҳрир қилган совет давлатининг ўрмон, ҳайвонот дунёсидан рационал фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза этиш бўйича дастлабки декретларида табиатга нисбатан илмий муносабат ўз аксини топган. Уларда табиатнинг ниҳол каби нозиклиги, сезгирлиги ва таъсирчанлигини ҳисобга олмаслик қандай қутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги кўрсатилган. В. И. Ленин 1917 йилнинг 20 ноябрида халққа мурожаат қилиб, ерни кўз қорачиғидай асрашга чақирди; Умуман В. И. Лениннинг табиат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган 100 га яқин ҳужжатга имзо қўйгани маълум.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида сўз юритишни давом эттирсак, бу муаммо асримизнинг иккинчи ярмидан жиддийлашганини ва шу даврдан бошлаб уларга эътибор кучайганлигини таъкидлашимиз керак. Бунда илдам суръатлар билан ривожланаётган фан-техника тараққиёти ва у билан боғлиқ бўлган индустриаллаштириш ва урбанизация жараёнлари катта роль ўйнади. Ана шундай вазият айниқса капитализм дунёсида кенг миқёсда кузатиляпти. Маълумки, табиатга ҳеч нима бермасдан, ундан бирор нарса олиш мумкин эмас. Бу аксиома капиталистик жамиятда эсдан чиқарилди. Худди шундай ҳолат бир қатор ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилмоқда. Табиат билан жамият ўртасида кучайиб бораётган номутаносиблик аҳолининг турмушига, биринчи навбатда озиқ-овқат билан таъминланиш даражасига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Умуман сайёраимиз аҳолиси йилига 100 миллион кишига кўпайгани ҳолда, атроф муҳитни аста-секин ёмонлашаётганлиги кузатилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) маълумотларига кўра Ер шарининг 5 миллиард аҳолисидан деярли ярим миллиард сурункасига тўйиб овқатланмаслиги натижасида ҳар хил касалликларга мубтало бўлмоқда. Очлик азоби ҳар йили 30—40 миллион кишининг ёстигини қуритмоқда. Айниқса бундан ёш болалар жабрланаётганлиги ташвишланарлидир. Ваҳоланки, она еримиз ҳозир мавжуд бўлганидан икки баравар ортиқ аҳолини озиқ-овқат билан тўла таъминлашга қодир. Лекин табиатга нисбатан истеъмоличилик муносабати унинг бойликлари кескин камайишига, табиий шароитларнинг ёмонлашишига сабаб бўляпти. БМТ маълумотларига қараганда йилига сайёрадаги мавжуд ўрмонларнинг 1 проценти йўқ қилинмоқда, 200—300 минг гектар экин майдони тупроқнинг шўрланиши, қум босиши ва эрозия натижасида қишлоқ хўжалик оборотидан чиқмоқда. XIX аср охирилардан бошлаб то ҳозирги давргача чўллар майдони 1,1 миллиард гектардан 2,6 миллиард гектарга кенгайди, шундан 1,4 миллиарди бир вақтлар ҳосилдор ерлардан иборат эди. Ичимлик сув миқдори камаймоқда, унинг сифати ёмонлашмоқда. Ҳозирги дунё аҳолисининг 1,3 миллиарди тоза ичимлик сув билан етарли таъминланмаган. Қайд этилган ҳолатлар кўпчилик мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва жамоат арбобларини, олим ва мутахассисларини ташвишлантириб, уларни атроф муҳит масалаларига эътиборни кучайтиришга ундамоқда.

Бу муаммолар бизнинг мамлакатимиз, республикамиз учун ҳам ҳаётий ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан омилкорлик билан фойдаланиш масалалари умумдавлат

аҳамиятига моликдир. Бу борадаги қонун-қоидалар СССР Конституциясида белгилаб қўйилган. Табиатни муҳофаза қилиш, умуман экология масалаларига айниқса КПСС XXVII съездида катта эътибор берилди. Мамлакатда кейинги вақтларда бу соҳадаги тадбирларга йилга 2 миллиард сўм сарфланмоқда. Республикада ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилишга фойдаланилаётган маблағлар йилдан йилга ортиб бормоқда. Учинчи беш йилликда бу ишларни амалга оширишга 326,6 миллион сўм сарфланган эди, ўн биринчи беш йилликда 429,4 миллион сўм маблағ сарфланди. Ун иккинчи беш йилликда бу рақам 500 миллион сўмдан зиёд бўлиши планлаштирилган. Республикадаги мавжуд саноат корхоналарининг 900 дан ортиқроғининг фаолияти СССР гидрометеорология Давлат комитети томонидан назоратга олинган. Экологлар табиатни, айниқса тирик табиатни муҳофаза этишининг илмий асосларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг фикрига кўра табиатни муҳофаза этиш — бу инсон фаолияти билан атроф муҳит орасида раціонал муносабатнинг таркиб топишига, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтиришни таъминлашга, жамият тараққиёти натижасида табиатга ва инсон саломатлигига нисбатан салбий таъсирнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуасини кўзда тутати. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши ҳозирги ва келажак авлод ҳаёти учун зарурдир.

Айрим жамоат арбоблари ва олимлар, юқорида қайд этганимиздек, табиат комплексидagi нохуш ўзгаришлар ҳозирги замон фан-техника тараққиёти натижасидир, шунинг учун улар объектив асосга эга демоқдалар. Бунга қўшимча сифатида аҳолининг бениҳоя тез ўсиши ҳам рўқач қилиб кўрсатилмоқда. Афсуски, бундай намояндалар фан-техника тараққиёти қайд этилган муаммоларни келтириб чиқарибгина қолмасдан, балки уларни ҳал этишда жуда катта аҳамият касб этувчи омил эканлигини ҳақиқатга тушуниб етмаганлар.

Маълумки, давримизга саноатнинг жадал ривожланиши, урбанизация жараёнининг тезлиги хосдир. Булар ҳозирги замон табиатига ва талабига мос прогрессив жараёнлардир. Бундай шароитда ривожланиш табиат билан жамият муносабатида, атроф муҳитда қандай ўзгаришларга олиб келаётганини аниқлаш, юз бераётган салбий силжишларнинг олдини олиш асосий вазифа саналади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор яна ҳам ортди. Айниқса индустриаллаштириш жараёнининг кучайиши натижасида шаҳарлар табиатида кузатилаётган салбий ўзгаришларни ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўламининг кенгайланлиги диққатга сазовор. Аммо қишлоқларга муносабат эса талаб даражасида эмас. Ўзбекистонда қишлоқ аҳолининг асосий яшаш жойи эканлиги эътиборга олинса, бу айниқса ташвишланарлидир.

\* \* \*

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўнги пайтгача илмий изланишлар асосан шаҳарларга бағишланган бўлиб, қишлоқлар диққат марказидан йироқда эди. Ҳозир бу ўзига хос «ноҳақлик» бирмунча бартараф этилиб, қишлоқ жойларига бўлган муносабат ўзгарди, уларни ўрганиш зарурлиги аён бўлди. Шунга қарамадан қишлоқ жойлари тўғрисида комплекс тадқиқотлар етарли эмас. Тўғри, академик Т. В. Заславская ҳамда унинг ҳамкасблари томонидан қишлоқ турмуш тарзи, унинг иқтисодий, социал, демографик ва экологик томонларини ўрганиш бўйича диққатга сазовор китоблар чоп этилди. Шунга ўхшаш яна бир нечта изланишларни кўрсатиш мумкин. Лекин уларда экологик муаммонинг мамлакатимизнинг баъзи бир территорияларига, асосан марказ ва Сибирь районларига хос томонлари ёритилган. Ўзбекистон қишлоқлари, улардаги мавжуд иқтисодий ва экологик масалалар ёритилган асарлар эса етарли эмас. Бу катта камчиликдир. Наинки қишлоқларни, қишлоқ хўжалиги ва аграр-саноат комплексининг хусусиятларини билмай туриб, табиий бойликлардан ва шароитлардан омилқорлик билан фойдаланиш масалаларини тушуниш қийин. Қишлоқлар Ўзбекистон территориясининг 95 процентдан ортиқроғини эгаллашини, улар ўзига хос «барометр» вазифасини ўташни унутмаслик керак.

1985 йили республикада мавжуд ишлаб чиқариш асосий фондларининг ҳажми қишлоқ хўжалигида 18,7 миллиард сўмга, саноатда эса 19,3 миллиард сўмга тенг бўлган. Шунга қарамай 1985 йили қишлоқ жойлари республика ялли ижтимоий маҳсулотининг атиги 17,8 процентини ишлаб чиқарди. Ваҳоланки, қишлоқларга Ўзбекистон аҳолисининг 58,1 проценти, халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 47,4 проценти тўғри келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистоннинг умумий иқтисодий ижтимоий меҳнат тақсимидаги ўрнини белгилайди. Ўзбекистон деганда одамлар тасавурида пахта, пилла, қорақўл, узум ва мева, сабзавот ва полиз экинлари гавдаланади. Буларнинг ҳаммасини қишлоқ меҳнаткашлари етиштирадilar. Лекин республика йилдан йилга мева, узум, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш ҳажми бўйича талабдан ортада қолаётгани натижасида иттифоқ миқёсидаги ўз мавқеини йўқотмоқда. Ҳосилдорликнинг нисбатан пастлиги ялли маҳсулот ҳажмининг камайишига олиб келди. Бу ҳолат асосан табиат ресурсларидан, аввало ер ва сувдан нотўғри фойдаланиш, деҳқончилик маданиятига риоя қилмаслик натижасида юз бермоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳар бири ўзига хос экологик шароитда вужудга келган ва ундан юқори ҳосил олиш учун зарур шароит яратиш керак. Лекин деҳқончилигимизда бу ҳолатларга етарли даражада эътибор берилмаяпти. «Монокультура» тупроқ ҳосилдорлигини кескин камайитириши ҳаммага маълум. Республикада алмашлаб экиш системасини аслида йўққа чиқариб, майдонларга фақат пахта экилавериши асосий бўлигимиз бўлган суғориладиган ерларга путур етказди. Тупроқ сифати бузилиб, унумдорлиги камайди. Бунинг устига сувдан самарали фойдаланмаслик оқибатида ер ости сувлари юзага чиқиб, тупроқнинг шўрланиш жараёнини тезлаштириб юборди. Айрим сув танқис бўлган йиллари зовур сувларидан суғоришда фойдаланиш ҳам ерларнинг унумдорлигига, сифатига салбий таъсир кўрсатди ва кўрсатмоқда. Бу жараён ҳозирги пайтда катта массивларда давом этаёпти. Натижада республикада йилга неча минглаб суғориладиган ерлар яроқсиз ҳолга тушиб қоляпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленуми (1987 йил, март) материалларида келтирилган маълумотларга биноан ҳозирги пайтда республикада 1200 минг гектар суғориладиган ер шўрланган, шундан 1750 минг гектари юқори ва ўртача даражада, қолгани кучсиз шўрланган. Хоразм ва Қорақўлдаги, Мирзачўл ва Қарши чўлларидаги айрим колхоз ва совхозларда юз гектарлаб

суғориладиган ерларнинг устини оппоқ туз қоллаб ётибди. 1300 минг гектар суғориладиган ер мелиорациялашни, текислашни талаб этади. Бу ҳолат Ўзбекистон қишлоқлари ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳалақит бераёпти. 1970—1985 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти атиги 46 процентга ортди, холос. Худди шу даврда саноатдаги ялпи маҳсулот ҳажми эса 141 процентга кўпайди. Қишлоқ хўжалигида кейинги 15 йил ичида меҳнат унумдорлиги ўсмади. Ун биринчи беш йилликда бу кўрсаткич пландагидан 5—10 процент паст бўлди. Ваҳоланки, 1970—1985 йилларда қишлоқ хўжалигидаги асосий фондларнинг ҳажми деярли тўрт марта ўсди. Бундай вазиятнинг юзага келишида хўжаликка раҳбарликдаги мавжуд камчиликлар ва салбий ҳолатлар катта таъсир кўрсатди.

Бизнингча ер ва сувдан омилкорлик билан фойдаланиш қишлоқ жойларида ҳозирги пайтдаги энг ҳаётий масаладир. Бу масала ҳам иқтисодий, ҳам социал, ҳам демографик, ҳам экологик аҳамиятга эга. Ҳозир республикада суғориладиган ерлар майдони 4,0 миллион гектарга етди. Инкилобдан олдин эса суғориладиган ерларнинг ҳажми 1,3 миллион гектардан иборат эди. Бинобарин совет ҳокимияти йилларида экин майдонлари 2,7 миллион гектарга кўпайган. Айни вақтда янги ўзлаштирилган ерлар майдони кўпайиши муносабати билан республикада саноат, транспорт корхоналари бунёд этилиши, қурилиш кўлами ортиши, шаҳарларнинг кенгайиши, шунингдек ерларнинг шўрланиб ишдан чиқиши сабабли колхоз ва совхозлар йилдан-йилга минглаб гектар суғориладиган ерларни йўқотмоқдалар. Бу эса аграр саноат комплексининг самарадорлигига, атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Асрлар давомида ер ва сув орасида таркиб топган рационал табиий нисбат бузилиши экологик мувозанатни ўзгартирмоқда. 1913 йили аҳоли жон бошига Ўзбекистонда 0,5 гектар суғориладиган ер тўғри келган бўлса, 1985 йили бу кўрсаткич атиги 0,22 гектарга тенг бўлди. Бундай вазият бир томондан қишлоқ аҳолисининг жадал ўсиши билан, иккинчи томондан яроқсиз ҳолга келиб қолган суғориладиган ерларни «йўқотиш» билан боғлиқ. Бу жараён аҳолиси зич бўлган воҳа ва водийларда айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Фарғона водийси областларида жон бошига тўғри келадиган ерларнинг миқдори айниқса паст бўлиб, у ҳозир 0,19 гектарга, Андижон областида эса 0,17 гектарга тенг, холос. Бундай ҳолат қишлоқ аҳолисининг турмушида айрим салбий ўзгаришларни вужудга келтирмоқда.

Илмий-текириш институтлари ва баъзи мутахассисларнинг аҳолини истиқболини аниқлаш бўйича амалга оширган тадқиқотлари XXI аср бўсағасида Ўзбекистон ССРнинг аҳолиси 27—29 миллион кишига, қишлоқ аҳолиси эса 14 миллион кишига етиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу демографик жараён изчил давом этса, сув ресурслари запаси қатъий чекланган шaroитда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонининг ҳажми 0,15 гектаргача тушиб қолади. Демак, мавжуд ер ва сув ресурсларидан мумкин қадар оқилона фойдаланиш Ўзбекистон халқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Фан-техника тараққиёти, урбанизация ва индустриалаштириш жараёнлари қишлоқнинг деярли ҳамма ҳаётий қирраларига катта таъсир кўрсатаёпти. Мамлакатимиз доирасида кузатилаётган қишлоқлар сонининг қисқариши ҳолати Ўзбекистон учун ҳам хос. Лекин республикамизда аҳоли пунктлари сонининг камайиши қишлоқ аҳолисининг жадал ўсиши билан бир вақтда юз бераёпти. Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларининг сони 1970 йили қайд этилган 17 мингтадан ҳозирги пайтда салкам 13,5 мингтагача қисқарди. Шу давр мобайнида қишлоқ аҳолиси сони 7,5 миллион нафардан 10,7 миллион нафарга етди. Бу жараён аҳолиси зич бўлган воҳа ва водийларда яққол намоён бўлаяпти. Масалан, Фарғона водийси областларида кейинги ўн беш йил мобайнида аҳоли пунктлари бир мингтага камайгани ҳолда, қишлоқ аҳолисининг сони ярим миллион кишига кўпайди. Водийда қишлоқлар зич жойлашганлиги натижасида уларни бир-биридан фақат йўл кўрсаткич белгилари орқалигина ажратиш мумкин. Умуман кейинги чорак аср давомида республиканинг ҳеч бир областида қишлоқ аҳолиси камаймади. Асинча, аҳолининг абсолют ўсиши Ўзбекистон бўйича деярли икки бараварга, айрим областларда ундан ҳам кўпроққа ортди. Айрим областларда ер-сув бойликларининг қатъий чеклангани вазиятида аҳолининг тез ўсиши, унинг бошқа район ва республикаларга кўчишга мойил эмаслиги, бунинг учун етарли шарт-шaroитларнинг пишиб етилмаганлиги ўзига хос социал-иқтисодий ва экологик вазиятни юзага келтирмоқда. Бу борада Фарғона ва Зарафшон водийлари, Тошкент ва Хоразм воҳалари алоҳида ўрин эгаллайди. Фарғона водийсининг Ўзбекистон қўймада қишлоқ аҳолисининг зичлиги ҳар бир квадрат километрга 119 кишидан 166 кишига, барча аҳолининг зичлиги эса 225 кишига етди. Санитария қондаси бўйича эса бир квадрат километрга 100 киши яшаган тақдирдагина нормал экологик ҳолатни таъминлаш мумкин. Кейинги йилларда кескинлашган социал-демографик ва экологик вазиятни бирмунча юмшатиш мақсадиде водийдаги областлардан оилаларни Мирзачўл ва Қарши чўлидаги янги ерларга планли равишда кўчиришга уриниб кўрилди. Лекин бу тадбир ҳозирча қутилган самарани бермаяпти.

Қишлоқ жойларида юз бераётган ўзгаришлар аҳоли ва аҳоли пунктларининг сонидан ташқари, қишлоқ турмуш тарзининг бошқа томонларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Яқин-яқинларгача деҳқончилик ва чорвачилик масканлари ҳисобланган қишлоқларнинг маълум қисми объектив сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги билан боғланмаган ишлаб чиқариш марказларига айланмоқдаки, бу ҳолат атроф муҳитга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Қишлоқ жойларида индустриал тармоқларнинг ривожланиши бир томондан табиат ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишда, аҳолини иш билан таъминлашда, социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ижобий роль ўйнаса, иккинчи томондан — қишлоқ табиатига маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол тариқасида Андижон область Қўрғонтепа районидеги Хонобод қишлоғини кўрсатишимиз мумкин. Бу ерда аҳолининг кўпчилиги кейинги йилларда Советобод шаҳрида ҳамда қишлоқда барпо этилган саноат корхоналарида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлганлиги уларнинг иқтисодий турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга бу ерда ишга туширилган кабель ва кўн ишлаб чиқарувчи заводлар атроф муҳитни, айниқса ҳавони ва сувни ифлослантириши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатаёпти.

Партия шаҳар билан қишлоқ ўртасида мавжуд зиддиятларни бартараф этишни ҳозирги вақтдаги асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Бу шунчалик кенг ҳажмдаги вазифани комплекс

ёндошмасдан, яъни турмуш тарзидаги, хизмат кўрсатишдаги, айниқса табиатга бўлган муносабатлардаги фарқларни йўқ қилмасдан тўла-тўқис ҳал этиб бўлмайди.

Инсон билан табиат ўртасидаги муносабат қишлоқларда ўзига хос хусусиятга эгаки, уни ҳисобга олмаслик жамиятга ҳам, инсон саломатлигига ҳам катта зарар келтираяпти. Шаҳардаги соғлиққа зарарли саноат корхоналари ишчиларига медицина ёрдами кўрсатилади, қўшимча имтиёзлар берилади. Суви, тупроғи, ҳавоси ҳар хил дефолиантлар ва бошқа заҳарли химикатлар билан бўлган кўпгина қишлоқ жойларида эса ҳалигача аҳолига нормал медицина хизмати кўрсатилмайди. Ўзбекистон ССРда ўзиничи беш йиллик давомда ғўзага пуркалган кимёвий моддаларнинг ўртача йиллик нормаси бир гектарга 54,4 килограмми, шу жумладан гербицидлар — 2,2 килограмми, дефолиантлар — 16,2 килограмми, инсектицидлар 36,0 килограмми ташкил қилди. СССР медицина Фанлари академиясининг маълумотларига кўра СССРда бир гектар ҳайдаладиган ерга 1 килограмм, АҚШда эса 2—3 килограмм пестицид пуркалишини айтиб ўтиш лозим. Устига-устак республикамизда заҳарли химикатларнинг инсон ва ҳайвонот оламига кўрсатаётган таъсирини ўрганишга етарли эътибор берилмапти.

Пахтакор деҳқон йил мобайнида сурункасига ўн ойлаб эрта саҳардан қош қорайгунча меҳнат қилади. Шаҳарликлар эса 7—8 соатлик иш вақти тугагандан сўнг маданият масканларига бориб дам олишади, телевизор кўришади ёки китоб, газета ва журнал ўқишади. Шанба ва яқшанба кунлари эса шаҳар атрофидаги соя-салқин жойларга бориб ҳордиқ чиқаришади. Қишлоқда эса деҳқон бўш вақтини томорқасида меҳнат билан ўтказиши, қўшимча даромад топишга ҳаракат қилади. Чунки ҳозир кўпчилик колхоз ва совхозларда меҳнатга тўланаётган ҳақ билан рўзғор тебратилиш мушкул. Бинобарин, қишлоқ аҳолиси маданий савиясини ошириш, билим доирасини кенгайтириш, дурустроқ ҳордиқ чиқариш учун ҳам етарли имкониятга эга эмас. Қишлоқдаги мавжуд шароит фақат катта ёшдагиларгина эмас, балки болаларнинг яшаши ва ўқиши учун ҳам оғир. Шаҳар болалари ёзда пионер лагерларида дам олишаётганда, қишлоқ болалари эртадан кечгача далада меҳнат билан банд бўлишади. Шаҳарда турмуш учун зарур бўлган озиқ-овқат ва кийим-кечакни топиш мумкин. Қишлоқда эса бу масала ҳам мушкул. Савдо шохобчалари сийраклиги, транспорт етишмаслиги сабабли айрим қишлоқлардаги аҳоли рўзғор учун зарур бўлган оддий бир нарсани харид қилиш учун ҳам шаҳарга ёки район марказига боришга мажбур бўлаёпти. Айниқса Томди, Қўнғирот, Конимех каби аксарият чорвачиликка ихтисослашган районлардаги аҳолининг турмуш шароити оғир, уларга зарур қулайликлар яратилмаган.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал тенгсизлик турмушнинг деярли ҳамма қирраларида яққол кўзга ташланади. Шаҳарларда ўн биринчи беш йиллик даврини дават қилган уйлар 84 процентдан зиёд бўлса, қишлоқ жойларида атиги 30 процентни ташкил қилади. Қишлоқларда аҳоли уй-жойнинг 85 процентдан кўпроғини ўзининг пулига қуради, шаҳарда эса бу кўрсаткич 10 процентга тенг, ҳолос. Шаҳарлардаги уйлар ҳамма қулайликларга эга. Қишлоқлардаги уйлар тўғрисида бундай дейиш мумкин эмас. Уларда иссиқ сув уёқда турсин, ҳатто баъзиларида совуқ сув ҳам, газ ҳам йўқ, канализация ва иситкич қурилмалари ўтказилмаган, демек, деҳқон ёки чорвадор неча йиллаб йиққан пулини фақат уй қуришга сарфласа, шаҳарликлар тайёр уйга қўчиб кириб, бу пулни ўзининг бошқа маънавий ва моддий талабларини қондиришга ишлатади.

Қишлоқ жойларида омонат кассаларида пулини сақловчилар сони 1985 йили атиги 854 мингга тенг бўлиб, уларнинг пул жамғармалари 721 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, шаҳарларда 3,1 миллионга омонат касса аъзоси 3,9 миллиард сўм пулга эга эди.

Қишлоқ жойларида медицина хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган, деб айтиш қийин. Натижада, аҳоли, айниқса ёш болалар ўртасидаги ўлим юқорилиги ҳам бежиз эмас. 1985 йили Ўзбекистон шаҳарларида бир ёшгача бўлган гўдакларнинг ҳар 1000 нафаридан 38 таси вафот этган бўлса, қишлоқ жойларида бу рақам 49 нафарни ташкил этган. Ёш болалар ва гўдакларнинг аксарияти туғилиш пайтидаги шикастланишдан, зотилжам, ичбуруғ, ичакда рўй берадиган юқумли касалликлардан ўлмоқда.

Қишлоқлардаги мактаб ёшигача бўлган 2 миллиондан зиёд болалардан атиги 440 мингтаси (25 процентга яқини) боғча ва ясилар билан таъминланган. Шаҳарлардаги мактаб ёшигача бўлган 1 миллиондан сал ортиқ болаларнинг 650 мингтаси (60 проценти) боғча ва ясиларга жойлаштирилган.

Ўзбекистондан ҳозир 9188 та ўрта умумий таълим мактаби бўлиб, шунинг 7699 тасида болалар кундузи ўқийди. 1529 мактаб шаҳар аҳоли пунктларига, 6170 мактаб эса қишлоқ жойларига тўғри келади. Демак, республикадаги 13,5 мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳар иккитасига битта мактаб тўғри келади. Аҳоли пунктларининг орасидаги ўртача массафа 5,7 километрга тенглигини эътиборга олсак, минглаб болалар лойгарчиликда, совуқда, қор ва ёмғир ёғиб турган пайтда пиёда мактабга боришини тасаввур этиш мумкин. Чорвачилик районларида, тоғ ва чўл зоналарида ўқувчиларнинг кўпчилиги мактаб-интернатларда ўқийди ва яшайди. Мактаб-интернатларда бериладиган овқат кўп жойда етарли даражада сифатли деёлмаймиз, яшаш ва ўқиш хоналари кўпларида совуқ, шарт-шароитлари қониқарли эмас.

Шаҳарларда аҳолига 1985 йили 241,2 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса (жон бошига 32,6 сўмдан), қишлоқларда атиги 198,7 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди (жон бошига атиги 17,9 сўмдан). Шаҳар ва қишлоқ ҳаётидаги фарқ турмушнинг бошқа соҳаларида ҳам мавжуд.

\* \* \*

50-йилларнинг ўрталаригача Тошкент шаҳри атрофидаги ариқ ва каналлар суви ичишга яроқли эди. Ҳозирги кунда пойтахтдагина эмас, балки унга туташган қишлоқлардаги ариқ сувлари истеъмол қилиш учун яроқсиз бўлиб қолди.

Яқин-яқинларгача республикамиз қишлоқларида водопровод ўтказиш муаммоси кун тартибда йўқ эди. Ҳозир эса водопровод сувсиз кўп қишлоқлардаги ҳаётни тасаввур этиш қийин. На фақат шаҳарлардаги, балки кўпчилик қишлоқ марказларидаги ариқлар сувсиз қақраб ётганлигини кўриб киши ранжийди. Бунинг сабаби суриштирилса, сув ғўзани суғоришга ишлатилаётгани рўқач қилинади.

Урушдан кейинги йилларда шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам мевали дарахтлар сероб эди. Аҳолининг ўрик, олма, шафтоли, нок, анжир, ёнғоқ, бодом, жийда ва бошқа меваларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилди. Кўча четларида, ариқ бўйларида ҳосили мўллигидан шоҳлари ларзон бўлган мева дарахтларини кўриш мумкин эди. Ҳозир эса вазият тамомила бошқача. Урбанизация жараёни натижасида катта ва ўрта шаҳарлардаги мевали дарахтлар кесилиб, улар ўрнида уй-жойлар, саноат корхоналари қад кўтарди. Хусусан, Тошкентда Тракторсозлар шаҳарчаси, Чилонзор, Қорақамиш, Юнусобод, Кўйлик, Шимолий-Шарқ каби аҳоли яшайдиган катта массивлар бунёд этилди. Улардаги мавжуд уйлarning атрофига мевали дарахтлар ўрнига манзарали дарахтлар — чинор, қайрағоч, акация, тол, терак экилди. Натижада Тошкентда ва республиканинг бошқа шаҳарларида мева-чевага бўлган эҳтиёж қондирилмай келмоқда, бозорларда мевалар нархи тобора юқорилашиб бормоқда. 60-йилларнинг бошида 1 килограмм олманг бозор нархи 10—15 тиын турган бўлса, ҳозир айна пишиқчилик пайтида ҳам 1 сўмдан пастга тушмайди. Жийда, ёнғоқ, анор, анжир ва нок каби танқис меваларнинг нархи эса 4—5 сўмдан кам эмас. Қишлоқларда ҳам вазият анча ўзгарди. Пахта майдонини кенгайтириш лозимлигини пеш қилиб, минглаб гектар боғ-роғлар қурилди, ўзумзорлар йўқ қилинди. Натижада кейинги йилларда қишлоқлардан шаҳарга мева ва гўшт, сут маҳсулотлари сотиб олиш учун келаётган қишлоқ аҳолисининг сони кўпаймоқда. Янги ўзлаштирилаётган ҳамда айрим эски деҳқончилик районларида ҳам мевали дарахт у ёқда турсин, манзарали дарахтларни ўстиришга ҳам эътибор берилмаяпти. Агар сиз Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё областларининг қишлоқларига борсангиз бунинг шохиди бўласиз. Колхоз ва совхозларда дам олиб, ҳордиқ чиқариш учун дуруст шарт-шароит яратилмаган. Йўл ёқалаб бир неча километр давомида на бир дарахт, на дала шийпонини учратиш мумкин бўлмаган жойлар истаганча топилди. Далаларда дарахтларнинг камайиб кетганлиги гармсел хавфини кучайтирмоқда. Айна саратон чоғида Қорақум ва Қизилқум чўллари чўғдек қизиганда эпкин эсиб, гармселни пахтазор томон ҳайдайди. Натижада яшнаб турган ғўзалар бирикки соатда сўйиб, шоналарини тўкиб юборади. Агар майдонлар атрофи дарахтлар билан ихота қилинса бу кўнгилсиз ҳодисанинг олди олиниши мумкин эди.

Тошкент-Жиззах, Тошкент-Самарқанд автомобиль йўлининг четларига қайрағоч, акация экилган. Уларнинг ўрнига мевали дарахтлар экилса мақсадга мувофиқ бўлар эди-ку. Тоғ ва тоғолди зоналарида эса дўлана, pista, бодом, ёнғоқ, тоғолча каби меваларни кўпайтириш керак. Агар шундай қилинса республикамизда мева мўл-кўл бўлиб, бозордаги баҳоси ҳам анча арзонлашарди.

Бундан 30—40 йил муқаддам қишлоқ болалари дала йўлларида яланг-оёқ юришарди. Фақат болалар эмас, катталар ҳам шундай қилишарди. Медикларнинг фикрича, бу фойдали бўлиб, организмнинг шамоллашга, гриппга қарши кураш имкониятларини оширар, баъзи бир кўз ва бошқа касалликларнинг олдини олар экан. Ҳозир шаҳардагина эмас, балки қишлоқ кўчаларида, далаларда яланг оёқ юриш хавфи бўлиб қолди. Чунки у ер-бу ерда кўмилиб ётган темир-терсақ, шиша синиқлари, бошқа хил чиқиндилар оёққа шикаст етказиши мумкин. Бу аҳволга ўзимиз ва фақат ўзимиз айбдормиз. Ҳозир кўпгина қишлоқларда булбул сайраган, қаркиноқ учган, қурбақа вақиллаган вақт бўлганини аксарият ёшлар билишмайди.

Пахта ва бошқа сўғориладиган экинлар майдони оқибатини ўйламасдан бениҳоя кенгайтири-лавериши натижасида Амударё ва Сирдарё дельтаси қуриди. Орол денгизига сув борма қолди. Сув сатҳи 13 метрга тушиб кетди. Бинобарин, Орол аста-секин ҳалокат ҳолатига бормоқда. Ҳозир-гана унинг учдан бир қисми «оққум» чўлига айланди. Минг-минглаб гектар майдонни эгаллаган табиий пичанзорлар ҳам тақир далага айланди. Сувнинг шўрланиш даражаси йилдан йилга ортиб, денгиздаги балиқлар батамом қирилиб битди. Амударё дельтасидаги 57 хил ҳайвондан ҳозир 13 хил қолди. Бундан 40—50 йил аввал бу ерларда оқулон, гепард, турон йўлбарси, Бухоро бўғуси, Қизилқум муфлони каби ноҳир ёввойи ҳайвонларни учратиш мумкин эди. Ҳозир улардан асар ҳам йўқ. Албатта, инсон турон йўлбарсисиз ҳам ҳаёт кечиравериши мумкин. Лекин кишини ташвиш-лантираётгани ўлка табиати қашшоқлиби бораётганлигидир. Мана, бир неча йилдирки, Орол бўйларига қалдирғоч борма қўйди. Бошқа паррандалар эса далалардан овқат тополмай ўзларини шаҳарга уришаяпти. Бу албатта табиий муҳитнинг ўзгарганлигининг, ҳаводаги, тупроқдаги, сувдаги туз, заҳарли химикатлар йиғиндиси ҳайвонот ва ўсимликлар оламига етказётган зарарнинг аниқ ифодасидир.

Денгиз қуриб, тез-тез туз ва қум бўронлари бўлиши, табиий пичанзорлар ва ўрмонзорларнинг йўқ бўлиши, оқар сувларнинг булғаниши-инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир Қорақалпоғистон Автоном республикаси катталар ва болалар ўлими бўйича иттифонда юқори кўрсаткични эгаллаб турибди. Мазкур ҳодиса табиат жуда нозик нарсагини, унинг қонуниятларини ҳисобга олмаслик нақадар хунук оқибатларга олиб келишини кўрсатапти. Агар бундай кўр-кўрона ҳаракатлар яна давом эттирилаверса, инсоннинг қисмати ҳаёт тарозусида ўлчанадиган вақт яқинлашиб қолиши мумкин.

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабат республикада мавжуд табиий-географик зоналар бўйича ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистон аҳолисининг, шу жумладан, қишлоқ аҳолисининг асосий қисми воҳа ва водийларда жойлашган. Булар орасида, юқорида таъкидлаганимиздек, Фарғона ва Зарафшон водийлари, Тошкент ва Хоразм воҳалари алоҳида ўрин тутди.

Воҳа ва водийлар қадимги деҳқончилик масканлари бўлиб, аҳолининг тез ўсиши ва зич жойлашганлиги билан ажралиб турадилар. Фарғона водийсида ҳозирги пайтда фақат Ўзбекистон ССР доирасида 5 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда, республика пахтасининг салкам учдан бир қисми тайёрланмоқда. Бу ер республиканинг йirik саноат районларидан бири ҳамдир. Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон, Советобод, Кувасой ва бошқа шаҳарлар республика-мида химия ва нефть-химия, машинасозлик, қурилиш материаллари, энгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг марказлари саналади. Саноатнинг ривожланиши давр талабига мос ва хос бир жараён бўлиб, у республика ва водий халқ ҳўжалигининг, аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга қаратилган. Саноат корхоналарини барпо этилиши муҳим социал-иқтисодий вазифа — аҳолини иш жойи билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал этишга имкон бермоқда. Шу билан бирга, табиатан чор тарафи берк водийда химия, нефть-химия саноати, офир саноатнинг ри-

вожлантирилиши атроф муҳитга, инсон саломатлигига салбий таъсир этаётганлигини эътироф этиш керак.

Атмосфера ҳар хил газлар, шу жумладан, канцероген моддалар билан тўйинганлиги, уларнинг миграцияси учун шарт-шароитнинг йўқлиги, бунинг устига аҳолининг зич жойлашганлиги юқумли касалликларни, масалан, сариқ касални тез кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Худди шундай ҳодиса Тошкент областида ҳам қайд этилган. Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чиқинди газлари атроф муҳитга нақадар катта зарар кўрсатаётганлиги мабуотда бир неча марта ёзилди, телевидение орқали кўрсатилди.

Андижон сув омборининг қурилиши Андижон областининг Қўрғонтепа, Жалолқудук ҳамда Қирғизистон ССРнинг Уш областининг туташ районларида пахтанинг вегетация даврини сезиларли даражада қўзиб юборди. Далавларга минерал моддаларга тўйинган лойқа сув ўрнига, филтрлангандай тип-тиниқ сув оқмоқда. Натижада бу районларда ҳосилдорлик пасайиб, давлатга пахта топшириш плани бажарилмаяпти. Мелиорация шохобчалари етарли бўлмаганлиги сабабли Туямўйин сув омбори ишга туширилиши билан Хоразм областидаги Хазорасп, Хонқа ва уларга туташган районлардаги хўжаликларда ер ости сувлари кўтарилиб, асрий гужумлар, мевазор боғлар, тоқзорларни кўришмоқда. Бундай ҳолатни Қашқадарё областидаги Таллимаржон сув омборининг қўйи зонасида жойлашган хўжаликларда ҳам кузатиш мумкин. Мазкур сув омборлари лойиҳалаштирилётганда мутахассислар бу салбий оқибатларни ҳисобга олишмаган.

Мирзачўл ерларини комплекс ўзлаштириш бошланганда чўлқуварлар шаҳарчасини бунёд этиш зарурати сезилиб қолди. Шунда баъзи бир олимлар ва мутахассисларнинг эътирозига қарамастан, шаҳар қуриладиган жой сифатида Ховос посёлкаси яқинидаги ер танланди. Аммо вақт Янгиер шаҳри қурилиши учун жой танлашда хатога йўл қўйилганлигини кўрсатди. Шаҳар Фарғона водийсига ва водидан эсадиган кучли шамол йўлида турганлиги аҳолининг яшаши ва меҳнат қилиши учун катта нуқулаллик туғдирга бошлади. Фақат шугина эмас, Янгиер шаҳри энди қуриляётганда ерости сувлари 15 метр чуқурликда эди. Ҳозир эса шаҳар ичидаги ва сиртидаги шўр босган майдонлар ерости сувлари юзага чиққанлигидан далолат бериб турибди.

Мирзачўлда барпо этилган дренаж-коллектор системаси вақтида ремонт қилинмаслиги, қувурлар алмаштирилмаслиги ва тозаланмаслиги сабабли ҳозир катта майдонлардаги суғориладиган ерлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Масалан, Сирдарё область Оқ олтин районидаги Усмон Юсупов номли 10-совхозда илмий асосланган агротехника қондаларига риюя қилмаслик оқибатида совхознинг 1-бўлими ерларини шўр босиб, мутлақо ишдан чиқди. Бу хўжаликка 80-йилларнинг бошида ҳашарга борган студентлар қамишларни оралаб юриб, ғўзани топиб, пахтасини териб олишга мажбур бўлдилар. Шунга ўхшаш ҳолат Қарши қўлида ҳам кузатишмоқда.

Янги ерлардаги мавжуд хўжаликларни меҳнат ресурслари билан таъминлаш муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Фарғона водийси областлари Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё областлари хўжаликларини ишчи кучи билан таъминлаш бўйича оталиққа олганлиги бу муаммони қисман ҳал этиш имконини берибди. Лекин совхоз посёлкаларидаги социал-маиший шароитлар талабга жавоб бермаслиги сабабли чўлга келган кишиларнинг бир қисми яна ўз жойларига қайтиб кетдилар. Охириги ҳолат кўчиб келган аҳолининг турғун бўлиб қолишида иқтисодий омиллар билан бир қаторда социал-маиший шароитлар ҳам муҳимлигини кўрсатмоқда. Бунга яна ўша 10-совхоз яхши мисол бўлади. Бу ердаги манзара Мирзачўлдаги кўпгина совхоз посёлкалари учун типикдир. Хўжалик 60-йилларнинг охириларида ташкил этилган бўлиб, посёлкаси асосан икки қаватли уйлاردан иборат. Агар ҳамма қўлайликлари бўлса, қишлоқ кишилари бундай уйлarda бажонидил яшашлари мумкин. Лекин бу уйлarning ваннаси ҳам; иссиқ суви ҳам йўқ, ҳожатхонаси ташқарида жойлашган. Молхона ва ем-хашак сақланадиган ёрдамчи хоналар қурилмаган. Аҳоли орасида ем-хашакни балконда сақлаётган, қўйларни ҳам қишда балконда боқаётган оилаларни кўриш мумкин. Томорқа йўқлиги, ҳовли торлиги сабабли кишилар тандир ва ўчоқни ҳожатхона ёнига қуришган. Бу ахир ўтакетган антисанитария ҳолати-ку. Кўш қаватли уйлarning кўпчилигида хоналарни қурум қоллаган. Сабабини суриштирсак, бу кўмир ва ўтин ёқиб қизитиладиган «қўлбола» печкаларнинг иши эканлигини айтишди.

Аслида бу уйлар ҳам «ҳолва». Мирзачўлни комплекс ўзлаштиришга янги киришилган пайтда ташкил этилган совхозларда уйлар худди катта шаҳарлардагидек уч-тўрт қаватли қилиб қурилган. Бунга ўша пайтларда эътироз билдирилган-да: «Хеч қиси йўқ, бу уйлarda комсомоллар яшадади, уларга ортиқча нарсанинг кераги бўлмайди», деб жавоб қилинган экан. Қалтабинликни қаранг! Ахир, бугун чўлни ўзлаштиргани келган комсомол эртага оилали, бола-чақали бўлади-ку. Қолаверса, деҳқон одам минг йиллардан бери ерда ёйилиб яшаб ўрганган, томорқаси, молхонаси, омбори, сигир-бузоғи бўлганку. Буларсиз қишлоқ кишиси ҳаётини тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Наҳотки, уйларни лойиҳаловчилар шу оддий ҳақиқатни билишмаган бўлса. Тўғри, кейинроқ бу хатоликлар тузатилди. Қарши қўлини; Жиззах даштини ўзлаштиришга киришилганда уйлар анча деҳқонбоп қилиб қурила бошланди. Аммо бу ишга анча кеч киришилди.

Ҳозир Мирзачўлдаги кўпгина совхозларнинг посёлкаларини айлансангиз аянчли манзаранинг шохиди бўласиз. Кўчалари қишда лой, ёзда тўпқдан тупроқ бўлади. Ҳар кўчада чиқинди «тоғ»лари кўзга ташланади. Демак, қишлоқ жойларида ҳам шаҳардаги каби чиқиндиларни машина ва механизмлар ёрдамида йиғиб олиб, махсус ахлатхоналарга олиб бориб ташлайдиган вақт келди. Бу масалани ҳал этиш Шоҳимардон, Поччаота, Ургут каби оромгоҳ жойларда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Совхоз ишчилари ювиниш учун бир неча километр узоқликдаги Гулистон шаҳридаги ёки «Фарғона» совхозидаги ҳаммомга боришга мажбурлар. Савдо шохобчалари вақтида ишламаслиги, турмуш учун зарур молларнинг йўқлиги маҳаллий аҳолини ранжитмоқда.

Юқорида қайд қилганимиздек, чўллардаги янги совхозларда ишчи кучларининг танқислиги шу куннинг энг муҳим муаммосидир. Бунинг учун биринчи навбатда совхоз посёлкаларидаги турмуш шароитини яхшилаш, турар-жой қурилишини кенгайтириш керак. Шаҳарлик лойиҳачилар шинам, қўлай, арзон, деҳқонбоп уйлarning лойиҳаларини яратишлари, бу уйларни ҳам давлат йўли билан, ҳам кооператив йўл билан қўллаб қуриш зарур. Ўз кучи билан иморат қурайдиганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Ана шундагина янги совхозларга республикамизнинг аҳолиси

зич, ишчи кучи кўп бўлган районларидан кўплаб кишилар кўчиб келиши, қишлоқ хўжалиги янада юксалиши мумкин.

Ҳозир Мирзачўл ва Жиззах-чўлларида Фарғона водийсидаги йирик хўжаликларнинг филиалларини ташкил этиш масаласи кўйилаётганлигини табриклаш керак. Бу водийнинг Бўз районидаги кўриқ ерларни, Тошкент областидаги Далварзин чўлини ўзлаштиришдаги тажрибамиздан ижодий фойдаланишнинг яхши мисолидир. Маълумки, урушдан кейинги йилларда Бўздаги кўриқ ерлар ўзлаштирилганда хўжаликларга участкалар ажратиб берилган эди. Ҳар бир хўжалик ўз куч ва имкониятлари билан ўзига ажратилган майдонларни обод қилишга киришганди. Шу йўсинда секин-аста аҳолининг бир қисми янги ерларда ўтроқлашиб қолди. Ҳозир Бўзга борган киши бу ерларнинг қирқ-эллик йил аввал чўл бўлганлигига ишонгиси келмайди. Қолаверса, инсон робот эмас. Киши бошқа жойга борганида атрофда кадрдон кишилари бўлса киндик қони тўкилган жойларни камроқ кўмсайди, қийинчиликларни енгиши осонлашади, иши яхши кетади.

Ҳозир Мирзачўл ва Жиззах чўлларидаги янги совхозларда ишчи кучи етишмаётганлиги сабабли хўжаликларнинг раҳбарлари «мавсумий» деҳқонлар билан ҳам ишлашга мажбур бўлишяпти. Бундай кишилар чўлга асосан томорқа экиш учунгина келишади. Томорқани иложи борича каттароқ олишга интилишади. Экинларини пуллаб олишгач эса, «сирка»лари сув кўтармайдиган бўлиб қолади. Бироз ортиқча талабчанлик қилинадиган бўлса, пахта йиғим-терими тугашини ҳам кутмай жўнаворишади. Хўжаликлардаги ҳақларидан эса кўнгиллари хотиржам: уни халқ суди ундириб беради. Чўлда бундай «гастролчи» деҳқонларни «сентябрчи»лар, «октябрчи»лар деб ҳам аташади. Улар ерга ҳам, сувга ҳам ачинишмайди, томорқаларида етиштирилаётган ҳосилнинг сифати ҳақида қайғуришмайди. Экинга қоплаб селитра солишади... Агар етарли шарт-шароит бўлса уларнинг кўпчилиги чўлда муқим яшаб қолган, хулқ-атворларини ҳам ўзгартирган бўлур эдилар.

Чўлда биринчи навбатда деҳқонбоп уйлар қурилишининг кенг миқёсда авж олдирилиши бу ерларга меҳр кўйган кишиларнинг кўпайишига олиб келар, қишлоқ хўжалигини янада жадал сурьатлар билан ривожлантириш имкониятларини юзага келтирарди.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон шон-шухратини кўтарувчи аҳолисининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларимиздаги ҳозирги экологик шароит талаб даражасига жавоб бермайди. Бу ҳол партияимизнинг асосий социал-сиёсий тадбири — шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мавжуд зиддиятларни бартараф этишни қийинлаштиради. Ер ва сувдан нотўғри фойдаланиш эса социал-иқтисодий тараққиёт билан бир қаторда, табиатга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан минггадек гектар янги ерларни ўзлаштиришга миллион-миллион сўмлаб пул сарфлаямиз, иккинчи томондан хўжаликнинг оқибатида минг-минглаб гектар суғориладиган ерларни шўр бостириб, фойдаланиш учун яроқсиз қолга келтираяпмиз. Гербицидлар, дефолиантлар ва бошқа зарарли химикатлардан фойдаланишда эҳтиёт чораларини кўрмаслик натижасида табиатга ва инсон саломатлигига катта зарар етказаяпмиз. Бизнингча бундай ҳолга барҳам бериладиган вақт аллақачон келди. Инсон фаолияти натижасида табиатда юз бераётган ҳар қандай ўзгаришлар жамият равнақида, инсон бахт-саодатида албатта ўз аксини топишини ҳаммамиз яхши англаб олишимиз керак.

Инсон ҳаёти ва меҳнат қилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар қишлоқда ҳам яратилиши лозим. Қишлоқ жойларидаги ўзгаришлар бирор бир ёки бирнеча шахс хоҳиши билан эмас, балки илмий, демократик асосда ҳар томонлама ўрганиб, билингандан сўнг амалга оширилиши керак. У ёки бу областдаги қишлоқлар келажақда қисқариб, бир-бири билан қўшилиб, шунчаси қолади, деган сунъий «прогноз»ларга чек қўйиш пайти келди.

Янги ва эски деҳқончилик зоналарида барпо қилинаётган уйлар, посёлкалар лойиҳаларини тубдан кўриб чиқиш, табиий шароит (ер ва сув шароитлари, рельефи, шамол йўналиши, яйлов, тоғолди, воҳа зоналари ва ҳоказо)ни ҳисобга олмасдан тайёрланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишни тўхтатиш керак.

Келажақда республикамизда сув омборлари ва бошқа йирик гидротехник иншоотларни қуришдан олдин унинг лойиҳасини албатта кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишни одат қилиш керак. Экин майдонларининг шўрланиши жараёнини тезлаштириб юборган сув омборлари ва каналлар ёқаларида зарур мелиорация ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Янги ерлардаги коллектор-дренаж системасини сурункасига профилактик ремонт қилиш, Қарши, Мирзачўл ва бошқа чўлларда улар тармоғини кенгайтириш лозим.

Деҳқончиликда зарарли химикатларни ишлаштириш чеклаб, зараркунанда ҳашаротлар ва ёввойи ўтларга нисбатан биологик методлардан кенг фойдаланишга ўтиш вақти келди. Бу ишларни биринчи галда аҳолиси зич районларда амалга ошириш лозим. Акс ҳолда энг қимматли капитал — инсон саломатлигини асли ҳолига келтириш амри-маҳол бўлиб қолади. Бутифосдан фойдаланишни таъқиқланганлиги, бу йўлдаги биринчи қадам бўлди. Худди шундай тадбирлар бошқа зарарли химикатлардан фойдаланишга ҳам жорий этилиши лозим. Далаларга кўпроқ органик ўғит солиш, бунинг учун эса чорва молларининг, айниқса қорамолларнинг туёғини кескин кўпайтириш керак. Чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини ташкил этиш пахта майдонини чеклаб, беда ва бошқа ем-хашак экинлари майдонини кенгайтириш алмашлаб экиш системасига қатъий амал қилишни талаб этади. Янги суғориладиган ерлар ҳажмини кўпайтирмай, боридан оқилона фойдаланиш, сув кескин чегараланган вазиятда мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ жойларида аграр-саноат комплексига тегишли бўлмаган иншоотлар барпо этишни камайитириш, айрим ҳолларда чеклаш зарур.

Қишлоқ меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ҳозирги имкониятларидан яна бири — яқин вақтларгача мавжуд касб-корларни қайтадан тиклаш, касаначиликни кенг йўлга қўйишдир. Аҳолиси зич қишлоқларда гилам тўқиладиган, кигиз солинадиган, дўппи, сочик, дастурхон тикадиган, ганч ва сополдан буюмлар тайёрлайдиган артелларни кўплаб очиб пайти келди.

Инсоннинг атроф муҳитга нотўғри муносабати табиатнинг экологик мувозанатига салбий таъсир этади ва этмоқда. Бу ҳол инсон ҳаёти, жамият тараққиётида кўнгилсиз, айрим ҳолларда зарарли оқибатларга олиб келди. Шунга кўра табиатдан, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.





Ғуллом Каримов

## ДИЛОРОМУ ДИЛОРОЮ ДИЛОСО

(Алишер Навоий «Ҳамса»сида аёллар дунёси)

Алишер Навоий кам одамларга муяссар бўладиган фавқуллодда зўр бадиий талант, ақллар ҳайрон қоладиган ажойиб меҳнат қобилияти билан ўзининг олижаноб, гўзал образлар дунёсини яратишга киришди. Алишер Навоий яратган дунё кишилари жисмоний жиҳатдан гўзал, маънавий жиҳатдан бой, гармоник ривожланган баркамол кишилардир. Улар ақл-идрок, инсоф-адолат принципларига асосланган ҳаёт учун курашадилар. Бу баркамол бахтли инсонлар галереясини эркаклар қатори аёллар ҳам безатиб турадилар. Улар ер шарининг турли қисмларида яшовчи халқларга мансуб бўлиб, чинакам интернационал характер касб этадилар. Арман маликаси, Хитой тожирининг қизи, эрон шохининг маҳрами, араб қабиласининг оддий вакиласи, ҳинд гўзали турли халқ, элат вакиллари дир. Ҳар бир портретнинг ўз қиёфаси, ҳусн-жамоли бор. Катта рассом уста-хонасида бир-бирини такрорлайдиган иккита сурат учрамаганидек, Алишер Навоий яратган портретларда ҳам такрор-қайтариқ кўринмайди. Ҳар бир образ ўзига хос бўй-ҳид билан, характер хослиги билан бир-биридан фарқ қилиб туради. Бу табиий ва қонуний эди. Алишер Навоий каби буюк санъаткор даҳоси сунъийликни, саёзликни ёқтирмаганидек, қайтариққа, такрорга, тақлидга ҳам йўл қўймайди. Навоийдаги аёллар дунёсининг тасвири, унинг кишилиқ бадиий такомил тарихида кам учрайдиган доҳий санъаткор эканидан яна бир марта далолат беради. Келинг, бу улғу зот ижодини таърифлаш учун сўз ожиз эканлигига тан бериб, у чизган ажойиб портретлар билан танишишни бошлайлик.

### ШИРИН

(«Фарҳод ва Ширин» достони)

Бу арман маликаси ўз гўзаллиги, мазмундорлиги ва улғуворлиги билан ҳар қандай қасрга ҳусн бўлиб тушади ва бу портретлар галереясининг бошида туришга лойиқ.

Ширин ҳушёр, жуда зийрак, жозибатор қиз. У арман юртида яшаб, бутун куч-қувватини, билим-заковатини мамлакатни обод, халқни фаровон қилиш учун сарф этган. Арман мулкида машҳур Урарту давлатини барпо этган унинг ота-боболари ҳам ўз вақтида сув учун мардонавор кураш олиб борганлар ва тарихда «Семирамида ариғи» деб ном олган канал қазганлар. Ширин Урарту подшоҳларининг муносиб меросхўри сифатида тоғлар оша канал қаздириб юртни обод, халқни фаровон қилиш йўлида жонбозлик кўрсатади. Шириннинг қилган ҳаракатлари, кўрган тadbирлари бекор кетмади, сув учун олиб борилган халқ кураши зўр ғалаба билан яқунланди. Ариқ битиб, сув қўйиш тантанасига йиғилган халойиқ шитоб билан оқаётган сувга эргашиб, севинчидан қийқириқлар билан ариқ ёқалаб тўғон бошига борадилар. Байрам тўсини олган бу тантана ариққа «Наҳрул ҳаёт» («Ҳаёт ариғи»), қаср олдида қазилган ҳовузга «Баҳрун нажот» («Нажот денгизи») деган ном қўйиш билан яқунланди. Бу тантанадаги халқ қувончини кўрган Миҳинбону, Ширин ўзида йўқ хурсанд ва мамнун эдилар.

Шириннинг иккинчи муҳим фаолияти арман халқининг маданий ҳаётини ривожлантириш билан боғлиқдир. У, умуман, ҳаётни кўркем, қувноқ бўлишига интилади: Турмуш фаровон бўлиши билан бирга гўзал, жозибатор, завқли, тўлақонли ўтиши ҳам керак.

Алишер Навоий ёруғ ва нурли ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини арман маликаси Ширин тим-солида беришга ҳаракат қилди. Шириннинг бахти шунда эдики, у Миҳинбону каби маърифат ҳоймийси, илм-маданият тарафдори бўлган ҳукмдор саройида яшади. Ширин ўз атрофига ўтмишнинг мумтоз шахсларига ўхшаб илм-фан билимдонларини тўплайди, баҳслар, мажлислар ташкил қилиб, мазмундор суҳбатлар ўтказди. Миҳинбону саройи ўзининг маънавий ҳаёти билан араб халифалиги даврида таъсис этилган «Бағдод академиясини» эсга туширади. Ширин ва Миҳинбону бош бўлган сарой жаҳолат ва хурофотдан анча-мунча узоқ ҳолда қувноқ ва ёрқин ҳаёт кечиради. Унда яшовчи инсонлар эса афсонавий, идеал жамият аъзолари каби пок ва нуронийдирлар, улар Ширин бошчилигидаги суҳбатларда донишмандликни касб этадилар.

Алишер Навоий Ширин ҳарамини ташкил қилган бу донишманд қизларни ном-баном кўрсатади, улар фаолиятига таҳсин ва офаринлар ўқийди:

Дилорому, Дилорою Дилосо,  
Ғуландому, Суманбўю Сумансо,  
Паричеҳра Паризоду Париваш,



**Парипайкар зиҳи ўн исми дилкаш.  
Чу эврлди лаболаб давр оёғи,  
Қизиди базм янглиғ эл думоғи.**

Бу нурли ва завқ-шавқли машғулотдан, Алишер Навоий таъбири билан айтганимизда «эл думоғи қизиган», илҳом тўла ҳаётдан маст яшар эдилар.

Ширин сиймоси Шарқ классик адабиётида қадим замонлардан бери яшаб келади. Улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Ширин образи бор. XII асрда Низомий яратган «Хамса» асарида ҳам Ширинга махсус дoston бағишланган. Худди шундай Амир Хисрав Деҳлавий «Хамса»сида ҳам Ширин номи билан махсус мустақил асар яратилган. Лекин Алишер Навоийгача бўлган Ширин образлари Фарҳод билан эмас, сосоний ҳукмдори Хисрав Парвез билан боғлиқ ҳолда тасвир қилинади. Алишер Навоий образ моҳиятини ўзгартириб, эски сюжетга янги идея, янги мотив бағишлаб, «тоштарош» Фарҳод билан Ширин ўртасидаги муҳаббатни тасвир қилади.

Ўз юрак дардини Ширин одамлардан бекитмас, баъзи аёлларга ўхшаб бу севгисидан ҳайқимас, аксинча унга даво излаб Фарҳод оғушига талпинар эди.

**Куюб ҳажр ўтидан жону кўнгул ҳам,  
Не куймакким, бўлиб юз қатла кул ҳам.  
Ичимга шуълаи ишқинг туюшиб,  
Туюшиб демакким, бошимдин ошиб...**

Афсуски, Шириннинг ишқ жомидан май ичиб, муҳаббат мажлисларидан лаззатланиб, бахтиёрлик изтиробида ёки изтироб бахтиёрлигида шодон ҳаёт кечириши узоққа чўзилмади. «Кажрафтор фалак» гардиши унинг бошига бирин-кетин кулфат тошларини ёғдира бошлади, мусибатли қора кунларни туғдирди. Биринчи жиддий ташвиш шу бўлдики, Эрон шоҳи Хисрав арман ўлкаси тепасига қўшин тортиб келди ва Ширинга, Ширин эли ва юрти мустақиллигига жиддий таҳдид солди. Шириннинг ташвишли, таҳликали кунлари бошланди. Ширин ҳаётининг арман юртига Хисрав келгунча бўлган дастлабки даври, Фарҳод билан ўтказган кунлари қанчалик қувончли ва нурли бўлса, унинг сўнгги кунлари шунчалик қайғули ва фожиали эди.

Ҳар тонг отишини Ширин изтироб ва ҳаяжон ичида кутиб оларди. Унинг назарида қуёш ҳам кўк фазосига қонга беланиб кўтарилгандек туюларди. Ширин Хисрав қўшини ҳужумига қарши қўрғон мудофааси ташвишларидан ҳали қутилгани ҳам йўқ эдики, ундан ҳам машъумроқ бошқа хабар тарқалди: Миҳинбону саройига Ширин учун совчиликка Хисравдан элчилар келипти... Бу қутилмаган шум хабардан Ширин ҳали эсини йиғиб олишга улгурмасдан туриб, ундан ҳам даҳшатлироқ яна бошқа хабар келиб етди: Хисрав қўшинларининг йўлини тўсиб, қўрғон мудофаасида турган Фарҳод маккор Хисрав қўлига асир тушипти ва «Салосил дев» қалъасига занжирбанд қилинибди...

Фарҳод ҳалокати тўғрисидаги шум хабар чақин тезлиги билан тарқалди. Ширин қулоғига бориб етди...

Маънавий дунёси Фарҳоддан кўп фарқ қилмайдиган, дунёни Фарҳоддек тушунадиган Шириннинг бу фожиали воқеалардан қандай аҳволга тушишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ширин хашак хирмониға ўт тушгандек ловиллаб ёнди, унинг кўксидан отилиб чиққан «Фарёд, Фарҳод!» сўзлари ҳаммани ларзага солди. Ширин фарёидан барча халойиқ ғамгин, айниқса, Миҳинбону ташвишда, нима қиларини билмас эди. Миҳинбону Ширин ҳаётидан хавф олар, у ғам зарбида ўзига шикаст етказиб қўйишидан қўрқар эди. Рўй бериши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олиш мақсадида Миҳинбону Ширин маҳрамларини кўпайтирди, ундан тез-тез ўзи хабар олиб турди. Бу тadbирлар Ширин дардига даво бўлмас, аҳволини енгиллатмас эди. Ширин аҳволи кун сайин оғирлашар, қовжираб қабоб бўлишга, ёниб кул бўлишга борган сари яқинлашар эди. Шириннинг бутун фикри-зикри Фарҳодда эди. У на боғ сайридан баҳра олар ва на тоғ ҳавоси кўнглини ёзар эди. Қандайдир тақдир ҳукми сингари кўз ўнгида сувдан айрилган балиқ образи кетмай туриб қолди, беихтиёр «балиқ ҳоли не бўлғай, сувдин айру...» мисраларини юрган йўлида пичирлаб ўқир, ўзича такрор қилар эди. Сувдан айрилган балиқ сингари, ёри Фарҳод куйида, ғам-алам қўйнида талпинар, талпиниб жонсараклик билан тиним топмас эди...

Бу борада Ширин жамолига иттифоқо кўзи тушган Хисравнинг ўғли Шеруя унга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Хисравнинг Ширинга харидор эканлигидан хабардор бўлган Шеруя Ширинни ўғай оналикдан кўра ўзига хотин бўлишини афзал кўради ва ўз отасини ўлдириб, Ширинга харидор эканлигини эълон қилади. Энди Ширин учун ҳаммаси барибир, Хисрав ҳам, Шеруя ҳам унинг кўнглига ёт эди. У Шеруя таклифига розилик билдириб, ёлғиз бир шарт қўяди: тоғу тошларда қолиб кетган Фарҳод жасадини келтириб, қаро кийсам, эл одатига мотамини тутиб, ўз қўлим билан дафн этсам. Кейин тақдир нени ёзган бўлса шуни кўрмоқча Ширин розидир.

Фарҳод жасади арман қалъасига келтирилди. У билан охириги вилолашиш учун Ширин Фарҳод олдига киришдан аввал Миҳинбонуга мурожаат қилиб шундай дейди: «Менинг меҳмоним келибдур. Сизлардан илтимосим шуки, мени бир замон у билан ёлғуз қолдиринглар. У жафокаш ёрим менинг йўлимда жон берди. Энди вафодорлик навбати менга етибдур!»

Миҳинбону Шириннинг охириги илтимосини қабул қилди ва уни ёлғиз вилолашиш учун Фарҳод жасадини қошига қиритди.

Ширин эшикни ичкаридан беркитиб Фарҳод жасади бошига келди, кўрдикки, Фарҳод ўйғонмас абадий уйқуда сокин ётибди... Ширин юзини ёри юзига, кўксини ёри кўксига қўйиб, кўнглининг энг чуқур жойларидан дардманд бир «оҳ!» чиқардию дунёдан кўз юмди.

Алишер Навоий шу ўринда жаҳон адабиётида кенг тарқалган бир мотив — ўлимни уйқу билан қиёс қилиш мотивида бир неча мисра шеър ёзади ва Ширин фожиасига хотима ясади.

**Кўнгулдин шуълалик оҳе чиқарди,  
Кўзи ҳамхобадек уйқуга борди.**

**Не уйку, кимса андин қонмас уйку,  
Қиёматга дегин уйғонмас уйку.  
Бу бўлса уйку, уйғонмоқ не яъни,  
Муинингдек уйкудин қонмоқ не яъни.**

Миҳинбону жондин азиз жияни Шириндан айрилгандан сўнг, ўзи ҳам оху-фиғон билан жон таслим этди. Шундай қилиб, дostonнинг асосий қахрамонлари Фарҳод, Ширин ва Миҳинбонулар кажрафтор (тескари айланувчи) фалак зулми остида ҳалок бўлдилар.

Дoston воқеаларининг бундай фожиона, мотамангиз саҳналар билан тугалиши Алишер Навоийга мутлақо ёқмас эди. Лекин на чораки воқеалар оқими, образлар мантиқи шунга олиб келди. Алишер Навоийнинг ижодий-эстетик принциплари бундай хотимани қабул қила олмас эди. Бутун умрида ҳаётни, ҳаёт гўзаллигини куйлаб келган Алишер Навоий ўз интилишларига, эстетик завқига мос тушадиган хотима ахтаришга қарор қилди. У узоқ вақт, ўз таъбири билан айтганимизда, «даҳр авроқин» — варақларини ахтаргандан сўнг, ўлимдан эмас, ҳаёт тантанасидан дарак берувчи шундай бир ривоят топди: Фарҳоднинг яқин дўсти, Хитой ҳоқонининг саркардаси Баҳром Фарҳодни йўқлаб арман мулкига келади, Шопурдан асл воқеаларни билиб, Фарҳодга таъзия очади. Шеруяни жазолаб юртдан қувиб чиқаради. Хисрав вайрон қилган ерларни яна обод қилиб, арман ўлкасида адолат ва ҳаққоният ўрнатади. Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг суюкли қахрамони, хотин-қизлар оламининг олижаноб, монументал тимсоли бўлиб қолган Ширин бошлаган ишлар авлодлар томонидан давом эттирилди, унинг азиз номи эл хотирида ва китобат саҳифаларида абадий сақланиб қолди.

## ЛАЙЛИ

(«Лайли ва Мажнун» достони)

Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достони воқеалари баёнига киришишдан олдин баҳор фаслидаги бир боғ-чаманзор тасвирини беради. Бу боғ фақат ўзбек адабиётида эмас, балки умуман Шарқ классик адабиётининг баҳор мавсуми тасвирига бағишланган энг жонли ва нодир намуналардан биридир. Наргис, савсан, насрин, лола, бинафша ва яна бошқа кўп гуллар билан безалган, ариқларида сувлар шилдир-шилдир оқиб турган, баҳор шамоли ёқимли эсиб, кишига ҳузур бағишлайдиган бу гулшанга ҳар қандай одам кирса, баҳри-дули очилади, яйраб роҳат қилади.

Алишер Навоий тасвир қилаётган бу ёшлар, гулшанга қувноқлик билан ёйилган «гуруҳи чолок» («югурак болалар») мактаб ўқувчилари эдилар. Лайлининг касалдан туриб мактабга келиши шарафига домла шогирдларининг барчасига озодлик берди. Мактаб ўқувчилари эса хурсанд бўлишиб, қий-чув, шовқин-сурон билан боғ сайрига кетдилар. Шундай, табиат уйғонган мавсумда — баҳор фаслида, гўзал чаманзор кўйида Лайли биринчи марта Қайс билан учрашди...

Ҳаётнинг ўзи муҳаббатга чорлар эди. Ҳар қандай ёш кўнгил ҳам унинг завкли манзараларидан, қувноқ чехрасидан кўзини узолмас, хандон табиатида бефарқ қаролмасди.

Баҳор фаслидаги анвои гуллар билан тўла бу чаманзор муҳаббат дostonининг экспозицияси бўлса, воқеалар тугуни ҳам шу гўзал гулзор кўйида содир бўлди. Лайли дугоналари оғзидан таъриф-тавсифини ва жозибали мақтовини эшитган ёш йигитдан — Қайсдан кўзини ололмай қолди. Қайс унга фусункор ва мафтункор бўлиб кўринар, ҳарчанд ўзини сақлай деса ҳам беихтиёр унга назари тушар, кўрган сари яна кўргиси келиб, аллақандай нотаниш ҳислар оғушида чўлғониб қолар эди.

**Боқай деса доғи қуввати йўқ,  
Боқмай деса доғи тоқати йўқ.  
Кўз учи била боқиб чу гоҳи,  
Жондин чекиб андоқ ўтлуғ оҳи.**

Лайлида Қайсга нисбатан туғилган дастлабки илиқ туйғулар оқибатида ҳосил бўлган, қарама-қарши кайфиятни Алишер Навоий шундай тасвир қилади. Лайли нотаниш ўз туйғуларидан ўзи чўчир эди. Қайс жамолига дадил боқишга журъат қилолмас, боқмай деса тоқати бардос беролмас эди. Ёш маъсума қиз Лайли бир неча замон дугоналаридан ўғринчи, хавфсираб кўз қири билан Қайсни кузатиб юриб, охири гуллар орасида маънос ўтирган Қайсни кўриб, унга беихтиёр куйидаги сўзлар билан мурожаат қилди:

**К-ой турфа йигит не ҳолатинг бор,  
Не навъи ғаму малолатинг бор.  
Ким шодлигинг йўқ ўзгалардек,  
Ободлигинг йўқ ўзгалардек...  
Бу ҳам сенга қайдин ўлди ходис,  
Ким бўлди бу шиддатингга боис!!**

Лайлининг меҳрибонликлар билан Қайсдан ҳол-аҳвол сўраши ёшлар кўнглидаги яширин сирлар пардасини ўртадан кўтарди, ҳар икки кўнгулда баҳор шабнамлари билан бўртиб чиққан муҳаббат куртаклари очик, аён юз кўрсатди, орада ишқ олови аланга ола бошлади.

Шу ўринда Алишер Навоий чуқур мазмунга эга бўлган характерли бир ибора ишлатади. Бу ибора куйидаги мисраларда келади:

**Билдики гар этмас ишга чора.  
Ул ҳол ўлур элга ошқора.  
Эл солсалар изтироб ороға —  
Бир навъи тушар хижоб ороға.**

Бу ердаги арабча «хижоб» сўзи оралиқни тўсиб турадиган парда маъносида, рўй бериши мумкин бўлган муҳаббат конфликтдан, босиб келаётган бахтсизликлардан дарак бериб турар эди. Чиндан ҳам севиш — севилиш манъ этилган, эркин, озод, инсоний туйғулар рад этилган бир жамиятда ҳар бир киши ҳукмрон урф-одатга сўзсиз бўйсунishi шарт, акс ҳолда ора бузилади, ўртага «изтироб» тушади, оралиқни кўзга кўринмас парда — «хижоб» қоплайди. «Хилофи одат» — деб қараладиган бу иш туйғули ҳукмрон урфу одат билан ораларида ҳосил бўладиган мана шу «изтироб», «хижоб» бошданоқ Лайли билан Қайснинг жонини ларзага, кўнглини ташвишга солиб турар эди.

Алишер Навоий Лайли қиёфасида XV аср тарихий шароитидаги ўзбек қизи тимсолини яратди. Лайли томирларида Арабистон даштларининг ҳароратли нафаси сезилиб турса ҳам, лекин у бутун вужуди, табияти ва характери билан Мовароуннаҳрдан чиққан ўзбек қизидир. Ўзбек қизларига хос бўлган шарми-ҳаё, назокат, иффат, мулоимлик ва меҳрибонлик каби хислатлар Лайлининг тўғма фазилатларидадир. Бу олижаноб фазилатлар унинг характериға шунчалик сингиб кетганки, унинг ҳар сўзида, ҳар қадамида поклик — самимият аён кўриниб туради. Бу жиҳатдан Алишер Навоий дostonларида жонланган баъзи қаҳрамонлар билан Лайлини қиёс қилиш кифоя. Масалан, Ширинни олайлик. Ширин севади, фикр қилади, ўйлайди ва ўз севгисига эришиш учун актив ҳаракат қилади, курашади, уни ёвуз кучлардан ҳимоя қилади. Лайлида эса XV аср қизларига хос бўлган бошқача хусусиятларни курамыш: Лайли ҳам севади, фикр қилади — ўйлайди, лекин у ўз севгиси йўлида актив кураш олиб бормади. Ширинда фаолият устунлик қилади. У ренессанс даври ҳаётининг курашчан томонларини, яратувчилик фазилатларини, маърифат-маданият учун интилиш хусусиятларини ўзида гавдалантиради. Алишер Навоий Ширин орқали баркамол, тўлақонли ҳаётни ташкил қилувчи, ундан завқланувчи аёл образини беради. Лайли орқали эса XV аср ҳаётининг бошқа томонларини — феодал асорати, урф-одат, бидъат ҳукмронлиги каби салбий, қоқоқ томонларини, шу эскилик сарқитлари қурбони бўлган одамлар қиёфасини чизиб беради. Ширинда ёрқин бўёқ, курашчанлик кўзга яққол ташланиб туради, Лайлида эса мушоҳада ва руҳий кечинма устунлик қилади. Бу хусусият унинг характерида ғам-алам, нола фиғонларни анча кенг ўрин олишини юзага келтириб чиқазади. Лайли Мажнунга ёзган бир мактубида ўзининг «мискин», «заиф», «ожиз», «чорасиз» эканлигини айтиб қуйидагича зорланади:

**Сенсизки ғамим дами кам эрмас,  
Сендин гар эмас кўп, оз эрмас.  
Сен тортибон охи оташолуд,  
Мен ўт ёқибон чиқормайин дуд...**

Бу мисраларда ислом диний ҳукмронлиги остида умр кечириётган Шарқ аёлининг эрксиз образи, мазлумлар мазлумаси бўлган ҳуқуқсиз ҳаёти гавдаланиб туради. Лекин феодал деспотизми остида яшашга мажбур бўлган кучсиз ва ҳуқуқсиз бу қиз фавқуллодда ирода кундага эса эди. Унинг эски, чиринган урф-одатларга нафрати, ҳаёт ҳақидаги порлоқ умид-орзулари ундаги эътиқодни камолга етказдилар, иродани мустаҳкамладилар.

Ишқ тимсоли бўлган Лайли вафодорлик ва садоқатнинг мужассам ҳайкалидир. Бу ҳайкални Алишер Навоий оппоқ қордай мәрмардан ясади ва жўшқин ижодий фантазиясида парвариш қилиб, унга жон бағишлади. Сутдай пок ва беғубор Лайли сўнгги нафасигача, умрининг охиригача ўз садоқатида собит, маломатида чидам билан турди. Умрининг ёлғиз шиори, бирдан-бир мазмуни ёрига вафодорлик, ўз эътиқодиға садоқат эди. Бу йўлда қандай азоб бўлмасин, қандай қийинчиликлар учрамасин унга Лайли зўр матонат ва қаноат билан бардош бериб келди.

Лайли ўзини барглари юлиб соғурилган гулга, шох-шаббаси кесилган сарви дарахтиға, икки тош орасига олиб майдаланган лаълга ўхшатади.

Алишер Навоий ажойиб поэтик маҳорат билан тасвир қилган Лайлидаги бу зўр ирода, фидоийлик, мақсад йўлидаги улуғ бардош, шубҳасиз, таҳсинга ва тақлидга сазовор эди. Навоий яратган аёллар дунёсида ўзининг олижаноб фазилатлари билан ёруғ юлдуз каби ярқираб турган Лайли сингари аёллар бизнинг замонамизда ҳам йўқ эмас, улар Лайлининг муносиб меросхўрлари сифатида давримизнинг кўрки бўлиб яшаб, халқимизнинг эзгу умид-армонларини ўз юракларида кўз қорачиғидек сақлаб келмоқдалар. Халқимиздаги энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлантирган бир вакиласи образини шоир Абдулла Орипов «Аёл» асарида шоирона мисраларда куйлаб берди. Бу мангу мавзу адабиётимизда ҳозир ҳам ўз ғолибона ҳаётини давом эттириб келмоқда. Шоира Зулфия шеърлятида бу мотив ажойиб рангларда кўпдан бери товляниб, жило бериб келади. Унинг «Сўроқлайди шоирни шеърим» асарида ҳам ҳижрон жафосини висол ёди билан енгиш мотивлари юксак оҳангларда куйланади.

Лайли қиёфасини чуқурроқ аңлаш, ундаги муҳаббатнинг асл моҳиятини тушуниш жиҳатидан «Лайли ва Мажнун» дostonининг охириги бобларидадан бири ниҳоятда характерли. Бу — Лайли билан Мажнуннинг саҳрода, қоронғу тунда учрашишлариға бағишланган боб. Лайли Ибн Салом панжасидан омон чиқиб саҳро сари юзланган бир вақтда, Мажнун Навфал қизи билан ака-сингил тутинишди ва чимилдикдан чиқиб, у ҳам саҳро томон йўл олади. Саҳрода, қоронғу тун қўйнида икки вафодор ёр бир-бирлариға дуч келадилар.

Лайли билан Мажнунни қоронғу тунда учрашиш саҳнасини Алишер Навоий ажойиб санъаткорона маҳорат билан, айна замонда, чуқур фалсафий мазмун билан чизади. Китобхон руҳини ларзага келтирувчи бу учрашиш манзараси, фақат «Лайли ва Мажнун» дostonининг эмас, бутун Шарқ адабиётининг мислсиз бадиий обидаси ҳисобланади. Унинг ҳар бир мисраси, ҳар бир байти, юксак шеърлятнинг ноёб дурдонаси сифатида алоҳида диққат ва эътибор билан ўрганишға сазовордир.

Алишер Навоийнинг Лайли ва Мажнунни висолға мушарраф бўлишларини кўтаринки руҳ билан «бир садафға жойлашган икки дур», «бир осмон буржидаги икки қуёш», «бир гулбун ичида битган икки гул», «бир кўз косасида жойлашган икки мардум» (кўз қорачуғи)ға ўхшатиб олқишлаши бежиз эмас эди, унинг чуқурроқ ва жиддийроқ сабаби бор. Гап шундаки, бу икки ишқ эгасининг висолға эришувларини бутун коинот, самовот табриклар, фалак мададкорлик кўрсатар, ҳатто «найрангбоз замона» («замонаи мушъабид») эса уларни ёмон кўздан сақлар, офатдан асраб турар эди.

Бугина эмас. Икки бахтиёрнинг бемисл сукунатларини бузмаслик учун, осойишта нафасларига монелик қилмаслик учун бутун табиат, қурт-қумурсқалардан тортиб, бутун мавжудот ҳаракатдан тўхтаган, уларнинг ҳурмат эҳтироми учун турган ерида қотган эдилар. Алишер Навоий куйлаган бу қўшиқ — инсон муҳаббатининг шодиенаси ва мадҳияси эди.

Алишер Навоий баъзи бир тадқиқотчилар айтганидек, «илоҳий» ёки «сўфиёна муҳаббат»нинг ҳеч қачон қули бўлиб қолмаган. У Лайли ва Мажнун образларида реал инсоний, тўлиқ маънодаги, ҳаётий муҳаббатни куйлаган, улуғлаган. Шунинг учун дoston воқеаларининг хотима қисмларида севишган ёр образлари табиат билан бирлашиб кетадилар, табиат ҳам уларни ўз аъзоси сингари қабул қилиб, улар висолини табриклайди, шарафлайди. Алишер Навоий таажжуб қоларлик чуқур бадиий идрок воситасида табиат гармонияси билан ижтимоий конфликт ўртасидаги контрастни яққол чизиб кўрсатади. Ижтимоий муҳит дoston воқеаларини фожияна хотимага етаклаган бир вақтда табиат уни бахтиёрлик гармонияси билан табриклайди.

Шундай қилиб «табиат болалари»га айланган Лайли ва Мажнунлар моддий борлиқнинг ажралмас бир бўлагига айланадилар, сўфиёна идеалистик талқинлардан тамоман ҳоли бўладилар. Материалистик пантеизм нафаси келиб турган «инсон-табиат» проблемасини Алишер Навоий шеърлятида бундай ҳал қилиниши, шубҳасиз, унинг гуманистик фалсафасидан дарақ бериб туради. «Инсоният-табиат» бирлиги «мавжудот ваҳдатлиги» тўғрисидаги бу гуманистик фалсафани таъкидлаб, Лайли умрининг охири дамларида куйидаги улуғ оптимистик фикрни олға сурган эди:

**Гул борса чаманга бўлмасун дард,  
Кўк ботса фалакка етмасун гард.**

Ҳаёт бирлиги ва абадийлиги тўғрисидаги фалсафий таълимот «Хамса» дostonларининг ҳар бирида ҳам таъкидланади, кўзга ташланиб туради. Алишер Навоий «Садди Искандарий» дostonида ҳам Юнон ҳукомалари тилидан Искандар онасига насиҳат қилар экан, шу машхур фикрга яна бир бор қайтади ва қуйидаги мисраларни ёзади:

**Гуҳар чўмса дарёга бўлсун ҳаёт,  
Кўёш ботса гардунга етсун сабот.**

Дарҳақиқат, Алишер Навоий орзу қилганидек ҳеч қачон гул сўлган билан чаманзор дардга учрамайди, кўёш ботгани билан фалакнинг юзини гард қопламайди. Ҳаёт абадий, ҳамма вақт ямшил кўнаришини, олға ҳаракатини тарк этмайди.

## ДИЛОРОМ

Исми жисмига жуда монанд Дилором бемисл ҳусни билан ҳам, хуш овози — куйлари билан ҳам, ёқимли, сеҳрловчи музикаси билан ҳам дилга ором бағишлайдиган, кишиларни ўзига мафтун этадиган гўзал аёл. Дилоромнинг товусдек жамоли, булбулдек овози бор. Алишер Навоийнинг айтишига қараганда Дилором ўз куйлари билан жаҳонга ёқиб, элни ақдан оздириб, девона қилганда, унинг хуш овозига Қақнус қуши ҳам маҳлиё бўлиб, учишдан тўхтар ва куйлаган қўшиғига жўр бўлиб, «дostonнавозлик» қилишар эмиш.

Алишер Навоий бу афсонавий қуш — Қақнусни бекорга тилга олмайди. Дostonда муҳим ўрин тутган муҳаббат ва музика мотивини талқин этишда бу афсонавий қуш билан боғлиқ бўлган ривоят катта маъно касб этади.

Қақнус юнонча сўз бўлиб, нақлга кўра, бу қушнинг тумшугида уч юз олтмишта най — тешик бор эмиш. У сайраганда шу най — тешикларнинг ҳар биридан ҳар хил овоз чиқиб, ажойиб мунгли куй ҳосил бўлар эмиш. Афсонага кўра, ҳукомолар музикани шу Қақнус қуши сайрашидан олган эмишлар.

Қақнус ёлғиз, бежурфт яшайди, минг йил умр кўради. Умрининг охирида хас-хашақдан хирмон ясаб, унинг устига чиқиб, шундай завқ-шавқ билан сайрайдики, ҳароратидан хирмонга ўт кетади. Шу ўтда ўзи ёниб кул бўлади, охирида унинг қулидан бир тухум пайдо бўлади, шу тухумдан янги Қақнус қуши чиқади. Бу Қақнус ҳам она-Қақнус қушидек, минг йил яшаб, хирмон ўтида ёниб кул бўлади, бу кулдан пайдо бўлган тухум бола очиб, янги Қақнус дунёга келади. Шу тахлитда музиканинг рамзий тимсоли бўлиб қолган бу афсонавий қуш дунёда ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди, ўзининг нодир овози билан одамларга роҳат бағишлаб, мўъжизали ҳаётини давом эттираверади.

Булбул навоси, Қақнус наъмаси Дилором сози ва куйи ҳаммаси шоҳ Баҳром кўнглини очиш учун хизматга ҳозир эдилар. Баҳром қаср айвонида ўлтириб май ичар экан, қулоғи Дилором навосида, май ичиб Дилором навосини тинглар экан, кўнгли Дилором жамолида эди. Шоҳ Баҳром ўз Дилороми билан, унинг сози ва навоси билан кеча-кундузини шундай айшу ишратда ўтказар эди.

Асарда куйланган муҳаббат ҳам бахтиёр хотимаси, оптимистик руҳи билан ажралиб туради. Дostonнинг асосий сюжетидеги Баҳром ва Дилором саргузаштларида ҳам, етти иқлим йўлидан келиб афсона сўзлаган мусофир ҳикояларида ҳам муҳаббат шундай оптимистик хотима билан яқунланади. «Фарход ва Ширин» дostonини Алишер Навоий «меҳнатнома», «фироқнома» деб, «Лайли ва Мажнун» дostonини «мотамнома» деб атаган бўлса, «Сабъий сайёр» дostonини мана шу куйланган қувноқ ва бахтиёр муҳаббатни кўзда тутиб, «завқнок ҳангома» деб атайди. Дostonнинг охири бобларидан бирида «Сўз ғояти ва назм ҳикояти» тўғрисида сўз борар экан, дoston воқеалари билан танишган китобхоннинг димоғи шод, кўнгли завқнок, зеҳни пок бўлиши муқаррар эканини айтади:

**Ҳар кишиким ўқурда бу хома,  
Таъбиға гарм бўлса ҳангома.  
Таъби гар софи зиҳни пок ўлғай,  
Шак эмастурки завқнок бўлғай.**

Кунларнинг бирида шоҳ Баҳром гур овига отланди. Бу ов томошасига гўзал ёри Дилоромни ҳам бирга олиб борди. Мана шу ов пайтида Шарқ адабиётида кенг шуҳрат қозонган ва «Сабъан сайёр» дostonи воқеаларининг тугуни — экспозицияси бўлиб қолган воқеа содир бўлди.

Ов авжи қизиган пайтида узокдан бир гурнинг чоғиб кетаётганига Баҳромнинг кўзи тушиб қолади. Шунда завқ билан Дилоромга қараб, «Айт, шу гурни қай тахлитда ов қилишимни истайсан?» дейди. Дилором ҳам бу завқли кайфиятдан фойдаланиб, «истайманки аввал бир ўқ билан икки олдинги оёғини тушовла, кейин яна бир ўқ билан бўйнидан бўғизла» дейди. Баҳром худди гўзал Дилором буюрганидек қилиб, гурни аввал тушовлайди, сўнгра бўғизлайди. Шу қилган ишидан ўзи ҳам фахрланиб «қалай!» деган маънода Дилоромга назар ташлайди. Дилором шоҳ Баҳром хунарига таҳсин айтиб, маҳоратига офаринлар ўқиш ўрнига оддийгина, соддагина қилиб «бу машқ (варзиш) натижасидир» деган мазмунда шундай дейди:

**Деди: «ҳар ким бир ишни варзиш этар,  
Иш камолини кўр, не ерга етар!..»**

Дилоромнинг бу илтифотсиз муомаласидан, совуқ жавобидан шоҳ Баҳром ғазабга келди ва уни қатл қилишга буюрди. Лекин сарой аъёнлари орага тушиб, хотин кишининг қонини тўкиш яхши эмаслигини айтиб, жазони юмшатишга эришдилар. Дилоромни сувсиз ва гиёҳсиз дашти-биёбонга элтиб, икки сочи билан оёқ қўлини маҳкам боғлаб ташлаб кетдилар. Эл-улус кўнглини овлашга камандлик вазифасини бажариб келган унинг гўзал узун сочлари, оқибатда, ўз ҳалокига бандлик хизматини ўтади. Баҳром эса Дилоромнинг илтифотсиз, терс муомаласи аламида кечаси билан ичди, бутун тунни май кайфи, ғазаб шиддати азобида тўлғаниб ўтказди.

Алишер Навоий ҳокими мутлақ (ягона ҳукмрон) бўлган шоҳлар қаҳру ғазаби бамисоли аждаҳо офати билан тенг эканлиги ҳақида гапирди, шоҳ билан муомала қилиб тириклик ўтказиш аждаҳо оғзида ҳаёт кечириш билан баробардир, деган фикрга келади:

**Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.  
Анинг коми бирла тириклик эрур,  
Маош айламак аждаҳо комида.**

Баҳром эртаси, май кайфи тарқаб жаҳлдан тушгандан сўнг, ўз қилган ишидан афсусланди. Дилоромни қайтариб олиб келишни одамларига буюрди, лекин фурсат ўтган, Дилором ўз жойидан қайтмади.

Оёқ-қўллари боғланган Дилоромни кимсасиз дашт-биёбонга ташлаб кетганларидан кейин рўй берган воқеалар, Дилоромнинг бундан кейинги тақдири масаласи яна музика билан боғлиқ, Қақнус афсонаси мотиви таъсирида ривожланганини кўрамиз.

Дилоромнинг асл насл-насаби жуда ҳам аниқ маълум эмас. Алишер Навоийнинг хабар беришига қараганда у хитойдаги ўзаро урушлар даврида, икки хон ўртасида бўлган жангда асир тушган қиз бўлиб, хитой тожири (савдогари) томонидан сотиб олинган ва «асранди қиз» сифатида унинг тарбиясида катта бўлган эди.

Табиат инъом қилган гўзаллик, ўз иқтидори — таланти билан музика соҳасида эришган маҳорати унинг эл-юрт олдида шуҳратини орттирди, «навосоз» гўзал қиз сифатида машҳур қилди. Шу филизлати уни рассом Моний воситасида, аввал суратини, кейин ўзини шоҳ Баҳром ҳузурига олиб келди.

Хитойдан Дилоромни кўриш учун келаётган отаси, иттифоқо, дашти-биёбонда чала ўлик ётган қизига дуч келади. Кутилмаганда бу тасодифдан ҳайратда қолган Хитой савдогари ўз одамлари билан Дилоромни ўраб-чирмаб олади ва дори-дармонлар воситасида уни парвариш қилишга киришади. Оламга машҳур Хитой табобатининг мўъжизакор шифобахш дори-дармонлари таъсирида Дилором, кўп ўтмай, илгариги аслига келади ва меҳрибон отаси билан музика мажлисларини ясаб, бир неча замон шодон ҳаёт кечиради.

Табиийки, дашти биёбонда учрашган сафар аҳли билан Дилором олдида энди қаёққа бориш муаммоси турар эди. Эронга, Баҳром ҳузурига бориш йўли булар учун берк, бир марта ғазабга учраб ҳайдалган ерга нима деб бориш мумкин ахир! Орқага Хитойга қайтиш ҳам номуносиб, эл ўртасида ўз обрўси билан яшаб келган савдогар Эрон шоҳига узатилган қизи Дилоромнинг холатини одамларга нима деб изоҳ қилади, қандай тушунтиради? Хуллас, улўф Хитой девори булар йўлини тўсиб турарди.

Машварат-маслаҳатдан сўнг Осиёнинг қадимий обод ва кўркам ўлкаси машҳур Хоразм воҳасига бориш маъқул кўрилди.

Хоразмда Дилором санъатининг муҳибларидан бири Эронга бориб, еттинчи кечада шоҳ Баҳромга «Дилором қиссасини сўзлаб берганда, йўқотган ёридан дарак топган Баҳром, шошилинч равишда ҳайрат тузиб Хоразмга юборди ва Дилором келишини сабрсизлик билан кутиб, у билан яна янгидан топшиди ва илгаригидек май мажлисларида чанг наволарини тинглаб, айш-ишрат билан ширин ҳаёт кечирди.

Алишер Навоийнинг бутун ҳаётини ва ижодий фаолияти даврида энг муҳим масалада жамият идорасини адолат ва ҳаққоният асосига қурилган тузум шаклида такомиллаштириш; инсонлар ҳаётини бахтли ва фаровон қилиш учун курашишдан иборат эди. Бу ҳаётини актуал ва зарур замонавий масалага «Сабъан сайёр» дostonида ҳам Алишер Навоий муҳим ўрин ажратади. Дostonнинг асосий қаҳрамони Баҳром Алишер Навоийнинг илғор ижтимоий-сиёсий идеалларини ифодаловчи образ сифатида тасвир ва талқин этилади.

Дostonнинг бош қисмида Баҳром зулм билан вайрон бўлган ўлкани обод қилувчи, эзилган ва топталган юрт-элнинг бошини силовчи адолатли, инсофли подшоҳ сифатида тасвир қилинади. Баҳром Алишер Навоий тасаввуридаги подшоҳлик ҳокимиятининг типик намоянаси, тимсоли эди. Унинг адолатли ҳукмронлиги даврида «жаҳон жаннат мисоли» обод бўлди.

Лекин Баҳром халқ олдидаги ўз бурчини, мамлакат, мулк олдидаги ўз вазифасини охиригача

оқламади. У айш-ишрат йўлига кириб, ўз шахсий маишати, ҳузур-ҳаловати билан овора бўлиб кетди, бунинг шубҳасиз жавобгарлиги, жазоси бор эди. Бу даврда мамлакат бебош бўлиб, давлат ишлари тартибсиз, таъсирсиз бўлиб кетганини Алишер Навоий шундай таъкидлаб кўрсатади:

**Мулк иши забту рабтсиз бўлди,  
Салтанат амри забтсиз бўлди.**

Бу оқибатсиз ўтиб кетмас эди, албатта. Баҳромга «подшоҳлик мансаби»ни берган тақдир, бу мансабдан элга наф, мамлакатга фойда бўлмагач, уни қаттиқ жазолаши, ўз қаҳру-ғазаби остига олиши турган гап эди. Шундай бўлди ҳам. Баҳромни бутун сарой аъёнлари билан биргаликда, ов пайтида ер ютди.

Баҳромнинг фожиали тақдирини тасвир қилишда Алишер Навоий ўз даври тушунчалари доирасида ҳаракат қилиб, «чархи кабуд» деган иборани ишлатади. Гўёки, озгин, сотқин Баҳромни жазоловчи ғайри табиий куч мана шу «чархи кабуд» («кўк фалак») эди: Баҳромга зўр ҳуқуқлар бериб, имтиёзли шахсга айлантириб қўйган «чархи кабуд» бу берилган ҳуқуқлардан элга фойда бўлмагандан сўнг, уни бир нафасда жазолаб, ер қаърига тортишга ҳам қодир эди:

**Айшлар соз айлади пайваст,  
Ки салотиндин элга бермади даст.  
Мунча коминки, берди чархи кабуд,  
Уйла бир дамда айлади нобуд.  
Ки бўлуб даҳр ноумид андин,  
Асари қолмади падида андин.**

Баҳром тақдири аср ҳукмронлари — шоҳлари учун огоҳлантириш, танбеҳ ҳисобланади. Бу сиёсий ҳаёт ҳақидаги фикр Алишер Навоий учун зўр амалий аҳамиятга эга бўлган назарий таълимот эди. XV аср шароитида ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги шу катта курашлар, ҳаётий масалалар биринчи планда тургани учун Алишер Навоий бечора Дилоромни шу курашлар қурбони бўлганини кўрсатади; унинг беғубор пок кўнгли шу курашлар тўлқинида ҳалок бўлди, лекин унинг ҳамсояси Қақнус ўзининг гўзал санъати, мусиқий оҳанглари билан бирга ҳали ҳам тирик, абадиятга мансублигича қолди.

## **«ХАМСА» НИНГ ТОЖИК ЭЛИДАГИ ШУҲРАТИ**

Машҳур тожик ёзувчиси Сотим Улуғзода «Сизнинг идеал ҳақидаги ақидангиз қандай? Тарихий шахслардан қимлар сизнинг идеалингиз ҳисобланади?» деган саволга: «Тарихий шахслардан менинг идеалим Фирдавсий ва Навоийдир», деб жавоб берган эди. Дилдан айтилган эътироф замирида буюк ўзбек шоири, ўлмас асарлар муаллифи Алишер Навоий ижодига катта ҳурмат-эҳтиром ётади.

Ҳақиқатан ҳам форс тилидаги улкан шеърятнинг забардаст паҳлавонлари Фирдавсий, Низомий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий сингари мўтабар сиймолар қаторида Алишер Навоий номи ҳам асрлар давомида яшаб келди ва форсийзабон халқлар қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

Алишер Навоийнинг «Хамса»си форс-тожик адабиётлари тарихида ҳам муҳим ўрин тутди. Бу монументал асарни қардош халқлар орасида биринчи бўлиб юксак баҳолаган киши — Алишер Навоийнинг улкан замондоши Абдурахмон Жомий эди. Абдурахмон Жомий «Баҳористон», «Нафоҳат-ул-унс» ва бошқа бир қатор асарларида шоирни ниҳоятда улуғлади. «Ҳафт авранг» таркибидаги дostonларида, айниқса, «Хирадномаи Искандарий»нинг хотима қисмида Навоий «Хамса»сига жуда кенг тўхталади. У туркий тилда ёзилган «Хамса»ни Шарқ халқлари адабиётларида яратилган шу турдаги барча асарлардан юқори ҳисоблади. У Навоий «Хамса»си билан шеърят қуёши янада порлоқ чарақлаганини эътироф этади, бу асарни буюк мўъжиза сифатида қадрлайди:

**Туркий тилда доғи нақш келди ажаб,  
Ҳатто сеҳргарлаб боғладилар лаб.  
Бундай ёқимли нақш туширган қалам,  
Бошига офарин ёғдирсин олам.  
Кечирсин форсийда гавҳар терганлар,  
Дарий тилда дур, ғазна берганлар.  
Бунинг тили ҳам гар бўлганда дарий,  
Мажолсиз қоларди уларнинг бари.  
Бу мўъжиза мезон ўлчага агар,  
Ким бўлар Низомий, Хусрав ким бўлар!<sup>2</sup>**

Бу юксак баҳога ўша асрнинг барча форсийзабон шоирлари, ёзувчилари, адабиётшунос олимлари тўла кўшилган эдилар. Шунинг учун ҳам XV—XVI асрларда яшаб ижод этган кўпчилик қалам аҳллари «Хамса»ни катта қувонч билан кутиб олдилар.

<sup>1</sup> «Газетаи муаллимон», 1983, 1 январь.

<sup>2</sup> Абдурахмон Жомий. Искандар хирадномаси (Ш. Шомухамедов таржимаси), Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1978, 122-бет.

Зайниддин Маҳмуд Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Камолиддин Биноий сингари адибларнинг асарларида Алишер Навоий ижоди ва унинг «Хамса»сини мадҳ этишга қаратилган жуда кўп фикрларга дуч келамиз. Жумладан, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират-уш шуаро»сида улкан шоирлар қаторида Алишер Навоий ва «Хамса» ҳақида ҳам сўз юритилади.

Давлатшоҳ Самарқандий бу ажойиб асар ҳақида ўз фикрларини баён этар экан: «Ул амирнинг латиф таъбидин то бу кунгача содир бўлган туркийча ва форсийча (асарлари)дан маърифатли шайх Низомий (Ганжавий)нинг «Хамса»сига туркийча қилган жавобдирким, бу яхши андешали амирдан аввал бирон киши бу қадар фазлга қойим бўлолмаган. Дарҳақиқат, ўша дostonларда у фасоҳатнинг додини берган. (Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Б. Аҳмедов тержимаси. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1981, 190-бет.) деган эди. Давлатшоҳ Самарқандийнинг Алишер Навоийга бағишлаб ширу шакар усулида ёзилган муламмаъ қасида-сида ҳам унинг ижоди, форсий ва туркий шеърятдаги ўрни, камолоти, қудрати юқори баҳоланади.

Камолиддин Биноий «Бехрўзу Баҳром», «Мажмуал ғаройиб» қасидаларида «Хамса» дostonлари ҳамда улуғ шоирнинг икки тилда яратган ғазалларини кўпроқ мадҳ этади.

Форс тилида ижод этган бир қатор адиблар «Хамса»ни оригинал нусхада ўқиш орқали ундан маълум даражада бадий озиқланган эдилар. Шунинг учун ҳам кўп шоирлар асарларини Алишер Навоий мадҳи билан очиб, ўз ижодига кўрсатган баракали таъсирини фахр билан эътироф этадилар. Ана шундай адиблардан бири Абдулло Ҳотифий (1454—1521, эди. Ҳотифий яратган «Хамса»сида, айниқса «Ширин ва Хусрав», «Лайли ва Мажнун» асарлари муқаддимасида Алишер Навоий шаънига илиқ, самимий мисралар битади. Бу форсийзабон шоирнинг ижодий камолот сари юксалишида Алишер Навоийнинг дostonи катта роль ўйнагани кўриниб турибди.

Абдулло Ҳотифий яратган «Лайли ва Мажнун» дostonи мундарижасини кўздан кечирайлик. Асарда анъанавий дастлабки беш бобдан сўнг, VI боб «Китоб назмининг сабаби», VII боб «Мир Алишер таърифида», VIII боб эса «Қалам таърифида» деб номланади ва ниҳоят, IX бобдан дostonнинг асосий қисми бошланади. Бу фактнинг муҳим томони шундаки, Ҳотифий ўз асарида шу мавзуда дoston ёзган ўз салафлари ёки Абдурахмон Жомий мадҳи учун алоҳида боб ажратилмаган ҳолда, Алишер Навоий ижодига махсус тўхталишни зарур ҳисоблаган.

Бу бобда Ҳотифий буюк замондоши Алишер Навоийнинг шеърятдаги юксак маҳоратини, қалами қудратини, энг яхши инсоний фазилатларини улуғлайди. Мазмуни:

**Эй нотихи сухангўй тўти,  
Юзинг ойнадек кўринади.  
Ойнадин пардани олган каби  
Унинг мадҳи учун очил тилингни.  
Ойна дема, қуёш унинг даргоҳида  
Тупроқ ила баробар асли.  
У монийқаламу Кубодшамшер  
Яъни Низомиддин Алишер ўзи.**

Алишер Навоий илм ва маданият тараққиётига катта ҳисса қўшган, инсоф ва адолат учун курашган буюк инсон эди. Унинг бу соҳадаги фаолиятини замондошлари ниҳоятда юксак баҳолаган ва қадрлаган эдилар. Абдулло Ҳотифий ҳам шоирнинг улкан хизматлари ҳақида қуйидаги мисраларни тузади:

**У шоҳлар биносининг бунёдкори,  
Жаҳонпаноҳларнинг боғу тахтидир.  
Нуктадонлар муҳитининг ғоввоси  
Ва маоний жавоҳирининг саррофидир.  
У донолар ақлининг мажмўйи ва баланд  
Мартабалар фазлининг дебочасидир.  
У адолат мулкининг меъмори ва  
Разолат хонасининг бўзувчисидир.**

Ҳотифий устози Алишер Навоийни фазлу хунарда ва хулқу қарамда ўз замонасининг беназири ҳисоблайди. Алишер Навоийнинг бундай олижаноб фазилатлари, яхши хулқлари замондошлари яратган бир қатор асарларда, айниқса, мавлоно Хондамирнинг «Мақоримул ахлоқ» китобида яхши баён этилган. «Лайли ва Мажнун» дostonининг муқаддимасида Ҳотифий томонидан айтилган қуйидаги сатрлар ҳам бу жиҳатдан ниҳоятда ибратлидир:

**Фазлу хунарда даҳрнинг яғонаси,  
Хулқу қарамда шаҳр фасонаси.  
Дурафшон қалами қуйган ҳар бир сатр,  
Баёни денгиздан бир тармоқдир.  
Барча наъми дилларни мафтун этар,  
Улар даҳр безаган денгиз кабидир.**

Ҳотифий Алишер Навоийнинг бадий маҳоратига юксак баҳо берар экан, уни араб шоири Ҳассон, улкан сўз усталари Абулқосим Фирдавсий, Хоқоний Ширвоний, Амир Хусрав Деҳлавийлар билан таққослайди ва улуғ амир буюк адиблар кўтарилган даражадан ҳам юқорироқ поғонага чиқарилганини эътироф этади.

Ҳотифийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи қачон ёзилгани аниқ маълум эмас. Унинг бизгача етиб келган энг қадимий нусхаси Британия музейида сақланади. Бу нусха Али бинни Нур исмли котиб томонидан Ҳирот шаҳрида 892 ҳижрий йилнинг 5-рамозонида (1487 йилнинг августида) кўчириб тугалланган. Шунга кўра асар тахминан 1485—1487 йиллар орасид ёзилган кўринади.

Ҳотифий «Хамса»си кирган «Ширин ва Хусрав» дostonида ҳам Алишер Навоийнинг инсоний фазилатларига, шоирликдаги фазлу камолотига кўп тўхталади.

Ҳотифий Алишер Навоийнинг форсий ҳамда-туркий тилларда яратилган асарларини буюк камолот чўққиси сифатида таъриф этади:

**У фасоҳат билан лабини очса,  
Араб Ҳассони бўлар лаббаста.  
Балоғатли форсийзабон шоирлар,  
Мўъжазли қаламидан эрур суҳанвар.  
Туркийлари эса жаҳонни ўртар,  
Хўтан охулари қурбони бўлар...**

Ҳақиқатдан ҳам бир қатор форсийзабон шоирлар унинг ижодиётидан, мўъжизали қаламидан баҳраманд бўлиш туфайли ижодий муваффақиятларга эришган эдилар. Абдулло Ҳотифий ҳам ана шулар сирасига киради. Хуллас, Навоийдан бадий завқ олиб, ҳамсачиликда ундан ижодий тажриба ўрганган бу шоир элга танилиб, шухрат қозонди. У ўздан кейинги давр адиблари ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам айрим олимлар уни «Мир Алишер адабий доирасининг истеъдодли аъзоси» сифатида тилга оладилар. (Акад. А. Крымский. История Персии, ее литературы и дервишской теософии. М., 1914—1917. стр. 28—29.)

Ҳотифийдан бой ижодий мерос қолган. Унинг «Хамса»сини ташкил этган «Лайли ва Мажнун», «Ширин ва Хусрав», «Ҳафт манзар», «Темурнома» ва «Шарафнома» дostonлари етиб келган. Бу асарлари ўз замонида ва кейинги асрларда халқ орасида кенг тарқалган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида «Темурнома» дostonининг 16 нусхаси, «Лайли ва Мажнун» асарининг 7 нусхаси сақланади. Ленинград, Душанбе кутубхоналарида ва чет эл фондларида ҳам Ҳотифий асарлари кўплаб учрайди.

Алишер Навоий асарлари форсийзабон халқлар орасида кейинги асрларда ҳам кенг шухрат тутди. Ижоди, айниқса, ўлмас «Хамса»си тожик ва ўзбек адабиётининг янада яқинлашувида, тожик адиблари ижодига зуллисонайнлик анъаналарининг ривожу равнақ топишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун ҳам Навоий асарларини ўрганиш, унга татаббулар битиш, шоирни улуғлаб, унинг номига мадҳиялар яратиш кейинги асрларда ҳам давом этди (Биз бу хусусда аввалги мақолаларимизда тўхталганмиз).

Улуғ Октябрь инқилобидан кейинги йилларда ҳам Навоий тожик халқи орасида машҳур бўлди. Унинг ўлмас «Хамса»сини устод Садриддин Айний биринчилар қаторида ўрганди ва нашрга тайёрлади. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonи шоир Муҳиддин Аминзода таржимасида бир неча марта тожик тилида нашр этилди. Айнийнинг Алишер Навоийга бағишлаган монографиясида эса, «Хамса»ни юксак назокат билан ёзилгани, услубий равонлиги ва тил бойлиги жиҳатидан ўқувчини ҳайратга солиши алоҳида таъкидланади.

Тожик совет поэзиясининг истеъдодли вакилларида бири Абдусалом Деҳотий Алишер Навоий ҳақидаги мақолаларидан бирини «Икки тил ва икки адабиёт устоди» («Устои ду забон ва ду адабиёт»; деб номлади.


«Алишер Навоий икки адабиёт майдонининг паҳлавонидир, унинг оламшумул асарларидан, шу жумладан, форс-тожик тилидаги меросидан биз тожик ёзувчилари ўрганамиз», — деб ёзади у.

Ҳозирги кунларда тожик совет адиблари ижодига ҳам Навоийга, унинг ўлмас даҳосига эҳтиром баён этилган шеърларни кўплаб учратамиз. Айниқса, икки қардош республикада тез-тез ўтказиб туриладиган адабиёт ва санъат декадаларида бундай мисралар кўпроқ янграйди. Шоир Муҳиддин Фарҳатнинг қуйидаги шеърини сўзи билан мақоламизни якунлаймиз:

**Доймо Навоий ғазаллари оҳангини тинглаймиз,  
Ҳар бир оҳангдан Навоий фикрларини эшитамиз,  
Навоийнинг ажойиб ҳикмату пандини эшитамиз,  
Навоийнинг зебо ва рангин сўзларини эшитамиз,  
Тожикистон Ўзбекистонни тараннум айлагай,  
Унинг васфини элларда дoston айлагай.**

**Эргашали ШОДИЕВ,  
филология фанлари доктори**





Мамлакатимизда улуг қорақалпоқ шоири Бердақ (Бердимурод Қарғабой уғли, 1827—1900) таваллудининг 160 йиллиги адабий жамоатчилик томонидан кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан шоирнинг янги топилган шеърларидан таржималарни эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

Бердақ

## ЯНГИ ТОПИЛГАН ШЕЪРЛАРИДАН

### Айрилдим

Узоқ-узоқ йўллар босиб,  
Орамизни душман кесиб  
Висол бизга бўлмас насиб,  
Кўзи қорадан айрилдим.

Мажнунтолдай ўрган сочи,  
Ярашгандир гул-гул очиб,  
Қийиқланган қора қоши,  
Зулфи қорадан айрилдим.

Шамчироқ гавҳар бошида,  
Неча дилбарлар қошида,  
Навқирон ўттиз ёшида,  
Булбулгинамдан айрилдим.

Айрилдим гунча-гулимдан,  
Сиё сочи сунбулимдан,  
Хуш овозли булбулимдан,  
Ширин жонимдан айрилдим.

Тенг келолмас ҳеч бир жонон,  
Хуш қилиғи бағишлар жон,  
Қиз-келинчак ичра султон,  
Шоҳи султондан айрилдим.

Ҳар бир ишга чевар дастёр,  
Сўз қайтармас эди зинҳор,  
Шум ажалга не чора бор?—  
Меҳрибонимдан айрилдим.

Айрилдим мён қанотимдан,  
Эгарли турган отимдан,  
Бир умрлик саботимдан,  
Қадрдонимдан айрилдим.

Бердақ бахши деб бош қўшган,  
Меҳрим олган аввал бошдан,  
Таърифини куйлаб жўшган,  
Бийбитхонимдан айрилдим.

Бердақ ёши қирқми, эллик?  
Ҳолим энди бўлди белли.  
Сен деб йиғлаб яра дилли,  
Меҳрибонимдан айрилдим.

Чиркирайди қизу бола,  
Нечук бўлар бизнинг ҳол-а?  
Бердимурод зор-зор йиғлар,  
Бийбитхонимдан айрилдим.

Йиғлаб-йиғлаб бўлдик адо,  
Ҳеч банда кўрмасин асло,  
Раҳм этмади бизга худо,  
Меҳрибонимдан айрилдим.

Фарзандларим: Хурлиқожон,  
Хурлиман билан Ойимхон,  
Энди сизлар бўлинг омон,  
Онажонингдан айрилдим.

Ойака билан Нозибек,  
«Опа»лаб ҳеч туришмас тек,  
Ажалга бормикин бир нек?  
Жонажонимдан айрилдим.

Бердимурод тутди аза,  
Жоним, бўлгин, мендан ризо,  
Унутмасман сени асло,  
Меҳрибонимдан айрилдим.

## Очлик

Экин-тикин унмай, эсиз,  
Чавағини бермай денгиз,  
Ҳамма ерни бирдай текис  
Очлик қоплаб олган экан.

Илон йилида ют бўлди,  
Бузғунлик палласи хут бўлди,  
Борни, йўқни очлик юлди,  
Ҳамма йиғлаб куйган экан.

Йўқчиликдан озиб қоқжон,  
Халқ кўпайди зор-саргардон,  
Тополмасдан бир тишлам нон,  
Нафақа излаган экан.

Хитой, Қўнғирот бузилди,  
Кўп одами йўлда ўлди,  
Бир ҳовуч ун қайда эди,  
Жуда қийин бўлган экан.

Бек, амалдор солди солиқ,  
Баттар бўл деб очу ориқ,  
Буюрди деб хон, оталиқ,  
Ҳаммани чувлатган экан.

Эккан экинлар пишмади,  
Совук урди ё битмади,  
Озуғи қишга етмади,  
Қиров уриб кетган экан.

Оталиқда қаноат йўқ,  
Фуқарода қолгани кўк,  
Сомондан бошқа ғарса йўқ,  
Қуруқ сомон олган экан.

Кимлар топса дон ё тари,  
Беда кўшиб ярма-ёри<sup>1</sup>,  
Шукр қилиб шунга бари,  
Сал жон сақлаб турган экан.

Оталиқ, бийнинг қорни тўқ,  
Бозорга тушган тари йўқ,  
Фуқарода ҳемири йўқ,  
Пулсиз қийин бўлган экан.

Пулсизга бозор қайдадир,  
Дон фалон пул деб айтадир,  
Оч-орикла бўш қайтадир,  
Пули борлар олган экан.

Бий, оталиқ золим бўлди,  
Солиқ пулга олим<sup>2</sup> бўлди,  
Кимлар ёмон — маълум бўлди,  
Очлик қийин бўлган экан.

Эл оғаси Қулен бўлис,  
Бекка қилди олиш-бериш,  
Фуқаро масхара-эриш,  
Замон шундай бўлган экан.

Сейилхон ва бахши Шержон,  
Икковида ўн саккиз жон,  
Уйида йўқ нафақа, дон,  
Аҳволи танг бўлган экан.

Кўп экан Чимбойнинг бойи,  
Қават-қаватдир саройи,  
Тайёр олдда қанду чойи,  
Бизга етишмаган экан.

Чоракор-у, деҳқон — бари,  
Бўй чўзмайин хирмонлари,  
Кўкка етиб фиғонлари,  
Яхши йилни кутган экан.

Бари кўчиб бориб кўлга,  
Тузоқ ташлаб чуқур ерга,  
Чўртану сазанни бирга  
Тутиб олсам деган экан.

Қорақалпоқчадан **Музаффар АҲМЕДОВ**  
таржималари

<sup>1</sup> Ярми дон, ярми беда кўшиб тайёрланган.

<sup>2</sup> Олишга уста, олармон.



## МУҲИМ ИШ

«Мақтаб ва адабиёт» давра сўхбати атрофидаги баҳс доираси тобора кенгайиб, янги-янги муаммолар қати очилмоқда.

Равшанки, мактаб ислоҳотини амалга ошириш йўлларида бири ўқувчилар билимига ва олий ўқув юртлирида тайёрланаётган педагог кадрлар сифатига эътиборни кучайтиришдир. Бу эса ўрта ва олий ўқув юртлирида ўқитишнинг замонавий методларини ишлаб чиқишни, уни амалиётга кенг татбиқ этишни талаб этади. Масалага мана шу нуқтадан қарайдиган бўлсак, мактабларда ва олий ўқув юртлирида ҳанузгача ечимини кутаётган муаммолар сероб эканига гўвоҳ бўламиз. Шундай муаммолардан бири мактаб ўқувчилари, институт талабалари саводхонлиги масаласидир. Чунки ҳозирги кунда саводхонлик деганда фақатгина ўз она тилида тўғри ўқиш ва ёзишнинггина эмас, балки рус ва чет тилларини, математикани, тарихни, компьютерни ва бошқа фанларни мукамал билиш назарда тутилади.

Республикамизда турғунлик йиллари камчиликлари тугатилаётган ҳозирги кунда тайёрланаётган педагог кадрларнинг назарий билими ва саводхонлиги ҳақида чуқур мамнуният билан гапириш қийин. Ўқувчиларнинг институтларга киришидан бошлаб, 4—5 йиллик ўқиш жараёнини ташкил қилиш ва унинг мазмунини бойитишда йўл қўйилган қатор камчиликлар ҳали барҳам топгани йўқ. Шу билан бир қаторда маорифнинг қўйи шахобчалари, таълим ва тарбиянинг муҳим звенолари боғча ва мактаблар фаолиятида ҳам, министрликлар ва Давлат план комитетлари ишларида ҳам «тахрир» талаб ўринлар кўп. Олий ўқув юртлирига қабул қилиш қоидаларининг шошилинч ҳолда ўзгартирилиши, мактабларга эътиборни кучайтириш ва педагогик советлар обрўсини кўтариш мақсадида ўйлаб чиқилган турли хил тавсияномалар таниш-билишчиликнинг кучайишига, айрим ҳолларда саводли ўқувчи ўрнига ундан паст билимли — «имтиёзли» абитуриентнинг студент бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Қабул пайтида барча мутахассисликлар учун она тили ва адабиётдан ёзма имтиҳон қўйилишидан кўзда тутилган ягона мақсад — абитуриентнинг (айниқса, бўлажак педагогнинг) саводхонлигини синашдир. Лекин кириш имтиҳонларидаги иншолар ўз моҳиятини йўқотиб, шаблон ҳолига келиб қолганлиги негадир бу соҳадаги мутасадди ўртоқларни жиддий ўйлашга мажбур этмапти. Филология факультети студентлари иншо ҳақида мактабда олган билимлари билан чегараланиб қолмоқдалар. Иншо ёзиш санъати бўйича тил ҳамда адабиёт ўқитиш методикаси курсларида аниқ, қатъий тавсиялар берилмайди. Тиниш белгиларининг қўйилиши ҳақидаги фикрлар ҳам ҳар хиллигича турибди.

Мактабларда тил, тарих ва адабиёт ўқитишни ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Ўз тилини пухта билмаган ўқувчи бошқа тилларни ўрганишда ҳам бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Бу борада тил ўқитишнинг қиёсий методларидан фойдаланиш яхши натижалар бериши мумкин. Биз саводхонлик тўғрисида ҳаммиша қайғургандек бўламиз-у, аслида тесқари иш қиламиз. Кириш имтиҳонларида иншо ёзишни планлаштирамиз-у, юқори синфларда тилдан дарс ўтмаймиз. Коллиграфия қоидаларини талаб қиламиз-у, бошланғич синфда ҳусниҳат услубларини ўргатмаймиз. Менинг фикримча, тил саводхонлигини оширишда ўқув программаси узлуксиз жараёни таъминламоғи керак.

Ҳозирги кунда етуқлик аттестатига эга барча ўқувчини рус тилида эркин гаплаша олади, деб айтиш қийин. Айниқса, қишлоқ мактабларидан келган талабалар кўп қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ҳолбуки, иккинчи она тили сифатида ўқувчиларга рус тилини биринчи синфдан бошлаб ўқитамиз. Нега шундай шароитда умумтаълим мактаблари ўз вазифасини уддалай олмаётганлиги на маориф министрлигини, на жойлардаги маориф бўлиmlарини ташвишга солмаяпти? Натижада бу вазифани бажариш олий мактаб зиммасига ағдарилди. Ҳозир педагогика институти студентлари I—III (тўрт йиллик ўқув плани) ёки I—IV (беш йиллик ўқув плани) курсларда рус тилидан таҳсил кўрмоқдалар. Аммо бу соҳада зарур бўлган дарслик ёки ўқув қўлланмаларнинг («По практическому курсу русского языка») зудлик билан чоп этилмаслигига маориф министрлиги олий ўқув юртлири бошқармаси ҳамда республика ўқув методика кабинетининг лоқайд қараши бизни ажаблантиради.

Менимча, студентнинг оғзаки нутқини кучайтириш учун тезлик билан сўзлашув лўғатлари яратиш лозим. Бундан ташқари, ўзбек мактаблари учун алоҳида рус тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу мутахассисликка ажсари ҳолларда қишлоқ мактабларида рус тили фанидан бир амаллаб баҳо олган абитуриентлар паст конкурс билан қабул қилиниб, битиргач, яна ўз «муҳитига» юборилмоқда. Барчага талабни тенг қўявериш керак. Шунингдек, марказий олий ўқув юртлирида таҳсил кўраётган битирувчи курс студентларининг қишлоқ мактабларида тажриба ўташини, битиргандан сўнг бир йиллик стажировкага чиқариш йўллари на маориф министрлиги расмийлаштирса, дуруст натижаларга эришиш мумкин. Ахир бундан беш-ўн йиллар муқаддам шундай тажрибалар қўлланилган ва яхши самара берган эди-ку.

Тил саводхонлиги тўғрисида гап борар экан, педагогика институтларида чет тили ўқитиш ҳақида ҳам эслатиб ўтишни ўринли ҳисоблайман. Маълумки, тил ўргатиш узлуксиз жараён бўлгандагина кўтилган самарани беради. Бу борада шуни айтиш керакки, педагогика институтлари ўзбек тилида ўқийдиган группаларда чет тили ўргатишда қўпол хатоликларга йўл қўйилмоқда. СССР Мао-

риф министрлигининг буйруғига кўра бу гуруҳларда чет тили охириги курсда, яъни мактабни битиргандан сўнг қарийб 4 йил кейин, яна ҳарф танитишдан бошлаб ўргатилмоқда. Бу йўсинда олиб борилган тадбир талабаларни илмий изланишларга тайёрлаш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг чет тилидан элементар саводхонлигини ҳам таъминлай олмайди.

Бўлғуси мутахассисларнинг савияси пастилишига юқорида таъкидлаганимиздек, айрим фанлар бўйича стабил дарсликларнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлаяпти. Масалан, «Ўзбек совет адабиёти тарихи» курси бўйича дарсликнинг йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин! Олий мактабларга мўлжаллаб ёзилган айрим дарсликларнинг учдан бир қисми мактаб дарсликларидоғи темалар такрорига қаратилганлигини-чи! Менимча, ҳаммага маълум гапларни такрорлагандан кўра, асосий мақсадга ўтавериш фойдали.

Масалан, ўз ўлкаси ва халқи тарихини яхши билмаган киши бошқа қардош халқлар тарихини, санъати ва адабиётини, узоқ ўтмишдаги ва ягона оила — СССР таркибига киргандан кейинги ҳаётини, буюк қудратли куч — халқлар дўстлиги эвазига қандай собит қадамлар билан ривожланганлигини тасаввур қила олмайди. Афсуски, СССР тарихи ва **Ўзбекистон тарихи** юзасидан берилаётган материаллар ҳикоя усулида, хронологик фактларни такрорлаш билан баён қилинмоқда. Аслида, дарсликларда ва дарсларда интернационал ҳамдўстлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларига кенгроқ тўхталиб, улар бирлигимиз, энгилмаслигимиз, бир мақсад йўлида ҳамжиҳат олга босишимизнинг негизи экани кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Айрим ихтисослар бўйича кадрлар тайёрлашда туғилаётган муаммолардан яна бири ўқув-материал базасининг етишмаслиги ёки ундан мақсадга мувофиқ фойдалана билмасликдир. Республикадаги 16 та пединститутдан 13 тасида умумий техника фанлари ва меҳнат ихтисослиги бўйича кадр тайёрланади. Кўпчилик институтлар, жумладан, институтимиз базаси ҳам давр талабларига жавоб берадиган устахоналар, асбоб-ускуналар, хом-ашёларга эга эмас. Албатта, бундай шароитда тайёрланаётган кадр етарли билим олади деб бўлмайди. Бу хил чаласавод мутахассис келажақда ўзи каби саводсиз шогирдларни кўплаб етиштиради. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони, кадрларни маориф эҳтиёжларидан келиб чиқиб тайёрлаш ва тақсимлашдир. Кўп ҳолларда ана шу асосий томон ёддан кўтарилиб қолаётганга ўхшайди. Ҳозир Андижон областидаги мактабларга умумий меҳнат таълими бўйича йилга ўзбек тилида дарс берувчи ўртача 30 та ўқитувчи керак бўлгани ҳолда бизнинг институтимизда бундай кадрлар ҳар йили 75 тадан тайёрланмоқда. Шу ихтисослик бўйича ҳар йили биттадан дарсларни рус тилида олиб борадиган гуруҳ битириб чиқади. Андижон область маориф бўлимининг 1988—95 йилларга мўлжалланган планида эса ҳар йили юқоридаги кадрларнинг 2 ёки 3 тасигина иш билан таъминланиши кўзда тутилган, холос.

Компьютер ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келмоқда. Ҳаётнинг кўп соҳаларини бусиз тасаввур этиб бўлмайди. Бўлғуси мутахассисларга компьютер сирларини ўргатиш Иттифоқимиздаги бир қатор мактабларда яхши йўлга қўйилган. Айниқса, марказий шаҳарлардаги мактаблар бу соҳада анча олдинлаб кетди. Республикаимиз мактаблари ва олий ўқув юртлирида бу борада олиб борилаётган ишларни кўнгилдагидек дейиш қийин. Очирғоғи, бизда бу иш шошма-шошарлик билан амалга оширилмоқда. Ортиқча сарф-харажатлар сероб.

ТошДУ қошида бундан икки йил аввал зудлик билан икки ойлик курс очилди. Республикадаги барча олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари унга жалб этилди. Уларга компьютер бўйича насбидан қатъий назар, ягона программада махсус лекциялар, амалий машғулотлар ўтказилди. Лекин бу курснинг фойдасига келсак... Айтайлик, ҳар бир тингловчи (кўпроқ тўрт амалда аниқроқ операция бажаришга қийналадиган гуманитар фан ўқитувчилари) икки ой вақтини ўтказди. [Яна шунинг ҳам таъкидлаш керакки, уларнинг кўпчилиги навбатдаги плани 4 ойлик малака ошириш курсининг яна 2 ойи давомида ЭХМ асосларини ўрганиш билан машғул бўлдилар ва қолганлари ҳам ўз навбатида қайта шуғулланадилар]. Бунга у иш жойидан тўлиқ ойлигини олди, командировка қилинди, унинг ўқиши учун қанча маблағ сарфланди, шу соҳадаги мутахассиснинг вақти кетди. Лекин у олган билимини қаерда, қай даражада ва қачон студентга етказа олади! Республикадаги барча олий ўқув юртлири мана шундай ноёб ва ўта қимматбаҳо машиналар билан етарли даражада таъминланганми! Таъминланган бўлса, улардан қай мақсад йўлида фойдаланиш кўзда тутилган!

Бир вақтнинг ўзида бизнинг институтимизда ҳам ўрта мактаб ўқитувчиларига компьютердан билим беришни кўзда тутиб курс очилди. Унга областимиздаги мактабларнинг 1100га яқин физика-математика ўқитувчилари жалб этилди. Лекин улар қаерда, қайси машинада ўқувчиларга компьютер бўйича ўз олган билимларини беради! Мактаблар сотиб олиши керак бўлган диалогли ҳисоблаш комплекси (ДВК)нинг баҳоси 75 минг сўмдан кам эмаслигини эсласак, масала янада равшан бўлади. Очирғини айтиш керакки, мактабларга берилаётган ЭХМ машиналари тўлиқ эмас, бирида ДВК—1 бўлса, иккинчисида ДВК—2 мавжуд. Ваҳоланки, улар биргаликда, аниқроғи бир дон ДВК—2 ва ўн икки дон ДВК—1 битта синфни ташкил қилади. Бизда тўлиқ бир сменали мактабларнинг камлиги, кўпчилик мактаблар ўқув базасининг замонавий талабларига жавоб бера олмаслиги, ўқувчиларнинг тўлигича микрокалькуляторлар билан таъминланмаганлиги ҳам компьютерни ҳаётимизга кириб келишини секинлаштирамоқда. Бу соҳадаги ишлар пойга йўли билан эмас, плани, босқичма-босқич амалга оширилиши керак, шундагина кўзланган мақсадга тўла эришиш мумкин.

Бунинг учун маориф министрлигининг, жойлардаги партия ва совет ташкилотларининг, барча маорифчиларнинг ҳамда оналик ташкилотларнинг эътиборини мавжуд камчиликларни бартараф этишга оқилона, зўр ғайрат-шижоат ҳамда тадбиркорлик билан ёндашишга қаратмоқ зарур. Акс ҳолда, мактаб ислоҳоти жойидан жилмай депсиниб тураверади.

Қодиржон ПАРГИЕВ,  
Андижон Давлат Педагогика институти ўқув ишлар бўйича проректори

«Шарқ юлдузи»нинг ўтган йил август сонида эълон қилинган «Тириклигида жудо бўлган...» мақоласини мириқиб ўқиб чиқдим. Оилаларнинг, аynиқса ёш оилаларнинг бузилиши мени ҳам кўп ўйлантиради, ташвишга солади. Уттиз йилдан ортиқ вақтдан бери оилавий келишмовчиликлар, эр-хотин ўртасидаги ажралиш можораларини кузатаман. Илгари ёш оилаларнинг бузилишига, норасидаларнинг тирик етим бўлиб қолишига асосий сабаб ичкиликбозлик, деб ҳисоблардим. Тўғри, бу масалада ичкиликнинг «хизмати» катта. Аммо бошқа қатор сабаблари ҳам бор. Кейинги пайтда молпарастлик, паттапарастлик оқибатида оилалар бузилиб кетиши ҳоллари тез-тез учрамоқда. Қарангки, ҳозир ёшларгина эмас, ҳатто ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, уруш йиллари тоғдай ғам-аламини кўтара олган, йўқлик, муҳтожлик азобига чидаган нуроний отахонлар, онахонлар ҳам мол-мўлк талашиб бир-бирларининг юзига «қорамой» суртмоқдалар. Бегуноҳ гўдакларнинг ота ва она меҳрига зор бўлиб, армонда ўтишини ўйламаяптилар... Ишонинг, арзимаган буюмни талашиб ака-укаси билан, она фарзанди билан сан-манга бориб, юз кўрмас бўлишганини кўрдим. Кексайганида фарзанд дийдорига зор бўлиб қон-қон йиғлаган ота вафот этгач, узоқ-яқиндан етиб келган ўғил ва қизлари, ўлик буюқда қолиб, мерос талашиб даҳанаки жангни бошлаб юборганларининг гувоҳи бўлдим. Тўғри, бундайлар кўп эмас, аммо бор.

«Тириклигида жудо бўлган...» мақоласида жуда тўғри таъкидланганидек, баъзи жувларнинг эр билан эрликни талашиб, ҳокиму мутлақ бўлиб олишига асосий сабаб қасрнинг емирилишига сабаб бўлмоқда. Бу аёллар дағаллашиб, аёллик латофатини, шармуҳаёни ўз вужудларидан суриб чиқармоқдалар. Уларнинг характерида Кумушбидаги майинликдан асар ҳам тополмайсиз.

1984 йилда Пискент районида бир кувёв, 1985 йилда беш кувёв ўзини ўзи нобуд қилди. 1986 йилда бундай ҳодиса такрорланмади. Тўғри, бу фожиалар учун келинларни айблашга дадил-исботимиз йўқ. Аммо шу келинлардан биронтаси қаллиғига: «Йигитмисиз ўзи, ёки қуруқ савлатмисиз! Мен қайси юз билан уйимга бораман, одамларга нима дейман! Йигит бўлсангиз ҳаракатингизни қилинг», демаган, деб ҳам айтаолмаймиз. Бу билан ўз жонига қасд қилганларни оқламоқчи эмасман. Лекин ҳафталар, ойларни сабр-тоқат билан ўтказиб, ҳозир кўчқордек ўғилнинг онаси бўлган келинларни биламан...

Энди йигитларга келсак, уларнинг бир қисмининг миждози заифлашиб қолаётганлиги ҳам инкор этиб бўлмайдиган ҳодисадир. Бунинг асосий сабаби эса ичкиликбозликдир. Ичкилик нафақат уни ичган одамга, балки насли учун ҳам қўш фожиадир. Яқинда бир эр-хотиннинг касаллик тарихи билан танишдим. Улар иноқ турмуш кечиришарди, лекин фарзандлари йўқ эди. Эр-хотин врачга мурожаат қилишди. Врач айбни эрга қўйди. Маълум бўлишича, йигитнинг отаси ичкиликбоз бўлган экан. Онаси бир нечта болани чала туғиб, «соғ-саломат» туғилгани шу экан...

Келин фарзанд кўриш бахтидан маҳрумлигини билиб, ажралишни тавсия қилди. Лекин йигит кўнмади. «Менинг қалбим меҳмонхона эмас, унда сендан бошқага ўрин йўқ», деб туриб олди. Улар бола асраб олишди. Келин она сути бермаса ҳам, оналик меҳри билан болани боқиб катта қила бошлади. Ҳозир бу оила аҳил яшамоқда.

**А. МАҲМУДОВ,**  
Пискент райони

Мен оддий меҳанизаторман. «Шарқ юлдузи» журналининг ҳар бир сонини қанда қилмай ўқиб бораман. Журнал доимий ҳамроҳимга айланиб қолган. Шу боисдан кўнглимда туғилган фикрларни очиқ айтмоқчиман. Баъзи сонларда турли хил танқидий материаллар, менимча, меъёридан ортиқ миқдорда бериб юборилмоқда. Мабодо шу соҳага оид махсус журнал йўқми? Демокчиманки, меъёрдан ортиқ танқидий материаллар ўша журналда ёритилса. Яна бир истагим — «Шарқ юлдузи»да шарқ адабиётидан намуналар ҳам изчил бериб борилса.

**Тимур ЭРКАЕВ,**  
Каттақўрғон райони

Мен Ленинобод областининг Ашт районидаги «Коммунизм» колхозида яшайман. Журнални мунтазам ўқиб бораман. 1987 йил 8, 9, 10-сонларда Иброҳим Ғафуров таржимасида Чингиз Айтматовнинг «Кунда» романи берилди. Роман бир менгагина эмас, назаримда, «Шарқ юлдузи»нинг барча ихлосмандларига маъқул тушди. Унда, аynиқса, наша йиғувчи гиёҳвандлар кирдикорларининг аёвсиз фош этилиши бу ярамас йўлга қадам қўювчилар учун катта сабоқ бўлар, деб ўйлаймиз. Журналда шу каби долзарб мавзуда битилган асарлар тез-тез чоп этилса.

**Ҳикоят ШОИСМОҢОВА**

## ЎЗБЕК ҲИКОЯСИ. УКРАИНАДА

Қардош адабиётларнинг бир-бирига таъсир этиб, бири бирини бойитиб бориши бугунги кунда бадий тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Ўзбек ва украин халқларининг дўстлиги, адабиётларнинг қардошлиги чуқур ва мустақам илдизларга, ибратли анъаналарга эга. Тарас Шевченко, Иван Франко, Леся Украинка, Павло Тичина, Максим Рильскийларнинг шеърий сатрлари ўзбек ерида янграши одатий тусга кириб бормоқда. Ўзбек халқининг бадий дурдоналари ҳам украинларга жуда яқин ва тушунарли бўлиб қолган.

Ўзбек ёзувчиларининг асарлари республика-мизда катта шўхрат қозониб, украин китобхонлари маънавий дунёсининг ажралмас бир қисмига айланди. Шу ўринда кейинги йилларнинг ўзидаёқ Украинада ўзбек ижодкорларининг ўндан зиёд китоблари чоп этилганлигини эслаб ўтиш кифоя. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони (Микола Бажан таржимаси), Муқимийнинг «Сатир ва лирика» ҳамда «Шарқдан фарбга» (Улуғ Ватан уруши даври ўзбек шеърятини) сингари шеърий китоблар, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртактлар» ва «Синчалак» қиссалари, Ойбекнинг «Олтин водийда шабадалар» ва «Навоий» романлари, Асқад Мухторнинг «Туғилиш» ва «Опа-сингиллар», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романлари, «Серқуёш ўлка» (ҳикоялар) ва «Бодом гуллари» (шеърлар) тўпламлари шулар жумласидандир. Бугун бизнинг қўлимизда янги тўплам — «Совет ҳикоячилиги» сериясида нашр этилган «Ўзбек совет ҳикоялари». Унда Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Эркин Аъзамов, Асад Дилмуродов, Шаҳодат Исахонова каби турли ёшдаги, турли услубий йўналишдаги ёзувчиларнинг асарлари украин китобхонага тақдим этилган.

Украин ўқувчилари бу ҳикояларни чуқур ички қизиқиш билан кутиб олдилар. Шу китоб орқали ўзбек ерининг ранглари, ҳаётбахш нафаси кўз олдимизда намоён бўлди. Ҳар бир ўзбекнинг юрагига яқин ва қадрдон воқеа-ҳодисаларга, ҳолат, туйғуларга биз ҳам беихтиёр ошно тутиндик. Бу ҳикояларда Ўзбекистоннинг кўп қиррали ҳаёти: кечаги кун ва бугун, маънавий ва маиший дунёси, ижтимоий муаммолари, орзу-ўйлари, социалистик қарашлари, янгича фикрлайдиган одамнинг шаклланиш жараёни бадий ифода этилган. Мазкур мажмуа орқали украин халқи қардош республиканинг ранг-баранг анъаналари, афсоналари, урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Китобдан ўрин олган ҳикояларнинг мавзу кўлами жуда кенг, ифода ва тасвир усуллари хилма-хил.

Мақсуд Қориевнинг «Сулув» ҳикояси китобхонни ҳаёлан ўтмишга қайтаради. Асардаги воқеалар инқилобдан кейин, Ўзбекистонда совет ҳукуматини ўрнатиш даврида кечади. Ёзувчи ўзбек аёли Сулув тимсолида ўша давр хотин-қизларининг озоликка интилишлари, уларда ижтимоий активликнинг вужудга келиши, оилада янгича муомала маданиятига ўтиш жараёни каби ҳодисаларни бадий тасвирлаб берган.

Тўпламдаги қатор ҳикоялар меҳнат кишисининг ҳаёти ва орзу-ўйлари ифодасига бағишланган. Шу нуқтаи назардан қаралганда.

Саид Аҳмаднинг «Чўпон» ҳикоясида совхоз директори Ҳазратқул билан жиддий тўқнашув-

лар, ноқулай шароитларга қарамай, янги сифатли қорақўл терилари етиштиришга эришган чўпон Менглибой образи чизилади.

Пиримқул Қодировнинг «Жон ширин» ҳикоясида район партия комитетининг биринчи секретари Болтабоев ва ёш врач Музаффарнинг мураккаб ва кескин муносабатларида матонат, принципиаллик, касба садоқат туйғулари ўз бадий ифодасини толган. Асар воқеалари қизғинлиги ва психологизми билан ажралиб туради. Эркин Аъзамовнинг «Анойининг жайдари олмаси» ҳикоясидаги соддадил ва сахий, танти ва тўпори Рамазон ҳам китобхонларни ўзига мафтун этади. Ифода йўсинидаги майин оҳанг асар ҳаётчилигини таъмин этган. Кундалик шароитларда, ғамгин ва шодмон ҳаёти, ғалати турмуш тарзида қаҳрамоннинг ўзига хос феъл-атвори аниқ ва изчил очилиб боради. Ҳикоянинг бошидан адоғигача муаллифнинг ўз қаҳрамонига самимий муҳаббати сезилиб туради. Ёзувчи қаҳрамоннинг камчилиги ва ожизликларини жуда яхши билади ва ҳар сафар унинг бу ноқисликларини кечира олади. Ҳамид Ғуломнинг «Жангчи онаси» ҳикояси ёш жангчи характерининг шаклланиши ҳақида. Шукур Холмирзаевнинг «Ранж» ва Муҳаммад Хайруллаевнинг «Ҳаяжон» ҳикоялари нозик психологизми, инсоннинг ички дунёсига чуқур кириб бориши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Носир Фозиловнинг «Ҳожи бува» ҳикояси она ерга ва табиатга садоқат ғояси билан суғорилган. Кекса пенсионер Парпи бува замондошимизнинг энг яхши ҳислатларини ўзида мужассам этган. Бу энг аввало она ер олдидаги масъуллик, табиатнинг даҳлсиз хазинасини асраб-авайлашга бўлган ички эҳтиёж, меҳнатсеварлик, умум ишига наф келтиришга тайёр туриш каби инсоний фазилатларда намоён бўлади.

Одил Ёқубовнинг «Видо» ва Ўткир Ҳошимовнинг «Қуёш тарозиси» ҳикояларида авлодлар олдидаги бурч ва масъулият масаласи кўтарилган. Бу асарларда ҳам она юртга муҳаббат, инсон хотирасининг илк ва мунаввар чизгилари — болаликнинг қайтиб бўлмас оғушига интиқлик туйғулари куйланади. Бу асарларга Ватанни севиш, ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг хотирасини поқ сақлаш ғоялари сингдирилган.

Тарихий ўтмиш, халқ удумлари, авлодларнинг мислсиз руҳий мероси замондошимиз маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлиб қолиши лозим. Асқад Мухторнинг «Илдизлар» ҳикояси худди шу заруратни таъкидлайди.

Ўзбек ёзувчиларининг ҳикояларини украин тилига Галина Еременко, Микола Габрийчук, Наталья Олександренко, Сергей Коваль, Оксана Петренко, Алла Жукова, Валентина Колегова, Вячеслав Медвидь, Леонид Кореневич, Тамара Жилко ва бошқалар таржима қилган. Тўпламдаги ҳикояларнинг ҳаммасини бир хилда бадий бақувват деб бўлмайди, албатта. Таржималар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳозирги замон ўзбек ёзувчиларининг асарлари Украина китобхонлари ва адабий жамоатчилиги томонидан илиқ қарши олинди. «Ўзбек совет ҳикоялари»нинг чоп этилиши халқлар дўстлигининг мустақамлиги, қардош адабиётларнинг бир-бирига тобора таъсири кенгайиб бораётганлигига ёрқин далилдир.

**А. КОНДРАТЮК,**  
Киев шаҳри



## ХАТОБОЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Юмористик қисса

Мен сизга айтсам...

Келинг, таниша қолайлик. Исми-шарифлари ким бўлади? Дарвоқе, менинг исми Хатобой. Хатобой деганимга ажабланияпсиз, чоғи? Аслида, бу — лақабим. Узим — Худёров Атобойман.

Мен сизга айтсам, дунёга келишимда андак хаточилик бўлган экан. Азизим, дунёга бевақт келибмиз, деганларидек, етти ойда онадан туғилибман. Туғилиш гувоҳномамда ҳам жиндак янглишга йўл қуйилган. Яъни «Атобой» сўзи «Атобой» тарзида ёзилган. Қисқасини айтганда, хатога йўл қўйиш менга йўрқада теккан дард бўлди.

Мен сизга айтсам, ўнинчини битказган йилим қайдасан, Тошкенти азим, дея йўлга тушдим. Тошкент вокзалига келишим билан бирпас, у ёқ-бу ёқни кузатган бўлдим. Сўнгра чамадонимни «камера хранения» деган жойга қўйиб, керакли адресни ахтаришга қарор қилдим. Юкларини автомат камерага қўяётганларни кузатдим. Улар аллақандай номерларни териб, темир шкаф эшикчасини ёпганча бамайлихотир кетишарди. Мен ҳам шундай қилдим.

Тошкент бўйлаб Муқимов кўчасини ахтара бошладим. Аммо бундай кўчадан асар ҳам йўқ эди. Уч кун вокзалда ётиб юрдим. Бор пулимни таксига сарфлай бошладим. Калламга «Тоғамларникига телефон қилиб, адресни яна бир бор сўрасам-чи?» деган фикр келди. Телефонда бир амаллаб уй томон билан боғландим. Трубкани тоғамнинг қизи Ёркиной олди.

— Ёркин, ўлгайсан, мен адашдим! Муқимов кўчасини сира тополмаяпман, — дедим йиғламоқдан бери бўлиб.

— Иби, сани олғай! Муқимов эмас, Мўминов кўчасини ахтар! Адресни нотўғри ёзиб олибсан, — деди у.

Мен сизга айтсам, алланечук бўлиб бўшашиб кетдим. Ахир шу кўчадан ҳар куни ўтаман-ку! Дарҳол такси ёллаб, яна ўша кўчага бордим. Керакли уйни топгач, энтикиб кўнғироқ тугмасини босдим. Ичкаридан Усмоғжон ака чиқди. Севиниб кетибман. Усмоғжон ака асли биз тарафдан. Институтда ишлайди. Дадамнинг синфдоши. Олдин дадам унга бир нима берган экан, у эса мени ўқишга киритишга ваъда берибди.

Мен Усмоғжон акага юкларим вокзалда қолганлигини айтдим. У киши: «Дарҳол опкелақол. Шу ерда туриб тайёрланаверасан, ўқишингни ўзим ҳал қиламан», дедилар. Хўп, дедиму таксиде зинғиллаб вокзал сари елдим. Аммо юк сақланадиган темир қутилар ёнига келгач, серрайиб қолдим. Буни қарангки, мен на номерни эслаб қолибман, на юкимни қайси қаторда жойлаштирганимни. Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Бошқалар аллақандай номерларни териб, юкларини олиб кетишяпти. Мен ҳам таваккалига бир қанча номерларни териб кўрдим. Аммо менинг номерларим ўтмади! Автомат ўлгур чамадонимни сира бермади. Хўрлигим келди: Ун беш тийиннинг ўрнига йигирма тийин ташлаб кўрдим. Барибир фойдаси бўлмади. Кейин эса буклаб-буклаб битта уч сўмлик ташладим. Автомат кўрғур шунда ҳам чамадонимни бермади.

Менинг тимирскиланиб юрганимни кўрган навбатчи милиционер сўроққа тутди. Воқеани тушунтирдим.

— Эҳ, йигитча, афандининг ерга олтин кўмиб, булутни белги қилиб кетгандай иш бўлибди-ку! — деди у жилмайиб.

Лекин ўзи роса олижаноб одам экан: темир эшикчаларни бирма-бир очиб кўрсатди. Ниҳоят, менинг қизғиш чамадоним топилди! Унинг васлига етганимдан севиниб кетдим.

Шундай қилиб, Усмонжон акаларникида яшаб, ўқишга тайёрлана бошладим. Хужжатларимни биргалашиб топширдик, албатта. Филфакда одам тирбанд экан.

Мен сизга айтсам, конкурсда оёғим тойиб кетишига сал қолди. Яхшиям Усмонжон ака бор экан, суяб қолди. Ниҳоят, кундузги бўлимга хужжат топшириб, кечкисига қабул қилиндим.

Қоида бўйича кундузи бирон жойда ишлаш керак экан. Усмонжон ака бир нашриётга ишга жойлаб қўйди. Ишим унча оғир эмас, корректорман. Қарабсизки, энди менинг номим ҳам китобларда чиқади! Ана омаду маъна омад, дейман ўзимга ўзим.

Аммо бу ерда ишларим ҳуркович отдай орқага кета бошлади. Хатолар йўлдошим бўлди. Мен сизга айтсам: бир брошюрада «Карамни вақти-вақти билан ўғитлаб туриш керак», деган жумлани «Карамни вақти-вақти билан ўғирлаб туриш керак», деб ўтказиб юборибман. Эртаси кунни ҳазилкаш қизлар мен ўтирадиган хона эшигига фамилиямнинг бош ҳарфи ва тўлиқ исмиمنى қўшиб «Хатобой», деб ёзиб кетишибди. Шу-шу, лақабим Хатобой бўлиб қолди.

Аммо-лекин ўзимам лақабимни икки юз фоиз оқладим, десам лоф бўлмас. Мен корректорлик қилган китобларда «адолат» «адоват»га, «мувофиқ» «мунофиқ»қа айланди. «Саломатлик — туман бойлик» рисоласида «Кўча-кўйларни чиннидай тозалаб туриш керак», деган жумлани «жиннидай тозалаб туриш керак», деб юборибман. Хуллас, кўп ўтмай паттамни тутқазиди. Начора, овим юришса ҳам довим юришмади. Институтда учта фандан қарз бўлиб қолдим. Иккинчи курснинг юзини кўрмай ўқишдан ҳам ҳайдалдим.

Хуллас, бир йил умрим янглишларга бой бўлиб ўтди. Энди уй томонга, қишлоққа кетяпман. Хоразмни роса соғиндим. Бир-икки йил ҳаётни ўрганаману яна Тошкентга қайтаман. Ёзувчилик қилмоқчиман. Уларга маза. Хато қилсалар ҳам осмон узилиб ерга тушмайди. Корректорлар тузатишаверади. Тўхтанг, тўхтанг, проводник нима деяпти?! Яна бир соатдан кейин Қўқонда бўламиз, деяптими? Ахир бу Хоразмнинг поезди эмасми? Вой шўрим! Ҳой, одамлар, бунинг «стоп-кран»и қаерда ўзи? Эҳ, яна янглишибман-ку!

### Хатоларни чалғитяпман

От айланиб қозигани топади, деганларидек, мана қишлоққа ҳам келиб қолдик. Отанам ва укаларим атрофимда минг айланиб, минг ўргилишади. Қўшниларни айтмай-сизми! Сўрашишлари бирам мулойимки, асти қўяверасиз. Ахир, кимсан — ўртоқ студент нақ шаҳардан келди-я! Мен эса отдан тушсам ҳам эгардан тушмайман. Ўзим пакана бўлганим билан димоғим баланд. Унча-мунча нарвон билан чиқолмайсиз.

Ўқишдан ҳайдалганимни, албатта, уйдагиларга сездирмадим. Уларга «Академотпуска олиб келдим. Бир-икки йил ҳаётни ўрганиб, ёзувчилик қилмоқчиман. Китобим чиққач, яна бемалол ўқишимни давом қилдиравераман. Домлаларим шундай қарорга келдилар», дедим сиполик билан. Бу гапни эшитиб, қўни-қўшниларнинг ихлоси орта борди. Улар академикларга бериладиган ижодий отпускаи, деб ўйлашди чоғи. Хуллас, ҳозирча-ишлар вада-ванг! Ўзим корректорлик қилган брак китобдан бир дона олиб келган эдим, ўша менга катта шуҳрат келтирди.

— Майли, домлаларнинг гапидан чиқма. Улар бамисоли рельс — шогирдларини тўғри йўлдан бошлаб борадилар. Устозлар гапига кирмаган шогирдлар издан чиққан поездга ўхшайди, — дея мени қўллаб-қувватлади дадам.

Ваҳоланки, мен аллақачон рельсдан чиққан эдим. Бирор юмушнинг бошини ушлашга менда журъат ҳам, ҳафсала ҳам йўқ. «Китоб ёзсанг, бизларнинг номимизни ҳам унут-массан. Ижодий ишингга фойдаси тегар», деб колхоз раисининг муовини менга кутубхонадан иш топиб берди.

Бугун кутубхонага ишга кетяпман. Кайфиятим жойида. Йўлакда учта қиз боряпти. Бирам сулуви кўрмағурлар. Уларни кўриб қишлоққа меҳрим ошиб кетди. Сал ўтмай, қизларни қувиб етдим.

— Ҳай, қизлар, орқамиздаги йигитга йўл берайлик! — деди улардан бири нозу истиғно билан.

— Юраверсанг-чи, ўзининг ҳам жа бизлардан ўтгиси келаётгани йўқ, — дея жеркиди ёнидаги дугонаси.

Хуллас, кутубхонани ҳамқишлоғим Нозигулдан қабул қилиб оладиган бўлдим. У яқинда пединститутни тамомлабди. Энди мактабга ишга борар эмиш. Одамлар бало, дейман. У аёл боши билан ўқишни битирди. Бунинг устига учта болани тарбияляпти. Энди эса бутун қишлоқнинг чурвақаларига таълим беради. Менинг эса аҳволим бу! Нозигулга ҳавасим келиб кетди.

Кутубхонани қабул қилаётганимда китобларни санаб, пулга чақиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим. Ўзингиз айтинг, ахир мендай бир маданиятли йигит тийинма-тийин ҳисоблашиб ўтирса, уят бўлмайдимми?! Қолаверса, уларни бирма-бир санаб, қимматли вақтимни кетказиб нима қиламан? Китоб номидики, биров еса.



— Китобларнинг ҳаммаси жойидами ўзи — сўрадим Нозигулдан.

— Бўлмаса-чи, вой, нима деяписиз? Ҳатто бир дона китоб ортиқча бўлиши керак. Ишга кирган йилим ойимларниқидан келтирган эдим, — деди у таманно билан.

Шундай қилиб, қаердан чиқса, шу ердан чиқсин, деб кўзни юмиб, топшириш-қабул қилиш актига имзо чекиб юбордим. Қаердан чиқарди, каминанинг чўнтагидан-да! Нозигул мени нозига чувалаштириб кетган экан. Буни анча кейин билдим. Оббо, яна омадим келмади-ку! Уч ойдан бери ишлаган маошимни камомадга харжлаб зўрға қутулдим. Эндигина елкамга офтоб тегаётир. Аммо бир кун келиб бу офтоб елкани куйдириб юбормаса, деб кўрқаман. Ҳарқалай, чўнтагим оз-моз пул кўраётир.

Камомад воқеаси менга кучли таъсир қилди. Тўрт кеча уриниб, бир кичик шеър ёздим. Уқи, дейсизми? Эшитинг, бўлмаса:

#### ИҚРОР

Санамай қўл қўйдим,  
Хатога йўл қўйдим.

Қалай, сизга ёқдими?

Мен сизга айтсам, Ҳиндистондами, Бразилия тарафлардами, хуллас, аллақайси бир мамлакатда ажойиб удум бор экан: ҳомиладор аёлнинг кўзи ёриси, инсу жинсларни чалғитиш учун унинг ўрнига эри кўрпа-тўшак қилиб ётиб олар экан. Мен ҳам ана шундай йўл билан ўзимга мўр-малаҳдай ёпишиб олган хатоларни чалғитмоқчи бўлдим. Қанақа қилиб, дейсизми? Шошилмасдан эшитингда, мундоқ. Менимча, хатолар кишининг исмини билиб, унга ўчакишади. Бўлмаса, анави Жуманазар нега ҳеч хатога йўл қўймайди? Ишлари бинойидек юришиб турибди. Албатта, исмда ҳам гап бор. Мен хатоларни чалғитиш учун ўзимга тахаллус танладим, ахир тахаллуссиз шоир борми ўзи? Шундай қилиб, каминани энди «Рисолайи» деб қақираверсангиз бўлади. Ишларим рисоладагидек бўлсин, деган ниятда шу тахаллусни маъқул кўрдим.

#### Биринчи қувонч

Шу дейман, тахаллусни олдинроқ танласам бўлар экан. Назаримда ишларим салпал юришгандай бўлди. Мана, кутубхонада ишлаётганимга ҳам ярим йилдан ошай деб қолди. Ҳозир кутубхонами ёпиб дағал хашак тайёрлаш билан бандмиз. Шерикларим янтоқ чопади. Мен бўлсам кунора район газетаси редакциясига чопаман. Тўғриси, ҳозир янтоқ ҳам қолмади. Оқбош чопаетирмиз. Подачиларнинг бизга раҳми келади.

— Эҳ, жўра, сизларга жавр бўлди-да! Ахир бу оқбошларни мол ермиди? Оқбош ғарами қиши билан сичқонларга бошпана бўлишдан бошқа нарсага ярамайди. Баҳорда эса ёқиб юборамиз. Нега десанг сичқон молларда қутуриш касаллигини тарқатади, — дейишди подачилар.

Буни район маданият бўлимнинг мудирига айтсам у: «Биз топшириқни бажаришимиз керак. Нима, ишдан бўйин товламоқчимисан? Ахир текин ишлаб бериш коммунистик меҳнатнинг бир формаси-ку!» дейди.

— Унда айтинг-чи, кутубхоналарнинг эшигига отнинг калласидек қулф осиб қўйиш қайси меҳнат формасига киради? — десам, маданият бўлими мудирни мени жеркиб ташлади:

— Бу боришда сендан от қолмайди, бола!

Қизиқ, мен умримда от боқмаган бўлсам! Биз жимгина оқбошларни қийрата бошладик. Кетмон мени бир ҳафтанинг ичида қодоққўл кутубхоначига айлантирди қўйди. Қўлим, ёмғир ёғаётган пайтда кўлмакнинг юзини кўрган бўлсангиз, ана шундай бўлиб қолди. Кафтимда пуфакчалар пайдо бўлди.

Ҳа, айтмоқчи, редакция гапи чала қолди. Газета билан аста-секин алоқани мустаҳкамлаётирман. Маданият ва турмуш бўлими мудирини Нодир Қодир билан танишиб олдим. Унинг қўлбола тахаллуси «Укам» экан. Ҳамкасбларининг айтишича, Нодир Қодир ҳатто отасига ҳам «укам»лаб гапирар экан.

Дастлаб бир-иккита шеърларимни олиб борган эдим, Нодир Қодир:

— Шеърни илҳом билан ёзиш керак, укам. Булар ҳали хом. Лекин «Кўршапалак» деган шеърингизни сал-пал тузатиб бераверса ҳам бўлаверардию дарров чиқса, қизиғи қолмайди. Қани, изланаверинг-чи, укам, — деди бурнини жийириб.

Ҳарқалай, унинг бу гапи менда умид уйғотди, салгина энсамни ҳам қотирди.

Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас редакцияга янги машқларимни кўтариб бордим. Нодир Қодирга кутубхонадаги энг яхши китоблардан учтасини совға қилдим. Унинг столига «Овда» деган шеъриму

Зерикиб қолсангиз гар китоб ўқинг,  
Хоҳласангиз секин, ё шитоб ўқинг, —

байти билан бошланувчи ғазалимни қўйдим. Ғазалимни ўқиб чиққач, Нодир Қодирнинг лаби қимтилди:

— Укам, буни бармоқда ёзган кўринасиз?

Нима дейишимни билмай, каловланиб қолдим. Булар ғазални нимада ёзишар экан ўзи?! Ҳазиллашяптими, десам, ранг-рўйлари жиддий. Индамай қўя қолдим. У тагин давом этди:

— Билмасангиз, билиб қўйинг, укам. Сизга маслаҳатим шуки, ҳар вақтда бирор нарса ёзаётганингизда албатта, олдингизда адабиёт назарияси китоби бўлсин. Ана шундагина ёзган нарсангиз ғоявий-назарий жиҳатдан пишиқ бўлади!

Ажабо, дейман, ўзимга ўзим. Булар ғазални нимада ёзишаркан-а?! Қарасам, иккала қўлининг бармоқлари ҳам бус-бутун кўринади. Топдим, машинкада ёзсалар керак-да. Ахир, ундай десам, машинкада ҳам бармоқсиз ёзиб бўлмайди-ку! Бу жумбоқ роса бошимни қотирадиган кўринади. Қизиқ! Нодир Қодирдан сўрашга-ку тортинман. Шуни ҳам билмас экан, дейиши мумкин.

«Овда» деган шеърим ўн олти бандли бўлиб,

Кўлимдаги овмилтиқ  
Олов сочиб боради.  
Олдимда уч жуфт куён  
Сакраб-қочиб боради. —

деган банди саккиз жойда такрорланиб келарди.

— Ҳар бир фикр мантиқан асосланган бўлиши керак, укам. Бу дейман, қуёнлар сира ўлмайдимми?! — деди уни ўқиб чиққан Нодир Қодир.

Рости, бу ёғини ўйламаган эканман. Роса мулзам бўлдим. Совғага олиб келган китобларим ҳам иш бермай қолди.

— Асар ёзаётганида автор ҳамиша ўз олдига «Хўш, нега?» деган саволни қўйсин ва шу саволга жавоб топа олсин, — дея танбеҳ берди у.

Ижодий фаолиятимни асло бўшаштирганим йўқ. Кутубхонада ўтириб, «Акса» деган шеър ёздим. Шу заҳоти кутубхонани қулфладиму велосипедни миниб, редакцияга равона бўлдим. Борсам, ҳайтовур, бахтимга Нодир Қодир бор экан. Илжайиб шеърни узатдим. Бирпасда кўздан кечирдию, оқ шеър экан, деди. Сал ёришиб кетдим. Чунки, қора шеър, деса, қоралаб чиқармас эди, дейман ўзимча. Ниҳоят, у шеъримни овоз чиқариб ўқий бошлади:

#### АКСА

Хотинимни эмас,  
Мен сени  
Ураман,  
Акса!

Кейин у менга боқиб: «Хўш, нега?» деди.

— Чунки менинг хотиним йўқ! — дедим ҳозиржавоблик билан.

Севинчим чексиз эди. Нега десангиз, «Хўш, нега?» саволига жавоб бера оладиган шеър ёзган эдим-да!

— Баракалла, — деди Нодир Қодир, — мана буни шеър деса бўлади. Кутинг, укам, шу шеърингизни чиқариб бераман!

«Бармоқда ёзганимни билмади, шекилли», дея ич-ичимдан қувонаман.

Менинг учун кутиш дамлари бошланди. Ҳар куни газетанинг янги сонини кутавериб, кўзларим тўрт бўлиб кетди. Ўзиям район газетаси икки кунда бир марта чиқар экан. Мен сизга айтсам, кутишдан оғир дард йўққа ўхшайди. Начора, жон куйдирмасанг, жоннона қайда, деганлар. Газетанинг ҳар бир сонини ипидан-игнасигача ўқиб чиқаман. Шеърдан эса дарак бўлавермади. Нодир Қодирга телефон қилиб сўрасам, «тушириб юбордик» дейди. Қанақасига тушириб юборар экан?! Шеър дегани чойнак ёки пиёла бўлмаса? Рухим синди. Унинг чиқишидан бутунлай умидимни уздим. Ё чўнтагидан тушиб қолганмикан, деб ўйлайман.

Лекин оддий шанба кунларининг бирида менга омад кулиб боқса бўладими лоп этиб! Газетани шундоқ ҳафсаласизлик билан қўлга олсам, «Шанба саҳифаси»да шеърим чиқибди! Ўзимга ишонмай, кўзларимни қайта очиб юмдим. «Акса» деган ёзувга кўзим тушиши билан юрагим ҳаприқиб кетди. Менинг бу ҳолатимни газетада шеър чиқариб кўрган инсон билмаса, бошқа билмайди. Қайта-қайта ўқийман: Рисолай, район марказий кутубхонасининг 13-филиали мудири.

Газетани уйдагиларга бирма-бир кўрсатиб чиқдим. Бошқалар ўқиганмикан? Почтальон газетани тўлиқ тарқатган бўлсин-да, ишқилиб! Секин гузарга чиқдим. Чойхонада ўн чоғли киши гурунглашиб ўтиришарди. Виқор билан уларга яқинлашдим.

— Мана, чиқаркан-ку! — деди улардан бири ҳаяжон билан.

Мен, ҳойнаҳой, бизнинг шеърни айтяпти, деб севиниб кетдим.

— Мана, чиқаркан-ку, — дея такрорлади у шоша-пиша. — Кўплар лотереяга ютуқ чиқмайди, дейишади. Нақ «Жигули» ютибди-я, азамат! Мана, ўқиб кўргин, — дея у менга район газетасини узатди.

Ҳафсалам пир бўлиб кетди. «Отақулнинг омади» деган кичик хабарни ёқар-ёқмас ўқиб чиқдим.

— Ашир ака, вой менинг ҳам омадим келибди-ку! Шеърим чиқибди! — дедим жонҳолатда: гўё газетани ҳозир кўраётгандай.

— Табриклаймиз, жўжахўроз, анойи эмассан. Қишлоғимиздан шоир чиқадиган бўлди-да! Буни нишонламасак, хафа бўлишинг турган гап, — дея улар мени уйга суд-рашди. Севинчининг зўридан битта қўйни бўғизладиқ. Узимни шунақанги енгил ҳис қиламанки, гўё оёғим ерга тегмай, аста учиб юргандайман.

Шу куни тун бўйи ухлолмай чиқдим. Уринга кириб ярим соат ётгач, чироқни ёқиб, яна газетага тикиламан. Бу ҳол эрталабгача давом этди. Эртаси куни Тошкентга кетишга ҳозирлана бошладим. Мен энди қишлоқда ортиқ қололмасдим! Ҳарқалай, шоирлар марказда яшагани маъқул. Ғарбда «Шоирлар қишлоқда туғилиб, Парижда ўладилар», деган нақл бор. Шунга амал қилиб мен ҳам Тошкентга талпиндим. Уйдагилар «Уйлан-тириб қўямиз. Олдин тўйни ўтказиб олайлик» дея зорланишди. Қулоқ солмадим. Хотин деганингиз оёққа тушов бўлади.

— Дарҳол сигирни сотиб, пуллаб беринг! — дедим дадамга.

— Қандоқ бўларкин? Унинг сут-қатиғидан бутун бир оила баҳраманд бўлиб турибди! — дея каловланди дадам. Хайрият, қўшнилари ўртага тушдилар.

— Унинг шеърларидан эса бутун халқ баҳраманд бўлади. Тор ўйламанг, — дея дадамни зўрға кўндиришди.

Икки кун ичида кутубхонани топшириб, Тошкентга равона бўлдим. Қистоғда Нодир Қодир билан хайрлашишга ҳам вақт тополмадим. Шундай қилиб, мен ким Рисолайи пойтахтга жўнадим, назаримда каминани буюк ишлар кутмоқда эди!

### Давоми келгуси сонда

## Дўстона пайровлар

Тиллакўнғизни сув оқизиб кетди,  
Биз ўй сурдик қўлни иякка тираб.  
Ўлгунча биргамиз... қасамлар ичдик,  
Кетаверди кўнғиз шўрлик мўлтираб.

Муҳаммад Юсуфнинг «Богда» шеърдан.

Темирбетон шаҳар, улкан тош шаҳар,  
Тошюрак, сочлари кесилган қизлар.  
Тиллакўнғиз нима, ногаҳон агар  
Мен оқиб кетсам ҳам қайғурмайсизлар.

Билмайсиз, билмайсиз, эҳ, сиз билмайсиз  
Марҳамат борлигин ё Каттакўрғон.

Бизни қишлоқи деб кўзга илмайсиз,  
Сиз учун кентингиз ягона жаҳон.

Шафқатни ўрганинг яхшиси биздан,  
Сўнг иякни ушлаб хаёл сурмоқни.  
«Севаман» сўзини эшитиб қиздан,  
Қилт этмай кўнғизни ўйлаб турмоқни.

## Ҳайронлик

Бу балиқлар нега жим,  
Чиқармас бирон товуш.  
Сабабини билар ким —  
Қувонмас, қилмас нолиш.

Қамбар Утаевнинг «Капини тингласа» шеърдан.

Тинчин йўқотди Холик,  
Бир сири бор ҳар тугул —  
«Нега гапирмас балиқ?»  
Англамоқ жуда мушкул.  
Ўзича қўяр кулиб  
Балиққа ўхшар Толиб.  
Дарсда оғиз очолмай  
Юради «икки» олиб.  
Уйқуда ётиб бир тун  
Зўр, туш кўрибди Холик.

Лиқ тўла зал. Минбарга  
Чиққанмиш лаққа балиқ.  
Дермиш: «Майда гаплардан  
Шеър тўқиб юргунча биз,  
Оғизни очмасликни  
Минг бор афзал кўрамиз»  
Гапнинг индаллосини  
Шунда англади Холик.  
Сўз қадрин туширмай деб  
Гапирмас экан балиқ.

Нафас ДУСАНОВ

<b>ПУБЛИЦИСТИКА</b>	
Э. В. Воробьев. Социализм ва тинчлик посбонлари	3
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Муҳаммад Али. Рамаёна оҳангларида	7
Қамбар Утаев. Узгаларнинг бахти жонингда турсин	52
<b>НАСР</b>	
Зоҳир Аълам. Афандининг қирқ бир пашшаси. Қисса	16
Ўйлон. Кеча ва кундуз. Роман	61
<b>БУЛОҚ КУЗ ОЧДИ</b>	
Рауф Субҳон. Сенга етмоғим шарт, бир кун келажак!	55
<b>БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ</b>	
Ибройим Юсупов. Булбул уяси. Достон	149
<b>ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР</b>	
Ўткир Ҳошимов. Авлодларга нима деймиз?	152
Зиёвуддин Акрамов, Абдуҳаким Қайюмов. Қишлоқ ва табиат	181
<b>САНЪАТ</b>	
Зикир Муҳаммаджонов. Телеэкран ва ҳаёт ҳақиқати	163
<b>БОЛАЛАР ДУНЕСИ</b>	
Шамол менга ёқади. Толиб Йўлдош, Ҳабиб Раҳмат, Султон Жаббор, Дилмурод Жабборов, Мирза Абдулла, Дилшод Ражабов, Сарвар шеърлари	167
<b>ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ</b>	
Ўзод Шарафиддинов, Ортиқбой Абдуллаев. Умр бўйи давом этадиган синов	172
<b>НАВОИЙХОНЛИК</b>	
Ўғулм Каримов. Дилорому Дилорою Дилосо	188
Ўргашали Шодиев. «Хамса»нинг тожик элидаги шухрати	194
<b>БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ</b>	
Бердақ. Янги топилган шеърларидан	197
Акс-садо	199
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Исмоил Оллоберганов. Хатобойнинг саргузаштлари Қисса	203
Нафас Дўсанов. Дўстона пайровлар	207

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
(Звезда Востока)  
№ 2

Орган Союза писателей Узбекской ССР  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор А. Ҳайдаров.

Рассом Ф. Алимов.

Корректор М. Имомов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 08.12.87 й. Босишга рухсат этилди 28.01.88 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Р-08501. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт  
хисоб листи 20,2. Тиражи 170132. Буюртма 2338.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41